

821.592

Д 49

Sunday Times» бестселлери

Отасининг ортидан Освенцимга кетган бола

Реал воқеага асосланган



Жереми Дронфилд

«Sunday Times» бестселлери

ЖЕРЕМИ ДРОНФИЛД

**Отасининг
ортидан
Освенцимга
кетган бола**

Реал воеага асосланган

“ИЛМ-ЗИЁ-ЗА,
Тошкент 2021

ББК 821.00 01

УДК 321. 33. 01

ИСБН 978-9943-7551 8-5

Жереми Дронфилд «Отасининг ортидан Освенцимга кетган бола» / «ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ» нашриёти,
Тошкент 2021, 400 б.

Вена, 1939 йил. Нацистлар полицияси оддий хунарманд Густав Кляйнман билан унинг ўғли Фрицни ҳибсга олиб, уларни Бухенвальдга жўнатадилар. Махбуслар у ерда кийноқ, очлик ва концлагер қурилиши бўйича тинкани куритадиган оғир меҳнатдан азобланадилар. Бир йил ўтгач, улар орасидаги ришталар оғир синовга дучор бўлади, Густавни Освенцимга жўнатадилар, бу эса, моҳиятан ўлим ҳукмини билдирарди, – ва Фриц ўз жонини асраш ҳақида ўйламасдан, отасининг ортидан кетади. Густавнинг махфий кундалик дафтарига асосланиб ва архив материалларини синчковлик билан тадқиқ этган ҳолда, ушбу китоб илк бор акл бовар этмас жасорат ва Холокост тарихида ўхшаши бўлмаган тирик қолиш воқеасини баён этади. "Отасининг ортидан Освенцимга кетган бола" – одамларда яхши ва ёмон жиҳатлар мавжудлиги, якинларнинг ўзаро меҳри хамда инсон руҳининг кувватини эслатувчи асардир.

Ушбу китобнинг муаллифлик ҳуқуқи "Azb.uz" интернет дўйконининг "Azbobooks" лойиҳасига тегисиши бўлиб, "Azbobooks" руҳсатисиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиғланади.

© Jeremy Dronfield

© Azbobooks

© Ilm -ziyo-zakovat

ИСБН 978-9943-7551 8-5

Жереми Дронфилд
ОТАСИННИГ ОРТИДАН ОСВЕНЦИМГА
КЕТГАН БОЛА

Ҳақиқий бўлган воқеа

МУАЛЛИФ СЎЗБОШИСИ

Бу ҳақиқатда содир бўлган воқеа. Ҳар бир инсон, ҳар бир ҳодиса, ҳар бир бурилиш ва акл бовар қилмас ҳар бир тасодиф – ҳаммаси тарихий манбалардан олинган. Тасвирланган ҳодисаларнинг кўпи шу қадар қўрқинчли ва азоблантирадики, бу ҳақиқатга тўғри келмайди, бунинг содир бўлиши мумкин эмас, деб ўйлагинг келади. Бирок буларнинг барчаси содир бўлди ва тириклар хотирасида колди.

Холокост тўғрисида жуда кўп воқеалар маълум, бирок уларнинг ҳеч бири бунисига ўхшамайди. Ота-ўғил Густав ва Фриц Кляйнманларнинг бошидан кечган кўргиликларнинг айrim жиҳатлари гарчи бошқа воқеаларни эслатса ҳам, буниси ноёблиги билан бошқаларидан фарқ қиласди. 1930-йиллар охиридаги дастлабка оммавий тарзда ҳибсга олиш даврида нацистлар концлагерларига тушган яхудийларнинг жуда камчилиги у ерда Якуний Қарордан омон қолиш, ва ниҳоят, узок кутилган халос бўлиш бахтига мушарраф бўлдилар. Ва, билишимча, ҳеч ким нацистлар босқинчилигидан бошлаб Бухенвальду Освенцимгача, лагер Қаршилиги ҳамда янада нарирок, Маутхаузен, Миттельбау-Дор, Берген-Бельзенгача пиёда ўлим юришларидан ўтиб, бу дўзах ичидан икковлон, ота ва ўғил уйга тирик қайтмаган. Ҳар қалай, тирик қолганлар бундай ёзма далиллар колдиришмаган. Ушбу китоб бош қаҳрамонлари

такдирида омад ва жасорат маълум ролни ўйнаган, бирок Густав билан Фрицнинг омон қолишига энг аввало уларнинг ўзаро меҳрмуҳаббати ва садоқати ёрдам берди. “Бу бола – менинг энг асосий кувончим, – деб ёзганди Густав ўзининг маҳфий Бухенвальд кундалигида. – Биз бир-бири мизга далда бўламиз. Биз ажралмас, бир бутунмиз”. Бир йилдан кейин Густавни Освенцимга жўнатишганда, – бу аслида ўлим ҳукмини билдирарди, – улар орасидаги ришталар оғир синовга дучор этилди, ўша кезда Фриц ўзининг омон қолиши хақида ўйламай, отасининг ортидан боришини афзал кўрди.

Мазкур воқеага мен бутун қалбимни бағишиладим. У гўё роман каби ўқилади. Мен қандайин ёзувчи бўлсан, шундайнин тарихчиман; лекин ҳеч нимани тўкиб чиқариш ёки безаб-бўрттиришимга тўғри келмади; ҳатто бу ерда иқтибос келтирилган диалоглардан парчалар ҳам ишончли манбаларга кўра тикланди. Китобга Густав Кляйнман 1939 йил октябридан 1945 йил июлига қадар концентрацион лагерларда ёзиб юрган кундалиги, шунингдек, Фрицнинг мемуарлари ҳамда 1997 йилдаги интервьюси асос қилиб олинган. Унисини ҳам, бошқасини ҳам ўқиш ниҳоятда оғир. Ҳиссиётлар жунбушга келиши билан бирга, лагерь шароитларида битилган кундалик узук-юлуқ ҳамда оддий одам тушунолмайдиган бир талай жумбоқли ишоралардан иборат (ҳатто Холокост тарихчилари ҳам айрим ёзувларни шифрдан чиқариш учун қўшимча манбаларга мурожаат этишларига тўғри келарди). Густав кундалигини қачонлардир бирор ўқисин деб эмас, ўзи ақлдан озиб қолмаслик учун ёзган; ўша кезларда белгиланган изоҳлар муаллифнинг ўзигагина тушунарли бўлган. Ўқувчи дикқатига ҳавола этилган кундалик Холокостни ҳафтама-ҳафта, ойма-ой, йилма-йил бошидан ўтказиш имконини беради.

Ажабо, лекин у биз учун, шунингдек, Густавнинг енгилмас ички шижаоти ва кўтаринки руҳини ҳам очиб беради: “...хар куни

ўзимга карата ўзим дуо ўкийман: *Күнглингни чүкттирма. Тишни тишга қўйиб, чида – эсэсчи жаллодлар сени енга олмайди*”. Оиланинг омон қолган аъзолари билан суҳбатлар воқеани шахсий деталлар билан тўлдиришга ёрдам берди. Бутун хикоя – 1930-йилларда Венадаги ҳаётдан то лагерларнинг тузилиши ва улар бошликларининг феъл-атворларигача – хужжатли далиллар билан: собиқ маҳкумлар кўрсатмалари, лагерь реестрлари ва ҳатто энг ҳайратланарли ва акл бовар этмас тафсилотларни ҳам тасдикловчи бошқа расмий ҳужжатлар билан асосланган.

Жереми Дронфилд, 2018 йил, июнь

КУРТ КЛЯЙНМАННИНГ СЎЗБОШИСИ

Ушбу китобда тасвирланган даҳшатли кунлардан етмиш йилдан ортиқ вақт ўтди. Оиласминг омон қолиши, ўлимлари ва халос бўлишлари воқеаси ўша даврда яшаган барча бошқа инсонларга: лагерларга тушган, яқин кишиларидан айрилган ёки, баҳти чопиб, нацистлар режимидан қоча билган ҳамма одамларга тааллукли. У азият чеккан ва шу боис ҳеч қачон унтилмаслиги зарур бўлган инсонларга тааллукли.

Отам билан акам бешта ҳар тури концентрацион лагерларда бошидан кечирганлари – Холокост амалларининг жонли гувоҳидир. Уларнинг ҳаётга нисбатан иродаси, ота билан ўғил орасидаги бирлик, уларнинг жасорати ва шу билан бирга, омади ҳозирги кунда яшаётганларнинг ақли бовар килмас, аммо айнан шу жиҳатлар ўша кезда сабот билан туриб бериш учун ёрдам берди.

Гитлер Австрияни забт этган заҳоти онам хавфни биринчи бўлиб сезди. Опам 1939 йилда Англияга эмиграция қилмоқчи бўлганида, онам уни ҳар тарафлама қўллаб-куватлади. Мен нацистлар бошқарган кезларда Венада уч йил яшадим, 1941 йил февралида онам мени АҚШ га жўнатишга муваффақ бўлди. Бу ҳаётимни нафақат асраб қолди, балки мени ўз жигари каби қабул килган меҳрибон оила уйига киритди. Иккинчи опамнинг омади чопмади. Онам билан опам ҳибсга олиниб, бошқа минглаб яхудийлар билан бирга, Минск якинидаги ўлим лагерига жўнатилдилар. Бир неча ўн йиллар давомида уларни ўша ерда ўлдирганларинигина билардим, ҳатто ўша узоқ жойларни зиёрат ҳам қилдим, лекин барибир мазкур китобда ўлим жазосининг қандай ижро этилиши тафсилотларини ўқиганимда, жуда қаттиқ таъсирандим.

Отам билан акам омон қолишли ва китоб биринчи навбатда айнан уларга бағишиланган. Мен жўнаб кетганимдан кейин 15 йил

үтгач, Венага қайтиб, ҳарбий хизматда бўлганимда, 1953 йилда улар билан яна учрашдим. Кейинги йилларда хотиним Диана мен билан ва ўғилларимиз билан жуда кўп бор Венага бордик, фарзандларим боболари ва амакилари билан танишиб олдилар. Орамизда узоқ айрилиқ ва Холокост кечмишларига чидаб ўтган мустаҳкам алока сакланиб қолди.

Гарчи Вена ёки Австрияга нисбатан менда душманлик колмаган бўлса ҳам, бу она ватаним тарихида рўй берган воқеаларни унтишим ёки кечира олишим мумкинлигини билдирамайди. 1966 йилда отам билан ўгай онам АҚШ га келиб, опам билан мени қўриб кетишиди. Биз уларга янги ватанимиз гўзалликларини кўрсатдик ва Массачусетсдаги мени қабул қилган оиласам билан таништиридик. Шодлик ва миннатдорчиликка тўлиқ ўша учрашувда менинг дунёга келишим ва бу оламда омон қолишимга сабабчи бўлган энг кадрли кишиларим бирлашдилар.

Отаси ортидан Освенцимга кетган бола – бу менинг оиласминг ларзага соловчи, таъсирчан, шу билан бирга, батафсил ва ҳақиқий воқеаси. Бу маълумотларни тўплаб, шу китобни ёзгани учун Жерами Дронфилдга барча миннатдорчилигимни изхор этишга сўз йўқ. Менинг бошимдан кечган воқеалар ва опамнинг хотиралари концлагерларда отам билан акамнинг кечмишлари ҳақидаги хикоялар билан чирмасиб кетади. Мазкур китоб одамларни Холокост тўғрисида эслашга мажбур килиши ва бизнинг кечмишларимиз ҳеч қачон унутилмаслигидан миннатдорман.

*Курт Кляйнман
2018 йил, август*

МУҚАДДИМА

Австрия, 1945 йил, январь

Фриц Кляйнман очиқ юк вагони ичига кирган қақшатқич совуқдан ихтиёrsиз жунжиккан кўйи вагон билан бир мақомда тебранарди. Унинг ёнида буткул тинка-мадори қуриган отаси буқчайган ҳолда мизғирди. Атрофда худди шундай бўзарган шаклдаги кишилар ўтиришарди; ой нури уларнинг йўл-йўл маҳбусона пойжомаси ҳамда териси устихонига ёпишиб кетган ёнокларини ёритарди. Фрицнинг кочиш вақти етганди: у салгина ҳаяллайдиган бўлса – жуда кеч бўларди.

Улар Освенцимдан жўнаб кетганларидан саккиз кун ўтганди. Дастребки олтмиш километрни колонна пиёда босиб ўтди: эсэсчилар бостириб келаётган Қизил армиядан қочганча, маҳбусларни қалин ёқсан қорда ғарб томонга ҳайдашарди. Колоннанинг ортида тез-тез отишмалар эшишиларди – юришни давом эттиrolмаганларни жойида отиб ташлашарди. Ҳеч ким орқасига ўтирилиб қарамасди.

Кейин уларни Рейх ичкарисига йўналган поездга ўтқазиши. Фриц ҳар доимгидай отаси билан бирга эди. Уларни Австрия ҳудудида жойлашган Маутхаузенга олиб боришарди. СС чилар ишга ярокли маҳбусларнинг сўнгги кучларини ҳам сугуриб олгандан кейин улардан ҳам кутилиш учун асиirlар қолдикларини ўша ерга тўплашарди. Ҳар вагонга бир юз кирқ киши тўғри келарди; аввалига улар тикка туришарди, бироқ секин-аста совуқ уларни ўлдира бошлади ва полда жой бўшаб, ўтириш мумкин бўлиб қолди. Мурдаларни вагон бурчагига тўплашар, уларнинг кийимларини эса тирик қолганлар исиниш учун ўзларига олишарди. Бироқ, гарчи улар оёқларида базур турган бўлсалар ҳам, ҳали ишлашга лаёқатли баҳтиёр кишилар эди – уларнинг кўпчилик ака-укалари, опа-сингиллари, хотинлари, оналари ҳамда фарзандларини ўлдиришган ёки ғарбга пиёда ҳайдаб кетишган ва улар йўлда ҳалок бўлишганди.

Етти йил илгари, мана шу даҳшат бошланган чоғда, Фриц хали бола эди; у нацистлар лагерида йигитта айланди – ўша ерда у ўрганди, улгайди ва уни умиддан воз кечишга мажбур қилишга урингандарга қаршилик қилди. У мана шу куннинг келишини аввалдан билар ва унга ҳозирланарди. Отаси билан ўзи эгнидаги лагернинг маҳсус кийими остидан Фриц Освенцим Қаршилигидаги дўстлари орқали топган фукаролик либосини кийиб олишганди.

Поезд уларнинг қачонлардир уйи бўлган – Вена шахридан ўтди, кейин эса ғарбга бурилди. Бу сўнгти манзилга қандайdir ўн беш километр қолганини билдирарди. Улар ўз ватанида эдилар ва энди қочишга қарор қилгач, уларни бемалол маҳаллий ишчилардай қабул қилишлари мумкин эди.

Фриц отасидан хавотирлангани боис, қарорини амалга ошириш лаҳзасини чўзарди. Густав эллік уч ёшга тўлган бўлиб, анча кексайиб ва тинка-мадори куриб қолганди – умуман, унинг шунчалар узоқ муддат бардош берганинг ўзи ажабланарли эди. Энди мана, уларнинг тақдири ҳал бўлаётган чоғда, шунчаки ўрнидан туришга унинг ҳоли йўқ эди. У кучдан қолганди. Лекин Густав ўғлини омон қолиш имконидан маҳрум этишни сира ҳам хоҳламасди. Шунча йиллар мобайнида ҳаёт учун курашда бирбирини кўллаб-куватлаганларидан кейин айрилиқ жуда азобланарли эди, шундай бўлса-да, у Фрицни ёлғиз қочишга қатъият билан ундарди. Фриц отасига жилла курса, уриниб кўрайлик, дея ялинарди, аммо отаси гапида қатъий турди. “Худо сени паноҳида асрайди, – деди у. – Менинг қўлимдан келмайди. Ҳаддан зиёд ҳолсизман”.

Фриц яна бироз сусайса, кеч бўларди. У ўрнидан туриб, эгнидаги жонига теккан йўл-йўл пойжомани ечди; кейин отасини бағрига босиб, ўпди ва унинг ёрдамида вагоннинг ён тарафидаги сирпанчик борти орқали ташқарига ўтиб олди.

Унинг юзига муздек шамол урилди. У эсесчи коровуллар ўтирган кўшни вагонлардаги кўрикчилар тарафга хавотирланиб назар ташлади. Ой тўлишига икки кун қолгани боис, у ёркин нур сочар, ойдинда корга ғаройиб шарпалар тушар, ҳар кандай харакат дарҳол кўзга ташланарди. Поезд энг катта тезликда сирғалганча гумбурларди. Фриц бутун иродасини муштига тугиб ва яхшиликка умид қилган кўйи аёзли ҳаво окимиига қарши ўзини олдинга отди.

Биринчи кисм

ВЕНА

Етти ишл мүқаддам...

«ЯХУДИЙЛАР ҚОНИ ПИЧОҚДАН ОҚИБ ТУШГАН ЧОҒДА...»

Густав Кляйнман ингичка бармоклари билан тикув машинкаси мурвати остига матони итарди ва у пулемёт каби тариллаб ишлаб кетди, игна эса ўз ортидан узун чокни майнин судрарди. Унинг иш жойи ёнида аллақачон эскириб, тузатилишини талаб этган оромкурси ғўради. Густав матони чоклаб бўлгач, оромкурсининг ён томонидаги тирсаккўйгич устига қоплаб, мебел михларини болға билан бир текисда уриб, коқа бошлади. У ишлашни яхши қўради. Танлаш учун ўзга иш ҳам йўқ: оиласида хотини ва тўртта боласи бор ўрта ёшли эркак учун унинг ишлаётган иши ҳам ёмон эмас эди. Густав жуда яхши уста бўлса ҳам, бироқ уни ўта ишбилармон деб бўлмасди, хозирча рўзгорини амал-тақал тебратиб туради. У Австро-Венгрия империясининг вилояти бўлмиш қадимги Галиция кироллигидаги кўл бўйида жойлашган кичик бир қишлоқда туғилган бўлиб, ўн беш ёшида қопловчилик хунарини ўрганиш учун Венага келган ва шу ерда қолиб кетганди. Йигирма бир ёшга тўлган баҳор чоғида Густав ҳарбий хизматга чақирилди ва у Биринчи жаҳон урушида жанг қилиб, икки бор яраланди, жасорати учун медаль олди. Уруш тугаганида эса, Венадаги мўъжазгина устахонасига қайтиб келди ва шу ерда секин-аста маълум муваффакиятга эриша олди. Ҳали уруш чоғидаёқ у Тини исмли севган қизига уйланди ва уларнинг тўрт нафар жуда яхши, ақлли фарзандлари туғилди. Унинг ҳаёти ҳеч қандай ортиқча ҳашаматсиз, осон бўлмаган меҳнатга тўлиқ эди, бироқ Густав

борига шукур қилиб, озрок насибаси етиб турганига ҳам хурсанд бўлишни биларди.

Унинг ўйларини самолётлар моторлари шовқини бузди; у гумбурлади, кейин эса гўё шаҳар узра айланадек янада баландроқ ғувиллади. У ҳайрон бўлганча, болғасини четга қўйиб, устахонадан чиқди.

Уларнинг доимо гавжум кўчаси отларнинг туёклари товуши, аравалар тарақа-туруки ва юк машиналар ўкиригига тўла эди, ҳаводан инсон таналари ҳиди, машиналардан чиқсан газлар ва отлар гўнги ислари анқирди. Бир муддат Густавга осмондан қор ёғаётгандек туюлди – март ойида-я! – бироқ бу оқ қофозли варақалар эди. Улар йўл узра ва бозор расталари устига сочилиб тушарди. У варақалардан бирини олиб, ўқиди.

АВСТРИЯ ХАЛҚИ!

Мамлакат раҳбарияти Ўлкамиз тарихида биринчи бор ўз Ватанингизни ҳимоя қилиш учун чиқшишингизга чорламоқда...

Якшанбалик плебисцит туфайли тарғибот. Бу ҳақда бутун мамлакат гапирав ва қолган бутун дунё унинг натижаларини кутарди.

Бу Австриядаги ҳар бир эркак, аёл ва бола учун жиддий ҳодиса эди, аммо яхудий Густав учун плебисцит ҳаёт ва мамот масаласи ҳисобланарди: унда Австрия ўз мустақиллигини Германия хукмронлигидан асраб қола олиши ҳал бўлиши керак эди.

Мана беш йилдирки, нацистлар Германияси ўзининг австриялик қўшниси томонига чегара ортидан очқўзларча назар тикиб турарди. Ўзи Австрияда туғилган Адольф Гитлерга қадрдон ерларини Германия Рейхи таркибига қўшиб олиш фикри тинчлик бермасди. Гарчи Австрияда бирлашиш учун норози ўз

нацистлари мавжуд бўлса-да, кўпчилик аҳоли бунга қарши эди. Гитлер канцлер Курт Шушнигдан мамлакат ҳукумати таркибига нацистлар партияси аъзоларини киритишин талаб қиласар, акс ҳолда Шушнигни лавозимидан четлаштириб, ўрнига нацистлар қўйирчогини қўйиш билан қўркитарди, кейинчалик Аншлюс (бирлашиш) содир бўлди ва Германия Австрияни ишғол қиласар. Австриялик яхудийлар – ҳаммаси бўлиб 183 минг киши – бундай истиқболдан даҳшатга тушгандилар.

Дунё тек қотганча кутиб қолди. Мустақилликни асраб колишга умидсиз тарзда сўнгги бора уринган Шушниг плебисцит – референдум эълон қиласар, унда Австрия фуқаролари бирлашиш учун розилик ёки қаршилик билдириб чиқишлиари керак эди. Бу жасоратли қадам бўлганди: Шушнигдан аввалги канцлерни нацистларнинг амалга ошмаган тўнтариши вактида отиб ташлашган ва Гитлер фақат овоз беришга йўл қўймаслик учунгина ҳар қандай тубанликка борган бўларди.

Плебисцит 1938 йилнинг 13 март, якшанба кунига тайинланди. Шаҳар кўчалари ва деворлари “Мустақиллик учун!” шиорларига тўлиб кетган эди. Бугун, овоз бериш учун икки кун колганида, Шушнигнинг тарғибот ва рақалари кўчаларга яна самолётлардан ҳам учиб тушди. Густав нигоҳини яна матнга қаратди.

...Озод, олмонларнинг мустақил ва халқчил, христианча ва ягона Австрияси учун! Тинчлик ва меҳнат учун, ўз мамлакати сақланишиши йўлида турган барчанинг тенг ҳуқуқлари учун.

... Бизнинг омон қолишга интилишишимизни дунё қўриши керак; шу боис, Австрия халқи, бирликда тур ва РОЗИМАН дея овоз бер!

Мазкур оташин чақириклар яхудийларда аралаш туйғуларни пайдо қиласарди. Улар австриялик бўлишга одатланиб

колишганди: Густавнинг ўзи, Биринчи жаҳон урушида иштирок этганидан ғуурланиб, ўзини аввало австриялик, кейин эса яхудий деб хисобларди. Бирок, Шушниг нуктаи назаридан, у герман христианча идеалига мувофиқ келмасди. Унинг австрофашист хукуматига ҳам босикрок муносабатда бўларди. Густав қачонлардир австриялик Социал-демократик партиясини яратишда иштирок этганди. Австрофашистларнинг 1934 йилдаги кўтарилишидан кейин унинг партиясини кескин тарзда янчид ташлаб, (нацистлар билан бирга) ноқонуний деб топишиди.

Бироқ ҳозирги вақтда Германияда бошланган очик ҳайдалишлардан кўра, австриялик яхудийлар учун нима бўлса ҳам афзалроқ эди.

Яхудийларнинг *Die Stemme* газетаси бугун бош саҳифасида: «Австрияни қўллаб-қувватлашга! Ҳамма овоз бериш учун чиқсин!» деган сарлавҳа билан босилди. Ортодоксал *Judische Presse* худди шундай чакириқ билан чиқди: «Австрия яхудийларининг келиб, ўз эркини ифода этишига ҳеч нима халал бермаслиги керак. Бу нимани билдиришини улар тушунадилар. Ҳар бир киши ўз бурчини бажариши зарур!»

Махфий каналларга кўра, Гитлер Шушнигга таҳдид қилиб, агар у плебисцитни бекор қилмаса, унинг амалга ошмаслиги учун Германия ўз харакатлари чораларини кўришини билдирганди. Густав кўча ўртасида турган кўйи варакани ўқиётган чоғда, чегарага германиялик қўшинлар яқинлашиб қолганди.

* * *

Тини Кляйнман кўзгуга караганча қўллари билан пальтосининг ғижимини текислади, озиқ-овқат соладиган сумкаси ва ҳамёнини олиб, уйидан чиқди ҳамда пошнаси билан зиналарни тақииллатганча пастга тушди. Аёл эшик олдида улар

үйининг биринчи қаватида жойлашган устахонадан чиқкан Густавга дуч келди. Эри кўлида варака тутиб турарди; худди шундайлари йўл усти, дараҳтлар, томларда – атрофдаги ҳамма ёқда сочилиб ётарди. Аёл унга каради-да, титраб кетди; Тини кўнгилсизликни олдиндан хис килярди, доимо оптимист бўлган Густав эса, унинг карашларини инкор этарди. У ҳеч қачон ёмон нарсалар ҳакида ўйламасликка ҳаракат киларди – бу унинг кучли, шу билан бир вактда, заиф жиҳати эди.

Тини бозор томонга илдам юриб кетди. У ерда пештахталарнинг бир қисмини эрталабдан ўз моллари билан етиб келган фермерлар эгаллаган бўлиб, улар веналиклар билан ёнма-ён савдо қилишарди. Веналикларнинг кўпчилиги яхудийлар эди; тўғриси, Венадаги савдоңг деярли ярми, айниқса, мана шу тумандаги дўконлар уларга тегишли эди. Маҳаллий нацистлар, мазкур далилга суюниб, иктисадий пасайишдан азият чекаётган ишчилар орасида, гўё бу яхудийлар учун тааллуқли эмасдек, антисемит кайфиятни уйғотишарди.

Густав билан Тини динга унчалик қаттиқ берилиб кетишимаганди, улар синагогага катта байрамларда йилига биринки марта боришар ва кўпчилик веналик яхудийлар каби ўз фарзандларига яхудийча эмас, германча исмлар танлашган, аммо анъаналарга барибир риоя қилишарди.

Тини қассоб герр Цейзелдан венача шницеллар учун юпқа кесилган бузоқ гўштини харид қилди; Шабат оқшомида товук қолдиқларидан шўрва пиширса бўларди. Пештахталардан янги картошка ва салат кўкати, кейин нон, ун, тухум ва ёғ сумкага тушди. Одамлар гавжум Кармелитермаркт бўйлаб юриб бораркан, аёлнинг юки тобора оғирлашиб борарди. Бозор катта кўча бўлмиш Леопольдгассега туташган жойда у ўз хизматларини таклиф этаётган фаррош аёллар гурухини пайқади; ишсизлар биринчи қаватида қаҳвахонаси бўлган Клабух пансиони олдида туришарди. Вакти-вақти билан баҳти

чопган аёлларни яқиндаги күчалардан бадавлат хонимлар ўз ортидан боришга таклиф қилишарди. Совунли сув солинган шахсий челаги бор аёллар тозалаш учун тўлиқ нарх – бир шиллинг олишарди. Тини билан Густавга баъзан пул етишмасди, аммо ҳарқалай, аёл бунгача етиб бормаганди.

Ҳар қаерда гўё йўл қоидаси каби йирик ёркин ҳарфлар билан мустакилликка чакириклар катта йўлга ёзилган: ҳа деганда “Биз мустакиллик учун овоз берамиз!” плебисцит шиори кўзга ташланарди. Очик деразалардан тараалаётган радио товушлари ватанпарвар маршларни чаларди. Ҳайкириклар ва моторлар шовқинида Австрия ёшлари ташкилотидан ўсмирлар билан тўлган юк машиналар колоннаси кўча бўйлаб ўтди: улар кизил-оқ байроқларни ҳилпиратишар ва худди ўша варакаларни сочишарди. Йўлкалардаги одамлар уларга рўмолчаларини силкиб, «Австрия! Австрия!» дея қичқирганча шляпаларини ҳавога иргитишарди.

Мустакиллик ғолиб чиқиши муқаррардек туюларди... бирок шу пайт аёлнинг кўзи оломон ичида унда-мунда кўринган совук башараларга тушиб қолди. Нацистлар тарафдорлари. Бугун улар ноодатий тарзда ўзларини вазмин тутишар ва улар сонининг камлиги кишини ажаблантиради.

Тўсатдан мусиқа товушини қандайдир тарақлаш бузди, кейин эса зудлик билан хабар келди – барча оиласиз армия захирадагилари ҳозироқ рўйхатдан ўтган жойларига етиб келишга мажбурлар. Дикторнинг сўзига кўра, улар якшанба кунидаги плебисцитда хавфсизликни таъминлаш учун чакиририлаётганди, бироқ бу ишонарли чиқмади. Хукуматга кўшимча қўшин нима учун керак бўлиб қолди?

Тини оломон билан тўлиқ бозордан уйига қайтди. Дунёда нима содир бўлмасин, уларга қандай хавф-хатар таҳдид қилмасин, ҳаёт давом этар ва уларнинг яшашдан бошқа қандай чоралари бор эди?

Варакалар боғлардаги ерларни қоплаган, күчалар бўйлаб учиб, Дунай узра сузига юради. Тушдан кейин, Венанинг ғарбий кисмидаги Хуттельдорферштрассдаги Савдо мактабидан чиккан Фриц Кляйнман уларнинг йўлаклар ва дараҳт шоҳларида қанчалар тўпланиб қолганини кўриб, ҳайрон қолди. Йўлларда икки юз километрлик Германия чегарасига йўналган аскарлар ортилган юк машиналари колонналари чўзилганди. Бошқа болалар билан биргаликда Фриц уларнинг каскалари қаторлари ва ҳозирланган қуролларини ҳаяжон билан кузатарди.

Ўн тўрт яшар Фриц отасига тортганди – худди ўша ёноклар, ўша бурун, ўша қалин лаблар билан қопланиб балиқчикуш қаноти шаклида қайрилган оғиз. Фақаттинга Густав майнин қаарди, Фрицнинг йирик қора кўзлари эса, онаси каби нигоҳи ўткир ва чакнаб турарди. Фриц охирги синфи тутатганидан сўнг, кейинчалик отаси билан биргаликда устахонани бошқариш учун олти ойдирки, Савдо мактабида ўқирди.

То Фриц дўстлари билан шаҳар маркази орқали уй тарафга ўтиб боришаркан, кўчаларни секин-аста янги кайфият эгалларди. Пешиндан кейин соат учларда плебисцит учун ҳукумат тарғиботи ўсиб бораётган кризис туфайли тўхтатилганди. Ҳеч қандай расмий янгиликлар йўқ, факат австро-герман чегарасидаги жанглар, вилоятдаги шаҳарчаларда нацистлар кўзғолонлари ва энг кўрқинчлиси – мабодо очик тўкнашувгача бориб етгудек бўлса, Вена полицияси маҳаллий нацистларга қаршилик кўрсатмаслиги ҳақида миш-миш гаплар тарқалганди. Марказ бўйлаб «Хайль Гитлер!» дея ҳайқирган ёш йигитчалар турухлари изғиб юарар, уларга қарши бошқалар «Хайль Шушниг!» дея кичкирарди. Нацистлар, асосан гитлерча идеологиядан рухланган ёш ўсмирлар тутокканча янада кучлироқ шовқин кўтаарарди.

Бунга ўхшаш ҳодисалар шаҳарда мана бир неча кун рўй берар ва бу вақт ичидаги яхудийларга бир неча марта хужум қилишганди, бироқ бугун ҳаммаси бошқача бўлди – Фриц шаҳарнинг қок марказидаги Вена нацистларининг яширин штаб-квартираси жойлашган Штефансплатцга етиб борган чоғда, собор қаршисида ғувиллаган оломонни кўрди, ва бу ерда ҳаммаси «хайль Гитлер» дея кичкиришарди. Яқинда турган полициячилар қараб туришар, ўзаро гаплашишар, бироқ ҳеч қандай ҳаракатларни кўллашмасди. Худди шу каби нацистлар хужумчилари, Австрия махфий «Штурмабтейлунг» бўлинмаси аъзолари ҳам ўзларини кўрсатмай, вазиятни четдан туриб кузатиб туришарди. Улар интизомга риоя этишар ва буйруққа асосан иш кўришарди; уларнинг вақт-соати ҳали етмаганди.

Намойишчилардан узокроқ туришга ҳаракат қилган Фриц Леопольдштадтда Дунай каналини кесиб ўтди ва тез орада ўз уйига етиб келди; 16-хонадонгача зиналардан чиқиб борди, мана – уйи, мана оиласи ва илиқ муносабатлар.

* * *

Кичкинтой Курт ошхонадаги курсига чиқиб олганча, онасининг Шабат куни учун анъанавий жума таомларидан товуқ шўрваси учун тухумли уграни қандай тайёрлашини кузатиб турарди. Улар мазкур диний маросимнинг бошқа тарафини тутишмасди: Тини шам ёқмас ва овоз чиқариб дуо ўқимасди. Саккиз яшар Курт шаҳар марказидаги синагога хорида кўшиқ куйлар ва ёши катталашган сари янада динга берилиб борарди. У ўзлари билан бир қаватда яшайдиган ортодоксал яхудийлар оиласи билан дўстлашганди ва Шабат оқшомида улар учун шам ёкиш Куртнинг зиммасида ётарди.

Кенжа ўғил эркаторӣ бўлади. Бутун оиласи мустаҳкам ришталар боғлаб турса-да, бироқ Тини учун Курт энг суюмли

фарзанд эди. У онасига таом тайёрлашида кўмаклашишни ёқтиарди.

Шўрва плитада биқиллаб қайнагунга қадар, у онасининг тухумни кўпиртириб, товага қандай куйишига оғзини очган кўйи караб турарди. Шундай қилиш унга ҳам ёқарди. Энг яхши таом венача шницель эди: бунинг учун онаси бузоқ гўшти бўлакларини барқут каби нозик бўлгунига қадар авайлаб уриб юмшатарди; онаси уларни аввал ун, кейин кўпиртирилган тухумга сут солинган идишга ботириб олиб, охирида нон толқонига солишни ўргатганди; кейин у гўшт бўлакларини қизиб турган ёғли товага кўйиб чиқар, то гўштнинг усти олтин рангли коплама хосил қилиб чирсиллаб пишӯнига қадар, уларнинг уйлари бўйлаб иштаҳа очувчи хушбўй ислар тараларди. Бу оқшом, тўғриси, шницеллар ўрнига товуқ ва қовурма угра иси чиқди.

Қўшни хонадан – у бир йўла ҳам меҳмонхона, ҳам ётоқхона бўлиб хизмат қиласарди – фортелиано садолари етиб келарди; Куртнинг ўн саккиз яшар опаси Эдит жуда яхши чаларди ва укасига ҳам «Какку күшча» деган куйни чалишни ўргатганди, у кейинчалик буни бир умрга эслаб қолади. Иккинчи опаси ўн беш яшар Гертани у жуда яхши кўтарарди; бўйи етиб қолган Эдитга нисбатан ёшига кўра бу опаси унга якинроқ эди. У гўзаллик ва меҳру муҳаббатга тўлиқ шу опасининг сиймосини ўз қалбида абадий сақлаб қолади.

Тини ўғлининг дикқатини жамлаган ҳолда, ковурилган тухумни рулет шаклида ўраб, уни тўғраш ва шўрвага солишига қандай ёрдам бераётганини сезиб, табассумини яшира олмади.

Илиқ жума оқшомида бутун оила стол атрофига ўтирди: Густав ва Тини, Эдит ва Герта, Фриц ва кичик Курт. Уларнинг уйи мўъжазгина эди – факат шу хона ҳамда ҳамма учун биргина ётоқхона (Густав билан Фриц бир каравотда, Курт онаси билан

бирга, Эдит ўз ўрнида ва Герта диванда ётарди); бирок бу уларнинг уйи эди ва улар бу ерда баҳтиёр эдилар ҳам.

Шу кезда ташкарида улар узра булутлар қуюклашарди. Куннинг иккинчи ярмида Германиядан ёзма ультиматум келиб тушди: плебисцит бекор қилиниши, канцлер – истеъфога чиқиши, унинг ўрнига ўнг сиёсатчи Артур Зейсс-Инкварт (нацистлар партиясининг махфий аъзоси) унга хайрихоҳ кабинет билан бирга чиқиши даркор эди.

Гитлер Шушнинг ҳукумати Австрияда германияликларни чиқиши тирмайтганини баҳона қилиб ҳаракат киласади (Гитлер учун «германиялик» сўзи «нацист» билан синоним эди). Кейин, ўттиз минг нацистдан иборат ҳайдаб юборилган Австрия легиони кўчаларда тартиб сақланишига кўмаклашиш учун Венага қайтиши зарур эди. Итоат этиш учун Австрия ҳукуматига ўша куннинг соат 19.30 гача вакт қолганди.

Кечки таомдан сўнг Курт синагогага жума ибодатини бажо келтириш учун зудлик билан кетиши керак эди. Хорда қўшиқ ижро эттани эвазига у ҳар сафар бир шиллингдан оларди (шанба куни эрталаб танга ўрнини бир плитка шоколад босарди), шундай қилиб, нафақат диний, балки молиявий қарзни ҳам бажаарди. Одатдагидай, Фриц уни кузатишга чиқди; у рисоладагидай ака – бир вактнинг ўзида ҳам дўст, ҳам химоячи, ҳам ўйинда ўртоқ эди.

Кўчаларда аввалгидек ҳалқ тўпланиб турар, лекин қақшатқич қичқириқлар пасайганди, улар билан эса ҳавода сузиб юрган таҳдид ҳислари ҳам ғойиб бўлганди. Одатда Фриц Курт билан Дунай каналининг нариги тарафидаги бильярдхонагача борарди – «Бу ёғига йўлни биласан-ку, тўғрими?» дея ўз оғайнилари билан бир-икки партия бильярд ўйнаш учун қоларди. Лекин ўша оқшом у укасини Штадттемпелнинг ўзигача кузатиб қўйди.

Бу пайтда уйда радио ишлаб турарди. Кейин эшиттириш тўхтатилиб, зудлик билан маълумот тарқатилди. Плебисцит бекор килинди. Гўё кимдир ишора билан елкасига қоқиб қўйгандек. Кейин эса етти ярим бўлган заҳоти мусиқанинг уни ўчди ва диктор эълон қилди: «Дикқат! Тезкор маълумот эшиттирилади». Узок танаффус ва бўм-бўш эфирнинг шовуллаши эшитилди; бу уч дақика давом этди, шундан кейин канцлер Курт Шушниг гапирди. Унинг овози титрарди: «Австриянинг эркак ва аёллари, бугунги кунда биз фожиавий ва якуний танлов қаршисида қолдик». Радиоприёмниклар олдида ўтирган ҳамма – кимдир кўрқанидан, кимдир кувонганидан, – токи канцлер ультиматум низомини баён этгунига қадар тин олиб, қотиб қолди. Австрия Германияга итоат этиши керакми ёки у йўқ қилинади.

«Биз куч қаршисида ён бермоқдамиз, – дерди у, – чунки ҳатто шундай даҳшатли вазиятда ҳам герман қонини тўкишга тайёр эмасмиз. Кўшинларга жиддий... – канцлер тутилиб қолди, – қаршилик кўрсатмаслик буйруғи берилади». Овози хириллаб, у энг сўнгти арзини айтиш учун кучларини тўплаб олди. «Мен истеъфога кетяпман ва сизга юрагим тубидан чиқаётган германча видолашув сўзи билан мурожаат қиляпман: Худойим, Австрияни ўз паноҳингда асра».

Густав, Тини ва уларнинг кизлари радиода давлат мадҳияси ижро этилгунига қадар ҳайрат ва изтиробда қолганча ўтиришарди. Уни ортиқ ҳеч ким эшита ва кўра олмайдиган студияда Шушниг кўзёшларга эрк берди.

* * *

Тенор ижро этиб ва хорчилар овозлари жўр бўлган «Аллилуйя»нинг нозик ва илҳомбахш навоси мармар колонналар ва тилла суви югуртирилган нақшинкор уч қаторлик галереялари

бўйлаб янграганча Штадттемпельнинг овалсимон бўшлиғини акс-садоларга тўлдирди. Муқаддас буюмлар сакланадиган муҳташам безатилган хона узра учинчи қаторда ўз жойида турган Куртга барча ибодат қилувчилар кўриниб турарди. Одатдагидан кўра анча кўпроқ халқ йиғилганди – қўркув диндан нажот излашга мажбур этарди.

Энг сўнгги янгиликлардан бехабар талмудчи-олим Эмиль Лехман, Шушниг тўғрисида кўп гапирди ва ҳаммани плебисцитта боришга даъват қилди; у ўз сўзини энди йиқилган канцлернинг: «Биз мустакиллик учун овоз берамиз!» деган чақириғи билан тутатди.

Хизмат тугаши билан Курт галереядан югуриб тушди, ўз шиллингини олиб, уни кутиб турган Фриц томонга отилди. Диндорлар синагогадан тош кўчага чиқишарди. Синагога ташқаридан деярли кўринмасди: бинонинг кўзга ташланмайдиган олд томонига яширган кўйи у ўзи ва қўшни кўча орасига тиқилганча, одамларнинг уйлари қаторида турарди.

Леопольдштадт аллазамонлардан бўён Венанинг яхудийлар мавзеси бўлиб ҳисобланарди, аммо кўхна шаҳар марказидаги бу жойда Ўрта асрлардан бери яхудийлар яшаб келгани боис, шаҳарда яхудийларнинг маданий маркази бўлиб қолганди. Бу ҳақда ҳатто Югенгассе, Юденплатц деган номлар ҳам сўзларди; яхудийлар кони сингган йўллардаги тошлар ва бинолар ёриклари таъкиблар ва вайронагарчиликлар ҳақидаги хотираларни саклар, охир-оқибатда уларни Леопольдштадтга сикиб чиқаришганди.

Кундузи шаҳар шовқини торгина Сейтенштеттенгассегача етиб бормас, лекин ҳозир, Шабат оқшомида Венада ҳаёт қайнарди.

Штефанплатцдаги нацистлар анклавидан томир отган шаҳар марказий артерияларидан бири Картнерштрасседан унча узоқ бўлмаган жойда оломон тўпланарди. Жигарранг кўйлакли ҳужумчилар узоқ муддат кутган курол билан ва енгига свастика

шакли туширилган боғламада кўчага чиқиши рухсатини олгач, машина ўтадиган йўл бўйлаб сафланиб қадам ташлашарди. Полиция улар билан бир сафда юрарди. Юк машиналар ҳам хужумчиларни ортганча ўтиб борарди; эркаклар ва аёллар шодланиб, чирокларнинг ёркин ёруғлигидаги рақсга тушишарди.

Бутун шахар бўйлаб «Хайль Гитлер! Зиг Хайль! Йўқолсин яхудийлар! Йўқолсин католиклар! Бир ҳалқ, бир Рейх, бир фюрер, бир галаба! Йўқолсин яхудийлар!» деган қичқириклар янгарарди.

Ашаддий мутаассибларнинг «Дойчланд убер аллес» дея қичқирган шиддатли товушлари: «Бугун биз Германияга хукмронмиз, эртага эса бутун дунёга хукмронлик қиласиз» деган нақоратга кўшилиб кетарди. Драматург Карл Цукмайер ўша тунда «дўзах ўз дарвозаларини очиб,» у ердан энг пасткаш, даҳшатли ва ёвуз газандаларни чиқариб юборди... У нафрат, газаб, алам ва кўр, беражм қасоснинг ёввойиларча өтилиб чикиши эди» деб ёзганди. Шахарда бўлган британиялик журналист, содир бўлган воқеаларни «тасвирлаб бўлмас шаллақи жинлар базми» деб атаганди.

Шовқин-сурон яхудийларнинг Штадттемпельдан секин-аста тарқаладиган Сейтенштеттенгассегача етиб борганди. Фриц Куртни Югенгассе бўйлаб ва ундан нарига кўпrik орқали етаклади; бир неча дақиқадан кейин улар ўзларининг Леопольдштадтдаги уйларига етиб боришли.

Нацистлар ўнларча минг янги издошлари тўдалари ҳамкорлигига шаҳар марказини тўлдирган кўйи кўчалар бўйлаб юришар ва яхудийлар мавзеларига интилишарди. Кўпrikлар бўйлаб улар тўлқини Леопольдштадтга йўналганча, Таборштрассе, Леопольдгассе, Кармелитермаркт ва Им Вердга куйилди – нафрат ҳамда ўзининг устунлиги ҳиссига тўлиб-тошган тарзда дона-дона қилиб кўшиқ айтган эркак ва хотинлар тўдалари «Зиг Хайль! Яхудийларга ўлим!» дея қичқиришарди. Кляйнманлар ўз хонадонларида ташқаридаги тарақа-турукларни

эшитиб, одамлар тұдаси ҳозир уларнинг эшигидан бостириб кириб келишини кутиб ўтиришарди.

Аммо бундай ҳол содир бўлмади. Фазаби жунбушга келган галалар кўчаларда бир неча соат шайтонлашди, лекин унчалик кўп зарар келтиришмади: ўз вақтида яширинишга улгурмаган бир неча яхудийлар ва «яхудийларга ўхшаган» кишилар ҳам ўз насибаларини олишди. Шушнингнинг таникли тарафдорлари ҳам хужумга учрадилар, айрим уйлар ва савдо расталари талон-тарож килинди, аммо ўша оқшом Вена бўйлаб вайронагарчиликлар авж олмади. Ҳайратда қолган яхудийлар бунга нима сабаб бўлганига фол очишарди: наҳотки афсонавий венача расмиятчиликка риоя килиш ҳатто маҳаллий нацистлар хулқида ҳам аксини топган бўлса?

Сира ҳам бўлмаган гап. Бундай вазминликнинг сабаби оддий: хужумчилар хизматда эдилар ва интизомли аскарлар каби, талончилик қилиш ва ўлдиришни шошиб-пишиб эмас, балки қатъий тартиб асосида режалаштиришганди. Улар полиция (улар ҳам свастикали боғламларда эдилар) билан биргаликда энг асосий давлат муассасаларини эгаллаб олдилар. Раҳбарлик килаётган партиянинг асосий вакиллари кўлга олинган ёки қочиб кетгандилар. Шушнингнинг ўзи қамоққа олинганди. Бу ҳам фақат бошланиши эди.

Эртасига эрталаб германиялик қўшинларнинг дастлабки колонналари чегарани кесиб ўтди.

Европа давлатлари – Британия, Франция, Чехословакия – Германиянинг суверен ҳудудни босиб олишига қарши норозилик изхор этдилар, лекин Австриянинг иттифоқчиси ҳисобланган Муссолини қандайдир ҳарбий ҳаракатларни қўллашдан бош тортди ва ҳатто босқинчининг номига қораловчи фикрни ҳам ифодаламади. Халқаро қаршилик ташкил топишга улгурмаёқ барбод бўлди. Дунё Австрияни тилка-пора қилиш учун бериб юборди.

У эса итоатгўйлик билан ўз эшикларини очиб берди.

* * *

Густав моторлар ўкиригидан уйғониб кетди. Бошига оғриқ бераётган бўғиқ ғувиллаш янада баландрок бўла борарди. Самолётлар. Қандайдир бир лаҳзада у ҳали ҳам устахонаси олдидаги кўчада тургандек, кечаги кун давом этиб ва ҳеч қандай даҳшатлар содир бўлмагандек туюлди. Нонуштага ҳали эрта эди. Ошхонада нималарнидир шикирлатаётган Тинидан ташқари, унинг уйдагилари ҳар замонда каравотларида айланганча ҳали ухлашарди.

Густав то ўрнидан туриб, кийингунига қадар, ғувиллаш тобора баландлашарди. Дераза ортида ҳеч нима кўринмасди – фақат том ва осмоннинг йўли, – шу боис у пойабзалини кийиб, пастга тушди.

Кўчаларда ва Кармелитмарктда кечаги тўс-тўполондан деярли ҳеч қандай из қолмаганди, фақат бурчакларда “Овоз беринг!” чакириклар ёзилган ва рақалар сочилиб ётарди. Сотувчилар пештахталарга молларини териб қўйиб, дўконлар эшикларини очишарди. Барчанинг нигоҳи осмонга йўналганди; товуши тобора баландлашаётган моторлар шовқини уйлар деразаларини зириллатиб титратиб, кўчадаги одатий товушларни бўғиб қўйганди. Кечагидан фарқли равишда, у бир дақиқага ҳам пасаймасди – момоқалдироқ яқинлашарди. Мана, томлар узра самолётлар қўринди. Бир-бирига яқин қатор ҳосил қилган ўнларча хужумчи самолётлар, уларнинг тесасида эса – тез учар қиরувчилар учеб борарди. Улар шу қадар пастлаб харакатланардики, ҳатто немисларнинг танитувчи белгилари ҳамда тўсатдан очила бошлаган бомба ташловчи люк қопқоклари ҳам кўриниб турарди. Бозор узра даҳшат тўлкини қалкиб ўтди.

Бирок люклардан бомбалар эмас, айланиб, ҳилпираб катта йўл ва томларга яна варақалар учиб туша бошлади. Энди нималар бўлишини гўё сиёsat белгиларди. Густав эгилиб, варакалардан бирини олди: у кечаги тонгдагисидан анча қискароқ ва кўргазмалирок экан. Тепасида нацистлар бургути безаб тураг, унинг остида эса, қуйидаги матн битилганди:

Национал-социалистик Германия национал-социалистик Австрия ва янги национал-социалистик ҳукуматни олқишилайди.

Бизнинг алоқаларимиз мустаҳкам ва бузилмас!

Хайль Гитлер!

Моторлар ўкириши қулокни батанг қилишга етди. Шаҳар узра ҳужумчилар изидан юзларча юк самолётлари пайдо бўлди; то ҳужумчилар айланаркан, юк самолётлари жануби-шарқка томон харакатланарди. Улар аскарларни олиб келаётгани ва шаҳардан ташқаридаги Ачпен аэродромига йўналаётганларини ҳеч ким билмасди. Бу Австрия пойтахтига бостириб кирган биринчи герман қўшинлари эди. Густав варакани гўё заҳарли илон каби отиб юбориб, шошганча уйига қайтди.

Улар чурқ этмай нонушта қилишди. Шу кундан бошлаб веналик яхудийларнинг ҳар бир қадами, ҳар бир сўзи ва ҳар битта фикрини заҳарлаганча қўрқинчли шарпа таъкиб эта бошлади. Улар ҳаммаси кейинги беш йилда Германияда қандай бедодликлар содир бўлаётганини билишарди. Фақат Австрияда ҳодисалар аста-секин ривожланмаслигини: беш йиллик террор уларнинг бошларига бир зарбда тушажагини билишмасди, холос.

Улар томон Вермахт бостириб келарди, СС ва гестапо бостириб келарди, фюрернинг ўзи ҳозир Линцдалиги ва тез кунда Венага етиб келиши тўғрисида миш-мишлар юарди. Маҳаллий нацистлар зафар жазавасида шайтонлардилар.

Дастлаб факат барқарорлик ва хавфсизлик бўлишини хоҳлаган ахолининг каттагина қисмига уларнинг кайфияти аста-секин юқа бошлади. Австриялик хужумчилар Леопольдштадтдаги яхудийлар дўконларини вайрон қилишар, бадавлат яхудийларнинг уйларига бостириб кириб, талончилик қилишарди. Иқтисодий инкиroz даврида савдо, хукукшунослик, тиббиёт соҳаларида иши юришган яхудийларга нисбатан ҳасад ва нафрат bemisл тарзда жўшиб кетган ва энди у бор кучи билан ташқарига отилиб чиқарди.

Узоқ вақтгача веналиклар учун сиёсий кураш сира ҳам кўчадаги муштлашувлар ва қўзғолонъэмас, деб хисобланарди. “Ҳақиқий веналик, – дерди улар кўчаларда тўс-тўполон қилиб юрган нацистларга норизолик билан қараб, – сиёсий келишмовчиликларни қаҳвахонада стол атрофида ўтириб муҳокама қиласи ва маданиятли одам сифатида сайловларда овоз беради”. Лекин худди ўша “ҳақиқий веналиклар” ўз маданиятлилиги билан энди маҳкум этилишганди. Мамлакатда ҳокимиятни ёввойилар эгаллаб олишганди.

Шундай бўлса ҳам, ҳеч қачон умидини сўндиrmайдиган Густав Кляйнман нимагадир оиласи хавфсиз дея хисобларди. Ахир, минг қилса ҳам, улар яхудийдан кўра анча кўпроқ даражада австрияликлар-ку. Ҳойнаҳой, нацистлар факат диний эътиқодли, ашаддий диндорликка берилган мутаассиб яхудийларни таъкиб этсалар керак... ёки ундан эмасми?

* * *

Эдит Кляйнман кўчада каддини тик тутиб борарди. У худди отаси каби ўзини яхудийдан кўра кўпроқ австриялик деб хисобларди. Умуман, у бундай нарсалар ҳакида қам ўйларди – у атиги ўн саккиз ёшда эди; Эдит тикувчиликка ўқир ва машхур

модачи бўлишни орзу қиласди, бўш вактида эса, ёш йигитлар билан учрашар ҳамда мусикани, раксга тушишни яхши кўради. Авваламбор, у ўз ёшига муносаб бўлган барча эҳтирослар ва орзу-истакларга эга ёш қиз эди. У яҳудий миллатига мансуб йигитлар билан кам учрашар, бундан Густав ўзини анча нокулай сезарди: австриялик бўлиш унчалик ёмон эмас, бироқ барибир ўз халқини ҳам ёдда тутиш керак. Агар бу ерда айрим зиддият мавжуд бўлса ҳам, Густав уни сезмасди.

Немислар келганидан буён бир неча кун ўтди. Плебисцит бекор қилинган якшанба куни улар шахар бўйлаб саф тортиб юришди. Кўпчилик яҳудийлар уйларидан чикмай ўтиришди, бироқ Эдитнинг шўх, тиниб-тинчимас укаси Фриц уларни кўриш учун ташқарига чиқди. Унинг сўзларига кўра, айрим жасур веналиклар германиялик аскарларга тош отишган, бироқ “Хайль Гитлер!” дега қичқирганча ҳаяжонланган оломон уларни сиқиб чиқарди. Австрия пойтахтига ғолибона киришни Адольф Гитлернинг ўзи бошқариб борар, колонналар эса тутамасдек туюларди: юзларча яраклаган лимузинлар, мотоцикллар, зирхланган машиналар, кулранг либос, каска ва оғир ботинка кийган минглаб аскарлар саф тортиб юриб келишарди. Ҳамма ёқда свастика шакли туширилган қизил байроқлар – улар аскарлар қўлида хилпирав, деразаларга осилган, машиналарга ўрнатилганди. Ўша вактда Венага полиция ишлари билан шуғулланувчи Генрих Гиммлер ҳеч қандай дабдабасиз етиб келди. Бадавлат яҳудийларга қарши ҳужумлар давом этарди, ҳар куни ўз жонига қасд қилган кишилар ҳақида янги маълумотлар пайдо бўларди.

Эдит илдамроқ юришга уринарди. Шиффамтсгасс ва Леопольдсгасс кўчалари бурчагида қандайдир ноодатий ҳодиса содир бўлаётганди: полиция маҳкамаси олдида бир тўда кишилар йиғилиб туришарди. Қизга ҳаяжонли қичқириклар овози ва кулгилар эшитилди. У чорраҳада таниш чехра – мактабдоши

Викерль Экерни кўриб, қадамини секинлаштирди. Йигитчанинг кўзи қизнинг нигоҳи билан тўқнашди.

— Ана! Яна биттаси!

Ҳамма қизга ўгирилиб қаради, тўда орасида “яҳудий қиз” деган вишиллаш эшитилди ва бир неча киши қизнинг қўлидан ушлаб, оломон орасига судрашди. Эдит Викерльнинг эгнидаги жигарранг кўйлаги енгидаги свастикали боғич боғланганини кўрди. Тиржайиб, масҳаралаб турган башаралар орасидан қизни доира марказига қараб итариб юборишиди.

Ерда қўлига чўтка билан челак ушлаган беш-олти нафар эркак ва аёл эмаклаганча катта йўлни ишқалаб ювишарди, – уларнинг ҳаммаси яхши кийинган яҳудийлар эди. Бир қиз кўркувдан титраб, бир қўлида шляпаси бўлан қўлқопини кўксига босган кўйи иккинчи қўлида йўлкани ишқаларди ва унинг кимматбаҳо пальтосининг этаги хўл тошлилаб бўйлаб судраларди.

— Тиз чўк!

Эдитнинг қўлига чўтка тутқазиб, ерга итариб юборишиди. Викерль Австрия хочлари ва “Овоз бер!” чақириғига бармоғини нуқиб, деди:

— Қани, яҳудийвачча, ифлос ташвиқотларингни юв!

Қиз дарғазаб қичқириклар остида ерни ишқалай бошлади. Оломон ичида қўшнилар, танишлар, яхши кийинган тадбиркорлар, ёш хотинлар, ишчилар – таниш чехралар кўринарди. Уларнинг ҳаммаси қачондир жамиятнинг туппатузуккина аъзолари эди, энди эса кутурган қаланғи-қасанғиларга айланишганди. Қиз шунча ҳаракат қилишига қарамай, бўёқ сира учмасди.

— Хўш, яҳудийлар учун мос иш эканми, а? – дея кимдир хоҳолаб кулди, бошқалар эса унга кўшилиб кулишди.

Хужумчилардан бири эркакнинг қўлидаги челакни тортиб олиб, ичидаги сувни унинг устига сепиб юборди-да, тую жунидан

тикилган пальтосини жикқа хўл килди. Қолганлар қувониб, ғалавовур кўтаришди.

Бир соатдан кейин курбонларга “иш” учун чек бериб, кетишларига ижозат этишди. Эдит пайпоги йиртилган ва исқирт бўлиб кетган кўйлагида номус ва таҳкирланганидан ўкраб юбормаслик учун ўзини базур тийиб, уйига борарди.

Келаси ҳафталарда яхудийлар мавзеларида “тозалаш” нацистлар учун энг ёқимли кўнгил очар машғулот бўлди. Ватанпарвар шиорлар ёзилган бўёкни ўчириш қийин бўлгани боис, хужумчилар сувга кислота кўшар, у эса курбонлар қўлини куидириб ҳамда яра қиласди. Эдитнинг омади келиб, уларнинг кўлига бошқа тушмади, лекин унинг ўн беш яшар синглиси Герта бозор майдонида соатли устундаги Австрия хочларини ишқаб ювишларига тўғри келган одамлар орасига тушиб қолди. Бошқа яхудийларни ўз миллатдошлари дўконлари пештахталарида ёркин-сарик ёки кизил ҳарфларда антисемит чақириклар ёзишга мажбурлашарди.

Вена ўзининг қоидапарастлик руҳини жуда тез йўқотди – гўё уйдаги диваннинг майин матоли қопламаси йиртилди-ю, унинг тагидаги ўткир пружина билан михлари очилиб қолганди. Густав хато килди: улар хавфсиз эмасдилар. Ҳеч ким хавфсиз эмас эди.

Улар уйдан чиқишидан олдин энг яхши либосларини кийишли: Густавнинг эгнида кишилик костюм, Фриц мактаб шимини, Эдит, Герта ва Тини – энг чиройли кўйлакларини, кенжатой Курт эса матросча кўйлак-иштончасини кийди. Улар Ганс Кемперль студиясида фотоаппарат объективига гўё ўз келажакларига қараётгандек туришарди. Эдит қўлини онасининг елкасига кўйиб, илжайишга уринарди. Курт мамнун кўринарди – у ўзининг саккиз ёшида атрофида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳали тушунмасди, Фриц жангари ўсмир каби ўзини мустақил тутишга ҳаракат қиласди, ўн олти ёшга тўлган Герта эса ўзини ҳақиқий аёлдек хис қилиб, чехраси яшнаб турарди. Герр

Кемперль (у яхудий бўлмай, кейинги йилларда иши анча юришаётганди) тугмани чиқиллатаркан, Густавнинг кўзидағи кўркув ҳамда Тинанинг нигоҳидаги матонатга эътибор қаратди. Уларнинг ҳар иккиси, ҳатто сангвиник Густав ҳам содир бўлаётган ҳодисаларнинг ҳаммаси кай томонга қараб бораётганини англарди. Фотостудияга боришлиарини Тини жуда қатъият билан талаб қилди, у оиласинг яқин орада пароканда бўлиб кетишини ич-ичидан ҳис этиб, азият чекар, аёл ҳозирча шундай имконият борлигида фарзандлари билан бирга сувратга тушишни хоҳлади.

Кўчаларда ҳукм сураётган душманлик ҳукумат ҳамда судлар карорларида расман мустаҳкамланди. [“]Яхудийлар 1935 йилда Нюрнберг қонунларига биноан, ўз фуқаролигини йўқотишганди. 4 апрелда Фриц билан бошқа ўқувчиларни Савдо мактабидан ҳайдашди, у, шунингдек, ишини ҳам йўқотди. Эдит билан Герта ҳам ҳайдалдилар, Густавнинг эса энди шахсий савдосини олиб боришга ҳакки йўқ эди. Унинг устахонаси мусодара қилиниб, ёпиб қўйилди. Яхудийлардан бирон нарса ҳарид қилиш тақиқланганди: мабодо шу иш бўйича бирон кимсани қўлга туширсалар, дўкон олдида: “Мен оксусяк бўлсан ҳам, чўчқаман – мана шу яхудий дўконидан ҳарид қилдим” деган лавҳача билан туришга мажбуrlаб, сазойи қилишарди.

Австрия билан Германиянинг мажбуран бирлашувидан тўрт ҳафтадан кейин Адольф Гитлер Венага қайтди. У Им Верддан бир неча юз метр наридаги Шимоли-Фарбий вокзалда австриялик ва герман хужумчи гурухларининг ўн икки минг аъзолари каршисида нутқ сўзлади.

“Ўз бошқаруви билан, – дея қичқиради у, – мамлакатни хонавайронликка келтирган ўша паканалардан кўра кўпроқ ишни қила олишимни бутун ҳаётим билан исботладим. Юз йилдан сўнг менинг исмим ушбу мамлакатнинг энг буюк ўғлонлари билан бир қаторда туради”.

Оломон уни “Зиг Хайль!” ҳайқириқлари билан олкишлар, қайта-қайта тақрорланган бу кулоқни батанг килувчи ўқирик аксадолари Леопольдштадт яхудий мавзелари бўйлаб тарааларди.

Вена свастикаларга тўлиб кетди, фюернинг портретлари барча газеталарнинг бош саҳифаларидан жой олди. Эртасига Австрияда мустакиллик масаласига оид узоқ кутилган плебисцит ўtkазилди. Овоз бериш учун яхудийларни якинлаштиришмади, албатта, СС референдумнинг боришини кузатганча, хавфсизликни таъминларди; унинг натижасида 99,7 фоиз одамлар бирлашиш учун овоз берганидан ажабланмаса ҳам бўлади. Гитлер бу сон “менинг барча кутганларимдан ҳам ошиб кетди” деб айтди. Протестант черковларининг кўнғироклари ўн беш дақиқа давомида бутун шаҳар бўйлаб бетўхтов жара, глади, Евангелия черкови бошчиси шукронга ибодатларини ўтказишни буюрди. Католиклар Гитлер яхудийларга қарши йўналтирган чораларни уларга ҳам кўллашини ҳали билмай туриб, жимлик саклашарди.

Хорижий газеталар тақиқлаб қўйилди. Ҳар каерда свастикали нишонлар тарқатилди ва агар бирон кимса уни тақиб юрмаса, дарҳол шубҳа остида қоларди. Мактабларда эрталабки ибодатдан кейин албатта “Хайл Гитлер!” деб қичқириларди. Китобларни ёкиш маросимлари ўтказилар, СС Штадттемпель яқинидаги исроил маданий марказини эгаллаб олиб, у ерда ишловчи диний арбобларни уриб, таҳқирлашарди. Ўша лаҳзадан эътиборан марказнинг зиммасига “яхудийлар масаласи” билан шуғулланиш ҳамда ўз биносидан фойдаланганлик учун “товор” тўлаш мажбурияти юклangan ҳукumat идораси ҳисобланди.

Янги режим яхудийларга тегишли умумий қиймати икки миллиард икки юз эллик миллион рейхсмарка (уйлар ва хонадонларни ҳисобга олмагандан) мулкни тортиб олди.

Густав билан Тини оиласини базур боқишарди. Густавнинг мебел ишлари билан шуғулланадиган бир қанча оқсуяк

оғайнилари бор эди, улар баъзан унга ишлаб олишига имкон бериб туришар, лекин бундай ишлар кам бўларди. Ёзда Фриц онаси билан Куйи Австриялик фермер қўлида ишлаб, яқинроқдаги мавзеларга сут етказиб беришарди; харидорлар ўзларига яхудийлар сут келтираётганини билиб қолмасликлари учун тонг сахарлаб боришга тўғри келарди. Етказиб берилган сутнинг ҳар бир литри учун бир пфеннигдан, яъни кунига бир маркадан тегар – бу очдан ўлмасликка етарди, холос. Кляйнманлар ўз кўчасида яхудийлар ошхонасидан бепул тарқатиладиган шўрва ҳисобига ўлмай яшардилар.

Нацистлардан нажот йўқ эди. Жигарранг кўйлакли ҳужумчи гурухлар ҳамда гитлерюгенд йигитчалари кўчаларда сафланиб юрган кўйи қўшиқ кўйлашарди:

*Яхудийлар қони тичоқдан оққан чогда,
Биз қўшиқ кўйлаб, куламиз...*

Улар қўшикларида яхудийларни осиш ҳамда католик рухонийларини деворга тирашга чақиришарди. Улардан айримлари Фрицнинг эски оғайнилари бўлиб, ҳайратланарли тарзда тез фурсатда нацистларга айланиб қолишганди. Баъзилари ҳатто маҳаллий СС бўлими, 89-штандартга ҳам киришганди. Эсесчилар ҳамма ёқда хозир-у нозир эдилар: йўловчилардан шахсни тасдикловчи гувоҳномаларни талаб килишар, дазмолланган формада ясануб олганча, гердайиб юриб, чегарасиз ҳокимиятдан хузурланишарди. Жазосизлик уларнинг бошларини айлантириб қўйганди.

Ҳар тарафдан “яхудий чўчқаси” деган хақорат эшитиларди. Боглардаги узункурсиларда “Фақат оқсуяклар учун” деб ёзилган лавҳачалар пайдо бўлди. Фриц энди қолган дўстлари билан спорт майдончалари ва чўмилиш ҳавзаларига ортиқ боролмасди, бу унга ёмон алам қилди: у сузишни жуда яхши кўрарди.

Ёз келиши билан антисемит кайфиятлар бироз пасайди, бирок расман таъкиблар давом этар ва босим доимо ўсиб борарди. Гап орасида куйидаги кўркинчли сўзлар кулоқка тез-тез чалинарди: “Бошингни кўтарма ва оғзингни очма”, – дейишарди яхудийлар бир-бирига. – акс ҳолда, Дахауга тушасан”.

Одамлар қайгадир гойиб бўлиб қолишарди: аввал кўзга кўринган арбоблар – сиёсатчилар ва бизнесменлар, – кейин бақувват яхудий эркаклар. Уларни ўйлаб топилган баҳоналар билан олиб кетишарди. Кейин гап орасида янги ном: Бухенвальд дея шивирлай бошлиашди. Аввалбошидан нацистлар Германияси рамзларидан бири бўлган концентрацион лагерлар кўпайиб, ўсиб борарди.

Яхудийларни таъкиб этиш бюрократик синчковлик билан амалга ошириларди. Уларнинг хужжатларига алоҳида эътибор қаратиларди. Август ойида қабул қилинган янги қонунга биноан, асл яхудий исми ҳисобланмаган кишилар ўзларига бошқа ном, эркаклар “Исройл”, аёллар “Сара” деган ўртacha исм танлашлари керак эди. Уларнинг паспортларига яхудийлигини билдирадиган штамп қўйиларди.

Леопольдштадтда ўзгача муолажа қўлланиларди: штамп қўйилган паспорт олганидан кейин яхудий фотосувраткаш билан бир нечта аёл ва эркаклардан иборат ёрдамчилари бор хонага киради. Аввал уни сувратга туширишар, кейин эса қип-яланғоч бўлиб ечинишга мажбур килишарди.

“Улар қаршилик кўрсатишларига қарамасдан, – хотирларди гувоҳлардан бири, – одамларни тўлиқ ечинишга мажбур килишарди... кейин эса ҳар томондан сувратга туширишарди”. Уларнинг бармоқ излари ва ўлчамларини олишарди, “бунинг устига, аёллар ўлчамини эркаклар оларди; соchlарининг қалинлигини текшириб; тахлил учун қон олинарди, ҳаммасини ёзиб, рақамлаштириларди”.

Айримлар қаршилик кўрсата бошлар, паспортга штамп кўйдиргач, кетиб колишга уринишарди, шу боис эсэсчилар аввал сувратга олишни ўтказишга қарор қилишганди.

Сентябр ойида Венада вазият осойишта эди ва ҳатто яхудийлар учун ҳам ҳаёт одатий маромга киргандек туюларди. Бироқ нацистлар эришган натижаларда тўхтаб қолишни сира ўйлашмасди, улардан яхудийларга қарши кайфиятни қиздириш учун янги баҳоналар топиш талаб этиларди.

Октябр ойида рўй берган воқеалар келажакда содир бўладиган кўпгина ҳодисаларни олдиндан билдирганди. Бу воқеа катта, гуллаб-яшнаётган яхудийлар мавзеси жойлашган Антверпен деган порт шахрида рўй бўрди. Нацистларнинг тарғибот газетасининг икки нафар журналисти 26 октябрда йўловчи ташийдиган кемадан соҳилга тушиб, яхудийларнинг бриллиант биржаси савдоларини сувратга ола бошлишди. Улар ўзларини сурбетларча тутгани боис, яхудийлар бундан ғазабланиб, уларни ҳайдаб, камерасини олиб қўйиши; муҳбирлардан бири тўс-тўполонда жароҳатлар олган. Германия матбуоти мазкур ҳодисани ҳар жиҳатдан пуфлаб шиширишга кириши, бу воқеа ҳеч бир бегуноҳ, химоясиз герман фуқаролари шафқатсиз ҳужумга учради, дея талқин этилди. Венадаги етакчи бир янгиликлар нашри германиялик саёҳатчилар гурухига эллик кишилик яхудий каллакесарлар галаси ҳужум қилиб, уларни ўласи қилиб калтаклаб, то бехуш ётганларида ёнларидаги ҳамма нарсаларини ўғирлаб кетдилар, деб ёзди. “Бельгия матбуоти бу ҳакда индамайди, албатта, – дея жўшиб ёзарди веналик газета, – бу эса унинг сотиладиганлигини яна бир бор намойиш этади, ахир, қайсиdir яхудий жинояти учун жавобгарликка тортилгудек бўлса, у ўша заҳоти шовқин кўтаради”. Нацистларнинг бир газетаси очикчасига таҳдид қилиб, Германия фуқароларига нисбатан яхудийлар томонидан кўрсатилган ҳар қандай зўравонлик ҳаракатлари “оддий жавобгарлик доирасидан

чиқадиган оқибатларга эга бўлади, улар жуда ёмон ва нохуш бўлиб чикиши мумкин”, деб ёзади.

Таҳдид аниқ эди ва зўриқиши ўсиб борарди.

Ноябрнинг бошларида антисемит кайфият бутун Рейх бўйлаб янги чикишни изларди. Парижда польшалик яхудий Гершель Гриншпан ўз ватандошлари, жумладан, қариндошларини Германиядан бадарға этганиларидан ғазабланганча, тўппонча сотиб олиб, уни герман элчихонасига олиб кирди ва йўлида тасодифан чиқиб қолган элчихона ходими Эрнст вом Раттга беш марта ўқ узди. Вена газеталари ушбу қотилликни “очиқ провокация” деб атади. Яхудийларга сабоқ бериб кўйиш керак эди.

Фом Ратт 9 ноябрда сесланба куни вафот этди. Ўша тундаёқ нацистлар Берлин, Мюнхен, Гамбург, Вена ва бошқа йирик ҳамда майда шаҳарлар кўчаларига чиқишиди. Партияning маҳаллий вакиллари ва гестапочилар юришни бошқарар, уларнинг ортидан эса австриялик ва герман ҳужумчилари босқонлар, найзалар ва ёқилғи солинган канистрлар билан куролланганча боришарди. Уларнинг мақсади ҳанузгача яхудийлар кўлида қолаётган уйлар билан дўконлар эди. Башарти эгаларидан биронтаси уларга халал беришга урингудек бўлса, уни жойидаёқ ўлдиришарди. Ҳужумчилар қўллари етган ҳамма нарсани вайрон қилиб, ёқишарди, лекин бу воқеаларни кўрганлар ҳаммадан кўра кўпроқ ойналар жаранглаб синганини эслаб колишганди: катта йўлларни шиша синиқлари буткул қоплагани сабабли бу “Биллур тун” сифатида тарихга кирди.

Буйрукка кўра. Нацистлар талончилик қилмай, факат вайрон этиши керак эди. Бироқ кейинги рўй берган тартибсизликларда у буйрук бир неча марта бузилди: яхудийларнинг уйлари ва дўконлари қурол ва “яширин адабиёт” излаш баҳонасида талонтарож қилинарди. Кўшнилари сотиб қўйган яхудийларни ўша заҳоти уйларига бостириб кириб, кўлга тушган ҳамма нарсани

синдиришар, мебелларни улоқтириб, кийимларни йиртишарди; оналар қўркиб кетган болаларини ўз гавдалари билан тўсиб колар, эру хотинлар эса токи жигарранг қўйлакли йигитчалар хўжайинлик қилгуларига қадар даҳшатдан тек қотганча, бир-бирларига ёпишиб туришарди.

Леопольдштадтда кўчада ушлаб олинган яхудийларни Кармелитермарктга судраб боргач, дўппосладилар. Ярим тундан кейин нацистлар синагогаларни ёқиб юборишиди ва Кляйнманлар деразаси қараган томлар қизғиш тусда ёришди: бу Леопольдегассдаги синагога Полнише Шуль ёнарди. Ёнгин бўлаётган жойга етиб борган ўт ўчирувчи бригадага то кўркам бино буткул ёниб битмагунга қадар ҳужуъчилар йўлни тўсиб туришди.

Нацистлар шаҳар марказидаги бир-бирига туташ уйлар турган жойдаги Штадттемпель синагогасини ёқиб юборищдан чўчиб, бунинг ўрнига унинг ичини вайрон қилишди: ажойиб ўймакорлик намуналари билан оқ-тилла ёзувларни синдириб, расvosини чиқаришди.

Тонгда хибсга олишлар бошланди. Асосан катта ёшли яхудий эркакларни уйларидан олиб чиқишар ёки тўғридан-тўғри кўчаларда ушлаб кетишарди.

Густав билан Фриц Кляйнманлар биринчилар қаторида хибсга олиндилар.

ХАЛҚ ХОИНЛАРИ

Уларни Пратер шаҳар боғи яқинидаги ғишт ҳамда тарошланган тошдан қурилган ҳайбатли бинодага полиция бўлинмасига олиб боришди. Улар якшанба қунлари бутун оиласи билан Пратерга тез-тез бориб туришарди: кенг ўтлокзор бўйлаб кезишар, пиво бозорида ўтишарди, болалар эса от ўйинда учиб, циркчилар қўйган ўйинларни томоша қилишарди. Ҳозир, совук қиши тонгида боғ дарвозаси ёпиқ эди; айланма томошагоҳ ғилдирак гўё пўлат ўргимчак каби шаҳар томлари узра таҳдид қилаётгандей осилиб турарди. Аммо Густав билан Фриц буларнинг ҳеч бирини кўрмасди: улар Леопольдштадтдаги яхудийлар билан лиқ тўлган юқ машинаси кузовида дарвазадан кириб келишганди.

Хужумчиларга ота билан ўғилни Густав дўст дея хисоблаб, сухбатлашиб ўтирган, жилмайган, унинг ишончига кирган, унинг болалари ва оиласи тарихини билган, ўзаро сенсираб гаплашадиган ўша яқин қўшнилари сотганди. Мана шу одамлар ҳеч бир мажбур этилмасдан ва правокациясиз орқадан пичоқ урдилар.

Полиция маҳкамасида хибсга оли: ғанларни машинадан тушириб, эски отхонага итариб киритишиди. У ерда юзлаб эркак ва аёллар тўпланганди. Уларнинг қўпларини худди Густав билан Фриц каби уйда, бошқаларини эрталаб, улар қочиб кетишига уринмокчи бўлган мамлакатлар элчихонаси ва консуллик идораларида навбатда турганларида; кимнидир тўппа-тўғри кўчада қўлини қайириб ушлаб олишганди. Башараларига қараб: “Яхудиймисан?” дея дўқ урганда, “ҳа” деган жавоб олгач ёки курбоннинг ташқи кўриниши яхудийга ўхшаса ҳам, шу захоти юқ машинасига тикиларди. Баъзиларни шаҳар бўйлаб одамлар галасининг кинояли кулгилар ва таҳқирлашлари остида пиёда олиб юришарди. Нацистлар буни халқ сўзи деб аташарди ва бу

хайкирикли сүзлар сиреналар овози билан қоришганча, күчалар бўйлаб тараплар – тунги даҳшатдан уйғониш маҳолдек туюларди. Бутун шаҳардаги полиция бўлинмаларида олти ярим минг яхудийлар – асосан эркаклар – тўпланган, бироқ Пратерда ҳибсга олинганлар ҳаммадан кўп эди. Камералар тезда тўлиб, одамларни эски отхоналарга камай бошладилар, у ерда қўлларини юқорига кўтарганча туришларига тўғри келарди; баъзилар тиз чўкиб колишар, янги келганлар улар устидан ҳатлаб ўтишарди.

Густав билан Фриц бир-бирларини кўздан қочирмасликка харакат килишарди. Улар гоҳ тикка турганча, гоҳ тизза чўкиб, бўғимлари симиллаб оғриганча, Ҳчлик ва ташналиқдан кийналиб, адоқсиз нолалар, йифи ва ибодатлар остида узоқ муддатни ўтказдилар. Ҳовлидан зарбалар товуши етиб келарди. Ҳар бир неча дакиқада уч-тўрт кишини сўроқка чақиришарди. Улардан хеч бири қайтиб келмади.

Фриц билан отаси вакт ҳисобини йўқотиб бўлишганди, лекин бир пайт уларни бармоқ билан кўрсатишиди ва ота-бала зич турган одамлар орасидан чиқиш томонга бир амаллаб ўтишиди. Уларни расмий кўмита йиғилиш ўтказаётган бошқа бинога олиб боришли; сўроқ доимий ҳақоратлар – яхудий чўчқаси, ҳалқ хоини, яхудий жиноятчи деган кўйда олиб борилди. Ҳар бир маҳбус ўзини шундай сўзлар билан ҳақоратлаши зарур эди. Эркакларга бир хил савол бериларди: *Қанча йигиб қўйган пулинг бор? Сен гомосексуалистмисан? Оқсуяк аёллар билан учрашасанми? Бирон марта abort қилишига кўмаклашганимисан? Қайси бирлашма ва партиялар аъзоси бўлиб ҳисобланасан?*

Сўроқдан кейин ҳибсга олинганлар категориялар бўйича тақсимланарди. Терговдан сўнг *Zurück* (қайтариш) деб ёзилганлар камераларга қайтарилар ва тергов давом этишини кутишарди. *Entlassung* (кўйиб юборилсин) деганлар – асосан, аёллар, чоллар,

ўсмирлар ва янглишиб хибсга олинган хорижликлар чиқариб юбориларди. Энг қўркинчли категория *Tauglich* (ярокли) эди: у Даҳау ёки Буженвальдни билдиради, ёки шу ерда, Австрияда курилаётган Маутхаузен лагери номини ҳам шивирлаб айтишарди.

Густав билан Фриц деразаси ҳовлига қараган чордоқда ўз қарорларини кутишди. Бу ердан уларга камераларда эшитилган шовкин манбаи кўриниб турар: ҳужумчилар қўлларини юқорига кўтарган яхудийларни сафга зич ҳайдаб, уларни таёқлар ва дарралар билан савалашарди. Уларни ётишга, кейин туришга, сўнг бурилишга буйруқ бериб мажбурлашарди; уларни тепкилаб, баланд овозда ҳахолаганча туркилашар, пальто ва қимматбаҳо костюмларининг ҳаммаси лойга қоришган, шляпалари эса ерда ётарди. Айримларини бир четга тортиб, алоҳида ишлов беришарди. Яхудийларни “Биз яхудий жиноятчилармиз! Биз яхудий чўчқамиз!” дея бор овози билан кичкиришга мажбур қилишарди.

Бир неча йилдан буён хизмат қилаётган, Леопольдштадт яхудийларини яхши биладиган полициячилар четда туришар, агар зарурат туғилиб қолгудай бўлса, нацистларга кўмаклашардилар. Улар таҳқирлашларда иштирок этмасалар-да, лекин уларга қаршилик кўрсатмоқчи ҳам эмасдилар. Ҳархолда, юқори мансабдаги бир полициячи ҳовлида калтаклашда иштирок этди.

Анча узоқ кутишганидан кейин Фриц билан Густав ўзларига тааллукли қарорни билиб олдилар. Фриц ўн беш ёшда бўлгани боис, озодликка чиқарилганди. У кетиши мумкин эди. Густав камерага қайтиши керак эди. Фриц бирон нима қилишга noctor аҳволда отасини қандай қилиб куч билан нарига олиб кетишиларига умидсиз қараб қолди.

* * *

Фриц маҳкамадан чикканида, қоронғи тушиб колганди. Пратернинг таниш дарвозаси олдидан ёлғиз ўзи ўтиб, уйига кетди. У бу дарвоза остидан юзлаб маротаба – Дунайда дўстлари билан сузгандан кейин, боғда оиласвий сайдлардан сўнг, ширинликлар егандан бўшашибганда ёхуд конида адреналин билан ўтганди. Ҳозир у факат бўшашиб, ҳеч нимани хис этмасди.

Кон тўкилган кўчалар гўё кечаги уриш-жанжалдан кейин карахтлик каби нохуш эди. Леопольдштадт хонавайрон қилинганча ётар, савдо кўчаларидаги ва Кармелитермарктдаги катта йўллар юзи синган шишалар ва ёғоч бўлаклари билан гиламдек қопланганди.

Фриц уйга киргач, онаси билан сингиллари бағрига ўзини отди. Улар “Отам қани?” дея сўрашарди. У содир бўлган воқеани – отасини хибсда ушлаб қолишганини сўзлаб берди. Уларнинг хаёлларида Даҳау, Бухенвальд сўzlари яна сузуб чиқди. Улар тун бўйи янгиликларни кутишди, аммо ҳеч нима йўқ эди, сўрашга уринишиди, лекин жавоб ололмасдилар.

Кирғинлар ҳақидаги янгиликлар бутун дунёни ғазабга солди. АҚШ норозилик сифатида Берлиндаги ўз элчисини чакириб олди, президент: мазкур хабарлар “Америка халқини чуқур ларзага солди... Бунга ўхшаш нарсаларнинг XX асрда содир бўлиши мумкинлигига қийинчилик билан ишондим”, деди. Лондондаги *The Spectator* либерал журналининг ёзишича, “Германиядаги жаҳолат шундай кулоч ёзиб, шундай шафқатсизликка етиб, ҳукумат томонидан шунчалар очик илҳомлантирилдики, унинг оқибатларини... олдиндан айтиб бўлмайди”.

Бироқ нацистлар буларнинг барчаси дунё жамиятини ҳақиқий фожиавий воқеалар – германиялик дипломатни яхудийлар томонидан ўлдирилишидан чалғитишига чакирилган

ёлғон, дея зўрликларга оид айбловларни рад этдилар. Улар яхудийлар “Германия аҳолисининг кенг қатламиининг ҳакконий нафрати гувоҳлигида” адолатли жазоланганликларини фахрланиб иддао қилишарди. Улар хориждан фош этилишларни “Париж, Лондон ва Нью-Йоркнинг таникли иммигрант марказларида тўкиб чиқарилган ва яхудийлар сотиб олган дунё матбуоти тарқатган ифлос соҳталиқ” дея атадилар. Синагогаларнинг вайрон этилишлари энди яхудийлар “ҳар ҳил диний урф-одатлар остида яширган давлатга қарши бошқа фитна уюштиrolmaslikларини” билдирарди.

Фриц, Тини, Герта, Эдит ва Курт жума куни кечгача кутишса-да, лекин Густав ҳакида ҳеч нимани билишолмади. Нихоят, коронғи тушиб, Шабат бошланган чоғда, эшик тақиллади. Тини ҳаяжонланиб, очишга отилди. Остонада унинг эри турарди. У тирик эди.

У азобланган, оч, тинкаси куриган, ҳар қачонгидан ҳам озиб кетганди. Густавни худди у ўлиб тирилгандай, қувониб ва енгил тортиб кутиб олишди. У бошидан кечганларни сўзлаб берди. Нацистлар унинг Биринчи жаҳон урушида қатнашганини эътиборга олишибди, унинг эски полициячи дўстлари эса, унинг бир неча марта яралангани ва мукофотлари борлигини тасдиклашибди. СС бошлиқларининг фармойишига кўра, уруш ветеранларини ногиронлар, кексалар ва ўсмирлар билан тенг холда кўйиб юборишлари даркор эди.

Ҳатто нацистлар ҳам уруш қаҳрамонини концентрацион лагерга жўнатиш учун ҳозирча унчалик тубанлашиб кетишмаганди. Густав Кляйнманни кўйиб юборишди.

Кейинги бир неча кун ташиш бошланди. Полициянинг юзларча фургонлари – уларни “Яшил Генрих” деб аташарди – эркак яхудийларни тўлдирган кўйи кўчалардан ўтиб борар, улар орасида ҳарбий ветеранлар ҳам бор, бирок уларнинг мукофотлари ва Густавни қутқарган каби полицияда танишлари

йўқ эди. Автобуслар бир нуктага: Вестбанхоф вокзалининг юк ортадиган терминалига борарди. Ҳибсга олингалаарни юк вагонларига итариб тикиштиришарди. Бир қисми Даҳауга, колгани – Бухенвальдга жўнатиларди. Улардан кўпчилиги уйларига кайтишмади ҳам.

* * *

Густав хаёли паришион ҳолда, бармоқлари орасида нозик мато парчасини айлантирап – бу унинг собиқ касбини эслатарди. Кўча бўйлаб болға зарблари тараларди: ишчилар яхудийларнинг савдо расталари пештахталарини тахталар қоқиб тўсишарди. Улар энди яхудийларники эмасди.

У Им Верд ва Леопольдгассгача чўзилган бозорга нигоҳини каратиб, яқиндагина яхудий дўстларига тегишли бўлган устахоналар энди бўшаб қолгани ёки бегоналар ихтиёрига ўтиб кетганини ўйлади. Фриц иккаласини хужумчиларга сотган кўшнилари каби, эгалланган расталарнинг кўплаб янги соҳиблари ўша одамларнинг дўстлари ҳисобланарди. Бозор майдони бурчагидаги Ошшорна атир-упа дўконини энди Густав билан бир уйда яшайдиган Вилли Пошль юритарди. Қассоблар, парранда ва мевалар билан савдо қилувчилар бозордаги ўз расталаридан мосуво бўлишганди: Густавнинг яна бир таниши Митци Штайндль яхудийларни ҳайдашда қизғин иштирок этиб, уларнинг савдо растасини эгаллаб олди; у шу вақтгача жуда қашшоқ яшар ва Густав шунчаки ёрдам бериш учун уни ўзига тикувчи қилиб олганди.

Яхлит ижтимоий синфга мансуб одамлар душман дея эълон қилинди ва осон ўлжа исини олган дўст сира иккиланмай ҳамда афсусланмай дўстидан юз ўгиради. Кўплар чакув, таҳқирлаш, талончилик, калтаклаш ва сургун қилишдағ қониқиш топарди.

Кўпчилик яхудий дўст бўлолмайди – хавфли, йирткич ҳайвон инсон зотига дўст бўлмайди, деган фикрда эди.

Инглиз журналисти: “Германияда яхудийларни расман ўлимга маҳкум қилинмагани буткул адолатли, улар шунчаки яшаш имкониятидан маҳрум этилдилар”, деганди. Бунга кўниб, тақдирга тан берган юзлаб яхудийлар ўзларини кейинги азоблардан халос этиб, жонларига қасд қилиб, ўлганлар. Кўпчилиги жўнаб кетишга қарор қилиб, яна бирон бошқа жойда кўним топишга уринишган. Ўша бирлашиш кунидан бошлаб австриялик яхудийлар хорижга жўнаб кетишга ҳаракат қилишган, бироқ буни хоҳлайдиганлар сони ва уларнинг умидсизлиги кўп маротаба ошиб кетди.

Густав билан Тини жўнаб кетиш ҳақида гаплашардилар. Тинининг қариндошлари кўп йиллар илгари Америкага эмиграция қилишганди. Бироқ яхудий оиласи учун пулсиз ёки таниш-билиш, алоқаларсиз тузукроқ ҳаётни излаб, Рейхдан жўнаб кетиш ниҳоятда оғир эди. Германияда ҳокимиятга нацистлар келган лаҳзадан кейин ўтган беш ярим йил мобайнида у ердан ўнларча минг яхудийлар жўнаб кетишди ва кўплаб давлатлар бундай қочқинлар оқимида қаршилик қила бошлади.

Австрияда яхудийлар эмиграцияси – худди бутун ҳаёт каби – Адолъф Эйхман назоратида эди. Разведка ҳамда СС ички хавфсизлигининг собиқ ходими, австриялик Эйхман у ерда яхудийлар иши бўйича бош мутахассис ҳисобланарди. Унинг “яхудийлар масаласини” ечиши, аввало, уларни жўнаб кетишга кўндириш бўлиб, буни яхудийлар эмиграцияси марказий хизмати орқали расмийлаштириларди. У Венада яхудийлар маданияти ва фаровонлиги ишлари билан шуғулланувчи ташкилот – Истроил маданий маркази раҳбариятини ўз аппаратига киришга мажбур қилиб, унинг ишини қайта тиклади. Марказ яхудийларга оид ахборот йифиб, уларнинг чиқиб

кетишлиари учун талаб этиладиган бюрократик тадбирлар билан шуғулланарди.

Яхудийлардан кутилишга интилишларига қарамасдан, нацистлар барибир уларнинг жўнаб кетишлирига тўсқинлик қилишарди. Улар бемисл соликлар ва йигимлар, шу жумладан, “Рейхдан қочиш эвазига” бутун мулкларининг 30 фоизи ва “товорон пули” (яхудийларнинг “разилона жиноятлари учун”) 20 фоиз микдордаги соликларга тортилганча уларнинг пулларини шилиб олишар, ниҳоясиз поралар талаб килиб, валютани талончилик курси бўйича айирбошлардилар. Бунинг устига, солик тўлаганлигини тасдикловчи ҳужжат атиги бир неча ойгача кучини саклар, виза олиш эса, кўпинча анча узокроқ давом этарди. Ариза берувчиларни шунчаки тадбирнинг бошига қайтариб, соликларни янгидан тўлашга мажбурлашлари мумкин эди. Нацистлар ҳукумати камбағаллашиб колган яхудийларга чипта сотиб олишларига тўлаш ва уларни йўл учун валюта билан таъминлашга кўмаклашишлари учун Исройл маданий марказига қарзга пул бера бошлади. Нацистлар нафрати уларнинг ўз бюрократик машинаси ишини тўхтатаётгандек бўлиб чиқарди.

Энг қийин иш – жўнаб кетиши мумкин бўлган мамлакатни топиш эди. Одамлар бутун дунё бўйлаб нацистларни қоралар ва ўз ҳукуматларини қочқинларга кам ёрдам берганликларини танқид қилишарди. Бироқ эмигрантларнинг келиб, улар даромадларини олиб кўйиб ва уларнинг жамиятларини ўпириб кетишлирини хоҳламайдиган кишилар овози анча баландроқ янгарди. Германия матбуоти яхудийларнинг оғир тақдирни ҳақида ранжиганча мулоҳаза юритиб, лекин уларни қўллаб-куватлаш учун ҳеч қандай чора-тадбир қўлламаётган дунё мамлакатларининг иккюзламачилиги устидан куларди.

Британиялик журналистнинг қуйидаги сўзлари Кляйнманлар оиласи учун уларнинг шахри қандай бўлиб қолганини акс эттиради.

...таъқиблар шаҳри, қийноқлар шаҳри... ва Вена атмосферасида бўлиб кўрмаган ўқувчига шафқатсизлик ва ёвузликларни, австриялик яхудийлар қандай ҳаво билан нафас олишига мажбур эканликларини ҳеч қандай мисоллар билан етказишнинг иложи йўқ... Эшик жиринглашини эшигганларида, улар қандай даҳшатни бошидан кечираётгани, ҳавода қандай нафрат учиб юрганини... Буларнинг барчасини ҳис этиб кўрсангиз эди, нима учун ошалар ва дўстлар ер юзининг ҳар хил жойларига эмиграция қилиб, бир-биридан айрилишига тайёрлигини тушунган бўлардингиз.

Ҳатто Биллур тундан кейин ҳам хорижий давлатлар хукуматлари, консерватив матбуот ва демократик кучлар яхудий эмигрантлари кириб келиши учун квоталарни кенгайтиришга қарши эътиroz билдиришда давом этишарди. Ғарб Европага караганида нафақат Германия ва Австриядан бир неча минглаб яхудийларни, балки уларнинг орқасида яқиндагина яхудийларга қарши қонунчиликларни қабул қилган шарқий Европа давлатларидан эмиграциянинг миллионли тўлқини кўтарилишини кўтарарди – биргина Польшада уч миллион яхудий бор эди.

“Бутун демократик дунё қийноқлар остида қолган яхудийларга ачиниб, қандай кўзёш тўкаётганига қараш уят, – дерди Адольф Гитлер, – аммо уларга ёрдам бериш ҳакида гап очилса, қаҳри қаттиқ ва қатъиятли бўлиб қолаверади”. Гитлер Рузвельтнинг “виждан деб аталган” нарсаси устидан куларди; Вестминстерда партиялар раҳбарлари яхудийларга ёрдамлашиш имкониятини муҳокама қилиш учун йигиладилар, лекин ички ишлар вазири сэр Сэмюэль Хор “хорижликлар оқимиға тааллукли яширин шубҳалар ва хавотирланиш” ҳакида огоҳлантирди ҳамда оммавий иммиграцияга қарши фикр билдириди. Шундай бўлса-да, лейбористлар етакчилари Жож

Вудс билан Дэвид Гренфелл бошчилигидаги қолганлар унга бошпана берган мамлакат турмуш тарзига “доимо ҳимматли ва сахий ҳисса қўшишга эриша олган” “буюк халқ ёш авлодини” куткариш учун яхудий болаларига ёрдам беришни талаб килдилар.

Бу вактда Рейхдаги яхудийлар учун ғарбий давлатлар консулликлари каршисида навбатларда кунуззикун турганча, ўз аризаларини маъкуллашларини кутиб ва умид қилиб, фақат омон қолиш учун уринишгина қолганди. Концентрацион лагерлардаги мингларча одамлар учун эмигрантлик визаси кутилиш учун ягона умид бўлиб ҳисобланарди. Венада юзларча яхудийлар бошпанасиз қолиб, уларни ҳибсга олишлари мумкинлигини англаған ҳолда, визага ариза беришдан кўркишарди.

Бюрократик тўсиклардан ўтиб олишга имкон берадиган маблағни топиш учун Густавнинг на пули, на мол-мулки бор эди. У бегона юртда янги ҳаёт бошлаш учун ўзида куч-кувват ҳам сезмасди. Охирги сўзни Тини айтиши керак эди, у эса кетиш тўғрисида шунчаки ўйлай ҳам олмасди. У Венада чукур илдиз отган, шу ерда туғилиб, ўсганди. Унинг ёшида қаерга қочиб бормагин, ҳамма жойда ўзингни уйдан узилгандек сезасан. Болалар – бошқа гап. У, айниқса, ўн беш яшар Фрицдан хавотирланарди: нацистлар уни бир марта ушлаб кетган ва яна олиб кетишлари мумкин эди. Тез орада у ўсмириликдан ўтиб қолади ва уни энди ёши кутқаролмайди.

1938 йил декабрида Венадан Британияга мингдан ортиқ яхудий болалар жўнаб кетиши – бу британиялик ҳукумат қабул қилиб, бошпана бериш учун розилик билдириб режалаштирилган беш минг боладан дастлабки гурухи эди. Кейинроқ Британияга ўн мингдан кўпроқ бола кетади. Бироқ, бу бошпанага муҳтоҷ кишиларнинг атига кам кисми эди. Британияликлар Палестинага яна ўнг минггача болани ўтказишни таклиф килишди. Тини ушбу таклиф ҳақида эшитган

ва Фрицни шундай транспортлардан бирига жойлаштиришга умид киларди; у анча катта бўлиб колган ва саккиз яшар Куртдан фарқли равишда ўз меҳнати билан ўзини эплаб кета оларди. Палестина бўйича музокаралар бир неча ойларга чўзилиб кетди. Араблар ўз ерларидан сикиб чиқарилишидан ва устунлик қилувчи кўпчилик бўлиб қолмасликлари хамда шу сабабли ўз мустакил Палестин давлатини барпо этиш умидидан маҳрум бўлишдан кўркишарди. Шу билан музокаралар барҳам топди.

Оиланинг колган аъзолари то иккиланиб ва ўйлангунларига қадар Эдит Кляйнман жўнаб кетмоқчилигини аниқ биларди. У камситиши ва масхаралашларга чидашга тўғри келгани камдек, кувноқ ва эпчил қиз бўлгани боис, бундан кейин худди асира каби қамалиб ўтиришни хоҳламасди. У, қандай бўлмасин, бу ердан қутулиб кетмоқчи эди.

Уни Америка ўзига чорларди, онасининг ўша ерда яшайдиган икки нафар қариндошларидан унга бошпана бериш ва таъминлашга тайёр эканликлари тасдиқланган хат олганди. У ана шу хатлар билан қуролланиб, 1938 йил августида виза олиш учун сўров аризасини топшириш мақсадида Америка консуллигига ёзилди. Бундай хоҳловчилар жуда кўп эди ва уларга ҳар икки томон: Давлат департаменти ҳам, нацистлар режими ҳам тўсиклар қўярди. Йил охирида Эдитда у Венада буткул қолиб кетиши мумкин, деган ҳис пайдо бўлди. Билтур тундан кейин кутаверишдан азобланавергач, унга Англияга эмиграция қилиш имкони кўпроқдек кўринди.

Ёзнинг бошларидан эътиборан кўп яхудийлар – асосан, мамлакатдан осонроқ чиқариладиган аёллар, – ўз нигоҳларини жўнаб кетиш учун уриниб кўриш мумкин бўлган давлат – Британияга қаратишиди. Газетадаги эълонлар бўлимида: оқсоchlар, ошпазлар, ҳайдовчилар, энагалардан бошлаб, заргарлар, мусиқа муаллимлари, механиклар, хорижий тиллар ўқитувчилари, боғбонлар ва ҳисобчиларгача ҳар хил ишларни

излашарди. Кўплар ўз малакаларидан қўйироқ ишларга ҳам рози эканликларини ёзишарди. Иш изловчилар ўзларини “Энг яхши ўқитувчи”, “ажойиб ошпаз”, “хар ишга қодир қўли гул уста”, “катта тажрибага эга”, “юмшок феъли” дея фаол тарзда макташарди. Вақт ўтган сайин эълонлар ўзгариб, “хар қандай иш”, “зудлик билан иш изляпман”, “Ўн яшар болам билан (зарурат туғилганда етимхонада яшаш мумкин)”, “зудлик билан” кабиларга айланди ва улар боши узра қамоқхона деворлари кўланка солиб турган кишиларнинг сўнгги умидлари эди.

Виза олиш имконияти тавсияномалари мавжуд уй хизматкорларида ҳаммадан кўпроқ әди. Кляйнманларнинг яқин қўшниси Элка Юнгман газетага жойлаштирган эълон юзларча колганларнидан кам фарқ қиласарди:

Узоқ муддатли хизматдан кейин тавсияномаларга эга ошпаз (яхудий), шунингдек, иш тажрибасига эга уй хизматчиси жой излайди – Элка Юнгман, Вена 2, Им Верд 11/19.

Модисткаликка ўқиёттан Эдитда оқсочлик бўйича иш тажрибаси ва уни эгаллаш нияти ҳам йўқ әди. У яхши кийинаб, яхши яшар ва ўзини хоним деб ҳисобларди. Уй тозалашми? Йўқ, бу унинг иши эмас. Бироқ Тини ҳамма ишни ўз қўлига олди, ўзи билган ҳамма юмушларни қизига ўргатди ва унинг учун веналик бадавлат яхудийлар оиласига хизматчи жойини топди. Эдит ўша ерда бир ой ишлади ва улар меҳрибонлик қилиб, ярим йил оқсоч бўлиб хизмат қилганини тасдиқлайдиган тавсиянома беришди. Эдитнинг фавқулодда омади чопиб, Англиядаги иш берувчини топди, энди фақат виза ҳамда нацистлар ҳукуматидан жўнаб кетиш учун рухсатнома олишгина қолганди.

Бу энг мураккаби әди. Британия ҳукумати кунига атиги бир нечта виза берарди. Консуллик олдида деярли силжимайдиган жуда катта навбат турарди. Эдит ўз ўрнини йўқотиб қўймаслиги учун, оиланинг барча аъзолари йигирма тўрт соат давомида бирбири билан алмашган ҳолда, навбатда туришди. Улар аъзои

баданларидан совук ўтиб кетса ҳам тураверишар, навбат эса, кунига қандайдир бир жуфт кишига силжириди. Худди шундай навбатлар бошқа консулликлар олдида ҳам тўпланар ва уларни полиция вақти-вақти билан ҳайдарди; баъзида хужумчилар яхудийларга ташланиб қолиб, охирида турганларни дўппослашарди. Бир ҳафта ўтгачгина Эдит ниҳоят, Британия консулигиги жойлашган Капрар Геймюллар саройининг муҳташам эшикларидан ичкарига кирди. Ундан аризасини қабул қилишди. У энди кута бошлади. Ниҳоят, 1939 йилнинг январь ойи бошларида Эдит виза олди.

Унинг жўнаб кетиши бутун оила учун оғир зарба бўлди. Улар яна қачон бўлса ҳам кўришармиканлар, буни ҳеч ким билмасди. У поездга ўтириб, уларнинг ҳаётидан гойиб бўлди.

Бир неча кундан кейин Эдит жамики даҳшатлар ва таҳкирларни ортида қолдирганча, бирок шу билан биргаликда, ўзи сўйган кишилари билан нималар содир бўлишини билган ҳолда, паромда бўғоздан ўтди. У кейинчалик ўша вақтлар ҳакида фарзандларига сўзлаб бераётганида, жўнаб кетиш воқеасига етиб борганда, жим бўлиб қоларди. То ўшангача содир бўлган воқеаларнинг ҳаммасидан ҳам кўра, унга барча яқинлари билан айрилиқ хотиралари муҳимроқ таъсир этган бўлиб, унинг оғрифи аввалгидек ҳаддан зиёд кучли эди.

* * *

Венада яхудийлар жамияти таъқибга учраб, олдинги ҳаётдан асар ҳам қолмаганди. 1939 йил ёзи бошларида у ерда бўлган кишиларнинг айтишига қараганда, Вена Германияга нисбатан янада қўрқинчлироқ кўринарди. Леопольдштадтдаги бутун бошли уйлар ва савдо дўконлари яхудийлар қувилганидан бўён бўшаб ётарди; қачонлардир одамлар билан гавжум кўчалар хувиллаб, энди “ўлик шаҳар” тусига кириб қолганди.

Сионистлар ёшлар билан ишлаш уюшмасининг расман вазифаси ёш яхудийларни Палестинадаги ҳаётга тайёрлаш хисобланиб, у болалар билан фаол ишлар: уларни ҳимоя қилар, хунар ва дастлабки тиббиёт кўнгилларини эгаллашлари учун ўқитиш билан таъминларди.

Венада колган яхудийларнинг учдан икки қисми энди асосан ватандошлари томонидан ажратилган хайрияларга боғланиб колишганди. Улар иложи борича кўчага камроқ чиқишга ҳаракат килишарди. Кўп худудларда уларнинг кун ботганидан кейин кўринишлари хатарли эди, айниқса, нацистлар партияси митинглар ўтказган кунларда тарғибот-ташвиқот нутқларидан қизғинлашиб кетган германиялик ҳамда австриялик ҳужумчилар доимий тарзда уларга ташланиб қолишарди. Улар айрим худудларга на кечаси, на кундузи умуман қадам босмасдилар.

Кляйнманлар ўз хонадонида бир-бирини маҳкам тутиб, айниқса, Эдит жўнаб кетганидан кейин янада жипсласиб колишганди. Курт мактабга борар, акаси билан опаси эса, отонасига ёрдам беришга уринишарди. Ўша ёзда Фриц ўн олти ёшга тўлди ва янги паспорт олди. Оиласадаги барча сувратлардан фақат Фрицники сакланиб қолган. Унда майкачан чиройликкина бола камерага нафрат билан ўқрайиб қараб турарди.

Баъзида Венага Эдитдан оддий ва қисқа мактублар етиб борарди. У оқсоч бўлиб ишга жойлашгани, Лидс яқинида рус яхудийлари оиласида яшаётганини, ҳаммаси яхши эканини ёзарди. Уй бекасининг исми Бростоф хоним экан. Эдит ўз кечинмалари ҳақида бир сўз ҳам ёзмасди.

Ёзда мактублар келиб турди-ю, кейин бирдан тўхтади: 1 сентябрда Германия Польшага ҳужум қилди. Британия билан Франция уруш эълон қилди ва Эдит билан унинг оиласи ўртасида ўтиб бўлмас девор тикланди.

Тўққиз кундан кейин уларнинг устига янада оғир зарба тушди. 10 сентябрда Фрицни гестапо ушлаб олди.

* * *

Рейх бўйлаб ҳибсларнинг янги тўлқини авж олди. Германия Польша билан урушга кирганидан кейин Польшадан келиб чиқкан яҳудийларнинг барчаси “хорижий душманлар” дея ҳисоблана бошлади. Густав туғилиши ва тарбияси бўйича австриялик фуқаро бўлгани боис, у хавфдан холидек бўлиб туюларди. Бироқ, у билан янада илгарироқ таниш бўлган кишилар унинг Галиция кўхна кироллигида дунёга келганини билишарди. 1918 йилдан буён Галиция Польшанинг бир қисми ҳисобланар, шу боис Германиянинг нуктаи назарида, ўша ерда туғилган ҳамма кишилар поляк миллатига мансуб бўлиб, шунга биноан, хатарли ҳисобланардилар.

Кулфат кутилмаганда якшанба куни Тини, Герта, Фриц ва Курт уйдалигида келди. Эшик каттиқ тараклади, бундан ҳаммалари даҳшат билан чўчиб тушдилар.

Тини эшикни эҳтиёткорлик билан очиб, ташқарига мўралади. Шу заҳоти тўрт эркак уларнига бостириб киришди, ҳаммалари қўшнилари эди. Аёл уларнинг ҳар бирининг башарасини танир, кўзлари остидаги ажинларию соқол босган лунжларигача биларди. Улар худди Густав каби меҳнаткаш одамлар эди, – у ўша қўшниларнинг хотинлари билан таниш, уларнинг болалари яқиндагина биргаликда ўйнардилар. Манави Фридрих Новачек машинасозлик заводида ишларди, Людвиг Хельхакер эса, кўмир қазиб чиқарувчи эди.

Биллур тунда Густавни худди шу кишилар чақуви билан тутиб беришганди. Ўшандан буён Людвиг ўзининг нацист шериклари билан уларнинг уйига бир неча марта бостириб кириб келганди.

— Энди сенга яна нима керак, Викерль? – сўради Тини беҳол овозда уни сурбетларча итариб, ичкарига бостириб кирган

кишилардан. – Ахир бизда ҳеч нима, ҳатто егулик ҳам йўклигини ўзинг биласан-ку.

– Бизга эринг керак, – деди Людвиг. – Бизда буйруқ бор; агар Густав йўқ бўлса, ўғлингни олиб кетамиз.

Ва у Фрицга бош иргади.

Тинига гўё бир мушт тушгандек туюлди. У рўй берадиган ишларга қарши ҳеч нима қилолмасди. Улар аёлнинг жигарпорасини олиб кетиб қолишиди. Кетишдан аввал Людвиг ўгирилиб деди:

– Қара, биз Фрицни полицияга олиб борамиз, лекин агар Густав уни олиб кетиш учун борса, йигитчани кўйиб юборишиди.

Ўша куни уйига қайтиб келган Густав оиласини вахима ичида ва умидсиз ахволда колганини кўрди. Нима содир бўлганидан хабар топгач, у ўша заҳоти полицияга бориш учун эшикка томон йўналди. Бироқ Тини униг кўлидан маҳкам тутди.

– Керак эмас! – ялинди у. – Улар сени олиб кетишиди.

– Фрицни уларнинг кўлида қолдирмайман.

Густав яна чиқишига шайланди.

– Йўқ! – йиғларди Тини. – Сен қочиб кетишинг керак, қаергадир яширинишинг зарур.

Бироқ эри қатъиятли эди. Густав Тинининг кўзёшларига эътибор бермай, Леопольдегассдаги полиция маҳкамасига илдам одимлаб кетди. У бор жасоратини йиғиб, ичкарига кирди ва қархисида турган зобитга юзланиб мурожаат қилди:

– Мен Густав Кляйнман бўламан. Менга келишим зарурлигини айтишиди. Сизларда ўғлим ўтирибди. Мени ушлаб олиб, уни кўйиб юборинг.

Полициячи атрофга аланглаб қараб кўйди.

– Йўқол, – шивирлади у. – Бу ердан ҳозироқ йўқолиб кет!

Ҳайратда колган Густав бинодан чиқди. Уйда уни Тини кутиб олди: у эрини яна кўриб турганидан мамнун ва бир вақтнинг ўзида Фриц шу пайтгача келмаганидан хафа эди.

- Эртага яна бир уриниб кўраман, – деди у.
- Улар илгарироқ сени олиб кетгани келишади, – жавоб берди аёл.

Ва яна уни қочиб, яширинишга ундаланча ялина бошлади, эри эса рад этди.

- Тезроқ кетакол, – қатъият билан сўрарди аёл, – ёки газни ёқаман-у, ўзимни ўлдирман.

Курт билан Герта ота-онасига даҳшат билан тикилиб қолишганди. Уларнинг сабру бардошлилиги бутун оиласа суюнчик бўлиб хизмат қиларди; ҳар иккисини умидсиз изтиробда кўришга чидаб бўлмасди.

Ниҳоят, Тини гапини ўтказди: Густав ишончли яширинадиган жой излаб кўришни ваъда килиб, уйдан чиқиб кетди. Кун ва тун бўйи аёл зинадан эшитилган ҳар бир тиқ этган товушга қулок осиб, игна устида ўтиргандек бўлди. Ҳеч ким келмади. Бирок кеч тунда Густавнинг ўзи қайтиб келди. Унинг борар ери йўқ, Тинини болалари билан қандай ёлғиз ташлаб кетишини тасаввур ҳам қилолмасди. Нацистлар уни тополмай, оила аъзоларидан ҳар бирини олиб кетишлиари мумкин эди.

Уни соат иккода олиб кетгани келишди. Эшикни гумбурлатиб урганча, ичкарига бостириб кириб, бақириб-чакириб, Густавни қўлга олишди. Кўзёшлар, ялиниб-ёлборишлар, эру хотин орасида сўнгги видолашув сўзлари. Унга ўзи билан баъзи нарсалар: свитер, шарф, бир жуфт пайпок олишига ижозат беришди. Ҳаммаси тугаганди. Эшик ёпилди ва Густав кетди.

Иккинчи кисм БУХЕНВАЛЬД

ҚОН ВА ТОШЛАР. БУХЕНВАЛЬД КОНЦЕНТРАЦИОН ЛАГЕРИ

Густав ёлғиз қолганига ишонч ҳосил қилгач, киссасидан ёндафттарча билан қалам чиқарди. “Поездда икки кун йўл босиб, 1939 йил 2 октябрда Бухенвальдга етиб келдим” дея майда ёзувда ёзиб қўйди.

Хибсга олинган чоғдан буён бир ҳафтадан сал кўпроқ вакт ўтди; кўпгина муҳим воқеалар содир бўлди, гарчи бунинг учун уни отиб ташлашлари мумкинлигини ўзи англаб турса ҳам, бироқ энг кисқартирилган хикоя ҳам ҳаддан зиёд кўп қимматбаҳо варакларни эгаллаган бўларди.

Густав бу ердан чиқа биладими, йўқми – билмасди. Лекин нима содир бўлишидан қатъи назар, кундалиги унинг учун гувоҳлик қила оларди.

У саҳифани текислаб, ёзища давом этди: “Веймардаги вокзалдан лагерга югуриб етиб келдик...”

* * *

Вагон эшиги ғийкиллаб кенг очилиб, ичкарига ёруғлик тушди, унинг кетидан эса қулокни гарант қилгудек буйруклар дўзахий жўрлик билан итларнинг қутурганча ҳуриши янгради. Фриц кўзини пирпиратганча нима содир бўлаётганини англашга интилиб, бошини чайқади.

Викерль Хелмхакер ўз шериклари билан уни онаси бағридан юлиб олиб кетганидан буён йиллар ўтгандек туюларди. Фрицни кўйиб юборишмади, демак, отаси эркинликда қолиб, яширинган, деган фикргина унга тасалли берарди.

Аввалига Фрицни “Метрополь” меҳмонхонасидағи Вена гестапоси бош штабида тутиб туришди. Венада шу қадар кўп яхудийлар хибсга олингандики, эсесчилар уларнинг ҳаммасини қаерга жойлаштиришни ҳам билишмасди. Бир неча кунни камерада ўтказган Фриц бошқа минглаб маҳбуслар қатори Пратер якинидаги футбол майдонига бориб колди. Улар ўша ерда бутунлай антисанитария шароитида кўриқчилар курсовида деярли уч ҳафтани ўтказишиди. Кейин уларни Вестбанхофга ҳайдаб бориб, юк вагонларига тиқиширдилар.

Германиягача йўл икки кунга чўзилди. Ўн олти яшар Фриц кўркиб, терлаб кетган одамлар орасида сиқилиб, тинимсиз чайқалишдан оғир азият чекарди. Бу тикилинчда ҳар қандай тоифадаги: оила бошликлари, бизнесменлар, кўзойнак таққан олимлар, соқоллари ўсиб кетган ишчилар, чиройли ва хунук кишилар, жасур ва кўрқоқлар, итоаткор ва бўйсунмас одамлар бор эди. Айримлар чурк этишмас, баъзилари нималарни дир шивирлар ёки дуо ўкишар, кимлардир эса, тинимсиз гаплашарди. Уларнинг ҳар бири ўз онаси, хотини, фарзандлари, яқинлари, ўз касби ва Венадаги ҳаётида маълум ўрнига эга айрим инсон эди. Бироқ вагонларни кўриқлаётган ҳарбий кийимдаги эркаклар уларнинг ҳаммасини шунчаки подадек тасаввур қиласарди.

— Ҳозироқ чикларинг, яхудий чўчқалар! Қани, тезрок-тезроқ чикларинг!

Улар кўзни қамаштирап ёруғликка чиқишиди. Бир минг ўттиз беш нафар яхудий – тутақкан, даргазаб, ўзини йўқотган, кўркиб кетган, кулоғи битган маҳбуслар Веймар вокзали темир йўл перронига кулоқни батанг қилувчи овчарка итларининг хуриши ҳамда бақириқ-чақириқ ва туртқиласлар остида юк вагонларидан тушдилар. Маҳаллий аҳоли томошага йиғилиб, курсов ортида турганча, маҳбусларни баланд овозда ҳақоратлаб, масхаралаб, ҳаҳолаб кулишарди.

Кўпчилиги коплар ва тугун, ҳатто жомадон тутган кўйи маҳбуслар қўрикчилар калтаклари остида сафга тизилишиди. Уларни перрондан тоннелга, кейин эса яна юқорига фақат югуртириб ҳайдашди. Оломон уларнинг ортидан шимол тарафга борадиган шаҳар кўчаси бўйлаб яна бир муддат эргашиб борди.

— Қани, яхудий чўчқалар, тез-тез кимирланглар!

Ҳатто Фриц ҳам увишиб қолган оёкларида югуришга кийналарди. Мабодо кимдир қокилиб кетса, шунчаки оёғи тойиб, ён тарафга қадам ташласа, агар бирон маҳбус шеригига сўз котгудек бўлса, унинг елкаси, орқаси, бошига милтиқнинг кўндоғи билан тарсиллаб зарба тушиб қоларди.

Германиялик эсэсчилар Фриц Венада кўрганларидан ҳам даҳшатлироқ экан: улар “Ўлик бош” бўлинмасидан бўлиб, бош кийими ва ёқаларида суяклари қовуштирилган калла чаноғи тасвири туширилган, уларнинг шафкатсизлигининг чегараси йўқ эди. Ичкиликка берилган ва руҳан хаста, бирорларга азоб бериб лаззатланадиган маразлар (садистлар) чексиз ҳокимиятга эга бўлиб, ўзларини ички душманларга қарши урушдаги аскарлар деб билишарди.

Фриц югуриб борар, атрофи эса ростмана дўзах эди. Кўча тугаб, энди колонна қишлоқ йўли бўйлаб харакатланарди.

Йўл чеккасидан уларга қаратса тупуришар ва ҳақоратли сўзлар айтиб бакиришарди. Қарилигидан ёки толикқанидан, баъзан юки оғирлигидан биронтасининг оёғи чалишиб кетса, дарҳол отиб ташлашарди. Бирон кимса пойабзали ипини боғлаш учун энгашса, йикилиб тушса, сув сўраса — уни ҳам ўлдиришарди. Улар қиялик бўйлаб ўрмонга етиб боришли. У ерда колонна янги курилган бетон йўл томон бурилди. Кейинчалик унга “Қонли йўл” деб ном кўйдилар. У ерда жуда кўп маҳбуслар ҳалок бўлишиди ва ҳар куни кейинги колонна ўтаётганида, уларнинг қони янгилариники билан коришиб кетарди.

Узок муддат югуришдан нафаси бўғзига келиб, ҳансираб бораётган Фриц анча олдинроқда ўзига таниш бўйи баланд, озгин одам шакл-шамойилини кўриб қолди. У тезроқ югуриб, унга етиб олди. Дарҳақиқат, унинг ёнида отаси югуриб борарди! Тинкамадори куриб, терлаб кетган отаси Тини туғиб беришга улгурган захира кийимларини кўлтиғига қистириб олганди.

Густавга Фриц йўқликдан пайдо бўлиб қолгандек туюлди. Хурсандчилигини билдириш ва кучоқлашишга имкон йўқ эди; улар оғиз ҳам очмай, бир-биридан узоклашмай, қўндоклар зарби остига тушиб қолмаслик учун колоннанинг ўртасида, ўзларини отилган ўқларни эшитмасликка мажбур этганча, тоғ томонга олға силжиб, ўрмон ичкарисига тобора чуқурроқ югуриб боришарди.

Қалин кора қайназор билан қопланган қиялама тоғ Эттерсберг дея аталарди. У кўп асрлар мобайнида Саксен-Веймар герцогларининг овчилик мулклари ҳисобланниб келган, кейинроқ эса, оммавий дам олиш жойи бўлиб қолганди. Бу ўлкаларга рассомлар ва мутафаккирлар бориб, ёлғизликда ижод қилишни ёқтиришарди, Шиллер ва Гёте номлари уларга чамбарчас боғланганди. Веймар шаҳрининг ўзи олмон мумтоз маданиятининг бош маркази, унинг мероси ўчғи ҳисобланарди. Эттерсберг тоғида концентрацион лагерь ташкил қилган нацистлар режими мазкур меросда ўчмас из қолдирди.

Саккиз километрни югуриб ўтиш учун маҳбуслар бир соатдан кўпроқ вақт сарфладилар, ниҳоят улар “Қонли йўл”дан шимолга бурилиб, ўрмон ўртасида тозаланган катта ялангликка келиб қолишиди. Унинг атрофида ҳар хил ҳажм ва шаклдаги иморатлар турар – айримлари битган, баъзилари ҳали қурилаётган, яна қайсилариидир энди қурила бошланганди. Бу СС казармалари ва хизматга оид қурилмалар бўлиб, маҳбуслар бир вақтнинг ўзида ҳам ёғилғи, ҳам мотори бўлган механизмининг инфратузилмаси эди. Тоғ юзасини гиламдек қоплаган кора қайн ўрмони туфайли Бухенвальд дея аталган жой шунчаки

концентрацион лагергина эмас, энг намунали СС кишлогои хисобланар ва у тез орада шаҳар билан тенглашиб қолади. Бу ерда содир бўлган хунрезликлар кейинчалик Веймар Германияси маданий меросига уялтирувчи доғ бўлиб тушди. Маҳбуслар лагерни Бухенвальд эмас, Тотенвальд – ўликлар ўрмони деб атардилар.

Олдиндаги йўлга залворли тамба кўйилган кенг ва пастак дарвозалар тўсганди. Бу лагерга бевосита кириш жойи эди. Унинг тепасига шундай ёзув битилганди:

Ҳақми ёки ноҳақми, бу – менинг мамлакатим

Пастроқда, панжарада маҳбусларни бошқа иқтиbos кутиб оларди:

Ҳар ким хизматига ярашасини олади

Янги келганлар чарчаб, тер билан қонга беланиб, дарвозадан югуриб киришди. Улар бир минг ўн киши қолганди; Венадан ҳамма билан бирга йўлга чикқанлардан йигирма беш нафари хозир “Қонли йўл” чеккаларида ўлиб ётарди.

Улар ўтиб бўлмас чегаралари бор жойга кириб қолишганди: лагер тиканли сим девор билан ўралган бўлиб, йигирма иккита кўрикчи минораларда поржекторлар билан пулемётлар турарди; деворнинг баландлиги уч метр, сим бўйлаб эса, 380 вольт кувватли ўлдирадиган ток уланганди. Та什қи томонни соқчилар назорат қиласи, ичкарида эса, кум сепилган йўлакли нейтрал зона бор эди – уни босиб ўтган ҳар қандай маҳбус огохлантирилмасдан отиб ташланарди.

Дарвозадан ўтилган заҳоти йўқлама ўтказиш майдони бошланарди. Унинг бир томонида қиялик бўйлаб пастга текис қаторлар билан ястланган пастак казармалар турар, уларнинг

орқасида эса, икки қаватли баландроқ бинолар жойлашганди. Янги келганиларни, шу жумладан Густав билан Фрицни майдонда сафланишга мажбур қилишди. Улар ўзларининг ифлос бўлиб кетган кишилик костюмлари ва ишчи кийимларида, свитер ва кўйлакларида, шляпалари ва бежирим туфлиларида, или боғланадиган ботинкаларида, соколи ўсган, боши кал, сочи силлик ва хурпайган ҳолда, пулемётлар мўлжалга олинганча қовушмай ва беўхшов туришарди. Худди ўша жойга лагерь йўлида отилганлар мурдалари судраб келтириб ташланди.

Кейин улар олдига бошдан-оёқ чиройли кийинган олифта эсэсчилар гурухи чиқди. Бетлари лўппи ўрта ёшдаги салгина букчайган биттаси олдинга қадам ташлади. Кейинчалик билишларича, бу лагернинг коменданти Карл Отто Коҳ эди.

— Хуллас, — кичкирди у, — сиз, яхудий чўчқалар, энди бу ердасиз. Бу ерга тушган эса, ортига қайтмайди. Ёдингизда бўлсин — бу ердан тирик чиқиб кетолмайсиз.

Уларнинг ҳаммасини журналга қайд этишди ва тартиб рақамини беришди. Фриц Кляйнман – 7290, Густав Кляйнман – 7291. Улар тушунарсиз тарзда буйруқлар беришар ва герман лаҳжасига одатланмаган кўпгина веналиклар улардан нимани хоҳлаётганларини тушунмасдилар. Уларни қип-яланғоч ечинишга мажбуrlаб, ювиниш хонасига итариб киритишди, у ердаги душлардан қайноқ сув оқарди (кўплар бундай ҳароратга бардош беролмай, хушидан кетишарди). Кейин устларидан дезинфекцияловчи бадбўй эритма қўйилди. Улар шир яланғоч ахволда ҳовлига чиқишли, у ерда соchlари кал қилиб олингач, яна кўндоқлар ва дарралар зарбалари дўли остида сафланиш учун майдонга ҳайдалдилар.

Махбусларга лагерда кийиладиган махсус кийим: ички лозим, ботинка, кўйлак ва кейинроқ машхурлашиб кетган тўқ зангори рангдаги йўл-йўл камзул билан иштон беришди.

Ҳаммаси амал-тақал қилиб тикилғанды. Махбус истаса, йигирма маркага свитер билан күлқоп сотиб олиши мүмкін эди, бироқ күпчиликнинг ёнида умуман пул йўқ эди. Уларнинг шахсий кийимларини – Густавнинг тутунчасини ҳам – дарҳол олиб қўйишганди.

Боши такир кал, маҳсус унiformадаги янги келғанлар одам бўлмай қолдилар, улар факат тартиб рақамига кўра фарқланадиган ягона оммага айландилар; тўда орасида қаппайган қорни ёки баланд бўйи билан ажралиб туриш мүмкін эди. Бундай шафқатсиз муносабат билан улар энди СС га қарашли шахсий мулкка айланғанлари ва буюрилган ишни бажаришга мажбурликларини янгиларга намойиш этишарди. Ҳар бир маҳбус ўз формаси кўкрагига рақами ёзилган бир парча мато билан индивидуал рамзини тикиши керак эди. Фриц ўзининг рамзи бу сариқ ва қизил учбурчакдан иборат Давид Юлдузи эканини кўрди. У билан бирга келган қолғанларда ҳам худди шундай рамзлар бор эди. Қизил учбурчак улар поляклардан келиб чиққан яхудийлар душман хорижликлар сифатида ҳибсга олинганини кўрсатарди, уларни (халқ билан давлатни ҳимоялаш мақсадида) “ҳимояловчи ҳибсга олиш” остида жойлаштириш керак эди.

Энди улар сафи бўйлаб бошқа СС зобити, башараси белкуракдек япаски – ўтакетган бешафқат садист, комендант ўринбосари Ганс Хюттиг ўтди. У маҳбусларга нафрат билан қараб, бошини чайқаганча деди:

– Бундай қаланғи-қасанғилар шу чоққача эркинлиқда қандай бемалол юрганларини сира тушунолмайман.

Кейин уларни майдоннинг ғарби й чеккасидаги икки қаторли тиканли сим билан ўралган карантин зонасидаги “кичик лагерь”га жўнатишиди. У ерда бараклар ўрнига тўртта баҳайбат чодир тутилган бўлиб, тўрт қаватли ёғоч супалар курилғанди. Охирги икки ҳафта ичida Бухенвальдга саккиз мингдан ортиқ

маҳбуслар келтирилган бўлиб, бу одатдагидан йигирма баробар кўп ҳамда чодирлар одамлар билан лик тўлганди.

Густав билан Фриц кенглиги икки метрли супани яна уч киши билан бўлишишга тўғри келди. Тўшаклар йўқ – фақат тахталарда ётиларди. Ҳар бир одамга адёл берилгани боис, маҳбуслар ҳеч бўлмаганда, совкотишмасди. Банкадаги сардина баликлариdek қапишганча, ошқозони бўм-бўш, ўлардай толиккан маҳбуслар шу заҳоти ухлаб қолишиди.

Эртасига лагерь гестапоси янги маҳбуслар билан машғул бўлди: уларни сувратга тушириб, бармоқ излари олингач, тезгина сўроқ килишиди; бу жараён эрталабдан тушгача давом этди. Улар тушликда биринчи бор иссиқ овқат: ярим литрдан ёвғон шўрва олишиди. Кечки таом чорак буханка нон билан кичикрок колбаса бўлгидан иборат эди. Буханка яхлит тарқатилар, уларда пичок бўлмагани сабабли нонни бир амаллаб ушатиб, бўлиб олишар ва бу эса кўпинча қизғин мунозара ва жанжалларни келтириб чиқаради.

Улар карантинда саккиз кунни ўтказишиди, кейин эса ишга тушдилар. Кўпчиликни дарҳол тош конига жўнатишиди, бироқ Густав билан Фрицни ошхонадаги чиқиндиларни қириб тозалашга тайинладилар. Маҳбусларни кун бўйи қуллардек хўрлаб ишлатишиди. Густав кундалигига шундай деб ёзиб қўйди: “Эсэсчилар маҳбусларни нима сабабдан калтаклашларини кузатдим, ўғлимга ҳам назар ташлаб кўярдим. Унга кўзим билан имо-ишоралар қиласдирдим; вазиятни баҳолаб, ўзни қандай тутиш зарурлигини англатардим. Фриц ҳам буни тушуна бошлади”.

Унинг илк ёзуви мана шундай ниҳояланганди. У икки ярим бетлик ёзувларини қайта ўқиб кўрди, бу барча азоб ва кўркувларни ўз ичига сиғдиролмасди, албатта. Энди атиги саккиз кун ўтди. Олдинда яна қанчаси бор экан!

* * *

Густав хавф-хатардан холи бўлиш учун ўзига эътибор тортмаслик хаётий мухим эканини тушунарди. Бирок Бухенвальдга келишганидан кейин икки ой ўтиб, улар мазкур қоидани энг хатарли тарзда – Густав билмасдан, Фриц эса атайлаб, – бузиб кўйдилар.

Ҳар куни сахарлаб, тонг отишидан бир ярим соат олдин янграган баланд хуштак уларни ширин уйқусидан уйғотарди. Чодирларга барак бўйича бошқонлар билан командирлар кириб, маҳбусларни шошираудилар. Мазқур бошқонларнинг ўzlари ҳам маҳбусларданлиги янги келганларни ҳайратда қолдирганди, улар асосан “яшиллар”, камзуллари кўкрагида яшил учбурчаклар тасвиrlанган жиноятчилар эди. Эсесчилар асиirlар оммасига камроқ яқинлашиш мақсадида улардан назоратчи сифатида фойдаланишарди.

Фриц билан Густав хуштаклар чинқириғи остида оёқларига ботинкаларини кийиб, ерга тушар ва полдаги суюқ лой балчиғига тўпикларигача ботишарди. Коровул минораларига ўрнатилган прожекторлар лагерни ёритарди; улар ҳамма йўллар ва очик майдонларни ёп-ёруғ қиласди. Маҳбусларни очик майдонда йўклама учун сафлантириб, бир кружкадан чўчқаёнгоқдан тайёрланган қаҳва беришарди. Қаҳва ширин бўлса-да, лекин куч бермасди, бунинг устига, то уни тарқатиб бергунларича совиб бўларди. Тарқатиш жараёни жуда секин кечарди, улар бу вақтда юпка кийимларида қалтираган кўйи бир неча соат қилт этмай жимгина турардилар. Дараҳт учлари устида тонг отаётгани кўринганида, маҳбусларни ишга ҳайдашарди.

Густав билан Фриц ошхонада узок қолишмади ва энди ҳамма билан бирга тош конида ишлардилар. Улар текис сафланганча дарвозадан чикиб, ўнгга бурилишарди, у ерда йўл пастга қараб кетарди. Йўлнинг ҳар икки томонида ҳали

курилиши давом этаётган икки қаватли ғишин иморатлар – СС казармалари бор эди. Нацистлар ўзларининг архитектура лойхаларини жуда яхши кўрар, ҳатто концлагерда ҳам бежирим ва ботартиб бинолар курилганди.

Маҳбуслар киялик бўйлаб бироз пастроқдан кўриқчиларнинг икки чизиги орқали ўтишарди. Асосий лагер ташкарисида деворлар бўлмай, конни эсэсчи сокчилар занжири тўсиб турарди. Улар бир-биридан йигирма метрлик масофада туришарди; уларнинг ҳар иккинчиси милтиқ ва автомат, колганлари эса дарралар билан қуролланган эди. Тўсикдан ташқарига ўтишга уринган ҳар қандай кишини жойидаёқ отиб ташлардилар. Соқчига ҳужум килиб ташланиш ўз жонига қасд килишни билдиради, баъзан жонидан тўйган маҳбуслар шундай йўл тутишарди ҳам. Соқчилар маҳбусларни атайлаб тўсиқларга итариб, завкланишарди. Лагерда “қочиш журнали” мавжуд бўлиб, унда “қочоклар”ни отиб ташлаган соқчиларнинг исмлари ва нечтаси отилгани ёзиб кўйиларди, ҳар бир “қочок” учун унинг таътилига қўшимча кунлар билан тақдирланарди.

Тош кона катта эди. Доимий туманлар ва ёмғирлар аригач, мабодо бош кўтариб қаралса, ғарбий уфқ томон ястланган текислик манзараси кўзга яққол ташланарди. Бироқ ҳеч ким бошини кўтармасди. Иш ниҳоятда оғир, адоги йўқ, хатарли эди; йўл-йўл пойжома кийган эркаклар ҳарсанг тошларни қазиб, синдириб, таширдилар, агар кимдир ишдан чалғигудек бўлса, назоратчи бошқонлар унга дарҳол ташланиб, дўппослашарди. Уларнинг шафқатсиз муносабатда бўлишларининг сабаби шунда эдики, агар эсэсчилар улардан салгина норози бўлсалар, шу заҳоти маҳбуслар қаторига қайтарилаш ва улардан албатта қасос олиб ўлдиришарди.

Тош конининг ичи ва ташкарисига торроқ темир йўли курилган бўлиб, унда баҳайбат пўлат вагонеткалар сирғаларди, уларнинг ҳар бигтасининг ҳажми аравадек бўлар, унда тош

конидан тошларни кўтариб чикиб, Бухенвальд якинидаги курилиш майдонларига етказиларди. Густав билан Фриц аравани итарувчи бўлиб ишлардилар; улар яна ўн тўрт нафар бошка эркаклар билан кун бўйи тош ортилган тўрт ярим тонналик вагонеткани бақириклар ва дарра зарбалари остида тахминан ярим километрлик масофага қиялиқдан юқорига қараб итариб чиқишарди. Рельслар майдаланган тошлар устида ётар, маҳбусларнинг ифлос пойабзаллари сирпанаверарди. Энг асосийси, тезлик эди – вагонетка бўшатилган заҳоти уни иккинчи йўл орқали конга қайтиб туширишарди, у ўз оғирлиги билан пастга тушиб борар, ўн олти эркак эса рельсдан чикиб кетмаслиги учун уни маҳкам ушлаб, тутиб қолишига уринишарди. Улар кўпинча ағдарилиб кетар ва маҳбусларнинг оёқ, кўлларини синдириб, бошларини ёради. Агар вагонетка рельсдан чикиб кетса, кейингисининг йўлини тўсиб кўяр ва унинг ортидан босиб, эзилган, оёқ ва кўллари узилиб тушган таналар қоларди.

Ярадорларни тиббий изоляторга олиб боришарди: агар улар яхудийлар бўлса, дархол “Ўлим блоки”га – ўлишга маҳкум bemорлар ётган баракка тушардилар. Оғир яраланган маҳбусларни эzsэ шифокори ўлдирадиган укол билан тинчтарди. Ҳатто енгил яраланишлар ҳам маҳбуслар яшаётган антисанитария шароитларида ўлим хавфини келтириб чиқарарди. Кўзи яхши кўрмайдиганлар учун кўзойнакни йўқотиш ўлим хукмини билдиради.

Густав билан Фриц ҳозирча кунма-кун жазо ва шикастланишдан асраниб юрадилар. “Кўлдан келганча ўзимизни асраб юрибмиз”, – деб ёзганди Густав ўз кундалигига.

Шу тарика икки ҳафта ўтди. Кейин, 25 октябрда карантин лагерида дизентерия билан безгак авж олди. Маҳбусларга сув берилмас ва улар тош конида кўлмаклардан сув ичишарди, эпидемияга тахминан худди шу сабабчи бўлганди. Уч ярим мингдан ортиқ беҳол эркак ўз чодирларида тиқилиб ётар, у ерда

факат чукур қазилган ўра ҳожатхона вазифасини бажарар, шу боис, инфекция ёнғин каби тез тарқаларди. Ҳар куни ўnlарча киши ҳалок бўларди.

Бироқ лагерда иш тўхтамасди. Худди аввалгидек озрок егулик, совук ва ёмғирда кўпсоатлик йўклама, калтакланишлар ва шикастланишлар ўша-ўша давом этарди. Эсэсчилар Меркль деган рухонийни жуда шафкатсизлик билан хўрлашди: уни доимий тарзда юз-кўзи қонагунча калтаклаб, охирида эса, сокчиларга ташланишгача мажбур қилдилар. Дизентерия шитоб билан давом этар, ўлганлар сони ҳам ортиб борарди.

Бир неча оч колган поляклар кичик лагердан бир амаллаб чиқиб, бош ошхонага киришга муваффақ бўлишди, у ердан ўн икки килограмм егуликлар келтиришди. Аммо кувончлари узоққа чўзилмади. Ўғрини тодилар ва жазо сифатида бутун кичик лагерь икки кунлик овқатдан маҳрум этилди. Яна бир неча кундан кейин омборхонадан бир қозон егулик ўғирланди. Маҳбуслар марказий майдонда сокчилар кузатувида эртадан кечгача қимирамай турган кўйи яна икки кун оч қолишиди. Лагернинг шимолий қисмida чўчқаҳонадан чўчқа ўғирланганида ҳам жазоланиш давом этди. Лагерь коменданти Коҳ (у Бухенвальд мажмуи яқинидаги ажойиб уйда яшар, якшанба кунлари маҳаллий ҳайвонот боғида хотини ва болалари билан сайр килишни ёқтиарди) токи ўғрилар кўлга туширилмагунига қадар, маҳбусларга егулик бермаслик ҳақида шахсан ўзи буйрук берди. Ҳамма маҳбусларнинг кийимларидан кон ва чўчқаҳонадаги пайраха кукунлари қолдикларини излаб, синчиклаб текширишди. Тергов ва калтаклашлар уч кунгача давом этди ва ниҳоят, чўчқани эсэсчиларнинг ўзлари ўғирлаганлиги аниқланди.

Очликдан силласи куриб, тинимсиз меҳнатдан ниҳоятда толиккан омон қолган маҳбуслар арвоҳларга – тирик мурдаларга айланишганди.

Кейин эса бундан-да бадтаррок бўлди.

* * *

1939 йил 8 ноябрь чоршанба куни Адольф Гитлер ҳар йили анъянавий тарзда ўтказиладиган митингни бошқариш учун Мюнхенга учиб келди. Мазкур митинг 1923 йилда у ўз издошлири билан биргаликда Баварияда ҳокимиятни кўлга киритиш учун дастлаб уринган чоғда, амалга ошмай қолган Пиво қўзғолони хотирасига ўтказиларди. У Бюргербройкеллер гигант пивохонасида тантанали нутқ билан тадбирни очди. Яқиндагина уруш бошлангани, режалаштирилган Францияни босиб олишга ёмон об-ҳаво ҳавф солаётгани туфайли фюрер ўша заҳоти Берлинга қайтишга шайланар, шу боис ўз нутқини режаланган вактдан бир соат илгарироқ бошлади. У жўнаб кетганидан кейин ўн саккиз дақиқа ўтгач – унинг нутқи айни кизиб турган бўлиши керак бўлган фурсатда – колонналардан бирига қўйилган бомба бағоят кучли тарзда портлади; унинг ёнида турган одамлар жойларида ҳалок бўлишди, ўnlарча митинг иштирокчилари яраландилар.

Теракт бутун Германияни ларзага солди. Гарчи бомбани қўйган германиялик коммунист Георг Эльзернинг авлодида ҳеч кандай яхудийликнинг изи ҳам бўлмаса-да, нацистлар барча ўлим гуноҳларига яхудийларни айблашга одатланишганди. Эртасига – у Биллур туннинг бир йиллигига тўғри келганди – концентрацион лагерларда жавоб тарикасида шафқатсиз чоралар кўрила бошланди. Заксенхаузенда маҳбусларни хўрлаб, қийноққа солинди, Равенсбрюкда яхудий аёллар деярли бир ой баракларга қамаб қўйилди. Бироқ ҳатто шундай ваҳшийликлар ҳам Бухенвальдда содир этилганлар олдида ип эшолмасди.

9 ноябрь эрта билан барвақт ҳамма яхудий маҳбуслар, шу жумладан, Густав билан Фрицни ҳам тош конидан чакириб

олдилар ва орқага, бош лагерга ҳайдаб бордилар. Уларга ўз чодирларига қайтишларини буюриб, ҳамма ўз жойида эканлигига ишонч ҳосил қилгач, СС сержантин Йохан Бланк кўргазмали қатлларга киришди.

Бланк ўзгаларни қийнаб, роҳатланадиган туғма садист эди. У Бавариядан чикқан, ўрмончининг собиқ ёрдамчиси ва браконьер бўлиб, маҳбусларни соқчилар занжирига итариш ўйинларида бажонидил иштирок этар ва улардан кўпларини шахсан отиб ташлаганди. Пиво тўнташига бағишиланган кечаги байрамдан ҳали кайфи тарқаб улгурмаган бошқа эсэсчилар ҳамкорлигига Бланк бараклар бўйлаб юрганча, йигирма бир нафар яхудийни танлаб олди, улар орасида бахтсиз тасодиф туфайли унинг йўлидан чикиб қолган 17 яшар бола ҳам бор эди. Маҳбусларни бош дарвоза олдига ҳайдаб боришли, улар ўша ерда, эсэсчилар қаршисида, уларнинг байрам парадида саф тортиб қандай қадам ташлашларини кўриб туришлари керак эди. Худди ўша пайтда Мюнхенда ҳам байрам паради ўтаётганди. Кейин дарвоза очилди ва яхудийларни қиялик бўйлаб тош конига ҳайдаб кетишиди.

Густав билан Фриц ўз чодирларидан ташқарида нималар рўй берайтганини кўра олмас, бироқ товушлар яхши эшитиларди. Тош кони бир муддат жим-жит бўлиб турди. Кейин тўсатдан автоматдан бирин-кетин ўқлар отилгани эшитилди. Яна сукунат чўқди.

Содир бўлган воқеа ҳақидаги хабар лагерь бўйлаб тезда тарқалди. Маҳбусларни тош конига олиб бориб, ҳаммаларини отиб ташлабдилар. Баъзилар қочишга уринган эканлар, бироқ уларга етиб олиб, ўрмон яланглигига ўлдиришибди.

Аммо кун ҳали тугамаганди. Энди сержант Бланк сержант Эдвард Хинкельман билан ўз эътиборини кичик лагерга қаратишиди. Улар чодирлар бўйлаб текширувга чиқиб, гўё ўз жаҳлларига эрк берганлари каби ҳар бир икир-чикирдан баҳона

излашарди. Махбусларни майдонга ҳайдаб чиқариб, сафлантиришди ва бошқонлар қатор бүйлаб юрганча, ҳар йигирманчи одамни танлаб, олдинга чиқаришарди. Улар Густав билан Фрицга тобора яқинлашиб келишарди: бир, икки, уч... ўн етти, ўн саккиз, ўн түккиз... Густавдан ўтиб... Йигирма – ва бармоқ Фрицга ўқталди. Уни маҳкам ушлаб, олдинга, бошқа курбонлар ёнига итариб чиқаришди.

Майдонда қайишлари осилиб ётган ёғоч курси тайёрлаб күйилганди. Лагерда бир ҳафтадан күпроқ яшаган ҳар бир маҳбус бок – кийнок курсисини дархол танир эди. Уни кўллашни комендант ўринbosари Хюттиг маҳбусларни жазолаш ва соқчилар кўнгилхушлиги учун ўйлаб топганди.

Барча маҳбуслар курсининг нима учун кераклигини кўргандилар ва у ҳақда эслатилгандаёқ даҳшатта тушардилар. Сержантлар Бланк ва Хинкельман уни кўллашни жуда яхши кўришарди.

Ўлгудек қўрқиб кетган Фрицни кўллари тагидан ушлаб, курси томон судрашди. Унинг эгнидаги камзули, кўйлагини ечиб, шимини эса тиззасигача туширдилар. Соқчилар уни қиятурган курси устига юзтубан ётқизиб, тўпиқларини боғловга тикишди ва тери қайишни орқасидан тортиб кўйишиди.

Густав Бланк билан Хинкельман кийноққа қандай хозирланаётганига даҳшат билан қараганча, чурк этмай турарди; улар ичида пўлат ўзаги бўлган, теридан ясалган ўз дарралари дасталарини силаб-сийпалаб, лаҳзадан ҳузурланишарди. Лагернинг қоидасига кўра, камида 5 ва кўпи билан 25 марта дарра уриш зарур эди. Ўша куни эсесчилар энг баланд кўрсаткичга етказишга тайёрланишарди.

Биринчи сафар тушган дарра Фрицнинг думбасини гўё тифкаби кесди.

– Сана! – деб бақиришди унга.

У бундай жазолашни аввал кўргани боис, ундан нимани кутишаётганини биларди.

– Бир, – деди у.

Дарра яна визиллаб тушди.

– Икки, – базур товуш чиқарди у.

Эсесчилар жазони чўзиш ҳар бир зарбдан оғриқ ҳамда даҳшатни янада кучайтириш учун дарра билан савалашга устаси фаранг бўлиб кетишганди. Фриц агар ҳисобдан адашиб кетса, савалаш яна бошидан бошланажагини англаб, ўзини тутишга уринарди. Уч... тўрт... ўн... ўн бир... санаши давом эттириш зарур, хушдан кетиб колмаслик керак.

Ниҳоят, у йигирма бешгача санади; қайишлар бўшатилди ва уни оёқка тургазишиди. Отасининг кўз ўнгига буткул конга беланган, оғриқдан азобланаётган, ҳеч нимани фарқлай олмаётган Фрицни олиб кетишиди ва курсига кейинги баҳтсиз маҳбус ётди.

Даҳшатли тадбир узоқ вақт давом этди: ўнларча курбонлар, юзларча зарбалар. Баъзилар оғриқ туфайли ҳисобдан адашиб кетишар ва қийноқ яна бошидан бошланарди. Ҳамма курбонлар майдондан чала ўлик аҳволда кетишарди.

* * *

Яҳудийлар учун на тиббий ёрдам, на тин олиш, на ишдан озод этиш назарда тутилмаганди. Саваланганларнинг ҳаммаси қони оқиб ва танаси оғриб турса-да, ҳар кунги ишларига дарҳол киришишлари зарур эди. Улар охирги кучларини ишга солишишлари тўғри келарди, чунки лагерда оғриққа бардош бермаслик ёки умидсизликка берилиш ўзини ўлимга маҳкум этишни билдиради. Бухенвальдда шундай қоида бор эди: ишлар нечоғли ёмон бўлмасин, бундан ҳам бадтарроқ бўлиши мумкин – ва бу доимо тасдигини топарди.

Икки кундан кейин йўқламада Фриц оёкларида туриши учун анча куч сарфлашига тўғри келди, бирок энди у, гарчи дарра излари ҳали битмаган бўлса ҳам, отаси ҳакида кўпроқ ташвишланарди: Густавнинг ахволи жуда ёмон эди. Уларни яна очлик билан қийнашар, лагерда дизентерия билан безгак эпидемияси давом этар, Густав ҳам касалликни юқтириб олганга ўхшарди. Унинг ранги бўзариб, ичи кетганидан азобланиб, қалтиради. Фриц дам-бадам отасига кўз қирини ташлаб кўяр, дақиқалар жуда секин чўзиларди. Бу ахволда отаси ишлай олмаслиги аниқ эди: у йўқламада зўрга чидаб турди.

Густав тебраниб, силласи куриган, хушдан кетиб колмасликка уринарди. Лекин бирдан товушлар узоклашаётгандек бўлди, кўз олди хиракашиб, оёк-кўллари увиша бошлади ва кора кудукка кулаётганини ҳис этди. У хушини йўқотиб, йикилди.

У ўзига келганида, қандайдир хонада чалканча ётганини англади. Чодирда эмас. Унинг тепасида Фрицнинг чехраси учиб юарди. Яна кимнингдир... Нима, у тиббий хонадами? Йўқ, бунинг сира иложи йўқ – яхудийларни у ерга киритишмасди. Аъзои бадани ўт бўлиб ёнаётган чоғда Густав ўладиган беморлар баракида – Ўлим Блокида ётганини тушунди.

Бу ерга уни ўғли яна қайсиdir одам билан бирга олиб келди – Фриц ўзининг яралари оғриб турганига қарамай, отасини суюб турарди. Унга ҳаво оғир, бўғиқдек туюларди, ҳар тарафдан ингрок ва нолалар эшитилар, умидсизлик, заифлик ва ўлим шарпаси кезиб юарди.

Баракда икки шифокор бор эди. Бири германиялик доктор Хаас бўлиб, у ўзгача ҳиссиз, бераҳм одам эди. У беморларнинг егуликларини тортиб олар, уларни очликка гирифтор этарди. Иккинчисининг ўзи ҳам маҳбус – доктор Пауль Хеллер, асли Прагадан ёш яхудий шифокор эди. Хеллер беморлар учун кўлидан келганча ёрдам берарди. Густав баракда бир неча кун

иссиги 38,8 даражага чиқиб ётди. У баъзан хушига келар, кўпинча бехуш ётарди.

Бу вақтда Фриц кичик лагердаги шароитлардан янада дарғазаб бўларди. Уларни яна очлик билан азоблашарди. “интизомий чора сифатида лагарда егулик бериш тўхтатилиши эълон килинади” – бу эълон овоз кучайтиргичдан бот-бот такрорланиб турарди. Охирги ойда улар ўн бир кун егуликсиз қолишиди. Бир неча ёш маҳбуслар кўрикчиларга овқат сўраб мурожаат килишни таклиф этишди. Калтаклардан энди тузалаётган Фриц ҳам улар каторида эди. Катталар, анча тажрибали маҳбуслар, шу жумладан, Биринчи жаҳон уруши ветеранлари бу яхшилик келтирмаслигини айтиб огохлантиришди. Ҳар қандай ўзбилармон ҳаракатлар ўзига дикқатни каратишни билдирар, бу эса ёки жазоланишга, ёхуд ажалга етакларди.

Фриц Пратерда танишиб қолган “Ицкерль” лақабли веналик оғайниси Якоб Ир билан гаплашди.

– Агар ўлишга тўғри келса, менга барибир, – деди Ицкерль. – Доктор Блис келганида, у билан гаплашиб кўраман.

Лагерь шифокори Людвиг Блис у қадар раҳмдиллик билан ажralиб турмасди, лекин у бошқа эсэс шифокорларидан кўра инсонпарваррок эди. У вақти-вақти билан энг оғир жазолашларга аралашар ва уларни тўхтатарди. Ўрта бўйли, кўриниши бироз кулгили бу одам бошқаларга ўхшаб ўзини унча катта тутмасди.

– Майли, – деди Фриц. – Лекин мен сен билан бирга бораман. Мен ўзим галираман – сен шунчаки сўзларимни тасдиқлаб турасан.

Доктор чодирларни кейинги сафар айланиб текшираётганида Фриц билан Ицкерль унинг ёнига қатъяйтсиз якинлашдилар. Фриц худди бирон нимани талаб килаётгандек кўринмасликка уриниб, овози титраганча деди:

– Бизда ишлашга куч йўқ! Илтимос, ейишга бирон нима беринг!

У ўз сўзларини атайин ўйлаб қўйганди; раҳм-шафқат сўраб ялинишнинг ўрнига, у ишнинг амалий жиҳатига эътиборни қаратганди, ахир СС учун маҳбуслар ишчи кучи бўлиб ҳисобланарди. Шундай бўлса ҳам, ишлашга қобилиятсизликдан арз қилиш жуда катта хавф сари бормокни билдирап – фойда келтирмаслик ортида ўлим турарди.

Блис унга ҳайрон бўлиб қаради. Фриц ёшига нисбатан унча бўйчан эмас ва амалда ёш боладай қўринарди. Калтакланиш ва оч қолишдан кейин у нихоятда абгор аҳволда эди. Блис иккиланарди: афтидан, унинг йҷида одамийлик нацистлар тамойиллари билан курашарди. Кейин у бирдан шундай деди:

– Менинг ортимдан юринглар.

Фриц билан Ицкерль докторнинг ортидан майдон орқали юриб, лагер ошхонасига боришиди. Блис уларга кутиб туришни буюриб, озиқ-овқат растасига ўтди ва у ердан икки дақиқадан сўнг катта буханка жайдари нон билан икки литрли идишда шўрва олиб чиқди.

– Энди эса, – деди у йигитчаларга қўлидагиларни тутқазиб, – дарҳол ўз жойингизга қайтинг. Тезрок!

Улар олти кишилик озиқни энг яқин қўшнилари билан бўлишдилар. Эртаси кунидан, ҳойнаҳой, Блиснинг фармойишига биноан бўлса керак, ҳамма маҳбусларга егулик бера бошладилар. Йигитчалар тўғрисида бутун лагерь гапира бошлади ва шу кундан эътиборан Ицкерль Фриц учун энг яқин дўстларидан бири бўлиб қолди.

Фриц ҳар сафар имкон топганида, Ўлим Блокидаги отасини бориб кўрарди. Уни дизентерия ўлдиролмади ва ёмон кунлар ортда қолди, бироқ Густав мазкур антисанитарияли заҳарланган шароитда ҳеч қачон тузалмаслигини энди англарди. Икки ҳафтадан кейин уни чиқариб юборишларини сўрай бошлади,

лекин доктор Хеллер бунга рози бўлмасди. Густав тирик қолиш учун ҳаддан зиёд нимжон эди.

Шундай бўлса-да, бир куни у докторнинг буйруғига қарамасдан, ўғлидан ўрнидан туришига ёрдамлашиб юборишини сўради. Улар иккаласи бир амаллаб судралганча Ўлим Блокидан чиқиши. Густав тоза хаводан симириб, дархол аҳволи енгиллашганини сезди; у ўғлининг елкасига қўлини кўйиб таянганча кичик лагерга етиб борди. Фриц ҳали ҳам оёкларида базур турган отасини эҳтиёткорлик билан етакларди.

Ҳатто одамлар билан лиқ-лиқ тўлган, ифлос чодирда изоляторга нисбатан ҳаво тозарок эди ва Густав куч йиға бошлади. Эртасига уни енгилрок ишга – ҳожатхоналарни тозалаш ва печка ёқишига кўйиши. у яхшилаб овқатланди ва ўзини тузукроқ сеза бошлади.

Фриц ҳам калтаклардан тузалиб қолди. Бирок Бухенвальдда саломат бўлишнинг чегараси бор эди. Улар ҳар иккаласи ҳам озиб кетишганди; Густав аввал ҳам озғин эди, касалланганидан кейин атиги 45 кг бўлиб қолганди. Фриц ақл-фаросатини намойиш этганидан кейин нафақат оддий маҳбуслар, балки маҳбусларнинг олий мақоми – лагерь бошқонлари орасида ҳам шуҳрат қозонди. Лекин бу кўп нарсани ҳал қилмасди: факат очликдан, ўлишдан куткаарди. “Мен қаердалигимни унутиш учун ишлайман”, – деб ёзарди Густав.

Уларнинг лагердаги биринчи киши кириб келган чоғда, Фриц билан отаси уйдан янги ич кийими солинган жўнатма олиши. Жўнатмалар лагерга етиб бораарди, бирок маҳбуслар жавоб хати ёзолмасдилар. Жўнатмада мактуб ҳам бор эди. Тини болаларини, шу жумладан, Фрицни ҳам Америкага жўнатиб юбориш учун ҳаракат қиласарди. Эдитдан ҳеч қандай янгиликлар йўқ эди. Унинг қаердалиги, нима билан машғул эканини онаси билмасди.

ТОШМАЙДАЛАГИЧ

Шимолий Англия узра тим қора тусли тунги осмонда юлдузлар нукталари билан Сомон йўлининг туманли чизиги кесиб ўтиб ва унда ой ёрқин ўрок каби шуъла сочарди. Мамлакат уруш олиб борар ва кора парда ортига яширган, шу боис осмон ойдини кўзга кучлироқ ташланарди.

Эдит Кляйнман худди ўша Вена узра осмонидагидай юлдузларга термулган кўйи оиласининг ўша ерда яшашда давом этаётганидан умид киларди. Унда ҳеч қандай янгилик йўқ, факат қўркувлари бор эди. У отаси, онаси, синглиси, укалари, дўстлари ва яқинларининг ахволи қандайлигини билишни жуда ҳам хоҳларди. У баъзи нарсаларни гапириб бергиси келарди. У бир йигитни учратиб қолганди. Оддий одамни эмас – айнан ўша ўзи излаган йигитни. Унинг исми Рихард Палтенхоффер бўлиб, у ҳам худди ўзи каби қочоқ эди.

Англиядаги дастлабки ойларда айтарли ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади. У яхудий қочоклар қўмитаси қўмагида ўзига иш жойини топди ва олтмиш ёшлардаги яхудий аёл Ребекка Бростофф хонимнинг шаҳардан ташқаридаги шинамгина уйида яшаб, хизматкорлик кила бошлади. Аёлнинг эри Моррис жун сотар ва улар ўзига баҳузур яшардилар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Россияда туғилишган ва ёшлик чоғларида ўзлари ҳам эмигрант бўлишганди.

Лидс ҳеч нимаси билан Венага ўхшамасди: у қизғиши шишти курилмалари бўлган, тартибсиз тарзда ўсиб кетган саноат шахри экан; узун кўчаларда ишчиларнинг бир хилдаги мўъжазгина уйлари бир-бирига зич тиқилган, баланд жамоат бинолари эса, кулранг тутун босган осмонга бўй чўзганди. Лекин бу ерда нацистлар йўқ ва гарчи антисемитизм мавжуд бўлса ҳам, яхудийларни таъқиб қилишмас, тошкўчаларни чўткалаб ювишга мажбур қилишмас, Даҳау ва Бухенвальдга ҳам жўнатишмасди.

Кўпгина британияликлар мамлакат германиялик яхудийларни қабул қилишига розилик билдиришганди, аммо буни ёқламайдиган кишилар ҳам мавжуд ва хукумат бир-бири билан ўзаро қурашаётган томонлар орасида чорасиз қолганди. Матбуот гоҳ яхудийлар томонида эди, гоҳ уларга қарши фикрлар билдиради. Улар яхудийларнинг қайсараги ва жинояткорликка мойилликларида ишора қилиб, британча ҳаёт тарзига хавф солаётгандар тўғрисида очик ёзардилар. Шундай бўлса ҳам, барибир бу ерда нацистлар, хужумчилар ва СС йўқ эди. Уруш бошланганидан кейин хукумат хорижий душманларни мамлакатдан чиқариб юбора бошлади, лекин нацизмдан қочиб келган Эдит учун, табиийки, бундай сургун хавф солмасди. Яна нимани хоҳлаш мумкин?

Бростофф хоним Эдит билан яхши муносабатда бўлар, маоши ҳам ёмон эмас: ҳафтасига уч фунт оларди.

Британиянинг “Ўтирадиган уруш”га кириши (уни “Фаройиб уруш” деб аташарди ҳам) ва Эдитнинг эмиграциядаги биринчи киш ҳарбий қийинчиликлар билан эмас, ишқий муносабатлар билан ёдида қолди. У Рихард Палтенхофферни ҳали Венадалигига оз-моз биларди; улар ҳаммаси тенгдош ва умумий доираларда айланишарди. Улар Англияда яна учрашиб, бир-бирини севиб қолишли.

Уларнинг охирги учрашувидан кейин Рихард ҳакиқий дўзах азобларини бошидан ўtkазди. 1938 йилнинг июнида эсэсчилар уни Рейх учун мажбурий иш дастурига биноан ҳибсга олишиди. Ўша пайтда Германия жамиятининг “ноижтимоий” унсурлари – ҳамма “ортиқча оғизлар”, ишсизлар, қашшоқлар, ичкиликбозлар, гиёхвандлар, бесоқолбозлар ва майда безориларни лагерларга ҳайдашга қарор қилинганди. Шу тариқа ўн мингга яқин одамлар лагерларга тушиб қолишли: улардан кўпчилиги худди Рихард Палтенхоффер каби яхудийлар бўлиб, тасодифан бошқа жойга ва бошқа вактда бориб қолишли.

Рихардни Даҳауга жўнатишли,

кейин эса Бухенвальдга ўтказиши, у ерда Фриц билан Густав Кляйнманлар борган вактдан бир йил илгари янада даҳшатлироқ эди, энг ёмон шароитларда анча кўпроқ одамлар яшарди. Одатда, кечки текширувдан кейин доимий тарзда ўтказиладиган кўргазмали жазолашлардан бирида Рихарднинг олдида турган бир маҳбусга эсэсчи коровул найза тикиб юборди. Тиг унинг танасини тешиб ўтиб, эркак Рихарднинг устига кулади ва найза унинг оёгини шикастлади. Яраланган жой бир неча ой оғриб юрди, бироқ унинг баҳтига, маддалаб кетмади. У тасодифан кутулиб колди. 1939 йилнинг апрелида Гитлер элликка тўлиши муносабати билан Гиммлер концлагерлардаги деярли тўққиз минг маҳбусни оммавий афв этиш учун розилик билдириди. Улар орасида Рихард Палтенхоффер ҳам бор эди.

У Венага қайтиб бориш ўрнига Швейцария чегарасини кесиб ўтди. Австриялик бойскаунтлар ташкилоти унга Британияга кириш учун керакли хужжатлар олишига кўмаклашди. Майнинг охирида у Лидс йўлида кетиб борарди, унга ўша ердаги кошер (диндор яхудийларнинг ҳалол деб ҳисобланадиган егулиги) қандолат фабрикасида иш топиб беришди.

Яхудий қочоклари қўмитасининг бўлинмаси ҳаракат олиб бораётган шаҳарнинг гуллаб-яшнаётган катта яхудийлар жамоасида Эдит билан Рихардни илиқ қабул қилишди. Йилига 250 фунт бўлган кичиккина маблағта маҳаллий кўнгиллилар юзларча эмигрантлар учун Лидсда тураржой ва иш топишга эплаб ёрдамлашардилар.

Улар ёш яхудийлар клубида учрашдилар. Рихард Эдитга ўзининг уйи, ўзи мосуво бўлган хаёти ҳақидаги хотираларни эслатарди. Рихард киришимли, кувноқ йигит бўлиб, дид билан кийинарди. У ўзига ярашимли чиройли кийиниши билан йоркширлик меҳнаткаш ишчилардан фарқланиб турарди.

Гарчи ўтириладиган уруш бўлса ҳам, у ёшлар учун вактни самарасиз йўқотмасликка баҳона бўлди ва уйидан узилган икки ёш чўзиб ўтиришни хоҳлашмади, албатта. Рождество байрами ўтиб, январь ойи бошланганида, Эдит ҳомиладор эканлигини пайқаб қолди. Улар тўйга тайёргарликни бошлаб юборишиди.

Улар қочоклар сифатида фуқаролик ҳолатидаги ҳар қандай ўзгаришларни расман қайд этишга мажбур эдилар. Февраль ойининг душанба куни роппа-роса соат 9 яримда улар Лидс Янги Синагогаси руҳонийи Артур Супернинг кабинетига боришиди, у ердан эса ҳаммалари биргаликда зарурий бланкаларни тўлдириш учун полиция маҳкамасига жўнашди. Шу тариқа Бирлашган Яхудийлар конгрегацияси, яхудий қочоклар ишлари бўйича Кенгаш Назорат қўмитаси ва веналик Штадттемпель руҳонийи Фишер ёрдамида уларнинг бўлажак никоҳи келишиб олинди.

Қоғозбозлик расмиятичилклари бажарилганидан кейин 1940 йилнинг 17 марта Адольф Гитлер Бельгия, Нидерландлар ва Францияга бостириб кирди. Бир ойдан кейин британиялик экспедиция корпуси қолдиқларини Дюнкерс соҳилларидан эвакуация қилишга тўғри келди. Олмонлар бостириб келишарди.

Орадан икки ой ўтгач, Адольф Гитлер Бельгия, Нидерландлар ва Францияга бостириб кирди. Бир ойдан кейин британиялик экспедиция корпуси қолдиқларини Дюнкерс соҳилларидан эвакуация қилишга тўғри келди. Олмонлар бостириб келишарди.

* * *

— Чап билан — икки — уч! Чап билан — икки — уч!

Назоратчилар бақириб буйруқ беришар ва маҳбуслар вагонеткани рельслар бўйлаб юкорига итаришарди.

— Чап билан — икки — уч! Чап билан — икки — уч!

Фрицнинг ботинкалари музда ва сепилган шағал устида сирпанар, хориган мушаклар оғриқдан азоб чекар, қўллар билан

слкалар арконнинг тортилишидан симилларди. У билан яна бир неча эркак хириллаганча вагонеткани тортишарди. Пастроқда бошқалар, улар орасида унинг отаси ҳам яланғоч металлга музлаган кафтларини кўйиб, уни итаришарди.

Киш Эттерсбергни аямасди, бироқ у ҳам назоратчиларнинг шафқатсизликлари билан тенглашолмасди.

— Қани итарларинг, итлар! Чап билан – икки – уч!
Юқорига, чўчқалар! Қалай, бўляптими?

Кўлини туширган ҳар кандай кишини ерга қулатиб, калтаклашарди. Фидираклар ғижирлаб, чийиллар, маҳбусларнинг оёклари тийғанчик ерда сирпанарди, уларнинг иссик нафаси муздек ҳавога отилиб чиқарди. “

— Икки баравар тезрок! Шошилинглар, акс ҳолда чатоқ бўлади!

Ҳар куни тоғ бўйлаб юқорига, курилиш майдонларига ўн иккита юқ ортилган вагонеткаларни кўтариш керак бўларди, ҳар бирига бир соат атрофида вақт кетарди.

— Қани, олға, чўчқалар! Чап билан – икки – уч!

“Одамларни худди ҳайвонлардек ишлатишади, – ёзарди Густав уларнинг кундалик дўзах азобларини тасвирлаб. – Нафаси тикилиб, инграб, тер босган... Худди фиръавнлар замонидаги куллардек орқасини эгишга маҳкумлар”.

Янги йилда уларда киска муддатли танаффус бўлиб қолди; январь ойи ўрталарида доктор Блис кичик лагерда касалликлар туфайли ўлим ҳаддан зиёд кўпайганидан ташвишланиб, инфекция ўзларига ҳам тарқалиб кетишидан хавотирланган эсэсчиларнинг кўллаб-куватлаши билан омон қолган маҳбусларни асосий лагердаги тузукроқ шароитларга кўчириш учун фармойиш берди. Душ билан дизенфекциядан кейин уларни майдон олдидаги баракка карантинга жойлаштиришди. Янги бошпана чодирлар билан такқослаганда, шохона эди: тахтадан ясалган поллар, мустаҳкам деворлар, овқатланадиган столлар,

ҳожатхона ва совук сувли қувур ўтган ювиниш хонаси ҳам бор эди. Бараклар топ-тоза тутилар, маҳбуслар ичкарига киришдан олдин даҳлизда ҳатто ботинкаларини ечишлари зарур эди. Ҳар қандай лой олиб кириш ва тартибсизлик учун қатик жазолар кўлланиларди. Карантиннинг ўша биринчи хайрли ҳафтаси вактида улар овқатни тўлиқ олиб, ишга чиқишмади. Густав аввалги кучини тиклаб олди.

Бундай ҳол узок давом этиши мумкин эмасди, албатта. 1940 йилнинг 24 январида карантин тугади. Густав билан Фрицни ilk бор ажратиб кўйиши: Фрицни бошқа киркқа яқин ўсмирлар билан учинчи блокка жойлаштириши: (у “Ёшлар учун блок” дея аталиб, у ерда асосан катта ёшдаги эркаклар ҳам бор эди).

Улар асосий лагерь билан, унинг тузилиши ва дикқатга сазовор жойлари билан яхшироқ танишиб олиши: Улардан энг асосий жой – Гётенинг Эмани ҳисобланарди. Мазкур қадимий дарахт ошхоналар билан чўмилиш блоклари орасида шохларини ёйганди; айтишларича, Гёте Веймардан Эттерсберг томон юқорига сайр килган чоғларида, унинг тагида дам олишни яхши кўраркан. Маданий ассоциациялар шу қадар кучли эдики, эсэсчилар мазкур дарахтни кўпориб ташлашга журъат қилолмай, лагерни унинг атрофида куриб кўя қолдилар, дарахтнинг танасини эса кийноклар учун мослаштиридилар. Бунинг учун қуйидаги услуг қўлланиларди: маҳбус қулочини ёзиб, дарахт танасини кучоклар ва унинг билакларини шохга боғлашарди. Гёте Эманидаги қийноклар даҳшатли ва таъсирчан маросимга айланиб қолди. Осиљганларни бир неча соатга қолдиришарди – бундан улар яна бир неча кунгача, баъзан ҳафталаб ростланолмай колишарди, – кўпинча яна уриб, калтаклашарди ҳам. Густавнинг кўшниларидан икки нафари гўёки ишдан бўйин товлаганлари учун жазо сифатида Гёте Эманида қийноққа солингандилар.

Карантин баракидан чиққач, Фриц билан отаси Бухенвальддаги маҳбуслар умумий сонининг бешдан бир

кисмидан камроти яхудийлардан иборатлигини кўриб, ҳайрон колишди. У ерда жиноятчилар, руминлар, поляклар, католик ва лютеран руҳонийлари ва бесоқолбозлар, бироқ, энг биринчи навбатда, сиёсий маҳбуслар – асосан, коммунистлар ва социалистларни тутишарди. Кўплари лагерда анча йиллардан бўён, айrim ҳолларда нацистлар ҳокимиятга келган 1933 йилдан бери тутқунликда эдилар. Лекин эзесчилар яхудий ва руминларни энг оғир ишларга юборишар ва улар билан ҳаммадан кўра ёмон муносабатда бўлишарди.

– Чап билан – икки – уч! Чап билан – икки – уч!

Киялик бўйлаб кунига юқорига ўн икки вагонетка, пастга тош конига ўн икки хатарли тез юрар ортга қайтишлар. Совук металл бармокларни чақиб, ловуллатади, арконлар пастга тортади, калла бўум-бўш, оёклар музда сирпанади, назоратчи дўқ уриб, бақириб буйруқлар беради.

Шу тариқа кун ортидан кун ўтиб, киш ўрнини баҳорга берди. Густав билан Фрицни вагонеткаларда ишлашдан четлатиб, тош конида тош ташишга жўнатишиди. Ишониш қийин-ку, лекин тош кони янада даҳшатлироқ экан.

Улар ҳарсанглар синдириб, бўлинган жойдан катта-катта ва зилдек оғир тошларни қўлларида тутганча, кутиб турган вагонеткаларга имкон қадар тезроқ ташиб боришларига тўғри келарди. Кафтлар ва бармоклар ўша заҳоти кавариб, қонай бошларди. Смена тушда қисқа танаффус билан ўн соат давом этарди. Бундан ташқари, тош конида маҳбусларни ҳатто темир йўл доирасидаги муносабат билан такқослаганда, ҳаммасидан ҳам кўра кучлироқ мазах қилиб, хўрлашарди.

“Ҳар куни янги мурдалар, – деб ёзарди Густав. – Инсон нималарга дош беришга қодирлигига ишониш қийин”. У тош конида очиқ ер устидаги дўзахни таърифлашга сўз тополмасди. Ёндафтарчанинг охирги сахифаларида у ҳатто тош конида тортган азобларини шеърий мисраларда ифодалашга уринганди.

— Белкуракни тўлдир! Бу ерда дам оламан, деб ўйлаганмидинг?

Кўллар сирпаниб, оёклар тошлардан кокилар, оппоқ оҳак устига қон томиб, занг тусидаги доғларни колдиради; тезроқ юкингни кўтарганча вагонеткага бориш керак.

— Хой, ишёқмаслар, ким иккинчи! Агар тез-тез тўлдирмасаларинг, ўлгудек калтаклайман!

Тош гумбурлаганча бўш темир идиш ичига думалайди.

— Тўлдими? Нима, энди бўшадим деб ўйлаганмидиларинг? Энди икки кишидан учинчисига! Тезроқ, акс ҳолда, ўласан. Қани, чўчкалар, тезроқ кимирлаларинг!

Тепкилар ва сўкишлар билан ҳайдалаётган маҳбуслар вагонеткаларни тўлдиришар ва аста-секин тоғ тепасига судралиб чиқишарди.

— Чап билан – икки – уч! Чап билан – икки – уч!

Назоратчилар билан соқчилар маҳбусларни қийнаб, қўнгилхушлик килишарди. Густав каби тош ташувчилардан бирига оғир харсангни кўтарганча, киялик бўйлаб юқорига ва пастга югуришни буюришди.

— Ҳам кулгили бўлсин, тушундингми? – буюрди назоратчи.

— Ёки ҳолингвой болади.

Шўрлик курбон иложи борича кулгили югуришга уринарди, бундан назоратчилар хаҳолаб кулишганча, қарсак чалишарди. Тош кўтарган бояқиши оғир ҳансира, оёқларида базўр турган кўйи ҳамма ери моматалоқ бўлиб ва қонаган ҳолда, охирги кучи қолмагунча қайта-қайта югураверди. Энди кулгили қўринишга ҳаракат қилмай, ҳолдан тойса ҳам барибир югуравериб, яна икки марта доирани айланиб ўтди. Бироқ назоратчи зерикиб қолди; у курбонни ерга итариб юборди-да, раҳмсизларча бошига зарб билан уриб ўлдирди.

Ўтиб кетаётган маҳбуснинг бошидан шапкасини юлиб, уни доимо қўриқлаш чизигидан ташкаридаги дараҳт ёки лойга ирғитиб юбориш назоратчилар ёқтирадиган ҳазил эди.

– Хой, ана шапканг! Бор, ана у соқчида. Қани, йигитча, олға!

Одатда, хали қоидалардан бехабар янги келганларга шундай ҳазил қилишарди.

“Мана, тентак югуради, – деб ёзади Густав. – У белгиланган чегарадан ўтади-ю, шу захоти ўқ отилиб, маҳбус асфаласофилинга равона бўлади. Қочиш журналига яна битта ёзув тушади, қайсиdir эсэсчининг таътилига яна битта бонус: ҳар бир отилган қочоқ учун уч кун қўшилади. Цепп исмли сокчи, бир неча назоратчилар, шу жумладан, Йохан Херцог билан тил бириктириб олганди. Бу яшил учбурчакли камзул кийган, собиқ Хорижий легион аскари Густавнинг таърифлашича, “энг разил котил” эди. Херцог ва унинг ҳамтовоқлари маҳбусни Цеппнинг милтиғи ўқига дучор қилганида, сокчи ҳар сафар уларни тамаки билан сийларди.

Гарчи лагерда ўз жонига қасд қилиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб турса-да, кўпчилик маҳбуслар ўзларини эҳтиётлашар ва алдовларга учмасдилар. Айрим ўзгача қатъиятли кишиларни ҳеч қандай ҳақорату қийноклар буқолмасди.

Кунлардан бир кун Густав бир манзарани кузатаркан, бу инсон иродаси қувватига далил сифатида унинг хотирасига муҳрланди. Тош кони марказида ҳаммадан баланд бўлиб тошмайдалагич қад ростлаганди. Белкуракларда тош ташланадиган баҳайбат воронкага қараб борган шестеренка ва қайишлар занжирини гуриллаган мотор ҳаракатга келтиради. Унинг ичida пўлат пластиналар юқорига-пастга ҳамда у ёндан-бу ёнга ҳаракатланганча майдалар – баҳайбат жағлар тошларни шағалга айлантиради. Агар ишчилар вагонеткаларни тўлдиришмаса, мана шу маҳлукни боқишаради. Густав учун тошмайдалагич нафақат тош конининг, балки бутун лагернинг,

бутун тизимнинг рамзи эди, Бухенвальд ҳам ўша баҳайбат механизмнинг бир бўлاغи бўлиб, унда Фриц билан улар ва бошқа маҳбуслар бир вактнинг ўзида ёнишга юбориладиган ҳам ёкилғи, ҳам хомашё эдилар.

Белкуракда тошларни воронкага ташлайдиган маҳбуслардан бири илгари доира бўйлаб тош қўтартириб юргутиришган кишининг ошнаси бўлиб, бошини ҳам қилганча, назоратчилар эътиборини жалб этмасликка харакат қилиб, белкурагини ишлатарди. Лекин шу пайт назоратчининг калласига бир фикр келиб қолди: у дросселни охиригача тортиб қўйди ва машинани тезроқ ишлатиб юборди. Тезлиги икки баравар ошган машина кучли шовқин солиб, тариллаганча титрарди. Маҳбус тошларни тезроқ иргита бошлади. Одам ҳам, механизм ҳам бор кучи билан ишларди: эркак оғир ҳансирар, унинг барча мушаклари бўртиб кетганди, тошмайдалагич эса гўё хозир портлаб кетадигандек титрар ва гуриллаб ишларди. Сал нарида ишлаётган Густав ўзи бажараётган ишдан узилиб, унга қаради; бошқалар ҳам беихтиёр ўша томонга тикилиб қолищди, лекин назоратчиларнинг ҳам кизиқиши ортиб, ишчиларни тергаб ўтиришмади. Мусобака давом этарди: тошлар воронкага учар, мотор ўкирар, парраклар чайнар, майдаланган шағал воронкадан отилиб чиқарди. Эркак қандайдир ғайриинсоний қувват ва ирода кучига эгадек кўринарди. Бироқ тошмайдалагичнинг қуввати чегарасиз эди ва одам секинлаша бошлади. Маҳбус бор иродасини муштига тўплаб, гўё ҳаёти шунга боғликдай қўлидаги белкуракни маҳкам сикқанча, энг зўр охирги кучини ишга солди. Машина голиб бўлиши керак эди, у доимо ғолиб келарди, аммо одамзод барибир чекинмади.

Шу пайт тошмайдалагичнинг ичида нимадир тарсиллаб, узун ғичирлаган товуш чиқди. У бир титраб тариллади-да, тек котди. Унинг ёнида турган назоратчи ҳайрон бўлиб, ичига қаради ва шестерняда тош тикилиб қолганини кўрди.

Тош конини сукунат қоплади. Маҳбус белкурагига таяниб, нафасини ростлашга уринарди. У тошмайдалагич устидан ғолиб келганди, бирок у машинанинг бузилишига ҳам айбдор эди. Назоратчиларнинг каттаси бир зум жим қолгач, бирдан хахолаб кулиб юборди.

– Ҳой, сен, новча, бу ёққа кел! – қичқирди у. – Нима, сен фермаданмисан? Ёки эҳтимол шахтёрдирсан?

– Йўқ, – дея жавоб берди маҳбус. – Мен журналистман. Назоратчи кулишда давом этарди.

– Газетаданмисан? Афсус. Бу ерда ундайларга иш йўқ. У нари кетишга шайланди, лекин кейин тўхтади:

– Гарчи йўқ, менга ёзишни биладиган одам керак. Ҳов анави ердаги уйга бориб, мени кутиб тур. Сенга бир иш бор.

Қаҳрамон белкуракни четга қандай кўйишига қараб турган Густав бирдан ўз қўлларидағи тутиб турган тошнинг оғирлигини ва унга қараган назоратчининг нигохини сезиб қолди. У хозиргина кўрганларини ўйлаган кўйи шошилганча тошни кўтариб бораради. Инсон машина устидан устунликка эришди. Демак, агар ўзининг бор кучи ва иродасини жамласа, машинадан ғолиб келса бўлар экан.

Механик шестеренкадаги тошни чиқариб, моторни қайта ишга туширди. Тошмайдалагич титраганча ва ғижирлаган кўйи яна ишлаб кетди, у тўймас оғзига маҳбуслар ташлаган баҳайбат тошларни ямлаб, улар кучи, уларнинг терлари ва қонини ҳам худди шу тош каби чайнаб ютарди.

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

Тини нима деб ўйлашни ҳам билмай, қўлида иккита хатжилд ушлаб турарди. Улар бир хил бўлиб, Бухенвальддан келганди. Унинг кўпгина танишларининг эркакларини лагерларга олиб кетишганди, лекин улар ёки эмиграцияга рухсат олиб озодликка чиқишарди ёки Венага хоки солинган идишда қайтишарди.

У биринчи хатжилдни очди. Ичида мактубдан кўра кўпроқ расмий хабарномага ўхшаган коғоз бор эди. Уни кўриб, бу Густавдан келганини англаб, енгил тин олди. Тини унинг исми ва маҳбус рақами ёзилган жойдаги текис ва чиройли ёзувни таниди. Варақнинг каттагина кисмида қоидалар рўйхати келтирилганди (маҳбуслар пул ёки жўнатмалар олиши мумкинми, уларга хат юбориш ва олиш мумкинми, лагер қўмондонлигига маҳбуслар учун илтимос қилинган ҳеч қандай мурожаатномалар кўриб чиқиласлиги тўғрисида огоҳлантириш ва шунга ўхшаш гаплар босилганди). Колган кичкинагина очик жойга Густав кисқагина мактуб ёзган, уни кейин СС цензураси текширувдан ўтказган. Тини эрининг соғ-омонлигини ва лагерда ишлаб юрганини тушунди. Иккинчи хатжилдни очиб, худди шундай мактуб Фрицдан келганини билди. Уларни бир-бирига солиштириб, у блоклар рақами ҳар хиллигига эътибор қаратди. Демак, уларни ажратганлар. Бу аёлни ташвишга солди. Унинг жигарпораси ёлғиз ўзи қандай юрган экан?

Тўғрисини айтганда, у доимо ташвишланарди. Май ойида Францияга бостириб кирилганидан кейин Венада яхудийлар учун комендантлик соати ўрнатилганди. Лекин нацистларнинг яхудийлар ҳаётини чидаб бўлмайдиган қилишга чоратадбирлари тугади, деган кишилар қаттиқ янгилишадилар. Уларнинг таъзиини бериб кўядиган яна бир дарра доимо топиларди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Густав билан Фрицни ушлаб кетишларидан сал аввалроқ Венадан иккита темир йўл состави Польшанинг оккупация килинган худуди Нискога жўнади, унда бораётган яхудийларни кишлоқ хўжалик коммунасига ўхшаш жойга кўчириб юборишга шайланётган эдилар. Гарчи лойиха барбод бўлган эса-да, бироқ қолган веналик яхудийларни хавфсизлик туйғусидан буткул айирди. Омон қолганлар апрель ойида қайтиб келиб, қийноклар ва қотилликлар ҳакида кўркинчли воқеаларни сўзлаб беришганди.

Фарзандларини ишончли жойга жўнатиб, уларни қутқариб колишга интилиш Тини учун ҳаётида энг муҳими эди. Британияга энди йўл ёпилган ва улар учун сўнгги умид Америка бўлиб қолганди. Тини ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳозирча балоғатга етмаган ва эмиграция тўғрисидаги коидалар биринчи навбатда амал қиласидиган Фрицни жўнатишга эришиш ҳакида ташвишланарди. У Фриц, Герта ва Курт учун ариза топширди. Уларнинг ҳар бири учун Америкада яшайдиган дўстлари ва қариндошларидан улар болаларни молиявий жиҳатдан кўллаб-кувватлашлари ва бошпана билан таъминлашларини тасдиқловчи иккитадан хат талаб этиларди. Буларни олиш муаммо келтириб чиқармас, чунки Тинининг холавачча ака-сингиллари Нью-Йорк ва Нью-Жерсида, шунингдек, кўп йиллар аввал эмиграцияга жўнаб кетган эски дугонаси Альма Маурер Массачусетсда яшарди. Улар кўллаб-кувватлашни кафолатлашарди, бироқ нацистлар режими билан АҚШ хукуматининг бюрократик тўсиклари муаммолигича қоларди.

Анча кўпроқ қочокларни қабул қилишга тайёр президент Рузвелт конгресс ва матбуот билан ҳеч нима қилолмасди. АҚШда назарий жиҳатдан йилига олтмиш минг қочоклар квотаси мавжуд эди, аслида эса унга риоя этилмасди. Вашингтон барча бюрократик ўйинларни ўйлаб топиб, уларни амалда кўллаганча, хужжатларни чўзиш ва виза беришни рад этиш

тарафдори эди. 1940 йилнинг июнида Европа давлатларидағи Америка консуллари Давлат департаментидан куйидаги ички кўрсатмаларни олдилар: “Биз эмигрантларнинг Кўшма Штатларга кўчиб боришини чўзиш ва моҳияттан тўхтатишимиз мумкин... виза беришни максимал тарзда ушлаб қолиш мақсадида консулларимизга уларнинг йўлида имкондаги барча тўсикларни қўйишиларини тавсия этамиз”.

Тини Кляйнман кабинетма-кабинет юарар, навбатларда турар, хат кетидан хат ёзиб, бланкаларни тўлдирарди, гестапо хизматчиларининг масҳаралашларига чидаб, сўровномалар юборар, кутар, кутар ва кутарди ҳамда уларга депортация билан таҳдид килган ҳар бир янги тақдимномадан кўркарди. Ҳар бир қадамда аёлни тўсиклар кутарди. Бу тўсиклар конгрессмен ва газеталар ноширлари, Висконсия ва Пенсильвания, Чикаго ва Нью-Йоркдаги янги эмиграция тўлқинига ашаддий қаршилик кўрсатаётган бизнесменлар, ишчилар, дўкон эгалари туфайли атайлаб барпо этилганди.

Фриц балоғат ёшига етай деб қолганди. Герта ўн саккизга тўлди ва ҳар қандай ишга ёпишарди. Ўн яшар Курт учун ҳам Тини ташвишланарди: у яхши бола эди-ю, лекин жуда шўх, ғайрати ичига сифмаган тиниб-тинчимаслиги боис, ўғлининг бирон-бир шўхлик қилиб қўйишидан ва бу билан бутун оилани хавфга солиб қўйишидан кўркарди.

Бироқ Тини ўз кўркувларини ичига ютиб, Фриц билан Густавга уйдаги янгиликлар ҳақида қисқароқ мактублар ёзди. Улар учун озроқ пул ҳам жўнатди. У бу пулларнинг бир қисмини хайрия қилувчилардан, бошқа қисмини тасодифий топширикларни бажариб топганди. Уларни жуда соғингани ва (ёлғонни худо кечирсинг-у) уйда ҳаммаси яхшилигини қўшиб қўйди.

* * *

Курт зинадан пастга тушди. Йўлак эшига ланг очиқ эди ва у эҳтиёткорлик билан кўчага мўралади. Бозор чеккасида болалар ўйнашарди – қачонлардир, нацистлар келгунига қадар улар хаммаси дўстлари ҳисобланарди. У ташкарига чиқиб, уларнинг ўйинига кўшилолмаслигини билар ва уларга ҳаваси келарди.

Кармелитермарктга ёндош кўчалардаги болалар билан жуда яхши чиқишиб ўйнардилар. Шанба кунлари онаси эрталабдан бутербродлар тайёрлаб берар ва унинг кичик рюкзакига солиб кўярди. У ошналари билан кун бўйи айлангани кетар, улар қандайдир узокдаги боғнинг ҳамма жойларини текшириб чиқишар ёки Дунайда чўмилгани боришарди. Болалар аҳил эдилар ва Куртга ҳеч ким тавқи лаънат ёпишганини сира айтмаганди.

У айрим одамлар бошқаларидан фарқланишини тўсатдан англади. Бир куни кишининг бошларида гитлерюгендан чиқкан бир бола уни ҳақорат килди ва қаттиқ итариб юбориб, юзини корга ботирди.

Собиқ дўсти унга нисбатан нафратини ошкор килганида эса, бу унинг юрагини яралади. Улар бир неча болалар гурухи – ўша, у ҳозир кузатиб турганлар билан, – одатдагидай, бозорда ўйнаётган эдилар.

Миктидан келган бир бола тўсатдан ўз кучини биронтасида намойиш килиб кўрмоқчи бўлиб, Куртни танлади ва уни катталардан эшитиб олган антисемит ҳақоратларга кўмиб ташлади. Кейин унинг пальтосидаги тугмаларини узиб ташлай бошлади. Доимо ўзини ҳимоя қилишга одатланган Курт ранжитган болани итариб юборди. Бундан ҳайратга тушган ўша бола ўзининг металл самокатини шартта кўтариб, Куртга ташланди ва шундай урдики, Тини ўғли билан госпиталга югуришига тўғри келди. У кирилган ва кесилган жойларига

малҳам суртаётгандарида, онаси унга тепасида қандай караб турганини эсларди. Аёл уларнинг ҳоли не кечишини ўйларди. Ўша боланинг ота-онаси яхудий Курт оксусякка қўлини кўтаришга хадди сиғди, дея полицияга арз килишди. Бу қонунбузарлик ҳисобланарди. Бирок Куртнинг ёши кичиклигини ҳисобга олган ҳолда, қаттиқ огохлантириб, кўйиб юбориши. Ўша воқеадан кейин у янги оламнинг накадар душманона ва адолатсизлигини англаб етди. Мазкур олам қўрқинчли, таҳдидли эди ва ўзидан ёркин хотиралар колдирганди.

Онаси ишлаб топган ўша озрок маблағи билан уларнинг қорнини тўйдириш ва кийинтириш учун ҳолдан тоярди. Шаҳарда хайрия ошхоналари бор эди, ёзда эса улар яхудийлар маданий марказига тегишли фермада дуккакларни теришарди. Венада яна бир нечта бадавлат яхудий оиласалар қолганди, улар саклаб колган пуллари билан қашшоқлашиб кетган ватандошларини қўллаб-куватлардилар. Кунлардан бир куни шундай оиласалардан бири Куртни кечки овқатга таклиф этди. Меҳмонга боришдан аввал онаси унга тайинлади: “Тўғри ўтири, ўзингни яхши тут ва сенга нима дейишиша, шуни бажар”. Брюсселча қарамни ҳисобга олмаганда, таомлар жуда зўр экан. Курт уни аввал ҳеч қачон тотиб кўрмаганди ва бу егулик унга сира ёқмади, бироқ у кўркқанидан ҳаммасини еб кўйиб, кейин дарҳол кўнгли беҳузур бўлди.

Уларнинг мулокот доираси анча торайди, фақат холалари, тоғалари ва уларнинг фарзандлари билангина борди-келди қилишарди. Онасининг катта опаси Женни энг яхши кўрган холаси эди. У ҳеч қачон турмушга чиқмаганди; у тикувчилик қиласар ва ёлғиз ўзи мушуги билан турарди. У болаларга мушук у билан гаплашишини айтиб берарди: Женни унга савол берса, мим-дяя деб жавоб беради. Курт холаси жиддий гапириятими ёки ҳазиллашяптими, сира тушунолмасди: Женни ёш болага ўхшарди. У жониворларни жуда яхши кўтара ва каптарларни

хуркитиш мақсадида пакиллатадиган мослама учун пистонлар олиб келишга пул берарди; шаҳарнинг қуш овловчиси тўр билан аста яқинлашганида, Курт отарди, капитлар ҳуркиб учиб кетар ва қуш овловчи ҳеч нимасиз қоларди.

Куртнинг айрим қариндошлари яхудий бўлмаган кишиларга турмушга чиқишиган ёки уйланишгани боис, доимо нотинч яшардилар, ахир уларнинг фарзандлари нацистларнинг конунларига кўра, курама ҳисобланарди. Шундай қариндошларидан бири Рихард Вилчехни меҳрибон отаси бехавотир бўлишларини ўйлаб, онаси билан биргаликда Аншлюсдан кейин дарҳол Нидерландларга жўнатиб юборганди. Лекин энди нацистлар ўша ерга ҳам етиб боришли ва Курт холаваччасининг ҳоли не кечганини билмасди ҳам. У ҳозир кўчага мўраларкан, бутунлай ўзгача оламни кўрарди.

— Мана қаерда экансан! — хитоб қилди онаси ва Курт айбдор қиёфада унга ўгирилди. — Сенга неча марта ҳеч қаерга ёлғиз чиқма, деб айтдим?

Тинанинг озғин юзи асабий эди ва Курт йўлакда турганини гапирмай кўя қолди.

— Кетадиган вакт бўлди. Юқорига югуриб чиқиб, палтонгни кийиб туш.

Гестаподан яхудийлар қандайдир янги ҳисобга олиш ёки рўйхатдан ўтиш учун боришилари кераклиги ҳакида навбатдаги буйруқ келганди. Курт онаси билан опасининг кўркаётганларини хис этар ва уйда ягона эркак бўлгани боис, уларни қандай ҳимоя килишга оид режа ўйлаб топди. Унинг пичоги бор эди. У пичоқни Вена яқинидаги Дёблингда яшайдиган бошқа бир курама холаваччаси Виктор Капеларидан олиб қўйганди. Унинг онаси Тинига сингил бўлиб, у турмушга чиққач, христианликни қабул қилди. Виктор билан онаси Куртни жуда яхши кўришар ва балиқ овига бориш учун тез-тез таклиф қилиб туришарди. Бироқ уларнинг биргаликда борган ёқимли эсдаликларидан ташқари,

Куртнинг хотирасида Викторнинг отаси киёфаси бир умрга муҳрланганди. Уни охирги марта кўрганида нацист зобитининг кулранг либосидан даҳшатли таъсиrlанганди. Шундай балиқ овилардан биридан сўнг Викторга тегишли сопи суякли ов пичогини Курт секингина ўз киссасига солиб қўйганди.

Онаси билан Герта уни зинада кутаётганларида дахлизда кийинаётган Курт пальтосининг чўнтагидаги пичокни силаб кўйди. Нацистлар унинг отаси билан акасини олиб кетишиди, опаларини кийнашди, унинг ўзини юзини қорга тикиб, уришди, яна бу унинг айби деб айтишиди. Буларнинг барчаси улар учун мумкин эди. У ўз онаси билан Гертани улардан муҳофаза килишга аҳд қилди.

Курт онасининг кўлидан ушлаб, улар ҳаммалари бирга полиция маҳкамасига қараб юриб кетишиди. Йўлда бораётиб, Курт пичноғи тифини ушлаб қўярди. Онасининг хавотири унга ҳам ўтди, бунинг устига, яхудийларга етиб келишларини буюрганларида, уларни бирон ерга жўнатиб юборишлари мумкинлигини у яхши биларди. У онаси шундай қаттиқ кўрқаётганмикан, дея фол очар ва маҳкамага яқинлашган сайин унинг ҳаяжони қандай қилиб кучайиб бораётганини ҳис этарди. Уни тинчлантириш учун ўғил онасига пичокни кўрсатди.

— Каранг, ойи, мен сизларни ҳимоя қила оламан.

Тини даҳшатга келди.

— Ҳозироқ ташлаб юбор! – дея вишиллади у.

Ҳайратда қолган ва ранжиган Курт турган жойида тек қотди.

— Лекин...

— Курт, битта-яrimta кўриб қолмасидан ҳозироқ отиб юбор!

Уни қайта ишонтиришдан маъно йўқ эди. У ўзини тутиб олиб, пичокни четга иргитди. Улар йўлда давом этишди. Аммо Куртнинг юраги чил-парчин бўлганди.

Ўша куни гестапо уларга зиён етказмади. Бироқ қачон бўлмасин, албатта зиён етказиши аниқ. Хўш, айтинг-чи,

ҳаммадан күпроқ яхши күрадиган кишиларини энди қандай химоя қила олади? Умуман, уларнинг ҳаммаси билан нима рўй беради?

* * *

Янги тонг, янги йўқлама, янги кун. Йўл-йўл камзуллардаги маҳбуслар ёзги тонг салқинида қатор сафланиб турганча фақат ўзларига тегишли егулик олиш учун навбат етгандагина қимирлашар ва соқчининг қичқириғига жавобан ўз рақамларини айтишдан бошқа чурқ этишмасди. Майдонда интизомни ҳар қандай бузиш, худди баракларда энг майда тартибсизлик каби жазоланишга етакларди.

Ниҳоят, жуда секин ўтадиган жараён охирига етди. Қаторлар аралashiб, ишчи гурухларига қайта тизилди. Фриц тўдани назаридан ўтказиб, тош кони ишчилари орасидаги отасини кўрди.

У қиши охирлаётганида, сал ўзига келиб қолди: яхудийлар блокидаги энг ёш бошқонлардан бири Густав Херцог уни барак бўйича масъул этиб тайинлади. Отаси мебелчи бўлганидан тўшаклар билан ишлашга одатланган ва, умуман, тозалик ҳамда тартибга риоя қилишни ёқтиради. Бундай тайинлов ноқонуний хисобланар ва иккаласи учун жазо хавф соларди, аммо бу баракнинг текширувдан яхши ўтишига ёрдам берар, Густав учун эса икки ой нафас ростлаб олишга имкон берди. Бироқ энди уни яна ажалга яқинлаштирувчи тош конига тош ташишга жўнатишиди.

Фриц отаси билан бошқа ишламасди: уни ферма атрофидаги экинзорга ўтказишиди, – бу ҳам оғир меҳнат эди, лекин у қадар азобли ва хатарли эмасди. Улар уйдан келган пулга баъзан ошхонадан бирон нима сотиб олишарди.

Одамлар тўдаси орасидан экинзордаги оғайнилари томон ўтиб бораётган Фриц лагерь бўйича бошқоннинг қичкириғини эшилди: “7290 ракамли маҳбус, бош дарвозага югуриб бор!”

Фрицнинг юраги шувиллаб кетди. Маҳбуснинг лагерь дарвозасига чакиртирилишига икки сабаб бор эди: жазолаш ёки тош конига тайинлаш, тўғрироғи, кейин отиб ташлаш мақсадида юбориш.

— 7290-ракамли маҳбус! Ҳозироқ! Зудлик билан бош дарвозага югуриб бор!

Фриц одамлар тўдаси орасидан бир амаллаб ўтиб, дарвоза томонга югурди. Густав унинг ортидан караганча, юраги увишиб, хавотири кучайди. Фриц етиб келгани ҳақида адъютантга хабар қилди. СС лейтенанти Герман Хакман қоматирасо, болаларча табассуми остида бешафқатлик ва калондимоғлик яширинганди. У доим ёнида олиб юрадиган бамбукли даррасини кафтига урганча, нигохини Фрицга қаратди.

— Шу ерда кутиб тур, — деди у. — Юзингни деворга қарат.

Адъютант кетди. То қолганлар лагердан ишга чиқиб боришаркан, Фриц оқланган гиштларга бурнини тираб, дарвоза олдида турди. Нихоят, ҳамма ўтиб бўлгач, Фрицнинг блоки қўмондони СС сержанти Шрамм уни олиб кетишга келди.

— Юр орқамдан.

Шрамм уни “Қонли йўл” охирида жойлашган маъмурий мажмууга кузатиб қўйди. Фрицни гестапо биносига етаклаб келиб, кабинетга чақиришдан олдин йўлакда бир муддат кутиб туришга қолдиришди.

— Шапкангни еч, — буюрди гестапо ходими. — Энди камзулингни еч.

Фриц буйруқни бажарди.

— Манавини кий.

Гестапочи унга оддий кўйлак, галстук билан пиджак узатди. Кийим анча кенг эди, айниқса, Фриц жуда озиб кетганини

хисобга олинганды, күйлак ҳам шалвираб ётарди, лекин у барыбир галстукни ёкаси атрофида ихчам боғлади. Уни фотокамера каршисида турғазиб, ҳар тарафдан сувратта туширишди. Мазкур ғалати тадбир нима учун керак бўлиб қолганини Фриц тасаввур ҳам қилолмай, объективга яширин шубҳа билан қараб, йирик кора кўзи ғазабли чақнарди.

Ҳаммаси тугаганида, унга лагернинг маҳсус либосини яна кийиб, баракка қайтиб боришини буоришиди.

У тирик қолганига суюниб, барча содир бўлган воқеалар мақсадини аввалгидек англомасди. Унга куннинг қолган қисмида ишдан бутунлай озод бўлганини айтганларида, Фриц янада кўпроқ таажжубланди.

У бўм-бўш баракда бу нимани англатиши ҳақида фол очиб, ёлғиз ўтиради. Эҳтимол, уни маҳбус эмас, оддий одамлар сингари яшигандай тасаввур ҳосил бўлиши учун бошқа либос кийдиришгандир, бирок Фриц шу тахминдан нарига ўтмади.

Шу куни кечқурун ишдан қайтишганда куни бўйи ич-этини сб, хавотирдан ўлар ҳолатга келган Густав Фрицнинг блокига сирғалиб кирди. Эшикдан қараб, ўғли соғ-омонлигини кўргач, бирдан енгил тортиб кетди. Фриц ўзи билан содир бўлган воқеани гапириб берди, аммо ўртоқларидан ҳеч бири буни тушунтириб беролмади. Шу пайтгача гестапо томонидан ўтибор ҳеч қачон яхшилик келтирмаганди.

Орадан бир неча кун ўтгач, ҳаммаси такрорланди: Фрицни йўқламадан чакириб олиб, гестапо бўлимига олиб боришиди. Унинг қаршисига фотосуврати нусхасини кўйишиди. У ўзига ҳам жуда ғалати кўринди: такир бош чаноғи осилиб ётган пиджак билан каттиқ боғланган галстукка сира мос келмасди. Агар гестапочилар унинг нормал ҳаёт кечираётгани ҳақида тасаввур яратишга киришган бўлсалар, бунга унчалик эришолмагандилар. Унга суврат остига *Фриц Израиль Кляйнман* дея имзолашни буришиди.

Ниҳоят Фрицга буларнинг барчаси нима учун кераклигини маълум қилишди. Онаси Америкадан керакли тасдиқномаларни олиб, Фрицнинг эмиграция қилиши учун уни озод этишларини сўраб, ариза берибди. Ариза учун ҳам унинг суврати талаб этилганди.

Лагерга қайтар экан, у саккиз ой мобайнида биринчи бор ўзига умид қайтаётганини хис қилди.

* * *

“Биз иккинчи колонияга яхши, илиқ, деярли ёзги кунда ўтдик. Ҳали дараҳтлардаги яшиллик хиралашиб улгурмади, ҳали ўт-ўланлар барқ уриб яшнаб, биринчи куз кунида янгиланиб турганди”.

Стефанинг овози хонани тўлдирап ва сахифалар очилиб шитирлашигина бу товушни бўлиб қўярди.

Фриц билан бошқа болалар ўқилаётган матнни жон қулоги билан тинглашарди. Овозни чиқариб ўқиш улар учун сийрак кўнгилхушлик эди. Гарчи Фриц аризада отаси ҳақида ҳеч қандай сўз йўқлигидан ташвишланаётган бўлса-да, у халиям умидини узмаганди. Уларнинг ҳаёти бошқа-бошқа: Фриц дўстлар ортирганди ва унга ёрдам беражётган бошқа маҳбуслар туфайли унинг қаршисида анча кенгрок янги олам очиларди.

Энг аввало, бу лагерда илк ойларида Фрицга ёрдам берган ва дўстига айланган Леопольд Мозес эди. Фриц у билан биринчи марта тош конида, дизентерия эпидемияси авж олган чоғда тўқнашганди. Лео унга бир нечта майда кора таблеткалар узатди.

— Буларни ютиб юбор, — деди у, — ич кетганида, ёрдам беради.

Фриц таблеткаларни отасига берди, у аввалги ҳарбий тажрибасидан яхши билар — бу ветеринар фаоллаштирилган кўммир эди ва таблеткалар ҳақиқатан ҳам ёрдам берди. Фрицни

ёшлар блокига ўтказғанларида, Лео Мозес уни ўз қаноти остига олди. У концентрацион лагерда энг бошидан бери ўтиради. Дрезденлик ишчи Лео Германия коммунистик партияси аъзоси бўлиб, нацистлар ҳокимиятга келган заҳоти ҳибсга олинганди. Бу яхудийлар яна бир баҳона бўлишидан анча илгари содир бўлганди. У бир муддат транспортлаш гуруҳида бошқон бўлди – у Бухенвальдда биринчи яхудий бошқонларидан бири эди, – аммо у назоратчи вазифасини уddyалай олмади. Эсэсчилар уни тезда лавозимидан бўшатиб, кетар жафосида қийноқ курсисида йигирма беш дарра зарби билан тақдирлашди.

Фриц Лео орқали бошқа эски яхудий маҳбуслар билан дўстлашди. Омон қолиш сири мана шунда эди. “Гап омадли бўлишда эмас ва ҳатто Худо ёрлақаганда ҳам эмас, – дерди у кейинроқ. – Гап инсоний меҳрда. Улар менинг униформамда яхудийлик юлдузимни ва мен ҳали ёш бола эканимни кўришганди, холос”. Унга, худди бошқа болалар каби баъзан қўшимча егуликлар, баъзан керакли дори-дармонлар тегиб қоларди. Обрў орттирган яхудийлар сафида Фрицнинг отаси баракда тозалаш ишлари билан машғул бўлишига фармойиш берган Густав Херцог ҳам бор эди. Густль ўзининг ўттиз икки ёшида лагер бошқонлари орасида энг ёши эди. У Халқаро янгиликлар агентлигига эгалик қилган бадавлат веналик оила фарзанди бўлиб, Бухенвальдга Биллур тундан кейин тушиб қолганди. Аммо Фриц унинг ўринбосари Стефан Хейманга янада кўпроқ хурматли муносабатда бўларди. Стефанинг акли чехраси унинг етук инсонлигини билдиради: кошлари керик, кўзойнак таққан, ияги тор ва оғзи юпқа эди. У сўнгги урушда Германия армиясида зобит бўлиб хизмат қилган, бироқ 1933 йилда дастлабки ҳибсга олингандар орасида фаол коммунист ва яхудий сифатида Даҳауга тушиб қолди.

Ишлар тугаганидан кейин оқшомлари Стефан лагерь қийинчиликларидан бироз чалғитиш учун уларга ҳар хил

вокеаларни сўзлаб берарди. Ўша оқшомда у кимматли, тақиқланган китоб – рус муаллифи Антон Макаренконинг “Педагогик поэма”сини ўқиб берарди. Унда муаллиф кичик ёшдаги жиноятчилар учун совет ахлок тузатиш колонияларида ишлагани ҳакида ҳикоя килинади. Стефан матнни ўқиркан, унинг овози қоронги барак бўйлаб учар ва болалар лагери сехрли ҳаётга айланарди, уни бутун Коинот Бухенвальднинг кундалик реаллигидан ажратиб туради.

Тинглаётганларнинг кўпчилиги ёлғиз қолгандилар, чунки оталарини ўлдириб бўлишган ва бундан кўплари индамас ва бепарво бўлиб қолишганди; аммо бошқа, яхшиrok олам ҳақидаги воеаларни тинглаб, улар ҳаётга қайтишар ва яна кувончни хис этишарди.

Бухенвальдда ҳар замонда бошқа яширин маданий шодликлар ҳам содир бўлиб туради. Бир куни кечқурун Стефан билан Густль кувлик билан баракка кириб, Фриц ва бошқа болаларга жимлик саклашни буоришидни ва уларни лагерь орқали ювениш блокига уланиб кетган узунчоқ иморат – кийимхонага олиб боришиди.

У ер коронги ва жим-жит эди, токчалар ва кийим осгичлар уларнинг қадамларини эшилтирмайдиган маҳсус униформа ҳамда янги маҳбуслардан мусодара этилган кийимларга тўла эди. Ичкарида айрим катта ёшдаги маҳбуслар тўпланишган эди; улар болаларга бир бўлакдан нон билан чўчкаёнгоқдан тайёрланган қаҳва таркатишиди, кейин эса тўрт нафар маҳбус скрипка ва пуллаб чалинадиган ёғоч мусиқа созлари билан пайдо бўлишиди. Ва ўша ерда, мана шу чанг, кийимлар уйиб ташланган хонада улар мусиқа чалишиди. Фриц илк бор беташвиш “Кичик тун серенадаси” куйини тинглади. Скрипка камонининг торлар узра шодон янграган товуши хонага ҳаёт нафасини уфуриб, доира бўлиб ўтирган маҳбуслар чехраларига табассумни кайтарди.

Мазкур хотира Фрицни яна узок вактгача иситарди: “Қисқа лаҳзада биз жилмайиш қобилиятини янгидан эгалладик”.

Мана шундай камёб лаҳзалардан ташқари уларнинг шодланишга сабаб ҳам йўқ эди.

Экинзорда етиширилган ҳосил Веймар бозорида ёки ошхона орқали маҳбусларга сотиларди, у ердаги иш тош конидагидан яхши тарафга фарқланса-да, барибир болалар кутганидан кўра оғирроқ экан. Улар сабзи, помидор ёки ширин қалампирдан баҳраманд бўламиз, деб ўйлашганди, аммо жўякларда етилаётган сабзавотларга уларни яқинлаштирмасдилар ҳам.

Экинзорга австриялик СС зобити лейтенант Думбек бошчилик қиласди. Нацистлар партияси қонундан ташқари деб эълон қилинган чоғда, у Австрия легиони таркибида сургунда бўлиб қайтганди, энди эса ўз ғазабини австриялик яхудийларга сочиб, қасос оларди. “Сен чўчқаларнинг ҳаммангни қириб ташлаш керак”, – дея тез-тез такрорларди ва буни амалга ошириш учун имкондаги ҳамма ишларни қиласди. У қирқ нафар маҳбусни ўз қўли билан ўлдиргани маълум эди.

Фрицни “шалтоқ ташувчи” этиб тайинлашди. У бошқалар билан биргаликда бараклардаги хожатхона ва ўралардаги ахлатларни жўякларни гўнг билан тўйинтириш учун экинзорга ташишлари керак эди. Челаклардаги сассик чиқиндини сачратмай ва тўқмай ташишга ҳаракат қилиб, у ва бу ёққа юргурганча бориб келиш талаб этиларди. Бундан ҳам жирканчроқ иш билан шуғулланадиган ягона бўлинма “4711” эди – унинг номи машхур олмон одеколонидан олинганди, у ердаги маҳбуслар хожатхоналардаги чиқиндиларни қўллари билан чиқариб, чепакларни “нури ташувчилар”га беришарди. Бу ишга эсесчилар илм ва санъат билан боғланган яхудийларни тайинлашга ҳаракат қилишарди.

Лекин, ҳарқалай, улар гурухи назоратчиси Вилли Курц болалар билан илтифотли мұомалада бўларди. Вилли бокс бўйича оғир вазндан собиқ чемпион бўлиб, қачонлардир Венадаги факат оқсуяк спорт клубларидан бирининг бошқаруви таркибиға кирган ва унинг келиб чиқиш аждодларини ўрганиб чиқиб, уни яҳудий деб эълон килишган чоғда, тўппа-тўғри юрагига зарба тушганди.

У бешафқат эмас эди: ёнида эзесчилар йўклигида ўзига бўйсинувчилар тезликни пасайтириши ва озрок тин олишларига имкон берарди. Сокчилар кўринган захоти Вилли ҳаммага намойишкорона холда, болаларга бақирава иложи борича тезрок югуришга мажбурлар, қўлидаги дарра билан таҳдид килар, аммо сира урмасди. Бу шу қадар ишончли кўринардики, мадомики Вилли назорат қилаётган экан, соқчилар калтаклаш билан ўзларини овора қилишмасди.

Фриц вақти-вақти билан сувратга тушгани ҳақида эслаб қолар ва умид қилишда давом этарди.

* * *

— Чап билан — икки — уч! — Чап билан — икки — уч!

Густав арқонни маҳкам тутиб, тортарди. Ҳеч бир танаффуссиз, тин олмай, тортиш, қадам босиш, яна тортиш, қадам ташлаш, шу тарзда тинимсиз давом этаверарди. Унинг ёнида бошқа маҳбуслар у ер-бу ерда дараҳт барглари тўсган олачалпоқ офтоб тигифда терлаганча, худди шундай тарзда тортиб ва қадам ташларди. Йигирма олти нафар яҳудий юлдузли, тинкаси куриган таналар, ходалар ортилган аравани ўрмон орқали киялик устига юқ оғирлигидан ғилдираклари ғижирлаган кўйи қишлоқ йўлида судрашарди.

Бу ниҳоятда оғир азоб эди, аммо тош конидан транспорт гурухига ўтиш Густав учун кутқарув бўлиб чиқди, бунинг учун у Лео Мозесдан миннатдор эди. Тош конида ишлаш аввалгидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб қолганди. Соқчилар занжирига ҳар куни биронтасини итаришар, сержант Хинкелман эса янги қийнок усулини топганди: агар маҳбус кучдан айрилиб ерга йикиласа, унинг оғзи-бурнига то тикилиб ўлгунига қадар сув қуярди. Бу вактда сержант Бланк маҳбуслар тош конидан чиқаётган чоғда уларнинг устига юқоридан ҳарсанг тошларни думалатиб, кўнгилхушлик қиласди; у кўпларни майиб ва мажруҳ қилиб кўйди, айримларни эса ўлдириб ҳам юборди. Эсэслар тош конида ишлайдиганлардан уйидан пул олғанларга солиқ солиб кўйишди – ҳар бири уларга беш марка билан олтита сигарета бериши даркор эди, акс ҳолда, уни аямай калтаклашарди. Тош конида икки юз киши ишлар, шу боис соқчиларда доимий даромад пайдо бўлганди, гарчи унинг микдори ҳафта сайин камаярди, чунки маҳбуслар аёвсиз ўлдириларди.

Леонинг воситачилиги орқали июль ойида Густавни ана шу расво жойдан транспорт колоннасига ўтказиши. Улар кун бўйи лагерь бўйлаб курилиш материаллари: ўрмондан ходалар, тош конидан шағал, омборлардан цемент таширдилар. Бу ишни бажараётганларида назоратчилар уларни қўшиқ куйлашга мажбур қилишар, қолган маҳбуслар эса, уларни куйловчи отлар деб аташарди.

– Чап билан – икки – уч! Чап билан – икки – уч! Қўшиқ айтинглар, чўчқалар!

Йўлда учраб қолган ҳар бир эсэслар уларга танбех бериб бақиради:

– Нимага одимлаб юраяпсанлар, ҳой, сен итлар?! Қани, тез югуруларинг!

Лекин шундай бўлса ҳам, барибир бу тош конига қараганда тузукроқ эди.

“Иш оғир, – деб ёзарди Густав, – лекин анча тинчрок ва таъқибларсиз... Инсон – мослашувчан мавжудот ва ҳар нарсага одатланиши мумкин. Шу тариқа кун кетидан кун ўтиб бормоқда”.

Филдираклар айланар, эркак-отлар қўшиқ куйлаб, арава тортишар, назоратчилар бақириб-чақириб буйруклар беришар, вакт эса ўтиб борарди.

* * *

СС сержантини Шмидт майдончада турганча, рўпарасида доира бўлиб югураётган бир гурух маҳбусларга қичқиради:

– Тезроқ югурларинг, яхудий итлар!

Фриц олдинда югуриб бораётган бошқа болалар билан ортда қолганларни никтаётган Шмидтнинг зарбалари остида қолмаслик учун тезликни оширди. Уларнинг кўпчилиги қоринлари ва чотлари оғриғидан ҳанузгача азбланишарди: Шмидт уларни йўкламада имиллаб жавоб берганлари учун калтаклаганди.

– Қани, югурларинг, чўчқалар, югурларинг! Тезрок, хой, сен тезаклар!

Қолган маҳбуслар баракларига кетиб қолган бўлсалар ҳам, учинчи блокда яшайдиганларга қолишлигини буюришди. Улар блоки бошлиғи Шмидт текширув натижаларидан яна қоникмади – каравотлар ёмон тузатилган, пол унча яхши тозаланмаган, нарсалар ўз жойида эмаслиги туфайли жазо тайнинлади.

Ғўлабирдан келган, пакана ва хомсемиз Шмидт таниқли фирибгар ва ундан ҳам машхурроқ садист эди: илгари у маҳбуслар ошхонасида раҳбарлик лавозимини эгаллар ҳамда тамаки билан папирос захираларини ўғирлаб, талон-тарож қиласарди. Учинчи блок болалари унга энг яхши кўрган ибораси туфайли “Тезакбой Шмидт” деб ном қўйишганди.

— Қани, югурларинг! Ётларинг... тур... Тезаклар, яна ёт!
Энди югур!

Унинг дарраси тез югуришга мажоли етмаётган қайсиdir шўринг курғурнинг елкасига бот-бот уриларди.

— Югурларинг!

Икки соат ўтди, иссиқ куёш уфқ ортига ботди, майдон анча салқинлашди, болалардан аъзои баданидан тер қуйилар, улар хансирадилар. Нихоят, Шмидт навбатдаги ҳакоратларни ёғдирганча, уларни кўйиб юборди, болалар баракларига судралганча кетишли.

Улар очиқиб келиб, кун давомида ягона иссиқ овқат – шўрва ичишли. Омади келганларнинг идишига ҳар замонда чандирли гўшт бўлаклари тушиб қоларди.

Фриц овқатини еб, энди ўрнидан турмокчи эди, Гусль Херцог болаларга жойларида қолишиларини буюрди.

— Сиз билан маслаҳатлашиб олишим керак, – дея гап бошлади у. – Сиз, ёшлар, бунча тез югурманлар. Сизлар тез югурганда оталарингиз етиб улгуролмаяптилар ва Шмидт уларни ортда қолганлари учун дўппосляяпти.

Болалар уялиб қолишли, лекин улар нимаям қила олишарди? Ортда қолгани учун у барибир кимнидир уради. Густль билан Стефан уларга нима қилиш кераклигини қўрсатиб беришли.

— Мана бундай – тиззаларни баланд кўтариб ва майда қадамлар билан югуринглар. Шунда ташкаридан сизлар жонжахдингиз билан югуратгандек туюлади, лекин тезлик унчалик баланд бўлмайди.

“Тезакбой Шмидт”ни алдаш учун бу усул яраб қолди. Вақтсоати билан Фриц ветеранларнинг шунга ўхшаш йўл-йўрикларини ўрганиб олди – уларнинг бемаънилигига қарамасдан, улар кўпинча калтакланиш ва ажалдан қутқариб қоларди.

Бу вактда, то Фриц экинзорда меҳнат қилиб, Густав эса аравасини тортиб юаркан, ташки оламда уруш борарди, ой кетидан ой ўтар ва озод бўлиш умиди секин-аста сўниб борарди. Фрицнинг қалбига кувончли кутиш ҳисларини уйғотган онасининг аризаси ҳам, афтидан, бесамар бўлиб чиқди.

ИЖОБИЙ ҚАРОР

Эдит билан Рихард учун ҳаммаси ўзгарди. Улар қочиб келган мамлакатда уларни қачонлардир Венани ташлаб кетишларига мажбур килган худди шундай воеалар бошланарди.

1940 йилнинг июнида “Ўтирадиган уруш” ўрнига, ҳакикий уруш, бомбардировкалар, қон ва ажал билан келди. Люфтваффе ҳужумчилари ҳар куни аэродром ва фабрикаларга ҳужум килишар ва ҳар куни “Спитфайр” билан “Ураган”лар уларга жонжади билан қаршилик кўрсатишга уринаверарди. Бирлашган Қироллик учувчилари сафига поляклар, француздар, бельгияликлар ва чехлар қўшилгани туфайли, Қиролликнинг ҳарбий ҳаво кучлари коалицион кўшинларга айланди. Британия, гарчи энди бошқарувчи миллат бўлмаса ҳам, ўзини аввалгидек шундай деб ҳисоблашни ёқтиради.

Матбуот дикқатини икки нарсага: урушнинг бориши ва мамлакатни босиб олишга йўл очиши мумкин бўлган германиялик жосус ва саботажчилар кириб келишидан қўркувларнинг ўсишига қаратганди. Миш-мишлар апрелда бошланди: матбуот муштариylарни бешинчи колонна билан фаол тарзда қўрқита бошлади. Руҳий параноя жазавага айланди ва душманлик нигоҳлари 55 минг австриялик, германиялик яхудий кочоқ эркак, аёл, болаларга қаратилди. Улар Гитлерга жосуслик қилиши гумон ва уларни ушлаб, куролсизлантириш шарт эмас эди. Аммо мамлакатга бостириб кириш хавф солар, шу боис айrim сиёsatчилар миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳукуматдан Германиянинг барча фуқароларини, уларнинг мақомидан қатъи назар, хибсга олишни талаб этишарди.

Май ойида Черчилль премьер-министр лавозимини эгаллаганида, Британия фашистлар иттифоқи, коммунистик

партия аъзолари, шунингдек, ирланд ва уэльслик миллатчиларининг ҳаммасини ушлаб, қуролсизлантириш ҳакида буйрукни тарқатди. У июнь ойида сабру тоқатини йўқотиб: “Ҳаммасини ушланг!” деб буюрди. Инфраструктурага ҳаддан ортиқ юклама тушмаслиги учун ҳибсга олишни уч босқичда ўтказишга қарор қилинди. Биринчи босқичда германиялик ва австриялик яхудийлар, яхудий бўлмаганлар, антинацистлар, қочоклик мақомига эга бўлмаганлар ва ишсизларни ушлаб олиб кетиши. Иккинчи босқичда Лондондан ташқарида яшайдиган колган германиялик ва австрияликларни, учинчисида – Лондондагиларни қамоққа олиш кўзда тутилганди.

Черчилль парламентга қаратса куйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: “Мазкур фармойишлар туфайли жуда кўплаб ажойиб инсонлар... нацистлар Германиясининг ашаддий душманлари азият чекишини биламан. Уларга жуда ачинаман... лекин биз, гарчи ҳар бир номзодни синчилаб текшириш керак бўлса ҳам, шундай қила олмаймиз”. Ҳибсга олишларнинг биринчи босқичи 24 июнда бошланди.

Одамлар бир-бирларига антисемит ғийбатларни етказишарди – оғир кунларда бундай ҳол тез-тез рўй бериб туради, – яхудийлар қора бозорга эгалик қиляпти, улар ҳарбий кучларни тўлдириб юборган, уларнинг ўзгача имтиёзлари бор, пуллари кўп, энг яхши егулик, энг асл кийимлар уларда, деган миш-мишлар авж олди. Яхудийларга қарши кайфиятни пасайтиришдан умидини узган инглиз-яхудий иттифоқининг ўзи умуммиллат таъсири остига тушиб қолди. Газеталар қочоқлар, шу жумладан, яхудийларга қарши “энг қаттиқ чоралар” қабул килишга чақириб, ҳибсга олишларни кенгайтиришни қўллаб-куватларди; британиялик синагогаларда олмон тилидаги хизматлар тўхтатилди, британиялик яхудий депутатлар Кенгаши эса Германиядан келган яхудий қочоқлар йигилишларини чеклаб кўя бошлади.

Лидсда Эдит бир неча ойдан буён кўркувдан титрарди. Улар Рихард билан синагогадан унча узок бўлмаган кўхна виктория даври уйдаги мўъжазгина хонадонда яшардилар. Эдит Бростофф хонимницида яшаб, оқсочлик қилиш ۋازифасидан кечди ва энди якинроқда яшайдиган аёлнинг уйига бориб-келиб, хизматини киладиган фаррош бўлиб ишга кирди. Ишни ўзгартириш осон эмас эди, чунки бундай ишдан ишга ўтишлар ҳакида Ички ишлар вазирлигини боҳабар этиш ва уларнинг рухсатини олиш зарур эди. Рихард ҳалол печенье пиширишни давом эттиради. Улар фарзанд кутиб, баҳтиёр яшаchlари даркор бўлса-да, лекин Эдит ўзини кўйишга жой тополмасди. Олмонча лаҳжада сўзлашувчи одам учун Британиядаги ҳаёт борган сари нокулай бўлиб бораради. Германиянинг хужум қилиб қолиш хавфи ўсган сари эса, уларнинг кўркуви тобора ортарди. Улар нацистлар қаршисида Австрия қандай тез қулаганини кўргандилар ва Чэйпелтон-Роудда хужумчиларни ва Эйхман ёки бошқа эсэс амалдорларининг Лидс майдонида фармонлар ўқиётганларини осон тасаввур қилишарди.

Эдит Европадан умуман қочиб кетиш энг яхши йўл эканини тушунди ва ўзининг қоғозлари орасидан Америкадаги қариндошларининг тасдикловчи хатларини излаб топди. У қочоклар кўмитасига мурожаат қилиб, эрга текканидан кейин мазкур хатлар амал қиласими, дея сўровнома ёзиб юборди. Лондондан жавоб келишини деярли икки ҳафта кутишга тўғри келди: йўқ, энди хатлар амал қилмайди. Эдит қариндошларига яна хат ёзиб, улардан янги кафолат хатлари сўраши керак эди. Шунингдек, улар унинг эрини ҳам кўллаб-қувватлашлари кафолатлашлари зарур эди. Уларнинг ҳар иккалasi эмиграция визаларини олиш учун Лондондаги Америка элчихонасига мурожаат қилишларига тўғри келарди, албатта. Уруш тобора авжга чиқар, уларнинг бошлари узра осмонда жанглар борар,

хисбсга олиш хавфи ортар, Эдит билан Рихардни эса, узок ва азобли қоғозбозлик жараёни кутарди.

Бу жараён қанча вақтни ўз ичига олиши мумкинлигини улар билолмадилар; июлнинг бошларида ҳукумат дастурининг иккинчи боскичи кучга кирди ва Лидс полицияси Рихардни хисбсга олди.

Эдитнинг омади келиб қолгани боис, хисбсга олинмади. Болали аёлларни эри билан бирга хисбсга олишарди, факат ҳомиладор аёллар бундан истисно эдилар.

Йигирма бир яшар Рихард Даҳау билан Бухенвальддаёк мажрух килинганди; у Британияга бошпана излаб қочган эди. Мана энди уни нацистлардан химоя қилмоқчи бўлган ўша одамларнинг ўзи уни хотини ва ҳали туғилиб улгурмаган фарзандидан айириб, қамаб қўйишиди.

Эдит дарҳол Ички ишлар вазирлигига эрини қўйиб юборишларини сўраб ариза берди. Жараён осон эмасди, хисбсга олинган жамиятта ҳеч қандай хавф солмаслиги ва душман билан курашда салмоқли хисса кўша олишини исботлаши керак эди. Яхудий қочоклар қўмитасининг Лидс билан Лондондаги ҳар иккала бўлинмаси хисбсга тушиб қолган минглаб яхудийлар номидан вазирликка мурожаат этишганди. Қамалганлар ҳаддан зиёд кўплиги боис, маҳсус жиҳозланган лагерлар уларни сифдиролмас ва уларнинг ўрнига эскирган пахта фабрикалари, ташландик заводлар, пойга учун мўлжалланган далалар ва бошқа ҳар қандай жойдан фойдаланиларди. Кўпчилик Мэн оролидаги хисбсга олинганларни тутиб турувчи бош марказга тушганди. Ёши каттароқ кишиларнинг эслашича, нацистларнинг концентрацион лагерлари айнан шундай бошланган – Даҳауга ташландик фабрика вайроналарида асос солинган эди.

Июль ўтиб, август келди. Эдит ҳомиладор ҳолда, эри ҳакида ҳеч нима билмасди. У ёзниг охирларида Яхудий қочоклар қўмитасига хат ёзди, лекин унга вазирликка ортиқ хат

ёзавермасликни маслаҳат беришди: “Хозирги фурсатда сиз имкондаги барчасини қилдингиз, деб хисоблаймиз ва ўйлаймизки, қўмита томонидан кейинги аралашувларнинг хожати йўқ. Ички ишлар вазирлйиги бу каби мурожаатлар акс этган хатлар... бирон-бир қарор қабул қилишни кечиктириши мумкинлигидан сизни хабардор қиласди”.

Бир неча кун ўтгач, у хабарнома олди – Рихард қамоқда қолади.

Концентрацион лагерда бўлган киши учун Британия лагеридаги ҳаёт нисбатан осон эди. Ҳеч қандай мажбурий меҳнатсиз, масхаралаш ва таҳқирлашларсиз, ўзгаларни қийноққа солиб хузурланувчи соқчиларсиз ҳаёт. Бундай лагерлардаги асиirlар футбол ўйнаб, шахсий газеталарини чиқариб, концерт ва маърифий машғулотлар ўtkазардилар. Бироқ барибир улар маҳбус бўлиб қолаверишарди. Ва гарчи уларни эсэсчилар қўрикламаётган бўлса-да, яхудийлар нацистлар режимиning ашаддий ва гина сакловчи тарафдорлари билан яқин қўшни бўлиб қолишли. Рихард ҳомиладор Эдит ёлғиз ўзи, эрининг маошисиз кун кечиришига тўғри келаётганидан ҳам азоб чекарди.

Сентябрнинг бошларида ҳомиладорлигининг тўққизинчи ойидаги Эдит эрини озод этилишини сўраб яна бир ариза берди. Қўмита уни ишонтириб деди: “Мазкур номзод хусусида ижобий қарор чиқишига чин дилдан ишончимиз комил”. Яна кутиш бошланди. Икки ҳафтадан кейин хорижликлар ишлари бўйича департаментидан Рихарднинг иши “иложи борича тезрок” кўриб чиқиш учун берилиши ҳақида далолатнома келди.

Икки кундан кейин Эдитни тўлғоқ тута бошлади. Уни Лидс марказидаги Гайд-Террас кўчасида жойлашган түгруқхонага олиб боришли ва у 18 сентябрда соғлом, бақувват ўғил фарзандини дунёга келтирди. Эдит унга Питер Жон деган исм

берди. Йоркширда туғилган инглиз гўдагига инглизча исм қўйилди.

Рўй берган воқеаларнинг долзарблиги аста-секин пасайиб, жамоатчилик фикри унчалик бешафқат бўлмай қолди ва ҳеч бир айбиз қамалган қочокларни қўллаб-кувватловчи овозлар тез-тез янграй бошлади. Июль ойида бир неча минг одам, – улар орасида яхудийлар ҳам бор эди, – Канадага кемада жўнатилди, ўша кемани эса сув ости қайиги чўктириб юборди. Шунча кўп одамнинг ўлими Британияни ларзага солди ва факат шунчаки хорижлик бўлганлари туфайлигина айбиз кишиларга адолатсизлик қилишганини тушунишга мажбур қилди. Сиёsat секин-аста ўзгаради. Парламентда ваҳимага берилиб амалга оширилган ҳаракатлардан афсусландилар; консерватив партия аъзоларидан кимдир шундай деди: “Биз, гарчи атайлаб бўлмаса ҳам, ўз курашларимизда бир қадам ҳам олдинга силжимай, уруш келтирган оғатлар миқдорини кўпайтиридик, холос”. Лейбористлар партиясининг аъзоси: “Биз, Гитлер яхудийлар, социалист ва коммунистларни концентрацион лагерларга қамай бошлаган чоғда, бу мамлакатни коплаб олган ўша даҳшатни хотирлаймиз. Биз бундан ҳайратда қолгандик, бироқ айнан ўша одамлар билан худди шундай иш қилганимизни ҳатто сезмадик ҳам”, – дея қўшиб қўйди.

Рихардни чиқаришаётгани ҳақидаги янгилик Эдитга етиб келганида, Питер беш кунлик чақалоқ эди.

* * *

Густав ёндафттарчасини очиб, сахифаларини варақлаб чиқди. Ҳаммаси ҳеч қанчамас – бутун 1940 йил уч сахифага сифибди. “Вақт шундай ўтятпи, – ёзарди у, – тонг сахардан туриш, кеч оқшомда орқага қайтиш, кечки таом, дарҳол уйқуга ётиш. Йил бўйи фақат иш ва жазолар”.

Түғри, хар доим ҳам дархол уйқуга ётилмасди. Лагернинг бош коменданти ўринбосари СС майори Артур Рёдль яхудий маҳбуслар учун янги синов ўйлаб топганди. Ҳар куни тош кони, экин майдони ёхуд қурилишдан чарчаб, сулайиб, оч қайтган яхудий маҳбуслар, то қолган бошқалар ўз баракларига тарқалиб кетгунларига қадар, прожекторлар ёритган майдончада тик турганча, кўшиқ айтишлари керак эди.

Кўлидан келмайдиган мансабга миниб олган маҳмадона ва шайтон Рёдль ўзининг тентак бўлишига қарамай, “яхудийлар хори” кўшикларини тинглашни ёқтиради. Уларга лагернинг оркестри жўр бўлар, “хормейстер” эса шағал уюми устида турганча, дирижёрлик қиласиди.

— Яна! — қичкиради Рёдль овозкучайтиргичга ва оёқларидан зўрға турган маҳбуслар чукур нафас олиб, кейинги кўшиқни куйлашларига түғри келарди. Агар улар унча яхши куйламасалар, овозкучайтиргичдан мана бундай бакириклар янграради: “Оғизларингни очларинг! Нима, сен чўчқаларга ашула айтиш ёқмайдими? Қани, ҳамманг ерга ётларинг ва ашула айтларинг!”

Улар, қандай об-ҳаво бўлмасин, чанг, лой, кўлмакми ёки корми, ерга дархол ётиб, кўшиқ куйлашларига түғри келарди. Блоклар бошлиқлари сафлар орасидан юриб, етарлича баланд овозда куйламаганларни урадилар.

Бундай қўшиқ куйлаш жараёни кўпинча соатлаб давом этарди. Баъзан Рёдль зерикиб қолар ва кечки овқатга кетаётганини эълон қиласиди, улар эса тикка турган кўйи, репетицияни давом эттиришлари кераклигини тайинларди. “Агар ащулани яхшилаб айтмасаларинг, – дерди у, – туни билан шу ерда тураверасанлар”. Бу ерда туни бўйи турган маҳбусларни назорат қилишдан эсесчи сокчилар унчалик хурсанд бўлмасдилар ва улар ўз газабларини маҳбусларга сочиб, уларни уриб, хумордан чиқишарди.

Улар кўпинча “Бухенвальд кўшиғи”ни куйлашарди. Унинг шеърини таникли шоир Фриц Лёнер-Бед ёзган бўлиб, мусиқасини веналик бастакор Герман Леопольди яратганди. Уларнинг ҳар иккаласи маҳбус эдилар. Кўшиқнинг куи марш оҳангида бўлиб, шеър матни ҳатто оғир вактларда ҳам жасоратни саклашга чакираради. Рёдль унга атайлаб буюртма берганди: “Ҳамма лагерларнинг ўз кўшиғи бор. Бизда Бухенвальдники бўлиши керак”. У танловда ғолиб чиқсан бастакорга ўн марка мукофот беришни ваъда килганди (гарчи бу пул тўланмаган бўлса ҳам) ва натижасидан жуда хурсанд бўлди. Маҳбуслар эрталаб ишга кетаётгандарида уни куйлашарди.

*О Бухенвальд, сени унумасман,
Сенда менинг тақдирим.
Сени яратгангина англар
Озодликнинг ажойиблигин!*

*О Бухенвальд, инграмаймиз биз,
Ҳаёт бизга жафолар берса,
Унга дермиз – ҳа, шундай кун келар,
Биз ҳам бўлгаймиз озод!*

Рёдль кўшиқнинг матни нақадар провакационлигини ҳатто тушунмади ҳам. “Ўзининг тентаклиги боис, – хотирларди Леопольди, – у қўшиқнинг инқилобийлигини ҳам сезмади”. Шунингдек, Рёдль яхудийларнинг жиноятлари ва пасткашликлари тўғрисидаги ҳақоратловчи шеърга “Яхудийча кўшик” учун ҳам буюртма берди, лекин у “жудаям жиннича” чикқани туфайли, бу қўшиқни тақиқлаб қўйди. Кейинроқ бошқа зобитлар қўшиқни эслаб қолишди ва маҳбусларни кеч тунгача шуни куйлашга мажбур қилишарди.

Бирок “Бухенвальд күшиги” лагерда ҳаммадан күпроқ янгарди. Яхудийлар уни прожекторлар ёруғида майдонда турганча, сонсиз маротаба куйлайверишарди. “Рёдль бу күшик остида рақс тушишни ёқтиарди, – сўзлаб берди Леопольди. – Майдоннинг бир томонида лагернинг оркестри куй чалган чоғда, иккинчи томонда маҳбусларни калтаклашарди”. Тонг сахарлаб ишга кетаётганда “Бухенвальд күшиги”ни айтган маҳбуслар бутун СС га бўлган нафратларини унга жойлашарди. Кўплар шу кўшикни куйлаб ҳалок бўлишган.

“Бу ҳолда улар бизни енголмайдилар, – деб ёзарди Густав ўз кундалигида. – Уруш давом этмоқда”. «

* * *

Бухенвальд ой сайин тобора кенгайиб борарди. Ўрмон ходаларга айланиб, йўқолиб борар, Эттерсберг киялигидаги кесилган жойлар орасида эса янги бинолар куриларди.

СС казармалари икки қаватли уччалардан ярим доира тузганча, марказида зобитлар казиноси жойлашганди. Ўша ерда зобитлар учун томорқали кўркам виллалар, унча катта бўлмаган ҳайвонот боғи, манежли отхона, гараж мажмуаси ва СС транспорти учун бензоколонка бор эди. Бошқа нарсалардан лагерда тош конига яқин кияликдаги дараҳтлар орасида лочин боқиладиган қушлар хонаси бор эди; у ерда вольлерлар, атрофи очик шийпон ва эман ходаларидан ясалган баҳайбат каминли овчилар уйи ҳам бўлиб, уй деворларини жониворлар каллалари безар, у кимматбаҳо залворли мебеллар билан жиҳозланганди. Бу уй Герман Геринг учун мўлжаллаб безатилган, аммо у бу ерга бирон марта ҳам келмаганди. Эсэсчилар у билан шу қадар ғуурулана эдиларки, ҳатто бир марка эвазига маҳаллий олмонлар учун экспурсиялар уюштириб, ўз мулкларини кўришларига имкон беришарди.

Барча бино ва курилмалар ўзлари жойлашгандын тогдаги дараҳтлар ҳамда тошлардан барпо этилган бўлиб, у ерларга тўсин ва ҳарсанг тошларни кўлларида ташиб, ғиштини терган маҳбуслар кони тўкилганди.

Курилиш майдонларини боғлаган йўллар бўйлаб Густав Кляйнман ўз дўстлари билан курилиш материаллари ортилган араваларни тортиб юрган, унинг ўғли эса курувчилардан бири бўлган. Фрицнинг валийнеъмати Лео Мозес яна ўз танишибилишларини ишга солиб, Фрицни СС учун гаражлар кураётган гурӯхга ўтказишиди.

Мазкур лойихага жавобгар биринчи курилиш бўлинмаси назоратчиси Роберт Сиверт Лео Мозеснинг дўсти эди. Келиб чиқиши поляк Германия фуқароси Сиверт камзулида сиёсий маҳбуснинг кизил учбурчаги билан юради. У ёшлигига курилишда ишлаб, ғишт терарди. Биринчи жаҳон урушида эса, Германия қўшинида хизмат қилганди. Ҳакиқий коммунист, 1920-йилларда у Саксония парламенти аъзоси бўлган. У элликдан ошган бўлишига қарамай, жисмоний кучи ва ғайратини саклаб қолганди; Роберт чорпахилдан келган, йўғон, кенг юзли ва бароқ кошлари остидаги кўзи кисик эди.

Бошида Фриц фақат курилиш материалларини ташиб юрди – у ёкка олиб бор, бу қопни кўтар ва югар! 50 кг цемент солинган қоп Фрицнинг ўзидан ҳам оғирроқ эди. Бошқа ишчилар боланинг елкасига қопни ортишар ва у қоқилиб, айтилган жойга югуриб боришга ҳаракат қиласади. Лекин бу ерда уни калтаклашмас ва масхаралаб ҳақоратлашмасди. Эсэсчилар курувчилар командасини қадрлардилар ва Сиверт ўз ишчиларини ҳимоя кила биларди.

Ташки кўринишдан қаттиққўл бўлиб кўринса ҳам, аслида Роберт Сивертнинг кўнгли юмшоқ, раҳмдил эди. У Фрицни унча оғир бўлмаган ишга – қоришмани қориштиришга қўйди ва соқчилар билан ўзини қандай тутиш кераклигини ўргатди. “Агар

эсэсчи келаётганини күрсанг, тезрок ишлаб, ўзингни күрсат. Лекин мабодо эсэсчи яқинроқда бўлмаса, шошилма, озрок дам олсанг ҳам бўлади". Фриц қўрикчини пайқаш ва зўр бериб ишлаётгандек кўринишга шундай устаси фаранг бўлиб кетди, ҳатто энг ғайратли ишчи деган ном олиб, шуҳрат қозонишга эришди. Сивер уни прораб, СС сержантি Бекерга кўрсатиб: "Қаранг, мана бу яхудий бола ишни қандай боплаяпти", – деб кўйди.

Кунлардан бир кун Бекер қурилиш майдончасига ўз бошлиғи, "ҳимоя қамоги" остида бўлган маҳбуслар бўйича комендант ўринбосари СС лейтенанти Макс Шоберт билан келди. Сиверт Фрицни чакиртириб, зобитга уни кўрсатди ва унинг ишдаги муваффакиятларини мактади.

– Яхудийларга ғишт теришни ўргатсак бўларди, – дея таклиф киритди у.

Доимо истехзоли тиржайиб юрадиган Шоберт ўзининг каттакон бурни тепасидан Фрицга қараб кўйди. Бу таклиф унга умуман ёқмади: шу яхудийларни ўргатиш етмай турганди ўзи! Йўқ, бунга сира йўл қўймайди. Бирок уруғ ташлаб қўйилганди.

Гарнizonни кенгайтириш учун янги эсэсчи қўшинлар Бухенвальдга келган чоғда, мазкур уруғ униб чиқа бошлади. Казармаларни ўз муддатида қуриб битказиш учун ишларни тезлаштириш керак эди, хозирги мавжуд ишчи кучи билан эса, бунинг иложи йўқ эди. Сиверт ўз таклифига яна қайтди, бу сафар у тўғридан-тўғри комендант Кохга мурожаат қилди. У ғишт теришни биладиган ишчилари етарли эмаслигидан шикоят қилди. Ягона йўл – ёш яхудийларни ишга ўргатиш. Кох худди Шоберт каби бурнини жийирди. Сиверт, акс ҳолда, ишни ўз муддатида тугатолмаслигини тушунтирганча, ўз гапида туриб олди, лекин жавоб аввалгича эди – ҳеч қандай яхудийлар.

Стиверт ўзининг ҳақ эканлигини амалда исботлашдан ўзга чора йўқ, деган қарорга келди ва Фрицни ўзига шогирдликка

олди. Аввалига Сиверт унга оддий түғри теришни ўргатди, буни у оксуяк-курувчи назорати остида бажаарди. Фриц тортилган ипни мўлжаллаб, коришмани солар ва ғиштларни бирин-кетин аник ва тартиб билан терарди. Кўл меҳнати билан ишлаш қобилияти унга отасидан ўтгани боис, бу ишни тез ўрганиб олди. Ғишт териш асосини эгаллаб олгач, у бурчакларни чиқаришга, устунлар ва контрфорсларга, кейин каминлар ва қувурларга ўтди. У ҳаво намлигида сувок килишни ўрганарди. Сиверт у билан гаплашиш ва унинг муваффақиятларини баҳолаш учун ҳар куни келарди. Фриц жуда қиска фурсат ичидаги Бухенвальддаги яхудийлардан биринчи ғишт терувчи ва қурувчи бўлиб етишди.

Унинг эришган ютуклари шу қадар яхши таассурот қолдиргани ва унга бўлган талаб зўрлиги туфайли комендант Коҳ ортга чекинди ҳамда Сивертга яхудий, поляк ва румин ўсмирларига ғишт теришни ўргата бошлишига ижозат берди. Улар ярим кунни ишда ўтказишар, иккинчи ярмида эса, лагердаги ўз блокларида курилиш назарияси ва амалий фанларни ўрганишарди. Улар енгига “Ғишт терувчилар мактаби” ёзуви туширилган боғламани боғлаб олишарди ва айрим имтиёзлардан фойдаланишарди: жумладан, энг муҳим бўлган жисмоний меҳнат билан машғул кишиларга мўлжалланган қўшимча овқат олишарди. Уларга ҳафтада икки марта қўшимча нон бўлаги билан ярим кило қонли пудинг ёки гўштли запеканка бериларди. Егуликларни тўғри курилиш майдончасига етказиб бериларди. Уларнинг нон, ёғ, бир қошиқ лавлаги қиёми, чўчқаёнгоқ қаҳваси ва карам шўрвадан иборат оддийгина рационидан кўра, буниси шоҳона зиёфат эди.

Фриц учун Роберт Сиверт ўзида қаршилик қўрсатиш руҳи ва одамий меҳрибонликни мужассамлантирган қаҳрамон эди. У энг биринчи навбатда ўшлар учун қайғуар ва улар ҳаётини асраб қолишга қобил билим ва малакалар билан куроллантиришга қўлидан келган барча ишни қиласиди. “У биз билан худди отадек,

сабрли ва меҳрибон оҳангда сўзлашарди”, – дея эсларди Фриц. Бу одам шу ёшда ва маҳбусликда кечирган шунча йиллардан кейин бунча куч-ғайратни қайдан олишини Фриц тасаввур қилолмасди.

Қиши келиши билан Сиверт аёзда сувоқ билан қоришма ёрилиб кетиши мумкинлигини баҳона қилиб, қурилишда мазут печлар ўрнатишга рухсат олди. Аслида, у эгнида қамоқхонанинг маҳсус либосидан бошқа иссиқ кийими бўлмаган ўз ишчилари ҳакида қайғурарди. Жасур ва инсонпарвар Роберт Сиверт яхудийлар, румин ёки поляклар учун онгли равишда СС билан хатарли мунозараларга бориб, ўз тамойилларидан асло чекинмасди. Бироқ унинг таъсири қурилишдан ва ғишт терувчилар мактабидан ташқарида тарқалмас эди. Иш тугаганидан кейин асиirlар асосий лагерга қайтганларидан сўнг, майдончада яна ашула айтиш, калтакларга чидаш ва тасодифий қотиллик курбонлари бўлишларига тўғри келарди. Фриц бошқа маҳбусларга қааркан, ҳеч бўлмаганда, яхши овқатланаётгани ва уни соқчилар чизигига итариб юборишлари ёки ўласи қилиб уришларидан кўрқмаслиги мумкинлиги учун ич-ичида ўз валийнеъматидан миннатдор бўларди. У фақатгина транспорт гуруҳида аркон тортиб юрган отасидан хавотирланиб кийналарди. Фриц окшомлари отаси билан кўришганида унга бериш учун ўзининг кўшимча егулигидан бирон нима олиб қўйишга ҳаракат қиласди.

Густав ўғлининг янги тайинловидан ва унинг хавфсизлиги таъминланганидан хурсанд бўларди. “Ўғлим ўзидан катталарнинг ҳаммаси ва назоратчи Роберт Сиверт билан дўстлашиб олди, – деб ёзарди у. – Бизга ҳаммадан кўпроқ Лео Мозес ёрдам бермоқда, у туфайли эртанги кунимизга ишончимиз бор”. Ҳакиқий оптимист Густав улар ушбу синовлардан эсономон ўтиб олишларига умид қиласди.

Сал аввалрок Фрицни ёшлар блокидан отасига яқинрок бўлган 17-блокка ўтказишган эди. Дўстларидан айрилиш оғир бўлди, бироқ бу кўчириш унинг ҳәётидаги муҳим босқич бўлиб, унинг катталашишига кўмаклашди. 17-блокда австриялик обрўли ва таникли кишилар бор эди.

Улар асосан сиёсатчилар эдилар, лекин камзулларида қизил учбурчаги бор бошқа кўпгина маҳбуслардан кўра мавкеи баландрок эди. Отаси социал-демократик партияда ишлаган кезларида, улар билан таниш бўлгани туфайли, уларнинг баъзиларининг исми Фрицга маълум эди. Бу ерда яхудий социалист, Вена ер кенгаши (Ландстаги) президенти Роберт Даннеберг бор экан. У “Қизил Вена” – Биринчи жаҳон уруши охиридан 1934 йилда ҳокимият тепасига ўнглар келгунига қадар давом этган социализмнинг гуллаган даври етакчи фаолларидан бири эди. Оғир, босик Даннебергдан буткул фарқ қилган кулча юзли Фриц Грюнбаум кувноқ ва кулгили одам эди. У Берлин ва Вена кабаре юлдузи, Франц Легарнинг (Гитлер ёқтирган композиторлардан бири) сценаристи, киноактёри ва либреттисти эди. Нацистлар уни Аншлюсдан кейин яхудийларнинг таникли арбоби ва сиёсий сатирики сифатида хибсга олишганди. Анчагина қариб, озиб кетган, кал бош, қалин кўзойнак тақсан бу киши қайсиdir бир жиҳати билан Маҳатма Гандини эслатарди. Тош кони ва ўраларни тозалаш ишларидан кейин унинг руҳи синиб, саломатлиги ёмонлашганди: бир куни у жонига қасд қилишга ҳам уринганди. Бироқ нималар содир бўлганидан қатъи назар, Грюнбаум аввалги ўткир ақли, ҳозиржавоблигини сақлаб қолганди ва вақти-вақти билан бошқа маҳбуслар рўпарасида кабаре репертуаридан кулгили саҳналарни ижро этиб берарди. У ўзининг тақдирни ҳақида қисқа ва аниқ гап айтарди: “Агар исмимнинг ўзи менга душманлик қилса, ақлим менга қандай ёрдам беради? Шоир Грюнбаум тамом бўлди”. Бу тўғри экан – бир неча ойдан кейин у вафот этди.

Фрицнинг яна бир таниши доимо кўзойнакда юрадиган ва чехраси маъюс Фриц Лёкер-Беда “Бухенвальд кўшиғи”нинг таъсирчан ва аёвсиз шеъри муаллифи эди. Худди Грюнбаум каби у хам Легар опералари учун либреттолар ёзар эди. У Гитлер билан Геббельсга таъсир кўрсатиш қобилиятига эга Легар уни озодликка чиқаришга эришади, дея узок вақт умид қилиб юрди, аммо бу умидлари сароб бўлиб чиқди ва амалга ошмади. Унинг азобланишларига кўшимча тарзда лагердаги овозкучайтиргичдан Легарнинг “Жудитта” ва “Жилмайишлар мамлакати” оперетталаридан қўшиклар тез-тез бериб турилар ва эсесчилар уларнинг муаллифи кимлидан умуман хабари йўқлиги аниқ эди. Унинг учун шеърини ўзи ёзган “Юрагимни Гейдельбергда колдирдим” оммабоп қўшиқни тинглаш янада оғиррок эди.

17-блокнинг энг обрўли маҳбусларидан бири веналик ёш психоаналитик ва троцкийчи, қизғиш-сариқ юлдузли яхудий сиёсий асир Эрнст Федерн эди. Унинг ташки кўриниши алдамчи бўлиб, боши кал, юзи маъюс кўрингани билан, қалби ўта юмшоқ, раҳмдил, меҳрли инсон эди. Унинг ёнига ҳар қандай одам бориб, ўз ташвишлари тўғрисида гаплаша оларди. Унинг кўнгилга таскин берувчи кўтаринки руҳи айримларга ғалати туюлса ҳам, аммо бошқа маҳбусларнинг қалбига хотиржамлик ато этарди.

Баракда социал-демократлар, христиан социалистлари, троцкийчилар ва коммунистлар қўшнилик қилишарди. Оқшомлари, бўш вақтида Фриц сиёсат, фалсафа, уруш тўғрисида уларнинг сұхбатларидан баҳраманд бўларди. Сұхбатлар интеллектуал, донишмандона эди, лекин Фриц кам нарсаларни тушунарди. Унинг ягона англагани – уларнинг Австрия келажагига ишончи эди. Ўзларининг чорасиз вазиятдалиги ва ўз мамлакатларининг мустақил давлат сифатида йўқолиб бўлганига қарамасдан, уларнинг ҳаммаси Австрия нацистлар хукмронлигидан қутилиб, ўзини тиклади, янгиланади ва

ажойиб бўлади, деб хисоблардилар. Гарчи ҳар замонда лагерга сизиб кирган янгиликлар ҳозирча Германия барча фронтлар бўйлаб ғолиб чиқаётганидан хабар берсалар ҳам, 17-блокдаги маҳбуслар унинг охир-оқибатда урушда енгилишига ишонардилар. Улардан жуда камчилигига ўша даврга етиб бориш насиб этса-да, яхшироқ келажак келишига комил ишончи бўлган ана шу эркаклар ёнида Фрицнинг ишонч ва жасорати мустаҳкамланарди. “17-блокда хукм сурган дўстона рух ҳаётимни тубдан ўзгартириди, – дея хотирлайди у кейинрок. – Мен шундай бирдамликни кўрдимки, уни концентрацион лагердан ташқарида тасаввур ҳам қилиб бўлмайди”.

Фрицнинг 17-блокда яшаган даври ҳақидаги муҳим хотираларидан бири Фриц Грюнбаумнинг туғилган куни эди (унинг опаси Герта ҳам худди шу куни ўн саккиз ёшга тўлганди). Маҳбуслар ўз егуликларидан бир кисмини ўртоқларини кечки овқатда меҳмон қилиш мақсадида чегириб, дастурхон тузатишиди. Унга ошхонадан яна у-бу нарса ўғирлаб келиб, қўшиб қўйишиди. Ҳаммалари овқатланиб бўлгач, Лёнар-Беда сўзга чиқди, Грюнбаумнинг ўзи эса, бир нечта куплетлар ижро этиб берди. Ораларида энг кичиги бўлган Фриц ҳам собиқ юлдузни табриклиш имконига эга бўлди.

Ушбу сиёsatчи, аҳли донишлар ва артистларнинг Леопольдштадтдан бўлган мебелчи, энди эса ғишт терувчининг ёшгина шогирди, Кармелитермарктдан чиққан оддийгина бола ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин? Бунинг сабаби – уларнинг ҳаммаси австриялик ва яхудийлар эди. Шунинг ўзи кифоя эди. Улар Бухенвальдда атрофларини заҳарли денгиз куршаб, ҳалокатга учраган кема курбонларидан омон қолган миттигина гурухдан иборат эдилар.

Ўлимлар эса давом этарди.

Тош конида қотилликлар янада тез-тез содир бўларди. Кўпгина ҳалок бўлганлар Фрицнинг ёки отасининг дўйслари

бўлиб, улардан баъзилари аввалги Венадаги даврдан бўён дўстлашгандилар. Ўша йили барча концентрацион лагерлар бўйича ўлимлар сони тахминан 1300 дан 14 000 гача ошиб кетганди. Бунга сабаб уруш эди; то Ваффен СС билан Вермахт Германия душманлари билан Польшадан Ла-маншгача курашиб, улар устидан ғалаба қозонгунларига қадар Тотонкопф СС аскарларининг ҳам ичида қони қайнаб, курашга чанқоқлик уйғонди ва ўзлари учун ички душман топиб, унга қарши урушга киришдилар. Ҳарбий ғалабалар тўғрисидаги хабарлар ғолибона агрессияларнинг чақнашини келтириб чиқарди, енгилишлар эса – масалан, ҳанузгача қаршилик кўрсатаётган ягона мамлакат бўлган Британияда, – қасос олишни талаб этарди.

Доимий тарзда сони ўсиб бораётган мурдалардан халос бўлиш янада қийинлашарди ва 1940 йилда лагерларда крематорийлар қура бошладилар. Бухенвальдда бу баланд девор билан ўралган ҳовлиси бор чоғроқ чорси бино эди. Майдондан фишт устидан фишт терилиб қандай кўтарилаётгани ва унинг қувури кўриниб турарди; бино қурилиши тугатилганда, ундан дастлабки аччик тутун отилиб чиқди. Ўша кундан бошлаб қувур деярли тўхтовсиз тутун буркситарди. Баъзан тутун дараҳлар учлари ортига, юкорига учиб борар, баъзан эса, лагерни қопларди. Аммо унинг бадбўй иси: димоқни ачиштирувчи ажал нафаси домий равишда сезиларди.

* * *

Янги йилда, кўп ойлик кутишдан кейин Тини Венадаги АҚШ консуллигидан жавоб олди.

1940 йилнинг март ойидан бошлаб виза олиш учун сұхбатга одамларни шахсан чакиришарди ва унга консулликка биргаликда боришилари учун то Густав билан Фриц озод

этилгунларига қадар кутишни тавсия этишганди. Бирок СС уларни, то маҳбусларнинг эмиграцияси учун тайёр ҳужжатлар тақдим этилмагунига қадар, кўйиб юбормасди, шундай қилиб, улар яна боши берк кўчага кириб қолишли.

Барча ҳужжатлар жойида эди. Америка визаларини олиш ва чипталарини харид қилиш (улар учун дарҳол пул тўлаши керак эди), шунингдек, бирини иккинчиси билан мувофикаштириш муаммо эди. Токи Франция мустакил давлат экан, у орқали Америкага жўнаб кетса бўларди, аммо Германия босиб олганидан кейин, француз портларининг барчаси ёпилганди. Кузда эмигрантларга Лиссабон орқали жўнаб кетиш имконини беришли, бироқ Венадаги АҚШ консулилари виза беришни шу заҳоти тўхтатди. Президент Рузвельтнинг қочоқтарни қучок очиб кутиб олишлари ҳақидаги ишонтиришлари ўсиб бораётган антисемит кайфият таъсирида сусайиб қолди. Жамоатчилик фикри каршисида ночор қолган президент Давлат департаментига визалар сонини камайтириш тўғрисида фармойиш берди: “Энди ҳеч қандай хорижликларни киритмаймиз”. Консуликлар аризадорларни уқубатли сұхбатларга таклиф этишда давом этар, бу сұхбатлар нотариусда тасдиқланган ҳужжатлар таржимаси ва полициядан маълумотлар тақдим этишини, пароходга амал қилувчи чипталар ҳамда яхудийларга карши маҳаллий солиқлар тўлангани ҳақидаги тасдиқланган ҳужжатларни талаб қилишарди. Энг сўнгги босқичда, асабийлашган аризадор ниҳоят, мўъжиза билан тўплаган коғозларни тақдим этган чоғда, у ўзининг Кўшма Штатлар учун қадрли эканини исботлай олмагани, шу боис, “жамият учун ошиқча юк бўлиш” эҳтимоли кўпроқлигини хабар қилишарди. Унга виза бериш рад этиларди.

1940 йил октябрида ҳамма аризадорлар – доимий ташвишда яшаган ва беҳисоб солиқларни тўлаш туфайли қашшоклашиб қолган одамлар, -- рад жавобини олиши. Тини чорасиз ахволда

қолди. “Бизда ҳаммаси бор, – деб ёзарди у Нью-Йоркдаги Германия яхудийларига ёрдам күмитасига, – бирок ҳали биздан хеч ким жүнаб кетмади... Маҳаллий консуллигимиз аниқ жавоб бермаяпти”. Бундай барча кечиктиришларнинг сабаби нимага боғлиқлигини у тушунмасди, унинг эри катта тажрибага эга қўли гул уста ва қўллаб-кувватлашга оид хатлар тўлиқ тақдим этилган бўлса, ахир...

У, хеч бўлмаса, болалари жўнаб кетишларидан умид қиласди. 1941 йилнинг бошларида унинг иши сал олдинга силжиди. Уларнинг тўйида иштирок этган, ҳозир эса Массачусетсда истиқомат қилувчи эски дугонаси Альма Маурер ўзи яшайдиган ернинг судъяси бўлмиш жуда обрўли яхудий жанобдан Курт учун таклифнома олибди. Кейин эса мўъжиза рўй берди: АҚШ кам сонли яхудий болалари учун озрок енгиллик беришга розилик билдириди. Германиядаги яхудий болаларига ёрдам кўмитаси кўмагида мамлакатга чекланган миқдорда вояга стмаган шахсларни катталар ҳамроҳлигисиз киритиш ва муносиб яхудий оиласарга жойлаштиришга карор қабул қилинди. Куртнинг номзодини маъқуллашди.

Айрилиқ Тини учун ҳам, Герта учун ҳам оғир эди, бирок бу унинг хавфсизлигини таъминлашнинг ягона йўли эди. Шунда яна бир яхши янгилик чиқиб қолди: гарчи Герта болалар дастури билан жўнаб кетолмаса ҳам, агар у зарурий визани ола билса, Массачусетсдаги раҳмдил бир жаноб унинг кафиллигини ўз зиммасига олиб, уйига киритиш учун рози бўлибди.

ЯНГИ ЁРУҒЛИК

Эттерсберг кияликлари узра кулранг булатли осмон остида қалин ёқсан юмшок кор ястаниб ётар, бироқ у бараклар ва кўрикчи миноралар шаклу шамойилини яширмасди.

Густав белкураги дастасига таянди. Назоратчи орқасига ўгирилганида, у пайтдан фойдаланиб, нафасини ростлаб олди. Унинг яланг кўллари совуқдан кўкариб кетган ва уларга қаратиб нафасини чиқаришга уринган чоғда, иликликин умуман сезмади. Густав ҳали кечкурун баракка қайтганида, музлаб қолган танаси жонланиши ва чидаб бўлмас даражада оғришини биларди.

Янги йил келди, лекин унинг ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади: кунлар бир тахлитда ўтиб борар ва одамларнинг ўлими давом этаверарди. Крематорийдан чиқсан тутун ҳавода сузар ва маҳбуслар унда ўз келажаклари исини туйишарди.

Густав назоратчининг ўзи томонга ўгирилаётганини сезиб, дарҳол белкурагини қўлига олди. Қалин ёқсан кор юк ташувчилар командалигига ўз юмушини бажаришга имкон бермас, шу боис улар ҳар куни лагердаги йўлларни кураб тозалардилар, аммо тун бўйи яна икки баравар кўпроқ кор ёғиб чиқарди.

Чирок аста-секин ўчарди. Унга бошқа қарамаётгандарини англауб, Густав яна дам олмоқчи бўлди. У осмонга караб, кулранг жануби-шарқий томонда тутунга аралашиб капалак кор учқунланаётганини кўрди. Қайдадир барча деворлар ва ўрмонлар ортида унинг уйи, хотини, Герта ва кичкинтой Курт бор эди. Улар ҳозир нима қилаётган эканлар? Уларнинг ўтирган жойи иссиқмикан ёки совуқмикан? Уларга хавф-хатар таҳдид қилмаётгандикан? Кўркинчлимикан ёки тинчмикан? Улар умид қилишни давом эттираётгандиканлар? Фриц билан иккаласи аввалгидек Тинидан хат олиб туришар, бироқ барибир ўзларини уйдан жуда узокда деб сезишарди.

Густав охирги бор осмонга нигоҳ ташлаб, энгашди ва белкуракни қорга сүкди.

* * *

Куртнинг боши узра илиқ ва зангори осмон күёшнинг заррин нурларига тўлиб, каштанлар шохлари орасидан живирларди. У юкорига қараган кўйи бир оёғини иккинчисининг олдига қўяр ва ҳузурланганидан боши айланарди.

У атрофига аланглаб, оиласидан узилиб қолганини тушунди. Онаси билан отаси кўлтиқлашиб боришар, Фриц кўлларини чукур киссаларига солганча одимлар, Герта – унинг ёнида нозланиб, Эдит эса қаддини тик тутганча, жуда назокатли юрарди.

Улар эрталабдан Пратерга боришган ва Курт жуда хурсанд эди. У катта сирпанчиқдан неча марта учеб тушганини ҳам эслолмас – уларни кузатиб турган киши юкорига бир даста гиламча олиб чиқишига кўмаклашганлар бепул учеб тушишларига ижозат берганди. Курт билан Фриц ва камбағалроқ оиласардан чиқсан бошқа болалар икки-уч марта қўшимча тарзда учиш учун бундай имкониятдан доимо фойдаланишарди. Энди бутун Пратерни кесиб ўтган кенг кўча Хаупталлея бўйлаб бораётган Курт бир оёғи билан катта йўлни ажратиб турган баланд ўтли тўсиққа чиқиб-тушиб, бундан завқланарди. У ҳис-ҳаяжонга берилиб кетиб, оиласи анча узокроқда қолганини сезмабди ҳам. У димогида қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб, ҳар қадамида юкорига чиқишидан ҳузурланарди. Курт вақтни буткул унутди ва яна ортига ўгирилганида, ёлғиз қолганини англади.

Кўркувдан унинг юраги тез уриб кетди. Қатор дараҳтлар сафи олд томонга узокқа қараб чўзилиб кетган, ён томонида ўрмон қорайиб борар, у ерда оиласар ва жуфтликлар айланиб

юришарди, йўл бўйлаб велосипедлар, автомобиллар, аравалар ғизиллаб ўтиб борар, буталар орасидан ярмарка чодирлари ва одамлар кўриниб қолар, аммо ҳеч қаерда ота-онаси, опалари ва акасининг шаклу шамойили кўзга ташланмасди. Улар шунчаки ғойиб бўлишган – гўё уларни ўғирлаб кетишганди.

Кейин кўркув ўтиб кетди. Вахимага тушишдан маъно йўқ эди – Курт Пратерни ўзининг беш бармоғидек яхши билар, бу ердан уйигача масофа бир километрга етмасди. Унинг ўзи уйига bemalol етиб олса бўларди. Хаупталлея еттита кўча ва бульвардан ташкил топган юлдуз шаклидаги чорраҳа бўлиб, Пратерштернга чиқарди. Ўрмондаги сокинликдан кейин у Куртни ўзининг серҳаракатлиги ва шовқини билан ҳайратга солди; юк машиналари ва трамвайлар чапдан ўнгга тимсиз ўтар, йўлкаларда одамлар тўда-тўда бўлиб боришарди.

Курт энди нима килишини билмасди. У бу ерда жуда кўп марта бўлган, лекин доимо ота-онаси ёки катталар билан келганди. Ва бундай катта оқимдан қандай ўтиш мумкинлиги ҳақида бирон марта ўйлаб кўрмаганди.

Шу пайт у бир аёлнинг овозини эшишиб қолди. Курт бошини кўтариб, унга хавотирланиб қараб турган қандайдир хонимни кўрди.

– Нима, адашиб қолдингми? – сўради у.

Йўқ, у адашмади: Курт йўлни биларди, лекин ундан жисман қандай ўтиб боришни тасаввур этолмасди. Худди шу каби, у умуман нима рўй берганини қандай тушунтириб беришни ҳам билмасди. Хоним ташвишланиб қовоғини солди.

Шу пайт полициячи келиб қолди ва аёлнинг ўрнига масалани ҳал қилди. У Куртнинг қўлидан ушлаб, Аусстеллунгштрассе кўчасининг сўл тарафидан Пратер томон юрганча, ортта қараб етаклаб кетди. Улар қизил фишт билан тарошланган тошдан курилган катта ва кўркам бинодаги полиция маҳкамасига етиб боришли. Курт кора формали

курткалар ва ишга дахлдор сұхбатлар, одатланмаган ислар ва овозлар гирдобидаги оламга кириб қолди. Унга хонада ўтиришни таклиф қилишди. Ўша ерда ишловчи полициячи унга жилмайиб, бироз гашлашди ва ҳатто бирга ўйнадилар ҳам. Куртнинг ёнида пистонлар лентаси бор экан ва зобит, камаридағи мосламадан фойдаланиб, уларни бирма-бир пақиллатди. Бундан хонада шундай гулдираган товуш чиқдикі, худди милтиқдан отилаётгандек бўлди. Ўйнинг чалғиган Курт вакт қандай ўтганини ҳам сезмади.

— Курт! — У таниш овозни эшитиб, ўтирган жойида сакраб тушди. — Мана қаерда экансан!

Эшик олдида онаси турар, отаси унинг ортида бўйини чўзганди. У дарҳол енгил тортди. Курт курсидан иргиб тушиб, онасининг бағрига отилди.

* * *

Курт қалтираганча, хаёли паришон, юраги дукиллаб урган кўйи уйғониб, қаерда эканлигини дарҳол тушунмади. Унинг кулоғида хуштак овозлари янграп, нималардир вишиллар ва тақилларди. У қаттиқ курсида, нотаниш кишилар орасида кисилиб ўтирас ва атрофидаги ҳамма нарса бир маромда тебранарди. Курт кўкрагидаги теридан тикилган кармонини пайпаслаб кўрди ва ҳаммаси ёдига тушди.

Поезд уни янги ҳаёт сари олиб кетарди.

Унинг орқаси тахта ўринидкда увишиб кетди, лекин у шу қадар чарчаганидан ёнида ўтирган йўловчига суюниб, мудраб қолганди. Курт қаддини ростлаб, кармонини яна ушлаб кўйди. Онаси уни бўйнига қандай осиб қўйганини яхши эсларди.

Хотира жонланди: онаси уни ошхонадаги столга, худди ўша ўзи товуқ шўрва учун угра ёйишга унга ёрдам берадиган, ҳамма жойи кесилиб кетган тахтага ўтқазди. У онасининг озғин

ташвишли юзини кўриб турарди: онаси унга доимо мана шу кармонга қараб туриш ҳаёт учун муҳимлигини тушунтириди. Бу ерда унинг ҳужжатлари бор. Уларнинг оламида ушбу кармон ичida унинг қалби, унинг мавжудлик учун рухсати борлигини билдирарди. У жилмайди ва Куртни ўпди.

— Ўзингни яхши тут, Куртль. Яхши бола бўлгин, етиб боргандан кейин – тўполон қилма ва доимо гапга қулок солгин, шунда улар қолишингга ижозат беришади.

Ва онаси унга янгигина, силлиқ ва ялтироқ лабда чалинадиган гармоникани ҳадя қилди, ўғли уни кўлида маҳкам қисди...

... кейин эса онаси ғойиб бўлди. Худди чироқни ўчиришгандек хотира узилди.

Курт февраль қори қопланган нотаниш ўлкалар сари илдам бораётган поез вагонидаги одамларга бирма-бир нигоҳ ташлаб чиқди. У поезд Берлиндан кетиб бораётганини биларди – ўша ерда Германия яхудий болаларига ёрдам қўмитасидан якуний қоғозлар ва йўлкира пули, шитирлаган эллик доллар америка долларини олди ва юклари ичига яхшилаб яшириб кўйди. У Берлинга Венадан бошқа поездда етиб борганини эсларди... бироқ бу хотиралар энди ўчаётганди. Вакт ўтгач, у онаси ва опаси Герта билан қандай видолашганини бутқул унутиб юборди, бунинг учун у кейинчалик доим афсусланарди.

Эски, ўзи одатланган ҳаёт ортда қолиб, энди қайтмас бўлиб ўзга ўлчов сари чекинарди. Эҳтимол, ҳаммаси аксинчадир – Вена аввалгидек қолган бўлиб, унинг ўзи янги, нореал оламда пайдо бўлиб колгандир.

Поезддаги қолган кўпчилик йўловчилар ҳам қочоқ эдилар ва уларнинг ҳаммаси Куртга қари бўлиб туюларди. Унда ёш болалари билан бир нечта оила кетиб бораарди. Германия, Австрия фуқаролари, венгер яхудийлари, озроқ поляклар. Эркаклар ўқиб ўтирганларида, ўзаро сухбатлашаётгандарди ва

мудраб колишганида, оналари кичкин тойларга нималарни дир пичирларди; чоллар шляпаларини кўзига туширган кўйи, уйкусида қошларини уйиб, хуррак отишар ва оғир хўрсини б кўйишарди, ёш гўдаклар эса атрофга олазарак карашар ёхуд отаоналарининг кўлларида ухлашарди.

Ҳар бир неча бекатда тўхталган чоғда, полициячи ёки аскарлар кўрсатган бошқа поездга чикишга тўғри келарди. Баъзан Курт биринчи классдаги серҳашам купега кириб қолар, баъзан иккинчи, кўпинча учинчи классдаги қаттиқ ёғоч курсиларда кетарди. У учинчи класс вагонда кетишини афзалроқ кўришининг сабаби – у ерда бемалол ўтираса бўларди; биринчи класс вагонида ўриндиклар орасида тирсаккўйгичлар чикиб турарди ва катталар орасида болалар сиқилиб ўтиришларига тўғри келарди. Курт ҳеч бўлмаганди бироз дам олмоқчи бўлиб, юк кўядиган токчага бир неча марта чикиб олганча, у ердаги жомадонлар устида бемалол ростланиб ётарди.

Поездда ўзидан ташқари, ҳамроҳсиз кетаётган яна икки бола: кизалоқ билан ўғил бола бор эди. Улар танишиб олишди. Ўғил боланинг исми Карл, у ҳам веналиқ, ўн тўрт ёшда экан, у ҳам Курт сингари Леопольдштадтнинг ўша қисмida яшаганлиги маълум бўлди. У кўзойнак тақар ва қандайдир касалманд кўринар, ўсмир учун ҳаддан ташқари пачок эди. Кизалоқ ундан буткул фарқланарди; Ирмгард Саломон Штутгартда яшайдиган ўртаҳол оиласдан бўлиб, ўзининг ўн бир ёшида уларнинг ҳар иккаласидан беш см баланд бўлиб ўсиб кетганди. Мажбурий изоляция туфайли бирлашиб қолган учала бола уйдан тобора узоклашиб боришарди.

* * *

Уй бўшаб қолган инга айланиб қолганди. Қачонлардир оила яшаган жойда атиги икки аёл: бири қариб бораётганди,

иккинчиси очилиш арафасида туарди. Тини кирқ етти ёшга кирди – бу ёшда у набиралар кўриш учун тайёрланиши зарур эди. Икки ойдан кейин Герта ўн тўккизга тўлади, эски даврларда қандай касб эгаси бўлишини ва муҳлисларидан қай бирига турмушга чикишини танлаган бўларди. Улар мана шу вайрон этилган хонадонда, талангандан ва қашшок ахволда ёлғиз ўтиришлари, уларнинг энг яқин кишилари эса – эри, ўғиллари, кизи, отаси, ака-сингиллари эмиграцияга жўнаб кетиши ёки хибсга олинишлари унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

Вена улар учун ёпиқ ҳудуд бўлиб, баҳтига сақлаб қолган хонадони эса камоқхонага айланди.

Курт билан видолашиб накадар оғрикли бўлганди! У ҳали жуда кичкина, нимжон – шунаقا миттигина одамча катта оламга ёлғиз жўнаб кетишга мажбур эди. Тинига ўғлини поездга ўтказиб кўйишига йўл кўймадилар – платформага факат чиптаси бор йўловчиларни киритишарди, – ва Герта иккаласи у билан вокзалда хайрлашишга, кейин эса, кочоклар тўдаси уни ўзи билан қандай судраб кетганини узокдан кўришга тўғри келди.

Ўз қонидан, жонидан бўлган нуридийдаси ундан узилди. Курт унинг умиди эди – унда янги оламда ҳаммасини янгитдан бошлиш имкони пайдо бўлди. Эҳтимол, бир куни у қайтиб келар ва онаси унинг ўрнида хаёт тарбиялаган, янги инсонни кўрап.

* * *

Курт чалканча ётганча, юлдузларга қаарди. У умрида бундан-да қоронғирок, ҳеч нимани илғаб бўлмас зим-зиё, ердаги бошқа ҳар қандай жойда, ҳар қандай сунъий чироқлар умуман бўлмаганида, шундай жилваланувчи осмонни кўрмаганди. Тўлкинлар мавжлари узра аста чайқалаётган кема юлдузлар сочилигандан осмон остида, қора уммоннинг баҳайбат доирасида қоп-қоронғида якка ўзи кетиб борарди.

У ўзинни пировардда энг сўнгги тирик қолган кимсадек сезарди. Поездда Лиссабонга етиб боргач, у Карл ва Ирмгард ҳамроҳлигига бир неча ҳафтани кутиш билан ўтказди. Америкага улар билан бирга яна бир неча ўнларча боллар жўнаб кетиши керак эди, бироқ кемага чиқадиган вақт келганида, бошқаларнинг жўнаб кетолмаслиги аён бўлди. Эҳтимол, бунга турли қофозбозликлар сабабчи бўлгандир. Курт, Карл ва Ирмгардни портга олиб бордилар, у ерда ҳукумат биносидан баҳайбат кема соҳил бўйида чайқалганча, жўнашга шай бўлиб турарди. АҚШ га тегишли “Сайбони” пароходи ўша вақтда энг йирик йўловчи ташийдиган кема бўлмаса ҳам, иккита бежирим қувури ва юқорида сайр қилишга йўлжалланган палубаси борлиги туфайли, ўзгача кўркамлиги билан фарқланарди. Унинг ён томонида германиялик сувости қайиқларидан муҳофазаланиш учун идентификация белгилари кўзга ёркин ташланар ва йўл-йўл-юлдузчали байроқ тасвири туширилганди.

Пароходдаги йўловчиларнинг кўпчилиги қочоқлардан – шу жумладан, Куртга поездларда таниш бўлиб қолганлар, – шунингдек, уларига қайтаётган кам сонли сайёхлар ва битта-яримта коммерсантлардан иборат эди. Курт билан Карл кеманинг энг чукур жойидаги ўз каюталарини топиб, ичкарига киришди, у ниҳоятда дим ва двигателлар шовқинидан титради. Улар тоза ҳавога қайтиб чиққач, “Сайбони”нинг соҳилдан қандай чиқаётгани ва ортидан қўпикли из қолдирганча, тумшуғини гарбга қаратиб бурилаётганига қараб туришди.

Курт атрофга ёйилган уммонни томоша қилиб, туткичлар ёнида уч соатча турди. Лиссабон нуқтага айланиб, кейин Португалия ингичка чизиқ бўлиб қолди, кейин эса, Европа уфқ ортига чўкканча, ғойиб бўлди. Қайдадир узокда, Шимолий денгизда савдо-сотиқ кемалари қўриқланган кўйи, шарққа томон, Британия соҳилларига бирин-кетин жилиб борар, улар атрофида гўё ҳавотирланган подачилар каби ҳарбий кемалар айланиб

юарди; шарқда кора сувлар тагида сувости қайиклари бортида ажал келтирувчи торпедалари билан уммон кенгликлари узра сирғалишарди. “Сайбони”ни муҳофазаловчи танитадиган белгиларигина бор эди, холос.

Қаттиқ чарчаганига қарамай, Курт ўша ўзларининг шовқинли ва иссиқ қаюталарида биринчи тунда яхши ухломади ва эртасига денгиз касаллигидан азбланди: у мевалардан бошқа ҳеч нима еёлмади. Туни билан яна каравотда ағанаб чиқмаслик учун улар адёлларини олиб, палубага чиқиши. Уларни ҳеч ким тўхтатиб қолмади: болаларга қараб туриш учун Нью-Йоркдан келган ўрта яшар паст бўйли аёл – ҳамшира Стебл кўпроқ кекса йўловчилар билан машғул эди.

Кечаси палубада совуқ эди, аммо болалар адёлларига ўралволиб, кўтарма шезлонгларга жойлашиб, тезда исиб кетдилар. Курт боши узра юлдузларга қараб, ўзининг янги ҳаёти ва бораётган жойи ҳакида ўйларди. Мактабда инглиз тилида ўқиганларидан жуда кам нарса ёдида қолганди; у фақат *hello, yes* ва *ok* дейишнигина биларди. Улар синфда битта шеър ёдлашганди, аммо Курт унинг қандай маъно англатишини унча тушунмасди. Улар билан пароходда кетаётган америкаликлар нутки унга шунчаки ғўлдираш бўлиб туюларди.

Қайдадир ўша, шарқда, юлдузли осмон уммоннинг кора йўли билан қоришиб кетган жойда, унинг уйи билан оиласи қолганди. Уни онаси билан боғлаб турган охирги ҳалқа, янгигина гармоника йўқолиб қолди. Улар бошқа болалар билан қаердадир Францияда поездга чиқишиган чоғда, бир неча германиялик аскарлар улар билан сўзлашиб қолиб, ўйнашни таклиф қилиши. Курт уларга ўзининг гармоникасини кўрсатди, улар уни олиб, қайтариб беришмади ҳам. Эҳтимол, улар яхудийга бундай яхши нарсанинг ҳожати йўқ, деб ўйлагандирлар.

* * *

Европа узра қора булут қопланиб, гумбурлаб чакмок чакнади. Атлантика уммони ўртарогида “Сайбони” ундан қочиб, Американинг очиқ тонгги томон сузиб борарди.

Шезлонгларда ухлаб қолган Курт билан Карлни муздек сув томчилари уйғотиб юборди – бу денгиз кўпиклари эмас, палубани ишқаб юваётган матрос швабрасидан сачраган сув эди. Улар ўз адёлларини олиб, каюталарига тушиб кетишиди.

Ҳамшира Снебл уларнинг очиқ осмон тагида ётишганини қандайдир тарзда билиб қолибди. Ударни койиб, ўз каюталарида ухлашни буюришиди. Улар кун бўйи пароходда изғиб, ҳар бир бурчагига бош суқиб чиқар, ўйнашар, денгизчилар билан танишиб олишарди, шулар билан ортда қолдиргандари ва эртанги кунга ишончсизлик ҳақидаги фикрлардан бироз ҷалғишарди.

Бермудга етиб боргач. Кема тропикларнинг илик ҳудудидан чиқиб, шимоли-шарққа бурилди. Курт кемадаги вазият қандай ўзгараётганини ҳис қилди, одамлар ўз ҳаётида такдирда битилган энг муҳим воқеага тайёрланишарди. 1941 йил 27 марта пешинга яқин кемадаги барча йўловчилар – эркаклар, аёллар ва болалар – палубага чиқиб ёйилдилар. “Сайбони” Стейтен ва Лонг-Айленд орасидан ўтиб борарди.

Бошқа одамлар орасида қисилиб турган Курт кулранг тўлқинлар билан йирокларда чизилиб кўринган соҳилларга қаради. Дастлаб уфқда миттигина бўлиб туюлган портга кираверишдаги Озодлик хайкали энди кема узра оч яшил тусда улуғвор осилиб турарди. Улар Гудзон бўйлаб Манхэттоннинг осмонўпар бинолари ёнидан ўтишиди. Болалар билан катталар кўлларини силкиб, хурсанд бўлганча, ўзаро валаклашарди. Уларга кичкинагина америкача байроқчалар тарқатишиди – улар энди шамолда хилпиарди.

* * *

Нью-Йоркнинг улканлиги Куртни хайратга солди. Сапсарик рангдаги таксилар чорраҳаларда тизилганча, тутун бурситиб ва сигнал берган кўйи, машиналар оқими орасидан ўзига йўл топиб кетарди. Бродвей билан Таймс-Сквер унга тўлик айланганча ишлаётган баҳайбат моторнинг ички қисмлари бўлиб кўринди. Курт ёрдам қўмитасидаги аёлнинг кўлини, гўё куткарув хасига ёпишгандай, маҳкам сиқиб борарди.

Бу шаҳар Венага умуман ўхшамас эди. Нью-Йорк пойдеворларидан тортиб осмонга кадар бутунлай замонавий, автомобиллар, шиша ва бетондан, Европадан шу кадар узок, мазкур замонавий оламни ўзида мужассам этган одамлар, одамлар ва яна одамлардан иборат шаҳар эди. Курт дўстлари билан унда ўзларини бегонадек сезишарди.

“Сайбони” қирғокқа келиб тўхтаганидан кейин йўловчилар тиббий кўрикдан ўтишди, болаларни эса кемадан туширгач, Германиядаги яхудий болаларига ёрдам кўрсатиш қўмитаси билан ҳамкорлик қилувчи яхудий эмигрантларига кўмаклашиш жамиятидан келган аёлга топширишди. Улар учовидан факат Куртгина қаерга боришини биларди. Кафил билан Ирмгарднинг Америкада на қариндошлари, на дўстлари бор эди; хайрия ташкилоти Ирмгард учун Нью-Йоркда, Карл учун эса – узок Чикагода оила топди. Улар биринчи тунни меҳмонхонада ўтказишидди ва мана, айриладиган вакт ҳам етиб келди. Курт ўз дўстларини бошқа кўрмади.

* * *

Австриядан келган бола – Куртга нотаниш номлар дераза ортида ҳеч нарса демай, кўз ўнгидан лип-лип ўтарди.

Курт Им-Верддан бошлаб у билан бутун йўлни босиб ўтган жомадонини қўлида тутганча, вагондан тушганида, уни тахминан онаси тенги, факат анча тузукроқ кийинган аёл қутиб олди. У болани ҳайрон қолдириб, олмон тилида гапириб, онасининг эски дугонаси Маурер хоним дея ўзини таништириди. Платформада у билан бирга ўрта ёшлардаги эркак билан аёл туришганди; уларнинг хар иккаласи Куртга меҳрли нигоҳ билан карашарди. Маурер хоним хурмат билан унинг исмини айтди: судья Сэмюэль Барнет, Куртга васийлик қилувчи одам экан.

Судья Барнет элликка яқинлашган, ўрта бўйли, миқтидан келган, оқариб бораётган соchlари сийрак, катта сергўшт бурунли, бароқ қош ва кўринишидан қаттиқкўл бўлиб туюларди. Ёнидаги аёлнинг бўйи Куртдан баланд эмас, худди судья каби йўғонгина гавдали бўлиб, унинг синглиси Кейт экан. Маурер хоним Курт унинг уйида яшамаслигини тушунтириди; улар Курт судья Барнетнида яшашига келишиб олибдилар.

Улар Провиденсдан машинада Массачусетс орқали бир талай дарёлар, кўрфазлар ёнидан ўтиб бордилар. Бу штатнинг жануби-шарқий бурчагида Англиядан келган иммигрантлар зич жойлашганди, Бундан то Бостонга қадар атрофдаги кўп жойларга: Рочестер, Тонтон, Норфолк ва Брейнтри деб номланган йўл кўрсатгичлари далолат берарди. Куртнинг тушунишича, бу Нью-Бедфорд ҳам Венага сира ўхшамас экан – шаҳарда дарё паромлари ва унча катта бўлмаган жамоат бинолари, коғоз фабрикалари ва кулранг черепициали томлар остидаги тахтадан қурилган оқ уйлардан иборат узун кўчалари, унда ғувиллаб бораётган автомобиллар, ўйнаб юрган болалар ва серташвиш шаҳарликлар ўз юмушлари билан банд юришарди.

Бутун шаҳарнинг таянчи – айникса, унинг яхудий жамиятининг энг баобрў кишиси – Сэмюэль Барнет, Куртнинг фикрига кўра, шаҳар ташқарисидаги ҳашаматли иморатда яшashi керак эди; бунинг ўрнига автомобиль ўртаҳол синфга мансуб,

бошқа худди шундай бир-бирига зич жойлашган оддийгина уй йўлаги томон бурилди.

Куртни илиқ қабул қилишди. Маурер хоним кетганидан кейин мулокотнинг сира иложи бўлмай қолди. Унинг баҳтига, судья ёлғиз яшамас экан. Сэмюэль Барнет йигирма йил илгари хотинидан айрилиб, у билан уч нафар кари қиз сингиллари яшар экан. Кейт, Эстер ва Сара ўзларини Куртнинг холалари деб, уялиб турган боланинг атрофини қуршаб, унинг хонасини кўрсатишга етаклашди. Авваллари унинг шахсий хонаси сира бўлмаганди.

Эртасига эрталаб у каравоти ёнида кимдир турганидан уйғониб кетди. Бу эгнига тужунили пальто кийган уч яшар болакай бўлиб, унга мафтункор караб турарди. Кейин у бижирлаб инглизчада нимадир деди. Афтидан, болакай ундан ниманидир хохлар, аммо Курт айнан нималигини тушунмасди. Бола аламидан йиғлаб юборди. Кейин орқасида пайдо бўлиб қолган кишига ўгирилиб: “Курт мен билан гаплашгиси келмаяпти!” дея шикоят қилди.

Кичкинтой Дэвид экан, Курт кейинчалик билишича, у судья Барнетнинг укаси Филиппнинг ўғли бўлиб, улар кўшни уйда яшарканлар. Улар ҳаммаси биргаликда битта катта оиласи ташкил қиласарди. Курт кейинги бир неча ҳафтада унга тез ва осон киришиб олди. Сэм амаки – Курт судья Барнетни шундай деб атай бошлади – ташки кўринишдан сохта хўмрайишини сидириб, ниҳоятда меҳрибон ва меҳмондўст одам эканлигини намоён этди. Унинг уйида Курт ўзини сира бегонадек сезмади. Бир неча йиллардан кейин, унинг нечоғли омади келганини англаб етди; қочоқ болалардан жуда камчилиги шунга ўхшаган шароитга тушгандилар. Кўплар душманона муҳитга тушиб, антисемитликдан ёки ховли ёки мактабда шунчаки душманларча хужумлардан азият тортишарди. Курт Нью-Бредфордни

яхшироқ билиб олганидан кейин Барнетлар уни кучоқ очиб қабул килган шаҳар яхудийлар жамияти етакчилари эканини англади.

Барнет оиласи консерватив яхудийларга мансуб эди. Бу вактгача Курт ўз оиласида ҳеч кимгә малоллик келтирмайдиган диний анъаналар билан таниш эди, улар учун Синагога билан Тора Леопольдштадт ахолиси орасида учраб турадиган ашаддий ортодокслар ўзгача аҳамиятга эга эмас эди. Консерваторлар – сиёсатда хар доим ҳам консерватив бўлишмаган – қандайdir ўртада эдилар; улар қадимги яхудийларнинг урф-одатлари, анъаналари ва қонунларига риоя этиш зарур деб ҳисоблар, бирок ортодокслардан фаркли тарзда: Тора инсон қўли билан яратилганини, диний қонунлар эса, одамларнинг эҳтиёжларига мувофиқ эволюция килинганини тан олишарди.

Нью-Бредфордга баҳор келди ва кўчаларни тўлдирган дараҳтлар кўкарди. Агар юқорига каралса, Пратерда Хауптталлея бўйлаб кетаётганингни ва ҳеч нима рўй бермаганини – на нацистларнинг келиши, на оила пароканда бўлганини – тасаввур қиласа бўларди. Курт агар отаси билан онаси, Фриц, Герта ва Эдитни соғинмаганида ҳамда уларни шундай катта масафа ажратмаганида, ўзи учун янги уйни деярли топганини сезарди.

ЯШАШГА НОЛОЙИК

Филипп Гамберг нима сабабдан ўлдирилганини ҳеч ким билмасди, лекин унинг қай шароитда ўлганини ҳамма эшиганди. Эсэсчилар қилғиликларини оқлаш талаб этилмасди: кайфиятнинг ёмонлиги, ичкиликдан кейинги бош оғриғи, маҳбуснинг қўрикчига хўмрайиб қараган нигоҳи ва шунчаки бирорвга азоб беришдан хузурланиш хиссиёти сабаб бўларди. Сержант Абрахам Филипп Гамберни ерга итариб юбориб, ўлдирганидан кейин, буни қўриб турганлар учун унинг шафқатсизлиги ва бу уларнинг ўзларига қандай даҳшатли окибатларни келтириши билан хотираларида қолди.

“Лагерда яна нотинчлик бошланди”, – деб ёзарди Густав. Ўша кунларда у ўз кундалигини яширган жойидан кам чикарарди. Сўнгги ёзув 1941 йилнинг январида, улар қор кураганларидан кейин ёзилганди. Ўшандан буён баҳор келди. Ўтган ойларда маҳбусларнинг кайфияти анча ўзгарганди.

Февралнинг охирида лагерга бир неча юз голланд яхудийларидан иборат гурух етиб келди. Нидерландларда маҳаллий нацистлар билан яхудий аҳоли орасида қақшатқич тўқнашувлар содир бўлди ва Амстердамда катта тўс-тўполонда нацистлар ёш яхудийлардан азият кўрдилар. Эсэсчилар улардан тўрт юз нафарини гаровга олиб, иш ташлаш тўлқинини вужудга келтирдилар, натижада доклар ишламай қолиб, иш ташлаганлар билан СС орасида очик келишмовчиликлар рўй берди. Ойнинг охирида 389 гаровга олинган яхудийни Бухенвальдга ўтказишиди. Айримларни 17-блокка жойлаштириши ва Фриц анча вактни улар билан бирга ўтказди. Улар дўстлари билан биргаликда голландларни соқчилар билан ўзни қандай тўғри тутишга ўргатмоқчи бўлишди, аммо улар мослашишни хоҳлашмасди. Улар кучли, бўйсунмас эркаклар бўлиб, уларни синдириш унчалик осон эмас экан ва эсэсчилар улар безбетларча

шафкатсиз муносабатда бўлишарди. Уларнинг ҳаммасини тош конига, тош ташишга қўйиб, дастлабки икки ой ичидаги элликка яқин кишини ўлдиришиди. Голландларни бу тариқа эплаб бўлмайди, деган карорга келиб, эсесчилар тирик қолганларни маҳбусларга ноинсоний муносабати билан шуҳрат қозонган Маутхаузенга юборишиди. Улардан ҳеч бири қайтмади.

Голландлар қаршилиги норозилик руҳини уйғотди ва унинг даражаси улар кетишганидан кейин ҳам ўсишда давом этди. Филипп Гамбер ўлдирилганида, маҳбуслар орасида ғала-ғовур бошланди.

Филипп ҳам Густав сингари веналик эди ва транспорт колоннасида, лекин Шварц фамилияли нағоратчи бошчилик қилган бошқа грухда ишларди. Ўша ерда унинг укаси Эдуард ҳам бор эди. Филипп билан Эдуард Аншлиосгача продюсер бўлиб ишлардилар. Улар жисмоний меҳнатга одатланмаган бўлсалар ҳам, Бухенвальдда уч йил бир амаллаб чидадилар. Баҳорнинг ўша машъум куни уларнинг грухи бир қурилишга материал етказаётган эди. Бухенвальддаги энг ашаддий ва бераҳм, машҳур блокфюрерлардан бири сержант Абрахам ҳам ўша ерда экан. Филиппнинг эҳтиёtsиз нигоҳими, қандайдир ношуд ҳаракатими, эҳтимол, цементли қопни тушириб юборгандир ёки унинг кўриниши ва ҳаракатларида эсесчининг дикқатини нимадир жалб этди.

Жаҳли чикиб кетган сержант Абрахам Филиппни ерга итариб юбориб, ура бошлади. Кейин унинг ёқасидан маҳкам чангллаганча дарвозадан ташқарига, пойдевор учун қазилиб, четигача сув билан тўлган чукурга қалин лой устидан судраб борди ва унинг бошини сувга тиқди. Филипп то типирчилаб оғзি-бурни сувга тўлиб, нафаси тўхтагунга қадар Абрахам сувдан юзага чиқолмаслиги учун унинг бошини ботинкасида босиб турди. Эдуард бошқа маҳбуслар билан биргэ даҳшат билан чурк этмай, акасининг қандай жон берадётганини кўриб турарди. У

секин-аста қаршилик кўрсатмай қўйди ва танаси шалвираб колди.

Бухенвальдда яшаётганлар уларнинг кундалик ҳаётининг бир қисми бўлиб қолган қотилликларга одатланиб қолишган ва ўзлари учун шундай ажалдан имкон борича нари юришга ўрганишарди. Бироқ энди улар дарғазаб эдилар. Филиппнинг ўлдирилиши ҳакидаги хабар гўё ёнғиндан лагер бўйлаб тез тарқалди.

Густав ташлаб кўйган кундалигини махфий жойдан олиб, унда Филиппни “гўё мушук боласидай чўқтиришди” ва маҳбуслар буни шундай қолдирмайдилар. Эдуард акаси учун қасос олишга интилиб, уларнинг норозиликларини янада кучайтиради, деб ёзиб қўйди.

Курилиш майдонида рўй берган қотилликка лагерга келиб қолган фуқаро тасодифан гувоҳ бўлиб қолгани боис, комендант Кох лагер журналида ўлим ҳолатини қайд этиш ва текширув ўтказишига тўғри келди. Шу билан бир вактда, Эдуард расман шикоят топширди. У қандай хавфга дучор бўлаётганини тушунарди. “Ўз кўрсатмаларим учун, – деганди у бошқа маҳбусга, – ҳаётимдан айрилишимни биламан, лекин бу қотиллар балки жиноятларидан кўркиб, келгусида ўзларини бироз тийиб юришар. Шунда бекорга ўлмаган бўларман”.

Лекин у СС ни тўғри баҳолай олмади. Эртаси кунги йўқламада Шварцнинг гурухидаги Филиппнинг ҳамма дўстларини, шу жумладан, Эдуардни бош бинога чақиртирдилар. Уларнинг исмини ёзиб, ҳаммасидан бирма-бир нимани кўрганликларини суриштирдилар. Улар кўркиб, ҳеч нима кўрмадик, деб жавоб беришди. Фақат Эдуардгина ўз айловида қатъий турди. Қолганларни баракка қайтариб юбориб, Эдуардни комендант Кох билан лагер доктори хузурига терговга олиб боришиди. Кох унга: “Биз барча ҳақиқатни билмоқчимиз. Сиз билан ҳеч нима содир бўлмайди, сўз бераман”, – дея ишонтиради.

Эдуард ўз хикоясини такрорлаб, Абрахам акасига қандай ташлангани ва атайнин шафқатсиз тарзда уни чўқтирганини сўзлаб берди.

Унга ўз блокига қайтиб кетишига рухсат беришди, бироқ ўша куни кечкурун чақириб, Бункерга қамаб қўйиши. Бункер – бош бинода яхлит қанотни эгаллаган қамоқхона бўлими. У ерда кийноклар ва қотилликлар содир бўларди, ҳеч бир яхудий у ердан тирик чикмаганди. У ернинг бошлиги ва қийноклар устаси СС сержантини Мартин Соммер бўлиб, унинг ёш боланики каби ташки кўриниши остида концлагерларда хизмат қилган йилларда эгаллаган дўзахий тажрибаси яширганди. Қурбонни кийноқ курсисига боғлаб, ўз кўллари билан доимий тарзда калтаклашларига кўра, Соммерни ҳамма яхши биларди.

Тўрт кундан кейин Бункердан Эдуард Гамбернинг мурдасини олиб чиқиши.

Расман у ўз жонига қасд қилди, дея хисобланганди, бироқ Соммер уни ўлгунича қийноққа согганини ҳамма жуда яхши тушунганди.

Лекин СС учун бу ҳам камлик қилди. Кейинги бир неча ҳафтада Шварц гуруҳидаги уч ёки тўрт гувоҳни йўқламада чақириб, Бункерга жўнатиши. У ерда уларни комендант ўринбосари Рёдль (мусиқа шайдоси) билан лагернинг янги шифокори доктор Ганс Эйзеле сўрок қилиши. Маҳбусларга ҳеч нимадан кўрмай, тўғрисини айтишларини талаб қилдилар. Бунинг ёлғонлигини жуда яхши билиб, улар ҳаммасини рад қилишда давом этишарди. Бироқ гапирмаслик уларни кутқармади: ҳаммасини битта қўймай турмада қийнаб ўлдириши.

Густав ўз кундалигига уларнинг бирин-кетин ғойиб бўлишларини тасвирлаб ёзганди; одамларни Бункерга олиб кетишарди “ва у ерда сержант Соммер улар билан шуғулланар: ҳатто Берлиндан келган бригадир Лулу билан (Шварц шундай

деб хисоблайди) Клюгер ҳамда веналик Гротемельшлягер курбонлар орасида эдилар. Шу тариқа исёнимиз чўкиб битди”.

Эдуард Гамбер, СС ўз жиноятлари учун жавобгарликка тортилиши ёки ҳеч бўлмагандан, шундай имкониятдан кўрка бошлиши умидида ўзини қаҳрамонларча курбон килди. Бирок нацистларнинг жазоланмасликлари ва улар чексиз ва мутлак ҳокимликка эгалигини исботлади, холос.

* * *

Тини бир замонлар унинг бутун оиласи тўпланадиган стол ёнида ўтиради. “Болажоним Курт, – деб ёзарди у, – ахволинг яхши эканлигидан жуда баҳтиёрман. Сенинг мактаб таътилига оид ҳамма гаплар мени жуда қизиктиради. Тасаввур киласанми, сенга бироз ҳавасим келяпти; бу ерда биз ҳеч қаерга чиқолмаймиз... Ҳозир сен билан бирга бўлишни қандай хоҳлаётганимни билсанг эди! Бизга ҳеч қандай кўнгилхушликлар қолдирмадилар...”

Май ойида аввалги қонунларни янада кенгайтирган декларация чиққанида, яхудийларга оид чекловлар бундан-да каттиклашди: яхудийларнинг театр, концертлар, музей, кутубхоналар, спорт муассасалари ва ресторанларга боришлари тақиқланарди; дўйонларга ва умуман ниманидир сотиб олиш учун факат қатъий белгиланган вақтда боришлари керак эди, энди эса, у ерга кириш учун ҳам умуман рухсат берилмайдиган бўлди. Декларация янги қоидаларни киритарди: яхудийлар Венадан маҳсус рухсатномасиз жўнаб кетишлари, шунингдек, ҳар қандай усуlda ҳукуматга мурожаат этишлари ман қилинганди. Кўчиб кетиш ва эмиграция ҳақида миш-мишлар тарқатиш шафқатсиз тарзда жазоланаарди.

Тини шу пайтгача Герта билан Фрицни Америкага жүннатиш учун уринишларини тұхтатмаганды. Бирок энди бу аввалгидан хам янада мұраккаброк әди. Курт жүнаб кетганидан кейин күп үтмай, Португалия Лиссабонда катта міндердә зәміннелердің тұлаларының қолдарынан сабабли мамлакат худуди бүйлаб үтишни ёпіб күйди, июнь ойда эса, президент Рузвельт АҚШ да Европа мамлакаттарынан маблағ үтказишни тұхтатди, буннинг оқибатида кочоқлар ишләре бүйінча агентликтерні молиялаштириш кескин кіскеарды. 1942 йылнинг биринчи ярмида веналик яхудийлардан атиги 429 киши Күшма штаттарға жүнаб кета олди, бу вактда 44 000 одам виза кутарды. Кейинпрок июль ойда американец иммиграция ҳокимияти құллаб-куватлаш ҳақидаги барча хаттар амал қылмаслигини әзілден қилишди.

Тинанинг режалари барбод бўлди. Лекин у уринишларини ташлаб кўймади. Бу унинг тамомила тинкасини куритди; баъзан ғам-алам шундай куч билан хикилдоғига келардик, у каравотидан туролмай қоларди. Охиригина вактда күп күшни оиласлар Бухенвальддаги ўз эркаклари халок бўлишгани ҳақида хабарлар олишди ва уларнинг ҳаммаси ўзини сокчилар чизигига ташлашга мажбурланиб, жонларига қасд килишганди. Густав билан Фрицдан худди шундай хабар келишини Тини ҳар куни кутарды. У эри бажаришига тўғри келаётган оғир ишни кандай эплайяпти экан, десе хавотирланарди. “Ахир у энди ёш эмас-ку, – ёзарди у. – Буни кандай уddaляяпти?” Ҳар сафар лагердан хат кечикканида, у ваҳимага тушарди. У жилла курса, Гертани хавфсиз ерга жүннатиш умидидан воз кечишни хоҳламай, шу тарика яшар ва курашарди. Улар кизи билан бирга ишлаб топаётган арзимас пул керакли солиқлар, тўловлар ва пораларга баривар етмасди. У бироз муддатта озик-овқатлар сотадиган растага ишга жойлашди, аммо уни тезда ишдан бўшатиб юборишли, чунки у яхудий сифатида ортиқ мамлакатнинг фуқароси эмас әди.

“Ҳаёт қун сайин янада ғамга тўлиб боряпти, – деб ёзарди у Куртга. – Лекин сен бизнинг баҳтиёр жону жаҳонимизсан, шу боис бизга тез-тез ва барча тафсилотлар билан муфассал хат ёзиб тур... Опанг Герта сени доимо эслайди ва миллион ўпичлар юбораяпти”.

* * *

Гарчи ҳозирча Курт инглизча гапирмаса ҳам, судья Барнет уни дархол мактабга берди. Барнетларнинг жияни Руфи ёзга уларникига келган бўлиб, унинг кўмагида Курт тилини тез ўрганарди.

Руфи эндини коллежни тугаллаб, дельтанинг бошқа томонидаги Фейрхейвента ўқитувчилик ишини топганди. Курт ҳар куни мактабдан қайтгач, Руфи у билан инглиз тили бўйича шугулланарди. У жуда яхши ўқитувчи эди, мулойим ва меҳрибонлиги учун Курт уни жуда яхши кўриб қолди; кейинчалик у Куртга Эдит ва Гертанинг ўрнига опаси бўлиб қолди. Кўшни уйдаги амакивачаси Дэвид унга укасидай бўлиб қолди, қачонлардир Фриц ўзига қандай муносабатда бўлган бўлса, унга ҳам худди шундай муомалада бўларди.

Ўша дастлабки ойларда Куртни маҳаллий газеталар учун сувратга туширишар, радиога таклиф қилишарди, июнь ойида тўртинчи синфни тугатганида эса, ўқитувчиси уни умумий синф сувратида биринчи каторнинг энг марказига кўйди. У Америкадаги хаётга энди кўнигаётган биринчи ёзда Сэм билан Фил Барнетлар асос солган ёзги лагерь Камп-Аводага жўнатишиди, у ерга бадавлат бўлмаган шаҳар мавзеларидағи яхудий ўғил болалар қабул қилиниб, уларга анъанавий яхудий диний қадриятларни ўргатишарди.

Лагерь Нью-Бедфорд билан Бостон оралиғида, Тиспаквин күли соҳилидаги дараҳтлар орасида жойлашган бўлиб, бейсбол учун майдон атрофида қулай ёғоч уйчалардан иборат эди. Курт спорт билан шуғулланиб ва саёз кўлчада сузаб, вақтини марокли ўтказарди; улар Венада белига аркон боғлаб, Дунай каналига сакрашар, арконнинг нариги учини кимдир албатта ушлаб турарди, бу срда эса ниҳоят росмана сузишни ўрганиб олди. Агар Фрицга Камп-Аводани кўриш имкони насиб этганида эди, у хойнахой, Макаренко “Педагогик поэма”сида тасвирлаган ер устидаги жанинатни унга эслатган бўларди.

Илгарилари Курт хат ёзишни ёқтирмасди, лекин энди у онасига тез-тез хат ёзиб, ўзининг ёнги олами ҳакида ҳамма-ҳаммасини ҳикоя қилиб берарди.

Тини унинг янгиликларини хурсанд бўлиб ўқирди, унинг икки боласи бехатарлигидан баҳтиёр эди. (Гарчи Эдит билан икки йилдан бери алоқаси бўлмаса-да, у кизининг ахволи яхши деб ўйларди). Бироқ унга доимо нимадир рўй бериши мумкиндек ва Курт яшаб турган роҳат-фароғатли ҳаёт барбод бўладигандек туюлаверарди. “Илтимос, гапга кўнадиган, яхши бола бўлгин, – илтижо қилиб сўрарди у ўғлидан, – амакингни шундай хурсанд қилгинки, сен ҳакингда факат яхши гапларни гапирсинлар... Жон болам, ўзингни яхши тут”. Ўғли унга Барнетлар оиласининг бошқа болалари билан тушган сувратни юборди ва у онасига ёқди. “Сен шундай ажойиб кўринишдасан... чиройли ва хурсандсан. Сени зўрга танидим”.

Шу тарика Курт ўзининг эски ҳаётидан узилиб, янги, порлок келажакка қизиқиб борарди.

* * *

Лагерга яна ёз қайтди. “Энди биз Фрицль билан уйдан мунтазам тарзда пул олиб турибмиз”, – деб ёзарди Густав ўз кундалигига. Пул унчалик кўп эмасди, аммо ҳаётни баҳарнав этса бўларди. Тини уларга кийим ҳам жўнатарди – кўйлаклар, ички кийим, свитерлар, – лагер шароитида булар бебаҳо эди. Уйдан жўнатма келганида, Густав ёки Фрицни маҳсус хонага уни қабул қилиб олиш ва имзо чектириш учун чақиришарди, уларга жўнатилган барча нарсалар ҳисоб олиш карточкаларида қайд этиларди.

Густавнинг ўғлига нисбатан меҳри, улар Бухенвальдда бўлган вакт ичида шу қадар ошиб кетдики, унинг қалбини тўлдириб ташлади. У июнда ўн саккизга тўладиган боласи қандай йигит бўлиб қолганидан фурурланарди. “Бу бола – менинг энг зўр кувончим, – деб ёзарди Густав. – Биз бир биримизга далда берамиз. Биз айрилмас, яхлит бир бутумиз”.

22 июнь, якшанба куни лагердаги овозқучайтиргичлардан сўнгти янгиликларни эълон қилишди. Фюрер Совет Иттифокига ҳужум бошлабди. Бу тарихда энг буюк акция эди: уч миллион немис аскари энг қисқа муддатда бутун Россияни босиб олиш учун кенг фронт бўйлаб ҳужумга киришганди.

“Радио уззукун гумбирлайди, – деб ёзарди Густав. – Лагерь овозқучайтиргичи шундок ҳам маҳбусларни хурсанд қилмайдиган – уларда доимо гоҳ нацистлар ташвиқоти эшиттирилар, гоҳ олмонлар марши, гоҳ кишиларни даҳшатга соловчи буйруқлар ва разил эълонлар янгарди, – энди тинимсиз тарзда Шаркий фронтдан зафарли янгиликларни хабар қилувчи Берлин радиосини эшиттиради. Германия қуролининг ғолиб ҳужуми қархисида большевикларнинг ҳимоя бастионлари кулаётгани, руслар дивизиялари курсаб олингани, бир шахар

кейингиси ортидан босиб олингани, дарё орқали ўтиш, Ваффен ёки генерал Вермахтнинг у ёки бу корпуси ғалабалари, юз мингларча совет аскарлари асирга тушгани ҳақидаги хабарлар тинимсиз янгарди. Германия уйкуда ётган рус айигини гүё кўйни бўғизлаган бўридай еб борарди.

Нацистлар бошқарувидаги яхудийлар учун – айниқса, польшалик геттоларда – Совет Иттифоқига босқинчиллик йилт этган умид уйғотди. Россия охир-оқибатда уларни зулмдан ҳалос қилиб, ғолиб чиқиши ҳам мумкин эди. Бироқ концентрацион лагерлардаги кўпчилиги коммунист бўлган сиёсий маҳбусларнинг Советлар енгилаётгани ҳақидаги янгиликлар руҳини тушириб юборди. Густав ёзганидек: “Сиёсий маҳбуслар бошларини умуман эгиб қолди”.

Маҳбуслар орасида яна ғала-ғовур бошланди. Ишчи командалари орасида келишмовчиликлар, бўйсунмаслик, ҳатто қаршилик кўрсатиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб турарди. СС уларни одатий йўл билан бостиради. “Ҳар куни лагерга отилган ва уриб ўлдирилган маҳбусларни келтиришади”, – деб ёзарди Густав. Ҳар куни крематорийга янги иш ва яна кувурдан тутун ўрлайди.

Июль ойида Бухенвальд янги даҳшатнинг гувоҳи бўлди. Операция маҳфий шароитларда олиб борилганди, лекин унинг қопламаси юпқа чиқиб қолди.

Аввалги йилнинг сентябрь ойида Германиядаги Америка мухбири аноним манбадан билиб қолган “галати воқеа”ни сўзлаб берганди. “Гестапо Рейхдаги барча ақли заиф кишиларни доимий тарзда йўқ қиласди. Нацистлар буни “мехр-шафқатли ўлим” деб аташади”.

Т 4 коди остидаги дастур, шунингдек, газ камералари ва госпиталлар орасида ҳаракатланувчи ва режим “яшашга

номуносиб” деб хисоблаган кишиларни тўплаб юрадиган газли мобил фургонлар билан жиҳозланган маҳсус пунктлар яратишни ҳам ўз ичига олганди.

Жамиятнинг, айниқса, черковнинг негатив реакцияси Т 4 дастурининг тўхтатилишига олиб келганди. Бироқ энди нацистлар концлагерлар маҳбусларини қира бошладилар. Улар учун – Акция 14f13 коди остида янги дастурни ўйлаб топишиди. У биринчи навбатда меҳнатга лаёқатсиз яхудий маҳбусларга қарши йўналтирилганди. Бухенвальдда комендант Коҳ Гиммлердан маҳфий буйруқ олганди: барча “имбецил ва мајрухлар”, айниқса, яхудийлар йўқ қилиниши керак.

Бухенвальд асиirlари, лагерга шифокорлар гурухи маҳбусларни текшириш учун келганида, Акция 14f13 билан биринчи марта тўқнашдилар. “Бизга тиббий бўлимга боришини буюрдилар, – деб ёзарди Густав. – Менга-ю ҳеч нарса бўлмайди, меҳнатга лаёқатлиман”.

Шифокорлар 167 нафар ақли заиф, кўр, кар, соқов ёки мајрух, шу жумладан, баҳтсиз ҳодиса ёки қийноқлар туфайли майиб бўлган мабусларни танлаб олишди. Уларни маҳсус тикланиш лагерига ўтказишлари ва зарурий парвариш билан таъминланишлари, текстил фабрикаларида осонроқ иш беришларини айтдилар. Улар бундан хавотирландилар, албатта, лекин кўплар, айниқса, тиббий ёрдамга ҳаммадан кўра кўпроқ мухтож кишилар бу ёлғон ваъдаларга ишондилар. Транспорт келиб, 187 кишини олиб кетди. “Кунлардан бир куни уларнинг буюмларини қайтариб олиб келишди”, – деб ёзарди Густав. Бошқа нарсалар орасида кийим-кечаклар, протезлар, кўзойнаклар бор экан. “Гап нима ҳақда борганини энди билдик: уларнинг ҳаммасини газ камераларига жўнатишганди”.

Бу Акция 14fl3 доирасида ўлдирилган олтита маҳбуслар партиясидан биринчиси эди.

Бир вактнинг ўзида комендант Кох шахсий дастурини: сил билан заарланган ҳаммани йўқота бошлади. Бунинг учун доктор Ганс Эйзеле масъул эди. Ашаддий антисемит Эйзелени бемор ёки бўйсунмайдиган яхудийларга ўйлаб ҳам ўтирумай, ўлдирадиган инъекциялар қилиши туфайли лагерда “шприцли доктор” деб атардилар. Шунингдек, Эйзеле ўз шахсий илмий тадқиқотларини маҳбусларда синааб кўрар, улар томирига экспериментал воситалар киритиб, ҳеч қандай тиббий заруратсиз операциялар, ҳатто ампутациялар қилиб, кейин ўз қурбонларини ўлдиргани учун уни “Оқ Ажал” дейишарди ҳам. У Бухенвальдда ишлаганлар орасида энг бераҳм шифокор сифатида тарихга кирди.

Лагерга Даҳаудан маҳбусларнинг иккита катта гуруҳи етиб келганида, механизм тўла қувват билан ишлаб кетди. Ҳеч қандай тиббий текширувларсиз, фақат ташки кўринишига қараб 500 маҳбус сил касал деб топилди ва уларни изоляторга жўнатиши. У ерда доктор Эйзел жуда кучли седатив восита гексобарбитал ёрдамида уларни тинчтиб қўя колди.

Икки ой ичида Бухенвальдда ҳаёт анча ўзгариб кетди. Энди инсонни нимжонроқ қилувчи ҳар қандай шикастланиш, касаллик ёки майиблик – ўлим ҳукми бўларди. Бунга ўхшаш хавф аввал ҳам мавжуд эди, бироқ энди, агар маҳбусни ишга яроқсиз ёки “Яшашга нолойик” деб тан олсалар, у автоматик равиша йўқ қилинадиганлар рўйхатига киртиларди.

Кейин эса совет ҳарбий асиirlари кела бошлади ва лагерда дўзахнинг кейинги зинапоясига дарвозалар очилди.

Нацистларнинг фикрича, яхудийлар билан большевиклар орасида ўзгача фарқ йўқ эди: яхудийлар, дея таъкидлашарди

улар, коммунизмни ўйлаб топиши ва кенг ёйишиди, энди эса, гарчи бири бошқасига қарши фикр билдиргандек туюлса ҳам, яна бутун дунё капиталистик фитнасини ҳам уюштиришиди. СССР га босқинчилик ва оммавий қотилликлар кампаниялари харакатларига айнан мана шу сабаб этиб кўрсатиларди. Қизил Армиянинг асирга олинган аскарлари билан, гарчи улар яхудий миллатига мансуб бўлмасалар ҳам, ноинсоний тарзда муомала қилишарди. Сиёсий комиссарлар, чин коммунистлар, интеллектуаллар ва яхудийлар биринчи навбатда йўқотиларди. Махбусларнинг катта оммаси орасида ваҳима хавфи кўтарилиши мумкинлиги туфайли, улардан ҳарбий асиrlар лагерида кутилишнинг иложи йўқ эди, шу боис эсэсчилар ўз мақсадлари йўлида концентрацион лагерлардан фойдаланишга қарор қилишди. Бу дастур Акция 14fl4 коди остида ўтарди.

* * *

Сентябрнинг кунларидан бирида Фриц 17-блокдаги бошқа маҳбуслар билан бирга йўкламада турарди. Унинг отаси майдоннинг нарига тарафида ўз баракидаги кишилар қаторида эди. Йўклама шу пайтгача улар юз ва юзларча марта турган бошқалари каби, одатдаги тартибда ўтарди. Ҳар бир тартиб раками қийноқли тарзда жуда секин чакирилар ва маҳбуслар жавоблари эшитиларди; эълонлар, кейин одат тусига кирган жазолашлар... шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди.

Ўша куни Бухенвальдга совет ҳарбий асиrlарининг биринчи гуруҳи келганди. Улар анча кам эдилар: атиги ўн беш нафар Қизил Армиянинг тўзиган либосидаги паришон, кўркиб кетган эркаклар. Фриц қизиқиш билан сержант Абрахам (Филипп Гамбернинг қотили) ва яна тўрт нафар соқчи русларни куршаб олишгани ва уларни майдондан қайгадир олиб

кетишаётганини кўриб турарди. Уларни бир неча минг нигоҳ кузатарди. Тўсатдан майдонга лагернинг оркестри чиқиб келди. Эстрадага жойлашиб олгач, мусиқачилар “Бухенвальд кўшиғи”ни чала бошлишди.

Тинимсиз равишда никталаётганини мусиқа чалинган заҳоти қўшиқ айтишга ўрганган Фриц билан унинг дўстлари ўйлаб ҳам ўтирумай, қўшиқни куйлай бошладилар:

Мана кун келди ва қуёш чиқмоқда,

Уларнинг ҳар бири жасам бўлиб, ишига кетмоқда...

“

Фриц узокка зўр бериб тикилиб, русларни крематорий ёнидан лагернинг чоғроққина фабрикаси жойлашган қисмига олиб кетишаётганини кузатарди; у ерда маҳбуслар кучи билан олмон армияси учун ўқ-аслаҳалар ишлаб чиқариларди. Нарироқда эса, отиш девори қад ростлаганди. Ҳарбий асиirlар билан уларнинг соқчилари кўздан ғойиб бўлишди.

Атроф қоронги ўрмон, қизғишидир осмон,

Киссамиизда бир бурда нонимиз ҳам бор,

Ва юракларда гам-алам бисёр...

Лагерь узра мингларча овоз тараплар, аммо улар ҳам фабрика ортида гумбурлаб отилган ўқ садоларини пасайтира олмади.

Улар рус аскарларини қайтиб кўрмадилар. Икки кундан кейин лагерга яна 36 нафар совет ҳарбий асиirlарини ҳайдаб келтиришиди ва отишма овозини ўчириш учун яна маҳбуслар кўшиқ куйлашларига тўғри келди.

“Бизга уларнинг комиссар эканликларини айтишди, – деб ёзарди Густав. – Лекин биз ҳаммасини биламиз... Бир даҳшат бошқаси билан алмашаётганида, биз нималарни ҳис этишимизни тасвирлаб бўлмайди”.

Эсэсчилар халос бўлишига тўғри келган катта миқдордаги русларни бу тарзда ўлдириш самарали эмас экан. Шу боис то кам сонли гурухларни девор тагида отишгунларича, янги жой тайёрлаш ишлари борарди, у ерда энди курилиш бўлинмасидаги дурадгор усталар тезкор ишлардилар. Ушбу қурилмага Коммандо-99 коди остида ном берилди. Ва гарчи унинг нимага мўлжаллангани маҳфий тутилаётган бўлса-да, тез орада аён бўлди. Асосий лагерь бурчагидаги учта барак қўшимча девор билан тўсилиб, Бухенвальдга минглаб келтирилаётган совет ҳарбий асиirlари учун маҳсус бўлим ташкил этилди.

Ҳар куни йўқ қилиниши зарур бўлган русларни гурух-гурух бўлиб Коммандо-99 га олиб киришар, уларга ҳозир тиббий кўрикдан ўтказилишлари айтиларди. Маҳбуслар тиббий асблолар билан жиҳозланган, оқ ҳалатли одамлар ўтирган хоналарга бирма-бир киришарди. Уларнинг тишлилари текширилар, юрак ва ўпкалари эшишиб кўрилар, кўриш қобилияти тадқик этиларди. Ниҳоят, уларни деворда бўй ўлчаш учун мўлжалланган шкаласи бор хонага киритишарди. Шкала орқасида бош баландлигига сезилмас ўқ отар тешик бўлиб, у тўппонча тутган эсэсчи яширинган маҳфий хонага чиқарди. Маҳбус шкалага суюнган чоғда, ўлчашни ўтказаётган одам ўртадаги тўсикни тақирлатар ва қўшни кабинетдаги аскар асиirlинг бошига ўқ узарди. Бино ичida отишмани

эшилтирмайдиган баланд мусика янграб турар ва то кейинги курбонни олиб киргунларига қадар, аввалги қонни шлангдаги сув билан ювиб ташлардилар. Бинони қайта қурган дурадгорлар Фрицнинг оғайнилари эди. Русларни бутун юк машиналарида лагерга олиб келишар, бирок улар ўша заҳотиёқ ғойиб бўлар эдилар. Ҳамма Командо-99 дан крематорийга тоғ қиялиги бўйлаб бораётган ва ўзидан қонли из қолдираётган ёпик фургонни кўрарди. Маълум вактдан сўнг, қон оқмаслиги учун фургон ичи металл листлар билан қопланиб, атрофи ўралган контейнер кўйишиди. Крематорий юкламани эплолмай қолганлиги боис, Веймардан мобил печлари бор юк машиналарини келтиришиди; улар майдон четларида турар ва қолган маҳбусларнинг кўз ўнгига мурдаларни ёқишарди.

“Бу пайтда отиб ўлдиришлар давом этарди”, – деб ёзарди
Густав. “

* * *

Инсон даҳшатни қайси чегарагача синашга қодир? Вақт ўтган сари кишининг дийдаси котиб, узоқ муддат тутилган асбоб сингари ўтмаслашиб қолиши керакдек туюлади. Кўп чандикларнинг ўрни битганда, оддий терига нисбатан дағаллашиб қолади.

Эҳтимол, айримлар билан ҳам шундай ҳол рўй бергандир, бироқ қолганларда бошқачароқ бўлган. Ҳатто эсэсчилар ҳам бу даҳшатларга бардош беролмасдилар. Коммандо-99 да ҳарбий асиirlарни навбатма-навбат отишлари зарур бўлган лагерь сокчилари мазкур бетиним режали кирғин улар одатланишга улгурган ҳар замондаги қотилликнинг асло айнан ўзи эмаслигини билиб қолишиди. Кўплар ундан хузурланишарди: улар ўзларини аскарлар деб ҳисоблаб, ҳарбий асиirlарни ўлдиришни эса – яхудий большевизми билан курашишга ўз

хиссасини қўшиш деб билишарди, аммо бошқаларни эса, бу синдириди, шу боис улар Коммандо-99 га тайинланишдан жонжаждлари билан қочишарди. Соқчилардан бири ҳушидан кетиб йиқилар, кимдадир асабий зўриқишиш бошланар; кўпчилик бундай отишлар ҳакида Совет Иттифокида билиб қолишиша, асирга тушган олмон аскарларига нисбатан советлар “гестапоси” – НКВД томонидан жавоб чоралари кўришларидан хавотирланишарди.

Акция 14f14 гувоҳлари бўлган, баъзида эса ҳукм ижросидан кейин мажбурий тозалаш ишларида иштирок этган Бухенвальд маҳбуслари рўй берадиган ҳодисалардан оғир изтиробни хис этишарди. Бу ҳам фақат бошланиши эди.

1941 йилнинг охирида маҳбусларни гитлерчилар қўшинлари учун вакциналар ишлаб чиқаришга йўналтирилган ўлдирувчи тиббий синовларда қўллай бошладилар.

Экинзор олдидағи икки қаватли ғиштли бараклардан бири – 46-блок атрофини соқчилар тўса бошлаганларида, ҳамма қандайдир ёмон иш содир бўлаётганини тушунди.

Қиши кунларидан бирида йўқламадан кейин, сокчи рўйхат чиқариб, маҳбуслар сафига бир қараб кўйганча, рақамларни кичкириб ўқий бошлади. Майдонда турғанларнинг ҳаммаси хавотирдан юраклари дукурлаб кетди: СС рўйхати ҳеч қандай яхшилик келтирмасди. Чакиртирилганларнинг юзлари бўзарип кетганди.

Майдонга доктор Эрвин Динг чиққани икки баробар хавотир уйғотарди. Озгин ва асабий бу одам илгари Ваффкеда хизмат қилган бўлиб, ўзининг саводсизлиги билан қайғули шухрат қозонганди. Худди шу гап унинг ўринбосари, СС капитани Вальдемар Ховенга ҳам тааллукли эди – таъсирли афт-башараси туфайли у бир вактлар Голливудгача бориб келган эди, лекин

тиббий жиҳатдан Дингдан ҳам камрок малакага эга эди. Лекин у фенолдан ўлдирадиган укол қилишга чақон эди.

Рақамлари эълон қилинган маҳбуслар – яхудийлар, руминлар, сиёсийлар ва яшил учбурчакли кишилар 46-блокка кирдилар ва улар ортидан эшик ёпилди.

Ичкарида содир бўлган ҳодисалар омон қолганлар қайтиб чиққанларидан кейингина аниқланди. Динг билан Ховен маҳбусларга тиф таёқчаларини юқтиришибди; улар ўша заҳоти оғриб қолишибди – шишлар, бош оғриқлари, параличлар, қонли тошмалар, бурундан қон оқиши, мушак оғриқлари, қоринда оғриқлар, кусиш ва эшитиш қобилиятининг пасайиши бошланибди. Кўплар ўлиб, қолганлар эса жуда ночор аҳволда чиқишиди.

“

Вакти-вакти билан 46-блокка маҳбусларнинг янги гурухларини жўнатишарди, уларни илм-фан йўлида қийнаб ўлдиришарди. Густавнинг веналик эски дўстларидан кўплари шундай қийнокларга дучор этилди. Лекин СС олий кўмондонлиги олмон аскарлари томирига тушадиган вакцина яратиш учун яхудийлар қонидан фойдаланиб бўлмайди, деган фикрга келгани боис, бу қарор уларни кутқариб қолди. Яхудийларни синовлардан чиқариб юбориб, аввалги лагерь дўзахига қайтаришиди.

* * *

Тини билан Герта кўлларига игна билан ип олиб, ошхонадаги стол ёнида ўтиришарди. Тини учун йиртикларни ямаш аллақачон оиласвий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланганди: даромади ҳаминқадар ва тўрт бола билан у доимо нималарнидир тикиб-чатиб, тузатишига тўғри келарди. Кейинги пайтда улар Герта икковининг кийимлари жуда тўзиб кетиб,

аёлларнинг кўчага кийиб чиқишилари учун игналарни доимий равишда ишга тушириш керак эди.

Лекин бу сафар улар ямаш билан машғул бўлишмади. 1941 йил 1 сентябрда Берлинда Ички ишлар вазирлиги шу ойнинг 12-санасидан бошлаб Германия ва Австрияда яшайдиган ҳамма яхудийлар кийимларига сарик Давид Юлдузини тикиб олишлари зарур эди.

Мазкур ўрта асрларга оид амалиётни нацистлар аввал Польшада ва бошқа босиб олган ҳудудларда тиклаб, қўллашганди. Энди эса, барча яхудийлар, шу жумладан, олмонларни ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзолари остида никобланиш имконидан маҳрум этиш керак, деган қарорга келинди.

Кўшнилари ва дўстлари билан бирга Тини ва Герта маҳаллий Истроил маданий марказига бориб, ўз юлдузларини олишга мажбур бўлишди. Улар фабрикада тайёрланган бўлиб, кора ҳарфларда яхудий сўзи йўлли газмолга босиб туширилган ва рулон қилиб ўралганди. Ҳар бир кишига тўрттадан берилиши керак бўлиб, энг ҳақоратли жиҳати – юлдузларнинг ҳар бирига 10 пфеннигдан пул тўлаш даркор эди. Уларни марказга баҳайбат ғалтакларда етказиб бериб, ҳар бир юлдузча давлат нархида беш пфеннигдан сотилиши зарур эди, қолгани эса маъмурый харажатларни қоплашга кетади, дея баҳона қилишди.

Лекин ҳатто ҳозир ҳам Тини Гертани мазкур даҳшатдан халос қилиш учун курашишни давом эттиради. Унинг ёшидаги ва ҳатто ундан ҳам ёш кизларни концентрацион лагерларга жўната бошлишди. Тини чорасиз қолганидан Америкадаги судья Барнеттга ёрдам беришни илтимос қилиб хат ёзди. Унинг васийлик ҳақидаги таклифига қарамай, бюрократик тўсиқлар Гертанинг виза олишига имкон бермасди. “Унинг бу ерда

қолишга мажбурлигидан буткул чорасиз ахволдаман. Норасмий манбалардан билишимча, АҚШ даги қариндошлар Вашингтонга виза беришлари учун илтимоснома топширсалар бўлар экан. Герта учун шундай қила оласизми? Кейинчалик худди Фриц билан содир бўлганидек, ўзимни ўзим таъна-дашномга қўйишни хоҳламасдим”. Сэм Барнет ўша заҳоти илтимоснома топшириб, керакли қофозларни тўлдирди ва Гертанинг харажатлари учун 450 доллар тўлади. Бироқ бюрократик лабиринтлар ниҳоятда чалкашиб кетган, тўсиклар эса – ўтиб бўлмайдиган эди. Герта визани ооломмади.

Унинг қўлидаги игна юлдузли арzon сариқ штапелни эски жун пальтосига тикарди. Тини стол ортидан қизига қаради: у ҳақиқий аёлга айланган – ўн тўққиздан йигирмага тўлар, – ва жўнаб кетаётгандаги Эдитнинг ёшига етганди. Герта соҳибжамол эди. Агар унда чиройли кийимлари бўлганида ва улар доимо етишмовчилик ва қўркув ичра яшамаганларида эди, у қандай мафтункор бўлар эди-я, дея хаёлидан ўтказди Тини. Герта эса, онасининг хавотирланиш ва ҳадиксирашлардан юзидаги ажинлар кўпайиб кетгани ва бетлари осилиб қолганини кўрди.

Кейинги бир неча ҳафталарда Венада сариқ юлдузчаларнинг пайдо бўлиши яхудий бўлмаганларни кучли таъсиrlантириди. Улар мамлакатда яхудийлар деярли қолмаган – кўпчилиги эмиграцияга кетиб, хавфлилари эса лагерларга қамалган, деб хисоблашга одатланиб қолишганди, – энди эса улар орасида яна мингларчasi пайдо бўлиб, яна ҳамманинг кўз ўнгидага бўлишлари учун уларга белги қўйилганди. Айрим шаҳарликлар нацистларнинг бу қилиғидан номус қилишарди; улар яхудийларнинг жамият ҳаётида иштирок этишларини такиқлашга қарши эмас эдилар, бироқ уларга шундай очиқ тарзда тамға қўйиш ҳаддан зиёд пасткашлик эди. Авваллари яхудий

харидорларга яширинча хизмат кўрсатишига рози бўлган дўкон эгалари энди ўзларини бошқа мижозлар олдида нокулай сезишарди. Айримлар бунга унчалик эътибор бермасалар ҳам, лекин кўпчилик кўксига сариқ юлдузли кишиларга эшикларини ёпиб кўйишиди. Агар аввал оқсуякларга ташки жиҳатдан ўхшаб кетадиган яхудийлар тақиқларнинг бир қисмига эътибор бермай, уларга амал килмаган бўлсалар, энди бу ҳақда гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Жамиятнинг анчагина қисми шаҳарда шунча яхудий қолганидан таажжубланиб, уларга қарши кескин чоралар кўришни талаб қила бошладилар. Уларнинг ҳаёти бундан-да аянчлироқ бўлиши мумкин эмасдек туюларди.

Лекин у, албатта бўлиши мумкин; энг охирги маррага қадар ҳали анча узок, жуда узок эди.

23 октябрда Берлин гестапоси бошлиғи Рейхнинг барча полиция бўлимларига буйруқ юборди. Бугундан эътиборан яхудийлар учун ҳар қандай эмиграция тақиқланган эди. Улар Рейхни факат шаркий ҳудудларда янги ташкил этилган геттога мажбуран кўчирилганларидагина ташлаб кетишлари мумкин эди. Биргина перо ёзуви билан Тинининг Гертани асраб қолиш умидлари пучга чиқди.

Декабрда, Перль-Харборга уюштирилган ҳужумдан кейин Германия АҚШ га уруш эълон қилди ва иккала мамлакат орасида буткул девор тикланди.

МИНГЛАРЧА ЎПИЧЛАР

Бухенвальдга яна баҳор келди – бу Густав билан Фриц учун учинчиси эди. Ўрмон кўкариб, кушларнинг сайроғи янгради. Ҳар куни эрта тонгданоқ лагерь бўйлаб арраларнинг дараҳт таналарини ғичирлаётган товушлари, уларни йикитаётганда маҳбусларнинг кучаниб ихрашлари, назоратчилар ва сокчиларнинг баланд кичкириклари тарапарди. Қулоқни батанг килувчи ғичирлаш эшитилади ва баҳайбат қайнин ёки эман пастга карсиллаб кулайди, маҳбуслар эса уни куршаб олиб, тезроқ тўсинларга арралашар, шу боис ерда тўкилган барглар гиламигина қоларди.

Густав чарчади, тўсинларни ташиган елкаом зирқиради, у ўз гурухи билан шу ерда меҳнат килиб, тўсинларни қурилиш майдончасига ташиш учун тўпларди. У ишини яхши эплар, ҳатто бригадир этиб тайинланганди ва йигирма олти кишидан иборат ўз бўлинмаси учун жавоб берарди. “Йигитларим менга садоқатли, – деб ёзарди у, – улар билан ака-укалардекмиз ва доимо биргаликда меҳнат қиласиз”. Уларнинг дўстлиги жуда қадрли эди ва афсуски, узоқ давом этмади. Февралда Густавнинг кўпгина дўстларини, “барча чайир эркакларни” яна бир партия “ногиронлар” билан лагердан жўнатиб юборишди, эртаси куни эса, одатдагидек, улардан қолган нарсалар, протезлар ва кўзойнакларни қайтариб келишди. “Ҳамма эртага менинг навбатим келади, деб ўйлайди. Ажал ҳар куни, ҳар соатда кўз олдимизда туради”.

Февралда эсесчилар 1917 йилда Густав билан Тинини никоҳлаб қўйган раввин Арнольд Франкфуртерни ўлдиришди; улар уни ўласи қилиб калтаклаб, чолнинг танаси тилка-пора бўлгунича қийнаб азоблашди. Унинг мурдасидан Венадан чиккан барваста, соқолли руҳонийни таниб олиш кийин эди. Ўлимидан олдин руҳоний Франкфуртер дўстларидан бирига

хотини билан қизларига анъанавий диний яхшилик дуосини: “Мен учун саломат ва саботли бўлинг”ни етказиб кўйишини сўради. Густав ўзининг тўйи бўлган кун, Россауэр-Казернадаги ихчам ва чиройли синаагогани, Венанинг армия казармасини эслади; кўксисда ялтироқ жасорат учун кумуш медал тақилган байрам либосидаги ўзини, бежирим шляпа кийган ва кора пальтодаги Тинини хотирасида жонлантириди, у вактлар хотини дўмбоққина эди.

Густав шапкасини ечиб, бошини юқорига кўтарганча, дараҳт учларига қаради. Ҳузурланишга ўхшаган ғалати хисни туйиб, у бошига шапкасини қайта кийди-да, хўрсиниб кўйди. “Ўрмон жуда ажойиб, – дея ёзди у ўз кундалигига. – Қанийди, эмин-эркин бўлганимизда эди, аммо тиканли сим доимо кўз ўнгимиизда”.

Ўша даврда одатдагидан кўра янада оғирроқ ишлашга тўғри келарди; январдан лагерда янги комендант, СС майори Герман Пистер пайдо бўлди. ”Энди Бухенвальдда ҳаммаси бошқача бўлади”, – дея эълон қилди у маҳбусларга ва ваъдасида турди. Улар учун мажбурий жисмоний машқлар киритишиди. Энди маҳбусларни ярим соат эртароқ турғазиб, белгача ечинтириб, йўқлама олдидан гимнастика билан шуғулланишга мажбур қилишарди.

Гитлернинг яхудийларга нисбатан бўлган нафрати нихоятда ошиб кетди. Совет Иттифокига хужум бутун мамлакатни зудлик билан босиб олишдек кутилган натижани бермади. Рейхда озиқовқат танқислиги бошланди, партизан коммунистлар унинг қўшинларини ҳамма ерда – Франциядан тортиб Украинагача таъкиб қиласарди. Нацистларнинг касалланган миясида буларнинг барчасига яхудийлар айбдор, деган фикр ўрнашиб қолганди, аввалига улар ўз фитналари билан жаҳон урушини бошлаб юбориб, энди Германиянинг олдинга ҳаракатланишига тўскинлик қилишарди. 1942 йил январида СС энг юқори

лавозимидағи амалдорлари ниҳоят, яхудийлар масаласини узилкесил ҳал этишга қарор қилди. Оммавий депортациялар, эмиграция ва лагерларга қамаш иш бермади. Бундан-да қақшатқич ва ҳал қилувчи чоралар талаб қилинарди. Уларнинг айнан қандай бўлишини жамоатчиликдан сир тутишар, бироқ концлагерлар тизими энди қайта кўриб чиқилиши керак эди. Яхудийлар аввалгидан ҳам синчковлик ва душманларча назорат остида колишиди. Бухенвальдда ногиронларни йўқ қилиш, очарчилик, кийнок ва хўрланишлар, котилликлар яхудий маҳбуслар сонини анча қисқартириди ва март ойида улар деярли саккиз минг кишидан атиги 836 нафаригина қолганди. Бошқалар яхшигина ишчи кучи бўлғанлари учун улар хаёти сақлаб қолинганди, бироқ бу ҳам узоқ давом этолмасди, чунки ҳокимиятнинг энг юқори эшелонларида “Яхудийдarsиз Рейх”ни яратишга оид гаплар доимо борарди.

Густавнинг кўклам гўзалликларидан қисқароқ завқланиши тезда тугади. Унинг бошчилигидаги гурӯҳ тўсинларни кўтариб, ташиб етказиб бериши керак эди. (Бунинг учун аравалардан фойдаланиб бўлмасди, улар дараҳт таналарини ўрмон қиялиги бўйлаб юқорига қўлларида таширдилар.) Густав юкламани тақсимлашга катта эътибор берарди; у ўз гурӯҳидаги кўп маҳбуслар ниҳоятда озиб, ҳолдай тойғанлари ва елкаларида тўсин ортганча токқа яна бир марта чиқишига кучлари етмаслигини яхши англарди. У тўсинни кўтариб бораётганда, гўё жуда зўр оғирлик тушаётгандек ўзларини ёлғондан зўрикиб ишлаётгандек кўрсатишларини тайинлади-да, тўсиннинг бир учини ўз елкасига кўйди ва гурӯҳ йўлга тушди.

Курилиш майдонига етиб борганларида уларни назоратчи билан соқчи СС сержантини Грюель кутиб турардилар, маҳбуслар қадамларини тезлатишиди. Охирги бир неча метрни юргурганча ўтиб, тўсинни ҳам жойига тезроқ кўйишиди. Бу жуда хавфли эди;

кўпгина маҳбуслар яхши тахланмаган тўсинлар пастга думалаб, уларни босиб кўйгани туфайли жароҳатланиб майиб бўлишар ёки ҳаётдан кўз юмардилар.

- Бу нима килганларинг, яхудий чўчқалар?

Сержант Грюельнинг дарғазаб башараси Густавнинг рўпарасида пайдо бўлди; у ўзининг зилдек дарраси билан ниманидир кўрсатди.

- Манави ҳайвонлар умуман хеч нимани кўтаришмаяпти!

Густав ўз қўл остида ишлаётганларга каради, улар тўсинни керакли даражада ишонтиrolмай кўтаришганди. Албатта, уларни айблаб бўлмасди, чарчоқдан оёқларида деярли туролмасдилар.

- Кечиринг, афсусдаман, айрим йигитлар ч...

Грюэлнинг залворли дарраси Густавнинг юзига зарб билан урилиб, унинг кўзидан ўт чиқиб кетди. Густав бошини муҳофаза қилиш учун кўлларини кўтариб, бошини тўсди. Лекин дарра унинг бармоқларига урилганча кетма-кет зарбалар тушаверди. У ортига ўгирилишга уринганида, зарбалар орқасига туша кетди. Густав ерга кулади. Энди Грюэль ўз ғазабини бошқа маҳбусларга соча бошлади. У тўдага ташланиб, ҳар тарафга зарбаларни уравериб, ҳамманинг оғзи-бурнини кон қилиб дўппослади. Ниҳоят, ўзи ҳам итдек чарчаб, яна Густавга ўгирилди ва ҳансираганча деди:

- Сен, яхудий, буларга бригадирсан. Ўз яхудий ҳайвонларингни яхшироқ ишлишига мажбур қил. Бу аҳвол ҳакида эса, албатта юқорига арз қиласман.

Эртасига ҳаммаси янгитдан тақрорланди: Густав билан унинг одамларини гўё зўр бериб ишламаётганларини баҳона килиб, яна қалтаклашиди. Йўкламада Густавни бошликлар хузурига чақиришиди ва уни рапорт-фюрер, лагердаги интизом учун жавобгар сержант сўрок қилди. СС стандартларига кўра, бу етарлича оқил киши эди, Густавнинг тушуниришларидан қоникиб, у Грюелнинг арзномасини йиртиб ташлади.

Лекин Грюель тинчимади. У ҳақиқий мараз садист эди. Айримлар унинг ваҳшийликларида шаҳвоний унсур бор деб ҳисоблашарди, у баъзан маҳбусларни ўз кабинетига олиб кириб, ёлғизлиқда хумордан чикқунча қалтаклашини ҳамма биларди. У ўзига бир марта қурбонни танлаб олгач, энди уни қўлдан чиқармасди. Учинчи куни Густав билан унинг гурухи тош конидан тош ташидилар. Вагонеткага таҳминан икки ярим тонна тош ортилган ва ҳатто йигирма олти нафар эркак арқонлар билан киялик бўйлаб юқорига қадам-бақадам жуда қийналиб кўтариб боришарди. Грюель уларга қараб турганча, яна бир шикоят хати ёзди: энди Густав ўз одамларини етарлича шоширмаган эмиш. Рапорт-фюрер бу сафар шикоятни бости-бости қилмай, кейинги жараёнга жўнатди.

Йўкламада Густавни яна бошлиқ хузурига чақиришиди. Ўз вазифасини сидқидилдан бажармагани учун у жарима гурухидан беш якшанба овқатсиз ишлаб бериш билан жазоланишга ҳукм қилинди. Авваллари Фриц қандай “нури ташувчи”лик қилган бўлса, отаси ҳам шундай ишга қўйилди. Ҳар якшанба, қолган маҳбуслар дам олган чоғда, Густав ҳожатхоналардан нури олиб, юргурганча экинзорларга таширди. Эллик бир ёшга тўлган Густав анча чайир бўлса ҳам, бундайин тезлиқда узоқ ишлаши мумкин эмас эди. У овқатсиз қолган кунларида дўстлари ўз егуликлари билан бўлишардилар, аммо у бир ойда ўн кило вазн йўқотди. У

доимо озғин бўлганди, бироқ энди ростмана қок суккаба айланиб қолган эди.

Ниҳоят, у жазо муддатини ўтаб бўлиб, ўзининг одатдаги ишига киришди. Уни бригадирликдан олиб ташлашган эди, лекин транспорт колоннасидаги дўстлари унга лазаретдаги енгилрок ишга тайинланишига кўмаклашдилар, у озиқ-овқат ва бошқа юкларни етказиб берарди. Густав бошидан кечирган қийинчиликлардан секин-аста ўзига келиб қолди. У Грюелнинг таъқибидан эсон-омон кутилганининг ўзи мўъжиза эди. У шундай кучли руҳга эга бўлмаганида ва дўстлари кўллаб-кувватламаганларида, Грюель худди бошқа кўпларнинг ёстигини куритгандай уни ҳам йўқ қилиб ташларди.

* * *

Бундай жойда мўъжизалар узок давом этмаслигини Фриц аллақачон билганди. Уларни қуршаган доира кун сайин сиқилиб борар ва омон қолиш имконияти камаярди.

Шу йилнинг баҳорида Фриц энг яқин дўстларидан бири, уни муҳофаза килган ва омон қолиш санъатини ўргатган, уни ва отасини хавфсиз иш билан таъминлаган одам Лео Мозесдан айрилди. Маҳбусларнинг каттагина гурухини Эльзасда ташкил этилган янги – Найвейлер лагерига жўнатишиди. Леони улар билан бирга юборишиди. Фриц уни бошқа кўрмади.

Июнь оқшомларидан бирида Фриц ўзи одатланган жойда – 17-блокдаги стол ёнида ёши катта маҳбуслар сухбатини эшишиб ўтиради. Улар эндингина кечки таом – бир бурда нон билан шўрвани ичib бўлиб, сухбатта киришиб кетишиди. Фриц тинглаб ўтирас, лекин гапга қўшилишга истиҳола қиласарди. У бир ҳафтадан кейин ўн тўққизга тўлиши керак, аммо бу одамлар

билин таққослаганда, у ёши, аклий ривожланиши ва дунёқараши билан ҳали бола эди. У ўқигиси келар ва уларнинг сиёсий фикрлари, “шоу-бизнес”га оид хикоялари ва Европа келажагининг улкан режаларини жон қулоги билан тингларди.

Лекин шу пайт унинг дикқатини эшик ёнидаги таниш қиёфа тортиди. Бу назоратчи Роберт Сивертигини у дарҳол таниди. У дик этиб туриб, илиқ ёз оқшоми тушган ташқарига чиқди. Сиверт унга жиддий қараб, кейин шошиб шивирлади: “Почта хонасида онангдан хат келган. Лекин цензор уни сенга бермайди”. Сиверт лагернинг алоқа тармоғи таркибида бўлиб, маъмуриятда унинг танишлари бор эди, улар энг ишончли маҳбусларни ишга чакиришарди. Шу тариқа у хатнинг мазмунини билиб олди. Ёз бўлишига қарамасдан, Фриц қалтираб кетди; олам кўзига тор кўринарди. “Онанг билан опант Гертани кўчиртиришлари тўғрисида билдирибдилар. Улар хибсга олинниб, шаркка депортация қилинишларини кутишаяпти”.

Фриц ваҳимага тушиб, отасининг баракига югуриб кетди, Сиверт унинг ортидан шошилди. Эшик олдида бир неча маҳбус турганди. Фриц улардан отасини чакириб беришларини илтимос қилди. (Маҳбусларга бегона баракларга кириш тақиқланганди.) Густав ташқарига чиққанида, “Унга ҳам айтиб беринг”, – деди Фриц ва Сиверт Тини ёзган хатининг мазмунини такрорлади.

Кўчириш, депортация нимани билдиришини улар сезиб туришарди. Лагерда ҳар хил миш-мишлар айланиб юрар ва улар нацистларнинг мақсадини билиб олишга одатланишганди. Фриц билан Густав Польшадан шаркқа томон босиб олинган худуд Остландда эсэсчилар содир этган оммавий қотилликлар тўғрисида эшифтандилар. Ҳарқалай, бир нарса аниқ: Венадан Россияга ёки умуман қаергалиги номаълум жойга жўнатилаётган Тини билан Гертадан энди ҳеч қандай хатлар ҳам келмайди, ҳеч қандай алоқа ҳам бўлмайди.

* * *

Тини ошхонада газ плитаси олдида турарди. У Фрицни олиб кетишган кунни ва агар Густав қочиб кетиб, яширинмаса, уни газ билан заҳарланмоқчи бўлиб қўркитганини эслади. Бу ҳеч қандай яхшилик келтирмади. Энди эса, ўзини олиб кетгани келишди.

У газни қувурдан ўчирди. Ҳукумат томонидан тузилган йўриқномаларнинг батафсил рўйхати босиб чиқарилган коғоз ошхонадаги столда ётарди.

Герта унинг ёнида ўзининг кўксисида сарик юлдузча тикилган пальтосида ва қўлида жомадони билан турарди. Уларга ҳар бир одам учун икки жомадон – жами эллик килограмм юк олишга рухсат этилганди. Улар йўриқномага амал қилган ҳолда, кийим-кечак билан чойшаблар, шунингдек, ликопчалар, кружкалар, кошиклар (пичоқ билан санчқилар олиш ман этилганди) ва уч кунлик йўл учун егулик олишди. Қишлоқ хўжалиги жиҳозлари билан асбоблари бор одамларга уларни ҳам олиб кетишни буюришди. Тинига никоҳ узугини қолдиришга ижозат беришди, текин қолган қимматбаҳо нарсалар топширилиши керак эди. Аслида, унинг ҳеч вақоси қолмаган, ниманидир аллақачон ортиб олишган, ниманидир эса сотиб юборган; худди шу нарса тулга ҳам тааллукли эди ва ҳар бир депортация килинган ўзи билан 300 марка пулни ўзи билан Остландга олиб кетиши тумкин эди, – уларда бундай пул йўқ эди.

Тини ўзи билан жомадони ва чойшаблари ўралган тугунни либ, хонадонига сўнгти бор кўз югуртириди, эшикни ёпиб, улфлади. Викерль Хельмхакер уни зинапояда кутиб турарди. Ини унга калитни узатди ва шартта ўгирилиб кетди. Уларнинг ерга билан секингина зинадан тушиб бораётган қадамлари ёвушининг маъюс акс-садоси тарагиб турарди.

Улар полициячилар ҳамроҳлигига йўловчиларнинг кизикувчан нигоҳлари остида бозор майдони бўйлаб ўтишди. Яхудийларни нима қилишаётганларини ҳамма биларди. Уларни бир неча ойдан буён катта гурухлар билан бир неча юз марталаб депортация қилишганди. Одамлар уларни қаерга олиб кетишаётганларини ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдилар – шарқка, тахминан Остланднинг чўлли худудларига бўлса керак. У ердан янгиликлар келмас ва кўчирилганларнинг ҳеч бири кайтмаганди; Рейх улар учун ажратган худудларда янги ҳаёт барпо этиш билан ҳаддан зиёд банд бўлсалар керак, дея тахмин килинарди.

Тини билан Герта бозордан ўтиб, маҳаллий бошланғич мактабгача етиб боришиди. Герта бу йўлдаги ҳар битта тошни биларди. У колган болалар билан бирга мана шу мактабга борганди; ундаги синфларда ҳаммалари – Герта ҳам, Курт ҳам, Фриц ҳам, Эдит ҳам – ўз ҳаётларининг каттароқ қисмини ўтказгандилар. Энди бу ерда ўкувчилар йўқ эди: 1941 йилда эсесчилар мактабни ёпиб, уни депортация қилинувчиларни вақтингчалик ушлаб туриш пункти учун қайта жихозладилар.

Улар қўриқланадиган дарвоза орқали ўтиб, тош ётқизилган йўлка бўйлаб мактабнинг баланд бинолари орасидан юриб боришиди. Мактаб тўрт қаватли блоклардан иборат бўлиб, кўчадан сал ичкарироқда жойлашган эди. Қачонлардир кичкинтолар югуриб ва ўйнаб юрган жойда энди эсэс соқчилари турарди. Тини билан Герта ҳужжатларини кўрсатишди ва уларни бино ичига киритишиди.

Синфлар одамларга лиқ тўлган ётоқхоналарга айланганди. Бу ерда ҳаммаси бўлиб мингдан ортиқ депортация қилинаётганлар саклаб туриларди. Таниш чехралар, дўстлар, кўшнилар кўзга кўриниб қолар, лекин шаҳарнинг бошқа узокрок жойларидан келган бегоналар ҳам анчагина эди. Бу ерда асосан

қирқдан ошган аёллар, эркаклар ва болалар бор эди. Йигитларни аллақачон лагерларга ҳайдаб кетишиганди, олтмиш беш ёшдан ошган кексаларни эса Терезиенштадтдаги геттога жўнатиш учун ажратиб қўйишганди.

Тини билан Гертани бир хонага киритиб, баҳтсизлик бўйича шериклари билан қолдиришди. Улар ўз яқинлари ва дўстлари, умумий танишлари ҳақидаги янгиликлар билан фикр алмашишди. Янгиликлар асосан ёмон эди. Уларни кўчириб юбораётганлари янги ҳаёт имконияти сифатида тақдим этилаётган бўлса ҳам, бирок Тини қадрдон шахридан жудо бўлаётганидан азобланар ва келажакдан қўрқарди. У нацистлардан фақат ёмонлик кутар ва шу пайтга қадар унинг кутгандари доимо амалга ошарди.

У Фриц билан Густавга ёзган хатида уларни фақат кўчираётганларини хабар қила оларди. Бирок, бундан-да ёмонроқ ҳодисалар содир бўлиши мумкинлигидан хавотирланиб, Тини яхудий бўлмаган бир қариндошига айrim буюмларини, Фрицнинг ўша Бухенвальдда тушган энг сўнгги сувратини бериб кўйганди, опаси Женнига эса, уларга юбориш учун иссиқ кийимларни берди. Женнининг ўзи ҳам унчалик яхши ахволда эмас, аммо ҳозирча депортация қилинмаётганди. Бу уларнинг энг катта опаси Бертага ҳам таалкукли эди.

Тини билан Герта вактинчалик сақлаш марказида бир-икки кун бўлгач, жўнаш вакти етганини хабар килишди. Ҳаммага ҳовлига чикишни буюрдилар. Одамлар йўлакларда тиқилишиб, эшиклар олдида жомадонлари ва тутун-терсаклари, айримлар эса, яна асбоб-анжомлари билан бир-бирларини итариб, туртиб чиқардилар. Уларнинг ҳужжатларини текшириб, эвакуация қилингани ҳақида штамп босиб, ундан кейин ҳаммаларини кутиб турган юк машиналарига чиқаришди.

Колонна Таборштрассе бўйлаб ва Лунак канали ёнидаги кенг кўчадан ўтди. Герта пастга, куёш нурида яркираб жилваланаётган сувга қараб кетарди; бу ерда якшанба кунлари сайр килаётган қайиклар ва чўмилаётган одамларга тўла бўларди. У отаси билан худди Фриц ўртоклари билан ўзаро мусобақалашганлари каби ким ўзарга сузишарди. Унинг отаси шундай мулойим, меҳрибон, жондан азиз эди! Дарё бўйидаги ўша ёзги дам олиш кунлари нақадар ажойиб бўларди. Онаси эшкак эшишни ёқтирад ва гоҳида болаларни қайикда учирарди. Ҳозир бу ёрқин, лекин жуда узок тушдек туюларди. Дунай каналининг яшил соҳилларига яхудийларнинг бориши аллақачонлар такиқлаб кўйилганди.

«

Колонна канални кесиб ўтгач, шаҳарнинг жанубий кисмидаги вокзал Аспангбанхоф томонга кўчалардан гумбирлаганча кетиб борарди. Кириш жойида полициячилар билан СС аскарлари унча кўп бўлмаган одамлар тўдасини ўтказмасдан туришарди. Жўнаб кетаётганларни сўнгти бор кўриш умидида қариндошлари билан дўстлари келишган, қолганлари шунчаки бекорчилар яхудийларни мисоли моллар каби қандай ҳайдаб кетаётганларини томоша килиш учун тўпланишганди. Тини билан Герта юк машинасидан тушиш учун бир-бирларига ёрдамлашиб, оломон билан бирга қоронғи вокзалга эшикдан киришди.

Эркакларни лагерларга олиб кетилган даҳшатли юк вагонлари ҳакида ҳамма биларди, шу боис уларни йўловчи вагонлар кутаётганини билгач, хурсанд бўлиб кетишли. Ҳа, буниси ёмон бўлмади, деган фикр хаёлларидан ўтди.

Уларга поезднинг охирги алоҳида вагонига юкларини ортишни буордилар. Жараён анча чўзилиб кетди. Нихоят, баланд хуштак чалиниб, “Поезд жўнашига бир соат қолди!”

деган эълон янгради. Уни платформада бир неча марта тақрорладилар, одамлар шошилиб қолишли.

Тини Гертани маҳкам ушлаган кўйи уларга жой ажратилган вагонга одамлар тўдаси орасидан сукулиб кирди, у ерда эшик олдида қўлида рўйхат тутган старшина гердайиб туради. Бу полициячи ҳам, эсесчи ҳам эмас, Истроил маданий маркази тайинлаган яхудий эди ва унинг шу ердалиги умид уйғотарди. Унинг атрофида олтмишга яқин одам тўпланди. Тини Им-Вердда яшаган кекса аёл Ида Клапни таниб қолди, у буткул ёлғиз эди. Леопольдсгасседан ўзи билан тенгдош аёл ҳам ёлғиз кетаётганини кўрди; кўп аёллар ҳамроҳсиз жўнаб кетишаётганди – уларнинг эри ва ўғилларини лагерларга ҳайдаб кетишган, болаларини эса, омади келганларини Англия ёки Америкага олиб кетишганди. Бироқ айримлари қолган экан, Тини танимайдиган олтмиш ёшлардаги аёл ўз набиралари, уч ўғил ва бир қизга ҳамроҳлик қиласарди; уларнинг энг кичиги Отто Курт билан тенгдошга ўхшар, каттаси эса, ўн олти яшар қиз эди. Атрофда соқолларига оқ оралаган эркаклар тўзиб кетган шляпаларида, бошларига шарф танғиган ноҷорроқ кийинган уй бекалари, юзларига эрта ажин тушган қизлар ва ҳар тарафга ҳайрат билан тикилаётган беш ёшдан катта бўлмаган болалар бор эди. Старшина уларни рўйхат бўйича исми шарифларини ракамлар билан текширганча чақираарди:

- Бир-икки-беш: Кляйн, Натаан Истроил.

Олтмиш ёшдан ошган киши қўлинини кўтарди:

- Шу ерда!
- Бир-икки-олти: Кляйн, Роза Сара.

Бу унинг хотини эди.

- 6-4-2: Кляйнман, Герта Сара!

Герта күлини күтарди.

— 6-4-1: Кляйнман, Тини Сара!

Рўйхат давом этарди: Клингер, Адольф Истроил; Клингер, Амалия Сара... Бутун платформада ўн бешта вагон бошликлари йўловчилар рўйхатини ўкирди: ҳаммаси бўлиб 1006 жон ўз юртини ташлаб кетарди.

Нихоят, уларга бориш манзиллари – Минск шахри эканлигини эълон қилишди. У ерда улар ёки геттога тушиб, ҳар хил маҳаллий корхоналарда ишлайдилар, ёхуд малакаларига боғлиқ равишда ерда дехқончилик билан машғул бўладилар.

Бошлиқлар ҳеч ким ғойиб бўлиб қолмаганига ишонч ҳосил қилиб бўлгач, нихоят эвакуация қилинаётганларнинг вагонга чикиб, аввалдан тайинланган жойларини эгаллаб, чурқ этмай ўтиришларини буоришиди. Вагонлар иккинчи класс бўлиб, купеларга бўлинган ва етарлича қулай эди, гарчи бундай миқдордаги одамлар учун торроқ эди, албатта. Тини билан Герта ўтириб олганларидан кейин, ўзларини деярли эски вактлардагидек ҳис этишди. Яхудийларнинг Венадан жўнаб кетиши тутул, ўз туманларидан ташқарига чиқишиларига аллақачонлардан бери ижозат берилмасди. Атрофидаги оламни бошкатдан кўриш қизиқарли бўлиши тайин.

Паровоз буг билан тутун чиқариб, ғилдиракларини ғижирлатди ва поезд ўрнидан кўзғалганча, станциядан сирғалиб чиқди-да, бутун шахар орқали шимолий йўналишда юриб кетди. У Дунай канали устидан ўтиб, Пратер ва Пратерстernнинг ғарбий томони охиридаги кўпприк, кейин Тини туғилиб ўсган кўчадан ҳамда бир неча сониядан кейин шимолий темир йўл вокзали орқали кетди. Яхудийлар Леопольдштадтда ҳам поездга ўтиришса бўларди, аммо Аспангбанхоф кўзга камроқ ташланар ва одамлар сийракроқ эди. Бир неча дақиқадан кейин купе

деразаси ортида Дунай сузаб ўтди, кейин шаҳар атрофидаги охириг жойлар ва Венадан шимоли-шарқка қараб ястанган қишлоқ хўжалик ерлари бошланди.

Гарчи поезд ҳар замонда тўхтаса ҳам, эвакуация қилинганлар учун вагондан чиқиш тақиқланган эди. Иссик июнь куни имиллаб ўтарди. Одамлар китоб ўқишар, ўзаро сұхбатлашар, ўтирган жойларида мудраб кетишарди. Болалар асабийлашиб, доимо типирчилайверишар ёки чарчаган кўйи ойнага тикилганча, ҳайкалдек қотиб қолишарди. Вагон бўйича бошлиқ вақти-вақти билан купега бошини сукиб, ҳамма жойдалигини текшириб қўярди. Поездда мабодо биронгасининг тоби қочиб қолса, тез ёрдам кўрсатиши учун Исроил марказидан тайинланган шифокор ҳам бор эди. Яхудийлар ўзларига нисбатан шундай ғамхўрлик қачон кўрсатилганини унугиб ҳам юборишганди.

Улар собиқ Чехословакиядан ўтиб, қачонлардир Польша деб хисобланган худудга кириб келишди. Энди бу Германия эди. Тини билан Герта учун бу ерлар ўзгача қизиқарли эди: айнан шу ерда Густав ҳали Австро-Венрия империяси кунларида, яхудийлар олтин асрдалигида туғилганди. Тини уни Венада ўзида синаб ўтказганди, Густав эса мана шу ажойиб манзаралар орасида, тоғлар этагидаги кўл бўйида жойлашган қишлоқда болалик даврини ўтказганди. Поезд Густавнинг нафақат болалик хотираларига боғлиқ, балки айнан мана шу далаларда рус подшоси қўшинлари билан жанг қилган ҳарбий хизматини ҳам, хойнаҳой, ўзи таниса бўладиган ерлардан ўтиб бораарди.

Поезд яна бир кичик шаҳар Освенцимдан ҳам ўтди. Бу ерда олмонлар янги концентрацион лагерь ташкил этган бўлиб, уни Аушвиц деб аташарди. Вена поезди кенг ёй ҳосил қилганча, шимоли-шарқ томонга борища давом этарди.

Улар тунни тўхтамай харакатланиш ва бехаловатли уйку билан ўтказишиди, ундан бел ва орқалари оғриб, оёклари шишиб қолганди. Келаси тонгда поезд Варшава орқали бориб, Белосток ортидаги чегарарадан ўтди. Буюк Германия ортда қолди ва собиқ Совет Иттифоки худудидаги Остланд Рейхкомиссариатига етиб боришиди. Яна қирқ километрдан кейин, поезд Волковск шаҳарчасига етиб келди.

Бир муддат уларга бу шунчаки оддий станциядек туюлди. Тини ва Герта бошқа қолганлар билан биргаликда улар қаерга келиб қолганликларидан фол очганча, деразадан мўралашарди. Вагон бўйича бошлиқ купега бошини бир сукди-ю, қейин нари кетди. Афтидан, нимадир рўй берди. Йўлакнинг нариги тарафида баланд овозлар, эшиклар очилгани ва йўлакнинг икки томонидан яқинлашаётган оғир этикларда ташланган қадам товушлари эшитиларди. Купе эшиги кенг очилди – остоңада куролланган хужумчилар турарди.

– Қани, чикларинг! – дея бақиришиди улар. – Ҳамма ҳозироқ вагондан чиқсан!

Ҳайрон қолган ва қўрқиб кетган йўловчилар жойларидан иргиб туриб, буюмларига ёпишдилар, оналар билан бувилар болаларини кучоқлаб олишиди.

– Қани, яхудий чўчқалар! Ҳозироқ чикларинг вагондан!
– Қичқиришда давом этишарди эсэсчилар.

Тини билан Герта йўлакда тўда орасида чиқиш томонга силжишарди. Хужумчилар ортда қолганларни милтиқлари кўндоғида туртишар ёки уришарди. Одамларни янада кўпроқ СС аскарлари турган платформага ҳайдаб чиқаришиди. Улар Тини Венада кўрган аскарларга ўхшамасдилар, бу ёқаларида “Ўлик чанок” рамзи туширилган ёки концентрацион лагерларнинг анча шафқатсизроқ, харакатдаги қўшинлар, Ваффен аскарлари эди.

Уларга нацистлар хавфсизлик полициясининг қайғули машхур Зипо-СД формасидаги йигитлари ҳамроҳлик килишарди. Улар бақириб, сўқиб, ҳақоратлаганча, яхудийларни – эркак ва аёллар, кексалар ва болаларни – платформа бўйлаб олдинга ҳайдашарди; қокилиб тушган ва йикилганлар ёки шунчаки тез юра олмаганларни ерга йиқитиб, калтаклашарди – шундай куч билан урганларидан улар ерда нафас олмай ётганча қолаверишарди.

Уларни бошқа поездга, бу сафар юк вагонларига чикиришди, у ерда зўрга қимиранлашарди. Эшиклар тарақлаб ёпилди. Тини билан Герта бир-бирига ёпишган кўйи ярадорларнинг инграшлари, дуюю илтижолари ва қўркиб кетган болалар йиғисига тўлган зулмат ичида қолишди. Ташқаридан бошқа вагонларнинг эшиклари қандай тарақлаб ёпилаётгани эшитиларди.

Мана, охирги эшик ҳам ёпилиб, одамлар қоп-коронгиликда қолишди, аммо поезд жойидан кўзгалмади. Соатлар ўтди. Сўнгги воеалардан таъсирланган бир неча киши ўша тунда ақл-хушидан айрилиб, энди нима деб ғўлдираётгандарини ўзлари ҳам билмасдилар. Эсесчилар барча ақли заиф ва беморларни поезддан чиқариб, алоҳида вагонга тўпладилар, уларни ўша жойда ҳар қандай ўйлаб топилгандан кўра қўрқинчлироқ шахсий дўзах кутарди.

Эртасига поезд йўлга тушди. У ниҳоятда секин, имиллаб юарди. Ниҳоят, поезд тўхтади. Ташқаридан етиб келаётган товушларга қараганда, улар қандайдир станцияда эдилар. Қўркиб кетган одамлар эшикларнинг очилишини кутишарди, бироқ ҳеч нима содир бўлмасди. Очлик ва қўркув ичида бошланган тун ҳам тугади. Кейин кун келди. Кейин яна тун чўкди. Агар вақти-вақти билан текшириб турмасалар, улар ҳакида унтиб қўйишган, деб ўйласалар бўларди. Поезд станцияга шанба куни етиб борганди, аммо Минскдаги темирийўл

ходимлари учун эса, якиндагина тақдирлаш сифатида дам олиш кунлари ишиламасликларига рухсат берилган эди.

Вагон тахталари орасидаги тор ёриклар орқалигина ёруғлик кириши мумкин бўлган зимиштон ичидан, сўвсиз, егуликсиз, вагоннинг бир бурчида ҳожатхона ўрнига челак қўйилиб, депортация қилинганлар соатма-соат азоблантирувчи ноаникликдан кийналишарди. Наҳотки режалар ўзгарган бўлса? Агар улар алданган бўлсалар-чи, унда нима бўлади? Уларни йўловчилар учун мўлжалланган поезддан тушириб, юк ташувчи вагонларга тиқиширганларидан кейин беш кун ўтгач, поезд яна юриб кетди.

**

Эй, Художон, бунинг охири бормикан?

“Сендан илтимос қиласман, жоним болам, – дея ёзарди Тини Куртга деярли бир йил илгари. – Ҳаммамиз соғ ва омон учрашайлик, шуни Худойимдан сўраб дуо қил”. У ўзига бундай умидни йўқотишга ҳеч качон йўл кўймасди. “Отангнинг ёзишига қараганда... Худога шукур, тани соғ экан... амакинг сенга шунча ғамхўрлик кўрсатаётгани унинг учун ягона қувонч... Илтимос, Курт, яхши бола бўлгин... Сен ҳақингда яхши гаплар гапиришаётгани ҳамда кийимларинг ва ўринларингни тоза-тартибли, ўзингни яхши тутаяпсан, деган умиддаман... Ёзда яхшилаб дам олгин, яхши об-ҳаво тезда тугаб колади... Бу ердаги ҳамма болаларнинг сенга ҳаваси келяпти. Улар хатто бокка ҳам чиқолмайдилар”.

Металлнинг гижирлаши, вагонларнинг бир-бирига урилиб, шараклаши эшитилди ва поезд тўхтади. Атрофни сукунат коплади, кейин эса вагон эшиги кенг очилди ва ёрқин кун ёруғлиги асиirlар кўзларини қамаштириди...

* * *

Ўша куни Тини билан Герта Кляйнманлар билан айнан нима содир бўлганини энди ҳеч қачон билолмаймиз. Улар нимани кўрганлари, нималар килишгани, гапирганлари ёки ҳис килганлари – бу ҳакда ҳеч қандай маълумот йўқ. 1942 йил июнь тонгида Минск темирийўл вокзали юк терминалига келтирилган 1006 нафар яхудий эркаклар, аёллар ва болалардан ҳеч бирини ҳеч ким бошқа кўрмади ва улар ўзлари ҳакида далиллар ҳам қолдиришмади.

Бироқ, умумий ҳисобга олиш мавжуд эди, ўша иили ёзда бошқа поездлар Венадан Минскга етиб борарди ва унинг йўловчиларидан баъзилари ўз воқеаларини сўзлаб беришга муваффақ бўлгандилар.

Вагон эшиклари очилган чоғда калтакланган, қийналган, тинкаси куриган, оч ва ташна одамларга ташқарига чиқишини буюришган. Полиция уларнинг ҳар бирини сўроқ килиб, асосан, ишчи малакалари ҳакида савол берган. Зобит улурга мурожаат килиб, худди ўша Венада айтилган гапларни такрорлаган: улар заводларда ва фермаларда ишлайдилар. Улардан кўплари зобитнинг ваъдаларидан умидвор бўлиб, хурсанд бўлишган. Бир неча ўн нафар чайир эркаклар ва каттароқ болаларни танлаб, четга олиб боришган. Қолганларни станциядан чиқаверишга ҳайдаб бориб, у ерда уларнинг барча буюмларини олиб қўйишишган. Алоҳида вагондаги юклар, озиқ-оўқатлар ва кўчирилганлар Венадан олиб келишган асбоб-ускуналарни ҳам аскарлар олиб қўйишишган. Вокзал олдида уларни юк машиналари билан усти ёпик фургонлар кутиб турганди, одамларни уларга чиқара бошладилар.

Колонна шаҳардан чиқиб, поёнсиз осмон остидаги чангли белорус текислигининг далалари ва ўрмонлари бўйлаб жануби-шарққа караб йўлга тушди.

Герман кўшинлари ўтган йили ёзда Совет Иттифоқининг бу ерларини жанг килиб қўлга киритганларида, унинг устидан ютошиб, ўз йўлида ҳамма нарсани вайрон қилувчи тўлқин билан ўтиб кетишганди. Унинг ортидан дарҳол иккинчси: Айнзацгурух В, бутун фронт бўйлаб ҳаракатланган етти гурухдан бири етиб келганди. Мазкур гурухга генерал Артур Небе кўмондонлик қиласи ва минг кишига яқин таркибига, асосан, хавфсизлик полицияси ва бошқа полиция идоралари ходимлари кирганди. Унинг бўлимлари Айнзацкомандалар эди, уларнинг вазифаси босиб олинган барча шаҳар ва қишлоқлардаги яхудийларни топиб, қириб ташлашдан иборат эди, уларга бу ишда Баффен ва Вермахт аскарлари жон деб ёрдамлашар эдилар, айрим худудларда эса, жумладан, Польша билан Латвияда маҳаллий полицайлар кўмаклашардилар.

Ҳамма яхудийларни жойида ўлдириб кетаверишмасди. Яхудийлар у ерларда миллионлаб яшашлари ҳисобга олинадиган бўлса, буни амалда бажаришнинг сира имкони йўқ эди. Польшада нацистлар яхудийларни ҳарбий иқтисодиётга ҳисса қўшишга қандай мажбур қилиш мумкинлигини билиб қолишибди. Минскда гетто ташкил қилиниб, у ишлаб чиқариш ҳисобига кўрган фойдаси Рейхнинг ҳисоблари ҳамда порахўр амалдорлар киссаларига оқиб кела бошлади. Бироқ энди Сўнгти Карор қабул қилиниши ва Минск унинг асосий марказларидан бири бўлиб қолиши зарур эди.

Хавфсизлик полицияси маҳаллий бошлиғи, СС оберштурмбанфюрери ва Айнзацгрупп ветерани Эдуард Штраух ташкилий чоралар билан машғул бўлди. Айнан ўша Минскдан жануби-шарқ томонда ўн километр нарида собиқ совет колхози

Ўрнидаги Кичик Тростенец кишлоғида концентрацион лагер ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Лагерь унча катта бўлмай, олти юз маҳбусга мўлжалланганди, улар ерга ишлов бериш билан бир қаторда, Зондеркоманданинг топширикларини ҳам бажаришлари, яъни оммавий яксон килишлар билан шуғулланишлари керак эди.

Кичик Тростенецга етказиб борилган асосан яхудийлардан иборат ўнлаб минг одамлардан атиги бир неча нафаригина лагернинг ўзини кўрди. Полициячилар ҳар бир колоннадан оғир меҳнатта лаёкатли кишиларни танлаб олишганидан кейин, юк машиналари уларни Кичик Тростенец йўналишида олиб кетишарди. Йўлда улар шаҳар ташқарисидаги қайсиdir далада тўхтардилар. Баъзан Минск вокзалида танлов ўтказишга улгуролмай қолсалар, ўша жойнинг ўзида танлаб олинарди. Шу ердан юк машиналари тахминан бир соатлар оралаб, то колганлари кутиб тургунича, битта-биттадан кетаверишарди.

Одамларни лагердан тахминан уч километр наридаги арчазорга олиб боришарди. Уларни ўша ерда тез ёки секин ажал кутарди. Охири доимо бир хил бўларди. Зондеркоманда дараҳтлар орасида узунлиги эллик ва чукурлиги уч метрча ҳандақ қазишарди. Улар ёнида лейтенант Арльт кўмондонлиги остида Ваффен-СС взводи пойлаб туарди. Ҳар бир аскарда тўппонча билан йигирма бештадан ўки бўларди; сал нарироқда кўшимча ўқ-яроклар солинган қутилар туарди. Ҳандакдан тахминан икки юз метрча нарида латвиялик полицайлар сокчилик қилиб, битта ҳам қурбон қочмаслиги ва биронта гувоҳ ёнларидан ўтиб кетмаслигини кўриклишарди.

Юк машиналаридан туширилган одамлар – эркаклар, аёллар ва болаларни – ички кийимларида қолгунларича ечинишга ва эгниларидаги ҳамма кийимларини топширишга мажбур қилишарди. Уларни йигирма кишилик гурух билан,

күриклаганча, ҳандак четига олиб бориб, олдинга қараб сафланишларини буюришарди. Ҳар бирининг орқасида эсесчи турарди. Буйрукка биноан, курбонлар бошларига ўқ узишар ва улар чукурга қулашарди. Кейин навбатдаги гурухни олиб келишарди. Ҳаммасини тинчтишгач, аскарлар ҳандак چеккасида ўрнатилган пулемётдан ҳали қимирлаётгандек туюлган жонсиз таналарга карата ўклар ёғдиришарди. Қисқа танаффусдан сўнг кейинги юқ машинаси етиб келар ва жараён такрорланарди.

Нима сабабдан бу одамлар итоат этишарди? Ҳали бўм-бўш ҳандак ёнига келтирилган энг биринчи курбонлардан бошлаб, то ўз қўшнилари ва дўстларининг мурдалари билан ярмигача тўлганини кўриб, отилган ўқ овозларини йашитган энг охиргиларига қадар, – нима учун улар тобеларча олдинга юриб, қаторга турган ҳолда ўзларини отишларига йўл кўйишган? Нима, улар шу даражада қўрқканларми? Эҳтимол, тақдирга тан бергандирлар ёки экзистенциал лоқайдликка тушиб колганмиканлар? Балки то бошларига тўппонча тиralгунига қадар энг сўнгги лаҳзагача ўқ отилмаслиги ва улар қандайdir тарзда кутулиб қолишларига умид қилишгандир? Гарчи узокқа қочишини ҳеч ким эплай олмаган бўлса-да, қочишига уринган ҳолатлар камдан-кам бўлган; бироқ ажабланарли жиҳати шундаки, асосан курбонлар ажалга қарши хотиржам боришган.

Кичик Тростенеца ҳеч қандай назоратсиз зўрлик ёки бошқа жойларда рўй бергани каби оммавий киргингларга хос эйфория ҳолатлари бўлмаган, масалан, Айнзацгурӯҳлари гўдакларнинг бўйинини қайириб синдирганча, чукурга иргитишган, қотиллар эса ўз курбонларини ўлдиргач, хохолаб кулганлар... Бу ерда эса қатллар совуккон, тинч ташкил этилганди.

Шунда ҳам аскарлар чидай олишмасди. Ҳатто мана шу одамларда ҳам чексиз қон тўкилиши ва айбдорлик ҳиссидан виждан азобига ўхшаш ҳолат вужудга келарди. Ўз

хиссиётларини бироз жиловлашлари учун Арльтнинг одамларига ароқ беришарди, лекин бу ҳам ёрдам бермасди. Мана шу сабабли СС қўлларни қонга ботирмасдан, одамларни йўқ килишга имкон берувчи муқобил услубларни эксперимент қила бошлишди. Шу тариқа иккинчи, секин қатл қилиш услуби вужудга келди, у ҳам шунингдек, Кичик Тростенеца қўлланди.

Июнь ойининг бошларидаги ўша ерда кўчма газ фургонлари пайдо бўлди. Уларнинг сони учта эди – иккитаси “Даймонд” юк машинаси ва битта илгари мебел ташиган катта “Ставер”. Маҳаллий белоруслар уни “душегубка” деб аташарди. Кўпчилик яҳудийлар ҳамон аввалгидек ҳандаклар ёнида отиларди, лекин бир қисми – ҳар бир поезддан тахминан 200-300 одам – газ фургонларига жунатиларди. Минск вокзалида одамларни ажратишарди; кимларнидир оддий юк машиналарига, бошқаларни эса – газ камераларига ортишарди, унга курбонларни шу қадар зич тўлдиришардики, улар кўпинча бир-бирларини эзиб кўйишарди.

Маҳбусларни отиб бўлишганидан кейин газ фургонларини ўт олдириб, далага ҳайдашар ва мурдалар билан тўлган ҳандак ёнида тўхтатишарди. Ҳайдовчи ёки унинг ёрдамчиси пўлат листлар билан қопланган фургон кузови ичига газ чиқариш кувурига уланган шлангни тортиб қўярди. Кейин мотор юргизиларди; ичкарига қамалган одамлар ваҳимага туша бошлар, фургон титрар ва чайқалар, ичкарида беаёв кураш содир бўларди, у ердан бўғик қичқириклар ва бортга урилган овозлар чиқарди. Тахминан чорак соатдан кейин овозлар пасайиб, ўчар, фургон силкинишдан тўхтар ва жим бўлиб қоларди. Кейин кузовни очишарди. Ўлим олдидан эшик ёнига тўпланганларнинг жонсиз жасадлари ерга куларди. Зондеркоманда аъзоси, яҳудий маҳбус ичкарига кириб, қолган мурдаларни чиқарар ва чуқур ичига ташларди. Кузовнинг ичидаги даҳшатли манзарани кузатиш

мумкин бўларди: мурдалар қон, қусук ва иchlари ўтган ҳолда ётишар, полда босиб ташланган кўзойнаклар, юлинган соchlар, ҳатто тишлар сочилиб ётарди – одамлар ташқарига чиқишига уриниб, жон аччиғида бир-бири билан ёқалашиб, тишларини синдиришарди.

Фургонни қайтадан ишлатишдан аввал уни лагерь яқинидаги кўлга олиб бориб, кузовни ювишарди. Фургонлар сонининг камлиги ва тез-тез бузилиб қолгани боис, эсэсчилар отиб ўлдиришни давом эттиришарди. Улар ўзларининг оммавий қирғин технологияларини ҳозирча энди ишлаб чиқараётган эдилар.

Ўша куни лейтенант Арльт журналга: “15/6 Венадан минг яхудийдан иборат яна битта поезд келди”, деб ёзиб қўйди. Бўлди. Арльт ўзи ва унинг одамлари нима иш қилишганини ёзиш нияти йўқ эди. Одатий иш куни, шундай иш, у ҳақда ҳеч кимга билдиrmаган маъқул.

* * *

Илиқ ёзги кун Дунай каналининг тинч суви узра кунботарга ботиб бораарди. Даражтлар остидаги сояда оилалар дам олаётган ва сайд қилиб юрган жойга, ўтлари ўсиб кетган соҳилларга болаларнинг қувноқ ва шодон қичкириқлари эшитиларди. Канал бўйлаб дарё трамвайчалари сузар, улар орасида эса енгил қайиқлар сирғаларди.

Тини эшкакларни бир маромда кўтариб ва тушираркан, уларга эътибор бермасди; унинг қулокларида овозлар узокдан эшитилаётган мусиқа билан қўшилиб кетарди. Ҳар сафар эшкаклар сувдан кўринганида, қуёш акси тушган томчилар ҳар томонга сачраб, болалари юзларини ёритарди. Эдитнинг

чехрасида сокин табассум, Фриц билан Герта ҳали жуда ёш, кенжатой Курт эса эндигина йўргакдан чиққанди. Тини жилмайганча, эшкакларга зўр берди ва қайиқ сув бўйлаб илдам сузib кетди. У ҳали болигиданоқ жуда яхши эшкак эшарди. Ўз оиласини ҳам жуда яхши кўрарди. Тина болажон бўлгани сабабли уни ўн икки ёшидаёқ мактабда ўзидан кичикларга ёрдам беришга тайинлашган эди; асраб-авайлаш ва қайғуриш унинг энг суйган касб-кори бўлиб, оналик баҳтига эришганида эса, бу ўзини энг олий мақомда намоён этди.

Сувнинг шовуллаши ва узок соҳиллардан келган тўлқинлар шовқини аста-секин пасаяр, гўё атрофни туман қоплаётгандек ва қайикни оламдан тўсаётгандек бўларди. Эшкакларни эшар, эшар ва у янада нарига сузib кетарди.

* * *

Узок Массачусетсда стол тортмасида Тинининг Куртга ёзган охирги мактуби ётарди. У ёзган олмон тили Куртдан узоқлашиб борарди; болаларнинг мияси янги оламга тез мослашади. У маъносини тушунарди, албатта, лекин сўзларнинг қандай ўқилишини секин-аста, сезиларсиз тарзда унута бошлиганди.

Жоним болам Курт... Сенда ҳаммаси яхши эканлигидан жуда баҳтиёрман... Герта доимо сен ҳақингда ўйлайди... Мен ҳар куни сендан хавотирланаман... Герта сени бағрига босиб, ўпичлар юборяпти. Мингларча ўпичлар онангдан. Сени жудаям яхши кўраман.

* * *

Ўша куни зондеркоманда ҳандакни кўмиб ташлаганидан кейин, сокин арчазорга зулмат чўкди. Кушлар инларига

қайтдилар, тунги жониворлар буталар орасида югуриб, тинчи бузилган ер устида ғимирлаб қолдилар. Ернинг остида Венада поездга ўтирган тўққиз юз одамнинг жасадлари ётарди. Улар: Роза Кербелъ билан унинг тўрт нафар набиралари – Отто, Курт, Хелен ва Генрих, – кекса Адольф билан Амалия Клингер, беш яшар Алиса Барон, ҳали турмушга чиқишга улгурмаган опа-сингил Иоганна ва Флора Кауфман, Им-Верддан Адольф билан Вита Алтовицер, Тини Кляйнман билан унинг ўн тўққиз яшар сохибжамол кизи Герта.

Уларни Остландда янги ҳаёт кутаётгани ҳамда қачон бўлса ҳам, кунлардан бир кун улар лагерлар ва узоқ ўлкалар бўйлаб тарқалиб кетган ўз яқинлари – эри, ўғиллари, акалари, кизлари билан яна бирлашишларига ишонардилар.

Бирок ҳар қандай аклга, инсонийликка қарамасдан, олам – фақат нацистларгина эмас, балки сиёsatчилар, газетачилар, Лондон, Нью-Йорк, Чикаго, Вашингтондаги факат шахсий манфаатларинигина ўйловчи мешчанлар уларнинг қаршисида эшикни раҳмсизларча шартта ёпиб, келажақдан маҳрум этди.

ЎЛИМ САРИ БОРУВЧИ ЙЎЛ

Ёзги қуёш дарахтлар шохларига сариқ нур таратиб ботарди, улардан ерда қоп-қора соялар ҳар тарафга югуради. Густавнинг кулокларига то у бошқалар билан кўтариб бўлмас ходаларни аравага ортгунига қадар дарахт таналарини арралаётган арраларнинг ғижирлагани ва назоратчиларнинг бақирақчириларни, ўз юрагининг дукурлаши ва ҳансираган товушлар эшитиларди.

У қайсиdir маънода яна лой билан чангдан узокроқ бўлган ўрмонда ишлаттанидан мамнун эди, бироқ разил қасоскор назоратчи Якоб Ганцер уларнинг нафасини ростлаб олишига бир дақиқа ҳам йўл кўймасди.

— Сен, чўчқалар, тезроқ бўлларинг! Нима, тўсинлар у ёкка ўзлари сакраб чиқади, деб йўлляйсанларми?! Қани, чаққонроқ қимиirlаларинг!

Бундай тезликда ишлаш нафақат чарчатарди, балки хатарли ҳам эди. Густав дўстлари билан залворли тўсинни кўтариб, уларнинг оғирлигидан гичирлаб кетган аравадаги бошқа тўсинлар устига қўйиши. Нафасни ростлаш ёки тўсинларнинг думалаб тушиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун бир сония ҳам йўқ, — Ганцер дарғазаб бақираётгани боис, кейингисини тезроқ кўтариш керак. Густав баҳайбат тўсиннинг бир учидан тутди, бошқа асир Фридман унинг тагига еткасини қўйди, қолганлар эса, қўллари билан дарахтни юқорига кўтара бошладилар; улар кучаниб, тўсинни саржин каби тахлаш учун арава борти орқали думалатиши. Ганцер қичкиришда давом этар ва тўсин жойига жойлашиб олмасидан бурун, кимдир қўлларини қўйиб юборди. Бир неча юз килограмм оғирликдаги

баҳайбат түсин ўз ортидан бошқасини ҳам эргаштирганча думалаб тушди.

Түсин Густавнинг кўли устидан думалаганида, унинг мияси бармокларидаги кучли оғрикка ҳали жавоб беришга улгурмасиданоқ, иккинчи түсин Фридман иккисининг устига тушиб, йикитди ва юкоридан қисиб кўйди.

Густав ерда нафас етишмай, худди тўғноғичга қадалган капалақдек чалқанча ётар ва ботаётган қуёшда олтиндек товланаётган дараҳт шохларини кўрарди. Унинг бутун танаси зирқираб оғрир, қулоғида бакириқлар, ингрок ва сўкинишлар жарангларди. Кейин унинг кўзи олдида йўл-йўл камзуллар липиллади, кимларнингдир қўллари тўсинни кўтариб; унинг устидан олишди, лекин Густав барибир кимирлай олмади. У атрофга аланглаб, бошқалар қонли қўллари ва юzlари билан қандай турдаётганларини, кимдир ерда инграганча букчайиб колганини кўрди. Унга жуда якин ерда Фридман харакатсиз ётар ва оғир нафас оларди; унга тўсиннинг каттароқ қисми тўғри келган бўлиб, кўкрагини босиб қолганди. Унинг оғзидан қон сизиб чиқарди.

Бир неча қўллар Густавни кўтариб, ўрмондан олиб кетишиди. У оғриқ ичида атрофида дараҳтлар қандай липиллаётгани, коронги тушаётгани ва осмон қандай тебранаётганини кўрар, уни кўтариб бораётган эркаклар қандай бўғилганча, уришаётганларини эшитарди. Мана, улар лагернинг дарвозасидан ўтишди, кейинги дақиқада эса у лазаретда эди ва уни тахтага ётқизишиди.

У билан бирга ўша гурухдан яна етти киши: кимнидир кўтариб, кимдир ўзи судралиб келди. Фридманни энг охирида замбилга солиб кўтариб келишиди. У кимирломасди; унинг

кўқрак қафаси эзилиб, умурткаси синганди. У каравотда ўлим талвасасида ётарди.

Густавнинг ҳам кўкраги жиддий шикастланган, синиб кетган бармоқлари оғриқдан ловулларди. Лотерея охир-окибатда унинг учун маглубият томонга бурилди, эртами-кечми ҳар кимнинг бошига тушарди. У қайсиdir муддат енгишга эриша олганди, бироқ ўйинда қолиш учун сени қанча мажбурласалар, енгилиш шунча аниқ бўлиб бораверади. Оғир ярадорлар энг ачинарли ахволда эдилар. Уларни венасига шифокорнинг игнасида фенол билан гексобарбитал юбориш кутарди, кейин эса, крематорий кувуридан тутун чиқади, вассалом.

Фридман шикастланишлардан тезгина ўлиб кўя қолди. Қолган енгилроқ яраланганиларнинг кўпчилиги лазаретдан тез кунда чиқиб кетишиди. Густав эса қолди. Кун ортидан кунлар ўтар, у эса II операция хонаси ёнидаги кичикроқ палатада ётарди. Агар у бу хонада нима билан машғул бўлишларини аввал билмаган бўлса, энди тушунганди. II операция хонаси ажал инъекцияларини юбориш учун мўлжалланганди, у ётган палата эса, ўлимдан олдинги кутиш дахлизи эди.

Густавни қайсиdir муддат тинч қўйишиди. II операция хонасига ҳар замонда қайсиdir бемор ёки майиб-мажрух асири олиб кириб кетишар ва у ўша ердан қайтиб чиқмасди. Доктор Густавнинг ёнидан ҳар сафар ўтиб бораркан, унга кисқа нигоҳ ташлаб қўярди; у ҳаддан ташқари оғир яралангани боис, вакт кетказиб ўтиришмасди. Ўзи ўлай деб турган маҳбусга ўлдирувчи укол сарфлашнинг нима ҳожати бор? Лекин Густав Кляйнман яшаб қолиш учун қандай иродага эгалигини доктор билмасди.

Гельмут исмли санитарлардан бири, доктор ёнида бўлмаган чоғларда, Густавни секин-аста парваришиларди ва у, гарчи кечаю кундуз оғриқдан азобланса ҳам, ҳаётга тирмашишни давом

эттиарди. Секин-аста оғриклар ортга чекинди ва олти ҳафтадан кейин у анча тузалиб қолди. Густав ҳали ҳам пичоқнинг тифи устида юрарди: транспорт командасида тугул, ҳатто лазаретда ҳам ишлашга унинг ҳоли келмасди, шу боис у ортиқча оғиз хисобланарди. Уни йўқотиш учун ҳар бир лаҳзада орқага, II операция хонасига қайтаришлари мумкин эди.

Унинг ҳаётини дўстлари билан аввалги касби асраб қолди. Маҳбусларнинг дўсти бўлган назоратчининг бир оғиз гапи билан Густавни ўқ-аслаҳалар ишлаб чиқарадиган фабрикага ўtkазишиди. У ерда ўқлар, гильзалар, самолётлар учун эҳтиёт кисмлар ясалар, шунингдек, юқ машиналари кўчма ошхонаси учун қайта жиҳозланарди. Густав мебел ясъвчининг ишини қўлга киритди. У тузала бошлади.

Лагерга келган қунидан бери – аслида, Аншлюсдан кейин биринчи марта – Густав ўз иши билан шуғулланарди. У жуда баҳтиёр эди. Иш унга оғирлик қиласа ва у яхши дўстлар орттирган эди. Унинг бригадири Петер Керстен исмли олмон сиёсий маҳбуси бўлиб, коммунистик партиянинг собиқ шаҳар маслаҳатчиси эди – “жуда ҳам жасур инсон, – деб ўйларди Густав, – у билан биз жуда яхши чикишиб кетдик”. У ҳатто транспорт колоннасида бирга ишлаган веналик дўсти Фридль Люстигни ҳам жой билан таъминлаб бера олганди. Уларнинг биргалиқдаги жуда ажойиб кичик компанияси вужудга келди.

Бу октябрнинг бошларига қадар шу тариқа давом этди. Кейин эса, гўё қисқа уйғониш ва бир култум тоза ҳаводан симиришдан сўнг, даҳшатли туш яна тикланди. Ҳамма нарса тўсатдан ва ҳалокатли тарзда ўзгариб кетди.

Фриц ўз ёрдамчиси билан оғир цемент кашакни кўтариб, дераза ўрни устидаги девор урилган жойга авайлаб қўйишиди. Фриц унинг текис ётганини текширди.

Ўтган икки йил мобайнида Роберт Сивертнинг назорати остида унинг қурувчилик малакаси сезиларли равишда яхшиланди. У гишт билан тош теришнинг барча турларини, суваш услубларини ва умуман қурилиш маҳоратини эгаллаб олди. Ҳозир Сивертнинг бўлинмаси янги Густлофф-Веркелини барпо этиш билан машғул эди. Мазкур фабрика эсесчилар гаражи мажмуасининг рўпарасида, “Конли йўл” ниҳоясида қурилаётган эди. У ерда танклар ва ҳаво ҳужумига қарши комплекслар учун стволлар, шунингдек, бошқа курол турлари тайёрланиши мўлжалланаётган эди. Ташки деворлар деярли битган ва Фриц энди баҳайбат деразалар билан машғул эди. Икки деразага бир кун вақт кетарди: у ойна ўйикларини текислар, ўйиклар устига кашаклар кўяр ва уларни жойида мустаҳкамларди – бу ишга билим ва катта аниклик керак бўларди.

Унинг ёрдамчиси Макс Умшвейф Бухенвальдда нисбатан янги, лагерга ўтган йили ёзда келганди. Веналик озғин яхудийнинг чехраси ақлли бўлиб, у Испанияда Интернационал бригадада фашистларга қарши жанг қилганди. Мағлубиятга учраганларидан кейин уларни дўстлари билан бирга Францияга жўнатиб, куролсизлантириши; 1940 йилда Венага қайтгач, уни гестапо машҳур антифашист сифатида ҳибсга олди. Фриц унинг испан уруши тўғрисидаги ҳикояларини тинглашни яхши кўрарди, лекин у нима учун гестапочилар ҳибсга олишларини билиб туриб, Австрияга ўз хохиши билан қайтиб келганига сира тушунолмасди.

Кашакни сувоқчилар белчасининг тутқичи билан уриб, текшириб кўргач, Фриц тез ҳаракат қилиб ва чаққонлик билан қоришма билан қотириб мустаҳкамлади. У юкорида, ҳавозада ишлашни яхши кўрарди. Пастда гиштлар билан қоришма ташиб юрган маҳбусларни эсесчи назоратчилар доимо уриб, таҳқирлашарди, бироқ улар юкорига, ҳавозаларга ҳеч қачон

чиқмас эдилар. Кашакнинг қандай жойлашганини кўриб, мамнун бўлган Фриц бироз дам олиб, оёқ-кўллари чигилини ёзмоқчи бўлди. Юқоридан ниҳоятда гўзал манзара кўзга ташланарди. Узокда Веймар атрофи ва шаҳарни куршаган далалар кўринарди.

Сўнгги ойларда Фриц бошидан кўп нарсларни ўтказишига тўғри келди. Лео Мозесни олиб кетишиди, отаси ўлиб қолишига сал қолди, унинг кўплаб дўстларини СС қийнаб ташлади. Бироқ энг ёмони, онаси билан Герта ҳақидаги хабарлар ва уларнинг кейинги тақдирига оид ноаниклик бўлиб чиқди.

У ўйланиб, хаёл суриб ўтирганида, пастдан чақирган овоз эшитилди:

«

- Фриц Кляйнман, қани, пастга туш-чи!

У нарвондан пастга тушди ва ишчилардан бири ўзини кутиб турганини кўрди.

- Сени назоратчи чақиряпти.

Роберт Сиверт уни худди ўша жиддий, хўмрайган чехраси билан кутиб олди. У Фрицни секин четта олиб ўтди, қўлини унинг елкасига кўйиб, кейин оталарча бағрига босди. Сиверт авваллари ҳеч қачон бундай қилмасди ва Фриц ёмон янгиликлар борлигини тушунди.

- Раҳбарият Освенцимга ўтказаётган яхудий маҳбусларнинг рўйхати тузилди, — деди Сиверт оддийгина. — Улар орасида отанг ҳам бор.

Бу хабардан Фриц эсанкираб, ҳаяжонланиб кетди, у бундай изтиробни ҳали ҳеч қачон ҳис этмаганди. Освенцим нима эканини ҳамма биларди, у — босиб олинган ҳудудда СС барпо этган ўлим лагерларидан бири эди. Буженвальдда мана бир йилдан бери ҳар хил гап-сўзлар юарди: катта оламдан келган

янгиликлар ва миш-мишларга кўра, шунингдек, лагернинг ўзидаги содир бўлаётган ҳодисаларга биноан, яхудийлар драмаси ечимини топмоқда, нацистлар эмиграция қилолмаган ва аввалроқ ҳалок бўлиб улгурмаганларнинг ҳаммасини йўқ қилишмоқчи, деган холосага келса бўларди.

Баҳорда айрим лагерларда курилган газ камералари тўғрисида гаплар чиққанди, уларда бирваракайига юзларча одамлар ўлдириларди. Шундай лагерлар қаторига Освенцим ҳам кирганди. У ерга ўтказилиш фақат бир нарсани билдиради.

Сиверт нималарни билиб олганини сўзлаб берди. Рўйхат анча узун эди: унга Бухенвальдда тирик қолган деярли ҳамма яхудийлар киритилган бўлиб, фақат Густлофф фабрикаси курилишида иштирок этаётган Фриц каби маҳбусларгина бундан мустасно эдилар.

Фриц саросимага тушганча, паришон, кулоғи том битиб турарди; у лагерда отасидан айрилган кўп йигитларни билар ва ўз бошига ҳам шундай кўргилик тушишидан қаттиқ кўркарди.

- Жасоратли бўл, – деди унга Сиверт.
- Лекин отам лагерда муҳим иш билан машғул-ку, – эътиroz билдиради Фриц.

Сивер бошини чайқади. Бу ишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди.

- У ерда ҳамма бор, – деди у. – Курувчи ва ғишт терувчилардан ташқари, ҳамма яхудийлар Освенцимга кетади. Сенинг омадинг келиб қолди.

У Фрицнинг кўзига қараб деди:

- Агар яшашни хоҳласанг, отангни унутишингга тўғри келади.

Фриц сўз тополмасди.

— Бунинг иложи йўқ, — шивирлади у ва шартта ўгирилганча, юқорига, ҳавозага чиқиб, ишини давом эттира бошлади.

* * *

Бухенвальд кўмондонлиги тузган рўйхатда тўрт юздан кўпроқ одам бор эди. Ҳамма лагерлар комендантларига бир неча кун аввал Гиммлердан буйруқ келди: шахсан фюрернинг фармойишига кўра, герман ерида жойлаштган ерларда битта ҳам яхудий қолмаслиги керак эди. Барча ҳудудий маҳбусларни собиқ Польша ҳудудидаги лагерларга, айнан Освенцим билан Майданекка кўчириб ўтказиш керак эди.

Бухенвальдда қотилликлар, бошқа ерга ўтказишлар ва эвтаназиядан омон қолган ҳаммаси бўлиб 639 яхудий қолган эди. Улардан 234 киши фабрика қурилишида ишларди; ҳозирги вактда улар лагерда қолишар, қолганларни эса Освенцимга олиб кетишарди.

Фриц билан Роберт Сиверт гаплашганидан бир неча кун ўтгач, 15 октябрь пайшанба куни кечкурун барча яхудий маҳбусларга майдонда сафланишини буюришди.

Улар нимани кутишни билишарди ва ҳаммаси Сиверт башорат қилганидек бўлиб чиқди. Фриц барча тажрибали ишчиларни рақамлари бўйича қандай чақираётганларини эшишиб туради. Уларга ҳозироқ баракларига қайтишларини буюришди. Фриц отасини майдонда қолдирганча, бошқалар билан бирга ўз жойига қайтаркан, кўркув билан газабдан бутун ичи ағдар-тўнтар бўларди.

Густав билан қолган яхудийларни бошқа лагерга ўтказишаётгандаридан боҳабар этишди. Шу лаҳзадан бошлаб уларни бошқа асиrlардан ажратиб қўйиши. Атайлаб шу максадда бўшатиб қўйилган 11-баракка яхудийларни ҳайдаб, лагерь билан ҳар қандай алоқадан уларни маҳрум қилиб, қамаб қўйиши. Улар транспорт келишини кутишлари зарур эди.

* * *

Фриц ўша оқшом сира тинчланолмасди ва отасини ҳукм қилингандар орасида турганча қолдириб, майдондан қандай кетганини тинимсиз равишда эслайверарди. Айрилиққа чида бўлмасди. У туни бўйи тўлғониб чиқди. Фриц Роберт Сиверт доно маслаҳат берганини ва унга факат яхшилик тилаганини: у омон қолиши учун отасини унугашга харакат килиши кераклигини биларди. Бироқ у бундан кейин қандай яшашини сира тасаввур килолмасди. Онаси билан Гертадан қўркувлари шундоқ ҳам уни чорасиз аҳволга соларди; мабодо отасини ўлдириб қўйиши, Фриц қандай яшашни давом эттиришни ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди.

Эрталаб Фрицнинг бараки бўйлаб шундай гап тарқалди: 11-баракдаги уч маҳбусни тунда лазаретга олиб бориб, уларга ўлдирадиган укол қилишган эмиш. Миш-миш ёлғон бўлиб чиқди, аммо Фрицга сўнгги якуний қарорга келишига кўмаклашди.

Эртасига эрталаб йўқлама олдидан у Роберт Сивертнинг ёнига борди.

— Сизнинг алоқаларингиз мавжуд, — деди у. — Лагер штабида ишлайдиган дўстларингиз бор.

Сиверт бош иргади: албатта улар бор эди.

— Керакли одамлар билан гаплашиб, мени Освенцимга ўтказиладиганлар рўйхатига киритиш зарур.

Сиверт даҳшатта келди.

— Сен сўраётганинг – ўз жонига қасд қилишнинг ўзи. Ахир сенга айтдим-ку, отангни унтишига ҳаракат қилгин, – деди у. – Бу одамларнинг ҳаммасини газ камераларига жўнатишади.

Бироқ Фриц ўз фикрида событ эди.

— Ҳар қандай ҳолда ҳам, отам билан бирга бўлишни истайман. Бундан кейин отамсиз яшай, олмайман.

Сиверт уни қайта ишонтиришга роса уринди, бироқ бола ўз гапида туриб олди. Йўклама тугагач, Сиверт комендантуринбосари, СС лейтенанти Макс Шобертга мурожаат қилиб, бир нарсаларни тушунтириди. То маҳбуслар ишга кетиш учун сафлангуналарига қадар чақирув янгради:

— 7290 рақамли маҳбус, дарвозага!

Фриц Шобертнинг ёнига борди, у нима хохлаётганини сўради. Бу ортга қайтиб бўлмас нуқта эди. Фриц топи қотган кўйи отасидан айрила омаслигини тушунтириди ва Освенцимга у билан бирга жўнатишларини расмий тарзда сўради.

Шоберт елкасини қисиб қўя қолди; қанча яхудийни йўқ қилишга жўнатишлари унга барибир эди ва у розилигини билдириди.

Фриц биргина сўзи билан ақлга сиғмас ишни амалга ошириди: ўзини куткарилганлар рўйхатидан ўчириб, хукм этилганлар орасига ўтди. Уни соқчи ҳамроҳлигига 11-блокка олиб боришиди. Эшик очилиб, уни ичкарига итариб юборишиди.

Икки юз кишилик барак одамларга лик тўлганди. Фриц йўлйўл пойжомали турган, ўтирган, ташқарида нималар рўй берадётганини кўришга уринганча, деразалар олдида уймаланиб турган зич одамлар оммаси орасида тикилиб қолди. Фрицнинг ортидан эшик ёпилгач, ўнларча чехралар унга қараб ўгирилди. У ерда унинг дўстлари ва устозлари бор эди – кўзойнак тақкан килтирик Стефан Хейманнинг одатдаги ажабланаверадиган юзи энди ҳайратни ифодаларди; унинг оғайниси Густль Херцог; жасур австриялик антифашист Эрих Эйслер ва бавариялик Фриц Зондхейм... Бу ерга унинг нима учун келганини билганларида, ҳайронлик даҳшат билан алмашди. Улар худди Сиверт каби қаршилик қўрсатишди, ғазабланишди, бироқ Фриц уларни итариб ўтиб борганча, отасини изларди...

... ва топди – тўда орасида озғин, сокин, меҳрибон кўзли, ажинли таниш чехрани кўрди. Улар бир-бирининг бағрига отилиб, хар иккаласи қувончдан йиглаб, қучоклашиб олишди.

Ўша куни кечкурун Роберт Сиверт Фриц билан гаплашиб олиш учун келди; у ўз хоҳиши билан ўтказишларини талаб килгани ҳакидаги қоғозни имзолаши керак эди. Улар оғир айрилдилар: Фриц ўз ахволи, курувчилик малакалари, сўнгги икки йил ичидаги тирик қолгани билан Роберт Сивертдан қарздор эди.

17 октябрь шанба куни эрталаб, икки кунлик кутишдан кейин Польша, Чехия, Австрия ва Германиядан келган тўрт юз беш нафар яхудий маҳбусни бугун лагердан жўнатишларидан боҳабар этишди. Ўзлари билан буюмларни олиш тақиқланарди. Уларга йўлда ейишлари учун атиги бир бўлакдан нон тарқатишди ва кўчага олиб чиқишли.

Лагерда ҳатто эсесчиларнинг ҳам кайфияти ниҳоятда кайгули эди. Бундан олдинги маҳбуслар гурухини сокчилар

масхаралар, ҳақоратлаб, устларидан кулганча олиб кетишиганди, бирок бу түрт юз яхудий дарвозадан жим-житлиқда чиқиб кетишиди. Вазият үзгарған – қандайдыр тақдирі азалда битилған нималардир содир бүлар, унга енгил-елпи муносабатда бўлишнинг иложи йўқлигини ҳамма тушунаётгандек туюларди.

Дарвозадан нарироқда уларни автобуслар колоннаси куттарди. Густав билан Фриц маданий шароитларда, кулагай үриндиқларда ўтириб, роппа-роса уч йил, икки ҳафтау бир кун илгари ўлгудай кўркиб, юргурганча босиб ўтишган ўша “Конли йўл” бўйлаб кетишарди. Веймар вокзалида уларни ҳар бирига кирк кишидан юк вагонига чиқаришиди. Вагондаги тешик-ёриқларга ҳеч ким қочиб кетмаслиги учун кўшимча тахталар кокишиди.

Поезд йўлга тушди: вагонда кетаётган Фриц билан Густав – улар билан бирга Стефан Хейман, Густль Херцог ва жуда кўп дўйстларининг кайфиятлари жуда ёмон эди. Кундузги ёруғлик вагон деворларидаги майда ёриқлар орқали сизиб ўтар, Густав эса қолганлар кўриб қолмаслигига ҳаракат қилиб, ўз блокнотини чиқарди. Бошқа лагерга ўтказишлари ҳакида олдиндан билгани боис, уларни изоляция блокига юборишларидан аввалроқ у ёндафттарчасини кийимлари орасига яшириб жойлаштириб қўйганди. Титилиб кетган кичкина ёндафттарча унинг ақлдан озмаслигига ёрдам бериб, унинг ҳозирги ҳәёти ҳақида хикояларни сакларди, ундан ажраб қолишини истамаган бўларди. Лекин модомики Фриц ёнида экан, Густав ҳамма нарсага тайёрлигини ҳис қиласарди.

“Ҳамма бизни ўлимга олиб кетишияпти, дейди, – ёзарди у, – лекин биз Фриц билан иккимиз қўлни ювиб, қўлтиққа тиқмасликка ҳаракат қиласамиз. Мен ўзимга такрор айтаман, инсон бир марта ўлади”.

Учинчи қисм

ОСВЕНЦИМ

ОСВЕНЦИМ НОМЛИ ШАҲАРЧА

Бошқа поезд, бошқа вақт...

Густав қовоқлари орасидан нури ўтган күёшдан уйғониб кетди ва эркакларнинг ифлос ва терлаган таналаридан чиққан бадбўй ис, тамаки, тери ва машина мойи ҳидини янгидан сезди. Кулокларида вагонлар ғилдираклари тинимсиз тақиллаши ва овозлар ўрнашиб қолганди. Йигитлар, гарчи, эҳтимол, ўлимга кетишаётганини билишса ҳам, кайфиятлари яхши эди. Густав буюмхалта устида нокулай жойлашганча, увишиб қолган бўйинини ишқади ва ёнида полда ётган милтигини тимирскилаб топди.

У ўрнидан турди-да, вагондан бошини чиқариб, юзига урилган илик ёз шамолини сезди ва локомотив тутуни орасидан ўтган ўтлоклар ифорини симирди. Ёнидан учиб ўтаётган буғдойзор далаларда олтин бошоқлар ҳосили пишарди. Узоқда черков минораси осмонга бўй чўзган, унинг ортида Бескид тоғлари, яна нарироқда – жодугарлар тоғининг ғаройиб шамойиллари кўринарди. Бу унинг болалиги ўлкаси эди. У Венадан ўтказган олти йилдан кейин гўё жонланган хотиралар каби сехрли туюларди.

Австрия империяси армиясига Густавни 1912 йил баҳорида, йигирма бир ёшга тўлганида чақиришганди. У Галицияяда туғилгани боис, Краков атрофида жойлашган 56-пиёдалар полкига тушганди. Мехнаткашлар орасидан чиққан кўпчилик ёш йигитлар армия хизматидан хурсанд бўлишар, чунки бу уларга оламни кўришлари учун имкон берар ва анча тузук шароитларда

яшашларига түғри келарди ҳам. Улардан күплари саводсиз, кам маош тұланадиган ишларда ишлаб, ҳеч қачон құшни қишлоқдан ҳам нарига чиқиши маганди. Галицияда күплар олмон тилида гаплашмас, ҳатто соат неччи бўлганини ҳам айттолмасдилар. Густав қолган чакирилганлар орасида ажралиб турарди: у Венада яшаб улгурган, олмон ва поляк тилида гаплашарди, лекин мебель устасининг шогирди бўлиб ишлар ва қашшоқ эди, армия эса бу маънода маълум барқарорликни кафолатларди. Ташки жиҳатлар ҳам таассурот қолдиради: Австрия империяси ва унинг армиясида гусарлар ва драгунлар ёрқин, башанг либослар кийиб ва қўшинлар узра хилпираган икки бошли бургут билан безалган байроқлар кўтарилиган серҳашам парадлар ўтказиш анъаналари сакланиб қолганди.

Густав учун ҳарбий хизмат жонажон ўлкаларига қайтиши билдиради, бу ерда Бескид тоғларидан шимолда, қадрдон қишлоғи билан Освенцим шахри оралигидаги гарнizonда икки йилни ўтказиши керак эди. Освенцим – прусс чегарасидаги чиройли ва гуллаб-яшнаган, бироқ ҳеч қандай кўзга ташланадиган жойи бўлмаган шаҳарча эди. У икки йил казармаларда яшади, вакти-вакти билан дала машқлари ва манёврларга чиқди. Кейин эса, 1914 йилда икки йиллик хизмат тугагач, бўшаб, ўз фермалари ва устахоналарига қайтмоқчи бўлиб турғанларида, уруш бошланиб кетди.

56-полкни 12-пиёдалар дивизияси қолдиклари билан бирга темирийўл вокзалига жўнатиб, у ердан Пшемисльга олиб боришиди, шу ердан руслар худудларига хужум бошлаш режалаштирилган эди. Густав ўртоқлари билан бирга, оғир юкхалталарини орқаларига осиб, оркестрнинг жанговар маршлари изжроси остида, кўркам кулранг, кўкси яшил мунидирларда шаҳдам одим ташлар, йўл чеккасидаги қизлар кўл силкишларига мўйловларини бураб, жилмайганча, фақат ёшлик

даврида бўладиган мамнунликни ҳис қилишарди. Улар русларни Санкт-Петербургнинг ўзигача ҳайдаб бормоқчи эдилар.

Беш кундан кейин уларнинг қадамларидан ўт чақнамай кўйди: юк ортиладиган вагонларда юриб, йигирма килограммли юхалталар билан оғир қишики кийимлар, улар устига ортилган ўқ захиралари, белкурак ва бир неча кунга егуликлар, милтиклар қайшидан эзилган елкалар ва қадокдан қонаб кетган оёклар бунга таъсир қилди. Капрал Густав Кляйнман ва унинг взводдаги ўртоқлари сира ҳам жанг ҳақида эмас, фақат кечки овқат билан каравот тўғрисида орзу қилишарди. Бироқ уларнинг орзуларидағи ҳеч нима насиб этмади. Улар Люблин шаҳрига харакатланиб боришарди, у ерда шимол тарафдан яқинлашаётган прусс авангарdlари билан бирлашиш кўзда тутилганди. Чап флангдаги полклар русларнинг зўр бериб кўрсатган қаршиликларига учраб, жиддий йўқотишлар қилдилар, бироқ 56-полк жангларда қатнашмади – улар шунчаки руслар худудлари ичкарисига юраверишиди.

* * *

Густав яраланган оёғини кулайроқ жойлади. Галиция аёзлари деразалар ойналарига муздан гул чизган, ерда қалин кор ётарди. Жазира маънос куз ва лаънати киш келди. Гарчи рус армияси бетартиб тарзда чекинаётган эса-да, Австрия қўшинлари кўмондонлиги жуда расво иш юритар, Германия эса деярли ёрдам бермасди. Тез орада руслар кучларини тиклаб, ўз ерларини жанг билан тозалай бошладилар. Австрия қўшинлари бутун фронт бўйлаб мағлубиятга учрадилар.

Аҳоли ваҳимага тушиб қолди, темирйўл вокзаллари ва йўлларда кочоклар тўда-тўда бўлиб тўпланишарди. Ҳаммадан кўп яхдийлар қўркишарди. Чор Россиясининг антисемит

конунлари ҳаммага маълу эди. Аслида Галициядаги яхудийларнинг кўпчилиги русларнинг вайронгарчиларидан қочиб кетишганларнинг авлодлари эди. Рус армияси олдинга харакатланиб, яхудийларга тегишли мол-мулклари, пулларини тортиб олишган. Яхудийларни давлат лавозимларидан ҳайдаб, айримларини эса гаровга олиб, Россияга жўнатишарди. Қочоқлар гарбга ва жанубга, Австро-Венгриянинг юрагига йўл олишди. Аввалига улар Краковда бошпана излашди, бироқ куз ойида у ҳам хавф остида экани маълум бўлди, шу боис қочоқлар Венага бориб колишиди. Ҳокимият улар учун Вадовица ва Освенцимда қўналғалар ташкил қилдилар.

Нихоят, австриялик кучлар – Густавнинг 56-пиёда полки – русларни тўхтатиб қолишига эришди ва энди фронт чизиги Краков яқинидан ўтарди. Армия окоплар қазиб, отишмалар, рейдлар ва умидсиз ҳужумлар билан чарчатадиган кураш бошланди. Янги йилга яқин Густав ўртоқлари билан Краковдан жануби-шаркқа томон юз километр наридаги Горлица шахри яқинидаги фронт чизигида эдилар. Уларнинг траншеялари унча чукур бўлмаган ариқларни эслатар ва биргина тиканли сим билан муҳофазаланган бўлиб, душман армиясидан озгинагина ер йўлаги ажратар, у ҳам рус артиллеријаси томонидан тинимсиз ўқка тутиларди. Душман эски қабристондаги тепаликка жойлашиб олиб, шаҳар ва унинг атрофидаги ерларни эгаллаб турарди.

Улар ўша ерда бутун қаҳратон қишини ўтказдилар. Густав чап елкасидан ўқ тегиб, ярадор бўлганида, бир жиҳатдан, ҳатто суюниб кетди. У қандайdir муддат Бельско-Бялодаги ёрдамчи госпиталда ётди, январнинг ўрталарида эса, Освенцим ёки олмончасига Аушвиц шаҳарчасида захира госпиталига келиб қолди.

Мазкур шаҳар унга болалигидан таниш эди. Тинчлик пайтида бу чиройли уйлар ва сайёхларни жалб этадиган кўхна гўзал яхудийлар мавзеси бор ёкимли жой эди.

Густав учун яраларининг оғриғидан ҳам кўра, ўртоқларидан айрилиши анча азобли кечди, улар аввалгидек фронт чизигида қолишганди. У хизматдан бош тортмокчи эмасди: ярадорлик уни мажруҳ қилмади ва унинг келишган қад-қомати, бежирим тана тузилиши, йирик кўзлари ва шалпангқулокларига қарамай, у ўзини жуда яхши аскар сифатида намоён этди, ҳарбий кийинчиликларга ҳам, яқиндагина яраланганига ҳам ҳайратланарли тарзда сабру бардош берди.

Лекин ҳозир у ҳамшираларнинг пастроқ одимлаб юришлари ва шивирлашиб сўзлашишларини эшитган кўйи сокинликдан хузурланарди.

* * *

Қабртошларга теккан ўқлар улардан тош зарраларини учирганча, Густавнинг юзига уриларди. У бошқа аскарлар билан биргалиқда қабристон бўйлаб қадам-бақадам олдинга сурилиб, жанг киласарди.

У атиги бир ой аввал госпиталдан чикқач, дархол ортига, Горлицадаги шаҳар ташкарисидаги тоғ этакларидаги музлаган ҳандакларга, душман қақшатқич қаршилик кўрсатиб, тасодифий отишмалар гирдобига тушди. Кейин эса, 1915 йилнинг 24 феврал куни дивизия русларнинг мустаҳкамлаган позицияларига ҳужум бошлади.

Капрал Густав Кляйнманнинг фикрича, ўша тепаликка ҳужум қилиш ўлимга тикка боришини билдиради. Руслар эгаллаб олган қабристон католикларники бўлиб, мармартошлар бир-бирларига зич кўйилганди. У ростмана истеҳкомлиги боис,

хужум дархол тугатилди. Сержант билан взвод кўмондонининг ўлимидан кейин Густав ўзининг ўнг кўли бўлган капрал Иоганн Алексиак билан янги қурбонлар бўлмаслигининг ўз режасини ўйлаб топди. Ўзлари билан бирга яна икки капрал билан ўн нафар оддий аскар қолган взводни бошқариб, улар душман томонга чап флангдан сездирмай ўтиб, яшириниб олишди. Қабристон худудига кириб олгач, улар қабртошлар ортига яшириндилар. Лекин шу вақтда уларга қаратса отишма бошланди. Улар отишмаларга жавоб қайтарганча, хужумни давом эттиришарди. Руслар кўл гранаталарини иргита бошладилар, Густав билан унинг взводи олдинга харакатланиб, душманни чекинишга мажбур килишарди.

Улар қабристон ичкарисига ўн беш метрга силжиб кирдилар, аммо у ерда қабрлар ҳаддан зиёд зич жойлашгани туфайли милтиқ билан отишнинг иложи бўлмай қолди. Шунда Густав ўз одамларини тўхтатди ва найзаларни ўрнатишни буюрди. Хужумдан қизишиб кетган аскарлар энг охирги қизғин жангга киришдилар.

Режа иш берди: ўзларининг яширинган жойларидан ҳайдаб чиқарилган руслар ўша заҳоти австрияликларнинг найзаларига дучор бўлишарди. Густавнинг фланг хужуми русларнинг асосий мудофаа кучларини чалғитгани боис, колган дивизия қабристон ичига кира олди. Ўша куни улар икки юз рус аскарини асирга олишди, хужум вақтида эса, ҳаммаси бўлиб 1240 нафар асир қўлга тушган эди.

Уруш бошлангандан буён австриялик кўшинлар мағлубиятлари олдида Горлицадаги қабристонни қўлга олиш йирик муваффақият бўлиб кўринарди ҳамда бу уларнинг хизматларига яраша медаллар олишлари ва фельдмаршал фон Хофернинг маърузасида тилга тушишларига сабабчи бўлди. Шу

тариқа ҳарбий тарихда паст рангдаги зобит муҳим жанг йўналишини ўзгартириб юборишга муваффак бўлди.

* * *

Венанинг Россауэр казармалари синагогасида руҳоний Франкфуртер никоҳ ўқиган овози акс-садо бўлиб тараларди. Густав чиройли парад формасида, кўксисда ялтираб турган “Жасорати учун” биринчи даражали кумуш медалини таққанча, ёнида дўстлари билан туради. Унинг ёнидаги келин Тини Роттенштейн оппок тўр ёқали қора пальтода ва кўлларида гулдаста тутганча, юzlари яшнарди.

Горлица қабристонидаги ўша кундан икки йил ўтди. Густав билан Иоганн Алексиак ҳар иккаласи Австрия ҳарбий мукофотларининг энг асосийларидан бири бўлган кумуш медални олишди. Кўмондонлик уларнинг харакатларини “самарали ва бенихоя жасурлик” сифатида икки капрал “ғоят ажойиб тарзда ўзларини кўрсатдилар” дея таърифлади. Ўша беаёв жангда 56-пиёда полкда юздан ортиқ жангчи орден ва медаллар олишга сазовор бўлишди. Ўша кундан эътиборан Австрия армияси русларни Вистула ортига чекинтириб, Галициядан ҳайдаб чиқарди ва Лемберг, Варшава билан Люблинни эгаллаб олди. Ўша йилнинг августида Густав яна яраланди, бу сафар анча жиддий, ўпкаси шикастланганди. Бирок у шундан ҳам тузалиб, яна сафга қайтди.

“Худойим, севишган икки ёшнинг қалбларини шодлантири...
келин билан куёвнинг баҳтини, ўзаро иттифоқлигини бер...”

Руҳоний Франкфуртернинг овози синагогани тўлдирди.

“Худойим, Ўзингдан ўзга илоҳ йўқ, дунёдаги барча мавжудотни эратган Эгам, кувонч билан шодликни, келин билан

куёвни, хурсандчилик, тантана ва хузур-халоватни, муҳаббат ва бирдамликни, тинчлик ва дўстликни барқарор қил”.

У шу сўзларни айтгач, анъанага кўра, Густавнинг олдига ерга ойна кўйди, уни қуёв пошнасида уриб синдириди.

“Табриклаймиз, илойим, омадингни берсин!” – дея қичкириши мөхмонлар.

Рухоний сўзини давом эттириб, Тинига аскар билан никоҳдан ўтишнинг азизлигини эслатди, Австро-Венгрия империясининг яхудий халқига нисбатан меҳри ҳакида гапирди; у янги император Карлни яхудийларга¹¹ нурини сочаётган қуёшга ўхшатди. Тўғрисини айтганда, Австрияда антисемитизм доимо кенг ёйилганди, бироқ Габсбурглар даврида яхудийлар озод этилганларидан кейин, улар яхши яшаб, кўп ютукларга эришдилар. Энди эса, ўз кўллари ва юраклари билан ўзларига йўл қуришни давом эттирмоқдалар.

Густав билан Тини синагогадан янги ҳаётга чиқдилар. Густав ҳали хизматни тутгатмаган эди: у Италия фронтидаги ҳарбий харакатларда иштирок этиб, Австрия билан Германияга уларнинг қонли мағлубиятини чўзиб, яна мукофотларга сазовор бўлиши керак эди. Бироқ у Венага эсон-омон қайтди. Ўша тинчликнинг биринчи йилида уларнинг тўнгич фарзанди Эдит туғилди. Эски империяни ғолиб иттифокчилар бўлакларга бўлиб ташлашди; Галицияни Польшага беришга тўгри келди, Венгрия мустакил бўлди, Австрия эса анча кичрайди. Бироқ Вена маданиятли Европанинг юрагилигича қолди ва Густав ўз оиласи билан ўша жойда яшашга ўз хизмати билан эришди.

Лекин ҳамма ҳам шундай деб ўйламас эди. Австрия билан Германияда урушдаги мағлубиятга яхудийлар айбор, деган гаплар тарқалди. Одамларнинг айтишича, оғир даврларда яхудийлар қора бозорда бойлик орттиришгеч, юноклар фронт

олдида юришгани боис, уларнинг дастидан шаҳарларда озиқовватлар етишмаган, яхудийлар ўз мажбуриятларини бажармай, ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлар, уларнинг ҳукумат билан иктиносидиётта душманларча таъсири эса, Австрия билан Германиянинг орқасидан урилган пичоқ бўлган эмиш. Вена парламентида герман миллатчилари билан Консерватив христиан социалистик партияси антисемит тарғибот олиб борар, газеталар эса, босқинчиликлар билан очиқласига кўрқитишарди.

Бироқ яхудийлар омон қола билдилар. Вакт ўтиб, антисемит ташвиқоти пасайиб қолди ва Вена яхудийлари яна гуллаб-яшнадилар. Баъзан Густавга оиласи билан пул етишмасди, аммо у ҳеч қачон умидсизликка тушмас ва ҳатто социалист бўлиб, барча ишчиларнинг муносаб келажаги ҳамда ўз фарзандларининг яхши яшаши учун курашиш ниятида сиёsat билан машғул бўлди.

* * *

Бошқа поезд, бошқа давр, бошқа олам... шу билан бирга, яна ҳаммаси аввалгидаидай.

Густав поезд билан бир маромда чайқалганча коронгилиқда ўтиради. Вагондаги ҳаво одатдаги ювилмаган таналар, исқирик кийимлар ва ҳожат учун қўйилган челякнинг бадбўй иси билан тўлган, кулоқларда эса тинимсиз овозлар шовқини ўрнашиб қолганди. Ўнларча эркаклар тор жойда тикилиб, базўр ҳаракатланишар, ҳатто ҳожат челаги томонга бориш учун ҳам қолганлар орасидан тикилиб ўтиш керак эди.

Улар Веймарда поездга чиққан вактдан буён икки кун ўтди. Густавнинг кўзи эшик ва тахталар орасидаги ёриклар орқали кирган хира ёруғликка ўрганди ва у кундалигида бир-икки қисқа қатор ёзишга қарор қилди. Афтидан, кун пешинга яқинлашганди

ва дўстларининг юзларини кўриш учун ёруғлик етарли эди: мана Густель Херцог, мана бу эса маъюс Стефан Хейман, мана бу Густавнинг дўсти, Юпп лақабли Феликс Рауш, ана Фриц ўзининг ёшрок оғайнилари, шу жумладан, веналик Паул Грюнберг, унинг тенгдоши, у ҳам Сивертнинг шогирди эди, бироқ ўқишини ҳали тутатмаганди. Улар сувсиз ва адёлсиз ташналиқдан ҳамда совукдан азобланишар, вагонда қайгули кайфият ҳукм суради.

У атрофни куршаган жойларни кўрмас ва исини туймасди, аммо ҳозир улар далалар оралаб, кичик кишлеклар ёнидан ўтиб боришаётганларига ақли етарди. У шу ерларда ўсиб-улғайди, шу ерда ватани учун қон тўқди, энди эса темирийўл бўйлаб шу ерда ўлиш учун сўнгги бор қайтмокда. ॥

У шунчалар умид боғлаган оиласи янчилди ва дунё бўйлаб сочишганча, ўтмишда қолди. 1915 йилда кўксига медаль тақилгандаги умидлари, 1917 йилда Тини билан никоҳдан ўтаётган чоғда пошнаси билан шишани синдирганидаги умидлари, 1919 йилда илк бор жажожи Эдитни қўлга олганидаги умидлари, Истроилнинг Австрияда қайта барпо бўлиши тўғрисидаги умидлар – хаммаси мана шу баҳайбат, беакл, бераҳм машинасининг Буюк Оқсуяклар Германияси томон оғишмай ва бемаъни юриши филдираклари остида чилпарчин бўлди. Буюк Оқсуяклар Германияси ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ва ҳеч қачон мавжуд бўлмайди ҳам, чунки унинг кўр-кўrona пуританлиги давлатни буюк қиладиган барча нарсага қарши қаратилганди. Устига олтин суви юритилган картон тожни бошига кийганча, кийшангләётган актёр ростмана қиролдан қандай фарқ қилса, нацизм ҳам буюклиқдан шунчалар йирокдадир.

Далалар ва олтин тузи кираётган ўрмонзорлар оралаб елиб бораётган поезд юришини секинлаштира бошлади. У ёй бўйлаб юрганча жанубга бурилиб, кичик Освенцим шаҳарчасидаги станцияга кириб борди.

Локомотив тутун буркситганча, юк ташувчи вагонларни перронга судраб келди. Ва тўхтади. Ичкаридаги Бухенвальд асиirlари етиб келдикми ёки йўқми, дея фол очишарди. Соатлар ўтди, аммо ҳеч нима рўй бермасди. Ёруғлик ўчди ва улар зим-зиё зулматда қолишли.

Густав мана шу кўрқинчли соатларда Фриц ёнидалигидан курсанд бўларди. Агар ўғли у билан бирга кетишини сўрамаганида, нима қилишини тасаввур ҳам қилолмасди. Унинг сўнгти умидлари мана шу болада, уларнинг чукур боғланган алоқаларида рўёбга ошгани боис, улар шу пайтгача яшаб келдилар. Мабодо шу ерда ўлиш тақдирларига битилган бўлса, ҳар ҳолда ёлғизликда бўлишмайди-ку.

Ниҳоят, улар ташқарида қандайdir шовқинни эшитиши: вагонлар эшиклари ғичирлаб очилди, буйруқлар бера бошлиши; уларнинг эшиги ҳам четта сурилиб, кўзлари фонарлар ёруғлигидан қамашиб кетди.

— Ҳамма ташқарига чиқсин!

Улар ҳаммаси оёклари шишган ва чарчаган аҳволда пастга тушдилар ва итларнинг ҳуриган товушлари қуршовида ёритилмаган майдончада эканларини кўриши.

— Қани, сафланинглар! Бу ерда биринчи қатор. Тезрок!

Бир неча йиллардан бўён йўқламаларда сафланиб ўрганган бухенвальдликлар тезда қаторларга туриб олиши. Одатий ҳақоратлар ва калтакларни кутиб, улар ҳайрон қолишли – бунга ўхшаш ҳеч нима содир бўлмаганидан озроқ ташвишландилар ҳам. Қуролланган соқчилар вақти-вақти билан бақириб буйруқ беришар, бироқ қаторлар оралаганча янги маҳбусларга тикилиб қараган чоғда, асосан ғалати тарзда босик бўлиб туюлардилар.

Вакт ўтиб борар, маҳбуслар ҳам қаттиқ асабийлашардилар. Соқчи узокроқдалигига Густав Фрицни кучоқлаб оларди.

Густав ушбу станцияда охирги марта 1915 йилда, уни госпиталдан чиқариб, яна ортга олдинги қисмга юборғанларида бўлганди. Бироқ атрофдаги ҳамма нарса нотаниш кўринарди.

Кечки соат ўнлардан сал ўтганда, перронда шаҳдам қадам ташлаган этиклар гумбурлаши лагернинг СС взводи етиб келганидан дарак берди. Уни ўрта ёщдаги, юзи жиддий, хўмрайиб олган, ингичка пўлат кўзойнакли зобит бошқаарди. Бу Освенцим соқчилар ротаси қўмондёни лейтенант Генрих Йостен эди. У янги келганларнинг исми ва рақамларини рўйхат бўйича синчилаб текшириб, кейин баланд овозда уларга қаратадеди:

— Кимда соат ёки бошқа қимматбаҳо буюмлар бор? Тилла борми? Агар бор бўлса, ҳаммасини топшириш керак. Сизларга улар керак бўлмайди.

Ҳеч ким жавоб бермасди. Йостен ўз одамларига бош иргади ва улар маҳбусларни сафга тизиб, перрондан йўлга тушишди.

Улар юк станциясидан тўғрига кетган узун кўча бўйлаб қандайдир саноат бинолари орасидан ва ярми бузилиб кетган тахта бараклар қаторидан ўтишди. Энди Густав нималарни диртаний бошлади.

Улар чапга бурилиб, электр ёруғлиги ёритиб турган дарвоза олдига келиб қолишли; дарвоза очилди, панжара кўтарилиди ва бухенвальдликлар темирдан ясалган арк остидан ўтишди. Унда шундай ёзув битилганди:

МЕҲНАТ ХАЛОС ЭТАДИ

Панжара туширилиб, дарвоза уларнинг ортидан шақирлаб ёпилди.

Энди улар Освенцим концентрацион лагерида эдилар. Улар кенг кўча бўйлаб тартиб билан кирқиленган ўтлар ва катта, мустаҳкам икки қават блокли бараклар орасидан ўтишди; улар Бухенвальддаги СС казармаларини эслатарди, лекин Густавга яна қандайлир узок давлардан танишдек кўринди.

Улар лагернинг узокроқ чеккасидаги бино ёнига етгач, ичкарига кириш буйругини олишди. У ерда ювениш хоналари бор экан. Уларнинг исмларини яна бир бор рўйхат бўйича текшириб, кейин ечиниш хонасига жўнатишиди, у ерда шундай ҳам маҳбуслар тўлиб кетганди. Ҳаммага тиббий кўрик учун кипяланғоч бўлиб ечинишни буюришиди. Кейин эса душга тушиб, ёткxоналарга жойлашишдан аввал кийимларни санитар ишлов учун топшириш керак эди.

Фриц билан отаси бир-бирига қараб кўйишиди, аллақачонлардан буён бухенвальдликларни таъқиб этаётган асабийлик янада ошиб кетди. Улар Освенцимдаги газ камералари тўгрисида нималарни гапиришганларини билишар – баъзан уларни душ хоналари дея ниқоблашарди. Эркаклар эгниларидағи ўзларининг эски, унниқиб кетган форма ва ички кийимларини ечиб, кейин навбат билан кейинги хонага киришарди, у ерда уларни шифокор кўрарди, кейинги хонада уларнинг бошлари, соч-соқоллари бир тукини ҳам қолдирмай, кириб олинарди. Таналаридағи, шу жумладан, жинсий аъзолари устидаги туклар ҳам кириларди. Бит борлиги синчиклаб текшириларди. Фриц оппок девордаги битилган ёзувга дикқатини қаратди: “Битта бит чиқса – тамомсан”

Кейин навбат душга келди. Фриц, Густав ва бошқалар хавотирли нигоҳлар билан эшикдан ичкарига итариб киритиб юборилган ўртокларининг биринчи гурухини кузатишарди.

Дақиқалар секин ўтарди, маҳбуслар хавотирга тушиб колишиди. Фриц босимнинг қандай ошиб бораётганини сезарди, бундан пастрок товушда шивирлаш далолат берарди. Наҳотки уларнинг навбати келган чоғда, чурқ этмасдан бўйсунгандча, тақдирга тан бериб, ажал камерасига киришса?

Тўсатдан эшикдан ҳамма ёғидан сув қуйилиб турган киши кенг жилмайиб қаради.

— Ҳаммаси жойида, — хабар килди у. — Бу ер ростдан ҳам ювиниш хонаси экан!

Кейинги гурухлар ичкарига анча яхширок кайфиятда киришиди. Ниҳоят уларга ишлов берилган, дезинфекцияланган либослари билан ички кийимлар беришлиди. Густавнинг ёндафтарчаси бебаҳо кундалиги ишлов бериш вақтида ҳеч ёққа йўқолиб қолмагани учун, у жуда енгил тортиди.

Маҳбуслар кийиниб бўлишганидан кейин уларни текшириш учун СС капитани Ганс Аумайер келди. У комендант ўринбосари ва кўпчилик яхудийлар мансуб “химоя сифатида қамаш” остидаги асиrlар билан шуғулланувчи учинчи департамент бошлиғи эди. У маст ва жуда ёмон кайфиятда бўлгани туфайли блок бўйича бошкон – яшил учбурчакли олмонни, – янгиларни олиб кетишига кеч қолгани учун калтаклади. Аймайер асабий ва ҳар бир нарсага жанжал қиласерадиган, қийноклар ва оммавий катлларга суюги йўклиги билан шухрат қозонган эди. У маҳбусларнинг ахволидан қониққач, бошконга ҳаммасини баракларга олиб боришини буюрди.

Бухенвальдликларни лагерь ўртасидаги 16 А блокига жойлаштиришди. Улар баракка киришган заҳоти, бошқон барча яширган бойликларини чиқаришларини буюрди ва ўз бригадирларига – улар ёш поляклар эди – янги келганларни тинтиб чиқишларини буюрди. Уларнинг ҳамма нарсаларини, қоғоз ва қаламларидан тортиб, сигарет ва паккиларигача, энг юксак даражада қадрланадиган пул ва иссиқ кийимларини тортиб олишди. Анча қатъиятлироқлари – шу жумладан, Густель Херцог – ўз буюмларини беришдан бош тортиб, поляклар билан баҳслашибашга уринишганди, улар резина шланглар билан маҳбусларни ура бошладилар. Оғзини очиб, гапиришга уринган ҳар қандай одамни аямасдан калтаклашарди. Кўпчилик ўзларига руҳий мадад берган қимматли ҳадяларидан ёки ўтган қишида уларни асраган иссиқ кийимларидан айрилишди.

Ниҳоят, бригадирлар маҳбусларни ёткхоналарга киритиб, уларнинг жойларини кўрсатиши – бир каравотга икки кишидан ётиб, ҳар кишига биттадан адёл берилди. Густав Фриц билан бирга ётадиган бўлди. Бу уларнинг Бухенвальддаги чодирда биринчи кечаси каби эди, лекин бу ёрда, ҳархолда, ҳақиқий пол ва бошлари устида ишончли том бор эди. Шулар билан бирга, уларнинг Освенцимдаги ҳаёти қаттиқ ва қисқа бўлишига ишончлари комил эди.

* * *

Учинчи куни маҳбусларга татуировка қилишди. Мазкур амалиёт ўтган йили кузда киритилган бўлиб, фақат Освенцимда фойдаланиларди. Улар навбатта туриб, хонага киришар ва ҳар бири чап билагини шимараар, унга игна билан рақамини муҳрлашарди.

Густавнинг қўлида 1915 йилнинг январида ўқ текканидан қолган чандик ҳозиргача кўриниб турарди. Энди чандик ёнига

күк сиёх билан 68523 рақами игнада туширилди. У “химоялаш остида қамалган” яхудий сифатида ёзилди, ундан түғилған жойи, санаси, шунингдек, нима иш билан шуғулланишини сұрашти. Фриц Освенцимга күнгилли бўлиб келгани боис, рўйхатнинг охирида қолиб, 68629 рақамини олди. Ундан касбини сұрашганида, курувчилигини айтди.

Кейин улар баракка қайтишди. Кунлар ўтиб борар, лекин бухенвальдликларни ҳеч қандай ишларга тайинлашмас ва агар одатий лагер муолажаларини ҳисобга олинмаса, уларга умуман тегишмасди.

¶

Освенцимда маҳсус майдон йўқ эди ва йўқламалар бараклар олдида, кўчада ўтарди. Егуликни поляк бригадирлари ва блок бўйича бошлиқлар тарқатишарди. Поляклар австриялиқ ва олмон яхудийларини кўргани кўзи йўқ эди ва улар Освенцимда узок қолишмаслиги, уларни бу ерга ўлим топишлари учун жўнатишганларини дарҳол тушунириб қўйишиди. Яхудийлар овқат олиш учун навбатга туришар, блок бошлиғи товоқ билан қошиқ бериб, кейин олдинга итараради. Бригадир товоққа бир чўмич суюқ овқатни чеълакдан сузиб куяр, ёнидаги поляк эса, ногоҳ тушиб қолган гўшт парчасини чўмичида тутиб, тезда олиб қўярди. Бухенвальддан келган ҳатто ювош маҳбуслар ҳам бу хусусда эътиroz билдиришар, бироқ овозини баландлатишга уринган ҳар бир одамни аямасдан дўппослашарди.

Густав расман түғилгани бўйича поляк ҳисоблангани ва полякча сўзлашгани учун, у билан бошқаларга нисбатан сал тузукроқ муомалада бўлишарди. У ўша дастлабки бир неча кун ичидаги кексароқ поляклар билан танишиб олди ва улар Освенцим ҳақида сўзлаб беришди ҳамда бу жойнинг кўрқинчли ишларга мўлжалланганини тасдиқлашди.

Лагер Бухенвальддан кўра анча кичикрок бўлиб, уч қаторда еттитадан блок бор эди. Унинг билишича, улар асосий лагердан иборат. Ундан икки километр нарида, темирийўлнинг нариги тарафида Биркенау – “буюклар ўрмони” деб номланган қишлоқда курилган Освенцим II жойлашганди (нацистларга ўз ўлим лагерларига чиройли ном кўйиш ёқарди.) Биркенау ҳажм жиҳатдан каттароқ бўлиб, юз мингдан ошиқ одамга мўлжалланган эди. Освенцим I да оммавий кирғинлар учун ўз жойи – қайгули 11-блок, ёки Ўлим Блоки мавжуд эди, унинг ертўласида заҳарловчи газлар билан дастлабки синовлар ўтказилган эди. 11-блок ёнидаги ёпик ҳовлида “Қора Девор” бўлиб, унинг ёнида маҳбуслар отиласди. Ҳозирча бухенвальдликлар, уларни Биркенауга жўнатишадими ёки шу ерда ўлдиришадими, билишмасди.

Густав кундуз куни бу жойни – айниқса, тартиб билан курилган ғиштили баракларни дархол таниди. Эсэсчилар Освенцим I ни курмаганлар: уни Биринчи жаҳон урушидан сал илгарироқ Австрия армияси барпо этган эски казармаларини қайтадан мослаштиришган. 1918 йилдан кейин ундан поляклар фойдаланганди, энди эса, СС концентрацион лагерга айлантирганди. У ерда яна бараклар қуриб, электрлаштирилган девор қуришган, лекин жойни барибир таниса бўларди. Айнан шу ерда 1915 йилда ярадор капрал Густав Кляйнман госпиталда ётган, у худди шу жойдаги кўлдан оқиб чиқадиган Соле дарёси ёнида дунёга келганди. Ўшанда курилмаларни қор қоплаган, улар ичи австриялик аскарларга тўлган, ўзи эса, ярадор қаҳрамон деб хисобланарди. Ўқ уни яралаганида, даволанганди, энди унинг ёнида маҳбуслар татуировкаси пайдо бўлди.

Бу ўлкалар Густавни кўйиб юбормаётгандек туюларди. Шу ерда туғилди, шу ерда катта бўлди, шу ерда улғайиб, йигит бўлди ва бир куни ҳалок бўлишига оз қолди, мана энди ортига қайтди.

Освенцимга келганларининг тўққизинчи куни бухенвальдиклар лагерга қайгули шуҳрат келтирган ҳодисалардан бирига гувоҳ бўлишди. 280 поляк маҳбусларини йўқ қилиш учун Ўлим Блокига жўнатишди; уларни нима кутаётганини англаб, айримлар қаршилик кўрсатишга уринишли. Улар нимжон, қуролсиз эдилар ва эсэсчилар ғалаён бошлаганлардан тезда қасос олишди, қолганларни эса “Қора Девор” ёнига олиб боришли. Ҳукм этилганлардан бири оиласига мактуб ёзиб, зондеркоманда аъзоси орқали бериб юборган экан, лекин эсэсчилар уни олиб кўйиб, йиртиб ташлаши.

“Бу ерда жуда даҳшатли ҳодисалар рўй бермоқда, – деб ёзарди Густав. – Буларга чидаш учун асаблар темирдан бўлиши керак”.

Лекин баъзиларнинг асаблари панд бера бошлади – шу жумладан, Фрицники ҳам. Доимий қўркув унинг ичидаги ўсиб бораради. У қурилишда ҳар куни ишлашга одатлангани боис, бекорчилик уни кўшимча азобларга гирифторм этарди. Фриц зартами-кечми, уни ортиқча оғиз дея эълон қилиб, худди бошқалар каби “Қора Девор” ёки газ камерасига жўнатишлиарни англарди. Бундан хавотирланиш даҳшатта айланарди. У ўзининг малакалари ҳакида бошлиқлардан биронтасига арз қилиб, яна ишга киришса, ўзини қутқариши мумкин, деган хулосага келди.

У шундай фикларини отаси билан якин дўстларига айтди. Улар Фрицнинг шошилинч хулосаларини дарҳол рад этиб, тирик қолишининг биринчи қоидаси: ҳеч қачон ўзига эътибор қаратилмаслик эканлигини эслатиши. Аммо Фриц ёш ва қайсар эди, у агар ҳеч нима қилмаса, ўлиши мукаррарлигига ўзидаги ишонч ҳосил килди.

У мурожаат қилган биринчи одам блокфюрер – барак бўйича бошлиқ эди. Фриц чорасиз жасорат билан ўзи тўғрисида арз қилди.

– Мен тажрибали қурувчиман, – деди у. – Мени ишга тайинлашларини хоҳлардим.

Бошлиқ унга ҳайрон бўлганча қараб, шу билан бирга, Фрицнинг кўксидаги юлдузни ҳам беэътибор қолдирмади, кейин эса елкасини кисди:

– Яхудий қурувчилар ҳақида ҳеч қачон эшиитмаганман.

Фриц рост айтиётганига қасам ичди ва блокфюрер уни эсэсчи соқчи, гапдон рапорт-фюрер Герхард Паличнинг ёнига олиб борди.

Палич келишган, оксусякларга хос рисоладаги кўркам, ташки кўринишдан яхшилик қилишга мойил ва жозибадорлиги билан ажralиб туради. Бироқ буларнинг барчаси хавфли кўзбўямачилик эди. У қотилликлар сонига кўра, энг зўр рекордчилардан бири ҳисобланарди. У ўз қўли билан “Қора Девор” ёнида отган одамлар сони беҳисоб эди. унинг энг севимли куроли пиёдаларнинг милтиғи бўлиб, маҳбусларнинг бошига сира ташвиш чекмай, хотиржам отиши ҳатто СС бўйича ҳамкасб ўртоқларини ҳам ҳайратга соларди. Освенцим коменданти Рудольф Хёсс кўпинча Палич қатлларни қандай амалга оширишини кузатар ва “унда бирон марта ҳам ҳеч қандай ҳиссиётларни сезмадим”, у “ҳеч шошилмай, беташвиш, бир маромдаги кайфиятда ва хотиржамлик билан” ўлдиради. Мабодо кечикишлар бўлиб қолса, у милтиқни четга қўйиб ёки бирон куйни хуштакда чалар, то давом эттириш фурсати етгунинга қадар ўртоқлари билан валаклашарди. У ўз иши билан ғурурланарди ва виждан азоби нималигини билмасди. Маҳбуслар уни “Освенцимдаги бош валади зино” деб аташарди.

Фриц ўзи ҳақида гапириб бериш учун мана шундай палид одамга мурожаат қилмоқчи бўлди. Палич худди блокфюрер каби яхудий-курувчилар ҳақида сира эшитмаганини айтди. Бироқ бу гап коменданнтни қизиқтириб қўйганди.

— Сени синаб кўраман, — деди у ва кўшиб қўйди: — агар мени алдашга уринган бўлсанг, турган жойингда отиб ташлайман.

У блокфюрерга маҳбусни ташқарига олиб чиқишини ва унга бирон нима қуриши учун зарур нарсаларни беришини буюрди.

Фрицни қурилиш майдончасига олиб боришиди. Назоратчи ажабланганча унга асбобларни бериб, ҳозир бу ақлли ва айёр яхудийнинг асл башарасини очиб ташлашини ўйлаб, иккита дераза орасига оддийрок услубда ғишт теришни буюрди. Бу топшириқ қурилишда етарли тажрибага эга бўлмаган одамнинг қўлидан келмасди.

Боши узра хавфли хатар осилиб турганига қарамай, Фриц бир неча ҳафта ичидаги ўзини биринчи марта буткул хотиржам сезарди. У қўлига андава билан ғиштни олиб, ишга тушиб кетди. Унинг қўллари тез ва чакқон ҳаракатланарди: челакдан қоришмани олиб, уни аввал терилган ғиштлар қатори устига солди, кейин андавада текислаб, кулранг қоришма устидан бирма-бир ғишт тера бошлади, ҳар ғишт қўйганида, ортиқча қоришмани сидириб олар ва шу тариқа ишни давом эттиради. У гўё эсесчи назоратчиларнинг тикилиб туришига одатлангандай тўлиқ жимжитликда тез ҳаракатланарди ва тергандари тартибли ҳамда текис чиқарди. Назоратчи йигитчанинг ишини қўриб, ҳайрон қолди.

Икки соатдан кейин у лагерь дарвозаси ёнига тамомила ҳайратда қолган блокфюрер ҳамроҳлигига кайтди.

— У ростдан ҳам куришни биларкан, — деди у Паличга.

Паличнинг одатий совуқ юзида норозилик акс этди: яхудий курувчи ҳалол ишчи бўла олиши ҳақидаги фикрнинг ўзи унинг асл ва тўғри деб ҳисоблаган ҳаммасининг буткул акси эди. Шундай бўлса-да, у Фрицнинг ракамини ёзиб олиб, уни баракка қайтариб юборди.

Хеч қандай тезкор ўзгаришлар рўй бермади, бироқ кейинроқ, 30 октябрда уларнинг келганидан 11 кун ўтгач, ниҳоят бухенвальдликларга дикқат-эътибор қаратишиди.

Эрталабки йўқламадан кейин ҳамма янги келганларни эсесчи зобитлар қаршисидан сафланиб ўтишга мажбур қилишди. У ерда нафақат Бухенвальддан келган тўрт юз киши, балки яна Даҳау, Нацвейлер, Маутхаузен, Флоссенбюрг ва Заксенхаузендан келган мингдан ошиқ асиirlар, шунингдек, Равенсбрюкдан келган 186 аёл – ҳаммаси бўлиб 1674 одам бор эди. Уларга кип-яланғоч бўлиб ечинган ҳолда, зобитлар синчиклаб баҳолай олишлари учун улар олдидан секин ўтишни буоришиди. Қари ва бемор бўлиб туюлганларни чапга, қолганларни ўнгга жўнатишарди. Чапда турганларни нима кутаётганини ҳар бир киши яхши тушунарди.

Навбат Фрицга етиб келди. У яқинлашган чоғда, зобит унга бошдан-оёқ разм солиб, дарҳол ўнг томонга ўтишини кўрсатди. Фриц кейинги воқеалар қандай содир бўлишини кузатиб турарди. Ниҳоят, навбат отасига етди. Густав элликдан ошган ва сўнгти йилларда зиммасига тушган анча азоб-уқубатларни тортди. Унинг ёшидаги ва ундан ҳам ёшроқ бир неча юз киши чап томонда туришарди. Фриц юрагини ҳовучлаб, нафасини ичига ютганча, зобитлар отасини қандай кўриб текшираётгандарига қараб турарди. Кейин зобит қўлинин силкиб, ўнгни кўрсатди. Густав бориб, ўғлининг ёнига турди.

Кўрик натижаларига кўра, олти юз киши – Бухенвальддан тахминан юз нафари, Даҳаудан келган ҳаммаси яроқсиз деб топилганди. Улар орасида Густав билан Фрицнинг жуда кўп дўйстлари ва танишлари бор эди. Уларни Биркенауга олиб кетишиди ва улар бошқа қайтиб келишмади.

“Бухенвальддан келганлар Освенцимда шундай ҳаёт бошлагандилар, – дея кейинроқ хотирларди Фриц. – Энди биз ҳаммамиз ўлимга маҳкум эканлигимизни билардик”.

Лекин дарҳол эмас. Танловдан қеъин қолган саккиз юз кишини лагердан олиб чиқишиди. Бироқ уларни гарбга, темирийўл ва Биркенау томонга олиб кетиш ўрнига шарққа қараб ҳайдашди. СС улар учун иш топиб қўйганди – янги лагерь қуриш керак эди. Улар дарёдан кесиб ўтгач, Освенцим шаҳрини ортда қолдириб, далаларга чиқиб қолишиди.

Одатдагича аёвсиз тарзда йўл бўйлаб ҳайдаб боришаркан, бухенвальдликлар шунда ҳам ўзларини енгил сезишарди. Улар омон қолишиди – энг муҳими шу эди. Бунга комендантнинг калласига яхудийларнинг курувчи бўлишлари мумкинлиги тўғрисидаги фикр келишига Фрицнинг аралашуви ёрдам бердими-йўқми, ҳеч ким билмасди, аммо Густав айнан шундай бўлган, деб ҳисобларди. “Фриц ўз ихтиёрига кўра мен билан бирга кетди, – деб ёзарди у ўз кундалигида. – У садоқатли ҳамроҳ, доимо ёнимда ва ҳамма нарсага ғамхўрлик қиласди, менинг болажонимни ҳамма яхши кўради ва у барча учун ҳақиқий дўст”. Ҳарқалай, айримлар Фрицнинг аралашуви уларнинг барчасини газ камерасидан асраб қолганига ишонардилар.

ОСВЕНЦИМ – МОНОВИЦ

Мабодо 1942 йил ноябрида Жанубий Польша узра шарқий йўналишда аэроплан учиб ўтганида, унинг учувчиси Германия оккупациясининг қандайдир изларини, ҳойнаҳой, сезмаган бўларди. Одатдаги қишлоқлар ва савдо шаҳарчалари, ҳар томонга тарқалиб кетган йўллар ва дарёлар.

Краковга яқин жойда, темирйўлнинг жигарранг тасмаси ёнида далалар узра узунлиги бир километрга яқин ва эни ҳам тахминан шунча келадиган катта тўғритўртбурчак жой тасвири кўриниб, унда қаторлашган узунчоқ бараклар туради. Периметр бўйлаб соқчилик миноралари бўй чўзган, четда, дараҳтлар орасида эса, яна бир бино қувуридан тутун кўтарилади.

Темирйўлнинг бошқа томонидан нарида бошқа қурилмалар бир-бирига ёпишиб турганди – бу кулранг фабрикасимон корпуслари қалин бараклардан иборат Освенцим лагери эди. Шу ерда дарё жанубга бурилиб, эски гарнizon шаҳарчаси Кентага қараб оқарди, айнан ўша ерда Биринчи жаҳон урушига қадар Густав Кляйнман хизмат қилган полк турганди.

Освенцимдан бир неча чақирим нарида қачонлардир Двори номдаги қишлоқ жойлашганди: ҳозир бўйи уч километр, эни бир километрлик жойда Буна кимё комбинати қурилаётганди.

Мана шу ернинг энг чеккасида қачонлардир Моновиц қишлоғи бўлган, у эсэсчилар томонидан аллақачон бўшатилиб, энди у ерда янги лагер қурилди. Дала ўртасида оддий тўртбурчак жойда бир неча бараклар, ҳали қуриб битказилмаган иккита йўл ва пойдеворлари кўйилган қурилмалар ҳамда оғир иш билан машғул маҳбусларнинг шаклу шамойиллари кўринарди.

* * *

Фриц бор кучини ишга солғанча, ғишт терищдан чалғимасликка ҳаракат қиласынан. Тирик қолишнинг ягона усули оддий вазифага диққатни жамлаганча, мақсадга етишиш ва уни бажаришига ўзи ишониши керак эди.

— Темпо-темпо! Тезрок!

Поляк назоратчиси Петрек Боплинскийнинг овози бутун курилиш майдони бўйлаб тараларди. У қдмончада атиги икки сўзни билар ва маҳбуслар ундан “тезрок” сўзини бот-бот эшиштардилар, уни кўлидаги дарраси билан зарба тушириб колганида ишлатарди. Калтақдан кўпинча ғишт билан қоришка ташиётганлар баҳраманд бўлишарди. Лагер жуда шошилинч курилар, энг юқоридаги бошлиқлар босим ўтказишар, фақат энг чайир ва қатъиятли кишиларгина бундай тезликда эплаб ишлай олишарди. Тинка-мадори куриб, озиб кетган маҳбуслар орасида эса бундай кишилар кам эди.

— Қани, бўл тезрок! – дея бақирди Боплинский ва дарра қайсиdir бир бечора ташкачининг думбасига урилди. Бошқалар кўзларини ерга тикканча, тезликни оширидилар.

Фриц колганлар билан бирга ёрдамчи лагер Моновицга келганига икки ҳафта бўлди. Бу ҳатто Бухенвальддан ҳам ёмонроқ, ер юзидаги ҳақиқий дўзах экан. Кўплар бу ерда икки кунга ҳам чидолмади.

Освенцим I дан бошланган уч соатлик пиёда юришдан кейин янги келганларни баракларга киритиши. Аслида, ҳали лагернинг ўзи йўқ – шунчаки бир нечта тахтали курилмалар, тўсикларсиз, фақат асиirlарни кўриқлаш учун соқчилик постларигина бор эди. Бараклар оддий, ҳали куриб битказилмаган, чироқ ва суви йўқ эди. Сув кўчада бир нечта

колонкаларга бериларди. Ошхона ҳам йўқ, шу сабабли овқатни ҳар куни Освенцим I дан келтиришарди.

Аввалига янги келгандарни, шу жумладан, Фрицни ҳам йўл қуришга кўйиши. Афтидан, Моновицдаги назоратчилар унинг қурувчилик малакалари ҳақида билмаганлар. Доимо ёмғир ёкқани боис, ер лой бўлиб, уни ўйишнинг сира иложи йўқ эди ва замбильғалтаклар тикилиб, юрмай кўярди. Кечкурунлари одамлар ҳамма жойлари ҳўл, шалаббо аҳволда, бутунлай кучдан қолиб, баракларга қайтишарди. Иситиш тизими ишламасди, лекин блокфюер билан рапорт-фюерер улар эрталабки йўкламада тоза ва қуруқ кийим ҳамда ботинкалар кийиб чиқишиларини талаб килишарди. Ўша дастлабки кунларда Фриц унчалик чайир бўлмаган катта ёшдаги маҳбусларга, айниқса, отасига хавотирланиб қараб кўярди. Уларнинг узок муддат чидашлари кийин эди.

Фриц лойни ўяр экан, кўз ўнгидаги лагерь қандай тус олаётгани, тўсиқлар ҳамда соқчилик миноралари пайдеворлари қандай пайдо бўлаётганини кузатарди; унинг учун қурувчиilar командасига тушиш хавфдан ҳалос бўлиш йўли эканлигини у биларди.

Бир куни унинг ёнидан Моновицда ишчи кучи учун жавобгар СС сержантни Рихард Столтен ўтиб қолди. Лагердаги эсэсчилар учун ҳали казармалар қурилмагани боис, улар ҳар куни Моновицга юк машиналарида келишар ва жуда тез асабийлашиб кетишарди, соқчилар у ердаги вахталарини жуда ёмон кўришар ҳамда сал нарсага дарҳол ғазабланиб, ўзларини тутолмай қолишарди.

Фриц таваккал қилишга қарор қилди – агар иш шу таҳлидда давом этгудек бўлса, отаси ҳалок бўлиши мумкин.

У белкуракни четга қўйиб, Столтенга етиб олди ва уни чақирди.

— Рақамим 68629. Мен ғишт терувчиман, — деди у шошилиб, сержантнинг жаҳли чикиб кетмасидан. Кейин ўз дўстларини кўрсатиб, деди: — Биз Бухенвальддан келдик, орамизда тажрибали курувчилар кўп.

Столтен унга диққат билан қарагач, назоратчини чақирди.

— Мана бу яхудийлардан қайси бири курувчилигини билиб ол, — буюрди у, — ва уларнинг рақамларини ёзиб қўй.

Мана шундай оддийгина ҳал бўлди. Бошқа ҳар қандай ҳолатда у Фрицни калтаклашга буюрган бўларди, лекин бошликлар чорасиз вазиятда қолишганди. Гиммлер билан Геринг уларга босим ўtkазиб, Бунадаги комбинатни тезроқ қуриб битказиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб қилишар, бунинг учун эса, лагерь курилишини тугатиш даркор эди.

Фрицнинг кўп ўртоқлари, шу жумладан отаси ҳам, уларни ҳам ўғли билан бирга ўтказишлари учун курувчиликдан хабардор эканликларини айтишди. Густав ўз касби туфайли дурадгор бўлиб ишласа бўларди. Фриц пойдевор билан деворларга ғишт тергунига қадар, отаси тайёр панеллар билан унга кўмаклашар, улардан турар-жой бараклари барпо этиларди.

Освенцим-Моновиц йўлининг нариги томонида Буна комбинатининг ҳали қуриб битказилмаган корпуслари юқорига бўй чўзганди. У И.Г. Фарбен кимёвий концернига тсгишли бўлиб, Германия армиясига синтетик мойлар, резина ва бошқа кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариши керак эди. Уруш кутилганидан ҳам анча оғирроқ ва талофатлироқ бўлиб чиққани боис, ҳарбийлар ёқилғи билан резинага чорасиз ҳолда муҳтож здилар. Компания СС билан келишган ҳолда, кунига ҳар кишига

уч-тўрт маркадан пул тўлаб (пуллар тўғридан-тўғри эсэсчилар сейфларига тушарди) курилиш ва ишлаб чиқариш учун Освенцимдан чексиз миқдорда ишчи кучига эга бўларди. Бу фуқаро ишчиларга тўланадиган маошдан анча кам, бундан ташқари, компания касаллик ва рақалари, таътил ва бошқа ижтимоий тўловлардан тежаб қоларди. Силласи куриган маҳбусларнинг жисман абгор ахволдалиги туфайли меҳнат самарадорлиги ҳам пасаярди, албатта, аммо компания тежамкорлик буни оқлайди, деган фикрда эди.

Ҳар қандай оғир бемор ёки тинка-мадори куриб, иш беролмаётган ишчини шунчаки Биркенаудаги газ камерасига жўнатиб, Германия босиб олган ҳудудлардан доимий тарзда келтирилаётган бошқа янги маҳбуслар билан алмаштиришарди.

Янгилар – шу жумладан яхудийлар, Фарбий Европа ва Польшадан тўғри келтирилган бўлиб, бошқа лагерларда чигириқлардан ўтиб чиниқмаганлари боис, бу ерда қандай омон қолишни билишмасди. Улар иш тезлиги, ҳақорат ва таҳқирлар, очлик ҳамда тиббий хизматларнинг йўклигига бардош беролмай, тез мағлуб бўлишарди. Густавнинг айтишича, шундай баҳтсиз бечоралардан ҳар куни 80 дан 150 нафаригача Моновицдан ғойиб бўлишар – улар газ камераларига жўнатиларди ва ҳеч ким уларнинг на исми, на қаердан келганини сўраб билишга ҳам улгурмасди.

Янги асиirlар қайгули янгиликлар келтиришарди: улар орасида кунлардан бир кун Бухенвальддаги эски дўстлари Юл Мейхнер билан Йоши Шенденi учратиб қолдилар. Уларни бир неча ой аввал Нацвейлерга вақтинча ўтказишганди. Фриц улардан Лео Мозес ўлдирилганини билиб олди. Саккиз йил турли лагерларда юрганидан кейин ниҳоят СС унга ҳам етиб борибди. Бундай фожиавий адолатсизликдан Фрицнинг юрак-бағри ўртаниб кетди. У тош конидаги уларнинг ilk учрашувини

эслади, ўшанда Лео унга кора таблеткалар берганди, уни хавсиз жой – Сивертнинг ёнига қандай ўтказганлари ёдига тушиб кетди. Шўрлик Лео, жахлдор ва кўнгли юмшок эски коммунист, энг яқин садоқатли дўсти эди – Фриц унинг учун қандай қайғурди-я!

Қачонлардир Лео туфайли Фриц энг мураккаб шароитларда ҳам меҳр намоён бўлиши мумкинлигини англағанди, энди эса бунинг яна бир тасдиғини топди. Эсэсчилар Германиядан фуқаро ишчиларни келтиришди ва концлагерга қамалганларидан бўён Фриц билан Густав биринчи бор оддий одамлар билан мулокот кила олишди. Улар сокчилардан кўрқиб туришар, уларга маҳбуслар билан гаплашиш ман этилганди, бироқ аста-секин ўзаро алоқалар йўлга қўйилди. Фриц уларнинг ашаддий нацистлар эмаслиги, аммо нацистлар ғояларига қаршилик ҳам килмасликларини тушунди. Фриц улардан маҳбусларга нисбатан қандай муносабатдаликлари ҳакида сўраганида, улар индамадилар. Бироқ улардан кўпларининг маҳбусларга раҳмӣ келар, ачиниб қарашарди, уларга нисбатан нигоҳлари илиқлашди ва вақти-вақти билан столда нон бўллаклари, охиригача чекиб улгурмаган сигарет қолдиқларини ташлаб кетишарди. Калласи учбурчаксимон ва башараси доимо таҳдидни ифодалагани боис Франкенштейн деб аташадиган фуқаролар бригадири анча раҳмдил бўлиб чиқди: у ҳеч қачон маҳбусларга бакирмас ва уларни ҳакоратламасди. Унинг муомаласи туфайли Боплинский ҳам энди ўзини тутиб туришга уринар ва даррасини анча камрок ишлата бошлади.

Дастлабки бараклар қурилиши тугаганида, Густав кўчадаги ишлардан бироз озод бўлди. Юк машиналарида каравотлар билан сомон бойламлари келтирилди; Густав билан яна бир қанча маҳбусларга каноп қолларга сомон тиқиб тўлдиришларини буюришди. Улардан тўшак сифатида фойдаланиларди. У жон

деб ишга киришиб, тўшакларни хаммадан чиройлироқ ва тезроқ тикиб ташлади.

Бироқ тез орада танаффус тугаб қолди ва у яна кўчада ишга чиқишига тўғри келди. Лагердаги бараклар деворлари ва уларнинг қисмлари куриб битказилган, яна оғир меҳнат билан шуғулланиш керак эди. Бироқ Буна комбинати курилишида ишлаш имкони янада ёмонроқ эди. У ерда ишлаётган одамлар кечкурун ўлар ҳолатда қайтишар ва даҳшатли воқеаларни сўзлаб беришарди. Гўёки Бухенвальд тош конидаги ахвол такрорланарди. Маҳбусларни кўпинча замбилларда кўтариб қайтариб келишарди. Иш тезлигини кўтаролмайдиган ҳар қандай маҳбус Биркенауга жўнатиларди.

Густав тақдирнинг синовларига хотиржам қатъият билан карши туришда давом этарди. Ҳар куни сержант Столтен малакали ишчиларга талабни эълон қилганида, Густав бир қадам олдинга чиқарди. Ким талаб этилишидан қатъи назар, том ёпувчими ёки дурадформи, – Густав ҳамма ишлар бўйича керакли малакаларга эгалигини айтиб, олдинга чиқарди. У ростдан ҳам ўша ишни эплаб бажарар ва кундан-кунга турли хилдаги қурувчилик касбларини эгаллаб оларди. Фриц ҳар доим ундан ташвиш тортиб, соқчилар уни билиб қолишларидан хавотирланарди. Бирок отаси қўл силтар: етарли даражада акли борлиги ва қўллари билан ҳар қандай меҳнатни бажара олишини айтарди; у мияси йўқ соқчиларни алдаш учун ҳамма ишни қойилмақом қилиб уddyалай оламан, деб хисобларди.

Бараклар куриб битказилишига қараб, лагерга доимо келиб турадиган ва комбинат қурилишида ишлаш учун жўнатиладиган янги маҳбуслар ўша ерга жойлаштириларди. Лагердаги шаронтлар ҳатто ветеранлар учун ҳам ниҳоятда даҳшатли эди: одамларнинг зичлиги, каттиқ совук ва антисанитария туфайли

дизентерия тарқала бошлади. Маҳбуслар ҳар куни кўркитарли миқдорда ўлиб қолишарди.

Шундай бўлса ҳам, бу ер Биркенауга нисбатан яхшироқ эди. Моновицга ҳар куни етиб келган тўртта колоннадан учтаси яхудийлардан иборат эди. Улар эсэсчилар ўз курбонларини қандай талашлари ҳақидаги кўркинчли воқеаларни сўзлаб беришарди. “Улар Биркенауда голландлар ва бошқаларнинг ўзлари билан олиб келган доллар ва фунтларини тортиб олиб, уларнинг устида ухлашади, – деб ёзарди “Густав. – Эсэсчилар – миллионер бўлиб кетишган, улар ҳаммаси яхудий қизларни зўрлайдилар. Чиройли қизларнинг ҳаётларини саклаб, колганларини ўлдириб юборишади”.

Польшанинг қиши қаттиқ бўлиб, ер ич-ичигача музларди. Моновицда иситиш тизими ишламас ва овқат кўчада пишириларди. Рождествода ошпазлар ўз вазифаларини бажаришдан бош тортдилар ва маҳбуслар икки кун оч қолишиди. Улар ҳатто фуқаро ишчилардан байрамга бериладиган оддий садақани ҳам ололмадилар. Нихоят, овқатни Освенцим I ошхонасидан келтирадиган бўлниди.

Фриц билан отасини ҳар хил баракларга жойлаштириб, уларнинг ҳафсалаларини пир килишиди. Улар оқшомлари кўришиб, ўз аҳволларини муҳокама қилишарди. Фрицга ахвол ҳар қачонгидан ҳам қийинроқ бўлиб туюлаверарди. У умидини йўқота бошлади. Освенцим-Моновицда ўтказган икки ярим ой ичида унинг Бухенвальддан келган ўртоқларининг кўпчилиги ҳалок бўлишиди. Австриялик барча таниқли инсонлар ҳаётдан кўз юмишди: “Бухенвальд кўшиғи”ни ёзган Фриц Лёнер-Беда етарли даражада тез ишламагани учун декабрда уни ўласи қилиб уриб ўлдиришди; сиёsatчи, социал демократ Роберт Даннебергни ҳам худди шундай баҳона билан асфаласофилинга равона қилишиди; ёзувчи ва адвокат доктор Генрих Штейнни... Рўйхатни чексиз

давом эттирса бўлади. Улардан ҳеч ким қолмади. Фриц учун энг оғир зарба ўзи ва дўстлари учун ўша оғир кунларда омон қолишларига ёрдам берган боксчи, Бухенвальд экинзорлари назоратчиси Вилли Курцнинг ўлими бўлди.

Фриц отаси билан кечкурунлари сухбатлашганида ўз кўркувларини сўзлаб берарди. Густав уни умидсизликка берилмасликка ундарди.

— *Бошингни кўтар!* — дерди у. — *Ўғлим, нацист жаллодлари бизни енголмайди!*

Лекин Фриц унга ишонмасди: унинг барча дўстлари шундай жасоратли фалсафа тарафдорлари эдилар, бирок улардан кўпчилиги ҳозир ўлиб бўлганди.

Густав ёлғиз қолганида, ишончни давом эттириш ўзи учун ҳам кийинлигини тан оларди. У ўзининг кўркувларини фақат кундалик дафтарига ишонарди: “Ҳар куни кимнидир олиб кетишади, баъзан юрагим шунчаки тарс этиб ёрилиб кетгудек бўлади, бироқ ўзимга ўзим: *бошингни баланд тут; ҳали озод бўладиган кун келади. Ёнингда содик дўстларинг бор. Шу боис хавотирланма – яқинда енгилроқ бўлади, дейман*”. Бироқ инсон қанча муддат чидаши мумкин? Қанча вақт бошини тик тутганча, ўлимга чап бериши мумкин?

Ҳатто энг кучли инсонларда ҳам имкони кам эди. Энг Охирги Қарор ишга тушганди ва ҳатто жисмонан кучлилиги билан фарқланиб турган ҳамда жуда яхши ишлаётган яхудийларни режали ва услубий тарзда йўқ қилишарди. Уларнинг ишчи кучи сифатидаги қадри ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди – ўлдими, демак, дунёда бир яхудий камайибди. Унинг ўрнига ўнта янгиси келади. Мабодо кимлардир омон қолишга муваффақ бўлса, бу фақат ўзининг касб маҳорати, дўстларининг кўллаб-куватлаши ва жуда катта омади борлиги туфайли эди.

Густавнинг касбий маҳорати билан омади уни ўз вақтида кутқарди – январда у лагернинг мебелчиси этиб тайинланди, у Моновицдаги барча қоплама ишларига – асосан СС учун мебелни тузатишга жавобгар эди. У аёзда эмас, хона ичида ишлар, ниҳоят иситиш тизими ишга тушганида эса, ҳатто иссиққина жойда ишларди.

Мана шу хавфсизлик бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ Густав бундай омади келмаган дўстлари учун қаттиқ хавотирланарди, лагерда хавфсизлик ҳеч қачон узоқ давом этмаслигини тушунарди ҳам.

ЯҲУДИЙ ГУСТАВ КЛЯЙНМАН ТАМОМ БЎЛДИ

Моновиц лагери бинолари ортиб борарди. Икки қатор тўсикли девор пайдо бўлди, бараклар қурилиши тугаётганда СС казармалари ҳам анча битиб қолганди. 1943 йилнинг биринчи ҳафтасида Фриц марказий дарвозалар ёнида бош гараж ва блокфюрерлар учун қўмондонлик пунктини қуришда ёрдамлашарди.

У фуқаро ғишт терувчи билан бирга ишларди. Бошқа кўплар каби бу одам ҳам маҳбуслар билан гаплашмас, лекин бошқалар алоқалардан шунчаки ўзларини обқочиб юрсалар, бу Фрицнинг борлигини умуман сезмаётгандай туюларди. Кунлар кетидан кун ўтар, лекин улар чурқ этмай ишлардилар. Фриц унинг индамас қўшничилигига анча ўрганиб қолганди, аммо кунлардан бир кун, ҳе йўқ-бе йўқ, ўша киши кўзини ердан узмай шивирлади:

- Мен Эстервегендаги ботқоқликда бўлганман.

У жуда паст овозда шивирлади, бироқ Фриц ишлаётган жойида бир ирғиб тушди: Эркак ҳеч нима бўлмагандек, ғишт теришда давом этар ва бошқа бир сўз ҳам демади.

Ўша куни кечкурун Фриц отаси билан дўстларига унинг жумбокли гапини айтиб берди. Улар ҳаммасини дархол тушундилар. 1933 йилда Германиянинг шимоли-ғарбида аҳоли кам яшайдиган ботқоқ жойда ташкил этилган нацистларнинг энг биринчи концентрацион лагерларидан бири Эстервеген деб аталарди. У ерда сиёсий маҳбуслар, асосан социалистик партия аъзолари сакланарди. Лагерларда ашаддий шафқатсизликлари билан довруқ қозонган ҳужумчилар иш олиб боришар ва 1934 йилда бошқарувни ўз кўлларига олган эzsчилар уларнинг олдида маданиятли одамлар бўлиб туюларди. Кейинчалик кўп

махбуслар қўйиб юборилганди ва Фрицнинг индамас ҳамкасби ҳам ўшалардан бири бўлиши мумкин эди. У мулоқот қилишдан ўзини тийиб юрганидан ажабланмаса ҳам бўлади – ҳойнаҳой, бу одам ўзининг кимлигини билиб қолишса, яна ҳибсга олишларидан қўрккан бўлса керак.

Лекин Фрицга тан олганидан кейин гўё муз ёрилгандек бўлди. У йигитча билан ортиқ гаплашмаса ҳам, бироқ эрталаблари Фриц қоришима соладиган ўз ҷелаги ёнида кичикроқ ҳадяларни топадиган бўлиб қолди. Бир бўлак нон ёки бир жуфт сигарет – майда-чуйда бўлса ҳам, лекин ёқимли, баъзида эса кутқарувчи бўларди.

Фуқаролар билан ёнма-ён ишлаб, кичикроқ ҳадялар олиб, малакали ишчи сифатида имтиёзли ҳолатдан фойдаланиб, Буна комбинати қурилишида қаддини эгиши мумкин бўлмаган Фрицнинг рухи бироз кўтарилди ва, гарчи лагерларда уч йил умрини ўтказиб, бўшашиб қолиш шарт эмаслигини билиши керак бўлса ҳам, у хаётга энди бошқача кўз билан қарай бошлади.

Кунлардан бир кун у блокфюерлерлар учун кўмондонлик пункти деворини кураётганида, ҳавозада ишларди. Фриц ўзининг бобоси, кекса Маркус Роттенштейннинг ҳазиломуз бир гапини эслаб, шу ҳақда фикрлаётганди. Бобоси Венадаги императорларга хизмат қиласидиган обрўли Боден-Кредит банкида ишларди. Унинг жамиятда ўз ҳалки мавқеига оид аниқ ишончли фикрлари бор эди: у яхудийлар раҳбарлик лавозимларини эгаллаши ва жисмоний эмас, ақлий меҳнат билан машғул бўлиши керак, деб ҳисобларди. Шу пайтда Фрицнинг транспорт командасида ишлайдиган бир таниши навбатдаги ғиштлар тўпламини кўтариб келиб, бошини юқорига кўтарганча, уни чақирди:

- Ҳой, Фриц, қандай янги гаплар бор?

— Ҳеч қандай, — жавоб берди Фриц кўлинни силтаб. — Менинг бобом доимо: яхудийларнинг жойи қаҳвахонада, асло қурилишда эмас, деб айтарди.

Бироқ пастдан дарғазаб соқчининг буйруғи янграганда, унинг кулгиси бўғзида тиқилиб қолди:

— Сен, яхудий! Ҳавозадан тезда пастга туш!

Юраги така-пука бўлган Фриц нарвондан пастга тушди ва Моновиц лагери қўмондони, СС лейтенанти Винценц Шеттель билан юзма-юз келди.

Шеттел илон кўзли ва башараси кўпчиган хамирга ўхшайдиган энг расво барзанги эди. Унинг киладиган иши ўзига спиртли ичимликлар ва кора бозордан қимматбаҳо майдачуйдалар топиш бўлиб, ўз асабийлиги билан шухрат қозонган ҳамда жаҳли чикқанида, жуда қўрқинчли бўлиб кетарди. Бир куни қайсиидир асирда бит топилганида, Шеттель бутун баракни — уларга қўшиб бригадирларни ҳам газ камерасига жўнатганди. У Фрицга ўқрайиб каради:

— Ниманинг устидан кулдинг, яхудий?

Фриц қаддини ғоз тутганча, бошидан шапкасини ечиб, жавоб берди:

— Бобом айтган гап устидан.
— Хўш, бобонг қандай кулгили гап айтган экан?
— У: яхудийларнинг жойи қурилишда эмас, қаҳвахонада, деб айтганди.

Шеттель эсанкираб қолди. Фриц нафасини ютиб турарди. Кутилмаганда шалвираган башара илжайишдан чўзилиб, олмон хохолаб кулиб юборди.

— Қани, юқорига йўқол, яхудий чўчқа! – деди Шеттель ва кулганча нарига кетди.

Фриц қаро терга ботганча нарвондан ҳавозага чиқиб кетди. У ўзининг эҳтиётсизлиги учун қилмишига яраша жазоланишига сал қолганди. Лагерда ҳеч ким ўзини хавсиз сеза олмасди.

* * *

“

Моновицга яхудийларнинг оқиб келиши ўсишда давом этарди. Фриц билан бошқа ветеранлар янги келганларнинг нақадар соддаликларини пайқашарди. Улар Биркенауда танловдан ўтган бўлиб, уларнинг ота-оналари, хотин ва болаларини бир томонга, ёш йигитларни эса – бошқа ёқقا жўнатишиди. Лекин улар оиласлари билан нима содир бўлганини билишмас ва уларни яна кўришга умид қилишарди.

Фриц тўғрисини айтиб, уларнинг умидини чилпарчин этишни хоҳламасди. Лекин шундайми ёки йўқми, ҳаммаси аён бўларди – уларнинг хотинлари билан болалари, оналари, опасингиллари ва оталари газ камерасида ҳалок бўлишарди. Айримлар бундай янгиликлардан ғамгинлашиб, тушкунликка тушиб қолишарди. Улар энди қалбан ўлик эдилар. Улар лагерда гўё соядек юриб, ўзларига қарамай қўйишар, чорасиз, суяклари туртиб чиққудек озиб, кўзи нурсиз ва қалби бўм-бўш кишилар қаторини секин-аста тўлдиришарди. Лагерда бундай тирик мурдаларни мусулмонлар дейишарди. Бундай лақабнинг келиб чикишини баъзилар шундай талқин этишарди: бу бечоралар бошқа ўтиrolмай қолишса, мусулмонларнинг намоз ўқиётгандаги ҳолатни эгаллашар экан. Агар одам мусулмонга айланса, қолганлар ундан нарироқ туришар, ундан юзларини ўгиришаркан.

Кўмондонлик пункти битганидан кейин, Фриц билан яна олти нафар баҳтиёр кишини Столтен ювениш блоки қурилиши учун танлаб олди. Фриц фуқаро бригадири кузатувида печга ғишт терарди; у эса ишни ниҳоясига етказарди. Якоб Преусс бакириб-чақиравар ва эсэсчилар олдида ўзини кўрсатишни яхши кўрарди. У маҳбусларга ҳар доим кичкираверар, ёнида сокчи ёки зобит пайдо бўлиб қолгудек бўлса, дарҳол кўлинни олдинга кўтариб “Хайль Гитлер!” деб хайқираварди. Фриц унинг аҳмокона қиликларига базур токат қиласади.

Кунлардан бирида Преусс Фрицни ўз хонасига чакирди.

— Сен ҳадеб қайга шошаверасан? – дея сўради у.

Фриц довдираб қолди; у доимо тез ишларди ва уни шу пайтгача бунинг учун сира уришмагандилар.

Преусс овозини пасайтирганча деди:

— Агар шундай тез қурадиган бўлсанг, ҳаммасини тезда тутатамиз ва мени фронтга жўнатиб юборишади!

Фриц нима деб жавоб беришни билмасди. У икки ўт орасида қолганди. Агар иш секинлашса, маҳбуслар СС ғазабига учрайдилар. Иккинчи томондан, агар Преусс бирон баҳона топиб, унинг устидан сокчиларга шикоят қилса, бу ўлим билан тугаши тайин. Фриц ишни озроқ секинлаштирган хавфсизроқ бўлади, деган қарорга келди. Шундан кейин Преусс ўзини тузукрок, дўстона тарзда тута бошлади ва ҳатто ўз ишчилари учун қўшимча егулик беришлари ҳақида келишиб кўйди. Уни яна бир фуқаро, Вроцлавдан келган кавшарловчи Эрик Буковский ҳам кўллаб-куvvатларди. Ҳар иккаласи нацистларнинг енгилишига умид килаётганларини тан олишди.

Ҳақиқатан ҳам, бу энди имконсиз бўлиб туюлмасди. Шу пайтгача Германия ғалаба кетидан ғалабага эришарди. Бирок

феврал ойида лагерга Сталинград останасида олмон қүшинлари русларга асир тушгани ҳақидаги янгиликлар сизиб кирди. Демак, нацистлар унчалик енгиб бўлмайдиган эмас эканлар.

Фриц ушбу кувончли хабарни француз фуқароси Жандан эшилди, уни бурни остида ажабтовур қўнғизга ўхшаш мўйлови борлиги учун шунчаки “Мўйлов” деб чакиришарди. Жан француз қаршилиги ҳақида сўзлаб берди. Фриц кечқурун учрашганларида, ушбу ахборотни отаси билан дўстларига етказди. Бирок иттифоқчилар Германияни мағлуб этган Сталинград, Британия ва Африка Освенцимдан ҳаддан зиёд йироқда эди.

* * *

Густавнинг бармоқлари чакконлик билан тери бўлагини кесиб, бураганча, қалин бигизни таранг, эгилувчан мато орасидан итаарарди. У ўзининг ҳозирги аҳволидан мамнун эди. Иш етарли эди, у ҳатто назоратчи ҳам бўлди – унинг қўл остида бир амаллаб ўргатилган бир қанча шогирдлари меҳнат килишарди. У қиши ойларида усти ёпиқ иссиқ хонада ишлаш насиб этганидан, ўзини омади келган, деб ҳисобларди, аслида, ҳатто май ойида ва ёзда ҳам транспорт колоннаси ёки комбинатда ишлашдан кўра, шу ерда ғимирлаб юргани яхшироқ эди.

Густав бугунги кун билан яшашга уриниб, ўзини албатта омон қолишига ишонтиради. Фриц отасининг доимо кўтаринки руҳи тамойиллари билан чиқишимасди; у ҳар доим дўстларидан, отасидан, келажагидан хавотирланаверарди. У Эдит ва Куртдан ташвишланар, онаси билан Гертанинг ҳоли не кечгани ҳақида ўйлайверарди. У Биркенауда нималар содир бўлаётганини эшигарди – айниқса, крематорийда зондеркомандада ишлайдиган “махфийлар” даҳшатли нарсаларни сўзлаб

беришарди, буни ҳатто тасаввурга ҳам келтириб бўлмасди. Унинг ичида чорасизликдан туғилган ғазаб тобора ўсиб борарди. Унинг феъл-атвори отасиникидан фарқ киларди. Густав кийинчиликлар олдида эсанкирамасликка ҳаракат қилар, ўз ишини бажарар, меҳнат қилиб, ҳозир кечайтган лаҳза билан яшарди. Фриц эса, нацистларга нисбатан ичидаги нафратни ортиқ тутиб туролмайдиган фурсат яқинлашаётганини сезарди. Бунинг оқибатида қандай портлаш рўй беришини тасаввур этишга ҳам кўркарди.

Густав ўз фикрларига чўмганча, иш столи ёнида қўлида бигиз ушлаб ўтирас ва ҳозир бу ердан унчалик узок бўлмаган жойда, йўл ва темийўлнинг нариги томонида, Буна комбинатида унинг нисбатан чидаса бўладиган мавжудлигига рапхна солинишига таҳдид килувчи қарор унаётганига шубҳа ҳам қилмасди.

Комбинат қурилиши шу маҳалгача жадвалдан орқада қолар ва Берлиндан зобитлар комиссияси текширувга етиб келишган эди. Гиммлер жавоб талаб қиларди. Лейтенант Шеттель билан И.Г. Фарбен вакили қурилиш майдони бўйлаб комиссия аъзоларини олиб ўтишли. У ерда кўрганлари зобитларга умуман ёқмади. Баҳайбат комбинатнинг ҳатто ярми ҳам қуриб битказилмаган ва биронта ҳам корпуси ишга туша олмасди. Метанол ишлаб чиқарадиган фабрика ишга тушиш арафасида эди, лекин резина билан ёнилғи бўйича анча муҳимроқ заводларни яна бир неча ой, эҳтимол, ҳатто бир йил қуриш керак эди.

Ҳар дакиқа сайин комиссиянинг янада кўпроқ қовоғи уюлиб, маъюс тортарди. Зобитлар қурувчиларнинг тахминан учдан бир қисми ҳолсиз маҳбуслар эканига эътибор қаратишди, улар пул тўланадиган фуқаро ишчилари каби меҳнатга лаёқатли эмас. Бу ҳам етмаганидай, уларни доимо қўриклишга тўғри келади, бунга

ҳам қимматбаҳо ресурслар сарф бўлади. Бироқ маҳбусларнинг кўпгина бригадирлари яхудийлар экани зобитларнинг ҳаммадан ҳам кўпроқ жаҳлини чиқарганди. Шеттэл Моновицда оқсуяклар етарли эмаслиги, бу ерга фақат яхудийлар жўнатилаётганини тушунтириди. Комиссия, бундай ҳол давом этишига йўл қўйиб бўлмайди – яхудийлар раҳбарлик лавозимларини эгаллаши асло мумкин эмас, дея арз қилди. Шеттель ушбу масалани ҳал қилиш учун буйруқ олди.

Бир неча кундан кейин кечки йўқламада Шеттель маҳбуслар олдига капитан Ганс Аумайер билан чиқди. Бу одам қачонлардир бухенвальдликларни Освенцимда қабул қилиб олган баджаҳл маҳлук эди. Шеттель гўё олдида муҳим вазифа тургандек чўчқаники каби башарасини жиддий тутиб, афтини буриштириди. У минбарга чиқиб олди, бир варак қофозни олиб, ўн еттига маҳбус рақамларини ўқиди-да, уларга бир қадам олға чиқишини буюрди. Рўйхатда 68523: Густав Кляйнман рақами ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммаси бригадир лавозимини эгаллаган яхудийлар бўлиб, асосан Бухенвальд ва Заксенхаузендан келган ветеранлар эдилар.

Бу нимани билдириши мумкин, дея ҳамма фол очарди; бунга ўхшаш танлаб олишлар доимо ўтказилиб турар ва одатда, Биркенау ва газ камерасига жўнатиш билан яқунланарди.

Аумайер танланганларга дикқат билан назар ташлаб, уларнинг кўкрагидаги яхудийлар юлдузларига нафрат билан тикиларди. Юлдузлар икки рангда: қизил ва сарик учбурчаклар эди.

— Уларни йўқотинглар, – дея буюрди Аумайер.

Унинг ёнида турган назоратчи Густавнинг камзулидаги юлдузни юлиб олиб, учбурчакларни бир-биридан ажратди-да, қизилини қайтариб берди. У қолган ўн олти бригадир билан

худди шу ишни такрорлади. Уларга қизил учбурчакни бераркан, бригадирлар ҳайрон бўлганча қараб туришарди.

— Энди сизлар сиёсий маҳбусларсиз, — эълон қилди Аумайер. — Лагерда раҳбарлик лавозимларида ҳеч қандай яхудийлар йўқ. Бу ёдингизда бўлсин! Шу лаҳзадан эътиборан сиз оқсуякларсиз.

Мана шундай оддий ечим топилди. Режим учун Густав Кляйнман яхудий бўлмай қолди. Рўйхатдаги оддийгина тузатиш ҳамда бошқа эмблема ёрдамида у яширин хавф ва олмон ҳалқи бўйнидаги юк бўлиб ҳисобланмай кўйди. Мана шу кулгили оддий ечимда нацистларнинг аҳмоқона табақалаш ғояси ўзини бус-бутун намоён қилди.

Шу пайтдан бошлаб Моновицдаги яхудийлар ҳаёти тубдан ўзгариб кетди. Оқсуяк деб эълон қилинган ўн етти бригадир, лагерь иерархиясининг кейинги босқичига чиқиб қолишиди, гарчи улар аввалгидек жазоланишлари мумкин бўлса ҳам, ҳақоратомуз хўрланишдан ҳимоялангандилар ва эсесчилар кўз ўнгига энди ҳайвонлар бўлиб кўринмасдилар.

Бригадир ва назоратчи лавозимларида ўрнашиб олишганидан кейин улар ўз таъсир кучларидан фойдаланган ҳолда, фойдали лавозимларни эгаллашлари учун бошқа яхудийларга ҳам кўмаклашдилар. (Комиссия жўнаб кетганидан кейин Шеттель яхудийларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ман этилганини тезда унугиб юборди.) Густль Херцог маҳбусларни ҳисобга олиш хизмати ходими бўлди, кейинроқ унинг бошлиғи этиб тайинланиб, бир неча ўнларча маҳбусларга бошчилик қилди. Яна бир бухенвальдлик Юлип Хиршберг қўмондонлик автомобиллари ва бошқа транспорт сакланадиган ҳамда хизмат кўрсатиладиган СС гаражи назоратчиси бўлди; у ҳайдовчилар билан бир-икки оғиз сўзлаша олар ва катта лагерь

билан ташки оламдаги барча ҳодисалар ҳақида биларди. Бошқалар ҳам барак бўйича бошлиқликдан тортиб, то дурадгорлар ҳамда лагерь сартароши назоратчисигача лавозимларига эга бўлишарди. Уларнинг ҳаммаси қолган яхудийлар ҳаётини енгиллаштиришга ҳаракат қилишарди. Янги оқсусяклар калтакланишларга аралашишлари ва уларнинг олдини олишлари, кўшимча егуликлар берилишига эришишлари ҳамда яшил учбурчакли жаҳлдор» назоратчиларга қаршилик кўрсатишлари мумкин эди.

Густав учун бу яхши ишга яна хавфсизлик ҳам кўшилганини билдиради. Энди уни газ камерасига жўнатишгучун танлашшлари гумон эди, агар эҳтиёткорликка амал қиласа, у СС томонидан тасодифий зўрланишлардан хавотирланмаса ҳам бўларди.

Бироқ макомнинг бундай ўзгаришининг кўзда тутилмаган оқибатлари ҳам борлиги уни қаттиқ ранжитди. Улар Фриц билан ҳар хил баракларда яшардилар, бироқ ҳар куни йўкламадан кейин оқшомлари кўришиб туришга одатланиб қолишган вабуни шундай бўлиши керак, дея ҳисоблашарди. Бир куни кечқурун гапга берилиб кетиб – улар эски кунларни эслаб, келажакдаги ўз имкониятларини тарозига солиб, лагерь янгиликлари ҳақида сўзлашиб ўтирганларида, Фриц билан Густав блокфюрер уларга очик шубха билан тикилиб қолганини пайқамай қолишиди.

У ота-боланинг сухбатини шартта бўлди-да, Фрицнинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Сен, яхудий чўчқа, нимага назоратчи билан бундай гаплашшаяпсан?

Фриц билан отаси куттилмаганда бундай аралашувдан ҳайратланганча, ўрниларидан иргиб турдилар.

- Сен ўзингни ким деб ўйлаб, бундай қиляпсан?
- Лекин бу менинг отам, – деди Фриц тушунолмай.

Блокфю rer огохлантирмай, унинг юзига мушт туширди.

- Унда қизил учбурчак бор, у яхудийнинг отаси бўлиши мумкин эмас.

Фриц ҳайратда қолганча, бутун калласи бўйлаб оғриқ қандай тарқалаётганини ҳис қиласди; шу пайтгача унинг юзига шундай куч билан сира урмагандилар.

- Лекин у ростдан ҳам менинг отам, – дея такрорлади у.
- Блокфю rer уни яна урди.
- Алдоқчи!

Фриц ўзини йўқотганча, сўзларини такрорлаб, яна бир шафқатсиз зарба олди. Ёнида Густав чорасиз ахволда турар, ўз аралашуви билан иккаласи учун вазиятни фақат ёмонлаштиришини биларди.

Дарғазаб блокфю rer Фрицни ерга ағдаргандан кейин шу билан тинчланди.

- Қани, тур, яхудий.

Фриц оғзи-бурнидан қон оқизиб, ўрнидан турди.

- Энди йўқол!

Фриц бошини кўллари билан қисганча кетганидан кейин, Густав блокфю rerга юzlаниб деди:

- У ростдан ҳам менинг ўғлим.

Бошлиқ унга гўё ақлдан озган одамга қарагандек қаради. Густав индамай кўя қолди; агар у сокчиға илгари ўзининг яхудий

бўлганини айтса, бу ҳеч нимани ўзгартирмасди. Аслида, у буни шундай ҳам билиши мумкин эди, бироқ аввалгидек ўйларди. Нацистларнинг мияси ғалати тарзда ишлар, мантиқ ҳакида гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

* * *

Энди бутунлай қуриб битказилган Освенцим-Моновиц кичик ва оддий эди. Лагерь икки қаторли ток ўтган тиканли сим ва буталар билан куршалган бўлиб, дарвозаси оддий эди. Унинг ягона кўчасининг узунлиги 490 метр эди. Унда чап тарафда уч қатор, ўнг тарафда икки қатор бараклар турарди. Тахминан ўртада майдон бўлиб, унга темирчилик устахонаси билан ошхоналар туташганди. Йўл чеккасини, худди барча концентрацион лагерларда бўлгани каби, тартиб билан тарошланган газонлар ва гулзорлар безаб турарди. Ўсимликларни қандай меҳр бериб парваришлислар ҳам, шу билан бир вактда одамларни қийнаб, ўлдиришар, кўплаб маҳбуслар ақлдан озишарди.

Сал нарироқда, кўчанинг чап тарафида етгинчи блок турарди. Ташқи жиҳатдан у қолганлардан ажралиб турмас – ўзгача сифат билан қурилмаган, оддий ёғоч барак. Бироқ ичида ҳаммаси бошқача эди, чунки мазкур блокда маҳаллий имтиёзга эга кишилар яшарди. Улар Фриц билан Буженвальдда танишган одамлар эмас – ҳеч қандай машхур ёки сиёсатчилар, – шунчаки назоратчилар, бригадирлар ва қадрли ишчи мутахассисликларига эга кишилар, яъни лагерь элитаси эдилар. Лагернинг мебелчиси ва янги бўлган оксуяк Густав Кляйнман уларнинг орасида эди. Лагерга пастларнинг энг пасти бўлиб келганди, энди у энг имтиёзлилардан бирига айланди.

Густав нисбатан қулай шароитларда яшаб, қолганларнинг азоб-укубатларини секин-аста унута бошлади ёки ҳарқалай, улар

ҳакида камроқ ташвишланадиган бўлди. У хона ичидаги ишлар ва бошқа маҳбусларнинг хўрланишларини кўрмасди. У кундалик дафтарчасини камдан-кам ҳолларда, лагернинг бироз тинчроқ бўлиб қолгани, анча кам асиirlар газ камерасига жўнатилаётганини ёзиш учун оларди. Аслида эса, Биркенауга танлов янада қаттиклашган ва сал ҳолсизроқ кишилар дархол ўлдириларди. Густавнинг фикрича, ҳар янги келган партиядан 10-15 фоизигина омон қолар, “Қолганларни газ билан заҳарлашарди. Бу ерда энг қайғули ишлар содир бўлади”. Густав ўзини тажрибали одам деб ҳисоблар ва лагернинг асосий вазифаси – одамларни йўқ қилиш эмас, балки маҳбусларни ишлатиш, деган холосага келиб, энди тиканли сим ортидаги ҳаётдан аввалгидек даҳшатни бошидан кечирмасди. Ўтган вақт ичидаги у ўз аҳволини нормал, тамаддуни олам билан таққослаш кобилиятини йўқотгандек туюларди.

Барибир уни доимий тарзда икки нарса кийнарди. Бири – Фриц билан айрилиқ. Иккинчиси – ҳамманинг устидан ҳукм ўtkазиб, ўзини катта тутадиган, бирорларнинг қонини ичишга уста, лагерь старшинаси ва барча назоратчилар билан малакали ишчилар бошлиғи Йозеф “Юпп” Виндек эди. Юпп Виндек эсэсчилар учун рисоладагидек назоратчи эди.

У ташки жиҳатдан кўримсиз, озғин ва пакана бўлиб, нимжон туюларди. Бироқ бу ҳақиқий худонинг балоси эди. Турки совук башараси доимо буришиб, нафрат билан мэнсимай қаарарди; у ўзининг қўл остидаги одамларга буйруқ беришни ёқтирас ва ўзини баланд кўрсатиш учун доимо уларни камситарди. У олмон миллатига мансуб бўлиб, ҳали ўн олти яшарлигидаёқ жиноятчилик фаолиятини бошлаб, 1930 йил бошларидан қамоқхона ва лагерларда ўтиради. У қора учбурчак – “ижтимоий ёт унсур” белгисини тақиб юарди, бу билан гиёҳвандлар, ичкиликбозлар, уйсизлар, фирибгарлар, ишсизлар

ва ахлоқсизлар белгиланарди. У Освенцим I лагери старшинаси бўлиб, бухенвальдликлар билан бирга Моновицга ўтказилганди.

У қисқа муддат ичидат порахўрлик, террор ва камситишлар пошшолигини ташкил қилди. “Албатта, яхудийлар ўзлари билан қанча нарсалар олиб келишарди, – эсларди кейинрок Виндек, – биз ҳам улардан олиб кўярдик, табиийки, олиб кўяверардик... ва назоратчилар сифатида ўзимизга ҳамма энг яхши нарсаларни олардик”. Унинг энг асосий ҳамтоворғи СС рапорт-фюрери Реммелे бўлиб, у Виндекнинг порахўрлик схемаларида бойлик ортириарди.

Виндек ўзи ёқтиргандек кийинар ва одатда, от мингандаги кийиладиган шпорали этикда ва қора пиджакда айланиб юрар – ҳойнаҳой, эсэс зобитига ўхшашга ҳаракат қиласарди. У доимо кўлида дарра тутганча, лагер бўйлаб гердайиб юрарди. У ёш маҳбусларни зўрлаши ҳакида мишишлар тарқалганди. У одамларни бежазо ўлдирап, ўлгунларигача калтаклар ёки кир ювиладиган тоғораларда чўқтириарди. Айнан Юпп Виндек ориклаб, азобланиб кетган кекса шоир Фриц Лёнер-Бедани ўз дарраси билан савалаб ўлдирганди. Унинг малайларидан бирининг айтиб беришига қараганда, унга “айниқса, нимжон, ориклаб кетган ва бемор асирларни калтаклаш ёқар экан... Ўша шўрликлар ерга қулаганларида, у оёғи билан – юзи, қорни, ҳамма ёғига этиги пошналари билан тепкиларди”. Виндек ўша этиклари билан ғуурланиб: “Худойим, мана шу этикларни ифлос қилган ўша одамга ёрдам бер – бунинг учун уни ўлдиришим мумкин”, дерди.

Густав билан унинг имтиёзли баракдаги дўстлари Юпп Виндекни зўрликлардан тутиб қолиб, колган яхудийларни химоя қилишга уринишиди. Ўзлари иттифоқ тузган асир коммунистлар уларга ёрдам беришди.

Энг қаттиқкүл нацистлар лагери бўлиб ҳисобланган Маутхаузендан олти юз қишилик маҳбуслар гурухи Моновицга етиб келгач, ҳокимият мувозанати бузилиши уларнинг фойдасига бўлмади. Уларнинг ҳаммаси қора учбурчак таққан бўлиб, кўплари – ҳақиқий йиртқичлар эди. Виндек дарҳол уларни ўз атрофида тўплаб, назоратчи ва бараклар бўйича бошлиқ лавозимларига қўйди. Янги оксуяклар билан коммунистлар қаршилик кўрсатдилар, аммо Виндек билан унинг малайлари кучлироқ бўлиб чиқишиди. Уларга қаршилик кўрсатишга уринган ҳар қандай маҳбус жазоланар, баъзан ўласи килиб калтакланарди. Моновицдаги турмуш икки карра оғирлашди.

Бироқ кейин Виндекнинг ёввойи малайлари ўзлари қўйган тузокқа тушиб қола бошлашди. Кимлардир ўлгудек ичиб, тўполон кила бошлар, яна бирлари лагерь мулкини ўғирлар, учинчилари эсэсчи соқчилар ёки фуқаро ишчилар билан муштлашиб, жанжаллашарди. Бунинг учун уларни сира гапсўзсиз энг кўрқинчли жой: Аушвицнинг кўмир конларига жўнатишаради. Вақт ўтиши билан Юпп Виндек тўдаси шунчалик камайиб кетдики, натижада таъсир кучидан тўла айрилди.

У ўзининг очкўзлиги билан охир-оқибатда ўзига чоҳ қазиди. Маҳбусларни ҳисобга олиш хизмати ходими бўлиб ишлаётган Густель Херцог Виндек бўйинга тақиладиган қимматбаҳо тақинчокни ўзлаштириб, хотинига юбормоқчилигини тасдиқлайдиган далилни топди. Ушбу маълумотлар Освенцим I даги лагерга юборилди. Виндекни ушлаб олиб кетиб, икки ҳафта карцерга хукм қилишиди, шундан кейин Биркенауда жазони ижро этиш командасига жўнатишиди. У Моновицда қайтиб пайдо бўлмади.

Густав дўстлари билан яна бошқара бошладилар. Лагерда дўстона вазият ўрнатилди; маҳбуслар тузукроқ овқатланадиган бўлишиди, ҳафтада бир марта душ қабул қилишар ва ойда бир

марта тоза ички кийим олишарди. Улар тартиб-интизомни йўлга кўйдилар ва одатий хавфлар: СС дан, касалликлар, ишдаги майибликлар, вақти-вақти билан нимжон ва беморларни газ камераси учун ажратишлардангина қўркиш қолганди, холос. Улар ўзларининг бошидан ўтказганлар билан таққослаганда, бундай ҳаёт амалда маданиятли бўлиб туюларди.

“

ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ ВА ЎЗАРО ЁРДАМ: ФРИЦ КЛЯЙНМАННИНГ ЎЛИМИ

Нацистлар тизими ўзидан таассурот қолдиравли, бироқ жуда барқарор бўлмаган механизмни намоён этарди. Илҳом билан курилган бу тизим тобора тезлашиб олдинга ҳаракатланар, мўлжалга тегмай отар, қоқилар, ўзининг жонли ёнилғисини ютганча, суяклар билан кулни тупуриб, кўнгилни айнатар тутун бурқситарди. Йўл-йўл пойжомадаги одамларни унинг олови ичига нафақат жисмоний, балки ахлоқий, руҳий маънода итаришарди. Блокфюрерлар ва назоратчилар ортида, ток ўтган тиканли сим ва соқчилар миноралари ортида, лагерлар тизими ва эсэс иерархияси ортида бутун бошли миллат, ҳукумат ва одамлар жамияти туради. Уларнинг энг паст, ҳайвоний хусусиятлари – кўркув, разиллик, бойликка ҳирс қўйиш ёки қандайдир буюклик ҳақидаги хаёлпараст таҳайюллари мана шу тизимни ишга туширган эди.

Барча исталмаган унсурларни изоляция қилиш ва мураккаб жамият муаммоларининг ҳалол ва оддий ечими бўлиши керак эди. Инсоний токсинлар – жиноятчилар, чап қанот фаоллари, яхудийлар, бачавозларни йўқотиш мамлакатга аввалги шухратни қайтариши керак эди. Ва аслида, бу дори эмас, балки аста-секин,

аниқ тарзда мамлакатни заҳарлайдиган оғу бўлиб чиқди. Силласи қуриган қулларнинг бесамар меҳнати, уларни қўриқловчиларга тўланадиган маблағ, миллатидан омади келмаган даҳолар ва ақли расолар йўқотилгани туфайли илм-фан билан саноатнинг сусайиши – бу омилларнинг барчаси миллий иқтисодиётга катта зарар келтирди. Бошқа давлатлар орасида хукуқсиз ахволга тушиб, мамлакат гуллаб-яшнаган савдосидан айрилди. Германия ушбу муаммоларни кейинги урушлар ва босқинчилклар билан, янги қуллар гурухлари билан, барча ёвузликларнинг сабабчиси ҳисоблаган кишиларни ўлдиришлар билан ҳал қилмоқчи бўлди; тошмайдалагич қалтираганча кечаю кундуз ишлашни давом эттириб, чайнаб ва тупуриб чиқариб, секин-аста ўзини йўқ киларди.

Ичи қулфланган лабиринтдаги бундайин чорасизлик ва ишончсизлик Фриц Кляйнманга чидаб бўлмасдек туюларди. Унинг отаси ҳозирча хавфсизликда эди, бу унинг қалбидағи юкнинг бир қисмини ечарди. Бироқ тизимнинг адолатсизлиги ва шафқатсизлиги ҳатто энг оқилни ҳам ақлдан оздириб, энг худодан кўрққани эса, Худони лаънатлашга мажбур қилиши мумкин. Улар ўzlари каби маҳбуслар курган тўсиқлар ва деворлар ортида яшар ва кўпчилиги ҳеч бир маънисиз ўлим топишарди. Фрицнинг ўзи ҳам дала ўргасида ушбу қамоқхонани ўз қўллари билан курди. У терган ҳар битта ғишт билан тош СС бошқараётган ғишт заводлари билан тош конларида маҳбуслар томонидан куйилган ёки тарошланган эди.

Уларнинг отаси билан яқин алоқадалиги ва бошқа маҳбуслар билан дўстлиги қоида эмас, фавқулодда ҳолат эди. Экстремал шароитларда тирик қолиш учун зарур бўлган бирдамлик ҳамда ҳамкорлик камдан-кам инсонларга хосдир. Очлик туфайли маҳбуслар орасида душманлик келиб чиқар: улар адолатсизлик билан таксимланган ёвғон шўрва талашиб,

муштлашиб кетишлари ва бир бурда нон учун бир-бирларини ўлдириб юборишлари мумкин эди. Ҳатто оталар билан ўғиллар ҳам оч қолишганда, бир-бирларига ташланиб қолишарди. Лекин фақат бирдамлик ва ўзаро ёрдам маҳбусларнинг узокроқ муддат омон қолишларига имкон берарди. Доимий террор шароитларида яккамохов, ёлғизнишин кишилар ёки олмонча ва яхудийча тилни билмагани учун кимсасизликда қолган баҳтсизларнинг яшаб кетишга имкоңдари йўқ эди. Нафрат ва худбинлик ҳукмрон бўлган оламда ўз яқинини яхши кўриш ва у билан бўлишиш қобилиятини саклаб қолиш учун катта ирода кучи талаб этиларди. Ҳеч ким тирик қолишга кафолатланмаганди. Фриц ўзи ва ўз ўртоқларида тез орада ўлим белгилари бўлиб туюлган очлик ва етишмовчилик излари: кўкаришлар, чандиқлар ва синган суюклар, яра ва қорақўтири тошмалар, бўзариш ва ажинлар, чайқалиб юриш ва тиш тўкилишларни кузатарди. Маҳбуслар ҳафтада бир марта душ қабул қилишар, бироқ бу ҳам инсонларга хос бўлмаган шароитларда ўтарди. Барак бўйича қаттиққўл старшина насиб этган шўрликлар ўз жойларида ечиниб, кейин чўмилиш блокигача қип-ялангоч ҳолда югуриб боришлари керақ эди. Ювениб бўлгач, факат биринчиларгина куруқ сочиққа артинишарди; уларни кейингиларга узатиш зарур бўлар, шу боис энг охирида қолганлар ҳўл латтани кўлига олар, ҳатто қишки аёзда ҳам баракка ҳўллигича қайтарди. Одамлар ўпкалари шамоллаб, кўпинча ўлим билан тугатишарди. Лагерда маҳбуслар учун госпиталь бор эди, бироқ, гарчи у ерда маҳбуслардан етарличаси ишласа ҳам, эсэсчи шифокорлар факат дастлабки даволаш билан шуғулланишар, госпиталнинг ўзи эса доимо-тиф билан оғриган беморлар билан лиқ тўлган, кўркинчли жой эди. Жиддий эҳтиёжи бўлмаса, ҳеч ким уларга мурожаат қиласди; беморларни доимий тарзда элакдан ўтказиб, якин орада.

тузалмайдиганларини газ камерасига жўнатишар ёки укол билан ўлдиришарди.

Овқатни баракларда тарқатишарди. Бутун баракка атиги бир нечта товоқ берилар, шу боис шўрвасини биринчи бўлиб олганлар, қолган маҳбуслар кутиб қолмаслиги учун, наридан бери ичиб олишарди. Унчалик тез еёлмайдиганларни бесабрлик билан шоширишарди. Чўчқаёнғоқли қаҳвани худди ўша товокларга куйиб беришарди. Агар бирор кимсада шахсий кошиғи пайдо бўлиб қолса, уни кўз қорачигидай асрашарди; кошиқ ростмана қимматбаҳо буюм ҳисобланарди, маҳбусларга пичоқ берилмагани туфайли, қошиқ унинг ҳам вазифасини бажаарди, бунинг учун унинг дастасини тошга қайрашарди. Ҳожатхоналарда қофоз бўлмасди ва ҳар қандай кераксиз қофоз парчасининг қадри жуда баланд эди; баъзан курилиш майдонларидағи семон солинган қофоз қоплар парчалари, лагерга яширинча келиб қолган ва курилиш майдонида фуқаро ишчилардан кимдир қолдириб кетган газета маҳбусларга тегиб қоларди. Бир парча қофозни ўз эҳтиёжига ишлатиши ёки егуликка айирбошлаш мумкин эди.

Мана шундай етишмовчиликларга бардош берётган кишилар нацистларга одамларнинг чиққиндилари бўлиб туюларди, бироқ мамлакат ҳарбий иқтисодиёти айнан шуларга тобора кўпроқ боғлиқ эди. Эски буюкликни тиклашга уринган Гитлер яратган оламда ғижимланган қофоз парчаси аниқ нархдаги пулга айланганди.

Ҳар бир маҳбус вужуди доимий тарзда синовларга бардош берарди. Тузукроқ пойабзалга эга бўлиш ниҳоятда муҳим эди. Агар оёқ кийим тор ёки, аксинча, каттароқ бўлса, оёққа ишқаланиб, қавартириб юборар, қадоқлар эса яраларга айланарди. Пайпоқлар камдан-кам одамларда бўлар, уларнинг ўрнига лагерь кўйлаклари этакларидан йиртилган матодан

пайтава ўрашарди. Кўйлакларни йиртиш хавфли эди, чунки СС мулкига шикаст етказиш саботаж ҳисобланар ва унинг эвазига йигирма беш дарра уриш ёки егуликдан маҳрум қилиш билан жазоланарди. Қайчи ва тирноқ оладиган асбоб бўлмагани туфайли, оёқ бармоқларидағи тирноқлар ўзи синиб ёки тери орасига ўсиб кетмагунига кадар ўсаверарди.

Лагерь сартарошхонасида бўйт тарқалиб кетмаслиги ва шунингдек, боши қирилган ва йўл-йўл пойжомадаги маҳбуслар кўзга тез ташланиши сабабли, бошларини икки ҳафтада бир марта кириб ташланарди. Сартарош на совун, на антисептик воситалар ишлатмагани сабабли кўпларнинг бошлари ва юзларида кесиклар, ҳуснбузарлар ва йирингли яралар, шунингдек, соchlарнинг тери ичига ўсиши каби нуқсонлар қоларди. Инфекцияга осонгина чалиниш мумкин бўлиб, у одамнинг госпиталга тушиб қолиши хеч гап эмасди. Фрицнинг, хеч бўлмаса, юзини қиришмасди – йигирма ёшида ҳали унинг соқоли ўсиб чиқмаганди.

Лагерда тиш шифокори бор эди, бироқ маҳбуслар унга иложи борича камрок мурожаат қилишарди. Пломбалар тушиб, кариес билан милклар касалликларини келтириб чиқарар, ёмон овқатланишнинг оқибати сифатида цинга тишлар тўкилишига сабабчи бўларди. Тилла тишлар ҳаётни асраб қолиши, баъзан эса, аксинча, уни хавф остига қўйиши мумкин эди. Айрим назоратчилар уларга эга бўлиш учун маҳбусларни ўлдиришар, лекин тилла тиш эгаси уни ўзи сугуриб олса, тишни бирон тузукроқ нарсага айирбошлиш мумкин эди. Лагернинг қора бозорида тилла тиш эвазига сифатли поляк арогини беришарди. Ёки тиш учун бешта катта батон нон ва бир пачка ёғ сотиб олса бўларди. Буларнинг ҳаммасини маҳбус кейинроқ бошқа молларга айирбошлиши мумкин бўларди. Ҳар бир ҳафта, ҳар кун, ҳатто ҳар соат одамзод учун охиргиси бўлиши мумкин оламда

қандайдир мухимроқ ёки юкорироқ мақсадлар йўлида қора қунга бирон нима сақлашдан маъно йўқ эди. Ҳозироқ кўнгилга таскин, кулагайлик келтирадиган ёки ошқозонни тўлдириш учун кўмаклашадиган ҳамма нарса шунга арзирди.

И.Г. Фарбен эгалари билан бошқарувчилари учун маҳбуслар орасидаги қурбонлар фойда келтириш билан оқланарди. Эҳтимол, улардан биронтасининг виждони азоблангандир, бироқ улар ҳеч қандай чораларни кўришмаган. Ҳисобчилар билан директорлар эсэсчиларнинг Циклон В кимёвий инсестицидини жуда кўп микдорда харид этишлари, айниқса, Освенцим газ камераларида заҳарли тутун билан одамларни заҳарлашларига кўз юмардилар.

Фриц Кляйнман ҳаммасига ким айбдорлигини аниқ биларди. “Маҳбуслар ўз иерархик тизимлари туфайли шундай вазиятгача етказилди, дейишга ҳеч ким ҳақли эмас. Айримлар, албатта, мослашиб ва эсэсчиларнинг фирибгарликларидан фойдаланишини ўрганиб олган бўлсалар ҳам, бироқ Освенцимда мукаммалликка етган ўлим машинаси сифатида масъулият тўлиқ СС зиммасидадир!. Биркенауда танланган ҳар бир маҳбус ўртacha яна уч-тўрт ой яшashi мумкин эди. Фриц билан отаси саккиз ойдан кўпроқ вақтни бир амаллаб ўтказишиди. Улар билан бирга келган тўрт юз нафар чиниқсан, Бухенвальдда синовдан ўтган ўртоқларининг чорак қисмидан камроғи омон қолди.

Гарчи Освенцимда лагерь тизими рисоладагидай ишлаётган бўлса ҳам, аслида у бетартиб, самара сизлиги боис, барбод бўлиш хавфи бор эди. Унинг шафқатсизлигининг ўзи маҳбусларда қаршилик кўрсатиш истагини уйғотар, порахўрлик эса қаршиликнинг мавжуд бўлишига имкон берувчи тешиклар яратарди.

Освенцим-Моновицдаги биринчи ёзда, Юпп Виндек хукмронлиги авжига чиққан чоғда, ички дарғазаблик Фрицни Қаршилик ҳаракатига киришига турткы бўлди. Бу билан у ўз ҳаётини хатарга кўйганди, албатта. Лекин унга доимо нимадир хавф солар: ҳар қандай хатога йўл қўйиш, эҳтиёtsиз нигоҳнинг ўзи етарли бўлиб, кучли аёз ёки инфекция билан алоқа ногиронликка ёки ўлимга олиб бориши мумкин эди. У қаршилик кўрсатиб, жилла курса, ҳаётини ниманингdir эвазига хавфа кўярди.

**
* * *

Ҳаммаси баракнинг узок бурчагида бошланиб, янги иш билан якунланди.

1943 йилнинг ёзида лагерда курилиш тугади ва Буна комбинатида ҳам курувчиларга эҳтиёж пасайди. Фриц учун ишсиз қолиш хавф соларди. Унча-мунча дўстлари унга ёрдам бериш ва ўзларининг мақсадларида ундан фойдаланишга қарор қилишди. Улар Фрицни четта тортиб, ҳаммасини маҳфий тутиш шарти билан гаплашиб олишди.

Уларнинг барчаси бухенвальдликлар бўлиб, Фриц уларни кўп йиллардан бери биларди. Ҳарбий ветеран ва коммунист, Фриц билан бошқа болалар учун иккинчи отаси бўлган оқил яхудий Стефан Хейман, Густав Херцог билан бирга, австриялик антифашист Эрих Эйслер. Уларнинг Фриц учун ҳаётий мухим, бироқ хатарли топшириғи бор эди.

Бу одамлар лагерларда узок йиллар давомида ҳаёт кечириб, СС га қарши маҳфий яхудий-коммунистик иттифоқни шакллантирган эдилар. Қаршилик ҳаракати асосан маҳбусларни маъмурий бошқарув лавозимларига кўйиш билан шугулланар, бу тузукроқ яшаш ва тирик қолиш нуқтаи назаридан бебахо

маълумот олишга имкон берарди. Шу туфайли Фриц билан Густав хавфсизрок иш жойига ўтишди, Роберт Сиверт ўз курувчилик мактабини ташкил қилди, Фриц онасининг охирги хати мазмунидан боҳабар бўлди ва отасини Освенцимга ўтказишаётгани ҳакида огоҳлантирилди.

Иттифоқ Моновицда тикланди ва унинг аъзолари, шу жумладан, Густав каби “янги оксуяклар” туфайли яна муҳим маъмурий лавозимларни эгаллашди. Бироқ энди улар ўз фаолиятларини кенгайтириш керак, деб ҳисоблардилар. Саботажнинг майда-чўйда кўринишлари ҳам ёмон эмас эди; авваллари Фриц уларда иштирок этиб турарди – курилиш майдончаларида гоҳ цемент солинган қоп тушиб ёки йиртилиб кетарди, гоҳ бетон ташиётган юк машинаси кузовига яхши ёпилмаган кран тушиб қолади, – бироқ уюшган Қаршилик ҳаракати бундан кўпроғини хоҳларди.

Энг муҳими, ахборотга эга бўлиш эди. Маъмурий лавозимларда ишлайдиганлар Освенцимнинг саттемит (йўлдош) лагерлари ҳакида, маҳбусларнинг кўчирилиши, ажратиб олиниши ва оммавий қатллар тўғрисида маълумотлар олишлари мумкин эди. Энди улар Фрицнинг бошқа муҳим манба – фуқаро ишчилар билан алоқа ўрнатишга ёрдам беришини хоҳлашарди. Бунинг учун уни Буна комбинати фабрикаларидан бирига ўтказмоқчи бўлишди. У эркин ёлланган ишчилар билан дўстлаша билиши исботланганди, комбинатда эса, улар кўпминг сонли микдорда эдилар. Унга курувчилар командаси Шлоссенкоманд-90 – слесарлик бўлинмасида жой топиб беришди.

Шундай қилиб, бир куни эрталаб Фриц бошқа ишчилар билан биргаликда соқчилар ҳамроҳлигида, Моновицга ёлганидан буён биринчи марта дарвозадан ташқарига чиқиб, сосий йўл орқали Буна комбинати томон йўл олди.

У комбинатнинг худудига боргачгина, унинг нақадар баҳайбатлигини англади. Бутун мажмуа кўчалар ва темирйўллардан ташкил топганди. Шарқдан ғарбга борган асосий йўлда турган кўйи, уч километрлар нарида элас-элас кўринаётган тарафини пайқаш мумкин эди. Шимолдан жануб томонга кўндаланг ётган йўлларнинг узунлиги бир километрга етарди. Улар орасидаги тўғри тўртбурчакли ерда фабрика бинолари, печлар, устахоналар, омборлар, нефть ва кимёвий моддалар солинган цистерналар ва америкача сирпанчиқ йўлларни эслатувчи ғалати қувурлар чатишмалари мавжуд эди. Мажмуа бир неча секцияларга: синтетик мойлар заводи ва унга тегишли устахоналар, Буна резина фабрикаси, электростанция ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳамда уларга қайта ишлов бериладиган майдада ишлаб чиқаришларга бўлинганди. Кўп корпуслар ҳали ишга тушмаган – улар қурилган, лекин ички безатиш ишлари тугамаганди.

Комбинатда мингларча эркак ва аёллар меҳнат қилишарди. Учдан бир кисми маҳбуслардан, қолганлари – фуқаро шахслардан иборат эди. Слесарлик бўлинмаси – аслида, металлни қайта ишлашнинг барча турлари билан шуғулланадиган устахоналар ва фабрикадагилар – дўстона, ёқимтой кишилар эди. Кўп назоратчилар маҳбуслар билан мулоим муомалада бўлар ва “у ёқ-бу ёкка қараб”, яъни сокчиларнинг қаердалигидан боҳабар бўлиб, шошилмасдан ишлашларини эслатиб туришарди. Фриц тушиб қолган жойдаги назоратчи сиёсий маҳбуслардан бўлиб, Даҳаунинг собиқ асири экан – айнан шу одам Қаршилик аъзоларига унинг учун тайинлов олишларига кўмаклашганди.

Фрицни фабрикалардан биридаги биринчи бўлимига бош ёрдамчи килиб кўйдилар, у ерда германиялик жуда кўп ёлланган мухандис, техник ва бригадирлар ишлардилар. Ишчиларнинг

кўпчилиги поляк ва рус маҳбуслари бўлиб, улар олмон тилидаги буйруқларни уччалик тушунмасдилар, бунинг учун назоратчилар уларни жазолашарди. Мабодо фуқаро бригадири уларнинг ишларидан норози бўлса, концерн асиirlарни Освенцим I га “ўқишга” жўнатарди. Олмон тилида сўзлашадиган маҳбусларга анча енгилроқ эди. Фриц эркин ёлланган бригадирлар билан танишиб, уларнинг ишончларини қозониб олди.

Улардан бири билан айниқса яқин муносабатлар йўлга кўйилганди. Фриц ундан нон ва сигарета, баъзан эса, янги газеталар кўринишида яширин ҳадялар оларди. Вақти-вақти билан олмонлар ўзаро валақлашиб сухбатлашиш учун тўхтардилар, Фриц эса уруш ҳакидаги расмий тарғибот-ташвиқотдан кескин фарқланувчи янгиликларни дикқат билан эшитарди. Нацистларни барча фронтлар бўйлаб сикишарди; Сталинград остида мағлуб бўлганларидан кейин, улар шарқда қақшаткич хужумга учрадилар, британияликлар уларни Шимолий Африкадан ҳайдаб чиқаришди, америкаликлар эса, шу кезда Италияга кириб, уларни ортга, Германияга ҳайдашлари керак эди. Фриц ўша олмоннинг нацист эмаслигини билар, у ҳам уруш яқинда тугаши ҳамда Германиянинг енгилишига умид киларди. Фриц ҳар куни тўплаган ахборотларни (улар билан бирга, киммати ҳадя – нон билан газетани) ўз ўртоқларига етказарди.

Гарчи Фриц ўз вазифасининг мухимлиги ва хавфли эканини билса-да, ўзи иштирок этаётган операциянинг ростмана кўламини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Освенцимда Қаршилик ҳаракати секин-аста самарали ишлайдиган, яхши координацияланган тармоқка айланди. 1943 йил 1 майда – нацистларнинг байрами куни лагерда ишлайдиганлар камроқ қолган чоғда – Освенцим I да Қаршиликнинг ҳар иккала

фракцияси аъзолари иштирокида маҳфий йигилиш бўлиб ўтди, унда ҳамкорлик ҳақида келишиб олинди. Унда собиқ армия зобитлари кирган поляклар гурухи. Юзеф Циранкевич бошчилигига ҳаракат қиласарди, у ўз одамларини яхудийлар ва австро-германиялик сиёсий маҳбуслар билан ҳамкорлик қилиш учун кўндириди. Шу тариқа улар ўзларининг кучли жиҳатларини бирлаштиридилар – олмонлар Германия билан нацистларни яхшироқ билишар, бу эса разведка учун муҳим аҳамият касб этарди, полякларга эса, почта олишларига рухсат бериларди, бу маҳаллий партизанлар билан алоқада бўлиш имконини яратарди. Улар ўзларини Аушвицнинг Жангчи гурухи деб номладилар, бу эса уларнинг жанговар кайфиятлари ҳақида тасаввур берарди, улар тез орада Стефан Хейман ва Моновицдаги Қаршилик ҳаракати билан алоқага чикдилар. Лагерлар орасидаги алоқа маҳбуслар ва ишчи бўлинмаларининг бутун мажмуа бўйлаб доимий ўтказилишини енгиллаштиради. Моновицдаги гуруҳ ҳам ўз ҳиссасини кўшди – унда эркин ёлланганлар билан алоқа ўрнатиб, Буна комбинати ишига тўсқинлик қилиш имкони бор эди. Саботаж доимий тарзда ва кенг миқёсда ўтказиларди. Электростанциядаги маҳбуслар турбинада қисқа туташув содир қилдилар. Бошқа гуруҳ 1 май куни сокчилар камлигидан фойдаланиб, ҳали куриб битказилмаган синтетик мойлар заводида портлаш рўй беришига сабабчи бўлишди, яна бири – элликта нацистлар автомобилини йўқ қилди. Мазкур терактулар курилишнинг жуда секин силжиши билан биргаликда комбинатнинг кўпгина ишлаб чиқаришларини ишга туширишни анча муддат ортга сурди.

Қаршилик фаолиятининг ҳамма ишлари орасида эркин ёлланганлар билан алоқалар энг хавфлиси эди. Лагерь гестапоси ҳар қандай йўл билан ташкилотга сукулиб кириб, унинг раҳбарлари билан иштирокчиларини аниқлашга интиларди Ахборот етказадиганларни излаб топиш ва йўқотишга оид ишларни

доимий тарзда олиб бориларди. Уларнинг етказган маълумотлари лагерда энг мураккаб операцияларни ўтказишиш: қочишларни режалаштириш ва амалга оширишга ёрдам берарди.

Ҳар куни комбинат билан лагерь оралиғида қатнаб, ўртоқларига майда ахборотлар келтирадиган Фриц мазкур тармоқ кўлами ва унда ўзи ўйнаётган ролини атиги озгинасини тасаввур қиласади.

* * *

Июнь ойи эди, шанбадаги иш куни охирлаганди. Кечки йўқламада турган маҳбуслар эртага якшанбада мабодо дам олишмаса ҳам, ҳарҳолда, жуда оғир меҳнат қилишмаслиги ва кун уччалик хатарли бўлмаслигини билишарди. Фриц тутмалари тартиб билан қадалган камзулда ва шапкасини қиялаб кийганча сафда туаради. Ҳаммаси одатдагидек бораради: секин, бир маромда, доимо ўзгаришсиз ўтадиган, кишини кийнаб ташлайдиган мазкур муолажада у 1939 йил октябридан бўён кунига икки маҳалдан иштирок этишга мажбур эди.

Рапорт-фюрер рўйхат ниҳоясига етиб, маҳбуслар тарқалишига энди рухсат бермоқчи бўлганди, шу пайт майдонга келаётган қандайdir гурухни сезиб, тўхтади. Гурух яқинлашган чоғда, Фриц икки эсесчи сержант бир эркакни олдиларига солиб ҳайдаб келишаётганини кўрди, у эса қокилар ва оқсоқланарди. Фриц уларни фақат ёнидан, кўз қири билан кўрди, чунки ҳамма оллинга қараб туриши керак эди. Гарчи эркак йўл-йўл пойжомада бўлмай, боши қирилмаган эса-да, улар ўз курбонини одатла маҳбусларга муомалада бўлган каби итариб, ҳайдаб ва калтаклаб келишарди. Афтидан, бу эркин ёлланган бўлиб, эсесчилар унинг устидан анча меҳнат қилишган ва унинг шишиб кетгани юзидан қон сизарди. Бирдан Фрицнинг юраги шувиллаб кетди: бу унинг комбинатдаги олмон таниши эканлигини таниб

колди. Унинг соқчилари Моновицда гестапо бўлимини бошқарадиган сержант Иоганн Таут билан унинг кўл остида ишловчи сержант Йозеф Хофер эдилар.

Улар олмонни сафланган маҳбуслар рўпарасига кўйиб, комбинатда у билан алокада бўлган барча одамларни кўрсатишни буюрган чоғда, Фриц чурк этмай, тобора ортиб бораётган даҳшат билан қараб турарди.

Эркак рўпарасида турган мингларча чехраларга қараб чиқди. У қатор ичкарироғида турган Фрицни ҳали пайқамаганди. Йиккала эсесчи уни қаторлар бўйлаб орқа-олдига итарганча, диққат билан қарашга мажбур қилишарди. Мана, улар Фрицнинг олдига етиб боришиди. У юраги гупиллаб урганча, олдинга қараб турарди. Урилавериб, ичи конга тўлган кўз Фрицга тикилиб қолди, унинг қўли юкорига кўтарилиб, “Мана бу” деган овоз чиқди.

Фрицни дарҳол ушлаб, эркин ёлланган билан бирга дўстлари ёнидан, қўрқиб кетган нигоҳи билан қараб турган отаси ёнидан судраб, майдондан олиб чиқиб кетишиди.

* * *

Уни юк машинаси кузовига ортиб, лагердан олиб кетишиди. Юк машинаси Освенцим I гача бир неча километр юргач, аммо лагерь худудига бурилмай, девор ортидаги эсес госпитали қаршисидаги еости газ камераси якинида жойлашган гестапо биносига етиб борди. Сержантлар Таут билан Хофер уни йўлақдан олиб ўтиб, катта хонага туртиб киритдилар.

Кўрқувдан кўнгли бехузур бўлган Фриц хонадаги буюмларга нигоҳ ташлади. Ўртада боғланма қайишли стол турар, шифтда қозиклар туртиб чиқканди. У буларнинг барчаси нимага

кераклигини билиши учун лагерда етарли даражади муддат ўтказганди.

Кейин хонага СС зобити кирди. У Фрицга оталарча юз ифодаси билан жилмайиб каради. Сочи эрта тўкилган ва оқарган Максимилиан Грабнер умуман қўрқинчли бўлиб туюлмас, у кўпроқ университет профессори ёки меҳрибон дин пешвосига ўхшаб кўринарди. Инсон киёфаси унинг феъл-автори билан шу қадар тубдан фаркланиши жуда кам учради; жозибали Грабнер Освенцимда гестапо бўлимини бошқарар ва бошқа лагерлардаги ўз ҳамкасларидан совуққонлиги ва шафқатсиз оммавий катллари микдори билан ҳаммасидан ўзиб кетганди. У доимий равишда госпитал билан лагерь бункерини бўшатар – буни “тозалаш” дея атар, – ва маҳбуслар газ камералари ёхуд Қора Деворга жўнатиларди. У польшалик ҳомиладор аёлларни йўқ килиш дастурини ишга тушириб, ўз қўли билан икки мингдан ортиқ кишини ўлдирган эди. Освенцимда Максемилиан Грабнердан кўра қўрқинчлироқ одам кам эди. У ҳатто СС ни ҳам даҳшатта соларди.

У Фрицга бир он қараб қўйиб, кейин гап бошлиди. Унинг овози ажабтовур мулойим, лаҳжаси эса, Вена атрофидаги кишлоқларда яшайдиган оддий ва маълумотсиз одимникига ўхшарди.

— Биламан, — деди у дарҳол ишга ўтаркан, — сен, 68629 рақамли маҳбус Освенцим-Моновиц лагеридан йирик кўламдаги қочиши режалаштиришда иштироқ этгансан ва буни сени сотган германиялик эркин ёлланган билан биргаликда бажаргансан. Сержант Таутнинг одамлари уни анчадан буён кузатишарди. Унинг одатдан ташқари хулқи сизнинг эътиборингизни жалб этди, шундайми, сержант?

У бош ирғади ва Грабнер ўзининг дўстона нигоҳини Фрицга қаратди.

— Хўш, бу хақда сен нима дея оласан?

Фриц нима деб жавоб беришни билмасди. У эркин ёлланган билан таниш эканини рад этолмасди, бироқ қочишга тааллуқли гапларнинг ҳаммаси унинг учун сир эди.

Грабнер ёндарфтарчаси билан қалам чиқарди.

— Ҳозир сен фитнада иштирок этган барча маҳбусларнинг исмини менга айтиб берасан.

Фрицнинг ҳайратланиб, жим туришини жавоб беришдан бош тортиш деб қабул қилган Грабнет Таут билан Хоферга бош ирғаб, имо қилди.

Хофер даррасининг дастлабки зарби Фрицни икки букчайтириб, нафас олдирмай қўйди; унинг ортидан иккисинчи, учинчи зарбалар тушди.

Бироқ айбига иқрорлик рўй бермади. Грабнер ҳайрон қолди. Гарчи 68629 рақамли маҳбус кўринишидан ёш болага ўхшаса ҳам, анави эркин ёллангандан кўра, буни синдириш қийинроқ экан. Грабнернинг буйруғи билан Фрицни стол устига юзтубан ётқизиб, қайишлар билан боғлашди. Дарра визиллаб кўтарилиб, унинг думбасига зарбаларни туширди. Кейин яна, яна, яна... улар ўтдек ёнаётган қип-кизил гўштга айланмагунча зарбалар тушаверди. Бироқ у қўркув билан оғриқдан азоб чекиб ётса ҳам, зарбаларни санашиб давом эттиради: йигирма зарба урилгач, уни ечиб, яна оёққа турғазишиди.

— Қилган ишларингта икрор бўл, — деди Грабнер, ёндафтарчасини кўрсатиб. — Сизлар қочишларига кўмаклашишни режалаштирган маҳбусларнинг исмларини айт.

Фриц рад этишнинг фойдасизлигини билар ва боис шунчаки индамай қўя қолди. Уни яна столга ётқизиб, боғлаб, дарра яна ҳавода визиллади.

Мазкур ётқизиб-турғазишлар муолажалари неча марта такрорлангани ҳисобини йўқотса ҳам, у барибир зарбаларни санаарди: унинг илвираб кетган танасида олтмишта ловуллатиб ачишаётган яра ҳосил бўлганди.

Уни яна бўшатиб, оёкка турғазиши. Фрицнинг туришга ҳоли қолмаганди. Грабнер унга дикқат билан тикилиб, ўрганарди.

— Исларини менга айтиб бер.

Эртами-кечми, шундай фурсат етиб келиши керак эди — мазкур деворлар ичра қолган кўпчилик маҳбуслар билан содир бўлгани каби, — Фриц фақат азобларнинг тўхтатилиши учун мағлуб бўлиб ва истаган нарсани бўйнига олиши мумкин эди. Нимани айтиб бериши: ҳакиқатими ёки ёлғоними, бунинг аҳамияти йўқ, — фақат қийноқ тўхтаса, бўлди. У Қаршиликда қатнашган дўстларини айтиб бериши мумкин эди. Бу шундай оддий бўлиб туюларди — унинг аҳволига тушган ҳар қандай одам бундай фойдаланса бўларди. Стефан, Густль, Юпп Рауш ва Қаршиликнинг бошқа аъзолари, унинг дўстлари ва устозларини у қийноқ билан ўлимга мубтало этса бўларди. Бу унинг ҳаётини куткариб қолмаслигини Фриц яхши биларди, лекин ҳарқалай, қийноқларга чек кўйиларди.

У ҳеч нима демади. Грабнер Таут билан Хоферга қараб, шифтдаги қозикларга имо қилди.

Фрицнинг қўлларини орқасидан шу қадар қаттиқ боғладиларки, ҳатто қон ўтмай қолди. Узун арқоннинг бир учини қозикдан ўtkазиб, уни иккала сержант қаттиқ тортишди.

Фрицнинг орқасидаги қўллари юқорига қараб қайрилди ва у тасвирлаб бўлмайдиган даражада кўз ўнги қоронғилашиб, пол узра осилиб қолди. Унинг оёқлари таянчдан ярим метр юқорида, тана оғирлиги остида бўғимлари қақшаб оғрир, кучли оғриқдан онги портлаб кетгудек зиркиради. У Гёте эманида худди шундай осилиб кийналган бошқа маҳбусларни бир неча марта кўрганди, бироқ бу, аслида, тасаввур этиш мумкин бўлганидан кўра анча даҳшатлироқ экан.

— Менга исмларни айт, – такрорларди Грабнер қайта ва қайта.

Фриц деярли бир соатча осилиб, унинг оғзидан фақат англаб бўлмас ингроқ ва хириллаш чиқарди, холос.

— Сен барибир ўласан, – майин шивирлади Грабнер унинг кулогига. – Менга исмларни айт.

Грабнернинг буйруғи билан арқонни қўйиб юборишди ва Фриц полга гурсиллаб қулади. Грабнер саволини кетма-кет такрорларди: исмларини айтсанг, ҳаммаси тугайди. Бироқ Фриц аввалгидек чурқ этмасди. Уни оёққа турғазиб, яна арқонни қозикдан ўтказишиди ва Фрицни қичқиртирганча юқорига тортиб чиқаришиди.

Уни уч марта осиб қийнадилар, бироқ ҳаммаси натижасиз бўлди. Грабнер сабрини йўқота бошлади. Бугун шанба эди ва у уйига тезроқ етиб олишни хоҳларди. Мазкур сўроқ уни қимматли бўш вақтидан мосуво қиласди. Фриц ҳаммаси бўлиб бир ярим соат осилиб тургач, уни учинчи бор ерга ташлаб юборишди. У Грабнернинг хонадан чиқаётгани ва сержантларга маҳбусни лагерга қайтаришга буйруқ берганини базўр англади. Улар сўроқни кейинроқ давом эттиришади.

* * *

Фрицни олиб кетишгандан кейин Стефан Хейман билан Қаршиликнинг бошқа иштирокчилари шоша-пиша, энди қандай йўл тутишни ҳал килишга киришдилар. Фрицни синдириш ва уларни олиб кетиш учун гестапо келишига қанча фурсатлари бор? Улар келаётган ҳалокатдан қандай кутулиш йўлини топишга уриниб, ўша оқшом роса баҳслашдилар.

Фрицни лагерга қайтариб келишганда, Густль Херцог ҳали ухламаганди. У тезда кўришиш учун шошилиб чиқди ва Бухенвальддаги эски дўсти Фредль Люстиг билан транспорт колоннасидаги Макс Мацнер уни кўчадан ўз елкаларида кўтариб келаётганларини кўрди.

Фриц оёкларида туролмасди; кўкариб кетган ва яраланган жойларидан ташқари, унга чиқиб кетган бўғимлари билан орқаси даҳшатли оғриқ берарди. Густль Люстиг билан Мацнерга уни госпитальга олиб боришлиарини тайинлади ва ўзи Қаршиликнинг бошқа аъзоларини излаб кетди.

Госпиталь лагернинг шимоли-шарқий бурчагидаги барак блокини эгаллаганди. У ерда бир қанча: терапевтик, жарроҳлик, юкумли касалликлар ва тикланиш бўлимлари бор эди. Гарчи унга эсесчи шифокор раҳбарлик килса-да, у жойида камдан-кам бўлар ва госпитальда асосан маҳбуслар ишларди. Гарчи у ерда дорилар етишмаса ҳам, концлагер стандартлари бўйича госпиталь ёмон эмасди.

Фрицни терапевтик бўлимдаги хонага олиб киришди. У ярим шол аҳволда, қўллари жонсиздек туюлар, орқаси қонаб ётар, чидаб бўлмас оғриқдан азобланарди. Чех шифокор унга кучли оғриқ қолдирадиган дори берди ва қўлларини ёзди.

Бир муддатдан кейин Густль Херцог Эрих Эйслер ва Стефан Хейман билан келишиди. Улар учаласи қалбларида күнгилсиз ходисалар рўй берадигандек азобланиб, Фрицга ачиниб қараб туришарди. Шифокор чиқиб кеттгач, улар гестапо ундан нимани хоҳлаганини синчиклаб суриштира бошладилар. Фриц Грабнернинг айбловлари ҳамда мўлжалланган қочиш режаси тўғрисида сўрашганини айтиб берди.

- Сен унга бирон нимани айтдингми? – сўради Стефан.
- Йўқ, албатта. Ахир мен ҳеч нарсани билмасдим-ку.

Бундай жавоб шу пайтгача гестапони қониктиргагандай, уларнинг ҳам қизиқишлигини янада оширди.

- Сен кимнинг бўлса ҳам, бирон кишининг исмини айтиб бердингми?

Фриц оғриқдан лабларини тишиланганча, бош чайқади.

Унинг аҳволи оғирлигига қарамасдан, дўстлари у ростдан ҳам ҳеч қандай исмларни айтмаганинги қайта-қайта сўрайверишиди. Йўқ, Грабнер ундан ҳеч нимани билолмади, дея гапида қатъий туриб олди у. Фрицни лагерга қайтиб келишига ижозат беришгани уларга жуда шубҳали бўлиб туоларди. Эҳтимол, Грабнер Фрицнинг эҳтиётсизлик қилиб, қандайдир тарзда ўз шерикларини айтиб қўйишидан умидвор бўлгандир? Ёки балки Освенцимдаги Ўлим Блоки камералари шунчаки тўлиб кетганмикан (кўпинча шундай бўларди ҳам).

Ниҳоят улар Фриц дўстларини сотмагани ҳакидаги жавоблардан қоникдилар. Улар ҳозирча хавфсиз эдилар. Бироқ Стефан билан Эрих Грабнер бу билан тўхтаб қолмаслигини жуда яхши англашарди. У сўрокни давом эттиради ва Фриц тан олмагунча ёки ўлмагунига қадар унинг қийноқлари давом этади. Энди нимадир килиш керак эди.

Улар ҳозирча Фрицни лагернинг узоқ бурчидаги ўликхонага туташган тиф ва дизентерия билан оғриган беморлар ётган юқумли касалликлар бўлимига ўtkазиш ҳакида келишиб олишди. Эсесчи шифокор ва унинг кўл остида ишлайдиганлар у ерга жуда кам боришарди. Фрицни ёлғиз ётадиган хонага жойлаштиришди. Ҳозирча унга ҳеч нима хавф солмас, фақат касаллик юқтириб олмаса, бўлди. Бироқ уни ўша ерга тоабад яшириб бўлмасди; эртасига йўқламада кўринмай қолса, изламасликлари учун унинг исмини госпиталь рўйхатига киритишга тўғри келарди. У ҳолда гестапо уни олиб кетиш учун госпиталга келади. Улар қандай йўл тутишни ўйлаб, турли усуллардан қай бирини танлаш ҳакида бош қотиравериб, фақат биргина йўл қолганди: Фриц Кляйнман ўлиши керак.

Шу мақсадни кўзлаб, лагер старшинаси ва госпиталь маъмури Сепп Люгер рўйхатга 68629 рақами маҳбуснинг ўлгани тўғрисида ёзув киритди. Тафсилотлар талаб этилмасди; рўйхатда ҳар бир бемор учун атиги биргина сатр ажратилиб, унда маҳбус рақами, исми, келган ва кетган санаси ҳамда кетиш сабаби ёзиларди. Сўнгги сабаб учун учта вариант: тузалди, газ камерасига жўнатилди ёки ўлганлигини билдирадиган қора хочли муҳр қўйилгани қўрсатиларди. Густль Херцог, шунингдек, лагерь хисоби бош хизмати маҳбуслар рўйхатида ҳам Фрицнинг ўлими ҳакида ёзув пайдо бўлишини кузатди.

Атиги бир неча кишиларгина билган ҳақиқат жуда қаттиқ сир тутилиши керак эди. Фрицнинг калтак ва кийноклардан ҳалок бўлгани ҳақидаги янгиликни унинг дўстларига маълум қилишга тўғри келди. Хавф ҳаддан зиёд катта бўлгани боис, ҳатто Густавга ҳам тўғрисини айтишмади. У ҳам жондан азиз фарзандини гестапода қийнаб ўлдиришгани ҳақидаги қўрқинчли, қалбларни ларзага солувчи хабарни эшилди. Отанинг ғам-андухи шунчалик кучли эдики, Густав бу ҳакда кўп ҳафталар давомида

күл теккизмай ташлаб кўйган кундалигига ҳам ёзишга ўзини мажбурлолмади.

Густав боласига аза тутиб, ғамга ботиб юрганида, конспираторлар тирик ва тузала бошлаган Фриц билан энди нима килишларини ўйлаб топишга уринишарди. У секин-аста тузалар, лекин ҳанузгача госпиталь изоляторида эди. Эсэсчи шифокор ҳар сафар ўз ҳамроҳлари билан ўша ерни кўргани борган чоғда, касалхонанинг кирхонасида ишлайдиган эски дўсти Юл Мейхнер Фрицга каравотидан туриб, омборхонадаги чойшаблар тугилган тутунлар ортига яширинишига ёрдамлашарди.

Фриц бундан кейин ҳоли не кичишини билмасди. Дизентерия билан оғриган беморлар ҳожат чеълаклари томон қандай судралиб боришаётгани, тиф билан касалланганлар эса тер сингиб қолган чойшаблар устида қандай буралаётганларини кўрган Фриц бемор бўлса ҳам, соғ бўлса ҳам, госпиталда узок қолиб бўлмаслигини тушунарди.

Моновиц гестапосидан Фриц ўлгани туфайли Грабнер терговни тўхтатгани ҳақидаги янгилик сизиб чиқди. Энди кейинги босқичга ўтиш фурсати етиб келганди.

Фрицга тифдан яқиндагина ўлган беморнинг шахсини беришди. Ўша шўрликнинг исми ҳам унинг ёдида қолмаганди – лагерга охиргилар билан Берлиндан келган қайсиdir яҳудий: унинг рақами 112000 дан бошланарди. Татуировкани йўқотиш ёки уни ўзгартиришнинг сира иложи йўқлиги боис, рақамни ҳеч ким текширмайди, деган умидда унинг билагини бинт билан боғлаб кўйишиди.

Стефан Хейман у билан анча вақт суҳбатлашиб, янги иш командасига жўнатишганларида ўзини қандай тутиши ва эҳтиёткорлик чораларини кўриши зарурлиги ҳақида гапириб ўтди.

Фрицга барибир эди. Қийноқлар камерасидан кейин унинг қалби гүё тил-забонсиз, гунг бўлиб қолганди, у ҳатто кимлигини билиб қолишадими-йўқми, дея унчалик хавотирланмасди ҳам. Ташкирлашлар, оч қолиш ва чорасизлик йиллари охир-оқибат унинг ҳаётга нисбатан иродасини синдирган, у секин-аста ҳамма нарсадан безиб, мусулмонга айланиб қолиш даражасига етганди. У Стефанга ишга чикқанида, соқчилар занжирига ёки лагердаги электр токи ўтган бута устига ўзини отиб, тезроқ жонига қасд қилиш ниятидалигини айтиб ёрилиб қолди. Бир дона ўқ отилади – қисқа сония ўтади – ва унинг азоб-уқубатлари ҳам тугайди.

Лекин Стефан бу очик-ойдин гапларни узоқ эшишиб ўтиrmади.

— Отангнинг ҳоли не кечишини тасаввур қила оласанми?
— сўради у. — Ҳозир у ўғлини ўлган деб хисоблаяпти, бироқ у ҳолда — демак, якинда, — ростини билади. Тасаввур кил: шу маҳалгача тирик эдинг ва энди жонингта қасд қилдинг. Бу ҳакда умуман ўйладингми?

Фриц бунга гап топиб беролмади, албатта. Улар шунча чигириқлардан биргаликда ўтиб, энди СС нинг жонини киритганча, ўзини ўлдиришларига йўқ кўйишига акл бовар қилмасди. “Бундай ҳолда улар бизни енголмайдилар”, — дерди отаси доим; энг муҳими — сабр, азоблар вақтинча, умид билан кучли рух эса албатта ғолиб келади.

Стефан Фрицни госпиталдаги хавфсиз жойда узокроқ тутиб туриш учун кўлидан келган барча ишни бажаришини вაъда қилди. У ишлай биладиган бўлганида, уни ҳеч ким танимайдиган гурӯҳда иш ўрни топиб беришди. Маҳбуслар орасида ўлим кўп бўлгани боис, ҳеч ким ҳеч ким билан тузукроқ танишишга ҳам улгурмасди.

Фриц буни тушунар ва Стефанга ишонарди, бироқ барибир гумонлардан кутилолмасди. Одамлар, шу жумладан, айрим СС-дагилар уни юзидан танишарди. Эртами-кечми, отаси ҳам билади. Қаршиликнинг энг камида етти аъзоси унинг сиридан бохабар эди ва отаси ҳам улар билан дўстлашганди. Густав лагерда имтиёзли шароитда бўлиб, бунга ўхшаш сирни билиши унга жуда катта хавф келтиради.

Уч ҳафтадан кейин Фриц тузалиб, госпиталдан чиқди. Дўстлари уни Қаршилик аъзоси Хаим Гославски старшиналик килган 48-блокка секингина ўtkазиб қўйишиди. Унинг блокида Фриц танимайдиган асосан олмонлар билан поляклар яшарди.

Эртасига Фриц ишга чиқди. Унга бошқа слесарлик бўлинмасида омборчи лавозимини топдилар. Назоратчилардан бири Пауль Шмидт унинг сиридан бохабар бўлиб, Фрицни кузатиб юарди. Эрталаб ва кечкурунлари улар лагерь дарвозаларидан ўтаётганларида, ҳозир уни соқчи ёки биронта душман назоратчи таниб қолишини кутганча, Фриц қўркувдан бўғилай дерди. Гарчи унинг юраги така-пуга бўлиб, қўксидан отилиб чиқмоқчи бўлиб турса-да, у гурух марказида хотиржам, олдинга қараган қўйи юриб ўтишга уринарди.

Ҳафталар ўтиб борар, уни ҳеч ким сезиб қолмас ва энди Фриц ишда ҳам ўзини тинчрок тута бошлади. Ҳозирча унинг кимлиги ошкор бўлиши хавф солмасди

* * *

Бир куни Густав кечки пайт еттинчи блокнинг умумий хонасида ўтирганида, қўшниларидан бири унинг елкасига кокди.

— Аnavи ерда кўчада Густель Херцог турибди, — деди у. — Сени кўрмоқчи экан.

Густав баракдан чиқиб, ҳаяжонини базур яшириб турган эски дўстини кўрди. *Ортидан юр*, – дея ишора қилиб, у Густавни йўлнинг нариги томонидаги бино орқасига ёлғизоёқ йўл бўйлаб бошлаб кетди. Баракларнинг биринчи катори орқасида майда қурилмалар: ҳожатхона, гестапо бункери ва кичикроқ ювениш хонаси бор эди. Херцог Густавни душхонага етаклади. Эшик ортида коронгиликда кандайдир шарпа кўринди; Густав ҳаммом бошлиғи, Фриц билан дўстлашган ёш бухенвальд ветеранини таниди. У атрофга аланглаб, ҳеч ким йўклигига ишонч ҳосил килгач, Густавнинг киришига имо қилди.

Густав ҳеч нимага тушунмай, ҳеч кандай совун эмас, зах ва моғор хиди билан тўлган бино ичига кирди. У яримзулмат аро ичкарида турган йигитнинг шаклу шамойилини пайқади. У Густав томонга яқинлашди ва унинг чехраси Фрицники эди.

Бу ишониб бўлмас мўъжиза эди. Густав кандай қайғули вазият бўлмасин, умидни йўқотиб бўлмайди, дерди, аммо унинг ҳозирги хайратини тасвиrlаш кийин эди. Ўғлини яна бағрига босиш, унинг ҳидини искаш, овозини эшитиш – бунга у умид килолмасди ҳам! Демак, улар шу вақтгача ҳаёт учун курашганлари бежиз эмас экан-да.

Мана шу дастлабки учрашувдан кейин улар ҳар кандай имкон бўлганда, тунда душхонада доимо кўришадиган бўлишди. Энди унинг қалбидаги йўқотиш юкидан халос бўлган чоғда, оталарча ғамхўрлик ташвиши янги куч билан тошиб чиқди ва Густав Фрицнинг икки хисса хавфдалигидан хавотирлана бошлади. Густль Херцог билан бошқалар болани асраш учун ҳамма ишни қилишаётганини айтиб, ишонтирдилар, лекин бу етарлимиди?

Кузда Освенцим I дан кутилмаган янгилик келди: СС Максемилиан Грабнерни лагерь гестапоси бошлиғи лавозимидан олиб ташлабди.

Бу шунчаки ишдан бўшатиш эмас эди. Берлинда анчадан буён унинг ҳаракатларидан норозилик унарди. Ҳатто СС стандартларига кўра ҳам, унинг буйруғи билан ўтказилган қатллар сони ҳайрон қолдиравли эди. Гиммлернинг фикрига кўра, Охирги Қарор – умуман қотиллик ҳам – қўнгилхушлик учун ёки шахсий мойилликларни намойиш этиш билан эмас, балки ҳалол, самарали ва тартибли ишлашга чақирадиган ўзига хос тадбир эди. Грабнернинг бирорларга азоб бериб ҳузурланиши ва конхўрлиги унинг содиқлигини шубҳага қўярди, бироқ уни одатдаги очофатлик билан ҳамма нарсаларни ўзлаштириши туфайли лавозимидан четлатишиди.

Лагерлардаги кўпчилик катта зобитлар каби, Грабнер хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда, Биркенауда қатл этилган яхудийлардан мусодара қилинган қимматбаҳо буюмлар, гарчи расман СС га тегишли бўлса-да, ўзи ўзлаштириб оларди. Лагернинг бошқа ходимларидан фарқли равишда у жуда катта микдордаги қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб, ноқонуний ўлжадан бир неча жомадонлаб уйига жўнатганди. Бундай катта микдордаги коррупция сабабли эсесчилар унга нисбатан ички тергов бошлашганди. Грабнерни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиб, унинг бир неча ҳамтовоқларини ҳам, шу жумладан, ҳаётсевар жаллод Гехард Палични қамоқقا олдилар. Грабнернинг қилмишларини яширган Освенцим коменданти Рудольф Хёсс ҳам ўз лавозимидан жудо бўлганди.

Янги комендант Артур Либехеншель 1943 йилнинг ноябрида ишга тушди. У лагердаги барча ҳодимлар ўрнини

ўзгартириб, лагернинг СС қаторига янгитдан тартиб ва интизомни киритди.

Фриц учун унинг бехатарлигига раҳна солиб турган энг асосий хавфнинг йўқолгани муҳим эди. Грабнер четлаштирилгач, умумий бебошлиқда гестапочилардан биронтаси Моновицдаги ягона маҳбус ортидан қувиб юармиди. Бундан ташқари, 7 декабрда Освенцим I гестапоси биносида ёнғин чикиб, Грабнер жиноятларига тегишли барча далилларнинг кулини кўкка совурди. Охир-оқибатда Грабнер билан бўлган вазият эсдан чикди, бу билан эса, доимо яшириниб юриш зарурати ҳам йўқолди. Фриц Кляйнман ҳаётта қайтиши мумкин эди. Унинг исми шарифи лагер рўйхатига яна ёзилди ва тифдан ўлган берлинлик йигит унугилди.

Бирок, гарчи ўта маҳфийликка зарурат қолмаган бўлса ҳам, унинг ўлими ҳақида билган биронта сокчи – айниқса, гестапо сержантлари Тауту ёки Хофернинг назарига тушиб қолмаслик учун Фриц эҳтиёткорлигини сақлаши керак эди. Бироқ Моновицдаги минглаб асирлар орасида, Освенцимнинг турли хил лагерлари бўйлаб чексиз равишда кўчиб юрган юз минглаб кишилар ва ўн минглаб ўлдирилганлар орасида биттаси секингина тирилиб қолганини ким ҳам сезарди?

Қиши келгач, Густав лавозимидан фойдаланиб, Фрицни ўзининг блокига кўчириб ўtkазди. Энди улар оқшомлари бараклар ташқарисида учрашганча ўзларини хавфга кўймай, тинч ва хотиржам бирга ўтиришлари мумкин эди. Лекин уларнинг аҳволи оддий эмасди: Фриц энг қуий мақомдалиги боис, отаси дўстлари билан гаплашиб ўтирган вақтда, кундузи у билан бир хонада қолишига руҳсат берилмасди; бунинг ўрнига у ўзининг каравотида ёлғиз ўтириши зарур эди, аммо техник жиҳатдан бу ҳам тақиқланган – каравотлар факат ухлашга мўлжалланган эди.

Шундай бўлса-да, у иссик жойда ва хавфсизлиқда эди. Ўзининг “ўлими”гача бўлган ҳаётига нисбатан яхшиrok шароитларда яшарди; у ерда барак бўйича бошлиқ Пауль Шафер деган одам ювуқсиз эркакларнинг ётоқхонадаги бадбўй хидларига чидолмай, ҳар кандай об-ҳавода деразаларни очиб қўярди. У, шунингдек, маҳбусларни кийнаб ҳузурланиш учун иситиш тизимини ҳам ўчириб қўяр, шу боис ҳўл кийимлар қуриб улгурмасди. Агар бирон кимса совуқ еб қолмаслик учун ишчи кийимда ухлашга ётганини билиб қолса, Шафер уни қалтаклаб, егулигини олиб қўярди.

“Хуллас, 1944 йил бошланяпти”, – деб ёзарди Густав. Яна қаҳратон совуқлар бошланди; кор қопланган ер музлади.

Бу Фриц билан уларнинг лагерлардаги бешинчи қиши, бешинчи ёруғликсиз даҳшат йили эди. Гарчи улар шунча азоб-уқубатларни бошдан кечирган бўлсалар ҳам, барибир энг кўрқинчлиси ҳали олдинда эди.

НОТАНИШЛАР ЯХШИЛИГИ

“Тутяпман!”

Фриц боши узра учган тўпга интилиб, ҳавога сакради; тўп бўшаган бозор раастасига тегиб, йўлга думалади. Фриц югуриб бориб, уни маҳкам ушлаганди, бироқ Леопольдгассе бурчагидан бурилиб келаётган полициячини сезиб қолди. Констебль унга ўқрайиб қўйди ва Фриц қаддини тик тутиб, тўлни – аслида латта-путта қийкимларидан ясалган думалок жисмни – орқасига яширди. Кўчаларда футбол ўйнашга йўл қўйилмасди. Полициячи кўздан ғойиб бўлгач, Фриц тўлни ерга ташлаб, чаққон оёқ зарби билан дўстларига тепиб юборди, кейин эса ортига ўтирилганча, бозор майдонига қайтиб кетди.

Кеч тушаётганди ва охирги сотувчилар пештахталардаги сотилмаган молларини йигиширишарди. Дехқонлар сабзавотларни араваларга юклаб, тизгинни шикирлатганча, ёндош кўчалар бўйлаб тарқалишарди. Фриц дўстлари билан тўпни бир-бирларига тепишганча қаторлар бўйлаб югуришарди. Мева сотувчи фрау Чапек жойида ёлғиз қолганди; у ҳеч қачон коронғи тушмагунча кетмасди. У ёзда болаларни маккажўхори сўталари билан меҳмон қиласди. Улардан кўплари бечораҳол бўлиб, қассобнинг колбасалар четидан кесиб берган бўлакларими, Анкер новвойхонасидаги герр Кёнигнинг нонлари қолдикларими ёки мактаб яқинидаги Гросс Шперглассдаги герр Рейхертнинг қандолат дўконида ортган қаймоқлари бўладими, ҳеч қандай бепул садакалардан бош тортишмасди.

Фриц тўпни оёғи билан тўхтатиб, уни энди ортга тепмоқчи бўлиб турганида, узоқдан ўт ўчирувчи машиналар овози эшитилди. Қайдадир чиқсан ёнғинни ўчиришга ўт ўчирувчилар йўлга тушганди! Болалар ҳаяжонланганча шовқин солиб, харидлари билан тез-тез юриб бораётган уй бекалари, Шабат бошланишига қоронғи тушмасидан уйга етиб бориш учун шошилаётган қора пальтолардаги соқол кўйган ашаддий диндор яхудий йўловчилар орасидан югуришарди. “Тўхтаб тур!” деган овозни эшилган Фриц аланглади ва унга етиб олиш учун юргургилаб келаётган кичкинтой Куртни кўрди! У укасини буткул унуганди. Фриц уни кутиб турди, укаси етиб келганида эса, дўстлари аллақачон кетиб бўлишганди.

Курт ўшанда етти ёшда эди – яқиндагина ўн тўрт ёшга тўлган Фрицнинг кўзига бу жуда катта фарқ бўлиб туюларди, лекин ака-укалар жуда яқин эдилар. Фриц уни ўзи билан бирга тез-тез олиб кетар, ўз ўйинларини ўргатар ва умуман, кўча хаётидан сабоқ берарди. Куртнинг ҳам ўзи тенги ўртоклари бор эди ва Фрицнинг дўстлари уларни оталикقا олишганди.

Чорраҳада Биринчи жаҳон урушида кўзи кўр бўлиб қолган кекса герр Лёви турарди; у юк машиналари ва кўмирчилар билан пивопиширувчиларнинг аравалари тинимсиз харакатланаётган йўлдан ўтишга иккиланиб турарди. Фриц чолнинг кўлидан ушлаб, оқимнинг камайишини кутиб, кўчанинг нариги бетига ўтишига ёрдам берди. Кейин Куртга орқада қолиб кетмаслигини ишора қилиб, дўстларининг изидан кетди. Улар Таборштрассе бўйлаб қайтаётганларида кўришишди, уларнинг бетлари крем ва қанд қукуни билан ифлос бўлганди. Болалар ёнгин қаердан чиқканини тополмабдилар, бироқ пирожний колдиқларидан баҳраманд бўлиш учун Гросснинг қандолат дўконига кириб чиқишибди. Фрицнинг мактабдаги оғайниси Лео Мет унга ҳам бир бўлак торт олиб кўйган экан, Курт билан бўлишиб еб олишди.

Улар ширинлик билан лунжларини тўлдириб, Кармелитермарктта қайтишди; фриц Куртнинг ширадан ёпишқоқ кафтидан тутиб борарди. Фрицга уларнинг дўстона муносабати ёқарди; айрим ўртоклари бошқачароқ яшашлари, уларнинг ота-оналари черковга бормасликлари, улар учун Рождество байрами муҳимроклиги, буларнинг барчаси ҳеч қандай аҳамиятсиз эди.

Оқшом илиқ эди, эртага – шанба; эҳтимол, улар Дунай каналига чўмилгани боришар. Балки қизлар билан бирга 17-үй ертўласида йигилиб, театр томошасини ташкил этишар. Уй бошқарувчиси фрау Дворжакнинг ўғли Ганс ҳам Фриц билан дўст эди, у ертўлада шамлар ёқишига ижозат берарди; Герта дугоналари билан ўзлари топиб келган башанг ва чиройли кўйлакларни кийганча ертўлада олдинга-орқага юриб, намойиш қилишарди. Фрицга бундай томошалар ёқарди.

Улар Курт билан илиқ тун коронғилигига уйга етиб олишарди. Шундай ажойиб кунлар тинимсиз занжиридан яна

бир кун тугаб борарди. Венада болалар учун хузур-ҳаловат гүё пишган олмалар каби қўлларга ўзи тўкиларди; факат кафтини узатса, бўлди, марҳамат, олавер! Ана шундай лаззатли ҳаёт эди...

* * *

Назоратчининг қулокни тешиб юборгудек чинқирган хуштак товуши Фрицни ширин тушидан уйғотиб юборди. У тўлиқ зулмат ичидаги кўзини очиб, уч юзта ювилмаган тана ва уч юзта терлаган махсус кийимлар сассик исини хидлади. Унинг мияси уйкудан уйғонаркан, ҳар куни тонгда содир бўладигандек ҳозирги вазиятни бошқатдан тўлиқ сезди.

Пастки қаватда ётган эркак иргиб туриб, бошқа бир неча ўнлаб баракка қаҳва тарқатишга тайинланган маҳбуслар сингари эгнига кийимларини кийди. Фриц сомон тўлдирилган тўшакда қуляйроқ жойлашишга уринганча, адёлга ўраниб олди ва тушининг бирон-бир парчаларини ушлаб қолиш учун кўзини яна юмди.

Биру чорак соатдан кейин уни яна уйғотиши, бу сафар ёркин чироқ ёқилганди.

— Туристлар! — кичкирди барак бўйича бошлиқ. — Турдик, турдик, турдик!

Бир зум ўтгач, уч қаватли каравотлар орасидан оёқлар, кўллар, бўзарган башаралар туртиб чиқиб, маҳбуслар пойжомаларини шоша-пиша кийишарди. Фриц билан отаси тўшакни олиб, бир қоқиб, сўнг адёлни тахлаб, устидан текислаб ёзиб кўйиши. Кейин олтита яшаш блоки одамлари билан лиқ тўлган ювиниш хонасида муздек сувга юзларини ишқалашди ва кимдир Буна комбинатидан топиб келган бочкадаги қорамой билан ботинкаларини тозалашди. Энди ўша ётган бараклари ичидаги қаҳва тарқатишлари учун сафланиб туриш керак эди;

қағвани ўттиз літтрлик баҳайбат термос-канистраларда етказиласырды. Қағвани тикка турғанча ичишарды (каравотда ўтириш қатыяң тақиқланғанды). Кечқурундан озрок нон бурдасини асраб құйғанлар ҳозир уни шириң илик суюқликка ботириб еб олишлари мүмкін. Барак бошлиғи уларнинг каравотлари, кийимлари ва пойабзалларини текшириб чиқарди.

Фриц бундан аввал яшаган жойларга нисбатан бу ерда вазият анча дүйстона эди. 7-блок маҳбуслари бир-бирларига ғамхұрлық қилишга уринишарди.

Соат бешу кирк бешда, көп-қоронғида улар ташқарига чиқиб, бино олдидә сафға тизилишарди. Бутун күча бўйлаб бараклардан маҳбуслар чиқарилар ва бошликлар уларни санаб чиқишарди. Йўқламага келмасликка на касаллик, ҳатто на ўлим баҳона бўлиб хисобланмас – одатда, ҳар бир баракдан эрталаблари бир-икки мурдани олиб чиқиб, уларни ҳам қўшиб санаш учун қатор ёнига ётқизиб қўйиларди.

Мингларча маҳбуслар проҗекторлар ёруғлигига тўлган майдонга бир текис одим ташлаб чиқишарди. Улар бир текис қаторларга тизилишар: ҳар бир маҳбус ўз блокида ва ўз ўрнида, ҳар бир блок бошқалар орасида ўз жойида туради. Ўлганлар билан беморларни ҳам олиб келиб, оркага қўйиларди.

СС блокфюрерлари қаторлар бўйлаб юрганча, ҳар қандай қоидабузарликларни текшириб, ўз блокларидаги одамларни санаб ва мурдалар сонини белгилашарди. Одатланған маросимда ҳар қандай қоидабузарлик – айникса, агар ўша туфайли блок-фюрер хисобдан адашиб қолса – калтаклаш билан жазоланаарди. Блокфюрерлар текширувдан қониққач, минбардаги рапорт-фюрер қаршисида ҳисоб беришарди. Асиrlар ҳар қандай совук ва ёмғирда ҳам, то рапорт-фюрер ҳар бир одамни узундан-узок йўқлама қилиб бўлгунинга қадар, қылт этмай туришарди.

Ўша куни эрталаб майдонга лейтенант Шёттель етиб келган пайтда, улар ўша ерда бир соатдан кўпроқ тургандилар. Шёттель минбарга қандай чиқаётганини Фриц хавотирланиб кузатиб турарди, у ҳанузгача ўзини таниб қолишларидан кўрқар, бу кўрқув уни сира тарк этмасди.

Рўй берган сўнгти ҳодисалар уни кучли ташвишга солди. Сентябрда, Грабнер кўмондонлигининг охирги ҳафталарида маҳбуслар орасида чақимчини топишганди. Гестапо яширин фаолият бўйича далилларни фаоллик билан излар ва Қаршилик аъзолари алоҳида огоҳликка риоя қилишлари даркор эди. Моновиц гестапоси маъмуриятида ишловчи асиirlардан бири Болеслав “Болек” Смолиньски деган назоратчи – ўта антисемит ва коммунистларнинг ашаддий душмани – СС сержантин Таутнинг айғоқчиси эканини билиб қолибди.

Мазкур муҳим маълумотлар Қаршилик аъзолари даврасида дарҳол муҳокама қилинди. Бухенвальдликлардан бири Курт Познер (Купо сифатида танилган) Смолиньски Қаршилик билан ҳамкорлик қилган госпитал бўйича бошлиқقا ошначилик муносабати борлигини эслатди. Улар устида катта хавф юзага келганди. Купо Эрих Эйслер ва Стефан Хейман билан гаплашиб олди. Эйслер Смолиньски билан сұхбат ўтказиб, уни қайта ишонтириш таклифи билан чиқди. Стефан билан Купо ушбу хавфли фикрга қаттиқ қаршилик билдиришди. Бироқ Эйслер уларнинг огоҳлантиришларига эътибор бермай, Смолиньскига мурожаат қилди. Оқибатда Смолиньски ўша заҳоти гестапога борди. Эрих Эйслер билан Курт Познерни дарҳол кўлга олиб, яна олти нафар маҳбусни, жумладан, маъмурий лавозимларни эгаллаган ва Қаршилик аъзолари бўлган, ҳамманинг ҳурматига сазовор Вальтер Петцольд билан Вальтер Виндмюллерни ҳам бирга кўшиб, Освенцим I га олиб кетишиди. Уларни Ўлим Блоки

казематига ташлашди ва кун бўйи сўрок қилиб, кийнокларга солишли. Смолинъски ҳам улар билан бирга ўтирганди.

Бир неча кундан кейин Курт Познер билан қолганлар кийноклар туфайли майиб-мажруҳ қилиниб, иродасини тўла синдириган ҳолда Моновицга қайтарилиди. Улар ҳам худди Фриц каби қийноклар остида ҳеч нимани айтишмабди. Смолинъскини ҳам қўйиб юборишли ва у ўз вазифасига қайтди. Вальтер Виндмюллер қийнокларга бардош беролмай, камерада жон таслим қилибди. Смолинъсига мурожаат қилиш оқибатида ўзини билдириб қўйган бадбаҳт Эйслер бошқа одамларга ёрдам бериш учун ўзини бағишилаган эди; у ҳали қамалмасидан аввалроқ маҳбуслар оиласига кўмаклашиш билан шуғулланувчи “Ротэ Хилфа” (Қизил Ёрдам) ижтимоий ташкилотида ишларди. Айнан ўша инсонпарварлик охир-оқибатда унинг ўлимига сабабчи бўлди – Эйслер Смолинъскини ўзини инсонга хос тутишига астойдил қайта ишонтира оламан, деб ҳисобларди.

– Диққат! Бош кийимлар ечилсин! – қичқирди сержант овоз кучайтиргичдан ва беш минг маҳбус бош кийимини ечиб, қўлтиғига қистирди. Улар то Шёттль маҳбусларни рўйхат бўйича янги келганлар, ўлганлар, танланганлар ва тайинланганларни белгилаб, текширгунига қадар, қаддиларини гоз тутиб туришарди.

Нихоят, кейинги буйруқ янгради:

– Бош кийимлар кийилсин! Ишчи бўлинмалари бўйлаб тарқалинг!

Саф дарҳол аралашиб кетди: ҳамма ўз командаларига қараб шошилиб борар, уларни назоратчилар санашарди. Улар асосий кўча бўйлаб юрганча, колонналар учун кенг очилган дарвоза томон боришли. Кўплар ўзларини оёқда базур тутганча, лагерь

ҳаёти кийинчиликлари билан энг сўнгти чегарага етган ойпарамстлар каби гандираклашарди; улар тез орада Биркенауда ёхуд тонгти йўқламада олиб чиқилган мурдалар орасидан жой олишлари аниқ ва равшан эди.

Колонна дарвоза ёнидаги унча катта бўлмаган уйчада ўтирган маҳбуслар оркестри ижро этган садолар остида шахдам одимлаб боришарди. Дирижёр голландиялик сиёсий маҳбус, биринчи скрипкачи – Германиядан келган румин, қолганлар – турли мамлакатлардан келган яхудийлар эди. Улар сира герман куйларини чалмай, факат империя давридаги австрияча маршларни ижро этишларига Фриц эътибор берган эди. Качонлардир унинг отаси Вена ва Краковдаги парад намойишларида мана шу садолар остида одим ташлаган ва кейин ўша мусиқа остида жанг қилишга жўнаганди. Лагер оркестрида яхши мусиқачилар бор эди, баъзан якшанба кунлари Шёттль уларга имтиёзли маҳбуслар учун концертлар уюштиришларига ижозат берарди. Чарчокдан силлалари қуриган оркестр аъзолари тик турган маҳбуслар тўдаси билан курсиларда қулай жойлашиб олган эсэс зобитлари қаршисида мумтоз мусиқа ижро этишашётгани – сюрреалистик томоша эди.

Улар тонг ёришиб бораётган осмон остида Буна комбинати дарвозасигача одим ташлаб етиб бориши; ҳар бир колоннани СС сержантси билан сокчилар кузатиб боришарди. Комбинатнинг айнан қайси худудида ишлапшларига боғлиқ равишда, айrim маҳбуслар яна тўрт километр юришлари керак эди, кейин уларни ўн икки соатлик смена ва яна тўрт километр орқага қайтиш, кейин эса совук ҳаво ва ёғингарчилик остида, прожекторлар нурларида узоқ давом этадиган кўпсоатлик йўқлама кутарди.

Фриц омборда ишлар, шу боис унинг учун зерикарли, бироқ ҳеч бўлмаганда, бехатар иш куни бошланарди. Бугун унинг

ҳаётида яна жиддий бурилиш юз бериши кутилаётганидан унинг хабари йўқ эди.

У бошка бир яхудий маҳбус билан гаплашиб турганида, якинроқдаги герман эркин ёлланганлардан бири, кавшарловчи уларнинг сухбатига қўшилди.

— Яна олмонча тилда сўзлашишни эшлиши қандай ёқимли, — деди у. — Бу ерга ишга келганимдан буён олмонларни кам учратаман, бу ерда асосан поляклар билан бошка хорижийлар бор экан.

Фриц унга ажабланиб қаради. Йигит анча ёш бўлса ҳам, оқсоқланаётгани яққол сезиларди.

Кавшарловчи уларнинг маҳсус кийимларига қизиқиш билан қаарди.

- Сизни нима учун қамашган? — дея сўради у.
- Кечирасиз?
- Қандай жиноятингиз учун?
- Жиноят? — ҳайрон бўлди Фриц. — Биз яхудийлармиз!

Йигит уни тушуниши учун бу гапни бир неча маротаба такрорлашга тўғри келди. Йигитнинг қизиқиши ортганди.

- Лекин фюрер ҳеч қандай жиноят қилмаган кишиларни қамаб қўймайди, — таъкидларди у.
- Ахир бу Освенцим, концентрацион лагерь, — деди Фриц. — Бу нимани билдиришини биласанми?

Олмон йигит елкаларини қисди:

- Мен Шарқий фронтда армияда эдим. Ўша вактда уйимда нималар содир бўлганидан хабарим йўқ.

Бу унинг оқсокланиши сабабини тушунтирарди – у яраланиб, хизматдан жўнатилганди.

Фриц ўзининг кўкрагидаги нишонни кўрсатди:

- Бу яхудий юлдози.
- Бунинг нималигини биламан. Лекин бунинг учун лагерга қамашмайди-ку!

Бу бўлиши мумкин эмасдек ва шу вақтнинг ўзида таҳқирланишдек туюларди.

- Жуда қамашади-да.

Йигит ишонқирамай бош чайқади. Фриц ўзини сабру тоқати тугагандек сезарди. Бундай кўрлик одамни ҳайратга соларди – йигит 1941 йилда фронтда бўлгани сабабли ўша йили бошланган эскалацияни ўтказиб юборгандир, бироқ у 1933 йилда, таъкиблар бошланган чоғда ёки 1938 йилда, Биллур тунда қаерда эди? У нима, ростдан ҳамма яхудийлар мамлакатдан ўз ихтиёrlарига кўра эмиграция қилинганлар, деб хисоблайдими?

Лекин олмон билан баҳслашиб хатарли эди ва Фриц уни қайта ишонтиришга уринишдан воз кечиб кўя қолди.

Бирпас туриб йигит унинг олдига яна келди.

– Биз ҳаммамиз биргаликда бўлишимиз керак, шуни биласанми, – деди у. – Ватанни ҳимоя қилиш ксрак ва умумий яхши ишлар учун меҳнат қилишимиз зарур – ҳатто, шу жумладан, сизлар ҳам.

Фриц тилини тийди. Йигит Ватан олдидағи шараф ва бурч ҳакидаги мулоҳазаларини баён этаверганидан, ахири Фриц портлаб кетди.

— Сен нима, бу ерда нималар содир бўлаётганини кўрмаяпсанми? — ғазаби ошиб хитоб килди у ва қўлини силкиганча комбинат, Освенцим, умуман бутун мамлакатни кўрсатди. Кейин эса нарига кетди.

Эркин ёлланган унинг гапларидан ажабланди, бироқ мағлуб бўлишни хоҳламасди. Ўша куни у Фрицнинг ортидан юраверди. Ватан олдидаги бурч, яна эса, маҳбусларни, ҳойнаҳой, бирон жиноят содир этганлари учун камашгандир кабилар унинг энг яхши кўрган мавзуси экан. Бироқ у қатъиятли эканига қарамасдан, ҳар сафар камроқ ишонч билан гапиради.

Нихоят, йигит чарчади ва кейинги кунларда индамай ўз иши билан машғул бўлди. Кейин бир куни эрталаб Фрицнинг ёнига бориб, унга секингина яримта думалоқ нон билан каттагина бутун колбасани бериб, дарҳол кетиб қолди.

Нонnihоятда ажойиб эди. Австрия навили жуда мазали ундан пиширилганди. Фриц нондан бармоқлари билан чимдиб, озроғини оғзига солди. Шунақанги мазалики – уларга лагерда бериладиган нон билан сира тенгглаштириб бўлмасди. Ноннинг илоҳий таъми унда ўз уйи ва Анкер новвойхонасида кун охирида дўстлари билан уларга тегадиган ноз-неъматлар ҳақидаги хотираларни уйғотиб юборди. Фриц нон билан колбасани кечқурун отаси билан дўстларини меҳмон қилиш учун лагерга олиб ўтиш умидида яшириб кўйди.

Бир-икки соатдан кейин кавшарловчи унинг ёнига яна келиб тўхтади.

— Бу ерда олмонлар унча кўп эмас, — такрорлади у. — Гаплашадиган одамнинг борлиги яхши-да.

Кейин у каловланиб қолди ва Фриц унинг юзида аввал бўлмаган қайдайдир ташвишни пайқади.

— Бу ерда мен бир нимани кўрдим... – дея хижолатомуз гап бошлади у. – Эрталаб, ишга келаётганимда...

У жуда ранжиган ҳолда, тутилиб-тутилиб, Моновиц лагерида ток ўтган симли буталар устида осилиб ётган маҳбуснинг мурдасини кўриб қолганини айтиб берди. Кавшарловчи Шаркий фронтда ҳар турли даҳшатларни хўп кўриб келган бўлса ҳам, барибир изтиробда қолганди.

— Менга буни ўз жонига қасд килиш, дедилар. Айтишларича, бундай ҳол бўлиб тураркан.

Фриц бош иргади.

— Тез-тез рўй бериб туради. Эсэсчилар бошқаларга сабоқ бўлиши учун жасадни бир неча кун осилган ҳолда қолдиришади.

Йигитнинг овози титради.

— Мен бунинг учун жанг қилмагандим; – деди у. Олмон йигитнинг кўзида ёш қалқди. – Бунинг учун эмас. Бу билан ҳеч қандай умумийлик бўлишини хоҳламайман.

Фриц ҳайрон қолди: германиялик аскар концлагернинг ўлик маҳбуси устида кўзёш тўқаяпти. Шу маҳалгача унга ҳамма олмонлар – хоҳ аскар, хоҳ полициячи, хоҳ СС ёки яшил нишон таққан маҳбусми – бир хил бўлиб кўринарди. Ягона ўхшамайдиган жиҳати борлар сиёсий маҳбус-социалистлар эди; қолган ҳаммаси ҳиссиз, сабрсиз ва золим эдилар.

Йигит Фрицга ўз ҳаётини гапириб берди. Унинг исми Альфред Воехер экан. У Баварияда туғилган бўлиб, лекин веналик қизга уйланган ва шу ерда қолиб кетган экан. Венанинг мазали нони ҳам шу сабабли келгани маълум бўлди. Фриц ўзи ҳам Венада яшаганини айтиб ўтирумай, бунинг ўрнига Воехернинг Шаркий фронтда қандай хизмат қилгани, Темир хоч билан

сержантлик унвонини қандай олгани ҳақидаги сүзлаб берганларини дикқат билан эшилди. Оғир яраланганидан кейин уни муддатсиз таътилга уйига жүнатышган экан; у аскарликда қолган, бирок ҳаракатдаги хизматта энди ярамасди. У тажрибали кавшарловчи сифатида И.Г. Фарбен комбинатига эркин ёлланувчи сифатида тайинлов олибди.

Фриц Воехернинг фойдали алоқачи бўлиши мумкинлигини ўйлади. У кечқурун лагерга қайтиб боргач, Стефан Хейман билан гаплашиб олиш учун госпиталга борди; Фриц Альфред Воехерни тасвирлаб бериб, у ҳақида билиб олганларининг ҳаммасини тақрорлади. Бирок Стефан шубҳаланаарди. У Фрицга эҳтиёткорроқ бўлишни маслаҳат берди: олмонларга, бунинг устига, гитлерчи армия ветеранига ишониб бўлмайди. Смолиньскидан кейин яширин гурух аъзолари ахборот олиб келувчилардан янада кўпроқ кўрқиб колишганди. Фриц охирги марта фуқаро ишчи билан танишганида, бу унинг ҳаётига нукта кўйишига оз қолди, отаси билан дўстлари учун қанча қайғу келтирганини айтмаса ҳам бўлади.

Фриц ҳаммасини жуда яхши тушунарди. У Воехерга ишониб бўлмаслигини ҳам биларди. Бирок нимагадир – эҳтимол, бунга Венанинг noni сабабчи бўлгандир ёки ўлган маҳбус. учун астойдил куюнгани учундир – ўзи билан ҳеч нима қилолмасди. Стефанинг маслаҳатлари ва ички овозининг мантиқан фикрлашига қарамасдан, Фриц ўша аскар билан мулоқотини давом эттиарди.

Тўғрисини айтганда, у Воехердан барибир ўзини нари тутолмасди: чунки одатда, йигит кўнглидаги гапларни айтиб, енгил тортиш ёки Освенцим тўғрисида бирон нима билиш учун Фрицнинг ёнига келарди. Фриц унинг саволлари – текширув бўлиши мумкинлигидан гумонсирап ва шунчаки орқасини ўгириб, ҳатто уларни эшилмагани маъкул, деб ўйларди. Лекин у, гарчи барча тафсилларига тўхталиб ўтирмаса ҳам,

Освенцимнинг тузилиши тўғрисида унча-мунча сўзлаб, саволларига жавоб берарди. Воехер унга нацистлар партиясининг газеталаридан (мамлакатда нималар рўй берадиганидан боҳабар бўлиши учун) келтириб берарди. Фриц уларни жон деб оларди: лагерда газеталар ҳар қандай ҳолатда ҳам юксак қадрланар, ҳатто ҳожатхоналарда ишлатиш учун ҳам керак бўларди. Лекин Воехер келтирадиган нон билан колбаса уни кўпроқ хурсанд киларди. Кунлардан бир кун у, нимагадир, Фрицнинг хат ёзиб бериб юбориши мумкинлигини таклиф қилиб қолди. Мабодо ташки оламда у биронтаси билан боғланишни истаса, Воехер унинг мақтубини жўнатиб юбориши мумкин эди.

Бу – тузоқقا ўхшарди. Ҳарҳолда, унга шундай бўлиб туюлди. Венадаги қариндошлари билан боғланиб, – ва, агар омади келиб қолса, онаси билан Гертага нима бўлганини аниқлаш, – уни жуда кизиктиради. Фрицнинг ички сезгиси аввал олмонни текшириб кўриш кераклигини айтарди. Лекин қандай мақсадда? Агар Воехер нацистларнинг айғоқчиси бўлса, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишнинг қандай фойдаси бор? Шундай ҳам у хаётига бункерда нукта кўяди.

Фриц Стефан Хейман билан яна бир марта гаплашиб олди. Бола барибир ўз билганидан қолмаслигига ақли етган Стефан бу масалада маслаҳатчилар бўлмаслигини, ўзи ҳал қилиши кераклигини айтди.

Тез орада Воехер гапнинг орасида таътилда уйга бориб келмоқчилигини айтиб қолди. Фриц бунда жуда яхши имконият борлигини кўрди. Воехер Венага Брно ва Прага йўли орқали кетишини айтганди, шу боис Фриц эртасига ҳар иккала чех шаҳарларида унинг қариндошлари яшашларини айтиб, ёлғон манзиллар кўрсатилган бир нечта хатни ишхонасига олиб келди. Воехер хурсанд бўлиб уларни олиб кетди ва шахсан етказишига замъда берди. (У хатларни кузатишлари мумкинлиги боис, уларни почтадан юборгиси келмади.) Фриц, агар Воехер жосус бўлса, у,

табиийки, хатларни ҳеч қаёкка олиб бормайди ва манзилларнинг ҳакиқий эмаслигини билиб қолмайди, деган қарорга келганди.

Орадан икки кун ўтгач, Вожер яна ишхонада пайдо бўлганида, у жуда хафа эди. У ҳар иккала мактубни эгаларига етказиб бермоқчи бўлиб, излаб, битта ҳам манзилни тополмабди. Фриц унинг устидан кулиш учун атайлаб шундай қилган, деб ўйлаб, унинг жаҳли чиқиб, хафа бўлибди. Фриц хурсанд бўлиб, енгил тортганини билдириб, ундан узр сўради; энди у Вожернинг провакатор эмаслигига амалда ишонч ҳосил қилганди.

У энди олмонга Освенцимнинг ҳакиқатан қандайлигини сўзлаб бера бошлади, яхудийларни бутун Германия, Польша, Франция, Нидерландия ва шарқий Европа мамлакатларидан поездларда қандай олиб келишларини тасвирлаб берарди; Биркенауда қандай танлаб олишларини, болалар, кексалар, bemorlar ва қўпчилик аёлларни газ камераларига қандай жўнатишлари, колганларни эса қулларга айлантиришлари ҳакида сўзлаб берди. Вожер айрим воқеаларни ўзи ҳам кўрганди; у жануби-шаркий темирийўлдан Моновиц орқали Освенцимга ёпиқ юк вагонларида нима келтирилаётганини ўзи ҳам тушуна бошлаганди. У комбинатда эркин ёлланганлар шулар ҳакида нималар дейишаётганини эшитиб, у фронтда бўлгунича канча воқеалардан бехабар қолганини энди сезарди.

Аммо атрофда қандай воқеалар рўй берадиганлигини сезмасликнинг иложи йўқ эди. Освенцим гўё саратон шиши каби ўсиб бораарди. Унинг худуди тобора кенгайиб борар ва Освенцим III-Моновиц Буна комбинати атрофидаги бир-бири билан боғланган лагерлар тармоғида энг асосий марказ бўлиб қолди. Лагер бошлиғи Шёттль устидан раҳбарлик килувчи комендант, капитан Генрих Шварц келди. Юзи бўзарган, сўхтаси совук мазкур янги бошлиқ маҳбусларни қийноқ жараёни ва қатлларда шахсат қатнашишни яхши кўтара ва ундан роҳатланарди. Шварц

Охирги Қарор тарафдори бўлиб, Освенцимга яхудийлар оқими пасайган кезларда Берлиндаги ҳокимиятдан жаҳли чиқарди.

И.Г. Фарбен ёрдамчи лагерларига йўналган маҳбуслар ортилган поездлар баъзида тўғри Моновицга етиб келарди ва Фриц илгари факат эшигтганларини энди ўз кўзи билан кўрди – кўркув ичидағи одамларни юклари билан бирга, тўғри лагерь олдиғаги бўм-бўш ялангликка худди молларни қандай ҳайдаса, шундай ҳайдаб чиқаришди. Ўзларини кўчириб олиб келишди, деб ўйлаётган эркаклар, аёллар ва болалар атрофга ҳайрон бўлиб қарашарди. Унчалик кўркмаётган айrim кишилар диккинафас вагонларда узоқ юргандан кейин очиқ ҳавога чиқиб, дўстлари билан шодон гапга тушиб кетишли. Ишга яроқли, соғлом эркакларни бошқалардан ажратиб, лагерда қолдиришди, бу вақтда аёллар, кексалар ва болаларни яна поезда чиқариб, Биркенауга олиб кетишли.

Моновицда эркакларни шир яланғоч ечинишга мажбур қилиб, майдонда сафга тизишли. Кўпчилик анча қимматбоҳо шахсий буюмларини ўзларида сақлаб қолишга уринарди, лекин уларни деярли доимо тортиб олишарди. Ҳамма буюмларни текшириш ва ажратиш учун “Канада” деган (у бойлар мамлакати ҳисобланарди) омборхонага ташиб бориларди. Бу билан СС нинг эътибори ва кузатуви остида маҳбуслар гуруҳи шуғулланарди: одамлар гўё олтин изловчилар каби яширилган қимматбаҳо буюмларни излаб, ҳар бир чокларни сўқиб қарашарди.

Фриц, айниқса, Терезиенштадтдаги геттодан келган янгилар билан қизиқарди, улардан кўплари аввалбошида у ерга Венадан бориб тушишганди. У ўз уйидан бирон янгилик эшитиш умидида улардан сўраб-суриштирас, бироқ улар жуда кам нарса гапириб бера олишарди. Тўғри Венадан депортация қилинганлар унчамунча замонавий янгиликлардан боҳабар эдилар – энди шундайлар ҳам Освенцимга кела бошлашганди. Шаҳарда рўйхатдан ўтган барча яхудийлар аллақачон жўнатилгандилар ва

энди нацистлар хукумати оксусяклар билан яхудийларнинг аралаш никоҳларидан тугилган курама – яримқонлиларни ҳайдашга киришганди. Афсуски, улардан ҳеч бири Фрицнинг яқинлари ва дўстлари ҳақида ҳеч нима·билишмас ва уларнинг тирик ё ўликликларини айтиб беришолмасди.

Альфред Воехер бир муддатдан кейин яна таътилга бориш нияти борлигини айтганида, Фриц бундан фойдаланиб қолишга қарор қилди. Унинг ўзи олмон йигиттага ишонар ва мазкур ишонч икки тарафлама эканлигига умид қиласарди. Фриц унга Леопольдштадтдан Дунай каналининг нариги кирғоғидаги Дёблинг деган жойда яшовчи Хелен холасининг манзилини берди. У оқсуяк йигиттага турмушга чикиб, христиан динини қабул қилганди. Унинг эри Вермахтда зобит бўлиб хизмат қиласар, холаси ҳозирча нисбатан хавфсиз эди. Унинг ўғли Виктор бўлиб, қачонлардир Курт шу холаваччасининг пичогини олиб қўйганди. Мактуб ёзиг беришнинг ўрнига Фриц Воехер орқали ўзи билан отасининг тириклиги ва соғу саломат эканликларини оғзаки тарзда айтиб қўйишини ва ушбу хабарни барча қариндошларига етказишини сўради. Воехер манзилни олиб, жўнаб кетди.

У бир неча кун ўтгач, қайтиб келди. Бу сафарги йўқлов ҳам аввалгисидан кўра кўпроқ натижа бергани йўқ: манзил тўғри эди, аммо эшикни очган аёл ўзини ҳаддан зиёд нодўстона тутибди – у Кляйнман фамилияли оилани умуман танимаслигини айтиб, эшикни шартта ёпиб олибди.

Фриц ҳеч нимага тушунмай, Воехердан батафсилроқ сўраб-сuriштириди. У манзилни адашмай, тўғри топиб борганига ишончи комилми? У фақат кейинроқ гап нимадалигига тушунди: фабрикадан чиқиб кетаётганда, Альфред Воехер ўзининг эски ҳарбий либосини кийиб кетишини Фриц бутунлай унутганди. Унинг Хелен холасининг остонасида пайдо бўлиши ва яхудий қариндошлари ҳақидаги саволлари, ҳойнаҳой, кампирни ўлгудек кўрқитиб юборган бўлса керак. Аслида эса, ҳаммаси Фриц

ўйлагандан ҳам баттарроқ эди. Хеленнинг зобит эри урушда ҳалок бўлгани боис, унинг унвони туфайли берилган имтиёзли мақомидан бева аёл буткул маҳрум бўлганди. Ҳархолда, бир нарса равшан эди: Альфред Воехерга тўлиқ ишонса бўлади.

Рождество байрамида Воехер Венага отланганида, Фриц унга Кармелитермаркт атрофида яшайдиган отасининг яхудий бўлмаган дўстларидан бир нечтасининг манзилларини айтди. У ўзларининг Им Верддаги эски хонадони манзилини, шунингдек, онасига ёзган хатини ҳам берди. Фриц ҳеч нарсага қарамасдан, ҳанузгача умидини узмаганди. У онаси билан Гертанинг соғу омон эканликларига ишонгиси келарди. Кимдир ниманидир билса керак-ку, ахир.

* * *

Леопольдштадт ўзининг юрагидан маҳрум бўлганди. Яхудийларнинг собиқ дўконлари усти тахталар билан михланиб турар, савдо тўхтаган, уйлар бўшаб қолганди. Им Верд кўчасидаги 11-уй зинапоясидан кўтарилган Альфред Воехер хонадонларнинг ярми ташландиқ ҳолга тушганини кўрди. Нацистлар эса ҳали ҳам яхудийлар ҳақиқий германлар учун зарур бўлган шундай ҳам етишмайдиган турар-жойни эгаллаб турибди, дея таъкидлардилар.

У 16-хонадонни тақијлатди, бироқ ҳеч ким жавоб бермади. Айтидан, Тини Кляйнман 1942 йил июнида кулфлаб кетганидан буён эшик очилмаган, шекилли. Воехер қўшнилардан сўраб-сuriштиришга аҳд қилди, Густавнинг қачонлардир дўсти бўлган Карл Новачек деган қўшнисига дуч келиб қолди. У Кляйнманлар нацистлар таъқиби даврида уларга содик қолган яхудий бўлмаган дўстларидан бири эди. У Густав билан Фрицнинг ҳанузгача тирикликларини билгач, жуда хурсанд бўлиб кетди.

Нафақат у, унинг бошка дўстлари ҳам топилди: қўшни уйда дўкони бор Ольга Стейскал ва слесарь Франц Крал ҳам худди

Новачек каби севиниб кетишди. Улар янгиликни эшигтгач, учаласи ҳам дарҳол бозорга бориб, саватларда озиқ-овқатларни келтириб, лагерга етказиб қўйишин сўрадилар. У ердан икки кўча нарида яшайдиган Фрицнинг холаваччаси Каролина Семлакка ҳам – ёки, одатда, уни Линши деб чақиришарди, – хабар етиб борди. Линши оқсуяк эрга тегиб, христиан ва оқсуяк бўлди, бироқ, Дёблиндаги бечора Хелен холасидан фаркли тарзда, яхудийлар билан кариндошлигини тан олишга кўрқмасди. У ҳам озиқ-овқатларга қўшиб хат ёзиб, ичига ўзининг фарзандларининг расмини солиб юборди. Ольга ҳам Густавга хат ёзди; у Густавга бепарво эмас эди ва у ҳам аёлни ёқтиарди, шекилли; эҳтимол, Густав уйланмаган бўлганида, улар орасида қандайdir ришталар боғланган бўларди.

Жуда ажойиб ва ҳаётда сира рўй бермаган воқеа: оқсуяк дўстлар билан христиан бўлган яхудийлар гурухи Вермахт формасидаги бавар аскари орқали меҳр билан тўпланган ҳадяларни Освенцимдаги икки яхудий учун бериб юборишяпти. Буларнинг барчаси жуда таъсирили кўринарди, бироқ Вохернинг олдида бир муаммо чиқиб қолди: озиқ-овқатлар икки жомадонни тўлдирди. Уларни Фрицга етказиш учун ниманидир ўйлаб топиш талаб этиларди.

Освенцимга қайтгач, у ноз-неъматларни кисмларга бўлиб, комбинатга келтира бошлади. Егуликлар айни муддао бўлди, лекин Фриц учун Линши ва дўстларидан келган янгиликлар янада қадрлироқ эди. У дарҳол онаси билан опаси ҳақида савол берди, бироқ Вохер бош чайқади, холос. У ким билан гаплашмасин, ҳаммалари бир гапни такрорлашарди: Тини Кляйнман билан унинг қизини Остландга депортация қилишган ва ўшандан буён улардан ҳеч қандай хабар йўқ. Ҳафсаласи пир бўлганига қарамасдан, Фриц уларнинг тириклигидан умидини узмасди. Ўтган йил сентябрда Венадан Минскка жўнаб кетган охирги поездлардан бирида унинг Женни ва Берта холаларини

ҳам депортация қилишгани учун Женнининг “гапирадиган” муштуғидан бошқа оиласи йўқ эди, лекин Бертанинг Хилда исмли кизи (яхудий бўлмаган йигитга турмушга чиқкан) ва набираси бор эди.

Фриц озиқ-овқатларнинг каттагина қисмини дўстлари билан бирга баҳам кўргач, қолганини хатлар билан бирга қўшиб, отасига олиб бориб берди. Тини билан Герта тўғрисида қайгули хабар эшигтанига қарамай, Густав эски дўстлари ҳакида қандайдир янгиликлардан боҳабар бўлганидан хурсанд бўлди. У умидини узмас ва ўзи яхши кўрган инсонларга хат ёза олишидан қувонарди.

Фриц қилганларини Густль Херцог билан Стефан Хейманга айтиб берганида, улар бунга анча босик муносабатда бўлишиди; Альфред Вохернинг садоқатига унинг ишончи комил бўлишига қарамасдан, Стефан ўз гумонларидан воз кечмади. У Фрицни олмон билан ош-қатиқ бўлмасликка ундарди.

Бироқ Фриц ўз сўзида туриб олди. У Стефанни жуда ҳурмат қиларди, аммо эски олами ва қариндошларига нисбатан соғинч ҳисси ундан кучлироқ эди.

УЙДАН ЙИРОҚДА

Қадрли Олли,

Ажойиб мактубингизни олиб, сизга чуқур миннатдорчилигимни билдираман ва Фрицъ билан менда янгиликлар йўқлиги учун сиздан узр сўрайман, сизга ҳеч қандай ноҳушликлар келтирмаслик учун мен жуда эҳтиёткор бўлишимга тўғри келади. Қимматли жўннатмаларингиз учун яна минг марта раҳмат айтаман... Ҳатто ҳозир, уйдан иироқдалигимда ҳам шу қадар садоқатли дўстларим борлигидан баҳтиёрман.

1944 йилнинг учинчи куни бўлиб, Густавнинг калами дафтар вараги устида тез-тез югуради.

Ишонинг, қимматли Олли, шу йиллар мобайнида сиз ва сизнинг яқинларингиз билан ўтказган энг ажойиб соатларни хотирлардим ва сизни сира унуптмадим. Фрицъ иккимиз учун бу йиллар осон кечмади, бироқ қаъият ва кучли иродам туфайли ўзимни яшашига мајсбур қиласадим.

Башарти сиз ва яқинларингиз билан яна қўришиши баҳтига мушиарраф бўлсан, ўниа икки ярим йил оиласдан хабар келмаган зое кетган йиллар учун товоон тўланган бўларди... Бироқ мен бу билан ўз ич-этимни емасликка ҳаракат қиласман, чунки бир кун келиб, биз албатта бирлашамиз, изизам Олли, мен ҳанузгача ўша аввалги Густельман ва шундайлигимча қолиши ниятидаман... Ҳар қандай ҳолда ҳам, изизам, шуни билингки, мен қайда бўлмайин, доимо сиз тўғрингизда ва энг азиз дўстларим ҳақида ўйлайман ва сизга энг яхши тилакларим ва ўпичларимни ўйлайман.

Сизнинг Густель ва Фриц.

Густав варакни тахлаб, хатжилдга солди. Эртасига эрталаб Фриц хатни секингина фабрикага олиб ўтиб, ўзининг олмон дўстига беради. Жасоратли йигитча унинг учун ҳеч қандай тўсиклар йўклигини исботлади. Густав факат бир нарсага умид килар – у ҳам бўлса, ўғли ўзига кулфат орттириб олмаса, бўлди эди.

Ўша ҳафта Фриц Альфред Воехерга бошқа веналик маҳбуслар, айниқса, уйда оқсуяқ хотинлари кутаётган асосан яхудийларнинг хатларини бериб юборди. Улар, агар почта гестапо қўлига тушиб қолгудай бўлса, мактуб мазмуни жўнатувчини ҳам, олувчини ҳам хавфга қўймаслиги учун ўйлаб ёзишлари керак эди.

* * *

Фриц учун ўз ўртоклари фойдасини кўзлаб, хатларни бериш тизимни алдашнинг ягона йўли эмас эди. У, шунингдек, бонусларни алмаштириш билан ҳам машғул бўлди.

Освенцимда якинда намунали ходимлар учун бонусли купонлар тизимини киритиши. Ушбу бонусларни факат малакали мутахассислар мақомига эга яхудий бўлмаганлар олиши мумкин эди; лагерь буфетида тамаки ва ҳожатхона қоғози каби дабдабали буюмлар харид килиш таклиф этиларди. Ушбу тизимни Гиммлер ўйлаб топган бўлиб, ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган эди, бироқ амалда назоратчилар намунали ишлаганлик учун эмас, балки айрим хизматларни тақдирлаш воситаси сифатида кўпроқ фойдаланишарди.

Кўпчилик учун купонларнинг энг жозибали томони – улар билан лагернинг исловатхонасида тўласа бўларди. Мазкур янгилик ҳам Гиммлер ташаббуси билан жорий этилган бўлиб, тезкор меҳнатни қўллаб-кувватларди. Фохишахона тиканли сим оргида лагерь ошхоналари қаторида турган бўлиб, “аёллар блоки” деб аталарди. У ерда Биркенаудаги олмон, чех, поляк, лекин биронтаси яхудий бўлмаган, кейинроқ озод этилиш въядаси берилган “ўз ихтиёри билан” чикқан маҳбус аёллар ишлардилар. Фохишахонага бориш учун навбатга ёзилиш талаб этилар, у ерга эса етарли даражада купонлар тўплаган факат оксусяк маҳбусларнигина ёзишарди. Киришдан олдин мижозга таносил касалликларига қарши укол қилинар ва эсэс зобити унга аёл билан хонани тайинларди. Кундузи, иславотхона ёпиқлигига, аёллар кўпинча ҳар бири блок-фюрер ҳамроҳлигига лагерь ташқарисида сайр қилиб юришганини кўришганди.

Расман оксусяк бўлиб ҳисобланган Густав ҳам купонлар олар, бироқ амалда улардан сира фойдаланмасди. Ўзининг бузук

дили билан фаркланувчи лагерь бошлиғи Шёттль маҳбусларнинг аёллар билан учрашувлари ҳақидаги батафсил хикояларини эшишиб, ўзгача ҳузур оларди; лекин у Густавни фоҳишахонага бориш учун қанчалар ундумасин, у ёши ўтиңқираганини баҳона қилиб, доимо бош тортарди (у атиги эллик бир ёшда бўлса ҳам, лагерь ўлчамида у қари чол ҳисобланар – у ерда амалда бундай ёшга ҳеч ким етиб бормасди).

Густав чекмагани учун ҳам купонларни ишлатмас, уларни кора бозорда алмаштирадиган Фрицга берарди.

Фриц ошхонадаги ва маҳбуслардан тортиб олинган буюмлар сақланадиган “Канада” назоратчилари билан танишиб олди; уларнинг иккаласи ҳам сотиладиган ҳамда иславотхонага боришини яхши кўрадиган кишилар эди. Фриц купонлар эвазига омбордан нон билан ёғ, “Канада”дан эса – қимматбаҳо кийимлар, свитерлар, қўлқоп, шарф ва бошқа нарсаларни оларди. У ўз ўлжаларини баракка келтириб, отаси ва дўстлари билан баҳам кўриб, бўлишарди.

Унинг шу тариқа иславотхонадаги аёлларни ишлатишга кўмаклашаётгани тўғрисида ўйлаш ёқимсиз бўлса ҳам, бироқ лагернинг душманлик муҳити бир кишининг шароитини яхшилаш учун доимо бошқасига азоб бериш билан тўлашга тўғри келарди. Бир муддатдан кейин аёлларни ёшроқ поляк қизларининг янги гуруҳи билан алмаштиришди. Бир неча ойлар мобайнида таҳқирлик ва хўрликлар учун ваъда қилинган озодлик туфайли бардош берган биринчи гуруҳ Биркенауга қайтариб юборилди. Уларни лагердан ҳеч ким чиқармади ҳам.

* * *

1944 йилнинг баҳори ва ёз бошларида Освенцимда шароит анча ўзгарди. Густав ўз кундалигига Моновицга доимо янги маҳбусларнинг деярли ҳаммаси Венгриядан ёш яхудийлар

келишаётганини ёзганди. Уларнинг кўриниши абгор ахволда эди, Шарқдан етиб келаётган янгиликларга қараганда, уруш нацистлар учун жуда омадсиз бурилишга кирганди.

Март ойида Германия ўзининг собиқ иттифоқчиси Венгрия худудини босиб олди. Нацистлар кўшинларининг Шарқий фронтларда доимий мағлубиятлари ва инглиз-америкаликларнинг Шимоли-Ғарбий Европага босиб кириш эҳтимоли юқорилигидан хавотирланган Венгрия ҳукумати иттифоқчи кучлар билан ярашишга маҳфий тарзда қадамлар қўя бошлади. Германиянинг назарида, бу ишончни йўқотадиган хоинлик эди. Гитлер ғазаб билан мамлакатни босиб олиб, унинг армиясини ўз назоратига олди.

Ўша пайтда Венгрияда 765000 яхудий яшарди. Мамлакатда баъзан антисемитизм авжига чиқиб турарди, албатта, бироқ шу пайтгача у ерда яхудийлар таъкиб этилмаганди. Энди бир лаҳзадаёқ уларни йўқ қилишга қарор килинди.

Доимий кувғинлар яхудийлар Пасхасининг сўнгги куни – 16 апрелда бошланди. Айнзацгруппа бўлинмалари венгер жандармерияси ёрдами билан юзларча минг яхудийларни лагерь ва геттоларга ҳайдай бошладилар. Ҳаммаси тез, аниқ ва шафқатсиз тарзда олиб бориларди; операцияга икки тажрибали эсэс зобити: илгари Венадан яхудийларни депортация килинишига жавобгар бўлган Адольф Эйхман билан Освенцимнинг собиқ коменданти Рудольф Хёсс бошлилик қиласарди.

Венгриядан Освенцимга дастлабки поездлар апрелнинг охирларида жўнатилди – унда уч минг саккиз юз яхудий эркак ва аёллар бор эди. Етиб боришган заҳоти уларни газ камераларига жўнатишиди. Бироқ бу бўлажак гигант одамлар оқимиidan биринчи игичка жилғаси эди. Самаралироқ ишлаш мақсадида Освенцимдаги эски “яхудийлар йўллаги”ни янги темирйўл тармоғига алмаштиришиди. У деярли ярим километр узунликдаги

одамлар тушириладиган перрони билан түппа-түғри Биркенауга борарди.

Кейинрок Густав Венгриядан Освенцимга айнан мана шу тармоқ орқали етиб келган аёллар билан танишиб олди ва улар ўша ерда нималар содир бўлганини унга батафсил сўзлаб беришди.

16 май сешанба куни Биркенау лагери қаттиқ изоляция режимига ўтди. Барча маҳбуслар сокчилар қўриқчилигида баракларга қамалдилар. Факат зондеркомандалар ва, нақадар ажабланарли бўлмасин, лагерь оркестри бундан мустасно эди. Шундан кейин тез орада темирийўл тармоғи орқали гумбурлаб ва тутун буркситганча КПП гиштин арки орқали темирийўл состави кириб келиб, перрон олдида тўхтади. Эшиклар ланг очилиб, ҳар бир вагондан юзларча одам – кекса ва ёш аёллар, эркаклар ва болалар тушдилар. Улардан ҳеч бири қаерга келтирилганлари ҳақида тушунмаётгандек туюлар, кўплар дикқинафас поезддан чарчаб, лекин юраклари умидга тўлиб, ерга тушардилар. Улар йўл-йўл пойжомадаги зондеркоманда аъзоларини кўрганда ҳам кўркмадилар. Лагерь оркестри чалаётган мусиқа ҳам вазиятга ташвишсизлик киритарди.

Кейин ажратиш содир бўлди. Эллик ёшдан ошган ҳамма bemor ёки ҳолсизлар, болалар билан оналар, хомиладорларни бир томонга жўнатишарди. Ўн олтидан эллик ёшгача бўлган соғлом эркак ва аёлларни – омманинг тахминан чорак қисмини олиб, лагерда улар учун алоҳида ажратилган қисмини – бошқа тарафга тўплашди. Одамлар яна икки бор ажратиб олинди, минларча кишилар чап ва ўнг тарафга юборилди. Колганларни темирийўл тармоғи охиридаги дарахтлар орасида жойлашган кувурларидан кечаю кундуз осмонга бадбўй тутун кўтариладиган пастак уйчаларга ҳайдаб киритишарди.

Ўша куни Биркенауга тахминан ўн беш минг венгриялик ҳудудийларни етказиб келишди; уларнинг аниқ сони номаълум,

чунки улардан ҳеч бири – на ўлдирилган, на ишга жўнатилган – Освенцим маҳбуси сифатида рўйхатга олинмаган ва шахсий рақам берилмаганди. Ҳатто ишга жўнатиладиганлар ҳам узок яшаб қолмаслиги аён эди.

Шу тариқа Освенцим ўлим фабрикаси сифатида марказ бўлиб қолган мудхиш эскалация бошланган эди. 1944 йилнинг май ва июль ойлари оралиғида Эйхман ташкилоти Освенцимга бир юз қирқ етти темирйўл составини жўнатди. Кунига бештагача поездлар Биркенауга келарди. Шу маҳалгача бекор турган захирадаги газ камералари яна бошқатдан ишга туширилди. Улардан тўрттаси кечаю кундуз ишларди. Зондеркомандадаги тўқиз юз нафар қийноқ азобларидан қалблари мажруҳ маҳбус кип-яланғоч аёл, эркак ва болаларни газ камералари ичига ҳайдаб, у ердан мурдаларни олиб чиқишарди. “Канада”даги барча омборлар кийим-кечаклар ва қимматбаҳо буюмларга тўлган жомадонлар билан уюлиб ётарди. Крематорийлар юкламани эплай билмай, жонсиз таналар учун чукурлар кавлашга тўғри келарди. СС ниҳоятда шошилиб ҳаракат қиласиди; янги келганларни газ камераларига жўнатишга шу қадар шошилардиларки, кўпинча эшигини тез очишганида, аввалги гуруҳдаги айрим қурбонлар ҳали нафас олаётган бўларди; кимирилаётганларни отиб ўлдиришар, кимларнидир эса тириклийн кўмиб юборишарди.

Танлаб олинган эркак билан аёлларнинг бир қисми Моновицга жўнатиларди. Густав уларни кузатаркан, астойдил ачинарди. “Улардан кўпчилиги ота-оналаридан жудо бўлишди, чунки улар Биркенауга жўнатилди”, – деб ёзарди у. У билан Фриц каби ота-ўғилнинг биргаликда қолишлари ҳар кимга ҳам насиб қилмасди. Уларнинг омон қолишлари учун кучлари етиб, омад ёр бўлармикан? Улар қалбининг синдирилган аҳволдалигига қараганда, етмаса кераг-ов. Уларнинг кўпларида ички жиҳатдан бўм-бўшлиқ, беларвонлик белгилари намоён

бўлар, улар кун сайин тушкун аҳволга тушиб, мусулмонларга айланиб боришарди. “Бу ниҳоятда қайғули”, – дея ёзарди Густав.

* * *

1944 йил ўрталарида Густавнинг мебел гурухини Буна комбинатига кўчиришди. Энди у шундай таъсиридан фойдаланиб, Фриц ўз кўлида ишлаши учун, уни ўз гуруҳига ўтказди.

Йилнинг дастлабки ойлари оғир кечди: қиши қаттиқ келиб, жуда кўп кор ёғди ҳамда безгак билан дизентерия хурожи авжга чиқди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам касалланиб, бир муддат госпиталда доимий қўркув билан ётишди. Биринчи бўлиб Густав февраль ойида йиқилди. У госпиталда саккиз кун ётиб, айни тозалаш ишлари бошланиши олдидан у ердан чиқди, натижада у билан бир вақтда ётган беморларни тўғридан-тўғри газ камерасига жўнатишди. Кейинги эпидемия март ойининг охирида авжига чиқиб, Фрицни госпиталга икки ҳафтага ётқизиб кўйди.

Густав энди комбинатда ишлаб, у билан Фрицнинг ишончини қозонган, уларга яхшилик қилган одам Фредль Воехер билан ниҳоят танишиб олди.

Отасининг устахонасига ўтиш Фриц учун 1938 йил Аншлиосдан кейин тўхтаб қолган мебелчилик ҳунарига ўрганишини қайта тиклашни билдиарди. Улар Людвигсхafenдан келган эркин ёлланма бошлиқ назоратида ишлардилар. “У ёмон одам эмас, – ёзарди Густав, – ва бизга имкон қадар ёрдам беришга интилади. Ҳарқалай, унинг нацист эмаслиги аниқ”.

Урушнинг бориши ўзгариб, мамлакат мағлублик эҳтимоли билан тўқнашгандага ва нацистлар режими қандай оқибатларни келтириб чиқаргани аён бўлиб қолганда, ҳалқнинг нацистларга нисбатан ишончи сусайди. 6 июнда иттифоқчи кучлар Францияга

бостириб кирди. Бу вактда Кизил армия Шарқдан олмонларга хужум килишни давом эттиради.

Июль ойида руслар Остландга кириб, Минскни курсаб олдилар ва илгари Кичик Тростенец жойлашган ҳудудни эгаллаб олишди. Лагерь ўз вазифасини бажариб бўлганидан кейин, 1943 йилда уни ёпиб, йўқ килиб юборишганди. 22 июлда қўшинлар Шарқий Польша ҳудудидан силжиб бориб, Люблин яқинидаги баҳайбат концентрацион лагерь Майданекни ишғол қилдилар – у иттифоқчилар қўлига тушган йирик концлагерлардан биринчиси эди. Бу лагерни қандай бўлса, шундайлигича: унинг газ камералари, крематорийлари ва уюб ташланган мурдалари билан кўришди. Бу ахволни кўрганлар далиллари “Правда”дан тортиб “Нью-Йорк таймс” газеталарида пайдо бўлиб, бутун олам бўйлаб тарқалди. Бир рус ҳарбий муҳбирининг сўзларига кўра, даҳшат “ҳаддан зиёд катта ва уни охиригача англаб етиш учун тасаввур этиб бўлмас” даражада эди.

Иттифоқчи давлатлар ҳукуматларига босим ўсиб бораради; энди улар лагерлардаги, шу жумладан, Освенцимдаги вазиятни ўзлари тасаввурга келтиргач, қандайдир чоралар кўришлари керак эди. Ёрдамчи лагерь хизматлари билан темирийўл йўлакларига бомба ҳужуми ўtkазиш чақириклари янгарди. Иттифоқчиларнинг ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлиги бундай вариантни кўриб чикиб, уни рад этдилар. Уларнинг сўзига кўра, ресурсларни стратегик ҳужумга ва ҳужум қилаётган армияларни ҳаводан кўллаб-куvvatлаш учун тўлик йўналтириш керак эди.

Бироқ айрим лагерлар ишлаб чиқариш мажмуаларига ҳаддан зиёд яқин жойлашганини жуда яхши тушунардилар. Освенцимдаги Буна иттифоқчиларнинг бомба ҳужумига учраши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа чораларини кўришга қарор қилинди. Комбинатда бомба ҳужумидан сакланиш жойлари ташкил этилди, бутун лагерь мажмууаси бўйлаб эса, коронғилаштириш қоидалари киритилди.

Лагерни маҳсус пардалар билан таъминлаш Густав Кляйнман зиммасига тушди. У мебел қоплашни вактинча тұхтатиб, коронғилаштирувчи пардалар тикиш билан машғул бўлди. У тикув цехида бошчилик қилиб, йигирма олти ёш яхудий кизлар – “ҳаммаси итоаткор ва ишдан қочмайдиган меҳнаткаш қизлар”ни ишлатарди. Улар Густавнинг раҳбарлигига ёруғликдан ҳимояловчи пардалар тикишар, Фриц эса уларни осишда эркин ёлланган ишчиларга ёрдамлашарди.

Густавнинг бошлиғи Ганс исмли фуқаро бўлиб, у социалист эди ва биргаликда сухбатлашиб, чой ичиш учун цехга тез-тез кириб туради. Ганс комбинатдаги бошка (СС дан доим қўрқиб яшайдиган ва фюрер нима қилаётганини ўзи билади, деган гапга ёпишиб қолган) бошқарувчилардан фарқ киларди; улар орасида маҳбуслар билан ҳар кандай алоқалар ҳақида дарҳол яна бир ашаддий гитлерчи бош муҳандисга гап етказадиган ғоявий нацистлар ҳам учарди.

Кўшни цехдаги изоляция материаллари билан шуғулланувчи поляк аёллар ишхонага нон билан картошка олиб ўтишга муваффақ бўлишар ва уларни парда тикаётган яхудий аёлларга беришарди. Улар озиқ-овқатларни қаердан олишлари жумбоклигича қоларди, ахир, уларнинг егулик улушлари ниҳоятда кам эди. Пардаларни осаётган икки нафар чех ишчиси ҳам чехиялик яхудийлар учун худди Альфред Воехер Фрицга ёрдам қилгандек – Брнодаги дўстларига хатлар элтиб беришар ва лагерга ёғ билан гўшт кўринишида ҳадялар олиб ўтишарди.

Дўстлар ва қариндошлар саховатига қарамасдан, маҳбуслар сонига нисбатан озиқ-овқат миқдори ниҳоятда кам эди. Ашаддий ортодоксал яхудийлардан ташқари, ҳамма аллақачон диний қонунларга амал қилмай қўйгани боис, ҳар кандай егуликни жон деб истеъмол қилишарди. Айрим Фриц каби маҳбуслар яхудийларга ғамхўрлик қилмай қўйган Худога ортиқ ишонмай, умуман диндан юз ўтиргилар.

Гүставнинг цехидаги Биркенауда бўлган аёллар у ерда содир бўлган ҳодисаларни сўзлаб беришарди. Улар гурухига киритиб қўйилган тўрт нафар венгриялик тикувчилар Будапештдан депортация килинишни тасвиirlаб беришарди. Ҳодисалар тўфон тезлигида, Венадагидан анча тезрок ва шафқатсизрок ривожланганди. Гарчи венгриялик яхудийлар антисемит хукумат зулми остида яшасалар ҳам, Шабатга риоя қилиш ва синагогага боришга ижозат этиларди, шу боис улар Германиядан етиб келган таъқиблар ҳақидаги миш-мишларни ортиқча муболаға қилинган, деб хисоблашарди. Лекин кейин нацистлар келгач, улар ҳаммасини ўз кўзлари билан кўришди.

Густав Биркенауда содир бўлган воқеалар ҳақида деярли икки йилдан бери эшитарди, аммо ҳозир у ерда юз бераётган ҳодисалар ваҳшийликнинг энг чегарасиз даражаси бўлиб туюларди. “Ёқилаётган жасадлар сассик иси шахаргача етиб бораарди”, – деб ёзарди у. Ҳар куни Моновиц ёнидан жануби-шарқдан қаттиқ ёпилган вагонлар ўтарди. “Биз у ерда нималар рўй бераётганини биламиз. Буларнинг ҳаммаси венгер яхудийлари ва бу – йигирманчи асрда содир бўлаётган воқеалар эди”.

* * *

Шуберт Фрицнинг ёрдами билан хона деразасига сўнгги пардани илиб кўйди. У хизматчига қандай ишлатишни тушунтиromoқчи бўлди, аммо эплолмади. У польшалик этник олмон бўлиб, олмончада гапиролмасди.

Улар Фриц билан ўз асбобларини жойладилар. Шу маҳалда ёnlаридан ўтиб бораётган фуқаро ишчилардан бири Шубертнинг жомадончасига бир бўлак нон солиб, Фриц томонга имо қилди. Шуберт нонни сездирмасдан олиб, Фрицнинг асбоблари солинган кутига солиб кўйди. Фриц елкасига тайёр пардалардан бир уюмини ортиб, улар кейинги бинога кетишли.

мураккабликларга қарамасдан, улар ўзаро яхши чикишардилар. Шуберт асли Бельско-Бялодан эди, у ерда Густав аср бошларида новвой шогирди бўлиб ишлаганди. Бир бинодан иккинчисига бориш Фрицга ёқарди – у ўзини деярли озод дея хис этарди. Улар ҳар куни Шуберт билан цехга қутилари нон бўлакларига тўлган ҳолда қайтишарди.

Рўйхат бўйича кейингиси КПП эди, у ерда СС капрали бошчилик қилар, унинг оловранг сочлари ва жаҳли тезлиги туфайли маҳбуслар Сариқ тулки (Лис) деган ном қўйиб олишганди. Улар ўтиб кетишаётганда, Лис дарвоза арки остида бекор турган грек яхудийлари гурухига дарғазаб тикилиб турганини Фриц кўриб қолди. ҳозир қандайдир нохушлик рўй беришини сезган Фриц қадамини секинлатди. Лис ғазабига эрк бериб, КПП дан чиқа солиб, грекларнинг ишга қайтишларини талаб қилганча, уларга кичқира бошлади. Улардан ҳеч бири олмончани билмасди; греклар улардан нимани хоҳлаётганини тушунмасдилар. Шунда Лис уларни милтиқ қўндоғи билан аямасдан ура бошлади.

Фриц бунга чидаб туролмади: у асбоблари солинган қутини ерга қўйиб, Лис билан унинг қурбонлари орасига ташланди.

– Сиз тезрок КПП га қайтишингиз керак, – деди у кенг очик дарвозани кўрсатиб. – Маҳбуслар қочиб кетишлиари мумкин.

Ўз хизмат вазифасини писанд этмаётганини ҳатто яхудий маҳбус кўрсатган бўлса ҳам, бу ахвол бошқа эсэсчини дархол ўзига келтирган бўларди. Бироқ Лисни эмас. Унинг бўзарган, шишинқираган башараси ғазабдан қизариб кетди.

– Хоҳлаганимни қиласман! – дея кичқирди у.

Шундан кейин тепкининг ўқланган овози чикиб, милтиқнинг оғзи Фрицга қаратилди.

Бу тамом дегани эди; шунча йиллик азоб-укубатлардан кейин Фриц ҳатто ўзи танимайдиган маҳбуслар туфайли

тасодифий ғазаб жўш урганда, уни ўлдирмоқчи бўлиб туришибди.

Лис тепкини босай деганда, ғалати шовкинни эшитиб, дарҳол етиб келган бош мұхандис герр Эрдман милтиқ стволини четта бурди. Фриц ўша заҳоти ортига ўтирилиб, яқинроқдаги омборга йўналганча тез-тез юриб кетди. У тезрок жуфтакни ростлаб қолиш зарурлигини яхши тушунарди.

Вазият икки хилда: уни бўйсунмагани учун отиб ташлашлари ёки калтаклаш билан ҳал бўлиши мумкин эди. Бироқ бундай бўлмади; герр Эрдман И.Г. Фарбенга Лиснинг устидан расмий шикоят қилди ва капрални бошқа жойга ўтказишиди. Моновиц маҳбуслари уни қайтиб кўришмади.

Эрдманнинг ҳаракатлари кўпинча олмонлар кайфиятини акс эттиради. Германиядаги вазиятнинг кейинги кескинлашуви нацистлар режимига нисбатан ишончнинг энг сўнгги зарраларини ҳам йўқ қилганди. Мамлакат фуқаролари Германиянинг айби билан энди ҳоллари не кечишидан қўрқишар, Освенцимда ва комбинатда ишлаётганлар кўз ўнгидга эса, СС жиноятларининг реал масштаблари секин-аста очилар ва одамлар бунга камроқ кўз юмишарди.

Фриц Буна ҳудуди бўйлаб ёруғлик тўсадиган пардаларни етказганча, эркин юра оларди, шу боис Фредль Вокер билан тез-тез учрашиб туради. Бир куни у Фрицни Люфт Ваффе ҳаво ҳужумига қарши батареяларидаги дўстлари билан таништириб кўйди. Уларга анча яхши егуликлар беришар ва аскарлар Фрицга гўшт ҳамда балиқли консервалар, қиём ва сунъий асал бериб юбордилар.

Бундай совғалар кейинги вакт янада қимматлироқ бўлиб қолганди. Германияда озиқ-овқат тақчиллиги бошланди; барча захирадаги ресурслар фронт чизиги ортида жанг қилаётган аскарларга кетарди. Аҳоли ниҳоятда кам овқатланарди, концлагерлардаги маҳбуслар эса деярли ҳеч нима олишмасди.

Мусулмонлар сони доимо ортиб борар, очлик ва қасалликлардан ўлганлар сони жуда катта миқдорга етди, янада кўпроқ одамлар кунба-кун газ камераларида ҳалок бўлишарди. Лагерга юборилган озиқ-овқатлар ҳаммага етмасди, албатта, бироқ ҳар қалай, у кимларнингдир тирик қолишига ёрдам берарди. Фриц билан дўстлари ўз улушларини доимо очларга улашардилар.

Фриц озиқ-овқатни жуда катта миқдордаги маҳбуслар билан бўлишишнинг иложи йўқлиги боис, у танлаб озиқ улашаётганидан виждони қаттиқ қийналарди. “Агар егуликни ҳаммага teng бўлинса, бу қизиб турган тошга бир томчи сув тушгандек бўлади”.

Фриц юраги ўртаниб, ўта даражада силласи қуриб, ўлаётганлар ўрнига ёшларнинг корнини тўйғазарди. Унинг баракида ота-оналари газ камераларида ҳалок бўлган З нафар ўғил бола бор эди. Улардан бири – Венадаги эски оғайниси Лео Мет бўлиб, у аввал бошда Францияга жўнаб кетиб, нацистлар концлагерига тушмай қолганди, лекин Германия Виша ҳудудини аннексия қилганидан кейин у барибир Освенцимга келиб қолганди. Фриц уларга нон ва шўрвадан иборат ўз улушкини, шунингдек, озрок колбаса ва комбинатдаги одамлардан тушган бошқа озиқ-овқатларни берарди. У ўн олти ёшлик ўсмир чоғида Бухенвальдга тушиб қолганида, лагерь ветеранлари унга шундай ғамхўрлик қилишганди. Бу ўша меҳрибончиликлар учун миннатдорлик деб ҳисобларди.

Густав ҳам ёш ва муҳтож маҳбусларга қўлидан келган яхшилигини қиласарди. Бир куни йўкламада у янги исмларни эшишиб қолди, Георг Копловиц деган фамилияга эътибор қаратди. Қачонлардир Густавнинг онаси Копловиц фамилияли яхудий оиласида ишлаганди, у мазкур оиласага илиқ муносабатда бўлган ва то ўлимига қадар 1928 йилгача уларнида қолган. Қизиқиб қолган Густав йигитчани гапга солди, у ростдан ҳам худди ўша оиланинг фарзанди экан. У Биркенаудаги танловда

ёлғиз ўзи омон қолибди. Густав Георгни ўз оталиғига олиб, уни күшімча овқат билан таъминлади ва госпиталда ёрдамчи қилиб хавфсизроқ иш топиб берди.

Уларнинг ўзаро ёрдам доирасида Освенцим маҳбуслари билан биргаликда ишлаб чиқаришда ишловчи британиялик ҳарбий асиrlар ҳам қатнашар эдилар. Улар Е 715 лагерида, Шаталаг VIII-B ишчи бўлинмасида яшардилар. Лагерь СС назоратидаги Аушвиц зонасининг ичидаги жойлашганига қарамасдан, улар, Вермахт асиrlари бўлиб ҳисобланар ва уларни оддий аскарлар қўриқлашарди. Улар доимий равишда Халқаро Қизил Ҳоҳ каналларидан гуманитар ёрдам олишар ва уларни Освенцим маҳбуслари билан бўлишардилар, шунингдек, ўзларида яшириб кўйган радио орқали Би-Би-Си эшиттиришларини тутиб, урушнинг бориши хақидаги янгиликларни уларга сўзлаб беришарди. Фриц, айниқса, уларнинг шоколад, инглиз чойи, “Нэви Кат” сигаретини ёқтиради. Британиялик асиrlар учун ҳам буларнинг ҳаммаси бебаҳо экани ҳисобга олинса, улар бошқалар билан бўлишишлари анча сахийлик қилишгани кўринади. Уларни СС нинг маҳбусларга шафқатсиз муносабати лол қолдирад, улар ўз соқчиларига нолиб, шикоят қилишарди. “Британиялик ҳарбийларнинг бизга нисбатан муносабати бутун лагерь бўйича тезда оғизга тушди, – хотирларди Фриц, – ва уларнинг қилган ёрдами биз учун ниҳоятда кимматли эди”.

Бироқ маҳбуслар олган егулик уларни қанчалик кутқармасин, мабодо қўлга тушиб қолгудек бўлсалар, уларни калтаклаш ёки бир неча кун Ўлим Блокининг типпа-тик турадиган камерасида оч қолиш кутарди. Бу – миттигина клаустрофобия келтириб чиқарадиган пеналлар бўлиб, у ерда ўтириб бўлмасди. Айниқса, буни СС сержантি Бернхард Ракерс диққат билан кузатарди, у Буна комбинати асиrlари ишчи бўлинмаларини ўзининг кичик қироллиги деб ҳисоблар, улар

ҳисобидан киссаларини түлдиар, аёл ишчиларни зўрлар ва энг шафқатсиз жазолар тайинларди. Фриц ўз асбоблар солинадиган кутисида озиқ маҳсулотларини яширинча олиб ўтаётганида, доимо у билан тўқнашиб қолиш хавф соларди. Ракерс маҳбусларни бот-бот тинтувдан ўтказар ва ҳар қандай ёт буюмни топиб олса, айборни ўша жойдаёқ йигирма беш дарра уриш билан тақдирларди. У ҳеч қандай рапортларни расмийлаштирмас, яширин олиб ўтилган озиқ-овқатлар эса, тўппа-тўғри унинг хирмонига бориб тушарди.

Фриц билан қолганлар озиқ-овқат тонишнинг бошқа, анча хатарсиз усулларини топишга уринишарди. Шунда икки нафар венгер яхудийлари қизик ғояни: плашч тикиб сотишни таклиф этишди.

Будапештлик ака-ука Йено билан Лачи Берковицлар Густавнинг ёруғликдан тўсувчи пардалар тикадиган цехида ишлайдиган жуда зўр тикувчи эдилар. Бир куни улар жуда кучли ҳаяжонда Фрицнинг ёнига бориб, ўз жасоратли режалари билан бўлишдилар. Парда тикиладиган анча қалин ва чидамли, бир тарафи сув ўтказмайдиган қора мато эди. Ундан жуда зўр плашч тикса бўлар ва қора бозорда егуликка ёхуд ҳатто нақд пулга эркин ёлланганларга сотиш ҳам мумкин эди.

Фриц ака-укаларга бир муаммо борлигини кўрсатди: мато захираси қаттиқ назоратда тутилар ва қанча сарфлангани тикилган пардалар сони билан таққосланарди. Ҳатто четидан ортган қийқимларни ҳам герр Гансга қайтариб топшириш шарт эди. Йено билан Лачи кўл силтадилар: улар ортиқча мато топишларига ишончлари комил эди. Тажрибали тикувчи матони шундан бичадики, сарфланган мато одатдаги қийқимлар фоизига мос келади. Цехда қанча пардалар тикилаётгани ҳисобга олинса, плашчлар анчагина бўлади. Фриц отаси билан маслаҳатлашганди, у ҳам режани йўлга қўйишга розилик билдириди.

Ака-ука ростдан ҳам материалнинг умумий сарфини оширмасдан кунига тўрттадан олтитагача плашчни бича олардилар. Қолган ишчилар цехда пардалар ишлаб чиқариш ортда қолмаслиги учун кучлари борича ҳаракат қилишарди.

Режа энди-энди амалга ошишни бошлаган чоғда, кутилмаган тўсиққа дучор бўлишди. Ака-укалар бир муҳим омилни ҳисобга олишмаганди: уларда тутгмалар йўқ эди. Улар сўраб-суриштиришди ва бир парда осувчи эркин ёлланган чех яқин орада уларга Брондан тутгмалар захирасини келтириб беришга ваъда берди. Ечим топилди ва ишлар яна юришиб кетди.

Плашчларни сотишга Фриц жавобгар эди. У ўзларига қўшни изоляция материаллари цехида тикувчи бўлиб ишлайдиган 2 нафар фукаро, поляк аёл Данута ва Степа билан танишиб олди; улар ўз яшаш жойига тайёр плашчлар олиб ўтиб, бошқа ишчиларга сотишарди. Бир плашч ё бир кило гўшт ёхуд яrim литр шнапс баҳосида бўлиб, кейин уларни бошқа озиқовқатларга айирбошлиш мумкин бўларди.

Жуда зўр тикилган ва қулай плашчлар тезда оммалашиб кетди, бундан СС кўп эркин ёлланганлар бир соатда кийиб олган қора уст кийимга дикқатини қаратиш хавфи ортиб бораарди. Бирок кейинроқ уларни олмон муҳандислари ва бошқарувчилари ҳам харид кила бошладилар, бу эса хавфни камайтирди: мазкур обрўли кишилар ўzlари қизиқиб қолишли. Бу вактда Фриц дўстлари билан ёрдам бера олган маҳбуслар сони анча қўпайди ва улар кўпларнинг ҳаётини асраб қолишни улдаладилар.

КУРАШ ВА ХОИНЛИК

Маҳбуслар ҳаётини саклаб қолиш учун олиб борилаётган барча ишларига қарамасдан, Фриц қаршиликнинг бундан-да ифодалироқ шаклига интиларди. У курашишни хоҳларди ва бунда у ёлғиз эмасди.

СС га куролланган Қаршилик кўрсатишнинг куролсиз ва қўллаб-кувватловсиз иложи йўқ эди. Ҳар иккаласини олишнинг ягона усули Бескид ғорларидағи поляк партизанлари билан алоқа ўрнатиш эди. Уларга хабар етказиш унча кийин иш эмасди, аммо доимий муносабатларни йўлга қўйиш учун шахсан учрашиш талаб этиларди.

Партизанларга хабар жўнатиши ва майнинг бошларида Қаршиликнинг юқори раҳбарлари беш кишидан иборат гурухни кочиш учун танлади. Биринчиси – бухенвальдлик яхудий, 34 яшар қассоб Карл Пеллер. Иккинчиси Фриц ёлғондан ўлганидан кейин унга қараб юрган 48-блок бошқони Хаим Гославски бўлиб, у ўша ўлкаларда яшаган ва партизанларга борадиган йўлни топа оладиган ягона одам эди. Яна улар орасида Берлиндан келган яхудий ҳам бор бўлиб, унинг исмини Фриц билмасди, яна иккиси лагерь ошхонасида ишловчи Женик ва Павел исмли поляклар эди.

Уларнинг тўгарагига Фрицни Гославски жалб этганди; унинг вазифаси қочоклар учун “Канада” омборидан фуқаролар кийимини топишдан иборат эди.

Тайёргарлик ишлари бораётган вақтда, бир куни эрталаб тонг отмай туриб, ҳали йўқлама бошланмасидан, Гославски Фрицга тахминан нон буханкаси ҳажмида кичикроқ пакет берди.

– Бу Карл Пеллер учун, – деди у секингина ва коронғиликда ғойиб бўлди.

Фриц пакетни маҳбуслар пойжомаси тагига яшириб, ўртоқлари билан бирга йўқламага борди. Фитначилар тўгарагига

у бевосита киритилмаган эди, бироқ қочиш бугун ё эрта содир бўлишига ақли етганди.

Ўша куни эрталаб ишга келгач, у Буна ҳудудига бориб, Пеллерга пакетни бериш учун баҳона топди. Женек билан Павел комбинатга шўрва – маҳбуслар учун тушлик келтиришди. Фриц Гослински қандайdir баҳона билан уларга ҳамроҳлик қилганига эътибор берди. Энди барча қочоклар лагерга нисбатан анча камрок кўриқланадиган комбинат ҳудудида эдилар.

Кейин Фриц ўз иши билан машғул бўлди ва бошқа ҳеч нимани кўрмади. Ўша оқшом йўқламада бешала қочоқ – Пеллер, Гославски, Женек, Павел ва берлинлик – йўқ эди. Улар шунчаки комбинатдан чикиб, Фриц топиб келган фукаролик кийимларини кийиб, ғойиб бўлишиди. То СС қочоқларни излаб топгунига қадар, соқчилар назорати остида маҳбуслар майдонда тураверишиди.

Соатлар секин чўзиларди. Ярим кеча бўлди, кейин тонг отди, улар эса атрофларини кўлларида қурол тутиб, занжирдай куршаб олинган кўйи, ҳаммалари тикка туришарди. Нонушта вакти бўлди. Қаторлар аро ҳаяжонли шивирлаш югуриб ўтди: соқчилар нафақат беш қочоқни, балки кеча эрталаб курилишда Карл Пеллер билан гаплашиб турганини кўрган маҳбусни ҳам излашяпти.

Фрицнинг юраги шувиллаб кетди; агар уни топишса, бу сафар унга бункер кафолатланган – кейин эса, дархол “Қора Девор”. Лекин кўрқаётган бўлишига қарамай, у ич-ичидан қочиш муваффакиятли бўлганидан хурсанд эди.

Ниҳоят, маҳбусларга ишга жўнашларига буйруқ беришиди. Улар оч ва ҳолсиз, аммо кўтаринки руҳ билан ишга кетишиди. Кунлар кетидан кунлар ўтди. Бироқ миш-мишларга қарамай, ҳеч ким Фрицни Пеллер билан гаплашган сирли нотаниш сифатида кўрсатмади. Уч ҳафта қочоқлар ҳакида ҳеч қандай хабар

бўлмади... Кейин эса, мутлақо кутилмаганда, тўсатдан ҳалокат рўй берди.

Иккала поляк Женек билан Павел ҳамда берлинлик маҳбусни уриб, дабдала қилинган ҳолда лагерга қайтариб келишди. Қаршилик раҳбарияти уларни Krakow полицияси қўлга олганини билиб олди. Бу ғалати эди – Krakow Бескид тоғларидан қарши йўналишда, жуда узоқда жойлашганди. Гославски билан Пеллер қаерда эдилар? Улар партизанларга етиб олишни уддалаганмиканлар?

Ўша куни кечки йўқламада учала қайтарилган қочокни курсига боғлаб, қалтаклашди. Шу билан, қанчалик ажабланарли бўлмасин, жазо чекланди. Бир муддатдан сўнг, лагердан поляклар гурухини Бухенвальдга жўнатишганда, уларни ҳам бирга олиб келишди. Берлинлик яхудий Моновицда қолди.

Шунда ҳаммаси аён бўлди. То поляклар лагердалигида сўзлаб беришдан жуда қўрқкан берлинлик яхудий дўстига қочишдан кейин нималар содир бўлганини гапириб берибди. Ҳамма гап Фриц Гославскидан Карл Пеллерга олиб бориб берган пакетда экан. Унда “Канада” омборидан ўғирланган пул ва заргарлик буюмлари бор бўлиб, уларни партизанлар кўмаги учун тўлаш режалаштирилганди. Учрашув тайнинланганди, бирок Гославски билан Пеллер унга боролмадилар; биринчи тундаёқ Женек билан Павел уларнинг иккаласини ҳам ўлдириб, пакетга эга бўлишди. Берлинлик шунчалар қўрқиб кетганидан, аралашмай қўя қолди.

Ўлжани олиб, қочиб кетиш ўрнига, улар учаласи партизанлар билан учрашувга боришга аҳд қилишди. Улар ҳакиқатан ҳам қочоқларни кутишарди, бироқ норози бўлишди – уларга беш киши келади, дейишганди, яна иккитаси қани? Женек билан Павел ўзларини ҳеч нимани билмасликка солишибди,

бироқ партизанлар уларга ишонмабдилар. Уларни уч хафта ўз жойларида яшириб кўйишибди, лекин Гославски билан Пеллер пайдо бўлишмаганлари боис, келишувдан воз кечишибди. Қочоқларни Krakovга олиб бориб, ўша ерга ташлаб кетибдилар. Улар хеч қандай таниш-билишсиз полиция қўлга олмагунча кўчаларда санғиб юришибди.

Берлинликнинг гаплари лагерь бўйича бошлиққа етиб бориб, у эса СС маъмуриятига хабар қилибди.

Бир неча хафта ўтгач, Женек билан Павел яна Моновицда пайдо бўлишди – уларни СС фармойишига кўра, Бухенвальддан қайтариб келишди. Майдонда дорлар куриб, маҳбусларга сафланишни буюришди.

Майдонга етиб борган Фриц билан ўртоқлари дор ёнида автомат ушлаган СС сокчиларини кўришди. Маҳбусларни сафга тизгач, жимжитлик ҳукм сурган пайтда минбарга комендант Шварц билан лейтенант Шёттель кўтарилдилар. Овоз кучайтиргичда буйруқ янгради:

— Бош кийимлар ечилсин!

Фриц ва саккиз минг бошқа маҳбус шапкаларини ечиб, кўлтиқ тагига қистиришди. Фриц кўз кири билан икки полякни майдонга қандай олиб келишганини кўрди. Шёттель микрофонда ҳукмни ўқиди: ҳар иккисини қочишгани ва қотиллик қилишгани учун ўлим жазоси кутарди.

Дор ёнига аввал Женекни, кейин Павелни олиб бориши. Ҳукм қилинганлар бўйнига ингичка симдан ҳалқа ўтказиб, кейин тўсатдан оёқларидан уриб юбориши ва улар секин-аста кучини йўқотиб, типирчилаб қолишибди. Бир неча дақиқадан кейин жонсиз таналар осилиб қолди. Комендант маҳбусларга сабоқ бериб бўлгач, сафни тарқатиб юборди.

Мазкур халокатли муваффакиятсизлик Моновицдаги Қаршиликни йўқقا чиқарди. У нафакат Гославски билан Пеллердан айрилди, балки поляклар билан германияликлар орасидаги эски гина-кудурат ва ишончсизликни яна ташқарига калқитиб чиқарди.

Бундан ташқари, СС ўзининг гумонсирашлари билан кўрикчилик чораларини янада кучайтирди. Қочищдан кўп ўтмай, янги фитна аникланди, бу сафар том тузатиш командасида бўлган эмиш. Гумонлангандарни гестапо бункерига олиб бориб, даҳшатли қийноқларга солдилар. Комендант Шварц буйруғига биноан, учаласини худди ўша энг кўркитувчи тадбирни такрорлаб осишли. Бунинг ортидан яна бир неча осишлилар давом этди.

Фриц учун ўша кунлар Освенцимдаги энг зулматли даврлардан эди. Бироқ бундан-да ёмони уни олдинда кутарди.

20 август якшанба куни кечга яқин очиқ зангори осмондан илк бомбалар ёғилиб тушди. Американинг 127-бомбардирчилари Италиядаги базадан ҳавога кўтарилиганча, Освенцимдан 5 чақирим баландликда ҳар бирида чорак тонна металл билан портловчидан иборат 1336 та бомба ташлашди. Улар Буна комбинати маркази ва шарқий қисмida портладилар. СС чилар бомбадан сақланиш жойларида яширгунларича, маҳбуслар кулоқни батанг қилган шовқин ва уларни ерга отиб юборган портлаш тўлқинлари орасида ким қандай эпласа, шундай тарзда ўзини кутқаришига тўғри келди. Ҳаво хужумига қарши батареялар жавоб ўти очишарди. Комбинатда ишловчи асирлар ўзларини ерга ташлаганча, ич-ичларидан хурсанд бўлишарди. “Ўша бомба хужуми биз учун ҳақиқий баҳтиёр кун бўлганди”, дея эсларди улардан бири. – “Биз ҳақимизда энди ҳамма билади ва бизни озод этиш учун тайёrlанишпти, деб ўйлаган эдик”. Яна бошқаси шундай дерди: “Биз ростдан ҳам бомба хужумидан

хурсанд бўлган эдик... Биз барча хўрланишлардан кейин, уларга жавоб қайтара олмаган олмонларнинг ўлишини кўришни жуда хоҳлар эдик, шунда тинчроқ ухлардик”.

Бомбалар комбинат худудида ва унинг атрофида тутун чикиб ётган воронкаларни қолдиридилар. Кўплари ҳеч қандай зарар келтирмади, бироқ синтетик мойлар ва алюминий ишлаб чиқарадиган завод биноларининг бир кисми, шунингдек, кўп сонли омборлар, устахоналар ва маъмурий курилмалар яксон қилинганди. Бир неча тасодифий бомбалар комбинат атрофидаги лагерларга, шу жумладан, Моновицга тушганди. Натижада 75 нафар маҳбус ҳалок бўлди, 150 дан ортиқ киши яраланди.

Кўпчилик яхудий маҳбуслар эсэчиларнинг қўркувларини кузатиб, хузурланишарди, лекин бошқалар ўзгача фикр билдиришди. Моновицга февраль ойида келтирилган ёш итальян йигит Примо Леви бомба хужуми эсэчиларни янада бешафқат килиб, Буно комбинатидаги герман эркин ёлланганлар билан бирлашишга мажбур қиласди, деб ҳисобларди. Бундан ташқари, хужумдан лагерга озиқ-овқат ва сув етказиш йўллари шикастланди.

Қаршилик иштирокчиларининг ҳафсаласи пир бўлди. Бомбардирчиларнинг пайдо бўлиши иттифоқчилар самолётларидан аскар-парашютчилар билан қурол ташлашлари мумкин, деган миш-мishлар чиқишига сабаб бўлди. Лекин, Америка ҳарбий-ҳаво кучлари яна лагерь узра баландликда учеб ўтсалар ҳам, на парашютчилар, на бомбалар тушди; улар И.Г. Фарбен худуди ва Освенцим мажмuinи батафсил сувратга туширганча, текширув ишларини олиб боришарди.

Қаршиликнинг анча кўпроқ иштирокчиларини Шарқдан ҳужум қилиб келаётган Қизил Армия кўпроқ ташвишлантиради. Барча фикрлар ва гап-сўзлар фақат шу ҳақда

бўларди. У яқинлашганда маҳбусларни озод этишларидан аввал улардан кутулиш учун СС бутун лагерни оммавий тарзда йўқота бошлишдан кўркишга уларда барча асослар бор эди. Майданекда айнан шундай қилинганди.

Қочишга уринишлар давом этарди. Октябрь ойида тўрт нафар маҳбус худудда ишләётганда, соқчига ҳужум қилиб, унинг миљтиини тортиб олиб синдириши, кейин эса қочиб кетишиди. Яна биттаси эсэсчининг ўғирланган униформасини кийиб олиб, лагерь дарвозасидан чикиб кетди. Нацистлар уни ушлаб олишидан олдин у Венагача стиб олишга муваффак бўлди – у гестапо билан отишмада ҳалок бўлди.

Бундай ходисалар илҳомлантиради. Бирок яхудийлар Каршилиги, жумладан, Фриц ҳам каттарофига интиларди – энди поляклар билан муносабатлар мураккаблашган чоғда, партизанлар билан алоқага чиқиш имкони йўқ эди. Бунинг ўрнига, улар Қизил армия билан алоқа ўрнатишга уриниб кўришга қарор қилишиди, бунинг учун эса, Моновицда алоҳида бўлинмада ушлаб турилган рус ҳарбий асиirlари билан танишиб олиш талаб этиларди. Улар билан Қаршилик аъзоларига таниш рус яхудийлари орқали алоқа ўрнатишга уриндилар. Бу осон эмасди, чунки ҳарбий асиirlар орасида ашаддий коммунистлар ёки яхудийлар йўқ эди – уларни ушлаб олишлари билан дарҳол отиб ташлашарди; шу боис кураш учун умумий замин йўқ эди. Шундай бўлса-да, Фриц билан қолганлар уринишларни тўхтатишмасди. Нихоят “янги оқсуяклар”дан бири руслар гурухи билан бирга қочишга муваффак бўлди. Ҳамма хавотирланганча, кейин нима бўлишини кутарди. Лекин ҳеч нима содир бўлмади ва улар енгил нафас олишиди: афтидан, кочоқларни ушлай олишмаган.

Қаршилик ҳаракатида, гарчи жуда нимжон бўлса ҳам, умид пайдо бўлганди. Фриц йиғилишларда ўтириб, сабрсизликдан

азобланарди. Унинг барча фикру хаёли Қаршилик тўғрисида бўларди, қачон финал жанг бошланади; руслар ёрдамига умидвор бўлиш bemаяни ва ўзини оқламайдигандек туюларди. “Агар ўлдира бошласалар, жилла курса, иложи борича, ўзи билан кўпроқ эсэсчиларни олиб кетиш керак”, – дея ўйларди у. Фриц ушбу фикрларни миясида яна ва яна айлантирап, бирок уларни амалга ошириш режасини ҳозирча сир тутарди.

* * *

Сентябрь ойида америкалик бомба ташловчилар қайтиб келди, бу сафар Бунада мой ишлаб чиқариш заводига хужум қилишди. Айримлар ўз курсларидан адашиб, Освенцим I га бомбалар ташлашди, баҳтларига, зарбалар СС казармалари устига тушди; яна бири тикув устахонасига тушиб кирқ нафар маҳбус жонини олиб кетди. Бир нечта бомбалар Биркенауга тушиб, крематорийлар олдидаги темирйўл тармоғига шикаст етказиб, ўттизга якин эркин ёлланганларни ўлдирди. Мой заводи деярли шикастланмади, лекин бомбадан саклаш жойига боришдан маҳрум уч юзга якин маҳбус яраланди.

Айримлар бундай таваккалга хурсанд бўлиб боришарди. Газ камералари учун танлов энди ҳар ҳафтада ўтказилар ва баъзан Моновицдан бирйўла икки минг кишини олиб кетишарди. Америка бомба хужумлари тез орада озодлик келтирадигандек туюларди. Эҳтимол, энди озгина қолгандир? “Янги қишиянилашмокда – биз учун у олтинчиси”, – деб ёзарди Густав биринчи аёзлар бошланганида. “Лекин биз аввалгидек шу ердамиз ва аввалгидек ҳаммамиз ўшалармиз”.

Озодликдаги янгиликлар русларнинг Краков остида тўхтаганлари ҳакида хабар берарди. “Бизнинг лагерларда бўлишимиз якин орада ниҳоясига етади, деб хисоблашда давом этаман”. Бироқ яна қанча кутиш мумкин?

* * *

— Менга тўппонга топиб келишингни хохлайман.

Фредль Воехер қотиб қолди. Улар энди Фриц билан кун давомида тез-тез кўришиб қолишарди. Одатда, Воехер ўртоғига озиқ-овқатлар ёки баъзан Венада бўлганида, хатлар ва жўнатмалар етказиб туради.

— Нимани топиб бераман?

— Тўппонча. Мен учун шуни кила оласанми?

Воехер саросимага тусиб қолди, бироқ нима учун деб сўрамади: у билишни истамасди.

— Ўйлаб кўриш керак, — деб жавоб берди у, ички қаршилигини енгиб ўтаркан. — Бу хатарли.

— Сен менга шунча нарса олиб келдинг-ку, ахир, — деди Фриц. — Бу аввалгилардан кўра хатарлироқ эмас.

У Воехерни ишонтира олмади. Мукофотларга эга олмон аскари яширинча яхудий-маҳбусни курол билан таъминлайдими? Бу шунчаки хатарли эмас, аклсиз иш эди.

Дўстининг қаршилик билдиришига қарамасдан, Фриц ўзиникини маъкулларди. Агар Освенцимда якуний жанг бошланса — ҳаммаси эса шунга бораётганга ўхшайди, — у, ҳеч бўлмаганда, ўзи ва отасини химоя килиш имконига эга бўлиши керак. Агар уларда етарлича тўппончалар бўлса, у ҳолда улар, ҳойнаҳой, бутун Қаршилик аъзоларини ҳам куроллантира оладилар.

Бир неча кун ўтгач, улар комбинатдаги хилват бурчакда яна учрашдилар. Воехер курсанд эди.

— Уни топдингми? — қизишиб хитоб қилди Фриц.

— Йўқ, менда яхшироқ ғоя бор. Биз биргаликда, сен билан мен қочишимиз керак.

Фрицнинг руҳи тушиб кетди, лекин у эътиroz билдиришга улгурмасидан, Воехер ўз режасини шошилиб баён этди. У ҳаммасини ўйлаб қўйганди. Лагерь худудидан ташқарига чиққач, улар жануби-ғарбга, Австрия Тироль тоғларига қараб боришади. Бавариялик Воехер у жойларни яхши билар ва маҳаллий фермерлардан биронтасининг уйида уларга ишончли жой топишига амин эди. Тироль тўғри икки иттифокчи фронт оралигига жойлашганди: америкалик ва британиялик қўшинлар Шимолий Италиядан, Поттоннинг учинчи армияси эса, ғарбдан Рейн томонга ҳаракатланарди. Жуда тез орада улар Тиролда учрашишлари керак эди, шунда Фриц билан Фредль озод бўлишарди.

— Бу шу ерда колиб, тирик қолишни умид қилиб кутишдан кўра анча яхшироқ, — дерди Воехер.

У Шарқий фронтдаги ҳарбий даҳшатларни ҳали унумтмаган ва Қизил армия шафқатсизликда СС дан сира қолишмаслигини биларди.

Фрицга ўртоғининг қатъий ишончи таъсир килди, аммо маҳбус бош чайқади.

- Бу ҳатто муҳокама ҳам килинмайди.
- Нима учун?
- Отамни ёлғиз қолдириб кетолмайман.
- Унда биз билан бирга олиб кетайлик.
- У шунча йўлни пиёда юриб ўтиш учун анча қариб қолди.

Аслида Фриц бунга умуман ишонмасди. Бинобарин, ҳатто отасида қочиши учун етарлича кучи бўлганида ҳам, у барибир

кочиб кетишга карор қилолмасди: лагерда ҳаддан зиёд кўп одамлар унга боғланиб қолишган. Ва Густав ҳам уларга ҳеч қачон хиёнат қилмасди. Яна бир тўсик мавжуд эди: агар Фриц отасини қолдириб, кочиб кетса, унинг зиммасига назоратчи сифатида жавобгарлик юкланаарди.

— Бунинг имкони йўқ, — такрорлади Фриц. — Лекин менга тўппонча керак. Менга уни топиб берасанми?

Олмон ниҳоят мағлуб бўлди.

— Пул топиш керак, — деди у. — Рейхсмаркалар эмас – Америка доллари ёки швейцария франклари керак.

* * *

Фриц биринчи бўлиб пул сўраб мурожаат қилган одам “Канада” омборларида ишлайдиган Густль Таубер бўлди. Бу кўрқинчли ердаги токчалар қаторини пальто ва плашчлар, шимлар, свитер ва кўйлаклар уюмлари эгаллаганди, ботинкалар, яна бошқа кўп нарсалар аралаш-куралаш бўлиб, Густав ва Франц, Шломо ва Пауль, Фрида, Эммануэль, Отто, Хаим, Хелен, Мими, Карл, Курт сингари турли исмлар, Раухмат, Кляйн, Ребсток, Аскиев, Розенберг, Абрахам, Херцог, Энгель фамилиялари ва қайта-қайта Истроил ёки Сара деб ёзилган жомадонлар қалашиб ётарди.

Айримлари устида Вена, Гамбург, Берлиндаги манзиллар ёки шунчаки рақам, баъзиларида туғилган саналар ёзилганди. Илгаклар ва жавонлар орасидаги йўлаклар уларнинг тер ва атири, нафталин ҳамда тери, моғор ислари билан тўлганди.

Густль Таубер эски буhenвальдлик бўлиб, Фрицнинг отаси қатори ўшда эди; у Силезиядан келган яхудий, Германия империяси гуллаб-яшнаган кунларда туғилган эди. У Фрицга

сира ёқмасди; Таубер ўз ватандош маҳбуслари билан ҳеч қандай бирдамлик ҳисларини туймайдиган ва улар учун сира ҳам ўзини хатарга қўймайдиган кам сонли одамлардан бири эди. Бироқ бу ишда у Фрицга фойдали бўлиши мумкин эди. Фриц аввал ҳам Густль билан ишга оид муносабатларда бўлган, Траубер маҳбуснинг бонус купонларини айирбошлаб, уларни арокқа ва (“янги оксуяк” сифатида) фоҳишахонага бориш учун ишлатганди. Фриц кийимларда кўлинча пул топилишини ва Таубер кўзига кўринган ҳамма нарсани ўзлаштириб олишини биларди. Балки у бирон нималарни қайгадир яширгандир? Чол бош чайқади. Фриц сўрайверди, бироқ Таубер сира кўнмади; у Фрицнинг Қаршилик билан боғланганлигини билар ва ўзининг имтиёзли лавозимини хатарга қўйиб, таваккал қилишни хоҳламасди. Фриц ундан нафратланиб кетди; Таубер фоҳишахонага бориши ёки бир шиша ароқ учун ҳар қандай хатарли таваккалчиликка киришаверарди.

Буюм омборидан Фриц бош ювениш хонасига йўл олди. Янги келганларни у ерга дезинфекция қилиш ва соч қиришга юборилар, “канада”лик титкиловчи гурухдан яшириб қолишга муваффақ бўлинган пул ва қимматбаҳо нарсалар душга тушганда тортиб олинарди. Душхона бўйича бошлиқ яна бир эски бухенвальдлик Берлиндан келган Давид Плауг Траубердан фарқли тарзда ишончли дўст эди. Гарчи ювениш хонасида тортиб олинган қимматбаҳо буюмларни лагерь назоратчиси Эмиль Воргулга топшириш керак бўлса ҳам, Плаут уларнинг бир қисмини ўзи учун яшириб қўйган бўлиши мумкин, деб гумон қиласди Фриц. У унга Воргулни сотиб олиш учун ароққа пул кераклигини, эски ўртоқларидан бирини енгилроқ ишга ўтказиш учун ваъда қилганини айтиб қармоқ ташлади. Айёллик иш берди. Плаут ўз маҳфий жойига бориб унча катта бўлмаган америка доллари ўрами билан қайтди.

Эртасига Фриц Фредль Вокхер билан учрашиб, унга пулни берди. Бир неча хавотирили кутиш кунлари ўтди. Бир куни эрталаб Вокхер қувонч ва кўркув аралашган ифода билан учрашувга келди. У шинели остидан ҳарбий “Люгер” тўппончасини чиқарди. Вокхер уни қаердан олганини айтмади, бирок Фриц тўппончани ҳаво ҳужумига қарши Люфтваффе батареясидаги дўстларидан бири соттанига ақли етди. У Фрицга уни қандай ишлатиш кераклигини кўрсатиб, тушунтириб берди. Тўппончага бир нечта ўқдонлар кўшиб берилганди. Фриц уни ҳаяжон ва ҳайрат билан ушлаб кўрди.

Энди қуролни лагерга қандай олиб кириш янги муаммоси пайдо бўлди. Егуликларни яширинча олиб ўтиш – бир иш, аммо ўқотар қурол бошқа оқибатларни келтириб чиқаарди. Фриц “Люгер”ни оёғига боғлаб, ўкларни киссаларига жойлаштириди. Ўша оқшом у лагерга базўр нафас олганча кирди. Фриц йўқламадан кейин тўппа-тўғри госпитальга бориб Стефан Хейманни излаб топди. Уни ўзининг изидан келишга ундан, дўстини бир уюм ифлос чойшаблар ортига олиб ўтди ва “люгер”ни кўрсатди.

Стефан даҳшатга тушди:

– Сен, нима, ақлдан оздингми? Ҳозироқ ундан халос бўл! Агар сени бу билан ушлаб олсалар, шунчаки халок бўлиб кетмайсан – бутун бизнинг операциямизни хатарга кўясан!

Фриц хафа бўлиб кетди.

– Мени ўзинг шундай қилдинг, – жавоб берди у ўзини ҳақоратлангандек сезиб. – Сен доимо ўз ҳаётинг учун курашиш керак, деб ўргатгансан.

Стефан бу гапга жавоб топиб беролмади. Кейинги бир неча кун улар жуда кўп гаплашишди; Фриц ўз фикр-ўйларини

тушунтириб берди – якин орада қақшатқич жанг бўлиши мумкинлиги, руслар ўз шафқатсизликлари билан шухрат қозонгани, СС маҳбусларини йўқ кила бошлашларини айтиб, секин-аста Стефанни ишонтиришга уринди.

— Агар пул топсанқ, яна курол келтириб, ғамлаб кўйишимиз мумкинлигига ишончим комил, – деди у.

Стефан ҳаммасини яхшилаб ўлади.

— Майли, – дея рози бўлди у ниҳоят. – Кўлимдан келган ишни қиласман, фақат буни яхшилаб ташкіл қилиш керак. Сен эса, бошқа якка ўзинг ишламаслигинг керак.

У икки юз доллар топишга муваффак бўлди ва Фриц уни Фредль Воехерга олиб бориб берди. Яна кутиш даври келди. Кейин эса Воехер Фрицни комбинатнинг хилват бурчагига етаклаб унга яшириб қўйилган куролларни кўрсатди: яна бир “люгер” билан иккита тўппонча-пулемёт MP-40 – бу модель олмон аскарлари томонидан кенг кўлланиларди. Ҳар учала куролнинг бир нечтадан ўқлари ҳам бор эди.

Уларни лагерь ичига олиб кириш мураккаб масала бўлди. Фриц ҳаммасини яхшилаб режалаштириб қўйди; бир неча марта боришга тўғри келиши аён эди. Маҳбусларга шўрва олиб келинадиган баҳайбат канистралардан бирини кўлга киритиб, унга иккинчи таглик ясади ва ўқларни ўша ерга жойлади. Люгерни яна оёғига боғлади, бироқ тўппонча-пулемётларни бундай боғлашнинг иложи бўлмади. Воехердан уларни қандай ишлатишни ўрганиб олгач, биттасини қисмларга бўлди ва камзули остидан белига боғлаб олди.

Қиши келиб, тунлар узайган, шу боис смена тугаганида коронги бўлар ва соқчилардан биронтаси Фрицнинг одатдагидан кўра йирикроқ қўринишига аҳамият бермаса керак. Шундай

бўлса-да, унинг томирлари ости титрар ва йўклама вактида узок муддат қўшимча юк билан типпа-тик туриш ҳам осон эмас эди.

Йўклама тугаши билан Фриц госпиталь кирхонаси томон тез-тез юриб кетди. У ерда уни Юл Мейхнер кутарди. Фриц эгнидаги йўл-йўл пойжомасини дарҳол ечиб, тўппонча-пулемёт кисмларини жойига қўйгач, куролни яшириб қўйиши учун Юлга берди. Хавфсизлик нуктаи назаридан каерга яширишларини айтишмади – ахир инсон ҳатто кийноқ остида ҳам, ўзи билмайдиган сирни ошкор эта олмайди-ку. Кейинги бир неча кун давомида ҳар уччала курол-ўқлар лагерга келтирилмагунига қадар, у шундай хатарли операцияни такрорлади. Фриц ўзидан мамнун эди: “Люгер”ни олиб кирди, Стефанни қайта ишонтира олди, унинг кўмагига таянди. Унинг ёрдамисиз Қаршилик эплолмаган бўларди. Энди мабодо бу ерда ҳам Майданекдаги ахвол такрорлана бошласа, улар ўзлари билан анчагина СС аскарларини олиб кета олишади.

* * *

Декабрь ойида Густавнинг тикув цехи қоронғилаштирадиган пардалар билан параллел равишда плашчлар тикишни давом эттиради. Қаршилик ҳаракатида тўғридан-тўғри иштирок этмаган Густав ўғли қандай хавфли ишга аралашиб қолганидан буткул бехабар эди. У Вөхер яна Венага жўнаб кетадиган Рождествонои сабрсизлик билан кутарди. Бир куни душанбада, цех одатий тартибда ишлаб, тикув машиналари бир маромда тариллаётганида, тўсатдан ҳаво тревогаси сиренаси шовқини эшитилиб қолди. Бир сония ичидаги эшиклар тарақлади, қадамлар товушлари, бақирик-чақириклар янгради: Эсесчилар билан эркин ёлланганлар бомбадан яширинадиган жойларга югуришарди. Густавнинг қўлида ишлайдиганлар бошлиқка қараб туришарди. У ўзларига

хавфсизрок бўлиб кўринган жойларга бориб яширинишларига ижозат берди. Густавнинг ўзи жойида қолди. мабодо бомба якинрокка тушса, яширинган жой ҳам ёрдам бермасди.

Кўркув ичра сўнгги одим товушлари узокрокқа кетиб, пасайиб қолга, бомба ташловчи самолётлар шовқини билан ҳаво хужумига қарши тўплар гумбурлаши тобора кучли наъра торта бошлади. Кейин дастлабки бомбалар портлашидан ер ларзага келди. Густав ерга ётиб олди; у кўркмасди – у кўп ойларни окопларда бомбалар хужуми остида ўтказган ва улар ё тугаши ёки уни асфаласофилинга жўнатгунига қадар ўтириб, кутишга ўрганганди. Вахимага тушиш бефойда ва хатарли эди. У факат коронғилаштирувчи пардаларни осиш учун қайгадир кетган Фрицдан хавотир оларди. Густав ўғли иморатлардан бирортаси ортида ўзи учун хилват жой топиб яширинганини биларди. Бомба хужумчилари сунъий мойлар заводини яна мўлжалга олиб, афтидан, бутунлай бошқа жойларга тушаётганга ўхшарди; портлашлар гоҳ узокда, гоҳ кўркитадиган даражада якинда янгарди. Тўсатдан Густав тагидаги пол жуда кучли портлаш тўлқинидан силкиниб кетди. Деразалар ойналари синиб, терилган тошлар тўкилди. Густав қўллари билан бошини беркитиб, ўтириб олди. Ернинг зириллаши аста-секин тўхтади, ҳаво қалин чангга бурканди, кейин Густавга узокдан сукунатни бузган қичқириқ ва фарёдлар, узоклашаётган самолётлар шовқини эшитила бошлади. Тревога тугади.

Густав ўрнидан туриб, вайрон бўлган устахонага кўз югуртириди: тикув машиналари сочилиб ётар, ерда курсилар бетартиб ағдарилган, ҳар ерни чанг билан синган ойна парчалари қоплаганди. У билан хонада қолган эркак ва аёллар ҳам ўрниларидан туриб, йўталишар, ҳамда кўзларини артишарди.

Улардан ҳеч ким яраланмаганига ишонч ҳосил қилгач, Густав Фрицни излашга тушди. У кўчага олов ва тутунга чиқди.

Бир неча қурилмалар вайрон бўлган, маҳбуслар мурдалари ерда ва бузилган вайроналарда ётарди. Ярадорларга уларнинг ўртоклари ёрдам беришарди.

Фриц ҳеч қаерда кўринмасди. Густав тутун орасидан ўтиб, ўғлининг яширган жойига йўналганча, олдинга қараб шошилди. Бурчакдан бурилгач, у ердаги девор ўрнида бир уюм чиқинди ҳамда эгилиб ётган метални кўрди. Густав хайратланганича ундан кўз уза олмай қолганди. Кейин ортига ўгирилмай, кулфатдан кўзи кўрмай қолиб, орқага тисарила бошлади. Унинг Фрицли – отасининг фахри ва кувончи, унинг жонажон, меҳрибон, садоқатли ўғли ҳалок бўлди.

Эсэсчилар ва эркин ёлланганлар бомбадан яширган жойлардан чиқиб келишарди. Улардан ҳеч бири ўз жойида колмаганди. Густав соқчилар тартибни тиклашга қандай уринишаётганини кузатганча, бир лаҳза туриб қолди. У энди кайрилиб, кетишга чоғланаётганида, тутун орасидан ўзи томон юриб келаётган йўл-йўл пойжомадаги икки шарпа кўринди; улардан бирининг кўлида асбоблар солинган катта кути бўлиб, у таниш юриши билан харакатланарди. Густав кўзларига ишонмасди. У олдинга югуриб бориб, Фрицни маҳкам бағрига босди.

— Ўғлим, менинг Фрицлим, тирикмисан, – дея ҳиқиллаб, йигитчанинг ҳайратланган юzlаридан ўпиб ва уни қучоқлаганча қайта-қайта такрорларди: ҳайрият, тирик экансан! Болагинам! Ахир, бу мўъжиза!

Густав Фрицнинг қўлидан ушлаб, унинг тутун бурқсаётган, вайрон бўлган яширинадиган ерига етаклади.

— Бу мўъжиза! – такрорлашда давом этарди у. Шунча вақт уларнинг омон қолишига ёрдам берган отасининг омадга ишончи яна ўзини оқлаганди.

* * *

Буна комбинатига кейинги ҳаво ҳужуми 26 декабрь, Совғалар кунида содир бўлди. Америкаликлар комбинатни ўзларининг биринчи навбатдаги мўлжали қилиб олишди ва уни ер юзидан буткул йўқотишга аҳд қилишди. Бироқ ҳар сафар улар атиги бир жуфт корпусни йўқ қилиб, бир неча нацистга тегиниш ва юзларча маҳбусларни ўлдириш ёки яралаш, озгина унумдорликни пасайтиришни уддалардилар, холос. Асиirlарни синганларни йигиштиришга, биноларни тузатиш ва тиклашга мажбур қилишарди. Улар ишларнинг бир қисмини атайлаб ташлаб қўйиб, иложи борича секин, имиллаб ишлашардики, шу туфайли улар билан америкаликларнинг биргаликдаги харакатлари билан Буна комбинати ҳеч қачон ҳеч қандай резина чиқармади, унинг қолган ишлиб чиқаришлари тўла кувватга кирмадилар ҳам.

1945 йил 2 январда Фредль Воехер Венадан Олли Стейскада ва Карл Новачекдан мактублар билан жўнатмалар олиб қайтди. “Уйда ҳали меҳрибон дўстларимиз борлигидан жуда хурсанд эдик”, – деб ёзганди Густав ўз кундалигида.

Бу вакт ичida Фредль Воехер уларга меҳрибон дўст бўлиб қолди. у ўз садоқатини сон-саноқсиз марта турли йўллар билан тасдиқларди. Қизил армия энди Краков якинида турар ва Фриц руслар Освенциумга келмаслари ва у ерда нималар содир бўлаётганини билмасларидан бурун уни бу ердан кетиб, яширинишга ундарди.

Воехер бунга ҳеч қандай эҳтиёж кўрмасди.

– Менинг виждоним тоза, – дерди у. – Ҳатто ундан-да тозароқ. Мен шунчаки фуқаро шахс бўлсанм, ишчиман; мен билан ҳеч нима содир бўлмайди.

Фриц бунга ишонмасди. У Воехерга русларнинг барча олмонларга нисбатан нафрати борлигини эслатарди. Воехер

фронтда хизмат қилғандан кейин буни ўзи ҳам яхши биларди. Бундан ташқари, Освенцимда минглаб рус маҳбуслари бор бўлиб, улар имкон бўлиши биланоқ интиқом олишга тайёр эдилар. Агар қасос олиш тўлқини лагерни босса, у ўзини куткаролмайди. Бироқ Фредль ўз фикрида катъий турарди – у аввал ҳеч қачон кочиб кутилмаган ва ҳозир ҳам бундай қилмоқчи эмасди.

Фрицга бугунми-эртами, ҳаммаси тугаши аён эди. Улар мана икки ойдан буён тайёргарлик кўришарди; у туфайли Қаршиликда энди қурол бор эди. Шу билан баробар Фриц отаси билан ўзининг қочиш ғамини еб, шахсий чораларини ҳам кўриб қўйди. Тирольга қочиш фикридан қайтиб, у қуролли қўзғолон ҳам вариант эмаслигига рози бўлишга мажбур эди. Фрицнинг ташаббусига кўра, улар соchlари меъёрий узунликкача ўсиши учун бир неча ҳафтадан бери бошларини қирдиришдан ўзларини обқочиб юришди. Йўкламалар – маҳбуслар СС қархисида шапкаларини ечадиган ягона тадбир бўлиб, – қишки ойларда доимо қоронғида ўтарди. Фриц душхонадаги Давид Плауддан фуқаролар кийимини топиб келиб, уни лагерь худудидаги устахонада яшириб қўйди. У ердаги шимлар ва пиджаклар отаси билан унга ва бир неча яқин дўстларига етарди.

12 январда Қизил армия Польшада узок кутилган хужумни бошлади. Бу уч армиянинг икки ярим миллион одам иштирокидаги жуда катта хужуми Фатерлянд ерларига ҳайдаши керак эди. Вермахт билан Ваффен СС аскарлари сони тўрт баробар кам эди. Афсуски, Краков яқинида фронт чизиги бошқа жойларга нисбатан секинроқ силжирди. Освенцимдаги асирлар ҳар куни узокдаги рус тўплари гумбурлашини эшитардилар ва бу уларга озод этилишларигача бўлган вақтни ўлчайдиган соат чиқиллаши бўлиб туюларди.

14 январда Альфред Воехер Густав ва Фриц билан охирги марта хайрлашди. Уни Фольксштурмга чақиртиришганди, у ерда

Рейхни охиригача ҳимоя килиш учун чоллар, ёш ўсмирлар ва ногиронлар – ветеранлардан шоша-пиша тузилган халқ ҳимоячилари сафида хизмат килишлари керак эди. Руслар билан Освенцимда кўришиш унга насиб этмади. Вөхер бу сўнгги бурчини Фатерляндга бахш этаётганидан хурсанд эди. Нацистлар жиноятларига у қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, бу барибир Германия, унинг ватани эди. У ерда аёллар ва болалар қолганди, агар уларга имкон берилса, руслар шафқатсизларча парчалаб ташлашлари мумкин.

Киши чилласи авжига чиқиб, об-ҳаво ёмонлашди. Ер юзасини қалин қор қоплаганди. 15 январь душанбада эса, Вөхер жўнаб кетган куннинг эртасига бутун лагерь қалин туман ичра уйғонди. Моновиц маҳбусларини майдонда то туман тарқалмагунига қадар СС сокчилари уларни иш жойларига хавфсиз кўриклаб боришлари учун бир неча соат тутиб туришди.

Комбинатда иш тўлиқ маромда давом этарди. Ўтган тунда комбинат узра Америка самолёти учиб ўтиб, парашютларда ёритувчи патронлар ташлаб, фотосувратлар олди. Бунгача бир сутка аввал ўтказилган съёмка мажмуя ичидага яқин бомбалар воронкалари ва 44 та вайрон бўлган биноларни аниқлаганди, бироқ тунги сувратларда тикланиш ишлари жадал бораётгани ва синтетик мойлар заводи – ҳаммасидан муҳимиға – ҳеч қандай зарап етказилмагани кўриниб турарди.

Чоршанба куни маҳбусларни йўқламада яна ушлаб турдилар. Улар майдонда тушгача тик туришди ва тушдан кейингина комбинатга боришди. Бироқ икки ярим соатдан кейин уларни яна лагерга қайтаришди.

Эсэсчилар тобора кўпроқ асабийлашардилар. Ҳар куни артиллерия гумбурлашлари янада яқинроқда эшитиларди.

17 январь кечкурун у яна сезиларли тарзда яқинлашди ва Освенцим коменданти майор Рихард Байер ниҳоят лагерь эвакуациясини бошлиш учун буйруқ берди. У ногиронларни

қолдиради; қаршилик кўрсатган, жўнашни чўзган ва қочишга уринганларни жойида отиб ташлашга буйруқ берди. Освенцим I даги Қаршилик етакчиси Краковдаги ўз партизан алоқачисини огоҳлантириди: “Эвакуация бошланяпти. Тартибсизлик. Маст эсесчилар ваҳимада”.

Ўша оқшом Моновицдаги маҳбуслар госпитали bemорларини шифокорлар кўриқдан ўтказиши: юра оладиганларни касалхона рўйхатидан ўчириб, ўз баракларига жўнатиши: қолганларни – саккиз юз одамни – ихтиёрий тиббий ходимлари кузатувига қолдириши.

18 январь, пайшанба куни саккиз минг Моновиц маҳбуси қаҳратон совуқда кун бўйи майдонда туриши. Фриц билан Густав ўз пойжомалари остидан фуқаролик кийимларини кийиб олиб, биринчи имкондаёқ қочишга тайёр эдилар. Бундан ташқари, мана шу қўшимча қатлам туфайли ўртоқларига нисбатан совуққа бардош бериш сал енгилроқ эди. Кеч тушши.

Соат тўрт яримда СС соқчилари асиirlарни колоннага сафлантира бошлаши. Оёқлари совуқдан акашак бўлган ва эгилмаётган бўғимлар билан улар худди армиядаги каби аввал юз кишилик рота, кейин минг кишилик батальон ва ниҳоят, ҳар бирида уч минг киши бўлган учта катта бирлашмага сафланиши. Бирлашмаларни СС зобитлари, блок-фюрерлар ва соқчилар бошқаришарди. Улар ҳаммаси милтиклар, тўппончалар ёки тўппонча-автоматлар билан куролланиб, отишга тайёр ҳолда тутиб туришарди. Фриц госпиталь кирхонасининг аллақаерига яшириб кўйилган ўзининг қуроли ҳақида афсусланиб ўйларди. Энди унга ҳеч етиб бориб бўлмасди.

Маҳбусларни майдонда ёмонлиги билан шухрат қозонган сержант Отто Моллинг изғиб юргани жуда қаттиқ безовта қиласарди. У Моновиц соқчилар батальонига кирмас – Молл Биркенаудаги газ камераларида ишларди, – лекин барибир шу ерда, колонналар оралаб айланиб юарди. Маҳбусларга йўлда

ейдиган улушлар тарқатилаётганда, унинг бакир-чақири, сўкишлари эшитиларди. Бақ-бақалоқ, пакана, буқаники сингари бўйни ва калласи энига ҳам, бўйига ҳам теппа-тeng бу конхўр жаллод қўли мингларча одамлар қонига бўялганди. Молл ҳозирги вазиятда ҳаммада титроқ уйғотарди. У Густавнинг ёнида тўхтаб, унинг ташки кўринишида нимадир эътиборини тортдими, бошдан оёғигача назар ташлаб чиққач, қулочкашлаб икки юзига тарсаки тортиб юборди. Густав бир қалқиб кетди, бироқ йикилмай, ўзини аранг ушлаб қолди. Молл чурқ этмай, нари кетди.

Ниҳоят, буйруқ олинди ва колонналар ҳаракатга келди. Кун бўйи тик оёқда туриб азобланган маҳбуслар беш кишилик қаторда майдон бўйлаб қадам ташлаб юриб, чапга бурилдилар. Улар бараклар, ошхоналар, лагерь оркестри яшаган кичкина бўшаган уй ёнидан ўтиб, очик дарвозадан охирги марта чиқишарди.

Улар икки йил уй бўлиб хизмат қилган жойни ташлаб кетишарди. Густав билан Фриц каби ветеранлар, айниқса, Фриц уни дала ўртасида куришга ёрдам бергандилар; қанча дўстларининг қони мана шу курилишда тўкилди ва ўшандан буён у ерда даҳшат ва террор ҳукм сурганди. Нима бўлганда ҳам, улар учун бу уй эди, чунки инсон худди жониворлар каби, овқат еган, ухлаган ва яшаган жойига маҳкам ёпишаркан. Маҳбуслар уни ёмон кўришса-да, шу ерда жуда кўп дўст орттиришган ва ҳар бир тош уларга таниш эди.

Уларни қаерга олиб кетишаётганлари эса, номаълум эди. Руслардан узокроққа бўлса керак. Моновиц лагерининг барча бўлинмалари ҳаракатга келишди – ўттиз беш мингдан ортиқ эркак ва аёллар қор босган йўллар орқали Farbga – Освенцим номли шаҳардан нарига юриб боришарди.

Тўртингчи қисм

ОМОН ҚОЛИШ

ЎЛИМ ПОЕЗДИ

Фриц отаси пинжига суқулганча, бутун танаси қалтираб, ерда ўтиради. Улар атрофида дўстлари ҳам шундай ўтиришарди. Эрта тонг, совукқа чидаб бўлмасди. Уларнинг на бошпанаси, на егулиги, на олови йўқ: факат ўзлари бор эди. Одамлар чарчоқдан ва чидаб бўлмас шароитдан ўлар ҳолга келишганди. Мазкур қиска тин олиш тугаганида, кўпчилик ердан кўтарила олишмасди.

Моновицдан дастлабки бир неча километрда Фриц, Густав ва нисбатан соғлом маҳбуслар ҳали нимжонрок ўртоқларига ёрдамлашгандилар. Ҳамма ортда қолганларни эсэчилар милтиқ кўндоклари билан уриб, орқаларидан никташарди. Агар саф ўртасида кимдир йиқилса, қолганлар ярим хушсиз ахволда йиқилганларни босиб-янчиб, йўлда давом этишарди. Фриц дўстлари билан кўлдан келганча бошқаларга кўмаклашишди, бироқ ўртоқлик хиссиётлари чегарага келди. Колонна яқиндагина Освенцимдан чиқиб кетди, улар эса, ҳолдан тойдилар, шу боис нимжонлар такдир ҳукмига ҳавола этилиб, ташландилар. Улар колонна охирида қолганларни ўлдираётган отишма овозларини эшифтаслик учун, маҳбуслар камзулларига ўралиб олиб, қулоқларини кўллари билан тўсишарди.

Фриц билан Густав учун бу кўп йиллар илгари, уларни “Қонли йўл” бўйлаб Бухенвальдга ҳайдаган ўша даҳшатли юришнинг такрорланиши бўлиб туюларди. Бироқ бугунги ҳолат мислсиз, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ёмонроқ эди. Ота билан ўғил биргаликда юришга ҳаракат қилиб, бошларини куйи солишганча, қор ва муз устида, фикр-ўйлари ва қалблари

бўм-бўш, абгор ҳолда базўр одимлашарди. Фрицнинг ёнида блок-фюрер тўппонча-пулемётни отишга тайёр ҳолда тутиб борарди; Фриц ундан тараляётган даҳшатни туряди.

Густав чамалашига кўра, тонг сахарда қандайдир шаҳарча чеккасига чиқишигандарида, қирқ километрга яқин масофани босишиганди. Колоннага йўлдан бурилишни буоришида ва ташландиқ ғишт заводи ичига киришди. Сокчилар ҳам маҳбуслар каби дам олишга муҳтож эди. Ғишт уюмлари орасида унча-мунча кулайроқ жой топишга уринган маҳбуслар исиниб олиш учун гурӯхларга бўлинниб олишди. Ота-бала оёкларида туролмас даражада қаттиқ чарчаган бўлишларига қарамай, ухламадилар, чунки кимки ухлаб қолса, уйғона олмаслиги аниқ эди. Колоннанинг турли қисмидаги юриб бораётган шериклари билан гаплашгач, улар бир неча поляклар – ичидаги Фрицнинг уч дўсти ҳам бор эди – қочишига муваффак бўлишганини билишди.

— Биз ҳам қочишимиз керак, — деди Густав ўғлига. — Уриниб кўриш керак. Мен полякча сўзлаша оламан, йўлни осонгина топамиз. Партизанлар олдида яширинсак ҳам бўлади ёки умуман уйга қараб кетамиз.

Барча тадориклар кўрилгани, соқчиларга қаршилик кўрсатишга уринишларга қарамасдан, бу фикрдан Фрицнинг юраги шув этиб кетди. Бироқ жиддий муаммо бор эди: у поляк тилини билмасди. Агар айрилиб қолсалар, у тамом бўларди.

— Германияга етиб боргунча кутиш керак, дада, — деди у.
— У ерда иккимиз ҳам тилни биламиз.

Отаси бош чайқади.

— Германияга ҳали жуда узок.

У силласи куриган ҳамрокларига разм солди.

— Ким билади, у ерга умуман етиб бора оларми坎миз? Ҳатто агар СС бизни тирик қолдирмокчи деб тахмин қылсак ҳам.

Уларнинг сухбатини сафланиш хақидаги буйруқ бўлиб кўйди. Бир амаллаб ўринларидан туришганида, ухлаб қолганлардан кўплари жойларида қолишганига гувоҳ бўлишиди. Аёз ўз ишини килиб, уларнинг таналари совукдан котиб қолган эди. Бошқалари ҳали тирик эдилар лекин туришга мажоли етмас, эсесчилар эса хона бўйлаб юрганча, уларни тепкилаб турғазишига ундар, туролмаганларни беаёв отиб ташлардилар.

Колонна йўлида давом этди. Ортида эса, босилган қор билан мурдалардан иборат даҳшатли из коларди. Освенцимда эса эвакуация давом этарди. Жуда нимжон, юришга ҳоли йўқ яхудийларни газ камералари атрофида тўпланиб қолган мурдалар уюмларини ёкишга мажбур қилишарди. Крематорийларни динамит билан портлатиб юборишиди, СС иш юритувчилар барча қоғозларни ёкишарди. Қароқчилар “Канада” омборларидағи ўғирланган нарсаларга ташланиб қолишиди, уларни ҳам далил сифатида ёкиб ташлашмоқчи эди. Лагерда содир этилган жиноятлар кўлами барча далилларни йўқ қилиш бўйича харакатлари босиб кетарди.

Ўша куни кечкурун колонна Гляйвица шаҳрига етиб борди, у ерда Освенцим тармоғига кирган бир нечта майда лагерлар жойлашганди. Моновицдан келган асиirlарни атиги минг кишига мўлжалланган бўшаган ҳудудга ҳайдаб киришиди. Бу ердаги маҳбуслар эвакуация қилингандилар. Уларга ҳеч қандай егулик беришмади, бироқ одамлар, жилла курса, бошлари узра том борлиги ва ниҳоят, ухлаб олиш имкони туғилганидан хурсанд бўлишиди.

Улар, то СС кейинги кўчишни ташкил килгунicha, Гляйвицада икки кечаю икки кундуз қолишиди. Освенцимдан

бутун йўлни пиёда босиб ўтишлари керак бўлган бебахтлардан фарқли равишда, Моновиц асиirlарини поездда олиб кетишмоқчи эди.

Уларни уйчалардан ҳайдаб чиқариб, юк станциясига олиб бориши, у ерда транспорт кутарди. Одатдаги ёпиқ юк вагонлари ўрнига бу тўртта состав очик вагонеткалардан иборат эди, унда одатда, кўмир билан шағал ташиларди. Одамларнинг ҳар бирига ярим буханка нон билан бир бўлак колбаса тарқатиши, кейин эса юклаш бошланди. Фриц билан Густав вагонда яна 130 нафар эркак билан кетишлари, унга борт орқали чиқиб, темир копланган полга сакрашлари керак эди.

Ҳар бир вагонда бортлар устидан чиқиб турган қоровулхона бор эди, унда милтиқ ёки тўппонча-автоматлар билан куролланган СС сокчилари ўтиришарди.

— Бошини бортдан юкорига чиқарган ҳар бир маҳбус огохлантирилмай отилсин! — дея буйруқ берди юклаш учун жавобгар бўлган блок-фюрер.

Поезд қалтираб кетди. Локоматив кувуридан чиқаётган буғ билан тутун аёзли ҳавода қуюқ туман бўлиб ёзиларди. Нихоят, поезд жойидан кўзғалиб, тўрт минг одамни олиб, йўлга тушди. Паровоз тезликни оширап, йигирма даражали совуқда музлаган шамол очик вагонларда тинимсиз еларди.

* * *

Густав у ёқдан бу ёққа вагон билан бирга чайқаларди. У тиззаларини кўксига босиб ўтирап, ич-ичига кириб кетаётган қаттиқ совуқдан муҳофаза қилишга уринганича, Фрицни бағрига босарди.

Гляйвицдан жўнаб кетишганидан кейин уларнинг поездидан колган учтасидан четга бурилиб, жанубга, анавилар эса ғарбга караб кетди. Эртасига эрталаб поезд тўхтаб, Чехословакия чегарасини кесиб ўтишдан аввал, Шарлоттенгрубе лагеридан яна бир неча юз маҳбусларни олди. Блок-фюрернинг огоҳлантиришга қарамасдан, Густав баъзида вагон бортидан караб, қанчалик йўл босишганини чамалар ва улар ўтиб бораётган шаҳарларга эътибор берарди. Поезд бошқа тўхтамади, лекин жуда имиллаб юради, Чехословакияни кесиб ўтиш учун икки туну бир кундуз керак бўлди.

Маҳбусларга уларни Маутхаузен концентрацион лагерига олиб кетишаётганини маълум қилишди. Бу ҳақдаги хабар австрияликларни ҳаяжон ва даҳшатга солди. Маутхаузен шафқатсиз тартиблари билан шуҳрат қозонган эди, бирок у Австрияда, Линц яқинидаги гўзал тепаликда жойлашган эди. Австрия! Густав билан Фриц ўтган беш йил ичидаги илк бор ўз туғилиб ўсан ерига боришаётган эди. Ва ўша ерда ўлишлари мутлақо аниқ.

Маутхаузенда улар Освенцимда курган қўллаб-куватлаш тизими бўлмайди, у ердаги тартиб эса, ниҳоятда каттиқ дейишади.

Демак, қочиш вақти келди. Густав то буларнинг барчасини калласида айлантиргунича, маҳбуслар орасида қандайdir ғимирлаш бошланди. Яна бир киши ўлибди; очлик, касаллик ва совукда котиш бирининг кетидан бошқасини ўлдиради. Ўлган кишининг ўртоғи мурданинг эгнидан камзули билан шимини ечди-да, озроқ исинишга харакат қилиб, ўз кийими устидан кийиб олди. Жасадни вагон бўйлаб узатиб, бурчакдаги ечинтирилган ва аёзда котиб қолган ўликлар билан бирга тўплаб кўйишиди.

Ўлимлар туфайли бошқа маҳбуслар учун ўтиришларига жой бўшарди. Густав ҳамроҳларининг ғамгин юзлари, кўз остида қорайган доиралар, устихонига ёпишган яноклар, осилиб қолган лунжларига назар солди. Айримлар ўз егулик улушидан саклаб қўйган бўлиб, йўлнинг тўртинчи кунида охирги ушоқларни ердилар. Густав билан Фрицнинг егулиги қолмаганди. Густав кучи қолмаётганини сезарди. У фақат бир нарса: қочиш ҳакида ўйларди.

— Яқинда қочишга тўғри келади, — дея секин шивирлади у ўғлига. Акс ҳолда, кейин жуда кеч бўлади.

Агар тунда борт орқали чиқишига уриниб кўрилса, соқчи уларни, ҳойнаҳой, сезмайди. Тез орада улар Австрияга етсалар, тил муаммо бўлмайди. Улар фуқаролар кийимида Венага етиб олишлари ва ўша ерда бошпана топишлари мумкин.

— Олли ёки Линиш бизга ғамхўрлик қилишади.
— Яхши, дада, — рози бўлди Фриц.

Ўша тунда улар соқчининг огоҳлигини текшириб кўришди: бир неча дўстлари ёрдамида вагон бурчагидаги жасадлардан бирини кўтариб, уни борт орқали ташқарига улоқтиришди. Жасад қоронғида кўздан ғойиб бўлди, улар қоровулхонадан бақириқ, отишма овозлари чиқишини кутишди, лекин ҳеч нима содир бўлмади. Бу ишни енгиллаштиради. Энди фақат Австрия чегарасини кесиб ўтишлари қолганди.

Эрталабга яқин поезд Австрия чегарасидан атиги бир неча километр беридаги Лунденбурггача етиб борди ва ўша ерда тўхтаб қолди. Соат кетидан соат ўтар, лекин поезд тўхтаб турарди. Улар эҳтиёткорлик билан борт ортидан мўралаб, бутун состав СС билан қуршаб олинганини кўришди. Фақат кечкурунга бориб, поезд жойидан кўзғалди ва Чехия худудидан Австрияга кириб келди. Фурсат етди. Кейинги ҳар бир километрда

вагондаги вазият тобора ёмонлашиб, ваҳшийлашиб борарди. Уларнинг айрим ҳамроҳлари очликдан шундай ахволга келдиларки, қўшнисини бир бурда нон учун бўғиб ўлдиришга тайёр эдилар. Совуқ, очлик ва қотилликлар қурбонлари қунига саксон кишидан бўлиб кетди, улар мурдаларни бурчакка тўплашарди.

Фриц отасини ёнбошига туртди:

— Дада! Уйғонинг! Вақт бўлди!

Густав қовоқларини базўр очиб, туришга уринди, бироқ буни уддалай олмади. Қотиб қолган мушаклари ҳаддан зиёд нимжонлашиб кетганди. У Фрицнинг ялиниб-турган юзига қараб деди:

— Мен туролмаяпман.
— Туришингиз керак, дада. Қочиш керак, ҳали фурсат бор.

Бироқ Фрицнинг ҳеч бир сўзи уни ўрнидан қўзғата олмади.

— Сен ёлғиз қочишингга тўғри келади, — беҳол ғўлдиради Густав. — Мени тинч қўй ва қочиб қол.

Фриц бу гапдан ҳайратланганча бошини чайқади. “Агар яшаши давом эттиришини хоҳласанг, отангни унутишингга тўғри келади”. Робер Сиверт қачонлардир унга Бухенвальдда шундай деганди. Бу ўшанда ҳам, ҳозир ҳам худди шундай сира имконсиз эди.

— Сен қочишинг керак, — дея қатъий таъкидларди Густав. — Мен қариб қолдим, кучим йўқ. Ҳозироқ қоч, илтижо киласман! Ҳозир Бржецлав, Чехия.
— Йўқ, дада, сира ҳам бундай бўлмайди.

Фриц яна ўтирди ва отасининг елкасига қўлини ташлаб, кучоқлаб олди.

Тонг отганида улар Вена яқинидаги қор қоплаган таниш манзиллардан ўтаётганликларини кўришди. Поезд Дунайнинг шимолий қирғозидан ўтиб, кундузнинг ёруғ ёрқинлигига шимолий томондан шаҳарга кириб, дарёни ва Леопольдштадни кесиб ўтди. Улар вагондан бош чиқариб, ўзларининг жонажон уйлари яқинидан ўтаётганини кўришди. Поезд Пратернинг ғарбий томонидан Дунай каналига чиқиб, кейин ғарбга караб далалар орқали йўлида давом этди.

Пешинга яқин улар Санкт-Пёльтен шаҳарчасидан ўтдилар, тушдан кейин эса, Амштеттенгача етиб боришли, шу ерда поезд тўхтади. Маутхаузенгача қирқ километрдан камроқ масофа қолганди.

Тун бошланганида, поезд яна ҳаракатта тушди.

Густав яна Фрицни қочишга ундей бошлади.

— Сен хозир қочишинг керак, акс ҳолда, жуда кеч бўлади. Илтимос, Фриц, қоч! Илтимос!

Фриц кўнди. У бу килмишининг оғриғи уни ҳеч қачон қўйиб юбормаслиги биларди. “Беш йил бизнинг тақдиримиз ягона бўлганди, энди отамдан айрилишимга тўғри келди”, — дея изтироб билан эсларди у кейинчалик.

Поезд одатдаги тезликка чиқди. Фриц ўрнидан турди ва эгнидаги яхудий юлдузли ва лагерь рақами ёзилган йўл-йўл пойжомани нафрат билан ечиб ташлади, шапкасини четга улоқтириди. У сўнгги бор отасини қучоқлаб ўпди, кейин дўстининг ёрдами билан бортга тирмасиб чиқди.

Аёзли шамол унга гўё найзадек санчилди. Поезд чайкалар ва гулдиарди. Фриц коровулхонага хавотирли назар ташлади. Улар сокчининг огохлигини текшириб кўрган кундан кўра ой ёркинрок нурланарди: ой тўлишига иккى кун қолган ва ойдинда кор билан қопланган ер билан дарахтлар аник кўринарди.

Густав охирги маротаба ўғлининг қўлини сикди, кейин эса Фриц ҳавога ўзини отди. Ва шу ондаёқ ғойиб бўлди.

Вагон полида ёлғиз ўзи ўтирган Густав ойдинда ўз кундалигига ёзди: “Ё кудратли Худойим, ўғлимни ўз паноҳингда асра. Мен қочолмайман, ниҳоятда беҳолман. Уни отмадилар. Ўғлимнинг жони омон қолади ва энг қадрли дўстларимиздан бошпана топади, дея умид қиласман”.

Поезд ғичирлаб, тарақлаганича тезлашди, гўё паровознинг ўзи бу даҳшатли саёҳатни тутатиш учун шошиларди. У коронгиликда Линцдан ўтиб, Дунайни кесиб ўтди ва шарққа бурилганча, кичик шаҳарча Маутхаузенга қараб кетди.

* * *

Фриц ерга учиб тушар экан, юкори қайда ва паст қайдалиги ҳақида тасаввурдан бир лаҳзага маҳрум бўлди. Кейин нимадир каттиқ урилиб, суюкларигача зирқираб кетди ва кўкрагидаги барча ҳавони чиқариб юборди. У бир неча бор ўмбалоқ ошиб, кор уюми устида ва поезд ғилдираклари қаршисида қимиirlашга ҳам кўркиб, қотиб қолди.

Состав унинг ёнидан гулдираганча ўтиб, узокда ғойиб бўлди ва Фриц тўлиқ сукунат ичра юлдуз тўла осмон остида ёлғиз қолди. У тушган кор уюми йиқилишни юмшатган эди. Бутун танасида оғриқ борлигига қарамай, хеч қаери синмаганди. Фриц

корларни қоқиб, темирйўл бўйлаб оркага Амштеттен томонга юриб кетди.

Шаҳарга яқинлашганида, унинг асаблари дош беролмади. У тун қоронғисида ҳам у ерга киришга юраги бетламади. У темирйўл чеккасидан пастга сирпаниб, очик далага чиқди. Қорқалинилиги сонига етганидан юриш оғир эди, бироқ охир-окибатда у шаҳар четидаги тор кўчалардан бирига чиқиб қолди. Кўча бўм-бўшлигига ишонч ҳосил қилиб, Фриц олдинга юриб кетди. У шаҳарни шимол тарафдан айланиб ўтиб, ҳеч кимни йўлида учратмай, тез орада темирйўлга параллел қишлоқ кўчасидан шарққа караб кетди. У бир нечта қишлоқ ва хуторлардан ўтди, аввалгидек Санкт-Пёльтен томонга йўналганди. Музлаган йўл унга кийинчилик туғдирар, кучи ҳам камайганди.

Бир неча соат юргач, Блинденмаркт шаҳарчасига етиб борди. Бу ердан улар бир кун аввал ўтишганди. Шаҳарчада кичикроқ вокзал бўлиб Вена билан Линц орасида қатнайдиган йўловчи поездлари тўхтаб ўтишарди. Фриц каттиқ чарчаганди, чўнтағида эса озроқ рейхсмаркалар – Моновицда йиғиб қўйган захира пули бор эди. Таваккал килсинми ёки йўқми?

Фриц ички сезгисига бўйсунганча, катта йўлдан бурилиб, вокзалга қараб юриб кетди. У ер қоронги эди, лекин у юқ ташиладиган бўш вагонни топиб, ичкарига киришга муваффақ бўлди. У ерда ухлашнинг иложи йўқ эди, лекин ҳар қалай, деворлар совуқ шамолдан тўсарди.

Тонгга яқин вокзал биносида чироклар ёнди. Фриц бир неча дақиқа кутиб турди-да, кейин бутун жасоратини муштига тукканча, вагондан сакраб тушди.

Бино ичи жим-жит эди. Биргина хизматчи касса ойнаси олдида ўтиарди. Фриц саросимага тушиб қолди; у ҳозир чипта

олиш коидалари қандайлигини билмасди. Агар ундан хужжатини кўрсатишини сўрашса, нима бўлади? У ойна ёнига бориб иложи борича, беташвишрок оҳангда Венагача чипта сўради. Бундай эрта саёҳагчиларга одатланмаган кассир унга ҳайрон бўлиб каради (эҳтимол Фрицга кўринганидай, шубҳаланиб ҳамдир). Лекин пулни олиб, чурк этмай, чиптани берди.

Фриц бўм-бўш кутиш залига кириб ўтирди. Икки дакиқадан кейин кассир кириб, печкани ёқди. Фриц унинг ёнига якинроқ сурилди: Моновицдан кейин биринчи марта унда исиниб олиш имконияти пайдо бўлганди. У суюк-суюкларигача музлаб кетганди ва танаси бўйлаб иликлик юрганида, бирваракайига хурсанд бўлди ва оғриқни хис килди: совукда қотиб қолган асаб толалари бошқатдан хис этиш кобилиятини тиклаб, игналарни санчиб, узок йўл азоби оғриқ берарди. Чарчокдан ўлай деб қолган Фриц вакт ҳисобини йўқотиб, печка ёнида қанча ўтирганини ҳам пайқамади. Нихоят, Вена поезди келиб тўғри дераза ортида тўхтади.

Фриц платформага югуриб келиб, аввалгидек ёлғиз ўзи учинчи класс вагонига чиқиб олди.

У эшикни ёпиб, вагон германиялик аскарларга тўла эканини кўриб, даҳшатга тушди. Битта ҳам фукарой йўқ эди – Вермахтнинг оч-кулранг мундирли тўдаси. Унинг баҳтига, улар ҳаммаси ўзлари билан банд эдилар: гаплашиб, чекиб, карта ййнаб, мудраб ўтиришарди, уни ҳеч ким сезмади ҳам. Тушиб қолишга кечиккани боис, у ўзига жой топиб ўтирди. Поезд юриб кетди ва Фриц ишонқирамасдан, атрофга аланглаб кўярди. У ўз ватанида бу сарда қандай тартиблар бор эканлиги ва оддий фукаро шахси ўзини қандай тутиши кераклигини билмайдиган хорижлик одам бўлиб қолди. Аскарлар уни аввалгидек пайқамасдилар. У аскарларнинг сухбатларига қулоқ солиб, улар фронтдан таътилга кетишаётганини билиб қолди.

Икки соатдан кейин ва бир неча станциялардан сўнг (у ерда бошқа ҳеч ким чиқмади) поезд Санкт-Пёлтенга етиб бориб, тўхтади. Вагонга Вермахт ҳарбий полициясининг икки нафар олмон аскари киришди.

Улар йўлак бўйлаб юрганча, ҳаммадан ҳужжат сўрашарди. Фрицнинг ёнида ўтирган аскардан кўкрак чўнтакларидан ўз гувоҳномалари ва таътил ҳужжатларини чиқаришди. Фриц шундай имкониятдан фойдаланиб уларга ўз чиптасини узатди. Полициячи навбатма-навбат ҳар бир аскарга қараб, ҳужжатларни қайтариб берарди. Кейин биргина темирийўл чиптасига навбат етгач, хўмрайиб:

- Илтимос ҳужжатларингиз? – деди у.

Фриц юраги дукиллаб урганча ўзини киссаларидан ҳужжатларини излаётганга солди. Кейин елкасини қисди:

- Афтидан, уларни йўқотибман, шекилли.

Полициячи янада кўпроқ қовоғини уюб:

- Жуда яхши, у ҳолда биз билан юринг.

Фрицнинг юраги уриб кетди, бироқ у баҳслалиб бўлмаслигини биларди. У ўрнидан турди ва полициячи билан вагондан чиқди.

— Илтимос қиласман, мен Венага боришим керак, – дея мурожаат қилди у ўз соқчиларига.

— Биз шахсингизни аниқламагунча, сизни қўйиб юборолмаймиз.

Вокзалдан уни энг яқин ҳарбий қисмга кузатиб қўйишиди. У ерда сержант қаттиққўллик билан уни сўроққа тутди.

- Нима учун бу поездга чиқдингиз?

- Мен Венага боришим керак, – жавоб берди Фриц.
- Лекин нима сабабдан айнан шу поездга чиқдингиз? Бу махсус, фронтдан келаёттган поезд эканлигини билишингиз керак эди. Якында яна бир оддий поезд келиши керак эди.
- Лекин, мен.... Мен билмасдим.
- Ёш йигит, фуқаро, ҳужжатсиз ҳарбий поездга ўтиrsa. Бу унчалик түғри эмас, сизга шундай туюлмаяптыми? Сизнинг исмингиз нима?
- Фриц Кляйнман.

Алдашдан маъни йўқ эди. Энг оддий олмонча исм, жуда кўплар шундай исмга эга эдилар.

- Нима учун ёнингизда ҳужжатларингиз йўқ?
- Уларни йўқотиб қўйганга ўхшайман.
- Уй манзилингиз?

Фриц Веймар яқинидаги шаҳарчада ўйлаб топган манзилини айтди. Сержант уни ёзиб олди.

- Жойингизда қолинг, – деди у ва хонадан чиқди.

Сержант анча вактгача қайтмади, қайтганида эса, ёнида унвони ўзидан каттароқ одам бор эди.

- Сиз берган манзилни текширдик, у нотўғри экан. Аслида қаерда яшайсиз?
- Кечирасиз, – деди Фриц, – хотирам панд берди, шекилли?

У бошқа манзилни айтди.

Улар яна кетишди ва манзил нотўғрилигини яна аниқлашди. Энди Фриц шунчаки вактдан ютмоқчи эди. Полициячилар учинчи бор текширув ўтказиб, яна манзил нотўғри эканлигини аниқлашди ва сабр-тоқатлари тугади.

Хонага икки соқчини чакиришди.

— Герр Кляйнманни казармаларга кузатиб кўйинг, — деди сержант, — хавфсизлик бўлимига.

Уни машинага ўтказиб, кичик ҳарбий шаҳарча кўчалари бўйлаб олиб кетишидни ва кейин эса, қамоқхонани эслатувчи хоналар ва камералари бор бино олдига туширишди.

Зобит Фельджандармериядан ёзилган хатни ўқиб чиқди ва Фрицга қоидага биноан ўзини танитишни буюрди.

— Агар ёлғон гапирсангиз, сизни қамоққа тиқиб кўяман.

Фриц нима ҳам қиласди. У тўртингчи ўйлаб топган манзилини айтди. Уни текшириб кўриб, Фрицни расман қамоққа олишидни. Зобит ўзини сабр-тоқат билан хотиржам тутди, у бақирмас, ҳақорат килмас ва қийноклар билан кўркитмасди; у шунчаки ўз одамларига герр Кляйманни камерага олиб боришини буюрди.

— Балки ўша ерда ҳақиқий манзилни эслаб қоларсиз? — дея пичинг қилиб қўйди у.

Камера каттагина бўлиб, яна уч нафар аскар қандайдир майда айб ишлари учун хукм кутардилар. Улар Фрицга қизиқсиниб қарашди ва у ўзи ҳақида гапириб беришга мажбур бўлди, бирор умумий маълумотлар билан чекланди. У: фуқаро, хужжатларни йўқотиб кўйиб, шахси аниқланишини кутяпти.

Камера иссиққина эди. У ерда ҳар бир киши учун каравот, стол-стуллар, бурчақда кўл ювадиган раковина билан ҳожатхона бор эди. Фриц узоқ йиллар бундай қулай шароитда бўлмаган эди. Назоратчи кечки овқатни олиб келган чоғда, оч қолган итдек овқатта ташланиш ўрнига, шошилмасдан ейишга ўзини куч билан мажбур қилди. Фриц учун бир неча ҳафта давомида

биринчи иссиқ ва ўзи умуман ёдида қолган вакт ичида илк түйимли таом эди.

Кечки овқатдан кейин каравотдаги адёлнинг бир четини күтариб, Фриц кўзларига ишонмасди – у ерда чойшаб бор экан! Чойшаб! Қамокхонанинг зўрлигини! Чарчаб, қийналган танаси билан иссиққина ўринга ётгач, у ўзини жаннатга тушиб қолгандек ҳис қилди ва туни билан ширин, тинч ухлади.

Кейинги тонг янада ёқимлироқ бўлди. Назоратчи унга нонушта келтирди, у гарчи энг оддий егуликлар бўлса-да, хушбўй ҳидлардан Фрицнинг боши айланиб кетди. Уларга ҳақиқий иссиқ қаҳва, нон, ёғ, колбаса беришди. Унинг камерадошлари ўзаро валаклашиб ўтиргунларига қадар, Фриц жони кириб, тўйиб олди.

Нихоят, уни яна зобит ёнига олиб боришиди ва у яна кимлигини сўради. Сўрок давомида Фриц зобит уни армиядан қочган қочоқ деб ўйлаётганини англай бошлади. Нима ҳам қиласарди, бунда маъно бор. Унинг ёши, ташки кўриниши ва венача лаҳжаси вазиятга мувофиқ келарди. Зобит майдада коидабузарни тутдик, деб ўйлаб, ҳақиқий, оғир жиноят – бу юзлари озгин, фуқаро кийимидағи, Вена лаҳжасида сўзлашаёттан ёшгина йигит аслида СС дан яшириниб турган яхудий экани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Фриц кейинги саволларга жавоб беришдан бош тортди ва уни камерага қайтариб юборишиди. У ерда банди ўзини яхши ҳис қиласарди: иссиқ ва тинч хона, яхши овқат беришарди. Тушликка маҳбусларга жуда маромига етиб тайёрланган шўрва билан бир бўлакдан нон беришди. Фрицга бу етарли эди.

Шундай бўлса ҳам, уни қуршаган бу дабдабали шароитга қарамасдан, лагерда Фрицнинг омон қолишига ёрдам берган ички сезги уни кутаётган хавф ҳақида эслатиб турарди. Эртами-кечми, зобит ҳақиқатни аниқлайди. Кун охирида Фриц ечим топди. Кечки таомдан кейин, шериклари гапга тушиб

кетгандарида, у секингина биттасининг соқол олиш учун ишлатиладиган совунини ўғирлаб, еб қўйди. Эртасига эрталаб Фрицнинг ҳарорати қўтарилиб, ичи тинимсиз сурди. Бошқа маҳбуслар сокчини чакиришди ва Фрицни олиб кетишиди.

Уни ҳарбий госпиталга ётқизишиди. Кўрик вактида – ҳеч кандай оғир хасталик йўклиги, шунчаки ошқозони бузилгани ва иситма борлиги аникланди. У имкон кадар Освенцим татуировкасини яширишга харакат килди. Уни алоҳида хонага жойлаштириб, кузатув остига кўйишиди.

Бу ер камерадагидан ҳам яхшиrok эди: оппоқкина крахмалангандан чойшаблар, дори ва чой келтириб берган ҳамширалар. Бир муддатдан кейин, гарчи ичи кетиши тўхтамаган бўлса ҳам, у ўзи ўтира оладиган бўлди. Сўроқ вактини сурдириш учун унчалик баланд бўлмаган баҳо. Уни учинчи кун кўраётган шифокор эшик олдида қуролланган сокчилар тургани, шу боис бемор қочиш ҳақида ўйламагани мъқуллигини эслатиб кўйди.

Нихоят, иситма ҳам, ич суриш ҳам ўтиб кетди. Фрицни дарҳол хавфсизлик бўлимига кайтаришиди. Унинг иши билан шугулланадиган зобитнинг сабр-тоқати тугаётганди.

— Бунга энди чек кўйиш вакти келди, — деди у. — Агар айбингизни тан олмасангиз, сизни гестапога топшираман.

Афтидан, у, ушбу кўркинчли гап асири тилга киритади, деб кутганди, бироқ Фриц ҳеч нима демасди. Зобит жаҳлдан тишлирини ғижирлатганича, уни камерага кайтаришларини буюрди.

— Яна икки кун, — вაъда қилди у. — Кейин қўлларимни юваман! Яна икки кун қулай шароитларда ўтди. Кейин Фрицни яна сўроқ хонасига олиб боришиди.

— Сизнинг кимлигингизни билдим, — деди зобит Фрицни анча хавотирга солиб. — Сиз ҳеч қандай қочоқ эмассиз. Сиз

дushman агенти, түгрироғи, Британия жосусисиз. Сизни махфий операция ўтказиши учун парашютдан ташлаганлар.

Буларнинг ҳаммасини гапириб бўлгач, зобит қўшиб қўйди:

— Сиз билан жосус сифатида муомалада бўлишади.

Фриц кўркиб кетди; уни концентрацион лагерь қочоғи сифатида таниганларидан кўра бу ёмонрок эди. У ўзига қўйилаётган айловгага қаттиқ эътиroz билдириб, рад этарди, бироқ зобит ҳеч нарсани эшишишни истамасди. Унинг фикрича, фақат дushman агентигина худди Фриц каби олмон аскарлари билан аралашибга уринганча, ўзини туттган бўларди. Факат тажрибали жосусгина сўроқларга шунча бардош берган бўларди. Бундай иш ҳеч кандай қочоқнинг қўлидан келмайди.

Фрицнинг эътиrozларига қарамай, уни куч билан ортига, камерага кайтаришди. Энди бу камера унга бунчалик хавфсиз бўлиб туюлмасди. Нима қилса бўлади, тан олсинми? Йўқ, уни СС га кайтариб, катл қилишади. Лекин уни жосус деб хисоблайдиган бўлсалар, унинг ҳам охири шундай тугайди. Бошқа томондан, ҳатто у тан олса ҳам, энди унга ишонишармиди? Зобит унинг австриялик эмигрантлигига тўлиқ ишончи комил бўлди ва, афтидан, Британия жосусини аниклагандан жуда мамнун бўлганга ўхшайди, шу боис ҳатто унинг лагерь рақами ёзилган татуировкасини ҳам, ҳойнаҳой, маскировканинг бир кисми деб хисоблайдилар.

Эртасига Фрицни яна кабинетга олиб боришди. У ерда уч нафар қуролланган аскарлар туришарди.

— Сизнинг найрангларингиз жонимга тегди, — деди зобит, — сизни жўнатиб юборяпман. Маутхаузенга жўнайсиз. Сиз билан СС шуғулланаверсин.

МАУТХАУЗЕН

Фриц пўлат кишанлар билагига солинганини сезди, улар шикирлаганча кулфланди.

— Агар қочишга уринсангиз, — огохлантирди зобит, — сизни турган жойингизда отиб ташлайдилар.

Унга ҳамроҳлик килган сержант ва икки нафар оддий аскар Фрицни кўриклаб, темирйўл станциясига бориб, Линцгача борадиган поездга у билан бирга чиқиши. Фриц ўзига таниш Санкт-Пёльтен – Блинденмарт – Амштеттен йўналиши бўйича учинчи бор кетиб борарди. Қандайdir фурсатда у вагондан сакраб тушган ўша жойдан ўтиб кетиши, бироқ хозир, куёш ёрқин нури билан қорни эритган жойни Фриц танимади, албатта. Ҳаммаси табиийки, ёдида сақланиб қолганди, аммо унинг Санкт-Пёльтендаги энг ёқимли таътиллари ҳакидаги хотиралар анча ёрқинроқ бўлганди: унга атиги бир ҳафта бўлиб туюлган ўша фараҳбахш кунлар аслида деярли уч ҳафта давом этганди. У уч ҳафта тўйиб овқатланди, хотиржам ухлади ва ҳатто озрок даволаниб ҳам олди.

Линцда улар маҳаллий поездга чиқиб, тезда Маутхаузенга етиб бордилар. Бу жозибали шаҳарча Дунай дарёси яқинида жойлашган бўлиб, ям-яшил тепаликлар, далалар ва ўрмонлар билан куршалганди. Соқчилар Фрицнинг орқасига милтиқларини тираганча, шаҳар бўйлаб тез-тез юрган кўйи олиб кетдилар. Лагерь ёнида шу ердаги тепаликларда яшовчи маҳаллий кишилар уларга эътибор беришмасди.

Йўл юкорига қараб кетди. Лагерь кўринганида, Фриц бундайларни ҳали кўрмаганини англади – Маутхаузен баланд, мустаҳкам, тош деворли, юкорисида йўлаклари мавжуд ва ўша ерда пулемётлар турган қалъага ўхшарди. Девор бурчагида оғир дарвоза бўлиб, унинг ёнидаги думалоқ минорага туташарди,

нариги ёнида эса тўрт каватли чорбурчак бино бор эди. Мана шу деворлар ортида қаердадир унинг отаси билан дўстлари бор. Ҳарқалай, у шундай бўлишидан умидвор эди. Бундай лагерга танлов қандай ўтганини тасаввур қилиш ҳам кўрқинчли эди. Бирок Фриц отасининг чидамли эканига ишончини йўқотмаганди ва қалб тубида ўзлари кутганларидан ҳам тезроқ яна бирга бўлишларини сезарди. Ҳа, ўшанда Фриц унга кўп нарсани гапириб беради.

Уни бундай баҳайбат дарвозадан киритиш ўрнига, сокчилар бурилиб, ташки деворга параллель йўлдан, мевали боғ ёнидан ўтиб, юриб кетдилар. Бурчакда йўл кескин қайрилиб, унинг бир тарафидаги ер тош деворлари очик чукур дара олдида узилганди.

Фрицнинг кўзига гранит кони кўринди. У Бухенвальддаги машхур тош конига нисбатан бир неча марта катта ва анча чуқуррок эди. Коннинг туби маҳбуслар билан қайнаётган чумоли инини эслатар, у ердан тошга урилган болға ва бошқа асбобларнинг тарақа-туруқ товуши эшитиларди. Унинг қарши тарафидаги деворда тош кони тубидан юқоригача 186 пиллапоядан иборат кенг зина кўтарилганди. Зинадан елкасига квадрат блокли гранит ортган юзларча маҳбуслар тирмасиб чикиб боришарди. Уни Мурдалар зинаси деб аташар ва Маутхузеннинг энг расво жиҳатларининг тимсоли эди.

Бу ердан қазиб чиқарилган гранит тошлар гитлерчилар монументал лойихалари учун мўлжалланган бўлиб, баҳайбат курилишлар учун жуда кўп миқдорда тош талаб этиларди. Уни қазиб олган чоғда минглаб маҳбуслар ҳалок бўлишарди. Мурдалар зинапояси нацистлар тафаккурининг жонли амали эди: жиноятчилар билан яхудийларнинг текин арзимас меҳнати бор бўлиб ва ушбу жараён улар учун жазо сифатида хизмат қилаётган бўлса, ундан самаралироқ механик конвейер кўйишнинг нима ҳожати бор? У ерда шикастланишлар ва ўлим

доимо содир бўларди – зинада биронтаси қокилиб кетса, шунинг ўзи етарли эди. Елкасига гранит ортган одам пастга қулаб, колганларни ҳам босиб қолар ва худди домино доналари каби, оёқ-қўлларини синдирганча, кетма-кет қулашарди.

Тош кони бўйлаб юрган Фриц билан унинг соқчилари казармаларни эслатадиган қурилмаларга етиб боришиди. Шу ерда соқчилар уни СС га топшириб, сўнг қайтиб кетишиди.

Фриц сўроқ ва калтаклашларини кутганди, лекин ҳеч нарса содир бўлмади. Эсэсчилар шу пайтгача у билан нима қилишни билишмасди. Сержант уни икки минорали прожекторлар билан пулемётлар ўрнатилган кузатув пункти бор яна бир баҳайбат гранитли қурилма – бош дарвоза олдига олиб боришиди. Бу лагернинг маҳбуслар қисмига кириладиган асосий жой эди (у аввал кўрган дарвоза СС гаражларига олиб бораарди). Лагерь худудига киргач, Фриц бу ер Моновицдан ҳам ихчамрок, оддийгина, тор кўчанинг икки тарафида қатор тушган бир хил ёғоч бараклар қурилганини кўриб ажабланди. Сержант Фрицга деворга қараб туришни буюриб, ўзи дарвоза ортида гойиб бўлди.

Унинг ёнида бир неча маҳбуслар юради. Улардан бири яқинроқ келиб, унинг фуқароча кийимиға қизиқиб қаради.

- Сен кимсан? – сўради у. – Бу ерга нима учун олиб келишиди?
- Менинг исмим Фриц Кляйнман. Венаданман.

Эркак бошини иргади ва нарига кетди. Бир неча сониядан сўнг у яна бир маҳбус ҳамроҳлигига қайтиб келди, нариги маҳбус ўзини бошлиқдай тутарди.

- Венаданмисан? – деди у. – Мен ҳам. Лекин бу ерда кўп илдан буёнман.

У Фрицга бошдан оёқ қараб чиқди.

— Бу ёмон жой, лекин агар яхудий бўлсанг, бу ерда колиш жуда ёмон. Яхудийларга бу ерда хаёт йўқ.

Шундай дея эркак кетиб колди. ниҳоят сержант қайтиб келди ва Фрицни хайрон қолдириб, ундан Освенцим татуировкаси борлигини сўради. Якинда уларга Освенцимдан бир неча состав келтирилгани, лекин улар хозиргача йўқолган маҳбусларни излашаётганини айтди.

— Йўқ, – деди Фриц.

У ўнг билагини шимариб кўрсатди.

— Кўряпсизми, ҳеч нима йўқ.

Сочи ўсиб кетгани ва соғлом кўринишдалиги унинг сўзларини тасдикларди, шу боис сержант унга ишонди. У Фрицни бир маҳбусга топшириб, юваниш хонасига юборди.

У ерда яна веналик кишини учратди. У ўзини Йозеф Кель деб таништириди. Бироқ ҳамма уни Пепи деб чакиравкан. Унинг бошқаларга қандайдир таъсири борлиги билиниб турарди; кейинроқ Фриц Пепи лагерь Қаршилиги бошчиси эканини билиб колди. Унда ўртоқликни дарҳол ҳис қилиб, Фриц ниҳоят, тўғрисини айтиб берди. Аниқроғи, бир қисмини: Бухенвальдда ва Освенцимда бўлган воқеаларни сўзлаб берди. Лекин бундан ортиқ ҳеч нима демади. Фриц ўзини сиёсий маҳбус деб таъкидларди. Бу ерда омон қолиш учун бўлган барча умидлари ўзининг яхудийлигини яшира билишига боғлиқ эди.

Фриц концентрацион лагерда учинчи бор янги келгандек бўларди. У ювиниб чиққач, барча нарсалари ва кийимлари мусодара килинди. Соч оладиган асбоб унинг бошини кираётганини ҳис этиб, соchlари тутамлаб ерга тушаётганини кўргач, у бу даҳшатга бир умрга келдим, деб ўйлади.

- Ўз манзилингни яширганинг учун мана шундай товон тўлашингта тўғри келади, — деди гестапо хизматчиси унинг маълумотларини ёзаркан.

Фриц унга тушунмагандек қаради.

Хизматчи столда ётган Вермахт зобитининг ҳамроҳлик қилган хатига бош иргади. Кейин Фрицга қараб қўшиб қўйди:

- Энди жуда кеч бўлди, оғайни.

Нима, улар шу пайтгача уни жосус деб ўйлашдими? Фриц икки ўт орасида қолганди. Агар у ростини айтса, вазиятдан чиқиб кетишнинг охирги умидидан ҳам маҳрум бўлади. Гранит кони манзараси Маутхаузен ҳақидаги барча даҳшатли мишишларни тасдикларди. Бироқ агар у индамаса, ҳойнаҳой, уни қийноққа солиб, отиб ташлайдилар.

Фриц Пепи Кельга маълум қилган ўша яримҳакиқатга таянганча, айбига икрор бўлиш хавфсизрок, деган қарорга келди. У Освенцимдан келаётган поезддан қочганини тан олиб, чап билагини шимариб, татуировкасини кўрсатди.

- Ҳибсга олиш учун қандай асос бор? – сўради ходим.
- Ҳимоя учун ҳибс, – жавоб берди Фриц. – Олмон, оқсуяк, сиёсий маҳбус.

Хизматчи Фрицни ҳисоб журналига киритиб, унга 130039 рақамини берди. У ҳақидаги маълумотни ҳатто гестапо текшириб кўрмокчи бўлса ҳам, бунинг иложи йўқ эди. Освенцим энди йўқ – 27 январда Фриц Блинденмарктда ҳарбий поездга ўтирган худди ўша куни лагерга Қизил армия кириб келганди. Моновицда улар госпитальда атиги бир нечта чала ўлик арвоҳларни топишиди, улардан кўп қисми озод этилгандан кейин унча узоқ яшамади. Фриц ўз холаваччаси Линшини – расман оқсуяк – энг яқин қариндоши сифатида исмини айтди ва

Венадаги ўзининг ҳакиқий манзилини айтди. У Фредль Воехердан у ерда ҳеч ким яшамаслигини биларди. Касби хусусида бир нима дейишдан олдин ўйланиб қолди. лагерларда у кўп нарсаларни ўрганди, бироқ биринчи навбатда нима ҳакида гапиргани маъқул эди? Бу ерда қурувчиларга талаб камга ўхшарди, ҳар қандай касби йўқ одам эса, табиийки, шу захоти тош конига кетади. Шу боис Фриц иситиш бўйича муҳандислигини айтди. Бунинг ярми ҳакиқат эди – у бир неча иссиклик тарқатиш марказлари қурилишида иштирок этган, отасидан эса лагерда касбга доир анча осон айёрликларни ўрганганди.

Гарчи унинг қочиши муваффақиятсизликка учраган бўлсада, ҳарқалай, у Фрицга озроқ соғлигини тиклаш ва куч йиғиб олишга имкон берганди. У омон қолиш учун булар ўзига қандай кўмаклашувини жуда яхши тушунар, бироқ улар нечоғли зарурлигини ҳали тасаввур ҳам килмасди. Фриц ўзининг катталарга тааллукли ҳаётининг кўпроқ қисмини ер юзидағи дўзахда ўтказган бўлса ҳам, янада ёмонроғи уни олдинда кутарди.

* * *

Фрицни газ камераси билан крематорий жойлашган лагерь бункерига яқин жойдаги блокка жўнатиши. Ёнларида девор билан ажратилган кўшни секцияда ноинсоний шароитларда юзларча совет ҳарбий асиirlарини оч қолдириб, энг оғир ўлдирадиган ишларда фойдаланишарди. Икки ҳафта олдин руслар электр буталар устига ҳўл адёлларни ташлаб, қочишига урингандилар. Кўпларини дарҳол пулемётлардан отиб ўлдириши, бироқ тўрт юз асиirlарни ўлгурганди. Шундан кейин маҳаллий аҳоли бир неча кун давомида ўрмондан тараалган ўқ овозларини эшитиши. Эсэсчилар қочокларни излаб, топиб, уларни отиб ташладилар.

Лагер лик түлганди: уч юз одамга мүлжалланган баракларда бир неча марта күп одам яшарди. Рейх худудидаги барча концентрацион лагерлар каби Маутхаузен Освенцимдан эвакуация килинган оқимдан тиқилиб кетганди.

Фриц мана шу түдалар орасида бўлиши керак бўлган отаси ва дўстлари билан учрашишни орзу киларди. Лекин у қанча сўраб-суриштирмасин, уларни қаерга жўнатишганини билган ёки уларнинг исмини эслай олган бирон кимсани тополмади. Маълумотларга кўра, гарчи Освенцимдан поездлар доимий тарзда келиб турган бўлса ҳам, на 26 январь, на унга яқин саналарда улар келмаганди.

Ахири, Фриц отаси лагерда йўк, деган хулосага келди. Лекин агар шундай бўлса, у ҳолда улар қаерда? Фриц нацистларнинг Польшада ва Остландда ваҳшийликлари – ўрмонларда бутун поездлардаги яхудийлар ўлдирилгани ҳақида кўп эшифтанди. Наҳотки уларнинг поездлари билан ҳам шундай ҳол рўй берган бўлса? Наҳотки у бундан кутилиб қолишга муваффак бўлган бўлса?

* * *

Густав вагон деворига орқаси билан суюнганча ўтиради. Фриц совук тунда бортдан ошиб тушиб, сакраб, ғойиб бўлди. Худойим унга уйга йўл топиб, ўша ерда яшириниши учун Ўзи қўлласин. Густав ўзини ниҳоятда беҳол ва силласи қуриган ҳис киларди. У бир неча кундан бери хеч нима емас, сув ўрнига эса, ҳар замонда қор ютарди. “Одамлар бир-бирини бир тишлам нон учун ўлдирмоқда, – ёзарди у. – Очликдан биз ижодкор бўлиб кетдик... Кружкани ёғочга ип билан боғлаб, гўё кармоқ каби вагон бортдан қор олиш учун отардик”.

Ўша тунда поезд ўзининг ўлник ва тирик мурдалар тўла юки билан Маутхаузен перронига етиб борди. Уни СС сокчилар куршаб олишди. Соатлар ўтарди: тонг отди, туш бўлди. Вагондаги ҳали хуши ўзида бўлганлар нима рўй берганидан фол очишарди. Станция олдида кимлардир баҳслашаётгандек туяларди.

Лагерь маҳбусларидан бир гурухи вагонлар бўйлаб юриб, нон билан консервалар тарқатнишди. Бу жуда кам эди – ярим буханкадан нон ва беш кишига бир банка консерва. Одамлар гўё ёввойи ҳайвонлар каби егуликка ташланишарди.

Ниҳоят, қоронғи туша бошлаганда, поезд ғижирлаб, жойидан қўзғалди, энди тескари йўналишда кета бошлади. Маутхаузен коменданти янги маҳбусларни қабул қилишдан бош тортганди. Поезд яна Дунайдан кесиб ўтиб, ғарбга, Германия чегараси йўналишида бурилди. Бир неча соатдан кейин у Баварияга кириб бориши, мабодо яна тўғрига юришда давом этса Мюнхенга борарди. Бу бир нарсани билдирарди: Даҳау.

Тўсатдан Густав ёнидагилар баланд овозда баҳслашаётгандарини сезиб колди. унинг ўн-ўн беш нафар ўртоклари – кўпгина эски бухенвальдликлар, – Фрицнинг ибратидан илҳомланиб, қочиш имкониятини муҳокама қилишарди. Улар Густав билан Фрицнинг Буна комбинатидаги назоратчиси, унинг ёлғондан ўлганидан кейин яширинишига ёрдам берган Пауль Шмидтни ҳам ўзлари билан бирга қочишга ундашарди. Лекин Густав ўзини жуда беҳол сезарди ва Шмидт ҳам қочишдан бош тортди. Поезд Линцдан чиқиб кетаётган чоғда, ўн икки нафар маҳбус борт устига чиқиб сакрадилар. Қочоқлар сони кўплигига қарамай, ўқ узилмади. Афтидан, эсэсчиларга барибир эди; агар маҳбуслардан кўпроқ қисмида етарлича кучи бўлганида эди, поезд ўз манзилинга факат мурдалар билан етиб борган бўларди.

Аммо Баварияда улар шимолга бурилдилар. Демак, Дахауга эмас. Тун күн билан алмашди, кейин яна ва яна бир тун, Густав эса, хаётга тирмашиша давом этарди. Маутхаузендан жүнаб кетишигандан кейин бешинчи куни улар Веймардан унча узок бўлмаган Германиянинг Тюрингия провинциясига етиб боришиди. Поезд шимолга ҳаракатланишни давом эттириб, 4 февраль, шанба куни – Гляйвицдан кейин икки ҳафта ўтиб – Нордхаузен юк станциясида тўхтади. Бу саноат шахри Гарц тоглик мавзеининг жанубий кисмида жойлашганди.

Уни эсес сокчилари билан яқинроқдаги Дора-Миттельбау концлагеридан келган зондеркоманда кутиб олишди. Густав вагон бортидан жуда катта кийинчилик билан ошиб ўтди. Тириклар бир-бирларига кўмаклашиб, поезддан тушиб олгач, мурдаларни тушира бошлишди. Станцияда 766 жасадлар саржиндек тахланди.

Густав кўп даҳшатли нарсаларни кўрганди, бироқ бу энг ёмонларидан бири эди. “Очликдан ўлган ва ўлдирилганлар, – ёзарди у ўз кундалигида, – совқотиб ўлганлар – буни шунчаки айтиб бўлмайди”. Омон қолганларнинг аҳволи ҳам ўлганлардан тузукроқ эмасди; йўлда бир амаллаб тирик етиб келганлар сони уч минг нафар бўлса, улардан тахминан олти юз киши етиб келгандан кейин вафот этишди.

Шахардан шимолий тарафдаги тоғ тизмаси яқинидаги бўш жойга яширинган Дора-Миттельбау концентрацион лагери ҳажм жихатдан тахминан Бухенвальдга тенг эди. У лиқ тўлиб кетган ва баракларида 19 мингдан ошиқ маҳбуслар тикилиб кун кўришарди.

Янги келганлар рўйхатдан ўтишди ва Густав ўз 106498 ракамига эга бўлди. Уларни блокларга таксимлаб, ниҳоят егулик беришиди – “бизнинг икки ҳафталик саргузаштларимиз

бошланганидан буён биринчи иссиқ овқат”, – деб ёзганди у. Ҳар бир маҳбус ярим буханкадан нон, бир порция ёғ, бир бўлак колбаса олди, “уларга биз худди оч бўрилар каби ташландик”.

Густав лагерда атиги икки кун бўлди, кейин уни унча катта бўлмаган сателлит (йўлдош) лагерлардан бирига жўнатиш учун танлаб олишди. У ер билан транспорт алокаси йўқ эди ва улар бутун ўн тўргт километрлик йўлни пиёда босиб ўтишди.

Эльрих концлагери Густав бўлиб кўрган лагерлардан энг расвоси экан. У унча катта бўлмаса ҳам, саккиз мингга яқин маҳбус ниҳоятда антисанитария шароитида ушлаб турилганди. Доимий тарзда тўлдирилиб турганига қарамай, очлик ва касалликлар окибатида ўлганлар туфайли улар сони тинимсиз камаярди. У ерда кир ювадиган, ювиниш хоналари йўқ эди. Маҳбуслар эса битлаб кетганди; ўтган йили кузда нотўғри санитар ишлов берниш окибатида юзларча маҳбуслар ўз пойжомаларидан маҳрум бўлишган, янгиларини эса олишмаганди ҳам. Густав ўз шериклари билан манзилга етиб боришиганида, уст-боши исқирт бўлиб кетган, эгниларида чириб, увадаси чириб кетган, баъзилари ички кийимда юрган маҳбусларининг ташки кўринишидан ҳайратда колишиди. “Ечингандар”ни ишдан озод қилишар, бироқ фақат егулик улушларини атиги ярмини беришаркан. Бундан улар оч ўлим туфайли тезгина ҳалок бўлишаркан. Густавнинг гурӯхига икки кунлик дам бериб, кейин ишга жўнатишиди. Ёши туфайли лагерларда беш ярим йиллик укубатлари ва Освенцимдан азобланиб йўл босиб келганидан анча беҳол бўлиб қолган Густав, Эльрихнинг дўзах қозонига тушиб қолгач, унинг руҳи тушиб кетди. У мағлуб бўлишга тайёр эди, авваллари у сира бундай ҳолга тушмас эди.

Маҳбусларни тунги соат 3 да уйғотишарди. Бундай беражм эрта турғазиши сабаби тез орада маълум бўлди. Анъанавий охири

күрингесінде жарылған кейин ишчи гурухларни лагерь оркали үтадиган темирийүл тармоғига олиб бориб, поездің чиқаришар ва тоғлар остида казилған тоннелларда иш жойлари бўлган Воффлебен кишлогига олиб боришарди.

Ҳаво оркали доимий тарзда бомба хужумларига учраётган Германия ҳарбий ишлаб чиқаришининг катта кисмини ер остига ўтказганди. Воффлебен тоннеллари – неча минглаб инсонлар ҳаёти ва кулларча меҳнати эвазига вужудга келган бўлиб, у сарда Гитлернинг энг технологик мукаммал ва ўта маҳфий куроли ФАУ-2 ракеталарини тайёрлашарди. Уларнинг жойлашган жойи авиация ангарларини эслатувчи қўл билан яратилган улкан форлар ичидаги эди. Ташқаридан тоннеллар мажмуини ўрмонлар тўсиб туради. Ичкарида олиб бориладиган барча ишлар маҳфий эди ва маҳбуслар учун дўзахнинг охириги доирасини ифода этарди.

Густавни асосий мажмуудан ғарбга томон янги тоннель кесиб қазиши гурухига қўшиб қўйишиди. Унинг гурухи асосан рус ҳарбий асиrlаридан иборат бўлиб, тоннелда темирийүл тармоғини ётқизиш бўйича оғир ишларни бажаардиди. Назоратчилар билан мухандислар ҳаммани ва кўзларига кўринган ҳар бир кишини дарра билан калтаклаб, ҳақиқий кулдорлар каби ҳаракат қилишарди. Густав Бухенвальд тош конидаги даврдан буён бунга ўхшашини кўрмаганди. Лекин бу ерда янада оғирроқ эди, чунки у дўстларисиз қолган ва уларга бериладиган егулик кунига икки товоқ суюқ шўрва билан бир бўлак нонга тўшакка михланиб қолган ногирон ҳам тўймасди. Кейин нон беришни икки ҳафтага тўхтатиб қўйишиди ва улар тонг саҳардан кеч соат саккиз яримгача давом этадиган сменада факат сувдан иборат шўрва ичиб жон сақлашди. Густав исқирт жойда яшаб, икки ҳафта ичидаги қолган маҳбуслар сингари битлаб кетди.

Эльрихда СС сержанти Отто Брикман кўмондонлик қиласди; у нафақат маҳбусларга азоб бериб хузурланувчи садист, балки ҳеч вақога ярамас раҳбар ҳам эди. Дора-Миттельбау лагери кўмондонлиги Эльрихдан чиқиндиҳона каби фойдаланиб, барча ярамас ходимларни ва омон қолиш пешонасига ёзилмаган асиirlарни ўша ёкка юборишарди. Кечки йўқламада асиirlар ўлар ҳолга келиб, оёқда туролмай қолган кезда, Брикман майдондаги уни ўтқир тошлар устига ётиб бадантарбия қилишга мажбурларди.

Густавнинг баҳо беришича, лагерда бир кунда очлик ва оғир ишдан 50-60 киши ўларди – “ҳақиқий одам тегирмони”. Лекин унинг ичидаги нимадир аввалгидек енгилишга йўл бермасди. “Мен аранг оёқда турсам-да, – ёзарди у, – лекин энг охирги маррагача яшайман, деб ўзим билан ўзим шартнома туздим. Ҳинд озодлик учун курашчиси Гандидан ибрат олишга карор қилдим. У шундай озғин бўлса ҳам барибир яшашни давом эттиряпти. Ҳар куни ўзимга дуо қилиб мурожаат қиласман ҳам: Густль, умидсиз бўлма, тишингга тишингни қўйиб яша – эсесчи жаллодлар сени енголмайди”.

Унинг озод этилишига ишончи қоя каби мустаҳкам эди, энг муҳими, у боласи хавфсиз эканига ишонарди. “Ҳойнахой, – деб хисобларди у, – Фриц Венага етиб олган бўлса керак”.

* * *

Фриц ўз егулиги – кафтдек нон бўлаги билан кичкина товоқда шолғомли шўрвага қараб, ҳафсаласи пир бўлди. Бир кружка Эрзац – қаҳва унинг иш куни егулиги эди. Баъзан шўрвадан яна озроқ олишга муваффақ бўларди, лекин бу ҳол узоқ давом эта олмаслигини у тушунарди. У келганига бир ой ўтибди. Фрицнинг қўллари эса анча ингичкалашиб, юз ёноклари тутиб чиққанди. У ҳали ҳеч қачон ўзини шундай ёлғиз,

дўстларидан узилган ва ҳар қандай қўллаб-куватлашдан мосуво бўлган, деб ҳисобламаганди. Унга Бухенвальд билан Освенцимда омон қолишга ёрдам берган ўртоқлик ришталари бу ерда энди йўқ – у поезддан сакраганида, уларни кесиб ташлаганди.

Уни Маутхаузендан тўрт километр наридаги Гузен кишлоғидаги лагерь бўлинмасига жўнатишиди. Уни бу ерга етаклаб келган ҳодисалар занжири қайсиdir маънода жуда гаройиб эди. Германия шунчаки ўзининг мавжудлиги учун курашарди ва инсон ресурсларига жуда муҳтож эди, шу боис, лагерь комменданти СС полковниги Франц Цирайс олий иркли герман ва австриялик маҳбуслар кўнгилли бўлиб СС қаторига кирсалар, озодликка чиқишлирига хизмат қилиб эришсалар бўлади, деб эълон килди. Уларни маҳсус бўлинмага тўплаб, кийим-бош ва курол берилади ва улар одатий СС билан биргаликда Фатерлянд омон қолиши учун курашадилар.

Маутхаузен Қаршилик аъзолари учрашувида Пепи Кель ва бошқалар уларнинг одамларидан бир қисми кўнгиллилар қаторига боришилари керак, деган фикрга келишиди. Улар СС маҳбусларидан тузилган бўлинмалар бошқа маҳбусларга қарши иш кўради, деб ўйлашганди. Қаршилик аъзоларини улар қаторига киритиб, эсэсчилар режасини уларнинг ўзларига қарши кўйиш мумкин эди; ҳал қилувчи фурсатда қуролланган кўнгиллилар СС аскарларига қарши курол кўтарадилар.

Пепи тайинлаган бир юз йигирма “кўнгиллилар” орасида Фриц ҳам бор эди. У расман оқсуяк ҳисобланар, соғлом эди ва жангчи каби кўринарди. Бу гоя Фрицга маъкул келмаганди; қандайдир мақсадлар йўлида эсэс либосини кийиш ҳақидаги фикрнинг ўзи унинг кўнглини айнитарди. Бироқ Пепи қатъиятли эди, бу одамга қаршилик билдириш осон эмас эди. Веналик яхудий Фриц бир куни коммендант хонасига кириб, “ўлик чаноқ”

эсэс махсус бўлинмасига ёзилиш ҳакидаги ҳужжатга имзо кўйиб чиқди.

Кўнгиллиларни яқинроқдаги эсэс ўқув қисмига жўннатиб, у ерда ҳарбий ишга ўргатиш ва мияни тозалаш бўйича кучайтирилган дастур бошланиб кетди. Бошқалар бош мақсадга бор диққатини жамлаб, бажаришлари зарур бўлган ишларга кўниб, ўрганаётган бўлсалар, Фриц бундай иш кўлидан келмаслигини англади. У ерда ортиқ қололмайди, деган қарорга келди. У ишдан бўшашиб ҳакида ўйлашнинг фойдаси йўклиги боис, ҳайдаб юборишлари умидида майда қоидабузарликлар содир эта бошлади. Калласига ўқ отиш билан хавф солган хатарли услугуб бир неча огохлантириш ва жазоланишлардан кейин уни кўнгиллилар сафидан ҳайдаб юборишиди. У яна маҳбус бўлиб қолди ва лагерга қайтди, унинг СС даги иш бўйича кўтарилиши эса бошланмай туриб тугади.

Уни Гузенга ўзи танимаган ва дўстлашишга улгурмаган 284 ишчи мутахассислари орасига ўтказишиди. Гурух таркибига бутун Рейхдан: поляк, француз, австриялик, юонон, рус, голланд, яхудийлар ва сиёсий маҳбуслар кирганди; улар орасида электриклар, слесарь, сантехник, бўёқчи, темирчи, механик ва ҳатто бир украиналик авиация техники ҳам бор эди.

Гузен II да ўн мингга яқин маҳбус бўлиб, улар асосан тоғлардаги тоннелларда маҳфий авиация ишлаб чиқаришда ишлайдиган техник мутахассислар эди. Фрицни – Санкт-Георгендаги тоннелларда “Бергкристалл” авиация заводига хизмат қиласидиган бўлинманинг код номи – Ва III батальонига ёзиб қўйишиди. У ерда энг янги кирувчи ва бомба ташловчи Мессершмитт Me-262 учун фюзеляжлар куриларди.

Фриц ўзини жуда ёлғиз хис қиласиди. У бир вақтлар Моновицда бўлганидек, бефарқ бўлиб қолганди. У март билан

апрель қандай ўтиб кетганлигини сезмай колди; унинг хотирасида ушбу ойлар қўркинчли доф бўлиб колди.

Тоннелларда маҳбуслар озиб кетганларидан оёкларида туролмасдилар, эсэсчилар билан яшил учбурчакли назоратчиilar эса, улардан хохлаганларини осонгина ўлдириб юборишлари мумкин эди. Март ойида уч мингга яқин маҳбусларни ишга яроқсиз деб топиб, Маутхаузенга жўнатиб юбориши, у ерда улардан кўпчилиги вафот этди. Халқаро Қизил Xоч кўмитасидан лагерга юк машиналарида озиқ-овкатлар келтирилган чоғда, эсэсчилар уларни талон-тарож килиб, энг яхши нарсаларни ўзларига олиб қўйишиди, кейин эса егулик ва қуолтирилган сут солинган банкаларни тешиб, хаҳолаб кулганча асирлар тўдасига караб иргита бошлишди. Шундай бўлса ҳам, ўлим кўплигига қарамай, маҳбуслар сони фақат ошиб борарди, чунки ҳар куни Австрия лагерларидан эвакуация килинган янги колонналар етиб келарди. Улар минглаб микдорда ўлиб, мурдалари саржиндек тахланарди.

Фриц жисмонан ва ахлоқан қаттиқ ўзгарганди. Маутхаузен Гузендаги оғир ҳаёт шароитлари туфайли икки ой ичида у Санкт-Пёлтенда Вермахт казармаларини ташлаб чиқкан келишган йигитдан апрель ойи охирида қоқсуюкка ўхшаб қолганди. У бўлган жойлардан энг ёмони мана шу жой эди. Фақат қисқа вактгина уни навбатдаги саржинда мурдага айланишдан ажратиб туарди.

Қанчалик оғир бўлмасин, у енгилишни хохламасди. Тугашга яқин қолганди, ҳаётга фаолроқ тирмашган инсон уни кўра биларди. Фронт яқинлашиб келар – узоқдан артиллериянинг таниш гумбурлаши эшитилиб туарди. Америкаликлар босиб келишарди.

СС уларнинг келишига тайёргарлик кўради. Нацистлар уларнинг юксак маҳфий авиация заводи билан минглаб маҳбуслари душман кўлига тушишига йўл кўймасдилар. 14 апрелда Генрих Гиммлер барча концлагерлар коммандантларига телеграммалар юборди: “Битта ҳам маҳбус душман кўлига тирик тушмаслиги керак”. Гиммлер эвакуацияни назарда тутганди, лекин телеграммада у ҳакида ҳеч нима дейилмаганди. Маутхаузен комманданти Франц Цирайс учун унинг буйруғи кенг миқёсда йўқ қилишни билдирарди. У шуни режалаштириди ҳам.

28 апрель куни эрталаб Гузен маҳбусларини ҳаммасини лагерда қолдириб, ишга чиқармадилар. Соат 10.45 да ҳаво тревогаси сиреналари янгради. Эсэсчилар ва назоратчилар ўн минглаб маҳбусларни Келлербау тоннелларига шошириб ҳайдашди. Ичкарига улар уч кириш йўлининг биттасидан киришди.

Мазкур гранит ва бетондан ясалган қўрқинчли ғорлар анча зах ва совукроқ эди. Бундай қаттиқ тошларни ўйиб, ишлашнинг кийинлиги ва катта маблағ талаб этилган ҳамда сувга чўкиш хавфи туфайли Келлербау тоннеллари охиригача қуриб битказилмай колди ва лагерь маҳбуслари учун бомбалардан сакланадиган жой сифатида фойдаланиларди.

Фриц захда турганча, бомба ташловчилар шовқини ва портлаш гумбурлаши качон эшитилишини кутарди, бироқ ташқари жим-жит эди. У Келлербау тоннелларида биринчи марта бўлиши эди, лекин у ерда аввал бўлганлар учта кириш йўлидан иккитасига ғишт уриб, энг охирги биттасини қолдиришганига эътибор беришди. Лекин энг диққат-эътиборли маҳбуслар уларни ичкарига ҳайдаб, эсэсчи пулемётчилар кириш жойида ўз постларини эгаллаганларини сеза олмадилар. Шунингдек, маҳбуслар бир неча кун аввал мана шу охирги

кириш йўли Цирайс буйруғига кўра миналаштирилганди. Миналаштириш билан тоннеллар курилишига жавобгар фуқаро мухандиси Пауль Вольфрам шуғулланарди; унга ва ҳамкасларида, агар улар ишларини тўхтатгудек бўлишса ва маҳфийликни бузсалар, ўзлари ва уларнинг оиласларини ҳам ўлдиришларини айтишди. Вольфрам кўлида бор портловчилардан фойдаланди. Булар етмайди, деган қарорга келиб, яна бир неча ўнлаб ҳаво бомбалари билан икки юк машина сузуви миналар кўшди. Ҳаво тревогаси олдидан тунда портлаш воситаларига детонаторларни уладилар.

Энди, маҳбусларни ичкарига ҳайдаб, қочишларига йўл кўймаслик учун пулемётчилар чиқиш жойини кўриклишаётган чоғида, тоннелни портлатиш мумкин бўлар, шундан сўнг ғорга камалган маҳбуслар бўғилиб ўларди.

ОХИР ЗАМОН

Март ойининг охирларида, бир ярим ойга яқин вақт Эльрихда бўлган Густавга яна умид қайтиб, ҳали жони танасидан айрилишга хавф солмай турганида, у тузукроқ жойлашиб олди.

Уни рельслар ёткизадиган гурухдан дурадгорликка ўтказиши. Уларнинг назоратчиси Эрих исмли туппа-тузук одам эди; унинг озиқ-овқат оладиган шахсий манбалари мавжуд бўлиб, шу боис у ўз улушкини Густавга берарди – бу эса унинг учун озрок бўлса ҳам мадор эди. Афсуски, кун сайин Густав янада кўпроқ битлаб ва исқиртлашиб борарди.

У кун бўйи ер остида ишларди. Бу Данте Дўзахининг тўртинчи доирасини эслатарди: тоннелларда ишлайтган кўпчилик асиirlар ажал чегарасида турагарди, ҳали кучи борлари

нимжонлардан арзимас улушларини ҳам тортиб олишарди. Лагерда ягона етарли миқдорда бўлгани мурдалар эди ва энди канибализм (одам гўштини ейиш ҳоллари) ҳам бошланганди. Март ойида мингдан ошиқ асиirlар ўлди, яна бир минг олти юз нафар тирик қоксуякларни Нордхаузен баракларига ўлимини кутаётганлар сафига жўнатишиди.

Апрель ойида америкалик кўшинлар лагерга жуда яқин келдилар ва эсэсчилар ишларни тўхтатишиди. Эвакуацияга тайёргарлик бошланди. Ўша тундаёқ Британия авиацияси Нордхаузенга ҳаво ҳужуми уюштириб, баракларга бомба ташлаб, юзларча маҳбусларни ўлдирдилар. Эртасига тунда самолётлар яна учиб келиб, шаҳарни ер юзидан йўқотганча, ҳалок бўлганлар сонини анча миқдорда оширишиди.

Эльрих эвакуацияси икки куни эгаллади. Густав билан ҳали юришга қобил маҳбусларни юк вагонларига ортдилар. Поезд кетишга тайёрланаётган 5 апрель куни лагерни ташлаб чиқаётган энг сўнгги эсэсчи аскар ўн-ўн беш бемор асиirlарни отиб ташлади. Американинг 104-пиёда дивизияси бир ҳафта ўтгач, Эльрихга кириб борганида, у ерда битта ҳам тирик жон қолмаганди.

* * *

Густавнинг ёдига уларнинг Освенцимдан қайтаётганлари тушди. Ҳозир ҳаво ўшандагидан анча иликроқ, у бемалол ўтира олар ва ҳатто уларга егулик ҳам беришарди. Албатта, одатдаги улушдан камроқ егулик олишарди; поезднинг сўнгги озиқ-овқат ортилган вагонини қайсиdir фурсатда узиб қўйишди. Поезд нон заводи ёнида жойлашган шаҳарчада тўхтаган чоғда, озроқ енгил тортиши – британиялик ҳарбий асиirl Густавга икки кило нон билан жавдар унидан ёпилган кулча узатганди, у яқин ўртоклари билан кейинги уч кун бир амаллади.

Поезд Германиянинг узок шимол томонига ичкарилаб борар, Ганновердан ўтиб, 9 апрелда Берген шаҳарчасига етиб борди, бу ерда маҳбусларни Берген-Бельзен концентрацион лагерига туширдилар.

Германия атрофида душманлар доираси тобора сиқилиб борар ва Гиммлер тирик қолган маҳбусларни охиригача тутиб туришга қарор килганди. Улар сўнгти хизматларини гаровга олингандар сифатида бажаришлари керак эди. Берген-Бельзен Германия худудида сакланиб қолган энг охирги концентрацион лагерлардан бири эди. Густав етиб борганида, атиги бир неча минг кишига мўлжалланган лагерь хаддан зиёд тўлиб кетганди ва ҳар ойда минглаб очлик ва касалликлардан ўлганларга қарамасдан – февралда етти минг, мартда ўн саккиз минг, апрель бошларида тўkkиз минг, – ундаги маҳбуслар сони олтмиш мингдан ошганди ва бу одамлар тўхтамаётган тиф эпидемияси билан саржиндек тахланган мурдалар орасида яшарди. Айёр Гиммлер уларнинг ҳаётини саклаб қолаётганини таъкидларди.

Мана шу лик тўлиб кетган инсонлар қозонига Густавни ва бошқа омон қолган Эльрих маҳбусларини олиб келишди. Кўплар йўлдаёқ бардош беролмай, жон беришганди ва энг охира поезддан энди одатга айланиб қолган жасадлар тоғини туширишарди. Тириклар станциядан лагерга пиёда юриб боришаётгандан, бир вактнинг ўзида кўркинчли ва ғаройиб ҳодиса рўй берди. Худди ўша йўналишда яна бир арвоҳсифат кишилар колоннаси кетиб борарди; бу жуда озиб, қийналиб кетган эркак, аёл ва болалар – венгер яҳудийлари экан. Эльрихдаги кўпчилик маҳбуслар ҳам венгер эдилар ва улар Густавни ҳайратга солиб, қўшни колоннадаги ўз яқинлари ва дўстларини таниб қолишли. Улар сафни бузиб, исмларини баланд овозларда айтиб чақириб, бир-бирларига отилиб, кучоклай кетишди. Оналар, оталар, болалар узок муддат айрилиб ва ўз яқинларини ўлган деб

хисоблаб юрган кишилар тўсатдан Бельзен йўлида уларни яна учратдилар. Манзара бир вақтнинг ўзида қувончли ва даҳшатли эди, Густав буни таърифлаш учун сўз тополмасди: “Бунга ўхшаш бирлашишни фақат тасаввур килиб кўринг”. Унинг ўзи Тини, Герта ва Фриц билан кўришиш учун бор нарсасини берган бўларди. Лекин фақат бу ерда эмас, айнан шу жойда эмас.

Хеч қандай боғланишлар, хеч қандай мўлжаллар, хеч қандай аникликлар қолмаганди: ҳатто лагерь тизими ҳам қулаб бўлганди. Бельзен шу қадар тўлиб кетгандики, Миттельбаудан келган ўн беш минг одамни жойлаштиришга жой йўқ экан. Эсэс соқчилари уларни Бельзен билан Хоне орасидаги Вермахтнинг бронетанк ўкув қисмига жойлаштиришга қарор қилишди. Унинг казармалари Бельзен II дея номланган, транспортларга ҳамроҳлик қилган СС капитани Франц Хёсслер қўмондонлиги остида ёрдамчи концентрацион лагерга айланди. Ияги олдинга туртиб чиқсан ва оғзи осилиб қолган башараси совуқ бу одам Миттельбауга қадар Освенцим-Биркенауда аёллар бўлимида хизмат қилган бўлиб, одамларни танлаб ажратиш ва газ камераларида қатл қилишда иштирок этарди, шунингдек, ўз қўли билан сон-саноқсиз қотилликлар содир қилганди. Айнан Хёсслер Моновиц исловатхонасига “кўнгиллиларни” танларди.

Ўкув қисми ташки кўринишдан маҳбуслар одатланиб қолган шароитларга нисбатан анча тузукроқ эди: оппоқ ва тоза, кенг бинолар ўрмон орасидаги бетонлаштирилган майдончалар атрофида туради. Вермахт ходимлари -- ўша вактда венгер аскарларидан иборат эди – эсэс соқчиларига ёрдамлашардилар.

Егулик улушлари сифатлари тузукроқ бўлса ҳам, лекин микдори ниҳоятда кам эди. Густав билан ўртоқлари картошка ва шолғом пўчокларини топиш учун лагерь ошхонаси ёнидаги чиқинди солинган чепакларни кавлашларнга тўғри келарди –

“нима бўлса ҳам, фақат очликни салгина пасайтириш учун”, деб ёзарди у ўз кундалигида.

Шунча йиллар мобайнида лагерларда умрини ўтказиб, у ҳеч қачон бундай тор жойда яшамаганди ва бундай катта кўламдаги очликни сира кўрмаганди. У Бельзенда бошидан кечирган кўргиликларидан кейин унинг ўз кучига ишончи сусайиб қолди. унда қандай ўзига хослик бор? Нима учун бошқа миллионларча одамлар уддалай олмаганларида, у омон қолишни умид қиляпти?

Венгер аскарлари шафқатсизликда эсэсчилардан сира қолишмасдилар. Улар худди эсэсчилар каби ўз ихтиёrlари билан истаган вактда маҳбусларни отиб ташлайверишарди. Улар ўзларининг асосий вазифалари ошхоналарни кўриклиш деб ҳисоблар ва бараклар орасидаги майдончада туриб олганча, қолган-кутган озиқларни топиб ейишга чоғланган маҳбусларни шартта отиб ташлашарди. Айримлари нацизм ишига жумбокли садоқат сақлашарди: биттаси яҳудий аёлга нацистлар унинг ҳалқини буткул кириб юборишга улгуролмаганидан афсусланаёттанини, лекин Гитлер албатта қайтади ва “биз яна елкама-елка жанг қиласиз”, – деб айтиби.

Бельзен II даги биринчи тунида Густав бинонинг юқори қаватида соқчиликда турарди. У жанубда осмон қандай тўқ сариқ рангта кирганини кўрди. Афтидан, қандайдир шаҳар, эҳтимол, таҳминан йигирма километр наридаги Целле ёнаёттандир. Бироқ шу пайт унинг кўз ўнгидаги портлашлар ярқиради – бу бомба ҳужуми эмасди. Фронт яқинлашарди.

Густавнинг руҳи кўтарилиб кетди. “Озод қилувчилар тез орада келиб қолишади – менга ишонч ҳам қайтади, деб ўйлайман. Худойим бизни-бенасиб этмаслигини ўзимга эслатавераман”.

Икки кун ўтгач, 12 апрелда Вермахтнинг маҳаллий раҳбарлари Британия кўшинлари билан музокарапаларга киришиб,

Берген-Бельзенни тинч йўл билан топшириш ҳакида келишиб олишди. Тиф касаллиги тарқалиб кетмаслиги учун лагерь атрофидаги бир неча километр жойни нейтрал худуд, деб тан олишга қарор килинди.

Густав баракларда кўпгина венгер аскарлари нейтралитет тимсоли сифатида оқ матолар боғлаб олишганига эътибор берди. Ҳатто айрим эсэсчилар ҳам – жумладан, Густав Освенцимдан “қонли итлардан” бири бўлган, лагерь бошлиғи СС капрали Зоммер ҳам худди шундай қилди. Афтидан, маҳбусларни қон тўқмасдан британияликлар тасарруфига ўтказишмоқчи эди. “Энг керакли вақт эди, – деб ёзарди Густав, – чунки СС бизга Варфоломей тунини ташкил қилиб, ҳаммамизни кириб ташламоқчи эди, бироқ венгер полковники бунга кўнмади ва шу боис бизни тинч кўйишга қарор қилишди”.

14 апрелда Густав узоқдан Британия танкларини кўрди. Янгилик ўша заҳоти баракларга тарқалиб, ҳаммани жуда севинтириб юборди ва байрам эрталабгача давом этди.

* * *

Капитан Деррик Сингтон Винзен орқали кетиб бораётган танклар колоннаси шовқини остида бор кучи билан бақиришга уринарди. У 23-бронетанк бўлинмасига ниҳоят етиб олганидан кейин, у ердаги разведка бошлиғини излаб топди ва ўзининг ўзгача вазифаси ҳакида унга ахборот бермоқчи эди, бироқ бунга оғир техника гумбурлаши қаттиқ халал берарди.

Деррик Сингтон ҳарбий разведка 14-қўшимча взводига кўмондонлик қиласарди. Овозкучайтиргич ўрнатилган енгил юк машиналари билан таъминланган унинг взводи ахборот тарқатиш ва ташвиқот олиб бориши зарур эди. Сингтон Берген-

Бельзен лагери атрофидаги нейтрал худудни қўриклиши керак бўлган 63-танкларга қарши полк колоннасига қўшилишга буйруқ олганди. Махбуслар – ёки расман “интерналанганлар” дея номланганлар – инфекция тарқалиш хавфи туфайли бу худудни тарқ этишлари тақиқланганди. Капитан Деррик Сингтоннинг асосий вазифаси лагерга этиб бориб, асиirlарга керакли эълонларни билдиришдан иборат эди. У олмон тилини билгани боис, шунингдек, нейтрал худудда қўмондон этиб тайинланган 63-полкдаги полковник Тейлор ёнида таржимонлик ҳам қиласади.

Бронетехника ғижирлаши ва моторлар шовкини туфайли овоз эшитилиши учун овози бўғилгудек қичқирган Сингтон буларнинг ҳаммаси ўз танки минорасидан бошини чикариб, кулоғига қўлларини воронка килган танкчилар зобитига тушунтириди. У бош иргади ва Сингтонга колоннада жой эгаллашини айтди. Деррик Сингтон ортига қайтиб, ўриндиқка сакраб чикиб, хайдовчига қўл силкитда ва улар танкларга қўшилганча, йўл бўйлаб кетишли.

Винзен ортидан колонна очиқ жойга чиққач, қуюқ арчазор бошланди, ўтқир арча дараҳтлари ифори бадбўй тутун иси билан аралашиб кетганди. Пиёдалар германлар танкка қарши тўпларга дуч келиб қолмаслик ёки снайперлар ўқига гирифтор бўлмаслик учун ўрмон осларини оғнемётлар билан ёқишарди.

Тез орада йўлда “ХАВЛИ – ТИФ” деб ёзилган биринчи огоҳлантирувчи белгилар пайдо бўлди. Икки нафар олмон сержанти унга жуда расво инглизчада битилган мактубни беришли, унда Берген-Бельзен коменданти билан учрашувга уни таклиф этишарди.

Йўл шарқка бурилди ва Деррик Сингтон тўғри ўрмонда қўрикловчи миноралари бор тиканли симдан баланд тўсикли лагерни кўрди. Дарвоза олдида уни – кичикроқ гурӯҳ – бошдан

оёқ кўркам форма кийган душман зобитлари кутиб олишди: кимдир Вермахтнинг кулранг формасида, башанг либосда венгер капитани ва юзида чандиги бор, маймунсифат жағли йўғон СС зобити собиқ коменданнт, СС капитани Йозеф Крамер эди.

Улар ҳаммаси то полковник Тейлор етиб келишини кутгунларига қадар, Сингтон Крамер билан сұхбатта киришди. У лагерда қанча маҳбус борлигини сўради; Крамер қирқ минг ва йўлдан нарирокдаги иккинчи лагерда яна ўн беш минг маҳбус борлигини айтди. Хўш, бу қандай асиirlар? “Одатдагидек, жиноятчилар ва бачабозлар”, – дея жавоб берди Крамер, инглизнинг кўзига қарамай. Сингтон индамади, бироқ, кейинрок “Жавоб тўлиқ бўлмаган дея ўйлаш учун барча сабаблар” борлигини белгилаб ўтганди.

Яхшиямки, уларнинг сұхбати полковник Тейлор Жипи пайдо бўлиши билан узилди. У Симптонга лагерга кириб, ўз эълонларини эшигтиришини буюрди. Ўзи эса, Бергенга қараб кетди. Сингтон таклифига кўра, Крамер у билан бирга овозкучайтиргичли юқ машинасига чиқиб олди ва улар дарвозадан ичкарига киришди.

Сингтон концентрацион лагерь ичкаридан қандай кўринишини тасаввур этишга кўп бор уринганди, бироқ у хаёлига келтирган жойга сира ўхшамас экан. У ерда марказ бўйлаб йўл кетган, иккала тарафдан эса – алоҳида секциялар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бараклар туради. Ҳар ёқда “тўнг иси” анқир, Сингтонга “ҳайвонот боғида маймунхонадаги бадбўй ҳид”ни эслатарди. Ҳаяжонланиб кетган маҳбуслар “тиканли сим тўсиклари ёнида тўпланиб олишди... бошлари кирилган ва уларни ўзаро фарқлаб бўлмайдиган йўл-йўл асиirlар пойжомасида эдилар”. Сингтон Нормандиядан бошлаб озод этувчиларнинг ҳаяжонли учрашувларига бир неча марта гувоҳ бўлганди, бироқ мана бу бир вақтлар поляк зобитлари, украин

дехқонлари, будапештлик шифокорлар ва фаранг талабалари бўлган даҳшатли кийимдаги қоксуяклар арвохларнинг олқишилари шунчалар таъсири эдики, мен кўз ёшлиаримни базур тийиб турадим”.

У вакти-вақти билан машинани тўхтатиб, овозкучайтиргич орқали лагерь британияликлар бошқаруви остида карантинда эканини СС энди уларнинг назоратини топширгани ва кетаётгани: венгер бўлинмалари Британия армияси кўмондонлиги остида колаётгани; тиф тарқали хавфи туфайли маҳбуслар нейтрал ҳудудни тарқ этишлари тақиқланиши; егулик ва дори-дармонлар йўлда олиб келинаётгани ва лагерга иложи борича тезроқ етказилишини эълон киларди.

Хурсанд бўлиб кетган маҳбуслар бараклардан чиқиб, юк машинасини куршаб олишди. Крамер хавотирга тушди ва венгер аскари маҳбуслар бошлари узра ўқ ота бошлади. Сингтон машинадан иргиб тушди “Отишмани тўхтатинг!” – дея буюрди. У ўз тўппончасига ёпишаркан ва аскар миљигини туширди. Бирок ҳали унинг буйруғигача Сингтонни хайратда қолдириб, дарралар билан куролланган маҳбуслар кийимидаги бир неча киши тўдага ташланиб, ҳаммани шафқатсизларча калтаклай кетишиди.

Бош дарвоза ёнига қайтишгач, Сингтон Крамерга деди:

– Сиз бу ерда ҳақиқий дўзах ташкил этибсиз.

У ўша қисқа учрашувда фақат озрок омон қолганларни кўрганди ва бир неча кундан кейингина, ниҳоят, оммавий кўмилган жойлар, крематорийлар ва мингларча ялангоч, очликдан қоксуяк бўлиб қолган жасадлар тахламларини кўрди.

У дарвозадан чикқач, ўз эълонларини тақрорлаш учун иккинчи лагерга қараб бурилди.

Густав узокда танкларни кўрганидан бўён бир кун ўтди. Ниҳоят, Британия колоннаси лагерь ёнидан Бергенга борадиган асосий йўлга кириб келди. Ҳозирча ҳеч нима рўй бермади, кейин иккинчи лагерда овозкучайтиргичли машина пайдо бўлди. Маҳбуслар хурсанд бўлиб, шовқин солганча, британиялик зобитни кутиб олиб, унинг атрофига эълонларни эшитиш учун тўпланиб олишди.

Лагер II асиirlари, гарчи жуда озиб кетган бўлсалар ҳам, асосий лагердан кўра тузукроқ ахволда эдилар. Уларда куч ва ғазаб колганди. Капитан Сингтоннинг юқ машинаси кетиши билан Линч суди бошланди.

Ғазаб устида ёнган ва ўзаро бирлашиб, кучга кириб кетган юзларча эркаклар уларни таҳқирлаганларни ушлаб олишарди. Мехрибон, раҳмдил Густав СС соқчилари ва яшил учбурчак таққан бараклар бошликларини қандай осаётганлари ва уриб ўлдиришаётганини кўриб турарди. Унинг кўзи остида Освенцим-Моновицдаги камида икки нафар қийноққа солган золимни ўлдиришди. У эса, уларга на раҳми келди ва на ачинди. Венгер аскарлари аралашишга уринишмади. Ўша оқшом интиқом олиб бўлингандан кейин, тирик қолган эсесчиларни ўз қўллари билан жасадларни кўмишга мажбур қилишди.

Британияликлар аста-секин лагерни ўз назоратларига олишди: барча тирик қолган маҳбусларни ўз миллатларига ажратганча, рўйхатга олишди; Берген-Белзен номи ўзгартирилди. Густав венгер яхудийлари билан қолди; улар орасида кўпгина меҳрибон дўстлари пайдо бўлди ва улар уни хонада бошлиқ қилиб кўйишли.

Бу озодликка чиқариш ва барибир озодлик эмас эди. Уларни энди СС бошқармасди, британияликлар лагерга озиқ-овқат, дорилар келтиришарди. Асиirlар яхши овқатланишарди, улар

саломатликлари аста-секин тикланарди (гарчи асосий лагердаги маҳбуслар шундай ёмон ахволда эдиларки, улардан мингларча киши озод этилгандан кейин вафот этишди). Шундай бўлса-да, улар асир бўлиб қолишарди. Венгер аскарлари британияликлардан ҳеч кимни чиқариб юбормасликка буйруқ олишганди ва уни аниқ бажаришарди. Лагер II карантинни фақат профилактика учун йўлга кўйиши; у ерда тиф йўқ, маҳбусларни кўриклишга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Густав шунчага йиллардан кейин энди яна озод бўлишни орзу қилиб, юраги ҳаприқарди.

Бельзен озод этилгани ҳакида газеталар бутун дунё бўйлаб хабар тарқатишарди; у ҳакда радио орқали барча янгиликларда маълумот беришарди. Бутун Европадан, Белгия ва Америкадан асиirlарнинг қариндошлари нималарнидир билиш умидидаги хатлар ёзишарди. Баъзан капитан Сингтоннинг машинаси Лагер II да айланиб, овозкучайтиргич орқали оиласи излаётган кишилар исми шарифларини эълон киларди.

Густав Эдит билан Курт ҳакида ўйларди. У кизини 1939 йил бошидан буён, унинг Англияга кетганидан бери кўрмаган эди ва ундан уруш бошлангандан кейин ҳеч қандай хабар келмаганди. Куртдан 1941 йил декабридан бери хабарлар йўқ эди. Густав Эдитта хат ёзиб, ўз маълумотлари ва барак рақамини кўрсатди ҳамда уни бошқа маҳбусларнинг мингларча мактублари билан биргаликда – Британия маъмурияти орқали жўнатди. Асосий лагерда тибиёт ходимлари иложи борича кўпроқ одамлар ҳаётини асраб қолиш учун кечаю кундуз курашарди. Мазкур жой бу ерга келиб қолган ҳар қандай одамни ҳайратга соларди. Мингларча таналар ерда ётар, улар орасида гўё соялар каби чала ўлик ва чала тириклар ҳаракатланиб юришарди; улар гўё ходалар устидан ўтгандек мурдалар устидан ҳатлаб ўтиб, топган егуликларини еб олишга уринишарди. Лагерда ўнлаб метр узунликда чукур ўралар қазишарди. Эсесчиларни собик

маҳбуслар қарғиши ва ҳақоратлари остида жасадларни кўлларида кўтарганча ташиб, чуқурга ташлашга мажбур қилишарди; баъзи соқчилар ўрмонга қочишга уринишар, бироқ уларни отиб ташланар, уларнинг ҳизматдошлари эса, мурдаларни лагерга қайтиб ташиб келиб, ўз қурбонлари ёнига ташлашларига тўғри келарди. Охир-оқибат бу масалани ечиш осон бўлмади; жасадлар ҳаддан зиёд кўп бўлгани боис, уларни чуқурларга бульдозерлар билан суриб кўмишга тўғри келди. Ҳаммасини кўмиш учун деярли икки ҳафта кетди.

Тирик қолганларни Лагер I дан госпиталь учун қайта жиҳозланган Лагер II нинг тоза, мустаҳкам казармаларига ўтказиши. Асосий лагердаги исқирт яrim вайрона ёғоч бараклари бўшаб қолиши билан уларни олов пуркагичлар билан ёқиб юборишиди.

Ёрдамчи ходимлардан бўлган инглиз ҳамшираси бундай лагерлар 1934 йилдан буён мавжудлигини билиб, бу лагерлар аслида қандайлигини ўзи тасаввур ҳам қилолмай, виждон азобида қандай қийналганларини хотирларди. Ҳамшира билан унинг ҳамкаслари “биринчи навбатда уларнинг пайдо бўлишига жавобгар кишиларга, олмонларга қарши адолатли ғазаб билан ёнишарди, бу ғазаб Бельзенда кун сайин тобора кучайиб борарди”. Улар таҳкирлашлар ва қадрини ерга уришлар кўп маҳбусларни жониворлар аҳволига тушиб қолганларидан, улар овқат талашиб, бир-бирлари билан уришишларига ҳайрон қолишганди.

Асосий лагердан келган маҳбуслар оқими Густав билан Миттельбауда тирик қолган бошқалар учун хавфли бўлиб қолди: улар тиф манбаалари ёнига тушиб қолишганди. Беморлар жойлашган бинолар қўриқланарди, лекин уларнинг шу ердалигининг ўзи инфекциянинг баракларга тарқалиш хавфини кучайтиради.

Густав бу чидаб бўлмас, даҳшатга солувчи жойдан тезрок кетишини орзу киларди.

Озод этилганларидан кейин ўн кун ўтгач, репатриантлар билан тўлган илк транспортлар жўнаб кетиши учун рухсат олиши: улар фаранглар, бельгияликлар ва голландияликларни олиб кетишиди. Уларнинг уйлари сари йўл мамлакатнинг озод этилиши орқали ётарди. Илгари Германия, Австрия ва бошқа жойларда яшаган кишилар, у жойлар ҳарбий харакатлар ҳудуди ёки ҳозиргача нацистлар эгаллаб тургани туфайли, кутишлари зарур эди. Густав транспортлар қандай жўнаб кетаётганини ҳавас билан кузатарди ва охир-окибат унинг сабри тугади. Бу аҳмоқона кўринса ҳам майли, Австрия ҳали озод бўлмаган бўлса ҳам майли, у уйга йўлни топа олиши ва унга ҳеч нарса халал бермаслигини биларди. У Фриц Венада уни пойлаб ўтирганига ишонарди. Густав зудлик билан ортга, ўғли ёнига қайтиши керак эди. Ҳархолда, қамоқдан халос бўлишга эришди.

30 апрель душанба куни эрталаб у фурсат пойлаб, йўлга тушди. Ўзининг кам сонли нарсаларини йигиштириб, озрок егулик олиб, Густав баракдан чикди ва бетонлаштирилган майдон орқали йўлга чиқди. Бироқ қўлида милтиқ тутган венгер аскари унинг йўлини тўсди:

- Сен қаерга отланиб қолдинг?
- Уйга, – деди Густав. – Мен кетяпман.

У аскарнинг кўзида худди юзларча СС соқчиларида кўрган учкун – яхудий маҳбусга нисбатан антисемит нафратни кўрди.

Икки ҳафта аввал венгерлар нацистлар томонида жанг қилишарди. Густав уни айланиб ўтишга уринди. Аскар милтигини кўтариб, кўндоғи билан унинг кўксига урди. Густав хириллаб қолиб, йиқилай деди.

— Яна бир қадам юрсанг, сени отиб ташлайман, — деди аскар.

Густав ким сўзида туришини билиш учун етарлича кўпни кўрганди: бу сўзида туради. Кошиш амалга ошмади, у яна тузокда эди.

Кўллари билан зарба тушган кўксини ишқаганча, у ўз блокига қайтди. Бельзендан чикиб кетиш у ўйлаганидан кўра мураккаброқ экан. Густав яна бир веналик, тезроқ уйга қайтишни орзу қиласётган Йозеф Бергер билан вазиятни муҳокама қилди.

Ўша оқшом улар иккови секингина баракдан чикиб, сокчиларга қараб-қараб, атрофда айланиб юра бошладилар. Нихоят, узоқ кутилган сокчилар смена алмашадиган фурсат етиб келди; аскарлар чалғиб қолишли ва Густав бинан Йозеф фурсатдан фойдаланиб, кочиб қолишли – бу сафар йўлдан эмас, балки лагернинг шимоли-ғарбий четига туташган ўрмон йўналишида кетишли.

Улар венгерча кичқириб ва милтиқдан отишма товушларини эшигланиларида, икки қоровул миноралари оралиғида эдилар. Ўқлар уларнинг бошлари устидан визиллади. Яна ўқ узилгани янгради ва иккови шошиб ётиб олишли. Ўқлар уларнинг ёнларидан ерга тегиб визиллади. Густав билан Йозеф олдинга эмаклаб кетишли. Отишма бир муддат тўхтаганида, улар дараҳтлар орасидан ўрмон тарафга югуришли. Лагернинг руслар кисмидан ўтгач, қочоқлар узоқ четдаги қалин бутазор ичига кириб қолишли.

* * *

Келлербау гори шифтидан томаётган муздек томчилар дақиқа кетидан дақиқани санар, лекин на самолёт, на портлашлар илгаригидек эшигилмасди: Фрицга фақат маҳбусларнинг бўғик нафаслари билан шивирлашлари акс-садолари эшитиларди.

Вақт ўтарди. Ташқарида кўриклаб турган СС пулемётчилари портлаш қачон содир бўлишини кутишарди.

Дақиқалар соатларга куйиларди. Йўкламаларда узок туришга ўрганган асиirlар унча хавотирланишмасди. Эҳтимол, шунчаки ёлғон тревогадир. Яхши томони, ишга боришнинг ҳожати йўқ. Улардан кўплари уларни шундай узок муддатга тоннелга ҳайдаб киришларининг асл сабабини ҳеч қачон билишмасди ҳам.

Энг асосий ҳодисалар уларнинг бошлари узра содир бўлаётган эди. Бироқ улар охиригача аникланмаганича қолди.

Тоннелга кириш йўлида қўйилган зарядлар портламади. Кейинроқ бош муҳандис Пауль Вольфрам нацистлар фармойишларини атайлаб бажармагани ва ўз одамларига бомба ва миналардан портлагичларни олиб ташлашни буюрганини айтади. Бироқ бу нима сабабдан қолган портлагичлар ишламаганлигини тушунтиrmайди. Комендант Цираис бу вақтда ўлардай маст бўлган – энг бошидан бери бу фикрнинг самарали эканига шубҳа қилганини таъкидларди. Бироқ тирик қолганлар орасида бир поляк маҳбуси, электрик Владислав Палонка детонаторлар симларини топиб, уларни кесиб ташлабди, деган мишишлар ҳам тарқалди.

Эрталаб соат тўртда харакатлар гўхтатилишига сигнал берилди ва маҳбуслар, ўзлари ҳам билмаган ҳолда, ўз ўлимлари сари кирган тоннелдан ташқарига чўзилишиб чиқиб, лагерга қайтишиди. Детонатор ишлаб қолганида, тоннелда йигирма мингдан кўпроқ одам ўлиб, бу – Европа тарихида бир вақтнинг ўзида содир бўлувчи энг оммавий қотилликлардан бири бўларди.

Йўклама ва иш билан одатий кун тартиби тикланди, лекин кейин 1 май сешанба куни маҳбусларни лагерда қолдиришиди. Фриц СС чилар январь ойи ўрталарида Моновицда худди шундай

кайфиятга тушиб колганларини хис киларди. Бирок бу сафар ваҳима анча кучли эди. СС нинг дархол югуриб борадиган Рейхи қолмаганди. Маутхаузендан эвакуация қилинадиган жой йўқ эди.

Икки кундан кейин лагердаги барча соқчилар ғойиб бўлишди. Ашаддий нацистлар сўнгти томчи қонлари қолгунга қадар ўз ерларини ҳимоя қилиш учун тоғларга чиқиб кетишиди; қолганлар эса, формаларини ечиб, шахарларда энди фуқаро ахолиси орасида яширинишга уринишарди. Маутхаузен-Гузен кўмондонлиги Люфтваффе – маъмурий бошқарувини расман фуқаролик полициясига топширди. Улар ёрдамга аъзолари 1944 йилда сиёсий маҳбуслар сифатида лагерга тушган Вена ёнғин ўчириш бригадаси бўлинмасини чакиришди.

Жанубдаги америкалик, британиялик, поляклар, хиндолар янги зеландияликлар ташкил топган армия билан бир яхудийлар бригадаси Италия билан Австрия орасидаги чегаралари худудида тоғларда босиб хужум уюштиради.

Шарқда Қизил армия 6 апрелда Австрия чегарасини кесиб ўтди ва Венани қуршаб олди. Шаҳарда қолган Германия қўшинлари уни ортиқ ҳимоя қилолмай қолишиди ва қуршов унча узок давом этмади. 7 апрелда совет қўшинлари ички шаҳар жанубий қисмига кириб, уч кундан сўнг эса, олмонлар Леопольдштадтни эвакуация қилишиди. Дунай устидаги кўприклар кўлга олинди, 13 апрелда эса, СС нинг сўнгги бўлинмалари қуролланган Венадан чиқиб кетишиди. Гитлерча плебисцит ва Аншлюс ҳақида эълон қилинган кундан етти йил ўтди. Гитлернинг ўзи ҳозир Берлиндаги бункерида ўтиради. Унинг буюк Рейхи эса қони оқиб турган кичкинагина бир парча ергача сикилиб кичрайиб қолди.

Иттифоқчилар бир вақтнинг ўзида шимоли-гарбий томондан ҳам хужум қилишарди. 27 апрелда америкалик

қўшинлар Бавария худудида Дунайдан кесиб ўтишди. Паттон ўзининг XII корпусини Австрияга, дарёдан шимолга юборди. У герман қўшинларининг шафқатсиз қаршиликларига учради, улар ашаддий ғояларига содик қолиб, кочокларни йўл чеккасидаги дараҳтларга осишарди. Дунай водийсида хужумга кирган америкаликлар авангвардида 41-кавалерия эскадрони патрули ва 55-пиёда батальонининг взводларидан бири борарди. Улар Гинцни ғарбдан айланиб ўтиб, Санкт-Георген ва Гузенга етиб бориб, у ерда биринчи марта концентрацион лагерларни кўришиди.

Маутхаузен билан Гузен Берген-Бельзенга нисбатан янада кўрқинчлироқ экан. Бу йўқотилган концентрацион лагерлардан маҳбусларнинг охирги қолдиклари йиғиладиган жойлари эди. Маутхаузенда ўлим ҳолати ҳар ойда тўқкиз минг ва ундан ортикка етди. Америкалик озод килувчиларни олқишилаган тирик мурдалар ўн мингларча кўмилмаган, бир қисми кўмилган ва бир қисми ёқилган жасадлар орасида айланиб юришарди. Аскарларнинг лагерда эсида қолган энг асосий нарса – бадбўй ис эди.

“Ўликлар билан ўлаётгандан, ниҳоятда ориклаб кетган маҳбуслардан тараалаётган бадбўй ҳид, эсларди зобитлардан бири. О, ҳа, айнан ҳид, аниғи, ўлим лагерининг сассиги бурнимизда ва хотирамизда ўрнашиб қолганди. Мен Маутхаузен қандай сасиганини доимо ёдимда тутаман”.

Америкалик юлдузлар тасвири туширилган, зайдун-яшил рангли, жангларда анча униккан танклар лагерь худудига кириб борди. Гузен I да сержант ўзининг “Шерман” танки минорасидан бошини чиқариб, озиб кетган асиirlарга инглизчада: “Оғайнилар, сизлар озод бўлдингиз!” дея қичқирди. Тўда ичидан ҳар хил тилларда олқишиловчи хитоблар янгради. Олмон сокчиларига

кўмондонлик қилувчи Фолькштурм зобити эса, сержантга ўз куролини топширди.

Кўшни Гузен II да Фриц америкаликларнинг етиб келишидан енгил тортиб ва хотиржам кузатиб туар, лекин жуда ҳам хаяжонланмасди. У нихоятда нимжон ва тантана килиш учун кайфияти тушкун ахволда эди. Лагерга келганида, унинг ахволи унчалик яхши эмасди. У ерда уч ойни ўтказди, энг кучли асиirlар ҳам тўрт ойга базур чидашарди. Лагер муддати охирида Фриц тери копланган қоксуюкка ўхшаб қолганди, унинг қийналиб кетган танаси моматалоқ бўлиб, яралар билан қопланганди. Маутхузен-Гузенда унинг ҳақиқий дўстлари йўқ, фақат ўзи каби қийналиб, азобланганлар бор эди. “У ерда мени буткул йўқ килишди, – деб ёзарди у кейинчалик. Фриц шу даражада мажолсиз ва бемор эдики, уйи бор бўлган тақдирда ҳам, кетолмаган бўларди. У ҳаммадан кўпроқ отасини соғинарди. Бироқ унинг қаердалиги ва унга нима бўлгани ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасди.

* * *

Тахминан бир километрдан кейин Густав билан Йозеф бироз тин олиш учун тўхташди. Улар қулок солиб туришди, бироқ ортларидан ҳеч қандай кувишни сезишмади: атрофда қушлар сайрап ва ўрмон шовулларди. Кочоклар ҳолдан тойиб, ерга кулашди. Густав боши узра осмонга қараб, арча ифорига тўлик ҳавони чукур симиради. Мана шу ёлғиз ифордан унинг қалби кувончга тўларди; бу озодлик ифори эди. “Нихоят озодман, – ёзарди у ўз кундалигига. – Атрофимдаги ҳаво шунчаки тасвирлаб бўлмас даражада ажойиб”. Кўп йиллар давомида биринчи марта атрофига ўлим, оғир меҳнат ва ювуқсиз одамлар танаси ҳидлари таралмасди.

Лекин улар барибир хавфсиз эмасдилар. Фронт чизиги Шарқдан ўтарди, шу боис Густав билан Йозеф ҳозирча ватанга орка ўгириб, Шимоли-ғарбга, ўрмон ичкарисига кетишларига тўғри келди.

Улар кечки пайт олдинга юриб, ўрмон орасида қолиб кетган олмон кишлокларидан ўтиб бордилар, у ерда ёрдам олишларига кўзлари етмади. Нихоят, йигирма километрга яқин масофани юриб ўтиб, улар Остерхайде қишлоғига етиб боришиди. У ерда ҳарбий асиirlар учун Шталаг XI лагери жойлашганди – британияликлар уни Бельзендан кейин эртаси куни озод қилишган эди. Лагер анча олдин эвакуация қилинган бўлиб, у ерда факатгина рус асиirlари қолганди. Улар веналикларни қабул қилиб, егулик ва ётиш учун жой беришиди.

Эртасига эрталаб Густав билан Йозеф кочоклар ва аскарлар тўлиб кетган Бад-Фаллингбостель курорт шаҳарчасига етиб боришиди. Улар Британия ҳокимиyатига мурожаат қилишди. Бироқ улар ҳозир хеч қандай ёрдам беролмасликларини, улар лагерлардан бирида бўлишлари кераклигини айтишиди. Қочоклар олмон мэри қабулида каттароқ муваффақиятга эришдилар: уларни маҳаллий меҳмонхонага жойлаштириб, егулик улуш тайинлашди.

Густав ўзига ўша ерлик Брокман деган мебелчининг қўлида қопламачи бўлиб вақтинчалик иш топди. Маоши етарли, етти йил ичиди у билан энди тўла ҳукукли фуқаро сифатида муносабатда бўлишарди. У бошидан кечган қийинчиликлардан кейин ўзига кела бошлади. У меҳмонхонадаги ўз хонасида энг бошидан буён унга ҳамроҳлик килган яшил ёндафттарчасини қайта ўқишига киришиди. Биринчи саҳифасида: “1939 йил 2 октябрда икки кун поездда юриб Бухенвальдга етиб келдим. Зеймар вокзалидан лагерга югурганча бордик...” деган ёзув борди.

Унинг лагердаги ҳаёти ҳакидаги ёзувлари шундай бошланарди. Энди у озодликдаги ҳәётини ёза бошлади.

“Нихоят, мен эркин инсонман ва истаган нарсани қила оламан, –ёзарди Густав. – Ҳозир мени қийгаётган ягона нарса – бу оилас ва уйим ҳақида ҳеч қандай маълумотларнинг йўқлиги”.

Ўзи ва Ватани орасида тўсик бўлиб турган нацистлар режими қуламагунча ушбу фикрлар уни бундан кейин ҳам азоблайди.

УЙГА ЭЛТУВЧИ УЗОҚ ЙЎЛ

Эдит дераза ёнида почтачи велосипедда тепаликка чиқаётганини кузатиб турарди. Уларнинг Сприт-Мэншенс деган буюк номли мавзеси ботартиб Виктория даврига хос хонадонлар учун қайта қурилган уч қаватли уй – Криклвудда Гондар-Гарденс бурчагида турарди, у ердан Лондоннинг деярли ярмини: темир йўлни ва унинг орқасидаги Вестминстернинг текис чизиқ билан ётган Килберн-Хай-Роудни кўриш мумкин эди.

Кичкинтой Питер унинг ёнида турганча деразадан мўраларди. У ота-онаси ёнига яқиндагина Глостер атрофидаги фермадан эвакуациядан қайтиб келганди. У йўклигига отаси билан онаси янги туғилган синглиси Жоан билан Лидсдан кўчиб кетиб, Лондондаги мана шу унча катта бўлмаган хонадонга жойлашишганди. Питер онаси учун деярли хорижлик – туғилиши ва тилига кўра ҳакиқий британиялик эди. Эдит билан Рихард британияликлар олмонларга душманлигидан хавотирланиб, ҳатто уйда ҳам фақат инглизча сўзлашар эдилар.

Почтачи велосипедини бута ёнида қолдириб, почта кутиси тешигига бир нечта хатни ташлади. Эдит пастга тушиб, уларни гиламчадан олди; бошқа яшовчилар манзилларига жўнатилган хат жилдларини вараклай туриб, “Фрау Эдит Кляйман” деб ёзилган бир хатга кўзи тушди. Унда Лидсда мисс Бростов уйидан бошлаб, бир нечта устига чизик тортилган манзиллар бор эди. У хатни шошилиб очди.

Питер онаси зинадан қандай югуриб чиқаётгани ва ҳансираганча унинг отасини чакираётганини эшилди. Питер онасининг нимадан хурсанд бўлиб кетганини тушунмасди; Эдит отасининг тириклигини қайта-қайта тақрорларди. *Тирик.* Бунга деярли ишониб бўлмасди. Шу пайтгача у оиласи билан нима бўлганини билмасди; Курд опасига отасининг Фриц билан Бухенвальдга тушганини айтганди – шу билан бўлди. Ҳамма Бельзендан даҳшатли репортажларни кўрган, Би-Би-Си эшилтиришларини эшилганди – қаранг-а, ахир унинг отаси ўша ерда бўлган экан ва у тирик қолибди!

Эдит дарҳол Курдга ёзиб юборди. Ўз томонидан судъя Барнет уларга отаси билан боғланишларига кўмаклашиш учун имкондаги барча алоқаларни ишга солди. Ҳафта кетидан ҳафта ўтди, лекин Густавдан бошқа хабар келмади. У ўзи ҳақида хабар юбориб, ўша заҳоти изсиз йўқолгандек туюларди.

* * *

Америка армияси озод қилгандан кейин Маутхаузен ва Гузенда омон қолганларни тиббий ёрдам билан таъминлади. Мингларча асиrlарни қутқаришнинг иложи бўлмади, улар биринчи кунлардаёқ ҳаётдан кўз юмдилар.

Фриц Кляйнман жуда оғир ахволда бўлишига қарамасдан, хаётга маҳкам тирмашишни давом эттираётган сафида эди.

Тиббий кўриклар бошланган чоғда, у билан америкалик зобит гаплашиб қолди, у ҳам Венада, Леопольдштадтда туғилганини айтиб қолди. Ҳамشاҳари билан учрашганидан севиниб кетган зобит Фрицга биринчи навбатда эвакуация килиниши керак бўлганлар орасидан жой берди.

Фрицни Жанубий Бавариядаги ҳашаматли, кўхна шаҳар – Регенсбургда жойлашган Америка ҳарбий госпиталига олиб боришиди. Унинг бу ерга келиши Германиянинг капитуляцияси хақидаги янгилик билан тўғри келиб қолди. Гитлер билан Гиммлер ўлган, Европада уруш тугаганди.

107-эвакуация госпитали Реген дарёси Дунайга қуйиладиган жойда, дарё бўйидаги чодирлар ва баракларда жойлашганди. Госпиталга тушган вактда Фриц атиги 36 кг вазнда эди. Унга беш ярим йил ажалдан қочишига кўмаклашган даҳшатли, айтиб бўлмайдиган, кутилмаган тасодифлар занжири, охирида уни гўрга киритишига оз қолди.

Госпиталь чодирида каравотда ётаркан, 1938 йилнинг ўша март кунида Люфтваффе самолётларидан Венага варакалар қор каби ёқканда бошланган ҳодисалар ниҳоясига етаёттанини англай бошлади.

Барibir, ҳозирча унчалик эмас. Ўшанда бошланган унинг йўли Венага қайтгандагина, уйининг нима бўлганини, энг муҳими, отаси тириклигини билган чоғдагина тугайди. Бу йўл токи Фриц яшар ва унинг хотираси ўчмас экан, ҳеч качон тугамайди. Ўликлар ўликлигича қолади, тириклар яшашда давом этади, уларнинг рақамлари ва тарихлари абад-ул абад мемориалга айланади.

Келажакнинг ўзи ҳакида ўзи қайғуришига қўйиб, Фриц бор эътиборини ўзининг тузалишига қаратди. Шифокорлар унга маҳсус овқатланишни: печенье, сутли пудинг ва умуммустаҳкамловчи воситаларни тайинлашди. Фриц икки ҳафтада ўн килограмм вазн орттириди. Унинг вазни ҳали ҳам меъёридан анча кам эди, лекин у мустакил юра олиши учун етарли даражада қувватга кирди ва тезрок уйига қайтишини орзу киларди. Госпиталь янги жойга кўчар, шу боис унинг илтимосини қондириб, уйга кетишига жавоб беришди. У Регенсбург шаҳар кенгашига мурожаат қилиб, фуқаролар кийимини олди ва Австрияга борадиган транспортга ёзилди.

Май ойининг охирларида Фриц Линцдан ўтиб, Гузен билан Маутхаузендан қарши томондаги Дунайнинг жанубий соҳилига етиб борди. Санкт-Фалентинда у поездга чиқди. Яна худди ўша йўналиш: Амштеттендан, Блинденмаркт ва Санкт-Пёльтен. Бироқ бу сафар ҳеч қандай таъкиблар йўқ эди.

Нихоят, 1945 йил, 28 май, душанба куни Фриц Венада вагондан тушди; Кляйнман жонажон шахрини ташлаб, поездда Бухенвальдга кетганидан буён роппа-роса беш йил, етти ой, йигирма саккиз кун ўтибди. У ўша ўзи жўнаб кетган Вестбанхофдаги вокзалга етиб келди. Кейинроқ Фриц ўша поездда кетган 1035 яхудий эркаклардан атиги 26 нафари омон қолганини билди.

Вена жанглар боришидан Берлин сингари унчалик шикастланмаганди. Куршов қисқа бўлди ва шаҳар унчалик вайрон этилмади. Баъзи мавзелар умуман шикастланмаганди. Бироқ Фриц энг кўп зарар етган ҳудудлар бўйлаб ўтиб, унга гўёки Вена вайрон бўлиб кетгандек туюлди. Кечқурун, кўчаларга илиқ ёзги қоронғилик чўкаётганда, у Дунай каналига етиб борганди. Леопольдштадт томонидаги бинолар бомба ҳужумидан қаттиқ талофат кўрибдилар. Бир вактлар чиройли

жой бўлган Зальцгор кўпригидан факат кирғоқда туртиб чиқиб қолган синиқ қисмигина қолган эди, холос. Фриц дарёни бошқа жойидан кесиб ўтди ва ниҳоят, Кармелитмарктга келиб қолди.

Пештахталарни олиб ташлабдилар, тош йўл бўум-бўш, ҳаммаси ўша қадимги оқшомлардагидек кўринарди; бир вақтлар болалик чоғларида бу ерларда дўстлари билан кувлашиб ўйнар, латтадан ясалган тўпни тепишиб, полициячидан қочишарди, устунларга чиқишига ижозат бермайдиган фонарчилар устида хиринглаб қулишарди. Унинг ёдига қандолат дўконидаги кремли пирожнийлар, пушти вафли, ноннинг четлари ҳамда колбаса кесилмалари тушди; яхудий ва яхудий бўлмаган, елкама-елка савдо қилувчи дўконлар эгалари то уларнинг фарзандлари биргаликда ўйнарканлар, ғазаб ва душманлик қилишни билмай, гуллаб-яшнардилар. Энди мазкур бозор ахлиниң ярми ғойиб бўлганди: Освенцим печларида кулга айланишди, Вистула сувлари остига ташланишди, Кичик Тростенецда арча игналари билан қопланган ер остида суюклари қолди ёки бутун дунё бўйлаб – Палестина, Англия, Америка, Яқин Шарққа сочилиб кетишишди. Фриц сингари бир сиқим аҳолидан бошқа, улардан ҳеч ким Кармелиттермарктга қайтмайди.

Фриц Им Верддаги эски кўп хонадонли уй ёнига бориб, йўлак эшиги қулфлиги кўриб, ҳайрон бўлди. Совет ҳокимиияти кеч соат саккиздан комендант соати жорий қилганди. У эшикни мушти билан тақиллатди ва эшик очилганида ўзига таниш консьерж аёл фрау Циглерни кўрди. У ҳайрат-ла лол қолиб, Фриц билан сўрашди. Улар – ота-ўғил аллақачон ўлиб кетишганига ҳамманинг ишончи комил эди.

Аёл уни ичкарига киритди, лекин уларнинг хонадонига эмас, у ерда энди уйи бомба остида қолган бошқа одамлар яшардилар. Кляйнманлар яшовчилар рўйхатида энди йўқ эдилар.

Фриц Венадаги биринчи тунни фрау Циглернинг уйида ўтказди. У эрталаб уйғонгач, күчага чикқанида, унинг қайтгани хақидаги янгилик бутун мавзе бўйлаб тарқалганидан боҳбар бўлди. “Кляйнманларнинг ўғли қайтибди”, дейишарди одамлар бир-бирларига ҳайратланиб.

Ўша куни эрталаб у Ольга Стейскал ва отасининг бошқа дўстлари билан кўриша олмади, бироқ Олли яшайдиган уй бошлиғи Йозефа Хиршлер билан тўқнашиб қолди. У Фриц билан илик сўрашди ва уни ўзи ҳамда улар қачонлардир дўст бўлган фарзандлари билан бирга нонуштага таклиф қилди. Бутун Австрия бўйлаб саёҳатидан кейин у жуда кирланиб кетганди, шу боис Йозефа уни орқа ҳовлига ювениб келишга юборди. У ерда Фрицни иссиқ сувли тоғора кутарди.

Фриц юз ва бўйинларини ишқаб юваркан, ўзининг янги хаёти бошланаётганини сезарди. Бироқ бу ҳаётида у буткул ёлғиз, оиласиз эди. Укаси – Америкада, опаси – Англияда, онаси билан Герта йўқолиб қолишиди, ҳойнаҳой, шарқда ҳалок бўлишгандир... Отасидан ҳам унча умид қилолмасди – улар айрилаётгандарида у ўлим остонасида турарди. *Сен отангни унумтишинга тўғри келади...* Наҳотки Роберт Сивертнинг сўзлари энди, йўлнинг энг охирида ахири амалга ошади? Мабодо қандайдир мўъжиза туфайли отаси омон колган бўлса, у ҳолда у хозир қаерда?

* * *

Густав Бад-Фаллинбостельда яхши жойлашиб олганди; унинг иши бор эди, яхши овқатланарди. У Аахендан келган олмон аёл билан танишиб олган эди, у Густавни егуликлар билан сийларди. Густав асирикда бўлган серб армияси зобитлари учун рюкзаклар тикарди; уларни яхши таъминлашарди ва серблар сигаретларини у билан бўлишардилар.

“Ўзимни анча бакувватрок сезяпман, – ёзарди у, – бироқ, Экодир Худойим, Венада, ўғлим ёнида бўлиб қолишни қанчалик истардим”. У Фрицнинг поезддан сакраб, уйга етиб олганига бир сония ҳам шубҳаланмаганди.

Фаллингбостелга анчагина олмонлар келиб ўрнашиб колганди, секин-аста улар жамиятга бирлашдилар. Уруш расман тугаганидан кейингина, Густав ўзининг янги дўстлари билан кайтиб кетиш учун узоқ йўлга отланди.

Улар ўрмон қоплаган тоғли тепаликлар орқали Хильдесхайм томондан жануб сари секин юрганча, йўлда дуч келган ерда овқатланиб ва ухлашарди. Густавга шошилмасдан, эркин ва гўзал манзаралардан хузурланиб харакатланиш ёқарди. Альфельд шахарчасида у Бухенвальдда асир бўлган эски танишини учратиб қолди, у ҳозир маҳаллий полиция бошлиғи экан. Густавнинг кандай узоқ йўл юришга чоғланганини эшитиб, у велосипед берди.

Уларнинг экспедиция тезлиги бироз ошди ва 20 марта саёҳатчилар гурухи Саксониядаги Галле шахарчасига етиб боришли. У ерда Густав Моновиц ва Бухенвальддаги кўпгина дўстлари билан учрашли. Улар орасида Фрицнинг содик ўртоғи ва устози Роберт Сиверт ҳам бор эди; у лагерлардан омон қолиб, бу ерда коммунистик партияни тиклаш учун жонажон шахрига қайтганди.

Галле концлагер собиқ маҳбусларининг ўзига хос учрашув жойига айланиб қолганди ва Густав ўша ерда бир муддат қолишга қарор килди. Улар яхши ҳаёт кечиришга шароитлар ва яхши овқат билан таъминлангандилар. Бундан ташкари, шаҳарда Австрия қўмитаси бор эди. Роберт Сиверт Бухенвальддаги ҳаёт шароитлари ҳақида оммавий чикишлар килди, бу билан ўз

ҳәётининг охиригача лагерлар ҳақидаги хотираларни саклаш вазифасига тамал тоши кўйди.

Галледа бир ой яшагач, Густав йўлга тушди. У велосипедда Бавария бўйлаб учиб бораркан, табиат гўзалликларидан завқланарди. “Бу жуда ажойиб ўлка, – деб ёзарди у ўзининг тўхташ чоғларидан бирида. – Атрофда тоғлардан бошқа ҳеч нима йўқ. Мен ўзимни гўё қайтадан туғилгандек хис қиляпман”.

Июнь ойи охирроғида улар Регенсбургга етиб боришли, 2 июлда эса, Густав ўзининг велосипедида Дунайнинг Пассау кўприги орқали кесиб ўтиб, Австрияга туш вактида черков кўнғироқлари садолари остида кириб келди.

Кечки пайт қоронги тушиб, жала қуйиб турганида, австрияликлар Линцга боришли. Тунаш учун жой излашга анча кеч бўлиб қолгани боис, улар бомбадан сакланадиган жойда қолишидди. Уларда озиқ-овқат карточкалари етарлича эди ва шаҳарда бир неча кун бўлишидди.

Гарчи оёқлари остида ўз қадрдан ери бўлиб, Венага поездда етиб олишга ҳеч нима халал бермаса ҳам, Густав яна иккиланиб қолди. шундай узок йўл босиб келиб, у бирдан шошилишни хоҳламаётганини хис қилиди. У ҳаётдан лаззатланарди, гарчи кундалик дафтарига буни ёзмаган бўлса-да, лекин уни уйида қандай қайғули янгиликлар кутаётганини тасаввур қилиб, қалбининг туб-тубида хавотирланарди. Нафақат Тини билан Гертага нима бўлгани ҳақидаги рост гаплар, балки унинг энг асосий умиди барбод бўлиши ҳам уни безовта қиласарди. Агар Фриц у ерда бўлмаса-чи?

Унга хаммадан кўпроқ эркинликни хис қилиш ёқарди. Узок йиллар ичida нафақат лагерларда, балки умуман ҳаётида биринчи марта Густав мутлақо эркин эди: жавобгарликдан,

ташвиш ва қўркувлардан озод, ўзи хоҳлагандек иш кўрар, ҳеч ерга шошилмас, манзаралардан завқланар ва гулларни хидларди.

Кунлардан бир кун, ажойиб об-ҳаводан фойдаланиб, у бир ҳамроҳи билан токқа чиқиб, кун бўйи ўша ерда бўлди. Тўсатдан улар Маутхаузен қишлоғига боргилари келиб қолди. У ерда яна бир лагерлик таниши Вальтер Петцольд ҳозир полиция бошлиғи бўлиб ишларди. Улар тоғ тепасига тирмасиб чиқиб, юқоридан бўшаб қолган концентрацион лагерга карашди, у аввалгидек атрофи ғишт девор билан тўсиленганча турарди. Густавга Освенцим поездини буриб юборишган жойни кўриш кизиқ эди. У Фрицни шу ерда уч ой ўтказгани ва ўлишига бир баҳя қолганини билганида эди, лагерга бутунлай ўзгача ҳислар билан қараган бўларди.

11 июлда Густав америкалик худуддан советларникига “яшил ҳудудни” кесиб ўтди. Руслар унинг фикрича “концлагерлар собиқ асиrlарига нисбатан жуда эҳтиромли бўлишди”. Июль ва август ойларини у марказий Австрияда ўтказди ва кузнинг бошларида гина ўз велосипедини эгарлаб, сўнгги йўлни босиб ўтишга аҳд килди.

Сентябрь ойининг илиқ кунида Густав Кляйнман Венага кириб келди. У вайронгарчиликни, таниш жойларни кўрди.

Кармелитермаркт ҳеч қаерга кетмабди. Им Верддаги уйлар ҳам ўша-ўша эди, унинг 11-рақамли биринчи қаватдаги эски устахонаси жойлашган уйни ҳозир бошқа одам эгаллаб турган бўлса ҳам, жойида турганди. У 9-уйга қараб одимлади, иккинчи қаватга чиқиб, Оллининг хонадони эшигини тақиллатди ва у эшикни очди – унинг энг содиқ дўсти, – унга ҳайрат билан тикилиб қолди, кейин эса ўзига келиб, хурсанд бўлганча сўрашиб кетди.

Унинг тилида биргина савол айланарди, бу ўша заҳоти ҳал бўла қолди. Густав ҳаммадан кўпроқ кўришни орзу қилган ўша одамни топди, у худди мана шу уйдаги бир хонадонда ёлғиз яшарди. Ўзининг фахри ва қувончи, азиз ўғли Фрицни Густав бағрига маҳкам босди ва улар иккиси ҳам йиглаб юборищди.

Улар уйда ва яна бирга эдилар.

ЭПИЛОГ

Вена 1954 йил, июнь

Америкалик аскар Дунай канали соҳилида турганча Леопольдштадтга қаарарди. У енгида 1-класс оддий аскар белгиси бор чиройли формада эди. У биринчи пиёда дивизиясида хизмат киларди. Бу аскар 1944 йилда ҳали мактабда ўкирди. Энди баланд бўйли, кўркам бу йигит Америка ҳарбий хизматчисининг рисоладаги образини ўзида акс эттирган эди. У хизмат қиладиган қисм Баварияда турар ва бир ҳафталик таътилидан қачонлардир ўзи туғилган Венада бўлиш учун фойдаланган эди.

Шахар бир вактнинг ўзида ҳам таниш, ҳам нотаниш кўринарди: у секин-аста яраларини тузатганча ҳаётга қайтарди. Аскар совет НТП (назорат текширув пункти) га бориб, хужжатларини кўрсатди. Уни ўтказиб юборишиди ва ота-онаси 1917 йилда турмуш куришган Империя даврининг баҳайбат казармалари ёнидан ўтди.

Кўпгина таниш бинолар вайрон бўлган, айримлари таъмирлашни кутиб турарди. Лекин Леопольдштадт худди аввалгидек таниб бўладиган эди. Ўша вактдан буён ўзи ҳам, унинг ҳаёти ҳам қанчалик ўзгариб кетди-я! Мактабдан кейин у коллежга кириб, фармакологияни ўрганди, 1953 йилда эса, армияга чақирилди – оддий аскар Курт Кляйнман. Ниҳоят, ортига қайтди ҳам.

Курт энди америкалик эди. Унинг оиласи ўша ерда – унга ростмана яқин бўлиб қолган Барнетлар билан яшарди, шунингдек, Эдит ҳам Коннектикутга кўчиб борганди.

Улар Рихард билан урушдан кейин уч йил Лондонда яшадилар, лекин ниҳоят, Америкага кўчиб боришига қарор қилдилар. Палтенхофферлар америкача ҳаётта тезда мослашиб

кетишиди. Саккиз ва олти ёшли Питер билан Жоан “оксфорд шевали” инглиз болалари эди, лекин бу узоқ давом этмади. Махаллий жамиятта киришиб кетиш учун жиддий максад кўйган Палтенхофлерлар фамилияларини Паттен деб ўзгартирдилар ва шу йили, Курт Европада армия сафида хизмат қилаётган чоғда, АҚШ фукаролигини олишди.

Обер-Дона штрасс, кейин Гросс-Шиффгасс кўчалари бўйлаб юрган Курт йўлни жуда яхши эслаб қолганига ҳайрон бўларди. Мана ўнгта таниш бурилиш, кейин чапга ва унинг олдида аввалгидек қатор расталари, марказдаги соатли минораси, савдо дўконлари ҳамда Леопольдгассе билан Им Верддаги кўп хонадонли уйлари билан Кармелитермаркт очилади. Ҳаммаси худди олдингидек эди.

Гарчи Курт туғилган шахрини таниган бўлса ҳам, лекин ўзи бу ерда бегона эди. Бегоналиги унинг ўзга тилда сўзлашишида ҳам сезиларди.

Курт зинапоядан юкорига чиқиб, Ольганинг хонадони эшигини тақииллатди. Унга эшикни отаси очди. Густав ёши улуғлашиб, юзига ажин тушиб, сочига оқ тушган, бирок унинг ихчам, чўзинчоқ чехраси илгаригидек таниш табассумдан ёришиб турарди. Уйда Ольга ҳам бор эди, уларнинг ажойиб, садоқатли Оллиси. Энди у Куртнинг ўгай онаси, фрау Кляйнман эди.

Ўша йил ёзда Курт улардан бир неча марта хабар олди. Ошхонада, стол атрофида – Густав билан Олли, Курт ва Фриц – тўрттовор гаплашиб ўтиришар, гаплари сира тугамасди. Курт олмон тилида бир амаллаб тушунтира билса ҳам, бемалол гаплаша олмасди.

Кўлдан чиқиб кетганни қайта тиклаш осон эмас экан. Отаси лагердаги ҳаёти ҳакида гапиришни хоҳламасди, Курт билан

Фрицнинг орасидаги муносабатлар ҳам жуда ўзгариб кетганди. Америкада ўсган Курт акасининг коммунистик қараашларига карши эди. Фриц бундай ғояларга секин-аста, отасининг социализм ғоялари таъсирида ва лагердаги қаҳрамонлари Робер Сиверт ва Стефан Хейманлар эътиқодлари асосида келганди. Советлар назоратидаги урушдан кейинги Австрияда оддий ишчи ҳаёти унинг бу ғояларини мустаҳкамлади. Диний дунёқараашда ҳам фарқ бор эди: уларнинг оиласида, Куртдан ташқари, ҳеч ким диний қоидаларга риоя қиласди, Фриц эса, Освенцимдан кейин умуман диний эътиқодидан воз кечди.

“Биз сиёsat ва дин ҳақида гаплашмаймиз”, – деди Густав ва улар нейтрал мавзууларга ўтишди.

* * *

1945 йил Венага қайтгач, Густав билан Фриц мослашиш муаммоларига дучор бўлишди. Бомбалар хужумидан вайрон бўлган ва Советлар ҳокимияти назорати остидаги Венада ҳатто турар-жой топиш ҳам осон эмас эди. Густав Олли Стейскалнинг хонадонида қолди, 1948 йилда эса, унга уйланди ва ўшанда ўз мебел устахонасини янгитдан очди.

Антисемитизм ҳеч қаерга ғойиб бўлмади, у яширин фаолиятини давом эттиарар, шивир-шивирлар билан чекланарди. Венада 1938 йил март ойида 183 минг яхудийдан учдан икки кисмидан ортиқ одам эмиграцияга: ўттиз бир минги Британияга, йигирма тўққиз минги АҚШ га, ўттиз уч минги Жанубий Америкага, Осиё ва Австралияга, тўққиз мингдан қўпроғи Палестинага кетди. Европа мамлакатларига эмиграция қилинган йигирма бир минг киши, кейинчалик нацистлар ҳукмронлиги остида қолиб, ҳаммаси Венадан депортация қилинган 43421 яхудий билан бирга, Освенцим, Лодзь, Терезиенштадт ва

Минскка ҳамда Фриц билан Густав каби мингларчаси Дахау ва Бухенвальдга жўнатилганди.

Холокостдан кейин Венада камсонли яхудий жамияти қолганди. Синагогалар йўқотилган ва вайроналарга айлантирилганди; улардан кейинроқ бир нечтасини тиклашга муваффак бўлишди. Улардан бири болалигида Курт қўшик айтган кўхна яхудийлар мавзеидаги Стадтемпель синагогаси эди.

Фриц бошида соғлиғи ёмонлиги туфайли ишлай олмади ва ногиронлик нафақасига яшади. Улар отаси билан иккиси Куртни нима қилишни муҳокама қилишарди. Уни уйга қайтариш керакми ёки йўқ? У ҳали жуда ёш, албатта, ва уни жуда соғинишяпти. Лекин у бу ерда нима қиласди? Онаси ўлиб кетди, отаси қари ва камбағал. Улар ҳаммасини қандай бўлса, шундайлигича қолдиришга карор килишди. Густав билан Фриц кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, энди аввалги вақтдагидай бир-бирига суюниб яшардилар.

Ўша урушдан кейинги йилларда Альфред Воехер билан танишганлари уларга катта кувонч келтирди. Жасоратли, довюрак олмон Рейх учун сўнгги қақшатқич жанглардин омон қолиб, ўзининг Освенцим бўйича эски дўстларини Венада топди. У бир неча марта уларни кўргани келди. “Концлагер маҳбуслари бўлган бизга нисбатан Воехер ўз бурчини рўйи-рост бажарди, – дерди Фриц, – у туфайли биз ўз кучимизга ишончни сақлаб қолдик ва шу туфайли Освенцимда тирик қолдик. Бунинг учун у мукофотлар олмади. Ва биз, собиқ асиirlар, унинг олдида қарзормиз”.

Отаси лагерларда кўрган-кечиргандарини хотирасидан ўчиришга уринган вақтда, Фриц аксинча, доимо бошидан кечгандарини газаб билан эсларди. У ҳозиргача Венада яшаб юрган собиқ нацистларнинг барчасига нисбатан нафрати

ловуллаб ёнарди. У ортидан отаси ҳакида шивирлашиб: – эшиитдингми, яхудий Кляйнман яна шу ерда экан, – деганларини эшитарди. Гарчи Густав ўша собиқ коллаборационистлар билан тинч муносабатларни йўлга кўйишга уринса ҳам, Фриц нацизмни қўллаб-куватлаган кишилар билан ҳатто гаплаша олмасди ҳам. Улар ҳеч нимага тушунмасдилар, уларни қачонлардир СС га чақиб тутиб берган қўшнилардан бири Густавга ҳатто: “Сенинг ўғлинг биз билан саломлашмайди!” деб шикоят ҳам килди. Холокост тўғрисида шунчалик индашмасдики, ҳатто ўша одам қандай зулмларга дучор этганини ўзи ҳам англамасди.

Баъзан вақти-вақти билан ёш яхудийлар коллаборационистларга ҳужум қилиб туришар, унда Фриц ҳам қатнашарди. Улар мавзеидаги бир оқсусяк Сепп Лейтнер, 89-вена СС-штандарти таркибида туриб, Биллур тунда синагогаларни вайрон этишда иштирок этганди. Фриц Лейтнерга ҳужум қилиб, урибди. Полиция уни муштлашув учун хибсга олди, бироқ совет ҳокимияти фашистларга қарши бундай интиқомларни ёқлаб, уни озод этишга фармойиш беришди.

Фриц унинг мамлакати қандай бўлиб қолгани билан чиқишлоғасди, у Бухенвальдда сиёсий маҳбуслар келажакка қандай режалар тузишларини, нацизмдан кейин демократик социалистик утопияни хаёлан тасаввур этишарди ва Фриц айнан шу ҳакда орзу қиласди. 1955 йилда Австрия яна мустақилликка эришгандан кейин вазият яхшиланди, лекин ишчилар учун жаннатдек ҳаёт келмади. Фриц кечки мактабда ўқир ва касаба ўюшмалари фаоли эди. Унинг оиласвий ҳаёти муваффакиятсиз бўлди; у икки марта уйланиб, Питер исмли ўғил кўрди ва Эрнст деган ўтгай ўғли бор эди.

Густав эса ўз ишини тиклаб ололгани ва Оллига уйланганидан хурсанд эди. 1964 йилда у 73 ёшда нафақага чиқди. Улар Олли билан Америкага боришли. Гарчи Густав инглизчада

битта ҳам сўзни тушунмаса-да, унинг бешта америкалик набираси ва уч абираси бор эди. Сувратларда у кичкинтойларни тиззасига ўтказиб, оила меҳри билан яна куршаб олинганидан мамнун жилмаярди.

Густав Кляйнман 1976 йил 1 майда, 85-туғилган кунига 1 кун етмай, дорулбакога рихлат этди. Ўлими олдидан у оғир касал бўлди, лекин ўша руҳий куч туфайли энг сўнгги онгача ўзини тутди.

Икки йил ўтгач, хали 60 га тўлмаган Фриц муддатдан олдин нафақага чиқишига тўғри келди. Освенцимнинг гестапо казематларидағи кийноклар унинг орқасини шикастлаб, бир нечта жарроҳлик амалиётлари ўтказилганига қарамасдан, бир қисми шол бўлиб қолди. Бироқ у отаси каби ички кучи мавжудлиги боис, узоқ умр кўрди ва 2009 йил 20 январда 85 ёшида вафот этди.

* * *

Агар Густав Кляйнман Холокост ҳақида унтишни хоҳлаган бўлса, Фриц эса, аксинча, у ҳақида хеч қачон унутмасликка ўзига сўз берди. Урушдан кейин иттифоқчилар нацистлар раҳбарларини 1945-1946 йилларда Нюрнбергда ва 1945-1947 йилларда Даҳауда суд қилдилар. Кўпларни қатл қилдилар ёки қамадилар, халқаро хукуқда эса геноцид ва инсониятга қарши жиноят тушунчалари пайдо бўлди. Бироқ ушбу процесслар тугагандан кейин нацистлар жиноятларига, айниқса, Германиянинг ўзида жимжитлик соя солгандек бўлди.

Эҳтимол, нацистлардан азият чеккан кишилар шу тариқа ўтмишдан тўсилмоқчи бўлишгандир. 1950 йил охирларида ёлғон маълумотлар билан бокилган авлод етишиб чиқди: кўп яхудийлар шунчаки иммиграция бўлишгани, урушда иккала

тарафдан зўрлик бўлиши табиий холлиги, нацистлар шафқатсизликда иттифоқчилардан қолишмаганликлари ҳақидаги ёлғонлар урчиб кетди. Бу ёш олмонлар Холокост ҳақида ҳеч нарса билишмаган, Освенцим ва Собибор, Бухенвальд ва Бельзен номларини умуман эшитган бўлсалар ҳам, улар ҳақида кам гапириларди. Эсэс қотилларининг кўпчилиги озодликда қолишибди ва кўплари ҳозиргача Германияда яшайдилар.

1963 йилда вазият ўзгарди, ўшанда Франкфуртлик адвокат – яхудий Фриц Бауэр Аргентинада Адольф Эйхманни излашда иштирок этиб, Освенцимда зўрлаш актларида айбланган 22 нафар собиқ эсэс аъзоларига қарши иш бошлиди. Франкфуртдаги суд процессида собиқ 200 маҳбуслардан 90 таси яхудий эди. Улар орасида Густав билан Фриц Кляйнманлар мавжуд бўлиб, улар айблов томонидан 1964 йил апрель май ойларида ёзма кўрсатмалар беришибди, шунингдек, жараёнда Стефан Хейман, Феликс Ратуш ва Густав Херцог ҳам гувоҳлик беришибди. Судланётган орасида лагерь гестапоси аъзолари, блок-фьюрерлар ва маъмурият ходимлари бор эди. Айримларни окладилар, қолганлар уч йилдан то умрбод қамоқ жазосига ҳукм килиндилар.

Бироқ бу алоҳида ҳукмлардан кўра анча муҳимроғи, Франкфурт жараёнлари – 1961 йилда Иерусалимдаги Эйхман жараёни билан бирга – Германиянинг кўзини очишига мажбур қилдилар ва ҳамда бутун дунёга Холокостни унутиб бўлмаслигини эслатиб кўйдилар.

Фриц Кляйнман ҳам, шунингдек, бу ишга ўз ҳиссасини қўшди. 1987 йилда унинг дўсти, австриялик сиёсатчи Рейнгольд Гартнер таклифига кўра, у Освенцим-Биркенауга илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун жўнаб кетаётган гуруҳ қаршисида лагерлардаги ўз ҳаёти ҳақида оммавий маърузаси

билин чиқиши килди. У билан бирга яна уч нафар собиқ маҳбуслар сўзга чикишди.

“Ўшандан бир неча кун олдин ухломай чиқдим; лагерь ҳаёти лавҳалари кўз олдимда одатдагига нисбатан янада жонлироқ ўтарди”. Ўша ҳодисанинг ўзи – Венадан келган актёр унинг отаси кундалигидан парчалар ўкиётганида – Фрицни ва бутун аудиторияни оғир изтиробга солди. У ўн йил давомида ўз сўзларини янги гурухлар қаршисида такрорларди.

Йигилиб қолган хотираларини тўплаб, Фриц қиска мемуарлар ёзди, кейинроқ уни китоб килиб чиқарди. Ўн йилликлар ўтиб бораарди, лекин у ўз халқини зулм ва зўрликка мубтало қилганларни ёмон кўриб, улардан нафратланиш ва унинг омон қолишига кўмаклашган: Роберт Сиверт, Стефан Хейман, Лео Мозес ва бошқаларни қаттиқ яхши кўришни давом эттиарди. У доимо ўзида сақланиб қолган кам сонли эски хужжатларни қайта кўриб чиқарди. Улар орасида онаси кичик Тростенецга жўнаб кетишидан олдин қариндошига бериб кўйган 1939 йилдаги оиласи билан тушган ва 1940 йилда Бухенвальдда олинган сувратлар бор эди.

Унда яна кундалик дафтар бор эди. Отаси Фрицга унинг мавжудлигини Венада қайта топишганларидан кейин гапириб берганди. Титилиб кетган муқова остида саҳифалари сарғайиб, сиёҳи эса оқариб қолганди, лекин у отасининг ёзувини яхши танирди: “Бухенвальдга 1939 йил 2 октябрда етиб келдим...” Фрицнинг кўз ўнгида лагердаги воқеалар жонланарди. Тош кони, тош солинган вагонеткалар, уларни рейслардан юқорига итариш, лойга қоришган мурдалар, соқчига ташланиб, кўксидан ўқ билан яраланиб кулаган асир, гестапо бункеридағи кийноклар, бўғимлардан қайрилган кўллар, кафтдаги “Люгер”нинг оғирлиги, Гляйвиц – Амштеттенга бораётганда очик вагонда музлатувчи совук...

Охир-оқибат Кляйнманлар оиласи нафақат омон қолишиди, балки яна түкин-сочинликка эришди; жасорат, меҳр, бирдамлик ва анчагина омад улуши туфайли уларни йўқ қилмокчи бўлганлардан узокроқ яшадилар. Улар ва уларнинг авлодлари ўзидан кўпайиб, кейинги авлодларга уларнинг оғир вактларда бардош қилишларига кўмақлашган меҳр билан садоқатни бердилар. Ва мана шу қаттиқ ўтмишни улар ўзлари билан бирга абад-ул абад олиб кетишиди. Тириклар келажакда бунга ўхшаган воқеалар содир бўлишига ҳеч қачон йўл кўймаслик учун тириклар ўтганларни доимо эсда тутишлари зарур.

МУНДАРИЖА:

Муаллиф сўзбошиси.....	3
Курт Кляйнманнинг сўзбошиси	6
Муқаддима	8
<i>Биринчи қисм</i>	
ВЕНА <i>Етти йил муқаддам...</i>	
“Яхудийлар қони пичоқдан томган чоғда”.....	11
Халқ хоинлари	38
<i>Иккинчи қисм</i>	
БУХЕНВАЛЬД	
Кон ва тошлар. Бухенвальд концентрацион лагери	55
Тошмайдалагич	75
Ҳаётта қайтиш	86
Ижобий қарор	105
Янги Ёруғлик	124
Яшашга Нолойик	138
Мингларча ўпичлар	159
Ўлим сари борувчи йўл	184

Учинчи қисм

ОСВЕНЦИМ

Освенцим номли шаҳарча	196
Освенцим-Моновиц	218
Яхудий Густав Кляйнманнинг тамом бўлди.....	228
Қаршилик ва ўзаро ёрдам: Фриц Кляйнманнинг ўлими	243
Нотанишлар яхшилиги	269
Уйдан йироқда	288
Кураш ва хоинлик	305

Тўртинчи қисм

ОМОН ҚОЛИШ

Ўлим поездি	327
Маутхаузен	344
Охир замон	360
Уйга элтувчи узоқ йўл	379
Эпилог	389
Мундарижа	398

Отасининг ортидан Освенцимга кетган бола

ББК 821.00 01

УДК 321. 33. 01

ИСБН 978-9943-7551 8-5

**Жереми Дронфилд «Отасининг ортидан Освенцимга кетган бола» / «ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ» нашриёти, Тошкент 2021,
400 б.**

Дизайнерлар: Д.Личагин, У.Намозбоев

Мухаррир: Баҳодир Султонов

Таржимон: Гулчехра Сагдуллаева

Нашриёт лицензия № АI 274.15.06.2015.

Теришга 28.08.2021йилда топширилди.

Босишга 23.09.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими: 60x84 1/16.

Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 26.

Нашр б.т. 26 Адади: 3000

Буюртма № 68. Баҳоси шартнома асосида.

“ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ” нашриёти,

111302, Тошкент вилояти

Паркент шахри, Сой бўйи кўчаси, 7-уй.

“ADAD PLYUS” босмахонада чоп этилди.

Тошкент шахар, Бунёдкор кўчаси 28-уй.